

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожига алоҳида ўрин тутди. Улуғ шоир ўзининг шеърӣ ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.


Жонажон Ватанимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК



“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ - 2022

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎН САККИЗИНЧИ ЖИЛД

*** **

Шухрат СИРОЖИДДИНОВ

НАВОИЙ ЗАМОНДОШЛАРИ
ЭЪТИРОФИДА

*** **

НАВОИЙ НАВОСИДАН БАҲРА ОЛИБ...

*** **

АЛИШЕР НАВОИЙ
*Манбаларнинг қиёсий типологик
текстологик таҳлили*

*** **

АЛИШЕР НАВОИЙ АҚИДАЛАРИ

*Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади*

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ


Муслиҳиддин Муҳиддинов, Муҳаммаджон Имомназаров,
Сирожиддин Саййид, Иброҳим Ҳаққул, Шухрат Сирожиддинов,
Баҳром Абдуҳалимов, Мирзо Кенжабек, Жаббор Эшонқул, Нурбой Жабборов,
Афтондил Эркинов, Исажон Султон, Ваҳоб Раҳмонов, Шухрат Ризаев,
Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов,
Султонмурод Олим, Каромат Муллахўжаева

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов,
Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ

**НАВОИЙ
ЗАМОНДОШЛАРИ
ЭЪТИРОФИДА**



К И Р И Ш

Ўзбек халқининг атоқли намояндаси, шоир ва мутафаккир Амир Низомиддин Алишер Навоий ўз умрини тўлалигича илм-адабнинг ривожига ва унинг вакилларига ғамхўрлик қилишга бағишлаганлиги билан бутун жаҳонда машхур бўлган. Унинг бевосита моддий ва маънавий кўмаги остида ўнлаб олимлар ижод этганлар. Тарихий асарлар ёзиш кенг рағбатлантирилган. Тасвирий санъат усталарининг ишига алоҳида эътибор берилган. Ҳиротда унинг шахсий ташаббуси билан, “Халосия”, “Шифоия”, “Низомия” каби бир неча ўнлаб иморатлар, масжиду мадрасалар қурилганки, уларда машхур олимлар дарс бериш билан бирга тадқиқотлар олиб бориш имкониятига ҳам эга бўлганлар. Хондамир ёзганидек:

*Жаҳонни тўлдирди иморатга ул,
Сонини назарга илмади буткул.
Улар кенглигига замин тор келди,
Юксакликда чархни қолдирди.*

Бу даврда риёзиёт, илми нужум, ҳандаса, мантиқ, фикҳ, илоҳиёт каби устувор илмларнинг ривожига билан бир қаторда, илми бадеъ, тарих, тилшунослик каби соҳаларда ҳам кўп-лаб асарлар яратилди. Алишер Навоий ҳар бир олимга, санъаткорга алоҳида эътибор берар ва ҳар бирининг оилавий шароитини яхшилаш учун ўз мол-мулкидан маблағлар ажратар эди. Албатта бундай эҳсонлар юзлаб фан фидойиларининг шукроналарига ва олқишларига боис бўлган ва улар асарларида улуғ мутафаккирнинг ибратли хизматлаърини қайд этиб кетганлар. Султон Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг ушбу хизматлаърини қадрлар, уни салтанат тожининг гавҳари деб эъзозлаб олдингидан ҳам зиёда лутфу инъомлар билан сарфароз этар эди. Сабаби Алишер Навоий раҳнамолигида Ҳирот илмий-адабий муҳити ўзининг кенг қамровлилиги билан ва султон томонидан яратиб берилган катта шароитлару имкониятлар туфайли темурийлар салтанатининг энг маданиятли ва инсонпарвар сулола сифатида, хусусан, Султон Ҳусайн Бойқаро шахсиятининг санъатсевар ва илмпарвар подшоҳ сифатида тарих зарварақларига нақшланишига сабаб бўлди. Алишер Навоий ўзи “Вақфия” асарида эътироф этганидек:

*Элдин менга гарчи ғайри заҳмат йўқ эди,
Айб эрмас агар музд ила миннат йўқ эди.
Эл бердилар, аммо менга рағбат йўқ, эди,
Шаҳ давлатидин буларға ҳожат йўқ эди.*

Ҳусайн Бойқаронинг Алишер Навоий учун ажратган суюрғол ва ойлик маблағлари барчаси улуғ шоир томонидан илм аҳли шароитларини яхшилашга сарф бўлар ва толиби илмлар ҳамда бева-бечораларга садақа қилинарди. Аҳлий Шерозий тўғри айтган:

*Мумкин на, ки ҳаргиз чу ту ёбад олам,
Ҳаргиз чу ту кас надид марде ба карам.*

(Олам сендекни топмоғи мушкулдир, ҳеч ким сендек саховатли мардни кўргани йўқ.)

XV асрнинг машхур тарихнависларидан бўлмиш Гиёсиддин Хондамир Алишер Навоийни мадҳ эта туриб, “Вагарна манқабати офтоб маълум аст, чи ҳожатест ба машшота рўйи

зеборо” яъни қуёшнинг фазилати ҳожати таъриф эмас, зебо юзга машшотанинг нима кераги бор, деганда унинг тарих олдидаги хизматлаъри шунчалик маълум ва машҳурлигидан уни таъкидлаш ўринсизлигини назарда тутган бўлса керак. Давлатшоҳ Самарқандий ҳам ўз тазкирасида “Офтобни таърифлаш нодонлик аломати” дея Хондамирдан анча илгари Алишер Навоийга юксак баҳо берган ва унинг буюк ишлари кўлампидан таъсирланган эди. Дарҳақиқат, Алишер Навоийдек улуғ даҳо мавжудлиги ўлароқ, XV аср иккинчи ярми те-мурийлар салтанатида маданият юксалган, улкан иншоотлар қурилган, илм-фан, амалий санъат ва шеърият ривожланган. Алишер Навоий ўз замонасидаёқ илм-фан ҳомийси сифатида етти иқлимга машҳур бўлди. Ўша давр олиму уламолари, фозилу фузалолари ўз таълифотларида амир Алишернинг ушбу фазилатларига далил келтириб ўтадилар. Хусусан, Хондамир Алишер Навоийнинг фазилатларига бағишлаб ёзган “Макорим ул-ахлоқ” асарида йигирмадан ортиқ муаллифлар номини келтирадигани, улар ўз асарларини улуғ амирга бағишлаб, дебочасида ўзларига кўрсатилган маънавий ва моддий ёрдам учун Навоийга ташаккур билдириб, шеърий тарзда уни мадҳ этиб ўтишган. Мазкур мадҳлар бир томондан бизга Алишер Навоийнинг “Вақфия” асарида ўзининг илм-фан ободончилиги, хайру-саховат йўлида қилган ишлари ҳақида ёзиб қолдирган эътирофини тасдиқласа, иккинчи томондан, Алишер Навоий ҳақидаги биобиблиографик маълумотларни йиғиш доирасига илмий адабиётларни ҳам қўшиш лозимлигини кўрсатади. Шунингдек, мадҳия-байт, мадҳия-қитъалардан ташқари катта ҳажмдаги шеърий асарлар, дostonлар ва маснавийларда у ёки бу муносабат билан Навоийга бағишлаб ўтилган гўзал фард ва қитъалар, баъзи ҳолларда эса ҳажм жиҳатидан қасидадан қолишмайдиган шеърий парчалар ҳам мавжудлигини эслатиб ўтишимиз лозим бўлади. Шу жиҳатни ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозирги кунларга келиб, ҳазрат Алишер Навоий ҳақидаги барча шеърий қайдларни жанрий кўринишларидан қатъи назар йиғиб, чоп этиш масаласи долзарб масалалардан бирига айланмоғи керак деб ўйлай-миз.

Азиз китобхон! Сиз Алишер Навоий ҳақида ул зоти бобаракотнинг замондошлари қолдирган маълумотлар билан таниқли олим Б.Ахмедов нашрга тайёрлаган “Навоий замондошлари хотирасида” китоби, заҳматкаш манбашунос олим Н. Норқулов таржимасида чоп этилган Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асари, шунингдек, устоз шарқшуносларимиздан П.Шамсиев ва М.Фахриддиновлар таржимасида ўзбек китобхонларига тақдим этилган Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асарлари орқали яхши танишсиз. Камина мазкур эзгу мақсад йўлида холис ният билан олиб борилаётган фахрли ишлар мажмуасига яна бир янги саҳифа бағишлаш ниятида Навоий замондошларининг ҳалигача эълон қилинмаган шеърий қалб сўзларини йиғдим. Ушбу китобчадан кутилган мақсад, аввало, сиз муҳтарам китобхонларни Навоий ҳақида топилган янги маълумотлар билан таништиришдир. Бу маълумотлар Алишер Навоий давлати соясида ижод билан шуғулланган донишмандларнинг дил сўзлари изҳоротидан ташкил топган. Ҳар бир эътироф ўзига яраша маълум илмий хулосага манба бўладигандек... Ба ҳар ҳол, камчиликлар учун олдиндан узр сўрай-миз.

Мазкур ишнинг юзага келишига сабабчи бўлган ва маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам кўрсатган устозим, жумҳуриятда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор Ботирхон Валихўжаевга самимий миннатдорчилигимни билдираман.

БУЮК МАҚСАД ЙЎЛИДА (ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ)

Гоҳида ўйланиб қоламан. Бу фоний дунёда тасодиф бўлмайди, барчаси қодир парвар-дигорнинг иродаси билан бўлур, деган ўғит қайта-қайта баъзи тарихий воқеа - ҳодисаларни янгидан англашга ундар, кўпинча бу дунё ишлари нечоғлиқ ўлчовли эканлигига, ҳар нарсанинг вақт-соати ғойибдан идора ва назорат этиб турилишига имон келтираман. Мен Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг ўзаро ҳамкорлиги, беқиёс дўстлиги ана шу мезон туфайли ва бежиз рўй бермаган деб ўйлайман ҳамда бу икки буюк зот ҳаётини ўрганиш асносида бунга нечалар тасдиқ топганман. Биргина таққос: Алишер Навоий туркий тилнинг “ўлган жасадига” жон ато этган бўлса, Абдурахмон Жомий чўғи ўчаётган форс-тожик шеърляти “гулханини” янада равшанроқ алангалантирди. Яна ҳам чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, Абдурахмон Жомийнинг буюк асарлари Алишер Навоийнинг илтимоси билан ёзилганлигини биласиз. Тожик олими А.Мирзоев ёзади: “Мавлоно Абдурахмон Жомий ҳаётини илмий ва адабий фаолияти нуқтайи назаридан икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр қирқ ёшгача, иккинчиси қирқ ёшдан кейинги давр. Бу ҳолнинг диққатга сазовор жойи шундаки, устоз Жомий ижодининг сермаҳсул даври ҳаётининг иккинчи қисмига тўғри келади. Биринчи даври ҳам таълифотлардан холи эмас, албатта. Шоир ўзининг биринчи девонини шу даврда яратган ҳамда “Рисолаи кабир дар муаммо” асари ҳам қирқ яшарлигида ёзилган... Аммо ҳаётининг иккинчи даври илмий ва адабий асар яратиш суръати билан беқиёсдир. Мавлононинг ёши улғайган сари суръат шунчалик тезлашган..¹” Олим бу сирга жавоб излайди ва вақт тежамкорлиги- суръат сабаби, деган хулосага келади.² Тожик олимнинг фикрларини рад этмаган ҳолда шундай қўшимча киритиш мумкинки, Алишер Навоий бу суръатнинг сабабини изоҳлаб кетган. У Мавлоно таърифида шундай ёзади:

*Билик авжсининг меҳри тобони ул,
Қаю меҳр, сўз жисмининг жони ул.
Чу суръат аро ўт сочиб хомаси,
Яна гарм ўлуб нуқта ҳангомаси.
Ҳамул ўтгаки, назм шамъин тутиб,
Маоний табистонин ёрутуб.
Чу табъидин оқиб маоний суйи,
Келиб чашмаи зиндағони суйи.
Ҳамул чашмадин чун су бермак тузуб.
Суханварлик ўлган танин тиргузиб.³*

Равшан бўлиб турибдики, суръатнинг сабаби форс-тожик адабиётининг ҳолдан тойган танига сув бериб, уни жонлантирмақ бўлган. Алишер Навоийнинг Шарқ адабиёти олдидаги буюк хизматлаъридан яна бири шундаки, у фазл кони, “илм дарёси” бўлмиш Абдурахмон Жомийга адабиётни янги поғонага олиб чиқиш ғоясини бериб, уни шу улуғ вазифага бош-

¹ А.Мирзаев Абдурахмон Жоми ва жараёни зиндагии ў. Сездеҳ мақола. Душанбе, Ирфон, 1977. саҳ. 203

² Ўша асар, саҳ. 204.

³ А.Навоий Садди Искандарий. Хамса. Нашрга тайёр повчи П.Шамсиев. Тошкент, 1960, 635-бет.

чилик қилишга ундаганлигидадир. Алишер Навоий форс тилида яратилган бебаҳо адабий ганжинанинг фидойи тарғиботчиси сифатида шеърятнинг жанрлари қанақа бўлишидан қатъи назар, улар ривожининг сустлашиши ёки ўз даврини ўтаб, мозийда қолишини ис-тамаган. Бу ҳолат, масалан, унинг шеърятнинг маснуъ қасидалар, тарих, муаммо жанр-ларига эътиборида сезилади. Атоқли шарқшунос олим Е.Э.Бертелъс ўзининг “Навоий ва Жомий” китобида маснуъ қасида ҳақида ёзади: “...Бу шеърларни теран фикрли деб айтиб бўлмайди. Умуман, уларда бирор маъно ҳосил бўлишининг ўзи ёмон эмас. Аммо гап улар-нинг маъносида эмас. Улар ҳатто ўқувчини қизиқтирмаслиги керак. Бу ерда диққат-эъти-бор мисралардаги найрангларни илғаб олишга қаратилиши керак. Равшанки, уларни ушбу бошқотирма техникадан бохабар ўқувчиларгина илғаб олишга қодирлар. Бошқача қилиб айтганда, маснуъ қасидалар шеърят билимдонларининг тўғри шеърлардан қониқиш ҳосил қила олмайдиган бўлиб қолган қандайдир бир маҳдуд гуруҳига мўлжаллангандир. Ушбу сўз ўйинининг ўша вақтда юқори насабли кишиларнинг машхур гуруҳларини ўзи-га нақадар ром этганлигини шундан ҳам кўрса бўладики, ҳатто шундай теран мутафак-кир Навоий ҳам ўз вақтичоғлигининг бир қисмини шунга бағишлар эди.¹ Шунингдек, рус шарқшуноси муаммо ҳақида ҳам салбий муносабат билдиради: “XV аср адабиётида... му-аммода мазмун умуман ҳисобга олинмайдиган бўлди. Унда фикр, ҳиссиёт йўқ. Фақатгина ёппасига сўзлар ёки сўз бирикмалари ўйинидан иборат бўлиб қолди. Муаммога берилиб, адабиёт ўзининг ижтимоий қадриятларини буткул йўқотиб, ўзини ҳалокатга маҳкум эт-ди.² Албатта, кейинчалик баъзи тадқиқотларда, хусусан, С.Айнийнинг “Алишер Навоий” монографиясида Е.Э.Бертелъс фикрлари анча юмшатилиб, бу жанрнинг ўз даврида Абду-рахмон Жомий, Алишер Навоий каби атоқли сўз усталарининг феодал тузуми ифлослик-ларини фош этишда қўл келганлиги каби ижобий аҳамиятлари кўрсатиб берилди.³ Шу-нингдек, адабиётшунос Л.Зоҳидов ўзининг Алишер Навоий ижодида муаммо жанрини ўрганишга бағишлаган тадқиқотида ҳам “Муфрадот” асари мисолида Айний фикрларини ривожлантириш билан бирга муаммоларда маъно, мазмун алоҳида аҳамиятга эга бўлган-лигига кўплаб мисоллар келтирадики, бунда таниқли олим А. Ҳайитметовнинг “Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” тадқиқоти таъсири мавжуд десак, тўғри бўла-ди.⁴ Зеро, А.Ҳайитметов ўз асарида унеча бўлган қарашлардаги камчиликларни тўғри кўрсата олган ва Навоий муаммочиликда йўл қўйилган ёппа шаклбозликка аёвсиз кураш олиб борганини кўплаб мисоллар воситасида очиб берган.⁵ Олимимиз фикрига қўшимча сифатида айтишимиз мумкинки, Навоий теран мутафаккир бўлгани учун ҳам, поэзиянинг йўқликка юз бураётган маснуъ қасида, эътибордан қолаётган тарих, муаммо жанрларини сақлаб қолишга уринган ва унинг назарида ушбу жанрларга эътибор “эрмак” учун эмас, балки форс-тожик шеърятининг кўпчилик поэтик санъатларини ўзида жамлаган гўзал намуналарини янада такомиллаштиришдан иборат бўлган, Навоий, шунингдек, форс-то-жик шеърятининг ишлаб чиқилган мураккаб жанрий турларини ўқувчи зеҳни иладиган қўлланмалар тарзида яратилишига ўз кучини сафарбар этиши ва бошқаларни ҳам даъват этиши янги туркий адабиётнинг оёққа туриши учун ҳам зарур эди. Таниқли навоийшунос А.Ҳайитметов жуда тўғри таъкидлаганидек, “Навоий “Хамса” дostonларидан фақат битта-сини ёки “Ҳазойин ул-маоний” таркибидаги тўрт девондан бирини яратганда ҳам барибир адабиётимизнинг буюк намояндаси бўлиб қолаверарди. У бу ишларнинг ҳаммасини буюк

¹ Е.Э.Бертелъс. Наваи и Джами. Москва, 1965, стр.40

² Ўша асар, 42-бет.

³ С.Айний. А.Навоий. Тан.илмий асарлар, Тошкент, 1978, 215-221-бетлар.

⁴ Л.Зоҳидов. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. Тошкент, 1986.

⁵ А.Ҳайитметов. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. Тошкент, 1959.

муҳаббат, фидойилик билан бажарди. Чин ватанпарварлик туйғулари унга мадаккор бўлиб, у йўлда дуч келган ҳар қандай қийинчиликларни матонат билан енгди.¹ Бу икки буюк аллома бу ҳақда очиқ ёзиб ўтмаган бўлсаларда уларнинг мақсадлари ижодлари руҳиятидан яққол сезилиб туради. Чунончи Алишер Навоий ёзади: "...Алар (Жомий – Ш.С.) учунчи девонлариға тартиб бериб эрдилар. Фақирға ўз муборак хатлари била битилғон девонни иноят қилдилар. Фақир илтимос қилдимким, Мир Хисравдин ўзга назм аҳлидин эшитилмайдурким, мутааддид девон тартиб қилмиш бўлғайлар. Аммо аларким мутааддид битибдурлар ҳар қойсиға бир муносиб от қўюбтурлар. Сиз даги бу девонларға муносиб отлар қўйсангиз деб. Алар қабул қилдилар. Икки кундан сўнгра яна алар хизматиға еттим. Жузв қўюнларидан чиқориб, фақирға бердилар, девонлар учун феҳрист битиб эрдилар ва ҳар бирин мавсум бир исмға қилиб эрдилар... Чун фақир алар хизматида бу феҳристини ўқудум, бу фақирға ҳам амр қилдиларким: "Сенинг доғи назминг туркча алфозда чун мутааддид бўлубтур, сен доғи ҳар бирисини бир исм била мумтоз қил ва ҳар қойсини бир лақаб била жилвасоз этгил".² Бундай мисоллар анча бўлиб, китобхонларга яхши маълумдир. Бу икки буюк зотнинг адабий ҳамкорлиги натижасида туркий ва форсий халқлар адабиётлари ривожланди ва Шарқ адабиёти хазинаси муносиб дуру гавҳарлар билан тўлди. Бу икки даҳо онгли равишда адабиёт назариясини қайта кўриб чиқдилар, формал жанрлар, жумладан, муаммо, тарих, маснуъ қасидалар ва бошқа шакл жиҳатидан турли бадий санъатлар ўйинидан иборат бўлган шеърият шарқ адабиётининг ажралмас таркиби сифатида сақланиб қолишига ҳаракат қилдилар ва бу ишнинг рўёбга чиқишида шеър аҳлини тарғибу ташвиқ қилдилар.

Абдураҳмон Жомийнинг Навоийга муносабат билдирган шеърлари тазкира ва илмий асарларида учрайдиган фахрия ва мадҳия қитъаларидан ташқари дostonларида учрайди. Жомий "Ҳафт авранг" нинг деярли барча дostonларида Навоий ҳақидаги ўз дил сўзларини назм ипиға теради. Жомий Алишер Навоий билан бир даврда ҳамнафас бўлиш насиб этгани туфайли ҳам яратганга шукроналар келтирган. Юқорида мазкур бўлганидек, Навоийдек илҳом манбаи Жомийда мудраб ётган ижод вулқонини қўзғалишига боис бўлиши ва Жомий томонидан Алишер Навоийнинг буюк мутафаккир бўлиб етишишига тайёрланган тағзамин, бу барчаси – Буюк Дўстлик аталмиш неъматнинг ҳосилидир. Шу жиҳатдан Абдураҳмон Жомийнинг қуйидаги шеъри Навоий билан ўрталаридаги дўстликка яққол таъриф бўла олади:

*Ёре ки кунад ба ёр пайванд,
Нахли амалаш шавад баруманд.
Ёр аст калиди ганжи уммед,
Ёр аст навиди айши жовид.
Мақсуди вужуд чист жуз ёр?
3-ин савдову суд чист жуз ёр?³*

Абдураҳмон Жомий бошқа шоирлар ва фозиллардан фарқли ўлароқ, унинг таржимаи ҳолига оид бирор факт ёки сиёсий мавқеи ҳамда шахсий фазилатлари ҳақида гапирмасдан, балки асосий эътиборни Навоийнинг шеъриятдаги маҳорати ва асарлари савиясига қаратади ва бу таҳсинга сазовордир. Бу ҳол Жомийнинг ўрта аср анъанавий услубларини чет-

¹ А.Ҳайитметов. Навоийхонлик суҳбатлари. Тошкент, 1993, 7-бет.

² А. Навоий. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. Асарлар. 15 томлик. 14- том. Тошкент, 1967, 57Ғ58-бетлар.

³ А.Жомий. Ҳафт авранг: Лайли ва Мажнун. Тошбосма, Тошкент, 1913, 376-бет.

лаб ўтиб, ҳақиқий илмий йўналиш – адабий танқид нуқтаи назаридан онгли равишда ёндашганлигини билдиради. У ёзади:

*Зи чарх офаринхр бар он килк бод!
Ки ин нақши матбуъ аз он килк зод.
Бубахшид бар форсӣ гйвҳар он,
Ба назми дарӣ дурри назмоварон.¹*

*(Шундай ажойиб йақш туширган
ул қаламга фалакдан офаринлар ёгилсин.
Форсийга гавҳар, дарий назмига
нуқтадонлар дуруни инъом этди.)*

Мазкур парча кўринишидан бошқа маддоҳларнинг шеърларидан деярли фарқ қилмайди. Аммо Абдураҳмон Жомийнинг Навоийга пир ва устозлик мақоми ҳамда унинг қуйидаги эътирофи бу шеърӣ парчада катта мазмун борлигини англатади. Жомий ёзади:

*Нашуд боисам жуз сухандоният,
Ба дастури дониш суханроният.
В-агарна ман онро чу оростам,
На эҳсон, на таҳсин зи кас хостам.
Чи хезад зи мадхал, ки эҳсон қунад
Чи ояд зи таҳсин, ки нодон қунад.
Ба тулуи сухан гар сутудам туро,
Ҳади дониши худ намудам туро.²*

Жомийнинг ушбу буюк баҳоси Алишер Навоийнинг фақатгина туркий тилдаги ижодига тааллуқли бўлибгина қолмақ, балки форс адабиёти ривожига хизматлаърига ҳам тегишлидир. Улуғ форс-тожик мутафаккири Алишер Навоийнинг миллат олдидаги улкан бурчини шароф билан адо эта олганидан беҳад таъсирланади:

*Ба мезони он назми муъжизнизом,
Низоми ки будию Хисрав қудом.
Чу у бар забони дигар нукта ронд,
Хирадро ба тамизашон роҳ намонд.
Зи табъи ту устоди сухан,
Зи мифтоҳи килкат қушоди сухан
Суханроки аз равнак, уфтода буд,
Ба кунжи хавон рахт бинҳода буд.
Ту доди дигар бора ин обрӯй,
Кашиди ба жавлонгаҳи гуфтугуй.
Сафоёб аз нури рои ту шуд,
Навоин з - лутфи навое ту шуд.³*

(Ул муъжиза назм қаршисида Низомий ким эдию, Хисрав ким бўлиб қолди. У ўзга тилда ижод қилганда уни англашга ақл тасаввури торлик қилди. Эй сухан устози, сен таъбинг ила тил хазинасини очдинг. Ривожланмай чеккада хор бўлган сўзга (тилга) сен қайтадан обрӯй

¹ А.Джами. Хирадномаи Искандари. Критический текст и предисловие Г.А. Тарбията. Москва, Наука, стр.448.

² Ўша эрда.

³ Ўша эрда.

бердинг ва сўз майдонига олиб чиқдинг. У сенинг фикринг нури ила тоза бўлди ва сенинг лутфинг навосидан наволи бўлди.)

Алишер Навоийнинг туркий шеърлари савиясига Жомий катта эътибор бериб, шоир маҳоратига тасанно ўқийди:

*Кунад дар шеър табъаш мўшикофй,
В - аз он мў нўғи килкаш шеърбофй.
Ниҳад з-ин шеъри мушкин дома дилҳо,
Деҳад з-он шеъри ширин коми дилҳо.
Дили ушшоқ аз он як монда дар банд,
Лаби хубон аз ин як дар шакарханд¹*

(Таъби шеърда қилни қирқ бўлади, у қилдан қаламнинг учи шеър тўқийди. Бу мушкили шеър кўнгилларни ўз тузоғига илинтирган. Ўшал ширин шеърлар қалблар тилагидир. Ошиқлар қалби унга боғланиб қолган, яхшилар у билан бирга хушнуд.)

Абдурахмон Жомий Алишер Навоий ижодиётини жаҳоний мавқега эга бўлган форс адабиёти силсиласида кўриб чиқар экан, унинг туркий шеърятдаги бадий маҳоратини форс шеърятининг ўлмас даҳолари маҳорати билан бир қаторга қўяди. Улар ўртасидаги адабий ҳамкорлик Алишер Навоий томонидан “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” асарида кенг ва муфассал ёритиб берилганлиги, Жомийнинг бу ҳақда “Баҳористон” тазкирасидаги қайдлари ва ниҳоят улар ўртасидаги ёзишмаларнинг ҳар иккала ижодкор томонидан махсус йиғилиши каби ҳолатлар уларнинг форс-тожик ва туркий шеърятни янги поғонага кўтаришда келишилган ҳолда ҳаракат кўрсатганликларини ва бу адабиётларга хос ҳар бир мавжуд бўлган жанр ва анъаналарни қайтадан тирилтириш ва ривожлантириш йўлида бир - бирларига ҳамдарду ҳамкор, мунаққиду мусахҳиҳ бўлганликларини кўрамыз. Шу жиҳатдан Жомий Навоийни ўзининг энг яқин дўсти ҳисоблайди:

*Хосса ка ба боғи ошноий,
Бар шохи вафо бувад Навойи.
Яъни ки Навойи лутф созад,
Дилҳои шикастагон навозад.
Коре набвад ба жои ин кор,
Ёрони жаҳон фидои ин ёр.²*

(Хусусан, ошнолик боғида Навоий вафо шохидан жой олган. Яъни Навоий лутф қилса, кўнгли яримталарни эркалайди. Бу иш ўрнини бошқа ҳеч қандай иш боса олмайди. Жаҳон ёрларининг бариси унинг фидосидир.)

АБДУЛЛОҲ ҲОТИФИЙ

Абдуллоҳ Ҳотифий 1454 йилда Жом яқинидаги Харчирд деган жойда туғилган. Шоирнинг ёшлиги, асосан Жомда ўтади. Улғайгач, таҳсил олиш учун Ҳирот шаҳрига келади ва шу ерда Алишер Навоий ҳамда бир қатор таниқли шоир ва олимлар билан танишади. Унинг ҳаёти ҳақида маълумотлар кўп эмас. У 1521 йилда вафот этган. Ҳотифий ва Навоий

¹ А.Жомий. Ҳафт авранг: Юсуф ва Зулайхо. Тошбосма, Тошкент, 1913, 368-бет.

² А.Жомий. Ҳафт авранг: Лайли ва Мажнун. Тошбосма, Тошкент, 1913, 376-бет.

муносабатлари ҳалигача қониқарли даражада ўрганилган деб бўлмайди. Филология фанлари доктори, заҳматкаш олим Э. Шодиевнинг Абдуллоҳ Ҳотифий ва Навоий муносабатларига доир баъзи илмий кузатишларидан бўлак мақолалар йўқ десак ҳам бўлади.¹ Ҳолбуки, Ҳотифийдан бизга ёдгор қолган “Лайли ва Мажнун” достони форс тилида ёзилган бўлса ҳам улуғ ўзбек хамсанависи асари оҳангида яратилган. Масалага шу нуқтайи назардан қараб махсус илмий тадқиқот ишларини олиб бориш икки буюк халқ адабиётларининг ўзаро алоқаси ва таъсири манбаларини чуқурроқ ёритишга хизмат қилади деган фикрдаман. Ҳотифий мазкур асарида Алишер Навоий мадҳига алоҳида қисм бағишлаган. 46 байтдан иборат бу маснавийда у ўзини Навоийдан илтифот кўрганлар қаторига қўшиб, уни мадҳ этади.² Унинг покдомон, адолатпарвар инсон эканлигини таъкидлайди. Жумладан, шундай ёзади:

*Ўро карама Аласт пеша,
Базл омада кори ў ҳамеша.
Дар фазлу хунар ягонаи даҳр,
Ва - з хулҳу карам фасонаи шаҳр.*

(Унда Алининг карами мужассам, ҳамиша иши саховату меҳрибонликда бўлди. У фазл ва санъатда дунёда ягонадир. Хулқу саховати билан эл аро афсонадир.)

Ҳотифий Навоий ўзининг нуктадонлиги билан сухан оламини забт этганлигини, ғазалиёти қалбларга беқиёс завқ-шавқ бағишлашини тўлиб-тошиб куйлайди:

*Хассони араб кужост имроз,
То бошад аз у фасоҳат омуз.
Оби хизр он қадар ки хоҳй
Килкаш бинмояд аз сиёҳй
Ҳар сатри зи килки зарфишонаш
Жуест зи қулзум байонаш
Мажмуаи назми дилфиребаш,
Баҳрест ки даҳр дода зебош,
Лоли суханаш шакармақолон
Сайди ғазалаш ҳама ғизолон.
Бунёди нуҳ бинои шоҳон,
Авранги даҳ жаҳонпанохон.
Ғаввоси муҳити нуктадони,
Саррофи жавоҳири маонй.
Меъмори сарочаи адолат,
Вайронқуни хонаи бадолат.*

(Араб Ҳассони қани бугун, ундан ўргансин фасоҳатни, қанча хоҳласанг ҳаёт сувини кўрсатади ҳаётбахш қалами. Зар сочувчи қаламининг ҳар сатри баён қулзумининг тармоғидир. Кўнгилни овловчи назми даҳр зеб берган денгиздир. Шакармақоллар унинг сухани олдида лол ва охулар унинг ғазалларига асир. У шоҳлар олий қасрининг бунёди, жаҳонпаноҳларнинг тахтидир. Сўз санъати денгизининг ғаввоси, маъни жавоҳирларининг саррофидир. У адолат хонақосининг меъмори, алдову батолат уйини бузувчидир.)

¹ Бу ҳақда: Э.Шодиев. Донишманд мураббий// Шарқ юлдузи, 1968, 4-сон, 225-231 - бетлар.

² Абдуллоҳ Ҳотифий. Лайли ва Мажнун. Ўз ФАШИ N 1360.

КАМОЛИДДИН ҲУСАЙН КОШИФИЙ

Камолиддин Ҳусайн ал-воиз ал-Кошифий Султон Ҳусайн Бойқаро давлатида катта нуфузга эга бўлган илоҳиёт олими эди. Унинг номига “воиз” лақаби қўшилишининг сабаби ўша даврда ваъзхонликда у кишига тенг келадигани бўлмаган. Алишер Навоий билан жуда ҳам яқин алоқада бўлган. Хондамир шундай гувоҳлик беради: “У маъкул ва махсус илмларнинг барчасидан тўла баҳраманддир... Тангри каломининг тафсири ҳамда ҳазрати рисолатпаноҳ пайғамбар ҳадисларининг маънилари минбардан туриб ғоятда покиза ва маъноли қилиб тушунтиради... Ул жаноб нужум илмида ҳам зўр маҳоратга эгадирлар. Унинг балоғатоётлик ҳамда фасоҳотсифотлик китоблари кўп ва беҳисоб бўлиб, уларнинг кўпи олиймақом Амир Алишернинг атоқли номи билан зийнатланган”.¹

Кошифийнинг бир қанча асарлари бизгача етиб келган. Уларнинг энг юқори баҳолангани “Анвори Суҳайлий” бўлиб, бу асар Алишер Навоийнинг ёри азизи Шайхимбек Суҳайлийнинг илтимосига кўра шарқда машҳур бўлган ҳинд эпоси “Калила ва Димна”нинг анча тўлдирилган ва қайта ишланган форсий вариантдир. “Равзат ул-шуҳадо” асари эса пайғамбарлар ва имомларнинг мусибатли ҳаётлари ҳақида ёзилган бўлиб, элик йиллар чамаси ўтгандан сўнг, озарбайжон классиги Фузулий томонидан туркий тилга таржима этилган. Кошифийнинг яна бир асари “Жавоҳир ут-тафсир ли туҳфат ал-амир” (Амирга совға бўлмиш тафсир жавоҳирлари) деб аталган. Кошифий ва ушбу асар ҳақида Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” да шундай ёзади: “Мавлоно Ҳусайн Воиз – “Кошифий” тахаллус қилур. Сабзаворлиқдур... оз фан бўлғайким, дахли бўлмағай. Хусусан, ваъз, иншо ва нужумки, ананг ҳаққидур ва ҳар қайсида мутааййин ва машҳур ишлари бор ва мусаннифотидин бир “Жавоҳир ут-тафсирдурким, “ал-бақара” сурасин бир мужаллад битибдурким, мунсифи қатъ била юз жуз бўлғай...”.²

Аслида, бу асар тўрт жилддан иборат бўлиб, ўз ичига Қуръон сураларининг форс тилига атрофлича қилинган тафсир-изоҳини олмоғи лозим эди. Аммо биринчи жилди тугагач, қандайдир мулоҳаза билан бу ниятини бир китоб ҳолига келтиришни маъкул кўради ва “Мавоҳиби олия” деб атади. Асар 1493-94 йилда ёзиб тугатилади ва кейинчалик “тафсири форсий”, “тафсири Ҳусайний” унвонлари остида кўплаб нусхаларда тарқалиб кетган.³ Унинг дастлабки номига қараганда, амирга совға сифатида ёзилган кўринади. Биз Самарқанд давлат университети Шарқ қўлёзмалари фондида сақланаётган асарнинг XVII аср қўлёзма нусхаси билан танишганимизда, у Мир Алишер тавсияси билан ёзилгани ва улўф амир Алишерга бағишланганлиги маълум бўлди. Олим дебоҳада шу хусусда сўз юритиб, сўнг Навоийга бўлган чуқур ҳурмати шеърий тарзда баён этган. Шунинг учун қуйида шу китъани шарҳлаш маъкул кўринди:

*Гавҳари дуржи каромат, ахтари буржи камол,
Офтоби авжи ҳашмат, сояи лутфи илоҳ.*

Амир Алишер мурувватли саховатлилар ичида гавҳар янглиғ, камолот осмонидаги юлдуз, буюклик чўққисида нур сочар қуёш. Илоҳий лутф каби унинг лутфи беҳаду беминнат.

¹ Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Навоий замондошлари хотирасида. Тузувчи: Б. Аҳмедов. Тошкент, 1986, 71-бет.

² Алишер Навоий. Мажолисун нафоис. Асарлар. 15 томлик. XII жилд, Тошкент, 1967, 123-бет.

³ Биз кўриб чиқаётган нусха “Жавоҳир ут-тафсир” номи билан кўчирилган бўлиб, СамДД қўлёзмалар бўлимида N 40347- рақами остида сақланади.

*Шаҳсувори арсаи иззат Алитер онки ҳаст,
Волии вал аҳбобу довари давронпаноҳ.*

Иззат майдонида Алишерга тенг шаҳсувор йўқ, Амир барча дўстларга сардору, адолат ўрнатувчи давлатпаноҳдир.

*Мустафиз аз нафҳаи гулзори фазлаш жону дил,
Мустанир аз ламъаи рои мунираш меҳру моҳ.*

Навоий шунчалар фозил инсонки, унинг “фазл гулзори”дан таралаётган ҳиддан жону дил файз топади. Унинг қиёфаси шунчалар нуронийки, биргина нигоҳи шуъласидан қуёш ва ой нур олиб, ярқираб турибди.

*Давлати ў бо жаҳону, рифъати ў бо сипеҳр,
Ғош мигўянд ҳар дам аз сари тамкину жоҳ.*

Амирнинг давлати жаҳонча ва тутган мавқеи осмонча юксакликда. Босиқлиги, камтарлиги ва шу билан бирга, улуғлиги эса, буни намоён этади.

*К-эй жиҳон, аз давлати мо ҳар чи межўйи, бижўй,
В-эй сипеҳр, аз рафъати мо ҳар чи мехоҳи бихоҳ.*

Навоий – бизнинг бойлигимиз. У – бизнинг улуғлигимиз. Эй жаҳон! Қандай истагинг бўлса, биздан тила. Кошифийнинг қалби шундай демоқчи. Навоий давлат ва буюклик тим-солидир. Агар жаҳон бизнинг давлатимизга рашк қилиб, камчилик қидирса, қидираверсин. Осмон ҳам бизнинг улуғлигимиздан тилагини тиласин.

АТОУЛЛОҲ АСИЛИЙ

Алишер Навоий раҳнамолиги остида яшаб, ижод этган зиёлилардан яна бири Атоуллоҳ Асилийдир. Хондамир “Хулосат ул-аҳбор”да у ҳақда шундай ёзади: “...Атоуллоҳ...диний ва яқиний илмлар бўйича зўр камолот ҳосил қилган, шарофатли ҳадис илмини таҳқиқ қилишда шак-шубҳасиз Хуросон диёрида унга тенг келадигани йўқдир... Кўп вақтлардан буён ишрофатли Султония мадрасасида ва фазилатли Халосия хонақоҳида дарс бериш билан банд. Олижаноб амирга бағишлаб “Равзат ул-аҳбоб” номли китоб ҳам ёзганким, бундайини ҳали бирор киши ёзмаган бўлса керак. Дарёдил амир Алишер одил подшоҳ Султон Ҳусайн ҳукмронлигининг бошларидан то шу кунгача улуғ ва баланд мартабалик ул жаноб ҳақида кўп ғамхўрликлар қилди”...¹

Эслатилган “Равзат ул-аҳбоб” асарининг тўлиқ номи “Равзат ул-аҳбоб фи сиярун-наби вал-Оли вал-асҳоби” бўлиб, икки жилддан иборат. Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида бу асарнинг ўттиздан ошиқроқ қўлёзма нусхалари учрайди. Улар турли йиллар ва асрларда кўчирилган бўлиб, энг қадимийлари 1535, 1575, 1588 йилларга тўғри келади. Аммо улардан ташқари яна бир нодир нусха мавжудким, у муаллифнинг ўз қўли билан кўчирилган қўлёзмадир.

¹ Қаранг: Навоий замондошлари хотирасида, 68-бет.

Асарнинг ёзилиш санаси йиртилган бўлса ҳам, китобнинг тузилиши, қоғоз ва безакларидан XV аср Ҳирот мактабнинг намунаси эканлиги кўриниб турибди. Қўлёзма 636-инвентаръ рақами остида сақланиб, “Равзат ул-аҳбоб”нинг биринчи жилдидан иборат. Умуман у, пайғамбар, унинг авлоди ва издошлари ҳақидаги диний асар бўлиб, 3 мақсаддан (бўлим) иборат. Биринчи мақсад уч боб ва саккиз фаслга бўлинади. Иккинчи мақсад икки боб ва учинчи мақсад уч бобга бўлинган. Асарнинг биринчи жилди биринчи мақсад, унинг боб ва фаслларида иборат. Бунда асосан Муҳаммад пайғамбар ҳақида ҳикоя қилинади. Қолган қисми иккинчи жилдга жойлаштирилган. Иккинчи жилд ҳам серҳашам, кўркам китоб ҳолида бўлиб, 1578 йили Ҳайдар Муҳаммад Мунши ал-Ҳоқоний томонидан кўчирилган экан. Ушбу китоб 2134-инвентаръ рақами билан белгиланган. Аммо асрлар ўтиши давомида турли котиблар томонидан “Равзат ул-аҳбоб” асари ҳатто тўрт жилдгача бўлиб кўчирилган.

“Равзат ул-аҳбоб”нинг биринчи жилди дебочасида асар Навоий маслаҳати билан ёзилганлиги ҳақида айтиб ўтилади. Иккинчи жилднинг дебочасида ҳам Алишер Навоийга алоқадор жойлар мавжудки, тарихчи Хондамир назарда тутган мадҳия қисми шу бўлса керак. Дебоча кўпроқ араб ва қисман форс тилларида ёзилган бўлиб, Улуғ Амирнинг чуқур эҳтиром билан тилга олинади ва “Жаноб Амир ал-кабир ал-жалил ал-набил, ал-махдум ал-муаззам ал-афхам, ал-Матбуъ ал-акрам ал-ақдам, Кафили мусолиҳ ал-умам, Мунқиз ал-фуқаро ва-л-ғурабо, Музойиқ ал-ақраб ва-л-зулм, мураббий ал-уламо ва-л-фузало фи олам” Яъни “Буюк, мурувватли, улуғ Амир, энг ҳурматга сазоворларнинг ҳурматли маҳдуми, миллат ва халқларнинг тинчлигини таъминловчи, фақир ва ғарибларнинг ҳомийси, ғам-андух ва зулмни қувувчи, бутун олам олимлари ва фозиллари мураббийси” дея улуғланади. Шундан сўнг қитъа келтирилади:

*Амир ки фазлу илму раҳмат,
ва барру эҳсону лутфу инъом,
валил-мулк минҳу иззату маҳобат,
вад-дин, вад-дунё низому интизом.
(Амиридир илму фозиллик,
муруввату шафқат, лутфнинг.
Мамлакатда ундан буюклик,
Низомидир дунё ва диннинг.)*

Атоуллоҳ Навоийни бошқалар каби ҳаддан ташқари бўяб-бежаб кўрсатмайди. Самимий айтилган сўзлар замирида илиқ муносабат сезилиб туради:

Ла зола рукнас-салтаната ва муқарраб ал-ҳазрат ас-султония, Низом ад-давла ва-д-дунё ва-д-дин Амир Алишер ки, бодо давлати у дар жаҳон дер.

*Суҳан ба мадҳи ту оростан ғараз он аст,
ки пеши аҳли ҳунар мунассиҳе бувад моро.
В-агар на манқабати офтоб маълум аст,
Чи ҳожатест ба машшота рӯи зеборо.*

(Амир Алишер шу пайтгача салтанат устуни, султон ҳазратларининг яқин кишиси ва давлату дину дунё низомидурким, унинг давлати жаҳонда узоқ турсин.

*Сенга мадҳ айтишдан мақсадим шуки,
Бўлган мадҳнинг ҳунар аҳлига минбар.*

*Равшан бўлганидек қуёш хизмати,
Мақтовга зормас-ку, гул юзли дилбар.)*

Кўриниб турибдики, Атоуллоҳ Асилий самимий сўзлар билан, қисқа қилиб, бошқаларга нисбатан аниқ ва ёқимлироқ оҳангда Навоийнинг улуғлигини кўрсатишга ҳаракат қилган.

АТОУЛЛОҲ МАҲМУД ҲУСАЙНИЙ

Навоий раҳбарлиги ва ҳомийлиги остида яшаб, ижод этган адабиётшунослардан бири Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнийдир. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида у ҳақда шундай келтиради: “Мир Атоуллоҳ – Нишопурдиндур. Андин илм таҳсили учун шаҳрға келди. “Кофия” ва “Мутавассит” ўқур эрди. Донишманд бўлгунча бир навъ мустаҳсан маошқа муваффақ бўлдим, андин ортиқ мумкин эрмас. Бо вужуди донишмандлик, шеър ва муаммо ва саноеъда дағи маҳорат пайдо қилди ва муаммоға кўп машғул бўлур эрди. Ҳоло сабақ касратидин анга авқоти вафо қилмас, аммо саноеъда китобе тасниф қилубдур “Бадоеъи Атоий”ға мавсумдур¹.

Ушбу иқтибосда тилга олинган “Бадоеъ ус- саноеъ” асари Навоийга бахшида этилгандир. У ўзбек ва тожик тилларига таржима этилиб, жамоатчиликка яхши таниш бўлганлиги учун ҳамда Навоий ва Атоуллоҳ муносабатларига доир Р.Мусулмонқуловнинг қатор мақолалари мавжудлигини ҳисобга олиб, бу борада муфассал тўхталиш зарурати бўлмаса керак деб ўйлаймиз.² Бироқ қўшимча сифатида айтиш мумкинки, мазкур асар ҳам Алишер Навоийнинг ташаббуси ва раҳбарлиги остида бажарилган адабиёт назариясига оид ва форс-тожик бадиёти илмининг энг охириги ютуғи бўлган асар ҳисобланади. Буни шундан ҳам кўрса бўладики, асарда ўша давргача маълум ва машҳур бўлган форс адабиёти назариясига оид қўлланмаларнинг энг забардастлари Умар Родиёнийнинг “Таржумон ал- балоғат”, Рашиддин Ватвотнинг “Ҳадоийқ ас-сеҳр фи дақойқ аш-шеър”, Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-муъжам фи маосири ашъори-л-Ажам” асарларига муносабат билдирилиб, муаллиф ўзининг янги фикрини далиллаш орқали уларнинг камчилик ва сушт томонларини кўрсатиб ўтади. Табиийки, бундай йўл тутиш ва шарқ бадиёти илмининг ўзаро чоғиштирилиш кўлами фақатгина Алишер Навоийнинг бевосита илмий раҳбарлиги ва талабчанлиги орқалигина амалга ошиши мумкин эди. Мазкур асарни чуқур тадқиқ этган тожик олими Р.Мусулмонқулов Атоуллоҳ ҳатто биргина тажнис санъати таҳлилида ўттиздан ошиқроқ турли форс-тожик ва араб манбаларидан далил келтирганлигини қайд этган.³ Ушбу ҳолат яна бир карра Алишер Навоийнинг формал жанрларга “эрмак” учун эмас, балки икки халқ адабиётини ривожлантириш ва мукаммаллаштириш ниятида онгли равишда эзгу мақсад нуқтайи назаридан ёндошганлигига ёрқин исботдир. Атоуллоҳ Ҳусайний ҳам мазкур улуғ ишни рўёбга чиқариш Алишер Навоий томонидан унга юклатилганлиги ва бу ишонч учун улуғ мураббийдан беҳад миннатдорчилик туйғуларини китоб дебочасида сабт этишни ўзига бурч ва фахр деб ҳисоблайди. Калом равшан бўлиши учун Алибек Рустамов томонидан таржима қилиниб, ўзбек китобхонларига тақдим этилган “Бадоеъ ус-саноеъ” нашридан Атоуллоҳнинг Навоий кўмаги далилига келтирган шукрона-эътирофини ҳавола этиш билан чекланамиз:

¹ Алишер Навоий.Мажолис ун-нафоис,122-бет.

² Р.Мусулмонқулов Навоий ва Атоуллоҳ //Ўзбек тили ва адабиёти, 1971,3- сон: Р. Мусулмонқулов. Навоий ва Атоуллоҳ муносабатлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975, 1-сон: Атоуллоҳ Ҳусайни. Бадоеъ ус-саноеъ. Бо сарсухан, тавзеҳот ва таҳрири Р.Мусулмонқулов. Душанбе, Ирфон, 1974.

³ Атоуллоҳ Ҳусайни. Бадоеъ ус-саноеъ, сах.8

“... Аммо бу кунга келиб, камолу жамоли васфида қалам тили ожиз, юксак мақомдаги ходимларнинг олийси, ҳазрати маҳмуд, неъматлаъри волийси, амири динпаноҳу адолат ами-ни додҳоҳ ва салтанат таянчию мамлакат қувончи, хоқонона давлат асосию, ҳазрат султон-нинг маҳрами хоси

*Бўлуб мудом музаффар фасоҳат майдонида,
Балогат аҳлидин олмиш дамодам юз таҳсин.
Аман жаҳон элига, фазлу фан жаҳони ўзи,
Эрур мақомида андин мулку миллату дин.
Ҳукумат аҳлига байроқ, фақиҳларға қароқ,
Қилурда ҳукм, адолат туғи тушмас қўлидин.
Кўнгил денғиз каби кенғ, тенғи йўқ саховатда,
Баҳор абридек андин бўлур сероб замин.
Давом этсин анинг давлати, то бордур халқ,
Ки, жорий ўлсун анинғ ҳукми, раббано омин.*

Ул ночиз зарраларни офтобдек назарлариға манзур қилиб гуппроқтин кўтариб олдилару, илтифот била аларни жамъ айлаб тартиб бермак фикрини эзгу кўнгулларига солдилар ва бу бандаға, ул ишни ниҳоясиға еткурмакни буюрдилару бу амрда муболаға қилдилар.¹

ШАМСИДДИН МУҲАММАД БАДАХШИЙ

XV аср охирги чораги Ҳирот адабий муҳитида муаммо санъатига бағишланган бир неча асарлар пайдо бўлди. Бу асарлар фақатгина муаммоларнинг гўзал бичилганлиги билан эмас, шахс номи унинг фазилат ёки камчилиги баёни остида берилиши билан, айниқса, аҳамиятлидир. Бу бизга бир томондан муаммоларнинг поэтикасини ўрганиш жиҳатидан катта амалий имкониятлар очса, иккинчи томондан XV аср II ярми Ҳирот муҳитида яшаб ўтган машҳур инсонларнинг биз билгамаган фазилат ва характер қирраларини кўрсатиб беради. Айниқса, Алишер Навоий эътибори билан юзага келган кўпчилик “муаммо”га бағишланган рисоалар гўзал поэтик иборалари, ўйноқи сатрлари, чуқур мазмунлари билан муаммо санъати намуналаридан кўра етук қобилият, илҳом билан ёзилган шеърий тўпламларни эслатади. Бу эса Навоийнинг муаммо санъатига оид рисоалар яратишни шоирлик истеъдоди ва маҳорати баланд шахсларга топширганидан далолат беради. Муаллифлар ўзларига билдирилган ишонч учун ўз асарларини Алишер Навоийга бахшида этганлар ҳамда унинг номига муаммолар айтишган, ул зоти бобаракатнинг фазилатларини акс эттиришга ҳаракат қилганлар. Шу қабилда дунёга келган асарлардан бири Мавлоно Бадахшийнинг рисоласидир. Муаллиф ҳақида тарихчи Хондамир шундай ёзади: “Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Бадахший бағоят хушсуҳбат, ширин сўз, хушчақчақ, дарвишваш, латифтабъ ва фозил киши. Кўпроқ муаммо фанида катта маҳоратга эга бўлган, қарийб 30 йилдан буён бахту саодатга чўмиб олий ҳазрат амир Алишер мулозаматида кун кечирмоқда ва унинг тарбияти ҳамда инояти билан кунни тунга, тунни кунга улаб, фароғат ва осойишталикда ҳаёт кечирмоқда. Муаммо илми баёнида мукамал бир тазкира битган”...²

Кўриниб турибдики, у Навоийга анча қадрдон бўлган олимлардан экан. Мир Алишер ҳам у ҳақда “Мажолис ун-нафоис”да илиқ гаплар айтади:

¹ Атоуллох Ҳусайний. Бадоеъу с-саноеъ. А.Рустамов таржимаси, Тошкент, 1981, 8-бет.

² Алишер Навоий, Замондошлар хотирасида, 75-бет.

“Мавлоно Муҳаммад Бадахший – Кундузнинг Ишкамиш отлиқ кентидиндур. Аввали ҳолида андин таҳсил учун келиб, Самарқандга борди ва бир неча вақт анда сабақ ўқуб Ҳиррийга келди... Ҳоло таъ аҳли орасида андин сомонликроқ киши йўқдур. Подшоҳ ва гадоға мақбул ва мулойимдур. Ва бу муаммо фанида рисола битибдурким, кўп эл орасида машхур ва шоеъдур...¹

Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлэмалар фондида Бадахший “Рисолаи муаммо” сининг бир неча қўлэзма нусхалари мавжуд. Шулардан бири 1805 йили Муҳаммад Мусо валади Саид Амин Хожа томонидан настаълиқ ёзувида кўчирилган қўлэзма нусха бўлиб Ҳусайний, Навоий ва Жомийларнинг муаммога бағишланган ишлари билан бир муқова остида жойлаштирилгандир. Рисола қуйидаги ҳамд билан бошланади:

*“Эй воситаи жавҳари ашъё номат,
В-эй робитаи гавҳари ашъё номат.
Аз номи ту мушқули Бадахши ҳал шуд,
Эй, зобитаи ҳалли муаммо номат.*

Муаммо каломест, мушаъар ба ҳуруфи мураттаби китобй исме аз асмо ба тариқи ишорату имое, ки матбуи таъби пок ва манзури назари аҳли идрок бошад²

(Эй борлиқнинг таркиби воситаси номинг борлиқни боғлаб турувчи гавҳар сенинг номинг. Сенинг номингдан Бадахшийнинг мушкили ҳал бўлди, Эй, муаммо ечишнинг мезони номинг. Муаммо бир тартибда ёзилган ҳарфларда яширинган исмни таъби пок идрок аҳлига бўйсинувчи ва манзур бўлган имо-ишоралар орқали исм чиқаришдан хабардор этувчи каломдир.)

Бадахший муаммонинг юқоридаги қисқача таърифидан сўнг, биринчи навбатда, Амир Алишер номига муаммо келтирадики, бу хос эҳтиром ифодасидир:

*Агар дил меқунад аз меҳри моҳ гоҳе таманное,
Вале аз меҳри ў ёбад хушй ҳар лаҳза доное.³*

(Агар дил ойдан гоҳида меҳр таманно қилса, унинг (Навоийнинг) меҳридан эса ҳар лаҳза доно қалби шодликка чўлғанади.)

Кўриниб турганидек, мазкур байт муаммо эканлигини назарга олмасак, нафис бадий санъатларга бой ва чуқур ғояга эга бўлган шеър бўлаги сифатида кишида маълум таассурот қолдирадики, бу муаммо жанрини “формал жанр” дегувчилар фикрига тўғри келмайди. Умуман, муаммода кимнинг ёки ниманинг исми яширилиши муносабати билан унга тааллуқли бирор нарса, масалан, фазилати ёки камчилигига ишора ҳам этилади.⁴

Юқоридаги муаммолардан сўнг китобнинг ёзилиш сабаби ҳақида сўз юритилади: “... Бар арбобони фанни муаммо ва воқифони баёни рамзу имо тушида намонадқи ғараз аз тасвиди ин рисола ба тартиби *ин* мақола арзи чанд муаммоестки... ба шарафи илтифоти назари файзосори ҳазрати ҳақойиқпаноҳи маорифдастгоҳ, ҳомии шаръу муршиди номи, муқтадои

¹ А.Навоий. Мажолис ун-нафоис, 127-бет. 24.

² Шамсиддин Муҳаммад Бадахший. Рисолаи муаммо. ЎзФАШИ, N 4565, 73” - varaқ.

³ Биз ўз олдимизга Навоий замондошлари мадҳияларини ёритишни мақсад қилиб қўйганимиз туфайли бу ва кейинги муаммоларнинг ҳаллини кўрсатиб ўтиш зарурати йўқ деб ўйлаймиз.

⁴ Бу ҳақда Л.Зоҳидовнинг рисоласида етарлича мисоллар қелтирилган.

хўжаста фаржоми, изҳори исми шарифаш хиради хурдабин адаб намешуморад, мушарраф гашта, ба ташрифи қабули хотири хатири кимъетаъсири муқарраб ал-ҳазрат ал- султония, ки дар муаммои гузашта ном ва лақаби киромаш ба тариқеки, шуруъ дар он меравад, имло ёфт, мақбул шуда буд ва он ба тартиби қавоиди ин фанни мазбут ва марбут даст намедод. Ложарам, ба аъмоли сегона, ки “тасҳилий”, “таҳсилий”, такмилий” аст, эҳтиёж уфтод”.

... Муаммо фани арбоблари ва рамзу имо баёнидан хабардорга маълум ва равшан бўлсин-ким, бу рисолаи ёзишга сабаб, каминанинг бир қанча муаммосидурким, ҳазрати ҳақиқат-паноҳ, шариат ҳомийси, номдор устознингким, исмини тилга олиш одобдан эмас, фазли назари илтифотига сазовор бўлиб, ул Ҳазрати Султон яқин кишисинингким улуг номи ва унвони юқоридаги муаммода кўрсатилди (Навоий – Ш.С.) кимётаъсирли муборак хотири қабули шарафига муяссар бўлган эди. Аммо улар бу фаннинг қонун-қоидалари тартибига тўғри келмаганлиги сабабли, уларни “тасҳилий”, “таҳсилий” ва “такмилий” амалларига (бўлимлар) ажратишга эҳтиёж туғилди.)

Маълум бўляптики, Бадахший муаммоларининг Мир Алишерга маъқул бўлганлиги рисо-ланинг туғилишига туртки бўлган экан.

ҲУСАЙН БИН МУҲАММАД АЛ - ҲУСАЙНИЙ

Амир Алишер илтифотларидан баҳраманд бўлган яна бир олим Ҳусайн бин Муҳаммад ал-Ҳусайнийдир. Унинг ҳаёти борасида жуда ҳам кам маълумотларга эгамиз. Хондамир асарларида у ҳақда маълумот йўқ. Унинг бизгача етиб келган “Рисолаи муаммо” асаридан, у бу санъатнинг назарий ва амалий жиҳатларини пухта эгаллаган мутахассис ва Амир Али-шер билан яқин ижодий алоқада бўлганлиги англашилади. Асар дебочасида шундай ёзил-ган: “... фақири ҳақир Ҳусайн бин Муҳаммад ал Ҳусайниро чанд муаммое буд, ки зарра мисол аз партави илтифоти офтоби сипеҳри макрамат ва камоли наййири авжи азамату жалол, умдатул-салтанаи соҳибқирони комёб, ҳомийи шаръи фаёз, онки исми эшон рафъимако-наш хуршидвор аз матлаъи ин муаммо телуъ менамоюд... Амир Алишер... шарафи намоиш ёфта буд ва ба назари алтофи он ҳазрат симати кушоиш пазируфта...”¹

(“... бу фақири ҳақир Ҳусайн бин Муҳаммад ал- Ҳусайнийнинг бир қанча муаммоси бор эдиким, зарра мисол саховатли сипеҳр офтоби, азиму маҳобатли ёритқич камоли, камёб соҳибқирон салтанатининг асоси, шариат ҳомийси илтифоти биланким, ул кишининг азим исми кӯёш каби ушбу муаммо матлаъсидан (муаммони кейинроқ келтирамиз-Ш.С.) ярқи-раб кўринади...Амир Алишерга кўрсатилиб эрди ва ул ҳазрат назарига очиқлик билан қа-бул қилинди.”)

Демак, Ҳусайний муаммолари Навоий назаридан ўтказилганлиги табиийки, рисола ту-зишга даъват бўлганлиги кўриниб турибди. Шунингдек, рисола муаллифи аксар муаммо-ларни Абдурахмон Жомий кўздан кечириб берганлигини ёзади: “... аксар муаммиёти ин мухтасар аз назари кимёасари ҳақойиқпаноҳи, мазҳари файзи илоҳи, ки хиради хурдадон тасриҳи номи бо эҳтиромашро хилофи адаб дониста ба забони рамзу имо адо менамоюд (Жоми...) шарафи илтифот ёфта буд...”

(...бу мухтасар рисолаининг кўпгина муаммолари ҳақиқатпаноҳ, илоҳий файзни кўрини-ши бўлмиш, номларини тилга олмоқ одобдан ташқари саналганлиги учун рамзу имо тили бирла айтилур (шу ерда Жомий номига муаммо келтирилган – Ш.С.), ул зотнинг кимё асар-ли назари илтифотига сазовор бўлган эди.)

¹ Ҳусайн бин Муҳаммад Ҳусайний. Рисолаи муаммо. ЎЗФАШИ, N 4587.

Ушбу қайд, ўз навбатида, Ҳусайнийнинг Ҳиротда яшаганлиги ва Навоий муҳитида ижод этганлигидан далолатдир. Асарнинг 904 ҳижрий йилида (1499) Ҳиротда ёзилганлиги ҳам шундан гувоҳлик беради. Бироқ, ўзининг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида Хуросон ва Мовароуннаҳр, айниқса Ҳиротда истиқомат қилувчи барча шоир ва шоиртаъб олим ва фозилларга эътиборини қаратган Алишер Навоий Ҳусайнийга муносабат билдирмаган. Бу ҳол бизни таажжублантириб, балки муаллиф исми қисқартирилган шаклда берилмаганмикан деган хаёлда “Мажолис”ни яна бир карра кўздан кечирдик ва муаммо санъати билан алоқадор икки Ҳусайнийни учратдик, тўғрироғи, бири Мир Ҳусайн Муаммой, иккинчиси Паҳлавон Дарвиш Муҳаммаднинг укаси Ҳусайнийдир. Мир Ҳусайн Муаммой ҳақида Навоий шундай ёзади:...Нишопурдиндур. Шаҳрда таҳсил қилди. Онча ҳамида ахлоқ ва писандида автори борким, шарҳидин қалам тили ва қаламзан илиги ожиздур ва валоят осори ҳолидин пайдо ва фано нозуклигин ул ерга еткурдиким, андин ўтмак мумкин эрмас ва ҳукм қилса бўлурким, бу йўлни банд қилди...”¹

Ҳусайний ҳақида эса Паҳлавон дарвеш Муҳаммад фикрасида гапира туриб, охирида: “Иниси Ҳусайний ҳам муаммо айтур: “Мажд” исмига бу муаммо анингдурким² деб унинг муаммосини келтиради. Шундан бошқа бу муаммочи ҳақида ҳеч қанақа маълумот учрамади. Бир қараганда, Мир Ҳусайн Муаммой ўз замонасида муаммо санъатининг ўгкир билимдонни ҳисоблангач, рисола ёзиб уни Навоийга тақдим этган бўлиши мумкин. “Мажолис” қайта таҳрир этилган 903 ҳижрий (1497-98) йилида Мир Ҳусайн ўз умрини интиҳосига етказётган киши кўринади. Бунга Навоийнинг уни улуғлаб гапиришидан ҳам хулоса чиқариш мумкин. Тадқиқ этилаётган рисола эса тахминан 904 ҳижрий (1499) йилида, яъни “Мажолис” таҳриридан қарийб бир йил кейин оққа кўчирилган. Шунинг учун Навоий тазкирасида бу асар ўз зикрини топмаган бўлиши мумкин. Иккинчи Ҳусайнийга келсак, “Мажолис” таҳрир этилаётган пайтда у энди Ҳирот адабий муҳитига танилиб келаётган иқтидорли ёшлардан бўлса керакки, Навоий икки оғиз гап билан иниси ҳақида сўз юритилаётган фикрага илова қилиб кетган бўлса ажаб эмас. Агар уни рисола муаллифи деб қарасак, унда унинг Навоийдан ва Жомийдан маслаҳат сўраб, бир қанча муаммоларини кўрсатганлиги ҳақиқатга яқинроқдек туюлади. Бироқ кўлимиздаги рисолада Навоий тилга олган “Мажд” исмига муаммо йўқ. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти кўллезмалар фондида “Рисолаи муаммои Ҳусайний”нинг эллиқдан ошиқ кўллезма нусхалари мавжуд бўлиб, уларда муаллиф “Ҳусайн ибн Муҳаммад ал Ҳусайний” деб кўрсатилган. Бизнингча, Ҳусайн Муаммой рисола муаллифи бўлиши керак. Алишер ҳам, у киши машҳур шахс бўлганлигидан исм-шарифини тўлиқ ёзиб ўтиришни зарур деб билмаган кўринади.

Мир Ҳусайн “Мажолис” қайта таҳрирдан чиқарилган йили рисола ёзишга киришган ва уни тез орада тугатиб, Навоийга тақдим этган. Бу китоб Ҳусайн Муаммойнинг асосий ва унинг номини адабийлаштирган бирдан-бир асардир. Тўғрироғи, унинг “тўқсон тўққиз исмга муаммо” номли пайғамбар, унинг издошлари ва йирик руҳонийлар номига битган муаммолардан иборат тўплами ҳам бор. Аммо тўплам содда ва жузъий бўлгани учун унчалик қийматга эга эмас. Рисола кўчирилгандан сўнг бирмунча вақт ўтмай, Мир Ҳусайн оламдан ўтади.

Рисола Аллоҳга анъанавий ҳамд билан бошланади ва юқорида келтирганимиз, яъни муаммоларнинг Навоий назаридан ўтказилгани ҳақидаги жумлалардан сўнг Амир Алишерга бағишланган муаммоларнинг баъзилари келтирилган:

¹ Мажолис ун-нафоис, 128-бет.

² Ўша асар, 140-бет.

*Меҳру моҳи оламий дар авжи рифъат карда жо,
Моҳу анжумро ба хоки раҳгузарат илтижо.
Ҳаст васфаш берун зи ҳадди адо,
Бассит уллоҳ зиллаҳу абадо.*

(Олам қуёши ва оyi юксакликнинг энг чўққисида жойлашгандирлар, аммо ой ва юлдузлар сенинг йўлинг тупроғидан ҳомийлик истарлар, яъни қуёш ва ой осмоннинг энг чўққисида жойлашган, сен эса улардан ҳам шунчалик юксакрокдасанки, улар сенинг босган йўлингда ётибдилар. Унинг (Навоийнинг) таърифи ўзининг олий чегарасидан ҳам ўтмишдир. Худонинг паноҳида абадий турсин.)

Яна:

*Он дил, ки з-асрори яқин пардакушост,
Олам ба жавоҳири маони. орост.
Аз нури азал оинаи ғайбнамоств,
Дар маърази он чист муаммо пайдост.*

(У дилки, яқиний илмлар сиридан парда кўтарувчи, оламни маъно жавоҳирлари билан безатувчи, азал нуридан гайбдан сўзлагувчи оинадир, унинг бағрида муаммо пайдо бўлур.)

*Ёки, мана бу қитъага назар солайлик:
Эй, шуда мафтўҳ дарҳои беҳишт бар замир,
Дар замират арсаи олам матоеъе бас ҳаҳир.
Вақф шуд давлат тамом аввал ба он хоки қадам,
Нест сонии ту, эй динпарвари гардунсарир.
То ки бошад Машриқу Мағриб бар атрофи фалак.
Офтобу Муштарй бодо туро фармонпазир.
Шуд гадои остонат з-он бувад болои чарх,
Шоҳи анжумро алам пай, дар пай, эй равшанзамир.
Дил зи таъзиму жалол аз ҳар тараф бар хоки роҳ,
Дида халқеро бар он дар к-аз аҳли дору гир.
Рӯи бар оина мехоҳад зи меҳру моҳ дилаш,
З-он ба хишти фарши кўят дида сояд чархи пир.
Саркашонро бо шафеъе рӯи сўй он дар аст.
Жуста хоки осмонат ҳам фақирӯ ҳам амир.*

(Эй, замирингга жаннат эшиклари очилгувчи зот, замиринг олдида олам арзимас мато. Сенинг хоки пойингга барча давлат вақф бўлди, чунки сен каби динпарвар бошқа йўқ. Фалак атрофида Машриқу Мағриб бор экан, Қуёш ва Муштарий сенинг ҳукмингга ҳозир бўлсин. Чархнинг юксаклиги сенинг остонанг гадоси бўлганлигидан, юлдузлар шоҳининг (қуёшнинг) байроғи чархнинг юксак маконида ҳилпирайди. Дил ҳукмронларнинг ҳар тарафдан келиб, эшигинг олдида тўплангани ва сенга таъзим қилиб, сени шарафлаганини кўрди. Сенинг софлигингни ўзи билан таққослаш учун қуёш ва ой ўзларини ойнада кўрмоқ истарлар ва мўйсафид чарх кўзларини сенинг кўйинг ғиштига суртади. Бош тортганлар (дарвешлар) ҳомийлик излаб келувчи эшик сенинг эшигингдир, фақир ҳамда амирлар сенинг остонанг тупроғига зор.)

Бу қитъа Амир Алишерга бағишланганлиги кўриниб турибди. Айниқса, диққатга сазовор жойларидан яна бири шуки, ундаги байтларнинг ҳар бири муаммо санъати билан безалгандир.

Умуман олганда, ушбу рисолада беш юзга яқин муаммо бўлиб, унда XV аср II ярмида Хуросон ва Мовароуннаҳрда машҳур бўлган кўпгина атоқли кишиларнинг номлари учрайди. Алишер Навоий шахсига ўн бир муаммо аталган. Муаллиф рисолаи Фоний ва Мир, яъни улуғ амир номига тугаллайди:

Фоний:

*Он кас, ки жаҳон надида монандаи ў,
Бодо абади давлати пояндаи ў.
Хоҳи аз вафо, дило, барори номи,
Сар неҳ ту, ба жои қадами бандаи ў.*

(Ул кишиким, жаҳон у кабини кўрмаган, унинг мустаҳкам давлати адабий турсин. Эй дил, агар сен вафодан ном чиқармоқчи бўлсанг, унинг бандалари қадамжоларига бошингни қўй.)

Мир:

*Зи баҳри расидан ба иззу шараф,
Чу ин номаро хомаи хушхиром.
Биёрост аввали азон, номи беҳ,
Ки бошад бар ў низ хатми калом.¹
(Иззату шарафга этиш баҳридан,
Хатга этишгандек хушхиром қалам.
Безади номанинг аввалин ул ном,
Бўлсин шу ном ила рисола тамом.)*

Рисоланинг Мир Алишерга бағишланиши охирида ҳам номининг тилга олинганлиги Мир Хусайннинг Навоийга бўлган юксак ҳурмати ифодалагани қолмасдан, XV аср форс-тожик адабиётида муаммо санъатининг ривожига алоҳида эътибор билан қараган Алишер Навоийдан беҳад миннатдорчилик белгисидир.

МУҲАММАД АҲЛИЙ ШЕРОЗИЙ

Алишер Навоийга бағишланиб, унинг сифатлари тараннум этилган юқорида мазкур бўлган мадҳиялардан ташқари, замон шоирлари унга гўзал қасидалар бағишлаганлар. Кўп қидиришлардан сўнг қўлга киритилган шундай қасидалардан бири – Аҳлий Шерозий қаламига мансуб бўлиб, ўрта асрлар шеърлятида учрайдиган “маснуъ қасида”, яъни шарқ поэтик санъатлари воситасида ёзиладиган қасида турида Алишер Навоий номига мувашшаҳ этиб тузилган.²

Мавлоно Аҳлий Шерозий XV асрнинг иккинчи ярми, XVI асрнинг бошларида яшаб ўтган бўлиб, ўз даврининг етук шоирларидан ҳисобланган. Бунга кўпгина тазкиралардаги унга доир илиқ сўзлар, бизгача сақланиб келган куллиётидаги ранг-баранг ғазалларининг юқори савияси кафиллик бера олади. Унинг девондан ташқари, “Шам ва парвона”, “Сехри ҳилол” номли икки достони ҳам мавжуддир.

Алишер Навоий “Мажолис ун- нафоис” да шоир ҳақида шундай ёзади:

¹ Мир Хусайн б. Муҳаммад Хусайний. Рисолаи муаммо, 116 -варак..

² Мазкур қасида топилганлиги ҳақидаги дастлабки маълумот муаллиф томонидан эълон қилинган. Қаранг: Ш.Сирожиддинов. Алишер Навоийга бағишланган қасидалар ҳақида /Бадий адабиёт ва адабий тил масалалари. Самарқанд, 1991, 3-10-бетлар.

“Мавлоно Аҳлий – Шерозлиқдур. Ҳамоноки, толиби илмлиғи бор. Назмлардин ҳар синф шеърда маҳоратлиғ кишидир, батахсис қасиди услубида. Неча қатла Шероздин рангин қасидалар айтиб юбориб эрди. Бу яқинда Ҳожа Салмон Соважий маснуъ қасидасига жавоб айтиб, бир ғариб рубоий дағи изофат қилиб юборибдур.¹

Кўриниб турибдики, Аҳлий Навоийнинг хос эҳтиромига сазовор бўлган ижодкорлардан экан. Фурсат Шерозийнинг “Осори ажам” тазкирасида ҳам шерозлик шоир ва аҳли илм ҳақида келтирилган маълумотлар ичида қуйидагилар эътиборга лойиқдир: “...Мавлоно Аҳлий Шерозий – номаш Маҳаммад, мавлудаш Шероз, аз жумлаи урафои соҳиби жоҳ буда ва дар фунуни шеър, хосса, қасоиди маснуия камоли маҳоратро дошта, дар муқобили қасидаи маснуияи Хожа Салмон Соважй се қасида дар мадҳи Амир Алишер гуфта ва беҳтар аз он гуфта ва онҳо дар назди фақир мавжудаст ва маснави мавсум ба “Сехри ҳилол”ки, дар ҳар шеър се санъат аз санойиъи илмий-бадий ба кор бурдаки, ақл дар он ҳайронаст ва уро низ девоне аст кабир, давоздаҳ ҳазор байт ва рисола дар илми муаммо, рисолае дар илми аруз ва қофия. Қариб ҳаштод сол умр намуда, дар санаи 942 ҳижри вафот ёфта, дар тарафи дасти чапи хожа (Ҳофиз Шерозий – Ш.С.) мадфунаст²

(...Мавлоно Аҳлий Шерозий, исми Муҳаммад бўлиб Шерозда таваллуд топгандир. У олий мартабали донишмандлардан бўлиб, шеър фанида, айниқса, маснуъ қасидалар бобида маҳорат камолотидадир. Хожа Салмон Соважий йўлида Амир Алишерни мадҳ этиб, уч қасида айтган ва ундан ҳам яхшироқ айтгандир. Улар (қасидалар – Ш.С.) фақирнинг ёнида мавжуддир. Шунингдек, “Сехри ҳилол” номли маснавийси борким, ҳар шеърда илмий бадий санъатлардан уч санъат ишлатилганки, ақл унга ҳайрон. Унинг 12 минг байтли девони ҳам бор, муаммо, аруз ва қофия илмларига оид рисолалари мавжуд. Қарийб 80 йил умр кўриб, 942 ҳижрий йилида вафот этди. Хожанинг чап тарафида дафн этилган”).

Шу каби фикрлар “Мажолис ул-муъминин” тазкирасида ҳам учрайди.³ Юқоридаги тазкиралардан Аҳлий Шерозий моҳир қасиданавис шоир эканлиги англашиляпти. Е.Э.Бертелъс “Навоий” монографиясида Аҳлий Шерозий ҳақида сўз юритар экан, унинг уч қасида ёзганлигини, улар Навоий, Султон Яъқуб Оққуюнлининг биродари Юсуфшоҳ ва Шоҳ Исмоил Сафавийга бағишланганлигини айтиб ўтади.⁴ “Осори ажам” даги қайдни ҳисобга оладиган бўлсак, у Алишер Навоий мадҳида бир эмас, балки уч қасида ёзган бўлиб чиқади. Қасида кўчирилган қўлёзма тепасида “Қасидаи аввали дар мадҳи Амир Алишер” ёзуви ҳам далилдир. Бунга Навоийнинг “неча қатла Шероздин рангин қасидалар айтиб юбориб эрди” деган фикрини илова қилсак, бу уч фикр бир-бирини тасдиқлагандек туюлади. Шунингдек, Лутфали Озарнинг “Оташкада” тазкирасида ҳам “Осори ажам” маълумотларига оҳангдош сўзлар мавжуд: “...Мавлоно Аҳлий саромади фусаҳои замон ва сардафтари фусаҳои суҳандон ва дар фунуни шеър дар камоли маҳорат ва қасоиди маснуъ (кўплик формасида келаётганлигига эътибор беринг – Ш.С.) дар муқобили Сайид Зулфиқор Ширдой ва Хожа Салмон Соважй дар мадҳи Амир Алишер Навоий гуфта ва беҳ аз ҳар ду гуфта...”⁵

(... Мавлоно Аҳлий замон фасихлари саромади, суҳандон фасихлар бошчиси ва шеър фанида маҳорат камолотидадир, Сайид Зулфиқор Ширдой ва Хожа Салмон Соважий услубида Амир Алишер Навоийга маснуъ қасидалар бағишлаган ва уларнинг ҳар икковидан ҳам яхшироқ айтган.)

¹ А.Навоий. “Мажолис ун-нафоис” Асарлар. XII жилд, Тошкент, 1966, 165-бет.

² Фурсат Шерозий. Осори ажам Тошбосма, Хинд, 1896, 4 71-бет .

³ Нуруллох Шустарий. Мажолис ул-муъминин” Табриз Ҳожи Иброҳим нашри, XIX аср, 514-бет.

⁴ Е.Э.Бертелъс. Навои и Джами. Избр. Труды. Москва, 1965, стр.39.

⁵ Лутф Алибек Озар. Оташкада. ЎзФАШИ, N 793, 253 а-варақ.

Қўлимиздаги маснуъ қасида Амир Алишер номига мувашшаҳ этилган бўлиб, 150 байтдан иборат. Қасида ЎзФАШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган 2206 инвентарь рақамли “Куллиёти Аҳлий Шерозий” девонининг охирига жойлаштирилган бўлиб, чиройли, нафис настаълиқ хатида кўчирилган.

Аҳлий қасидани ёзиб тутатгач, шахсан ўзи Ҳиротга келиб, Навоийга тақдим этган. Бу ҳақда Амин Аҳмад Розий ўзининг “Ҳафт иқлим” тазкирасида қайд этишни лозим топганлиги диққатга сазовордир: “... мавлоно Аҳлий бо сафоии зеҳни салим ва зуккотабъи мустақим, аз жамиъи шуарои замонаи худ имтиёзи фаровон дошт... пас азонки ба Ҳирот таважжух намуд, қасидаи маснуъи Хожа Салмонро маъ зиёдати татаббуъ намуда, ба номи Амир Алишер мувашшаҳ гардонид ва ” силаи аржманд ёфт.”¹

(... мавлоно Аҳлий салим зеҳнининг поклиги, зукко таъблиги билан ўз замонасининг жами шоирлари ўртасида анча имтиёзга эга эди. ... Ҳиротга келганидан сўнг Хожа Салмоннинг маснуъ қасидасига ортиғи билан татаббуъ қилиб, Амир Алишер номига мувашшиҳ этди ва муносиб тақдирланди.)

Қасида дебоча билан зийнатлангандир. Унда қасиданинг Амир Алишерга бағишланганлиги ҳақида сўз юритилган:

“...Биъд аз фароги мутолаа ва мушоҳадаи саноеъи бадоеъи қасидаи маснуъ ки рақамзадаи килки латойиф шиёр, мафхар аш-шуаро Хожа...Салмон Соважй аст ... батариқи татаббуъ иншо намуданд мувашшаҳ, ба алқоби шариф, бадаввуни ин синоат ва хуружи ин бизоат, амири кабири олами адл, амир ул-умаро, малиҳо ал-фузало, Мулоз ул-фуқаро, асад-ал-маорик, Шиблий ал-масо-лик аз оммал-ислом ва-л-муслимин, низом ал-хақ ва-д- давла ва-д- дунё, ва-д-дин Алишер .

Байт:

*Онки нашъу намои гулшани даҳр,
Ҳама аз офтоби ҳиммати уст.
Сурхруйи - и фазл имруз
Чун ақиқ, аз сухайли давлати уст.*

(Шоирлар фахри Хожа Салмон Соважийнинг латиф қўли билан ёзилган маснуъ қасидани мутолаа қилиб бўлгандан сўнг татаббуъ қабилида одил оламнинг улуғ амири, амирлар амири, фозиллар малиҳоси, фақирлар пуштипаноҳи, шери майдон, ислом ва муслимлар олами маслаклари Шиблийси, дин, дунё, давлат ва ҳақиқат низоми Амир Алишернинг шариф номига мувашшаҳ этиб ёзилди.

Байт:

*(Улким, даҳр гулшанининг нашъу намоси,
барча унинг ҳиммат офтоби нуридан,
бахраманд. Бугун фазл аҳли юзиниг ақиқ каби
қизиллиги (руҳи бардам, бахтиёрлиги) унинг
давлати сухайлидандир (юлдузидандир).)*

Қасида бир байтдан тўрт байтгача бўлган 69 банддан ёхуд қитъадан иборатдир. Ҳар банддан бир маснуъ байт истихроҷ қилинади, яъни чиқарилади.

Бундай маснуъ байтлар сони 70 тага яқин. Биз ушбу ишимизда эътиборни Навоий мадҳига қаратаётганимиз учун ҳам қасиданинг ёзилиш услуби, поэтик маҳорати ҳақида тўхталмасликни лозим кўрдик. Фақат икки оғиз сўз маснуъ қасида тарихи ҳақида.

¹ Амин Аҳмад Розий. Ҳафт иқлим. ЎзФАШИ N617, 83а-варақ 34.

Маълумки, Шарқ поэтик санъатларини қай даражада ишлатиш ижодкорнинг маҳорат даражасига боғлиқдир. Ўрта асрлар шоирлари ўз асарларида нутқ бадиий воситаларининг турли-туман шакллари қўллаб, ўз маҳоратларини намойиш қилганлар. Айниқса, XIV аср шоири Салмон Соважий бошлаб берган, ўнлаб поэтик санъатларни ўз ичига олган маснуъ қасида услуби бу йўналишда энг юқори чўққисига кўтарилди. Кейинги асрларда ҳам кўпчилик шоирлар бадиият оламида куч синашиш воситаси сифатида қасидаи маснуъ ёзишга қўл урганлар ва Салмон қасидасига татаббуъ ёзганлар. Маълумотларга қараганда, Соҳиб Балхий, Фасиҳ Румий, Дарвиш Мансур Сабзаворий, Ҳофизали Жомий, Аҳлий Шерозий, Қатилий каби форс-тожик шоирлари қаторида Навоий ҳам татаббуъ қилган экан. Алишер Навоий бу ҳақда шундай ёзади: ... Яғо. суханпардоз устози. олийшон Хожа Калимиддин Салмонки, қасида майдонининг чобуксуворидур ва ўз замонининг беназир сухангузори, машҳурдурки, чун маснуъ қасидаси тартибига қалам сурубдур, Ўн секкизда итмом еткурубдур. Воқеан ише қи- либдурки, назм аҳли анинг тааммулида ҳайрон ва тааммулида саргардондурлар. Тарсиъ санъатиким, матъладин ўзга байтда бўла олмас, ул қасиданинг агарчи мустахраж матлаъи ростдур, аммо асли матлаъда аввалғи мисранинг бир лафзида тахаллуф қилибдур ва матлаъ будурким:

*Сафои сафвати руят бирехт оби баҳор,
Ҳавои жаннати куят бибехт мушки тотор.*

Бу матлаъга татаббуъ қилгон кўп суханварлар ва назмгустарлар чун муқобалада дебдурлар, лат ебдурлар. Бу фақирнинг матлаъи будурким:

*Чунон вазид ба бўстон насими фасли баҳор,
К-из он расид ба ёрон шамими васли нигор.¹*

Аҳлий Шерозий ўз қасидасини шундай бошлайди:

*Насими кокули мушкин к-орост чун ту, нигор
Шамими сунбули пурчин кужост мушки тотор.
Шамим хезад аз оҳу вале на з-ин хуштар,
Насими гул вазад, аммо чунин на анбарбор.*

(Мушкили кокулнинг шабадаси сен турганда кимдан эсади, жингала сочингнинг хушбўйлиги шунчаликки, тотор мушкига йўл бўлсин. Охудан ҳам хушбўй ҳид таралади, аммо бунчалик ёқимли эмас, гулдан шабада таъсирида ёқимли ҳид таралса ҳам бунчалик хушбўй эмас.)

Агар Навоий ва Аҳлий маснуъ қасидалари матлаъсини солиштириб кўрсак, шу нарса аён бўладики, Аҳлий Салмон Соважий қасидасига татаббуъ қилиб, Амир Алишер номига мадҳия ёзар экан, Навоийнинг маснуъ қасидасидан илҳомланган бўлиши мумкин, Саббаби, Аҳлий улуғ шоирга мадҳ ёзаётганлиги учун ҳам қасида бошидаёқ унинг байтига мос сўзлар топа олган, Навоий байтидаги “баҳор фаслининг насими етиб, ундан дўстларга ёр васлининг хушбўй ҳиди келди”, деган маънода юқорида келтирганимиз, қасида насибига ибтидо қилган. Бизнингча, бу ўзига хос поэтик приём бўлиб, Навоийда қасидага нисбатан ижобий кайфият туғдирган бўлса, ажаб эмас.

Аҳлий қасида ёзиш қонун-қоидаларига биноан узундан-узун кириш қисми – насибдан сўнг мақсадга кўчади:

¹ А.Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин. Асарлар, 15 томлик, XIV жилд, Тошкент, 1967, 125-бет.

*Пайи чи баста забон, гашта гум зи худ булбул,
Магар кушода забон соҳиби ямину ясор.
Низомиддин Алишер пешаи ислом,
Ки ёфт лавҳу қалам аз шиораи истехзор.
Умур-и ҳашмат аз ў хотами пазируфта
Румузи ҳикмат аз у ношенуфта дар асрор.*

(Не сабабдан булбул жимиб қолди ва ўзлигин йўқотди? Наҳотки борлиқ олами оғиз очган бўлса (тилга кирган бўлса). Низомиддин Алишер, у – ислом пешаси, лавҳу қалам унинг шиоридан мадад олгандир. Унинг буюк ишлари (та рихда) муҳрлангандир, унинг ҳикмат сирларини сирлар олами эшитмаган).

Шерозий ушбу банд-гуризгоҳдан қуйидаги санъат – байтни истихрож этади:

*Безабон гашта зи худ булбул, дилсухта рафта,
Магар аз соҳиби сайфу қалаж ашъори шенуфта.*

(Булбул тилидан айрилиб, жигар-бағри эзилиб кетди, наҳотки, қиличу қалам соҳибининг шеърларини тинглаган бўлса?)

Навоийнинг шеърлари шунчалик мусиқий, дилкаш ва наволики, уни эшитиб ҳайратда қолган булбулнинг тили тутилиб, овози чиқмай қолди, демоқчи шоир.

Мазкур истихрожий байтлар қасиданинг асосий матнига алоқадор бўлмасада, аммо ундаги ғояга хизмат қилади, яъни улар ҳам ўз мазмуни ила Алишер Навоий мадҳини ёрқинроқ бўёқларда кўрсатишга ҳисса қўшади.

Алишер Навоий сўз санъатини олий чўққисига кўтарганлиги ва суҳан аҳлига ҳомийлик қилганлиги замондошларининг чуқур эҳтиромига сабаб бўлган:

*Муравваже, ки чунон тоза сохт жони суҳан,
Ки баста чапти хирад аз тасаввураш, ангор.*

(Ҳомийким, суҳан жонини шундай тоза (янги) қилдики, хирад (ақл) кўзи бун тасаввур қилишга ожиз.)

*Малойик аз талаби ҳамдамиш бар дару бом,
Мулуқ аз тамаи маҳрамиш бар дарбор.*

(Мирнинг обрў-эътибори сўз санъаткори сифатида шунчалик ошдики, султонлар уни ўзларига яқин қилиш учун саройларида, малойиклар унга ҳамдам бўлиши учун ҳамма жойда мунтазирдирлар.)

Навоийнинг ўзи ҳам сўз буюклиги йўлида барчага ҳамдаму маҳрамдир:

*Тоза жони суҳан аз ҳамдамиш,
Баста чашми хирад аз маҳрамиш.
(Ҳамдамлигидан суҳан жони камолотда.
Маҳрамликда ақл бовар этмас юксакликда.)*

Ёки, Навоийга мурожаат қилиб:

*Малик, Мулқати суҳан, ки нахуст,
Дам ба тавфиқи ҳамдамат буда.*

*Ғайри килкат касе зи зулфи сухан,
Гиреҳи насру назм нақушуда.
Ҳеч кас бе насими марҳаматат
Гарди меҳнат зи чеҳра назудуда.*

(Сен сўз мулкининг султони дурсан. Омад сенга ҳамиша ҳамдам. Сендан ўзга киши сухан зулфидин насру-назм тугунини еча олмаган. Ҳеч ким сенинг марҳаматинг шабадасисиз, юзидан қийинчилик чангини тозалай олмаган.)

Аҳлий Навоийнинг очиққўллигини, сахийликда Хотами Тойдан ўтишини унинг қўллариини Нил дарёсига қиёс қилиш орқали тасвирлайди:

*Ажаб мадор з-и дасташ ки кардаам монанд
Ба баҳри Нил, ки жори бувад аз у анҳор.
Латойифи карамаш коми халқ шаҳри дод,
Кафи инояти ў шуд чу баҳре аз исор.*

(Ажабланма, агар мен унинг қўлини Нил денгизига қиёсласам, ундан кўплаб дарёлар оқиб чиқади. Унинг иноятли кафи ҳам садақа тарқатишда денгиз мисол бўлиб, Нилдан дарёлар оқиб чиққанидек, унинг кафидан ҳам иноят оқиб туради.)

Навоий дўстларига баъзида аччиқ гапирса ҳам, унинг замирида яхши нияту, очиқ кўнгиллик ила уларни тўғри йўлга бошлаш ётади. Аммо у душманларига ширин гапирсада, уларга аёвсиз рақобатдадир:

*Пайке, ки вай ниҳадаш заҳр, фи-л-масал дар даст,
Бигу, бинуш, ки дар коми ўст нўшгубор.
Шароб дар даҳани дўстонаш нушинтаъм,
Шакар ба бахти бади душманонаш нешхор.*

(Агар у қўлга, масалан, заҳар тутқазиб, ич, деса, у кишининг оғзида заҳар хуштаъм ичимликка айланади. Дўстларига аччиқ шароб берса, дўстлари оғзида ширин ичимликдир, душманларига шакар берса, у сарқит каби таъсир этади.)

Маълумки, Алишер Навоий бошқа шоирларга ўхшаб мол-дунё орттириш пайида шеър ижод этмаган. У ўзининг давлат мақомида тутган ўрни туфайли бунга эҳтиёж сезмаган. Билъакс, етим-есирлардан тортиб, юқори мансабли амалдорлар ва ҳатто шоҳларга ҳам инъомлар қилгани ҳақида маълумоглар кўп. Аҳлий ҳам барча шоҳидлар қаторида бу мурувват эгаси қаршисида таъзимда:

*Ягона ой¹ Суханатро чу бод орад,
Диле, ки мурда бувад зинда созад он гуфтор.
Расондай ту бадон поя сухан к-имруз,
Жаҳон гирифта қиёмат зи сити истишҳор
Ба жуз ту, кист, ки орад з-назм бикаҳу куҳ,
Гавҳар писор кунад куҳ-куҳ бар аҳрор.*

(Келсангчи, сўзларингни шамол етказсин, улар жонсиз қалбни тирилтиришга қодир. Сўз қадрини сен шундай юксакликка кўтардингки, шухратинг овозаси бутун жаҳонни тутди. Ўзи назмидан сомончалик фойда кўрмаса ҳам, хур фикрлилар устига тоғ-тоғ гавҳар сочувчи киши сендан ўзга ким ҳам бўлиши мумкин.)

¹ Асл матни тиклаш иложи бўлмади.

Ёки:

*Вакили разк тўй, эй бузургвор, з-лутф,
Насими хулқи ту ин мужда дода дар ақтор.
Хаёли фитнау-арақ гирифтааст гул об,
Ба шиша карда зебост гулоб аз он аттор.*

Байт:

*Гулобвор зи лутфат гирифтаст гул об
насими хулқи ту дар шиша кардааст гулоб.*

(Лутфда сен ризқ улашувчисен, эй бузруквор, хулқинг шабадаси бу муждани (яхши хабарни) чор-атрофга ёйди. Гул очилгач, ўз гўзаллигидан мағрурланиб, сенга нисбатан фитна уйғотмоқни хаёл қилди, аттор эса ундан жуда гўзал гулоб ясаб шишага солди. Лутфинг туфайли гул худди гулобдай очилиб, олий хулқинг шабадаси уни шишага солиб гулоб қилибди.)

Мир Алишер Навоий, аввало, барчанинг маслаҳатгўйи эди. Ҳатто унинг устози ва пири ҳисобланмиш Абдурахмон Жомий ҳам ўз асарларини ёзишда у билан маслаҳатлашган. Амирнинг маслаҳатлари Султон Ҳусайн учун катта аҳамиятга эга бўлган. Бойқаро ўғиллари қаерда ҳоким бўлишмасин, Навоий ўғит-насихатлари асосида иш кўришга ҳаракат қилганлар. Шоир ва давлат арбоби Навоийнинг аралашуви натижасида давлатнинг кўпгина ички ва ташқи низоларига чек қўйилган. Аҳлий улуғ амирнинг бу ноёб сифатини шундай улуғлайди:

*Дами мужодалаи шаҳон шураат аз фазлат,
Ки тиғи меҳри ти бишкаст қалби сад қаҳҳор.
Ба дасти фазли ту нақди ҳунар суханҳо нест,
ки ҳаст ганжи ниҳонат к-ромат аз додор.*

(Шоҳлар уруши пайтида сенинг ҳаяжон ва изтиробларинг фозиллигингдан даракдирки, сенинг меҳринг тиғ қаҳрли юз кишининг қалбини тешади, Сенинг фазлинг қўлида, сўзлаш санъати эмас, балки яширин хазина бордирким, адолатпарварлигинг олдида бўйсунди.)

Фазлда беқиёс бўлган улуғ инсоннинг туриш - турмуши барча хабардор кишилар учун поклик мезони эди. Ҳатто Ҳусайн Байқаро уни ўзига пир деб ҳисоблаган. Аҳлий ҳам уни тавоф қилишга умид боғлаганлиги қуйидаги сатрларда яққол сезилади:

*Вужуди нуҳ фалакат хоки раҳ ба ҳар қадами
Ситода хайли малак бар дара т ба истехзор,
Дари ту бўса диҳад Каъба гар сафо жуяд,
Чунончи бар қадамат чеҳра мениҳад заввор.*

Байт:

*Нуҳ фалакат хоки қадам бўса диҳанд,
Хайли малак бар қадамат чеҳра ниҳанд.*

(Тўққиз фалакнинг вужуди ҳар қадамда (оёқинг остида) тупроқ бўлиб ётибди, малаклар эшигинг олдида чақиришингга мунтазир. Агар Каъба ўзи каби пок жой қидирадиган бўлса, зиёрат қилишга келаётганлар пойингга юзларини босиб тавоф қилганлиги каби, сенинг осгонангни ўпсин.)

XV асрнинг иккинчи ярми теурийлар салтанатида яшаб, ижод этган кўпгина адабиёт ва илм-фан пешволари (Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ ва бошқалар) ўз асарларида Наво-

ийнинг ўта сахийлиги, қўли очиқлиги ҳақида кўплаб маълумотлар қолдирганлар. Аҳлий қасидасида улуғ амирнинг яна бир фазилатини, унинг ҳеч қачон бирортадан мол-мулк та-масида илтимос қилмаганлигини алоҳида қайд этишни лозим топади:

*Вужуди кас набувад ҳамчу халқу мардумият,
К-ин нагуфт ба талхи-ю, он накард озор.
Дигар чу ҳимматат андар жаҳон надида каси,
Нокарда дар ҳама умр илтимосе аз ағёр.*

(Бунчалик халқчил, халқпарвар вужуд ҳеч кимда йўқ. Бундай ҳиммат ҳам ҳеч кимга на-сиб этмаган. У умрида бировдан бирор нарса сўрамаган.)

Маълумки, сарой ичидаги фитналар туфайли Навоий анча азият чекади. Мирнинг дав-латда кундан-кунга ортиб бораётган мавқеи, обрў-эътиборидан ғашланган ғанимлари орқаворотдан тош отишга қўлларида келгунча ҳаракат қиладилар. Бундан хабардор бўлган Аҳлий самимий ҳамдардлик изҳор этиб, киши, аввало, ўзининг енга олиши лозим, кўнгилнинг ҳаддан бўшлиги ҳам, инсонга кўпинча дард-алам келтириши ҳақида мисралар келтиради:

*Даруни душман чоҳаст, барқарор мабод,
Наёфт ҳеч дил аз сўзи ҳасраташ жуз бор.
Рафиқи хасми ту навбад ба жуз дили бирён,
Ба ҳарчи дидаи гиръён у кунад тимор.
Душманатро мабод жуз дили бирён,
Ҳеч дил сўз ба ҳар дидаи гиръён.*

(Душман ичи чоҳдирким, барқарор бўлмасин. Бирор дил ҳасрат ўтидан бошқа нарсага эга бўлмади. Ҳар қанча кўз ёшию, ҳамдардлик билдирса ҳам, бирён (эзилувчан) кўнгилдан ўзга душманнинг дўсти бўлмас. Душманинда ҳам шундай эзилувчан кўнгилдан ўзга нар-саси бўлмаслигини, сенга ҳар бир йиғлоқи кўзга кўнглини бузмаслигини тилайман.)

Амир Алишернинг адаб аҳлига ҳомийлик қилиши, барча учун илм масканлари эшигини очиб қўйганлиги натижаси ўлароқ, бутун Мовароуннаҳр, Хуросон илм шайдолари, талаба-дан тортиб, донишмандгача унинг атрофида жам бўлдилар. Узоқ-яқиндан тўпланган шо-ирлар унинг мажлисларини безата бошладилар:

*Ту Хизри раҳравони ба донишу таҳқиқ,
Ту Шиблию, Жунайд аз далоили атвор.
Шаку яҳин набурд, роҳ дар камолотат,
Ки дар маҳоми иноят намуди истиқрор.*

(Сен илму-донишда йўл кўрсатувчи Хизрсан, (яъни устозсан). Сен Шиблий ва Жунайд кабидурсан. Камолотинга ҳеч шубҳа йўқдир, чунки иноят мақомида маҳкам ўрнашгандур-сан.)

Барча илму фан ва адабиёт пешволари Навоий мададидан сарфароз ва унинг хизматиға хамиша шайдирлар. Аҳлий ҳам улар қаторида Амир Алишерни улуғлашга ва хизматга ҳо-зир:

*Рафиҳ гашт туро фазлу лутфи яздони
Нигоҳдори ту бошад ҳаросати ахъёр.*

*Ба тавъ ман накушоям камар аз ин хидмат,
Ба сидҳ мадҳи ту корам бувад на аз ағъёр.*

(Сенга рафиқ бўлди яздон (худо) лутфи ва фазли, у сенинг нигоҳдоринг бўлсин. Мен бажонудил сенинг хизматингдадурман, сенинг мадҳинг биланман, бошқа билан ишим йўқ.)

Алишер Навоий китобат қилишга, хуснихатнинг гўзал ва нафис бўлишига катта эътибор берган.

Бунга ўз атрофига тўплаб, ишларига ҳомийлик қилган Султон Али Машҳадий, Зайниддин Маҳмуд, Султон Муҳаммад Нур, Султон Муҳаммад Хандон, Абдул Жамил каби машҳур хаттотларни мисол қилса бўлади.¹ Навоийнинг ўзи ҳам иншо санъатини мукаммал эгаллаган моҳир хаттот бўлган. Қуйидаги байтлар яна карра шунинг исботидир:

*Яқин, рабуда килки ту сурати монист,
Ки сўзад аз ҳасадаш чун хатат қунад изҳор.
Азонки килки ту холу хатест мушкинранг,
Бисухт сад дили сангину, насх кард ғубор.
Ёки қуйидаги сатрларга назар солинг:
Гар хати ту дида бар сар ман ниҳодам чи ажаб,
Замона бар хати ту сар ниҳад ба истехзор.
Ду дидаи равшан азон бар дари ту сояд чарх,*

Ёки:

*Гар хати ту дида банда нодирон,
Бар хати ту карда сажда зоҳирон.*

(Агар хатинг кўриб, уни бошга кўтарсам, не ажаб, замона сенинг хатингга сажда қилади-ку. Чарх икки равшан кўзини ёшингга суртса, барча ақлли, мулоҳазали кишилар сенга бўйин эгади. Сенинг хатингни банда кам кўрса-да, кўрган заҳотиёқ хатингга сажда қилади.)

Алишер Навоий табиатан мулойим ва сабр-қаноатли шахс сифатида машҳурдир. Унинг бу фазилатлари, табиийки, давлат арбоби учун бениҳоя шуҳратовардир:

*Яқин ки, кори туро шуд з-илми шаръ асос,
Яқин ки, коми туро шуд зи ҳилму сабр ҳисор.*

(Шубҳасиздирки, сенинг ишингга шарият асос бўлиб, муроду мақсадингни мулойимлик ва сабр қалъа айлагандир.)

Амир Алишер ҳеч қачон мол-дунё ҳавас қилмаганлиги маълум. “Мақорим ул-ахлоқ”да келтирилишича, “906 ҳижрий йили бошларида (1500) Султони Соҳибқирон (Султон Ҳусайн Бойқаро) Мозандарон вилоятига ташриф буюрган эдилар. Ҳукумат эгаси амир Муборизиддин Валибек жаноблари номига Ҳирот шаҳри ва унинг атрофидаги аҳолидан зарур харажат учун 100.00 динор кепакий ундириб етказиш ҳақида фармон келди. Ул жаноб шу маблағдан 50000 динорни булукот деҳқонлари ва молдорларидан ундириб, қолган қисмини хона бошига сочиш йўли билан Ҳирот ичида истиқомат қилувчилардан ундиришни хаёл қилди. Лекин, бирор ишга давлатли Амирнинг фикрисиз ва маслаҳатисиз қўл урилмас эди. Шунинг учун ҳам ул ҳазратнинг ноибларидан бирини чақиртириб, бу фикр ул кишига – Навоийга етказилди. Ул киши “Бул фурсатда халқ устига ўринсиз солиқ солишни олий даражали соҳибқирон давлатига муносиб кўрмайман” дедилар ва шу вақтнинг ўзидаёқ маз-

¹ А.Муродов. Ўрта Осиё хаттотлик тарихидан. Тошкент, 1971, 56-57-бетлар.

кур маблағни хусусий пулларида бердилар. Халқ эса ул ҳазратни дуо қилиб, унга кўпдан - кўп раҳматлаър айтди¹ ...

Англашилганидек, унинг сахийлиги эл томонидан мамнуният билан қабул этилиб, халқнинг меҳр - муҳаббатига сазовор бўлган ва Навоий қаерга бормасин, халқ учун байрамга, шодиёнага айланган:

*Ҳама мулуки жаҳон банда карда даҳрат азон,
Ки ҳаргиз аз туи кас надид истиҳзор.
Дигар з-жавди ту ёбад чу оламе шоди
Ба марди-ю, ба карам оламе бигиру бидор.
Бувад ба марди дигар касе мисоли ту кам,
Замона мисли ту кам ёбад аз ҳама ахъёр.*

(Сенингдек маълумотли кишини ҳеч кўрмаганлиги сабабли, ҳаётинг тарзи бугун жаҳон маликларини ўзига банда этмишдир. Сенинг саховатингдан олам шодликка тўлади. Сенга мардликда тенг бўладиган одам кам, замона барча хайрлиларнинг ичида сендайини кам кўради.)

Аҳлий бу байтларни умумлаштириб, ихчам тўртлик формасида ифода эта билган:

*Мумкин на ки ҳаргиз чу ту ёбад олам,
Ҳаргаз чу ту кас надид марди ба карам.
Ёбад марди дигар касе мисли ту кам,
Олам ба карам мисли ту кам ёбад ҳам.*

(Сендекни топмоғи мушкулдир олам, Ҳеч ким сендек саховатли мардни кўргани йўқ, Мард топса (кўрса) ҳам, сен кабиси жуда кам, Саховат олами сен кабини кам кўради.)

Мана шундай қалби халқ қалбига пайванд, ўрта асрлар зулумотида ёрқин юлдуз бўлиб порлаган ва етти иқлимга зиё таратган улуғ инсоннинг номи ҳамиша дилларнинг тўрида сақланиши, тиллардан тушмаслиги Аҳлийнинг қалб тилаги бўлган бўлса ажаб эмас:

*Нишоти фазл ба номи касест тўғрояш,
Ки солҳои баче дер боду хоҳад буд.
Ҳамиша хотам иқболу, хутбаи давлат,
Ба номи Мир Алишер боду хоҳад буд.
Адуи давлати ў дасти қудраташ, ё раб,
Чу дасти душмани дин зер боду хоҳад буд.*

(Фазл нишони тўғроси² ул номдадурким, яна узоқ йиллар ўчмасин ва ҳамиша саодат муҳри, давлат хутбаси Мир Алишер номида бўлсин ва шундай бўлажак. Унинг давлати душманларининг қудратли дастини дин душманларининг қўлидай калта этиб, зерипой этсин ва шундай бўлажак!)

Қуйидаги қитъада эса Аҳлий кўрган-эшитганлари ва билганлари асосида хулоса чиқазиб, Навоийнинг реал қиёфасини тасвирлаб берадики, бундан қисқароқ, шу билан бир-галикда, бундан аниқроқ ва ҳаққонийроқ қилиб, кишига тавсиф-характеристика бериш душвор оғир ҳолдир:

¹ Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Тошкент, 1967, 101-бет.

² Шоҳ фармонларида шоҳ номи зикр этиладиган махсус шифр.

*Сарвари мулки карам, ҳокими даҳр,
Комили коргаҳи аҳли камол.
Ҳукми у доди маҳомад дода,
Адли у карда адам гарди малол.
Марҳами дарди дили мардуми даҳр,
Муслиҳи ҳоли ҳама дар ҳама ҳол.
Карда масдуд дари ҳирсу ҳасад,
Дода доди ҳаваси аҳли камол.
Аввал, у ҳамаро ҳосили умр,
Дуввум, у адами амри маҳол.*

(Карам мулкининг сарвари, давр ҳокимию, аҳли камол санъатхонасининг пири комили. Унинг ҳукми таҳсиновар одилдир, унинг одиллиги натижасида ғам-андуҳларга чек қўйилди. У замона халқлари дили дардига ҳамдарддир. Ҳамиша барчага маслаҳатгўйдир. У камол аҳли тилагига юз очгандир, У, аввало, ҳаммага умр мазмуни билан ибратли. Сўнг эса, барчанинг ҳожатбарорики, қўлидан келмайдиган иш йўқ.)

Кўриб турибмизки, ҳар мисрада Навоийга хос бўлган фазилатлар ўз аксини топган.

КАМОЛИДДИН БИНОИЙ

Камолиддин Биноий “Мажмаъ ул-ғароиб” деб номланган ўз қасидасини 1498 йили Самарқандда ёзади. Аввало, шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, бу қасида кўпроқ Навоийдан узрхоҳлик қилиб ёзилган “ҳасби ҳол” га ўхшаб кетади. Негаки Биноийнинг Навоийга эътиқоди ва эҳтироми азалдан баланд бўлганига қарамай, унинг аскияга ўчлиги ва ҳозиржавоблиги, боз устига аския пайти ҳеч кимни рўйхотир қилмас даражадаги бетгачопарлиги Алишер билан ўрталарида совуқлик тушишига сабаб бўлди. Шунда Биноий Ҳиротдан Ироққа Султон Яъқуб ҳузурига кетишга мажбур бўлди. Султон Яъқуб вафот этгач, Ҳиротга қайтиб, Алишер Навоий томонидан яхши кутиб олинади ва мушоираларда қатнашишга муваффақ бўлади. Шу вақтда яна бир аскиябозлик маҳфилида Навоийнинг дилини оғритиб қўяди. Биноий дарҳол шу пайтларда Амир Алишерга бағишлаб ёза бошлаган қасидасини тугатиб унга жўнатади. Бироқ эски яраси янгиланган Навоий қасидани қабул қилмайди. Натижда Биноий қасидани ўзгартириб Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзо номига бағишлаб Амир Алишерни ҳажв қилганча Самарқандга жўнаб кетади. Мазкур қасида бизгача етиб келмаган. Шу тариқа анча йиллар Биноий Ҳиротга қайта олмайди ва ниҳоят ватан соғинчи ҳисси ғолиб келиб, юқорида мазкур бўлган қасидани ёзади. Бу қасида Навоийга етиб борганлиги маълум эмас. Агар Амир Алишер қўлига текканида у Биноийни кечирган ва шоир ўз ватанига қайтган бўлар эди. Тарихдан маълумки, Биноий Султон Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳиротга қайтмаган ва бу қасида ҳақида Навоий замондошларидан бирортаси маълумот қолдирмаган. Ҳатто Бобур ҳам “Бобурнома” да бу ҳақда лом-мим демайди. Шунингдек, Навоийнинг ўзи мазкур қасида ёзилган йили қайта таҳрирдан чиқарган “Мажолис ун-нафос” тазкирасида бу ҳақда эслатмаганлигидан қасидани Навоийга етиб келмаганлиги сезилади. Бизгача қасиданинг бир қисми етиб келган бўлиб, Зайнидаин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида келгирилган 140 байтдан иборат.¹ Ваҳоланки, қасида муаллифи ёзади:

¹ З.Восифи. Бадоеъ ул-вақоеъ, Критмческий текст Л.Болдирева. Москва, 1961. стр. 595-605

*Сарфарозо, қасида аст ғариб,
Хайратафзои фозилони замон.
Кард амат “Мажмаъ ул-ғароиб” ном,
Ки ғариб онад ин хужаста баён,
Адади байти у атр талбанд,
Соли шамс мувофиҳаст бар он
То ки дар айн зоҳир на ишбоҳ,
То ки дар илм собатанд аъён.
Бод зоти ту дар жаҳон лойиҳ
Чун вужуди зухур дар аквон.*

Атоқли тожик олими Абдулғани Мирзоевнинг таъкидича, қасида 876 ҳижрий (1498) йилида яратилгани сабабли 876 байтни ташкил этади.¹ Қасида тўлиқ бўлмаганлиги учун у ҳақда ҳар тарафлама фикр юритишдан ожизмиз. Ҳасби ҳол дейишимизга сабаб, аввало, қасида руҳи ва шоирнинг ўз эътирофи бунга далолат беради:

*Шеър оварданам ба назди ту ҳаст,
Ҳамчу турке ба назди Бўғроҳон,
Он тавонам ки арзи ҳол кунам
Ҳасби мақдуру ғояти имкон.*

(Сенга шеър бағишлашим, худдики Бўғроҳонга оддий киши шеър атагандекдир. Имконим шунга етдики, кўлимдан фақат арзи ҳол қилиш келди.)

А. Мирзоевнинг тахминича, қасида ўн банддан иборат бўлиб, унда Алишер Навоийнинг сиёсий мавқеси, ободончиликдаги ғайрати, унинг сифатлари, ўзининг гуноҳсизлиги ҳамда ноҳақ азобланганидан сўзлайди. Фикримизча, гуноҳсизлиги ҳақида гапирганида Самарқандга кетар маҳалида айтиб кетган ҳавж-қитъаси борасида ўзини оқламоқчи бўлган шекилли. Биноий ёзади:

*... Ки якеро ба зиллате дигаре
Натавон журм кард бе исён.
Насазад аз адолату инсоф
Журми маркаб ниҳод бар Полон.
Марав ин роҳро, ки дур аст ин
Аз тариқи адолату эҳсон*

(Бировнинг пасткашлиги оқибатида бекорга бошқага жабр қилиш керак эмас. Эшакнинг аламини тўқимдан олиш адолат ва инсофдан эмас. Бу йўлни тутмагилки, у адолат ва яхшилик йўлидан йироқдир.)

Дарҳақиқат, Биноийнинг ҳажвий тўртлиги баъзи тазкираларда келтирилган тарзда, яъни:

*Духтароники бакри фикри мананд,
Ҳар кадомаш ба шавҳаре додам.
Онки кобин надоду ғани буд
3-у сетудам ба дигаре додам.²*

¹ А.Мирзоев. Биноий. Сталинобод, 1957. сах, 157.

² Сом Мирзо. Туҳфаи Сомӣ. ЎзФАШИ, N 57,96 °-вароқ.

(Фикрим бокиралари бўлган қизларни ҳар бирини турмушга узатдим. Қалин бермаган, аммо бой бўлган (куёвдан) дарҳол олиб бошқасига узатдим.) кўринишида ёзилган бўлса, эҳтимол Биноий ҳақдир. Бироқ, баъзи манбаларда “ғани” – бой, давлатманд маъносидаги сўз унга оҳангдош бўлган “анин” – яъни жинсий заиф калимаси билан алмаштирилганидан, ушбу қитъа худди шу кўринишда машҳур бўлганга ва Навоий қулоғига етказилганга ўхшайди. Зеро, Биноийнинг бошқа бировнинг “зиллати”, яъни пасткашлиги оқибатида унга жабр қилиниши адолатдан бўлмаслиги ҳақида мазкур шеъри шундан далолат бергандек. Умуман олганда, қасида руҳи Алишер Навоий обрў-эътиборининг Мовароуннаҳр ва Хуросон, улардан ҳам узоқларда йиллар ўтган сари янада юксалиб бораётганлигидан шоҳидлик беради. Биноий ёзади:

*... На ба давлат туро касе ҳамсар,
На ба дониш туро касе ҳамсон.
Дар сухан бехдшири зи Ҳоқоний,
Дар ҳукумат наи кам аз ҳоқрн.
Фазли ту азҳару минаш-шамс аст,
Ҳамчу хуршид дар жаҳон тобон.*

(Сенга тенг бўлолмас давлатда киши. Билимда етолмас сенга ҳеч инсон. Фасоҳатда яхшисан Ҳоқонийдан ҳам, Ҳукумат ишида сен мисоли хон. Фозиллигинг қуёшдек аёнди сенинг, Мангу порлаб турар сўниши гумон.)

У Алишер Навоийнинг сифатлари ҳақида сўз бошлар экан, уни улуғловчи лақабларни ҳам келтиришни лозим топади:

*Он мулаҳқаб ба соҳиб ул-хайрот,
Ал-муқарраб ба ҳазрати султон.
Мажмаъ ул-фазл, матлаъ ул-афзол,
Носир ул-адл, ношир ул-эҳсон.
Дофеъ уш-шаръ, рофеъ ул-асрор,
Монеъ ул-куфр, қомеъ ул-туғён.
Он Амир Алишер к-ин васф,
Сурати номи ўст дар аҳзон.*

(Улким, лақабидур хайриялар соҳиби Ҳазрати Султоннинг яқин кишиси, фазллар мажмуси, фозиллар нури, адолат ёювчи, эҳсон берувчи.

Шариат ҳомийси, сирларни улуғловчи, куфрни манъ этувчию, туғённи бостирувчи Амир Алишерким таърифи фақирлар тилидан тушмас.)

Биноий шундан сўнг унинг лақаблари моҳиятини очишга интилади:

*Сабаби иқтирони ҳафт ахтар,
Боиси имтизожи чор аркон.
Зоти у подшоҳу Мир лақаб,
Номи у подшоҳу шоҳнишон.
Ҳамчу Мусо муқарраб ул-ҳазрат,
Ҳамчу Одам халифат ул-Раҳмон.
Чун Масиҳо ба оби чашмаи меҳр,*

*Бишуста аз луси шаҳваташ домон.
Аз азал моияи саодатро
то абад номи у шуда унвон.
Менамояд чу анжум аз хуршид,
Дар зулоли шукуҳи у ақрон.*

(Етти юлдузнинг яқинлашиши сабаби Тўрт рукннинг бирлашуви боиси. Подшоҳ зотидандир, лақаби Амир, унинг номи подшоҳу шоҳ сифат ўзи. Мусо каби ҳазратнинг яқин кишиси, Одам каби Раҳмоннинг халифаси у. Масиҳо (Исо) каби меҳр чашмасида этагини гуноҳ гардидан ювган. Азалдан саодат манбасига унинг номи абадий унвон бўлган. Асрлар бўйи унинг шон-шавкати қуёшдек нур сочиб туради.)

Шундан сўнг қосид ўз аҳволидан шикоят қилади ва Навоий асос солган адабий муҳит уни оҳанрабодек тортаётганлигини ва улуғ шоирнинг мушоиралари унга жон бағишлагувчи оби ҳаёт эканлигини эътироф этади:

*Бе ту чун оби Дарғамам дар гам,
Бе ту чун руди Кўҳакам гирён.
Шаб зи ишвқи ту мекунам то рўз
Чун шаголови Ғофтар афғон.
Ҳамчу оби ҳаёт мажлиси ту,
Руҳи жон аст руҳбахши жинон.
Сўхтам дар ҳавои оби ҳаёт,
Мани хоки ба оташи хирмон.
Дорам уммед аз жаводи карим,
Рожиам аз муҳаймини маннон.
Ки барорад маро зи мушкили ҳажр
ба висолат расонадам осон.*

(Сенсиз Дарғом сувидек ғамдан тўламан, Сенсиз Кўҳак дарёсидек йиғлоқман (кўз ёшларим дарё каби оқмоқда).

Сенинг шавқингдан туни билан Ғотфар чиябўрилари каби увлаб, фарёд чекиб чиқаман. Сенинг мажлисинг ҳаёт суви кабидир, У жонга руҳ бағишлагувчидир. Оби ҳаёт ташналигига чидай олмай, бағрим куйди. Худодан умидим шуки, сенинг висолингга (осонроқ) тезроқ етказиб, ҳижрон азобларидан қутқазсин.)

Бинойий улуғ амирни таърифлар экан, унинг сўзлари қасида жанри талаби нуқтайи назаридан эмас, балки ҳақиқатда ҳам бу фазилатлар унга хослигини алоҳида маъқуллайди:

*Ончи рондам зи давлати ту сухан,
В-он чи додам зи дониши ту нишон.
Нест иғроқи шоирона дар ин,
Нест тахайюли муншиёна дар он.
Бегумон воқеъ асту ҳаст яқин,
Бе яқин собит асту нест гумон-.*

(Неки сенинг ҳақингда айтган бўлсам ва билимингни кўз-кўз қилган бўлсам барчаси шорона муболаға ва хаёлотдан холидир. Бу гаплар ҳақиқат ва аниқдир, гумондан наридир. Сенинг фазилатларинг ҳақида яна нима дей, сен ҳақингда нимаики айтилса, ундан юз баробар зўрдир,) – дейди Биноий ва ўз даврида ундан ўтадиган фозил йўқлигини тан олади:

*Ман чи гўям, ки аз фазоили ту,
Ҳарчи гўянд, ҳаст сад чандон.
Гар ба тадвин расад фазоили ту,
Натавон сабти у ба сад девон.
На ҳамин дар замона мислат нест,
Ки набудааст ҳам ба ҳеч замон.*

(Мен сенинг фазилатларинг ҳақида нима дей, нима десалар ундан юз баробар зўр. Агар фазилатларингни китоб қилсалар юз девонга ҳам сиғмас. Сен каби бизнинг замонада ҳеч ким йўқ ва ҳеч замонда ҳам бўлмаган.)

Биноийнинг Алишер Навоийга бағишланган яна бир мадҳияси унинг “Баҳром ва Бехруз” маснавийсида учрайди.¹ Ундаги фикрлар Абдурахмон Жомийнинг Навоий борасида юқорида келтирилган фикрларга мазмун жиҳатидан жуда яқин. Биноий Султон Ҳусайн ҳақида гапирар экан, унинг фозил Амири ҳақида сўзламасдан ўтишни ўзига эп кўрмайди:

*Буд ўро Амири донодил,
Фазлаш аз жумла фозилон фозил.
Фозиле комиле фасих забон,
Ба Алишер муштаҳир ба жаҳон.
Мири донишвари хирадпеша,
Доимаш дар авоқиб андиша.
Шоире дар ниҳояти таҳқиқ,
Дар бару баҳр номи ў машхур,
Ҳамчу номаш камоли ў машхур.
Шеъри ў буд биштар турки,
Ки набудаш назир дар турки.
Дар сухан табъи зуфунунаш буд,
Нуктагире зи ҳад бирунаш буд.
Пеши у ҳеч марди донишвар,
Дам наёрост зад дар он кешвар.
Буд дар форсию турки хўб,
Форси хўб туркияш марғуб.*

(Унинг донодил амири бор эди, фазилатда фозиллар фозили эди.

Алишер номи билан жаҳонда машхур сўз санъаткори эди. Донишманд амир бўлиб андишали инсон эди. Ғоят ўткир шоир эди ва номи етти иқлимга машхур. Номидан ҳам шеърлари машхур эди. Шеърларининг кўпи туркийда бўлиб, тенги йўқ эди. Сўзда устоз эди ва нуктадонликда ягона эди. Унинг дамига ҳеч бир донишманд бас келолмас эди. Форсий ва туркийда яхши эди. Форсчаси яхши-ю, туркчаси ёқимли эди.)

¹ Камолитдин Биноий. “Баҳром ва Бехруз”. ЎзФАШИ, N 5586 106 -вароқ.

Кўриниб турибдики, Навоийга бағишланган барча шеърлардаги руҳият, Навоий фазилатлари тавсифи биз билган маълумотларга ҳамоҳанг бўлиши билан бирга, уларни тўлдириб, Навоий сиймосининг ҳар тарафлама ёритилишига хизмат қилиб турибди. Бу шеърларда Алишер Навоийнинг туркий тил ривожига қўшган бебаҳо улуши, саҳийлик ва поқликда беназирлиги, илм-санъат аҳлига кўрсатган мурувватию, халқлар тинчлиги ва юрт ободончилиги йўлида кўрсатган хизматлаъри алоҳида меҳр билан тараннум этилади.

ҒИЁСИДДИН ХОНДАМИР

Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларнинг асосий кўпчилиги улуғ амир тарбияси остида улғайган машҳур тарихнавис Хондамир қаламига мансубдир. У ўзининг “Хулосат ул-ахбор”, “Ҳабиб ус-сияр,” “Дастур ул-вузаро” асарларида Алишер Навоий ҳақида қимматли маълумотлар қолдириш билан бир қаторда буюк шоир ва давлат арбобининг юксак фазилатларига бағишланган махсус рисола ҳам ёзади. Ушбу рисоланинг номи “Мақорим ул-ахлоқ” яъни “хулқларнинг яхшиси” бўлиб, унинг ягона нусхаси Британия музейида сақланмоқда. Таниқли олим Б.Аҳмедовнинг ёзишича, Алишер Навоийнинг туғилганига 500 йил тўлиши муносабати билан мамлакатимизда ўтказилган юбилейга тайёргарлик вақтида – 1939 йилнинг ёзида унинг микрофильми олиб келинган ва шарқшунос И.Одилов томонидан фотокопия асосида янги қўлёзма нусха тайёрланган.¹ Ушбу асар ҳақида Б.Аҳмедовнинг “Хондамир” китобидан тўлиқ маълумот олишингиз ва шунингдек, П.Шамсиев ва М.Фахриддиновлар томонидан нашр этилган ўзбекча таржимасидан Хондамирнинг нечоғлик Навоий васфида бетакрор эканлигига амин бўласиз. Бизнинг мақсадимиз, аввало, шу пайтгача матбуотда эълон қилинмаган янги манбавий ашёларни халққа етказиш бўлганидан “Мақорим ул-ахлоқ”қа дахл этилмади. Сўз унинг тарихий асарларидаги назаримиздан четда қолиб келган Навоий васфи ҳақида.

“Хулосат ул-ахбор фи аҳвол ул-ахёр” (хайрли кишилар аҳволида жаҳон хабарларининг хулосаси) асари Хондамирнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган тарихий асари бўлиб, 1498-1499 йилларда Навоий раҳбарлигида олти ой ичида ёзиб тугалланган. Хондамир мазкур асарида Навоий ҳақида кўпгина маълумотлар берибгина қолмай, яна икки жойда: дебоча ва хотима қисмларида улуғ давлат арбоби ҳақида тўхталиб ўтади. Хусусан, асар дебочасида ўзининг муаррих сифатида шаклланишидаги жараёнда улуғ амир Алишернинг ҳиссасини қуйидагича тасвирлайди: “... фақир банда ва ҳақир зарра Хондамир тахаллусли Ҳумомиддин... аҳлу ҳушимни таниганимдан бери ҳамма вақт ўз азиз умримни тарих ва хабарларга оид китоблар мутолаасига бағишлар эдим ва ўтганларнинг ҳолатлари, саҳифалари ва шунингдек, салафларнинг латиф ривоятларига диққат қилардим. Олам аҳлининг вазиятидан хабардор ва турли халқу мамлакатлар кайфиятидан озгина бўлса ҳам маълумотдор бўлганимдан, баъзида улуғ Амир, ҳидоятпаноҳ, кароматли муаййиди (акси), суфийсифат, соф ниятли рўзгор покизаси, мусулмон маросимларини улуғловчи, салтанат устунни ва мамлакат таянчи жаҳон давлатининг ишончли кишиси, султоннинг яқини, улким, саховат дастурхонидан барча муҳтож тўқ, ҳақ ва ҳақиқату дин низоми Амир Алишернинг шариф мажлисида ҳикоятлар сўйлар эдим. Ул олимқдорким, борлиқни кезувчи фазо юз минг кўзи билан ҳам у каби софдилни давлат бошида кўрмаган, Сайёр қуёш йиллар жаҳон теварагини кезса ҳам, буюклик тахтида ул соҳибтадбирга ўхшаганни учратмаган.

¹ Б.Аҳмедов. Хондамир. Тошкент, 1965, 23-бет., Яна: Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ”. М.Фахриддинов ва П.Шамсиев таржимаси. Тошкент, 1967.

Байт :

Шиша ва сувдан (яъни тиниқлик) бошқа нарсага (ул жанобни) ўхшатиб бўлмас, Андиша ва хаёлдан (яъни босиқлик) бошқасига (ул жанобни) алмаштириб бўлмас.

Фазилатшиордирким, салафларнинг сирли иборатларини тушунтиришда ширинбаён-дир ва халафларнинг хуфиёна имо-ишориларига муъжиз нишонли нутқлари кафилдир. Қитъа:

*Кони карами кафи ту шиносад хирад, валеқ
Пайдо нашуд ба сони ту гуҳар з-кони илм.
Аз файзи аҳл фикри ту сад шамъ барафрухт,
Го шуд ба нури табъи ту равшан жаҳони илм.*

(Кафнинг карам кони эканлигини ақл билади. Аммо илм конида сен каби гавҳар бошқа топилмади. Сенинг ақл-заковатинг файзидан фикринг юз шамни шуълалантирди, Сенинг таъбинг нури-ла жаҳон илми нурафшон бўлди. Латиф таъбинг софлигидан ҳаёт суви хижолат тортади ва шариф зеҳнинг юксаклигидан Бу Алининг руҳияти уялиб қолган, бахтли остонаси буюклик жомеси ва улуғвор мансабдорларга бошпана, осмон монанд даргоҳи ўт-кир фаҳми, зукко ва фозилларга паноҳ)

Қитъа:

Ҳаст мулози умаро даргаҳаш,
Кухли айюн омада хоки раҳаш.
Нозими аҳволи уббодаст ў,
Қомеъи арбоби инодаст ў.
(Даргоҳи амирларга боитана бўлган,
Хоки пойи кўзларга сурма бўлган .
Покиза муслимлар аҳволидан хабардор,
нозимдир ул, Итоатсиз арбобларни бўйсундирувчи инсондир ул.)

Ул жаноб менинг ҳикоятларимдан завқланар эдилар ва ҳазратнинг турли иноятлари бу қаноти синиқ банда аҳволи руҳиятига иссиқлик бахш этарди. Кундан-кунга бу ҳол кўпаяр ва соат сайин юксакликка кўтарилар эди”¹

Мазкур дебочадаги илиқ сатрлардан Амир Алишер Хондамир тарихий асар яратиш даражасида камолот касб этиши учун унга ҳар томонлама шароит яратишга тиришганлигини кўрамиз ва бу буюк мутафаккирнинг иқтидорли ёшларга ҳамиша эътибор бериб келганлигига яққол далил бўла олади. Хондамир шундай келтиради:

“Наби ҳижратининг тўққиз юзу тўртинчи йили ул бузургвор маъмур кутубхонасидаги тарих ва ахборга оид барча китобларни ушбу фаҳирга топширдилар ва уларни ўқишга ундадилар. Мен фасоҳатоётлик асарлар билан танишганимдан ва бўлиқ, чекланмаган фойдаларни йиғиш ва ўзлаштиришдан бахтиёр ва баҳраманд бўлганимдан бошлаб шундай ҳавас бошда ва бу хаёл хотирда пайдо бўлдимки, турли тарих маълумотларига муҳтожлар ҳамда китобдорлар машаққатларини енгиллаштириш маҳсадида равшан ва тушунарли иборалар ёрдамида ул фойдаларнинг (қисқартирилган) хулосасини бир неча вараққа туширсам ҳамда ул фойдаларнинг сайланмасини баён ипига тизсам. Бу хаёлни ул фазлу камол доира-

¹ Хондамир. Хулосат ул- аҳбор. ЎзФАШИ, N 2209, 1⁶ -3^а- варақлар. Таржима бизники.

си марказига (Алишер Навоийга – Ш.С) етказганимда қабул ва ризо иззатига сазовор бўлди ва бу атоқли номани ёзишга рухсат олдим.¹

Хондамир асарнинг хотима қисмида Алишер Навоийнинг қурилишларга катта эътибор берганлигига алоҳида ўрин ажратади. Масалан, Ҳирот Жомеъ масжиди қурилишидаги Навоийнинг куч-ғайратини берилиб тасвирлайди ва Навоийнинг ўзи ҳам усталарга қўшилиб ишлаганини айтиб ўтадики бу Хондамир томонидан Навоийнинг халқчиллигини кўрсатиш бобида кўрсатган ҳаракати намунасидир: “...Бу шариф иморатни Султон Абулфатх Гиёсиддин Муҳаммад бинни Сом салтанатининг охирги йилларида қурдирган эди... ва соҳибхирон султон Ҳусайн Баҳодирхон салтанати даврида мақсурасининг тоқи тамомила шикастланган эди ва ул маъмуранинг четлари хароблик чегарасига етган, баланд деворлари оғиб, олий пиллапоялари сажда қилувчиларга ўхшаб юзларини ерга суртган эдилар... Бу фикр олийҳазрат, ҳазрати султоннинг яқин кишисининг мунаввар кўнглига келгач, бутун олий ҳимматини бу шариф масжид биносини янгилаш ва ибодатхонанинг асосларини мустаҳкамлашга қаратди ва ислом подишоҳидан рухсат сўраб... 903 йилнинг рамазон ойида масжиднинг гумбази ва мақсурасининг шикастланган тоқини очишни буюрди. Шундан сўнг содиқ меъморларнинг...маъқуллаши билан бундан ортиқ мустаҳкамлаб бўлмайдиган даражада қуришга ишорат қилди. ...Ул хайрли ишлар ташкилотчиси (Навоий – Ш.С) бу иморатнинг битишига зўр ҳаракат қилиш билан бирга ҳар кун ул шариф жойга келарди ва кўпинча, этакни йиғиб бошқа мардикорлар каби уста қўлига ғишт тутар ва турли ишларни бажарар эди”.² Хондамир Навоийнинг бу иморат битказилиши йилига таъмир қилди” иборасини тарих қилгани ва Исфизорийнинг шу тарих моддаси ила қитъа айтганлиги тафсилотини келтиради: “Олиҳазрат султон ҳазратларининг яқин кишиси ўша йил тарихига “таъмир қилди” сўзини топган эдилар ва фазилат шиорли жаноб Мавлавий махдум мавлоно Исфизорий ҳам шу сўзни топиб ушбу қабилда назм қилубдурлар:

*Дину давлат низомидур, подшоҳий амир,
Икки жаҳон давлатини ҳақ таъмин этган.
Бинонинг аслидан устунроқ таъмир,
Бу шариф мақомда саховат этган.
Сен савоб иши қўр, кўнгилга ёқар,
Тарихи бўлибдур “таъмир қимнн”.*

Хондамир шу муносабат билан ўзи ёзган тарихни ҳам келтиради ва унда бу иш Амир Алишернинг ҳаракати билан бажарилганлигини таъкидлайди:

*Банданавоз амирнинг ҳаракати-ла,
Масжиднинг асоси мустаҳкам бўлди.
Ақл муршиди тарих айтдиким,
Яна жомеъ асоси мустаҳкам бўлди”³.*

Хондамир бобоси Мирхонд томонидан ёзилган Ўрта Осиё тарихига оид машҳур “Равзат ус-сафо фи сийрат ул-анбиё ва-л-мулук ва-л-хулафо” (Пайғамбарлар, шоҳлар ва халифаларнинг таржимаи ҳоллари ҳақида поклик боғи) асарининг чала қолган еттинчи қисмини

¹ Ўша ерда.

² Хондамир Хулосат ул-ахбор, 470^d- 471^b- варақлар. Уша ерда.

³ Ўша ерда.

тугатишга муваффақ бўлган тарихчидир. У мазкур асарнинг хотимасида ҳам буюк амир Алишер ҳақида тўхталиб ўтган. Бунда тарихчининг сўзамоллик ва шоирлик иқтидори ҳам анча тўлиқ намоён бўлган. У ёзади: “(Амир Алишерким)ўткир зеҳни дину давлат ишларини тартибга келтирган, танқидий таъбининг зўрлиги мулку миллатнинг муҳим ишларини халқпарварлик ва руҳпарварликнинг тасмасига ўтказган, ундан таралаётган баҳорий насим табиатни жонлантиришга кодир, унинг дилга ёқувчи сўзлари қалбларга умид ва омонлик, иқболу комронлик эшикларини очган.

Китъа:

*Жаннат насими гар эсса бўстон томон
Дарахтлар мева ўрнида туғишарлар жон.*

Агар унинг лутфи хушбўйдан озгина баҳра топса жаҳон, Аттор кулбасидек бўлар хушбўй шу он.

...Унинг саодатли остонаси улуғ мансабдорларнинг бош урадиган жойи, фахрли даргоҳи фазлу камол соҳибларига бошпана ва чор-атрофдан илму дониш пешволари унинг манзилига ошиққан, яъни улуғ амир иззат осмонининг қуёши, улуғворлик ва буюклик осмонининг моҳитобони, чароғон фикрли соҳибтадбир, суфийзамир, маъно нозиклари ҳофизи, ҳазрат султоннинг яқин қишиси Улким, бою камбағалга саховатда марддир Улким, дину давлату дунё низоми Алишердирким, олий тарбия ва латиф таъби покликка сазовор ва ақлий-нақлий илмлар, илмий-амалий камолоту фозилликда олий даражасига ўтмишдир, балки ундан ҳам ўтмишдир:

*Агар таъбир жоиз бўлса,у Алидир.
Замонамизнинг Бу Алисидир.
Ақлининг қиёси йўқ
Нақли мақтовдан улуғ.*

Хондамир улуғ амир фазилатларини мана шундай шоирона илҳом билан васф этар экан, бошқалардан фарқли равишда унинг ижоди ҳақида ҳам бир оғиз сўз айтиб ўтишни лозим деб ҳисоблайди: “фасоҳатли насри саҳифалари худди ёқуту маржондек парилар тожигига безак, манзумалари латифлиги дилдорларнинг қулоқ ва бўйинларига зебу зийнат.

Байт (мазмун):

*Унинг хомаси – гавҳар сочувчи,
Назм сухани – маржон шодаси.*

Алишер Навоийнинг диний илмлар билимдони эканлиги ҳам тарихчи назаридан четда қолмайди:

“Самовий китоблар варақлари ҳақиқатларини кашф этишда унинг фикри ҳақ ва мустафовийларга мансуб муъжизосор ҳадислар аниқлишни белгилашда унинг сўзи ҳал қилувчидир.

Байт:

*Сенинг ақлу заковатингдан яширин ҳақиқат равшан бўлади.
Сенинг лафзингдан қуръон нозикликлари тафсир топади.”*

Дарҳақиқат, Хондамир Навоийнинг ақлу заковатидан яширин ҳақиқатларни англади.

Унинг буюк асарлари Амир Алишер даъвати ва кўмаги ила яратилди, номи шу саодат ша-
рафидан теурийлар тарихига боғланди. Шу боис Хондамир умрининг охиригача Навоий
дуогўйи бўлиб ўтди ва унинг васфини тилдан қўймади.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Ҳирот... Неча-неча азим санъаткорлару хунармандлар, жаҳоний шухратга эга бўлган
азиз авлиёлару машойихлар, ширинзабон шоирлару нуктадон фозилларни ўз бағрида ман-
гу олиб қолган шаҳар... Алишер Навоий руҳидан мангу хурсанд шаҳар. Мусалло боғи ҳануз
ўшал фараҳбахш кунларни қўмсаса ажаб эмас. Танишиб чиққанингиз, дил изҳорлари Али-
шер Навоийга такдим этилаётган паллаларни бир тасаввур қилиб кўринга...

Ҳа, форс-тожик илм-фани, санъат ва адабиёти улуғ ўзбек мутафаккири Ҳазрат Алишер
қошида мангу таъзимда. Ғиёсиддин Хондамир “Макорим ул-ахлоқ”да Алишер Навоий кўр-
сатмаси ва моддий кўмаги воситасида йигирмадан ортиқ илмий асарлар яратилганлиги
ҳақида маълумот бериб ўтган. Мазкур илмий асарнинг қўлга киритилгани сизнинг эъти-
борингизга ҳавола этилди. Бироқ изланишлар давом этмоқда. Зеро, улуғ шоирнинг мукам-
мал биобиблиографиясини яратиш олдимизда турган муҳим вазифадир.

**НАВОИЙ НАВОСИДАН
БАҲРА ОЛИБ...**

НАВОЙНИНГ ОҚ ФОТИҲАСИ

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий бутун умри давомида адаб аҳлига раҳнамо ва ҳомийлик қилиб келганлиги билан ўрта аср ўзбек ва форс-тожик адабиёти, маданий ҳаётида чуқур из қолдирган. Унинг бевосита моддий ва маънавий кўмаги остида ўнлаб шоирлар ижод этганлар, тарихий асарлар ёзиш кенг рағбатлантирилган, тасвирий санъат усталарининг ишига алоҳида эътибор берилган. Навоийнинг ўз замондошларига кўрсатган бебаҳо ёрдамлари борасида жуда кўп тазкиранавислар, тарихчилар, шоирлар, олимлар ўз асарларида шоҳидлик билдириб кетганлар. Давлатшоҳ Самарқандий, Муъиниддин Исфизорий, Абдулғафур Лорий, Абдулвосеъ Низомий, Мирхонд, Хондамир, Султон Али Машҳадий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Атоуллоҳ Асилий, Ҳусайн Кошифий, Мир Ҳусайн Муаммой, Шамсиддин Бадахший ва яна ўнлаб Навоий замондошлари асарларида фақатгина шоҳидлик зикрларини эмас, балки уларнинг Навоий шаънига битган турли мадҳияларини ҳам учратамиз. Жумладан, Камолиддин Ҳусайн воиз ал-Кошифий ўз “Жавоҳир ут-тафсир” асари дебочасида Навоийнинг унга кўрсатган ёрдами, маслаҳатлари ҳақида гапириб ўтар экан, замондошларининг эътирофини умумлаштириб, шундай ёзади:

*Гавҳари дуржи каромат, ахтари буржи камол,
Офтоби авжи ҳашмат, сояи лутфи илоҳ.*

*Шаҳсувори арсаи иззат Алишер он ки ҳаст,
Волю-л аҳбобу довари давронпаноҳ.*

*Мустафиз аз нафҳаи гулзори фазлаш жону дил,
Мустанир аз ламъаи рои мунираш меҳру моҳ.*

*Давлати ў бо жаҳону, рифъати ў бо сипеҳр.
Фот мегўянд ҳар дам аз сари тамкину жоҳ.¹*

(Амир Алишер мурувватли, саховатлилар ичида гавҳар янглиғ, камолот осмонидаги юлдуз, буюклик чўққисида нур сочар қуёш. Илоҳий лутф каби унинг лутфи беҳаду беминнат. Унинг “фазл гулзори” – фозиллигидан таралаётган ҳиддан жону дил фазл топади. Унинг қиёфаси шунчалик нуронийки, биргина нигоҳи шуъласидан қуёш ва ой нур олиб, ярқираб турибди. Амирнинг давлати жаҳонча ва тутган мавқеи осмон қадар юксакликда. Босиқлиги, камтарлиги ва шу билан бирга улуғлиги буни намоён этади.)

Ушбу қабилдаги мадҳиялар, қасидалар шоир ва давлат арбобининг ибратли ҳаёти мазмуни ҳамда улуғ мутафаккирнинг мафтункор ғазалиёти ва шавқангиз дostonлари, донишмандона ўғитлари билан зийнат топган илмий асарларининг таъсир кучини янада ошириб, кейинги асрларда, хусусан, туркий ижодкорлар ўртасида Навоийнинг маънавий устоз-пир сифатида машҳурлик тутишига олиб келди. Навоий мададига умидворлик ўз даврида моддий манфаатлар замирида вужудга келган бўлса, кейинчалик унинг руҳиятидан мадад сўраш кўринишига ўтиб, ижодкорнинг асар яратишга бутун куч-қудратини сафарбар этишига далда берган. Масалан, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодидан хабар берувчи XV аср қўлёзма манбаларида улуғ шоирнинг ажойиб хаттот бўлганлиги

¹ Ҳусайн воиз ал-Кошифий. “Жавоҳир ут-тафсир”, СамДУ Шарқ қўлёзмалари бўлими, № 40347, 3^а-варақ.

ҳамда хаттотларга устозлик қилганлиги ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди.¹ Бу ҳол кейинги давр хаттотлари орасида Навоийнинг асарларини кўчириш орқали “хаттотлик мактаби” ни ўташ ва унинг ғойибий “оқ фотиҳа”сини олиш анъаналарини юзага келтирди. Чунончи, бухоролик Ёрмуҳаммад Қори Бухорий, Абдулбоқий Бухорий, Мулло Наврўз Бухорий, самарқандлик Абдулхай Самарқандий, Мулло Муқимхон Самарқандий, Қашқадарё воҳасидан Муҳаммад Юсуф Шаҳрисабзий, Муҳаммад Раҳимхўжа Насафий, Тоҳирхўжа Шаҳрисабзий, Фарғона водийсидан мулла Рўзи котиб, Муҳаммад Амин Қозоний, хоразмлик Муҳаммад Юсуф каби XIX асрнинг машҳур хаттотлари Навоий асарларини алоҳида меҳр билан кўчирганлар, заҳматкаш олим М.Ҳакимов қаламига мансуб Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёмалар институти фондидаги Навоий асарлари қўлёмалари тавсифи китобида кўрсатилган 254 нусханинг икки юздан зиёдроғи XIX асрда китобат қилинганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.² Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудидаги мустақил вилоятларни бошқариб келган хонларнинг кўпчилиги шоиртаъб кишилар бўлган (масалан, Феруз ва Амирий-Ш.С.) ва улар фармойиш асосида ҳам Навоий асарларини кўпайтирганлар. Жумладан, Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихи билан шуғулланган олим, машҳур хаттот А.Муродов ёзади: “Шарқшунослик институтининг қўлёмалар фондида 1709-номерли “Чор девон” нинг охирига ёзилган хотимадан маълум бўлдики, Қўқонда Навоий асарлари кўп китобат қилинган. Шу девоннинг хотимасида 1838 йили Муҳаммад Алихон буйруғи билан хаттотлар томонидан олти ой ичида юз адад Навоий “Чор Девон”ининг қўлёмаси кўчирилиб, шерозали муқова қилинган...”³ Шу тарзда Алишер Навоийнинг заҳматкаш хаттотлар томонидан кўчирилган минглаб қўлёмалар нусхалари вужудга келди. Навоий асарларидан маънавий озуқа олишнинг, ижодий баҳраманд бўлишнинг, унинг ажойиб анъаналарининг, айни чоғда ҳар бир давр бадий китобат санъати ва ҳунармандчилигининг нозик маҳсули бўлган қўлёмалар асрлар оша жаҳоннинг йирик шаҳарларидаги қўлёмалар захираларига тўпланиб борди. Ҳозирги кунда Алишер Навоий асарларининг қўлёмалари Санкт-Петербург, Тошкент, Душанбе, Боку, Тбилиси, Ереван, Ашхобод, Қозон, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, хорижий мамлакатларнинг Лондон, Оксфорд, Кембриж, Дублин, Берлин, Мюнхен, Вена, Париж, Рим, Упсала, Нью-Йорк, Филадельфия, Истанбул, Техрон, Қобул, Ҳайдаробод, Қоҳира каби шаҳарлардаги Шарқ қўлёмалари захираларида сақланмоқда.⁴ Хаттот ва котиблар Навоий асарларини кўчиришда бир томонидан хаттотлик маҳоратини орттирсалар, иккинчи томондан, кўчириш жараёнида Навоий сўзи қудратининг нақадар кучли эканлигига имон келтира бошлаганлар ва мафтункор шеърият сеҳри уларни батамом ўз оғушига олган. Кўпчилик хаттотлар Навоийнинг бирор бир асарини кўчириб бўлишгач, ўша асар руҳи таъсиридан чиқолмай, ўз таассуротларини китоб охирида қайд этиб кетишган. Тасаввур ҳосил бўлиши учун ЎзФАШИ қўлёмалар фондидан 9367-инв. рақами остида сақланувчи Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девони сўнгида зикр этилган мадҳияни тўлиқ келтириб ўтамыз:

*Сўз гулшанининг булбули гўёси Навоий
Маъни садафининг дури яктоси Навоий*

¹ Қаранг: Тазкираи хаттотон. Ўз ФАШИ № 202; Яна: Мадраимов А. Алишер Навоий ва китобат санъати// Шарқ миниатюра мактаблари-Тошкент, 1989. 54-59-бетлар.

² Қаранг: Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёмалари тавсифи. Тошкент., 1983.

³ Муродов А.Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент, Фан 1971. 123-бет

⁴ Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёмалари тавсифи. 3-4-бет.

*Қуръон ичида ёд қилиб, Ҳақ деди: “Инсон!”
Инсон чаманининг гули раъноси Навоий.*

*Исо каби жонбахш, сўзи муассир
Мусо каби маъни яди байзоси Навоий.*

*Ҳам авжи фасоҳат уза шаҳбози маоний,
Ҳам Қофи балоғат аро Анқоси Навоий.*

*Ҳам баҳри латофат аро ғаввоси гуҳарсанж,
Ҳам боғи назокат гули ҳамроси Навоий.*

*Ҳар килки шакаррезлигидин сўзи ширин,
Сўз шакарининг тўтийи шакархоси Навоий.*

*Ҳар бир ғазали ишқ элига ёри мувофиқ,
Сабр ояти мажлиси тарабафзоси Навоий.*

*Чун “Хамса” анго рутбада беш ганжи ҳақойиқ,
Девони муҳаббат, маю мийноси Навоий.*

*Ёзганда магар килки қазо назм ила отин,
Ул номага дебочаси афзоси Навоий.*

*Назм аҳли жаҳон базмида юз минг яна бешак
Ул зумра аро масруру аълоси Навоий.*

*Тахлиси келиб форсий девонида “Фоний”
Туркий сўзи назми аро тамғоси “Навоий”¹*

“Ғаройиб ус-сиғар” 1836 йили (1252-ҳижрий) котиб Муҳаммад Юсуф ибн Уста Қаландар Марғиноний томонидан кўчирилган. Фурсатдан фойдаланиб айтиб ўтиш лозимки, бу қасида ҳақида матбуотда ахборот берган А.Жувонмардиев у билан бирга келган “бозгашт” усулидаги ғазалнинг охирида “Соқий” сўзининг такрорланиб келишига қараб, қасида муаллифи Соқий тахаллусили шоир бўлса керак, деган тахминни илгари суради.²

“Бозгашт” ғазалининг мақтаъси бундай:

*Ғамғусоре топмадим арзу ниёзим Соқийё,
Соқийё, бир жоми май бирла манго бўл ғамғусор.*

А.Жувонмардиев шулардан сўнг келаётган бозгашт усулида ёзилган ғазалга эътибор бермаган. Унинг матлаъси қуйидагича:

*Висоли ёр тиларсен умид қилма висол,
Висол умидида бўлмоқ эрур камол.*

¹ Навоий Алишер. Ғаройиб ус-сиғар. Ўз ФАШИ N 9367, 37^б-38^а-варақ.

² Қаранг: Жувонмардиев А. Нодир саҳифаларни варақлаганда //Шарқ юлдузи 1968 N6. 239-бет

Шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳар иккала “бозгашт” усулида ёзилган ғазал бир киши қаламига мансуб. Иккинчи ғазал охирида тахаллуснинг йўқлиги биринчи ғазал мақтаъсида “Соқий” бозгашт усулига мувофиқ такрорланганлигидан унинг тахаллусга алоқаси борлигини шубҳа остига қўйади. Бу икки ғазал ва Навоийга бағишланган мадҳия котиб қаламига мансуб десак, ҳақиқатдан йироқ бўлмас. Худди шу даврда, масалан, 1832 йилда Бухорода кўчирилган Навоий “Хамса” си сўнгида ҳам номаълум котиб томонидан улуғ шоир ҳақида ёзиб қолдирилган мисралар анчагина. Жумладан, у шундай ёзган:

*Навоийки, ул жомеи сирру жаҳр,
Анинг ҳар сўзидур муаммо мисол,
Анго етмагондин хирад нутқи лол.
Жаҳон ганжи ҳар байтидадур ниҳон,
Ки ҳар ганжидадур ниҳон бир жаҳон...¹*

Шунингдек, XIX асрнинг биринчи чорагида яшаб ўтган қаршилик котиб Муҳаммад Раҳимхўжа Насафий ҳам Навоий “Хамса” сини кўчирар экан, улуғ шоирга бўлган меҳр-муҳаббатини 34 мисралик мадҳиясида юксак фахр билан қайд этади. Мазкур Хамса қўлёзмаси Самарқанд Давлат дорилфунуни шарқ қўлёзмалари фондида 1007737-рақами остида сақланиб, ундаги маснавийда, жумладан, шундай келтирилган:

*Йўқтурур баҳр аро наво чеккан
Бўйла булбул каби садо чеккан.*

*Баҳри маънида гавҳар кони,
Дуржи маънида Бу Алийи Сони.*

*Аллоҳ-Аллоҳ не сўз деюр булбул,
Ўқуғондан очар юрак гул-гул.*

*Турфа сеҳрею, йўқ, эъжозе
Шеър аро кўргўзуб неча созе*

*Мисраси сарвдек чунон мавзун
Ҳар бирин зимнида неча мазмун.*

*Сўзи анфоси Исодин ширин,
Бори турлук чаман-чаман рангин.*

*Нуқталар шеър аро чу хол келиб,
Тўқуб андоққи, жонфизо келиб...*

*Булбули хушнаво Навойидур,
Комили бо сафо Навойидур...*

¹ Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Дарслик. Тошкент. Ўқитувчи, 1964, 158-159-бетлар.

Мазкур маснавийни биринчи бўлиб жамоатчиликка маълум қилган профессор Б.Валихўжаев котибнинг адабиёт тарихи назарияси ва луғатлардан хабардор, билимдон ва шоиртабиат киши эканлигини алоҳида уқтириб ўтади.¹

Кўринадики, котиблар Навоий асарларини кўчиришни шараф деб билганлар ва шу асар таъсирида ўз кечинмаларини қоғозга туширар эканлар, Навоий даҳосига яна бир карра таъзим этганлар ва ўзларининг шу улуғ зот авлоди эканликларидан бениҳоя фахрланганлар.

МАЪНИ САДАФИНИНГ ДУРРИ ЯКТОСИ...

Алишер Навоий шеърятини уммонга ўхшатамиз. Ҳали-ҳали унинг тубига ҳеч кимса ета олган эмас. Уқувсизлигимиздан азобланиб байтлар қатида яширин маъноларнинг мағзини чақиш учун соатлаб китоб титамиз, баҳслар юргизамиз. Барибир кўнглимиз тўлмайди. Навоий даҳосига офаринлар айтамиз ва унинг қаршисида тиз чўкамиз. Ич-ичдан нотавонлигимиздан хўрсиниб, яна маънолар устида бош қотиришга тушамиз. Навоий дунёсига кириб борганимиз сари унинг ниҳоясига етиш мумкин эмаслигини янада теранроқ ҳис эта бошлаймиз. Ушбу кечинмалар бир биз эмас, балки неча асрлардан бери ўзбек зиёлиларининг барчасига ҳамроҳ бўлиб келган бўлса ажаб эмас. Юқорида котиблар ҳақида сўз юритдик. Яна ўша мисолларга қайтсак.

Улардан бири ёзади:

*Сўз гулшанининг булбули гўёси Навоий
Маъни садафининг дури яктоси Навоий*

Кейинги котибнинг эътирофи:

*Анинг ҳар сўзи дур муаммо мисол,
Анго етмагондин хирад нутқи лол.
Жаҳон ганжи ҳар байтидадур ниҳон
Ки, ҳар ганжидадур ниҳон бир жаҳон.*

Энди учинчи котибнинг фикрига эътибор берсак:

*Баҳри маънида гавҳар кони,
Дуржи маънида Бу Алийи Сони...
Мисраси сарвдек чунон мавзун,
Ҳар бирин зимнида неча мазмун.*

Мазкур котибларнинг бири Навоий ғазалиётини кўчирган бўлса, бошқалари “Хамса” дostonларини китобат қилишган. Аммо барчаси жўровоз бўлиб, Навоийнинг ҳар байтида “жаҳон ганжи ниҳон” эканлигига эътиборни қаратаётирлар. Котибларнинг асосий кўпчилиги форс адабиётини чуқур тушунувчи инсонлар эканлигини ва табиийки, кўплаб форс классиклари асарларини кўчирганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, ўз-ўзидан равшан-

¹ Валихўжаев Б.Н. Алишер Навоий “Хамса” сининг қўлёзма нусхалари./ Алишер Навоий ижодидан ўрганиш масалалари. Самарқанд 1981, 20-бет.

ки, улар наздида Навоий ғазалиёти билан форс-тожик мумтоз адабиёти вакиллари ғазалиётини, Навоий “Хамса” си билан форсий “Хамса” ларни маҳорат даражаси жиҳатидан тарозида тортиб кўриш муаммо бўлмаган. Шу жиҳатдан улар Навоий ижодида “мана мен” деб бўй кўрсатган муҳим жиҳатни илғай олганлар, яъни мавзу, сюжет, жанрий хусусиятларнинг яқранглиги фонида катта маънони мўъжаз мисраларга сингдира олиш даражаси Навоийда анча юксаклигини аниқлаганлар ва табиийки, улуғ шоир байтларда жойлаган маъно ва мазмун оқимининг шиддатидан ҳайратга тушганлар ва пайдо бўлган ҳаяжон вулқони юқорида мазкур бўлган шеърлар шаклида отилиб чиққан. Бундай мисолларни кўплаб келтирса бўлади. Шоирларни айтмайсизми? Истеъдодли лирик ва эпик шоир Муҳаммадниёз Нишотий “Ҳусн ва Дил” достони бошида Шарқ достоннавислик мактабининг устодлари Шайх Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомийларни таъриф қилар экан, Алишер Навоийга алоҳида муҳаббат билан қарайди:

*Шеър элидан ул ки муқаддам эди
Ҳар бири бир баҳри муаззам эди...*

*Яна бири булбули достонсаро,
Яъни Навоий эрур, ул хушнаво.*

*Ўзга эрур донишу фарҳанг анга
Етти фалакдур ети авранг анга.*

*Етти ақолим узадур моҳ ул,
Етти қалам аҳлигадур шоҳ ул.*

*Гулшани сўз топгали зеби вужуд,
Чеккан эмас булбуле андоқ суруд.*

*Буржи камол узра эрур офтоб,
Авжи мақол узра муалло жаноб.*

*Ўзга сухан аҳли эрур чун суҳо,
Чиқса қуёш бўлғуси ул бебаҳо.¹*

Қаранг, Нишотий буюк хамсанавислар орасида Навоийнинг “донишу фарҳанг”и ўзгачароқ эканлигини алоҳида бўрттириб кўрсатмоқда ва “сўз гулшанида андоқ суруд чеккан булбул” бўлмаганлигини айтмоқдаки, бу эътироф Навоийнинг биз тушунганчалик “Хамса”ни туркий тилда ёзганига ишора эмас, балки умуман хамсанависликдаги Навоий маҳорати ва мақомига тегишли таъкид эканлигини қайд этишни хоҳлар эдим. Худди шундай манзарани Шермуҳаммад Мунис ижодида ҳам кўриш мумкин:

*Волии мулки тариқат гар Низомийдур манго,
Манзили маънига Хизри роҳ Жомийдур манго.*

*Хотиримга Хисравийдин ҳар замон шуре етиб,
Банда давроннинг бори ширин каломидур манго.*

¹ Нишотий. Ҳусн ва Дил. Лирика. Тошкент, 1967, 35-бет.

*Пири Ансорий сўзидан чошни нутқим топиб,
Сўзда ҳосил шарбати юҳилизомийдур манго.*

*Ҳофизи Шероз лутфидин тараққийлар топиб,
Жилвагоҳ аҳли тасаввуфнинг мақомидур манго*

*Юзума Аттор ҳар лаҳза дўкони файз очиб,
Доим андин атрпарвар жон машомидур манго.*

*Файзи Фирдавсий гаҳи кўнглум очиб фирдавсдек,
Гоҳ хоқоний футуҳининг паёмидур манго.*

*Гоҳ таъбим Анварий нури била равшан бўлиб,
Гоҳ Саъдий жомининг файзи мудомидур манго.*

*Нусхаи таъкид Бедилдин топиб файзи сухан,
Маъни ичра номаи иқбол номийдур манго.*

*Қилса ҳосид баҳси бежо сўз аро йўқтур ғамим
Ким, бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манго.*

Эътиборли жойи шундаки, мазкур шеърда Мунис форс-тожик адабиётининг кучли билимдони сифатида кўзга ташланади: У ҳар бир машҳур шоирнинг шеърятдаги ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб ўтар экан, салафлар ижодини, аниқроғи, форс адабиёти юлдузларининг услубий ўзига хосликларини кашф этган ва ижодий ўзлаштира олган етук шоир сифатида ўзини намоён қилади. Навоийга келганда, Мунис унинг Шарқ адабиёти устунлари орасида сўз маъносини юқори чўққига кўтара олган санъаткор сифатида ажралиб туришини алоҳида кўрсатиб ўтади. Шу сабабдан уни бошқа бир ғазалида жаҳонгир деб атайти:

*Сўз ичра Навоийки жаҳонгир дурур,
Мунисга маоний йўлида пир дурур.*

Маълум бўладики, Навоий ижоди ҳозирги даврдаги каби том маънода илмий ўрганилган бўлмасада, стихияли равишда форс-тожик шеърятини билан солиштирилган. Ҳар бир ижодкорнинг маҳорат даражаси белгиланган. Стихияли дейишимизга сабаб шуки, ўз маҳоратини оширишга бел боғлаган ҳар бир шоир ўз салафларидан муайян “сабоқ” олиши табиий. Бунда у тадқиқотчи ролида ўзидан олдин ўтган забардаст ижодкорлар “устахона”сини кўздан кечириш йўлидан боради. Шеърят оламидаги бир-бирига узвий боғланган анъаналар ва уларнинг ривожланиш босқичлари, жанрий ранг-баранглик ва уларнинг турли тилли адабиётларга кўчиш жараёни билан танишар экан, у ўзи эргашаётган маънавий устозининг ўзига хос услубини, илғор жиҳатларини илғамай ўтиб кетиши мумкин эмас. Навоийнинг сўзни маъно пардасига ўрашдаги юксак маҳорати шоирларнинг ижод мактабини ўташда дуч келган ана шундай амалий кўргазмаларидан асосийсидир. Шоир бежиз айтмаган:

*Огаҳий, ким топгай эрди соз назмингдин наво,
Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидин санго.*

Навоийнинг навоси – сўз ва маъно уйғунлиги улуғ шоирнинг барча халафлари ижодида ўзига хос тарзда ифода топиб, янги оҳанглар касб этди. Уларнинг жилвакор садолари буюк ўзбек шеърляти мақомини янада жозибали ва дилчасб бўлишига хизмат қилди. Қолаверса, юқорида мазкур бўлган котиб ва шуаро томонидан Навоий ижодидаги муҳим хусусиятнинг Шарқ шеърляти фонида ажратиб кўрсатилишига юзаки мақтов эмас, балки чуқур изланишлар натижасида келинган илмий хулоса сифатида қараш лозим. Ушбу жиҳат ўз навбатида ҳозирги давр олимлари олдиға ҳам маълум вазифалар қўйиши турган гап.

КАТТАҚЎРҒОН ҲАМ ШОИРЛАР ЮРТИ...

Каттақўрғон шаҳриға қачон асос солингани ҳақида қатъий бир хулосаға келинмаган. Сабаби маълум. Маҳаллий зиёлиларнинг бу борадаги чиқишлари нари борса вилоят худуди билан чекланган. Ундан нарида бу минтақа билан қизиққан олимларнинг негадир ҳафсаласи сезилмаяпти... Ваҳоланки, Миёнкол номи билан машхур бу воҳада бир пайтлар Кушония шаҳри жойлашган деган тахминлар бор. Заҳириддин Бобур Шайбонийхон билан урушганда жанг майдони сифатида шу минтақадаги Сарипул мавзесини танлаган. Ҳар нарсанинг вақт-соати бор дейишади. Ажаб эмас, яқин йилларда Каттақўрғон воҳасиға эътибор берилиб, “Ватан тарихи”дан муносиб саҳифа ажратилар.

Ҳозир эса сўз шу музофотнинг шуароси ҳақида.

Адабиёт тарихидан маълумки, шоирлар тирикчилик манбаи нуқтаи назаридан, асосан, шеърпарвар хукмдор ва амир-амалдорлар атрофида жипслашганлар. Бу ҳаётий қонун хон саройи билан боғлиқ ҳолатларда кўпроқ бўртиб кўрингани туфайли биз улар яратган бой меросни “феодал-клерикал адабиёт” сифатида номлаб, унга нотўғри муносабатда бўлганимиз рост. Саройдан бўлак жойларда ривожланган адабиёт “прогрессив” ва “диний-мистик” адабиёт оқимларига бўлинди. Ҳар бир адабиётда учала оқим уйғунлашиб келиши “тузум” тазйиқи остида ҳисобға олинмади. Бугунги кунда бу уч “кўриниш” даги адабиётни бир-биридан ажратиб бўлмаслигини янада ёрқинроқ кўраётирмиз. Менға қолса, адабиётни икки жараёнға: **сарой** адабий жараёни ва **атроф** адабий жараёниға бўлган бўлардим. Чунки сарой адабиёти маълум бир санъатсевар мулкдор, кўпинча шоҳ ёки хон ҳомийлигида ривожланиб, адабий муҳит сифатида ўзбек адабиёти ривожига қисқа вақт ичида муҳим улуш қўшиб келганлиги билан ҳарактерлидир. Бунда сарой сўзини ижобий маънода қабул қилиб, ундаги адабий муҳитға уюшган ижодкорлар ташкилоти сифатида қарашимиз лозим. Ўз-ўзидан равшанки, бу муҳитда адабиётнинг ривожини, асосан, шоирларни моддий манфаатдорлик орқали уюштира олган ҳомийға кўп жиҳатлардан боғлиқ бўлиб қолади. Атроф адабиётида эса, кўпинча бадий асарлар шоирнинг туғма қобилияти ундаши ва шеър иштиёқи баландлиги туфайли туғилади. Бунда ҳам асарлар “прогрессив-демократ”, “диний-мистик” ва “маддоҳлик” белгиларига эға бўлиши мумкин. Лекин уларнинг бариси ижодкорнинг холис, беғараз, таъмасиз ва кибру ҳавосиз нияти, оддий қилиб айтганда, Аллоҳ ато этган шоирлик ғайрати ифодаси сифатида туғилади. Сабаби, атроф адабиётининг вакиллари, асосан, моддий тарафдан мустақил, ўзига тўқ ёки мансабдор шахслардан иборат бўлган. Улар учун ижод билан шуғулланиш моддий манфаатдорлик юзасидан руй бермаганлиги аниқ. Сарой адабиётидан фарқли ўлароқ, атроф адабиёти тарихнинг муайян қисқа бир даврида жараён топиши шарт эмас. Бунда даврийлик шартли маъноға эға бўлади. Ватандош шоирлар бир даврда яшаб ўзаро ҳамкорлик ўрнатишлари ёки турли вақтларда яшаб, бир-бирлари билан алоқада бўлмаган бўлишлари ҳам мумкин. Аммо худудий жиҳатдан маълум бир ватанда яшаб ўтганликлари учун, ўша атроф

адабиётининг намояндалари бўлиб қолаверадилар. Сарой адабиётига Амир Умархон ва Муҳаммад Раҳимхон Феруз адабий муҳитлари мисол бўлса, Каттақўрғон адабий жараёни атроф адабиётига ёрқин далил бўла олади.

Каттақўрғон азалдан шоирлар маскани сифатида машҳур ва манзур. Каттақўрғон зиёлилари ўз шаҳарлари тарихини сўфий шоир ва мутафаккир Сўфи Оллоёр (вафоти 1721-1724) номи билан боғлашади. Эмишки, Бухоро хонлигининг нуфузли бекларидан бўлмиш Фарҳод оталиқ ўз укаси Сўфи Оллоёрга алоҳида манзил қуриб бермоқчи бўлади. Фарҳод Пайшанба мавзесининг беки бўлганлиги сабабли ўзига яқин жой бўлган Каттақўрғоннинг ҳозирги эски шаҳри ўрнида бир кўркам бино қурдира бошлайди. Бу орада Сўфи Оллоёр Ғузор томонга ўз таълимотини тарғиб этиш учун сафарга отланади. Фарҳод оталиқ қурилишни тугатгач, унинг баҳаволиги кўнглига ёқиб, ўзи кўчиб киради. Сўфи Оллоёр қайтгач, акасининг ялиниб-ёлворишига қарамай, бу уйдан воз кечади ва Сурхон воҳасининг Вахшивор мавзесида умрининг охиригача яшаб ўтади. Унинг учун қурдирилган бино атрофига эса сўфий шоирнинг ихлосмандлари, қариндош-уруғлари кўчиб кела бошлайдилар ва натижада уларнинг маскани атроф-жавонибдаги Мавлиқўрғон, Янгиқўрғон, Каллиқўрғон, Кўрғон (ҳозирги Пайшанба мавзеси), Тепақўрғон мавзеларидан каттароқ ва муҳташамроқ бўлгани, бозор ва савдо марказига айланганлиги учун Каттақўрғон номини олади. Балки, Сўфи Оллоёрнинг ихлосмандлари шоиртабъ кишилар бўлгани учунми (сўфийлар шеър ва мусиқага ошуфта инсонлар эмасми?!) Каттақўрғон аҳолисининг кейинги авлодлари орасидан кўплаб шоирлар етишиб чиқа бошлайди. Масалан, Муҳаммадшариф Шавқий (1785-1861), Мирий (1841-1899), Вола (1825-1873), Ахмад Аҳқар (1860-1919), Видоий (XIX-аср), Остонақул Дабирий (1862-1940), Ҳомид (1881-1942), Хоиб (1896-1990), Ҳакима ва Мутриба (XX аср) каби яна қатор шоирларни кўрсатиш мумкин. 1963 йилдан эътиборан Самарқанд давлат дорилфунуни Ўзбек адабиёти тарихи кафедраси қошида марҳум академик Воҳид Абдуллаев ва кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор Ботирхон Валихўжаев раҳбарлигида Каттақўрғон шоирлари ижодини тадқиқ этиш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Айниқса, филология фанлари доктори профессор Раҳмонқул Орзибеков ва марҳум адабиётшунос Самариддин Сирожиддинов, заҳматкаш олимлар Исомиддин Салоҳиддинов ва М.Махмудовларнинг хизматлаъри алоҳида таҳсинга сазовордир. Олимлар Каттақўрғонлик ижодкорлар ҳақида қатор мақолалар эълон қилдилар ва бир неча рисоалар чоп этдилар. Бироқ ҳали ҳам айтилмаган гаплар кўп бўлиб, уларнинг баъзилари ҳақида ўз ўрнида сўз юритамиз.

КИТОБХОНЛИК ДАВРАЛАРИ

Каттақўрғонда китобхонлик давралари азалдан ҳозирги кунларгача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Олдинлар китобхонлик давралари, бошқача қилиб айтганда, адабий гурунглар “гап зиёфати” деб ҳам юритилган. Бундай гурунгларда одамлар шеър назокатини тушунувчи нуктадон кишиларга китоб ўқитиб, шарҳини тинглаганлар, маданий ҳордиқ чиқарганлар. Китобхонлик гурунгида Навоийдан ташқари, Шарқнинг буюк сўз даҳолари Фирдавсий, Саъдий ва Ҳофиз, Жомий ва Бедил, Фузулий ҳамда Машраб асарлари ўқилган ва шарҳланган. Шу боис бу сўз санъаткорларининг қўлёзма китоблари Каттақўрғонда ҳаддан ташқари кўп тарқалган. Бу асарлар ғамгин юракларга таскин бера олиши, адашганларга тўғри йўл кўрсатишга хизмат қила билиши, шеърят ихлосмандларига завқ-шавқ, шоирлар дунёсига офтобдек нур сочиб, уларни илҳомлантириши, одамлар ўртасида энг олийжаноб фазилатларни тарғиб қилиш хусусиятлари билан кишиларнинг қимматли

ва ардоқли бойлигига айланиб қолган. Каттақўрғонлик ўзбек сатирик шоири ва синчков адабиётшунос Абдулҳамид Мажидий (1902-1939) бундай гурунглари тўғрисида қуйидагиларни ёзади: “Каттақўрғонда китобхонлар гурунглари тез-тез бўлиб турғувчи эди. Бундай пайтларда одамлар бирор меҳмонхонага тўпланиб, бирорта саводли кишини олиб келиб, китоб ўқитиб кўнгил ёзар эдилар. Бундай гурунгларида кўпинча шарқнинг зукко шоирлари Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Фузулий асарлари, “Девонаи Машраб” ўқиларди. Шундай гурунгларида бири менинг ҳам ёдимда...1913 йилнинг эрта кўклами эди. Кўшнимиз Раҳматулло мисгар гап зиёфати берди. Биз бир тўда болалар ўйнаб юрардик. Бир вақтда офтобрўя уй ичидан кимнингдир баланд овоз билан гулдираб шеър ўқийганлигини эшитиб қолдик. Дарров уй деразаси ёнига бориб, қулоқларимизни динг қилиб тинглай бошладик. Болалар ичида шеър ўқиш ва тинглашга ишқивозроғи мен эдим. Қарасам, шеър ўқийган маҳалламизда Ўсарбек қори номи билан машҳур бўлган киши экан. У шеърни шу қадар гўзал ва бежирим ўқирдики, ўтирганлар уни тебраниб, зўр иштиёқ билан тинглардилар. Ўшанда Навоий “Хамса”си ўқилган экан. Чунки Фарход, Ширин деган номлар қулоғимда қолган... Менда Навоий ижодига қизиқиш, унга ҳурмат билан қараш ўшанда бошланган.”¹ Хоиб ва Ножий таҳаллуслари билан гўзал ғазаллар яратган ҳозирда марҳум Муҳаммадрасул Зубайдуллаев 1917 йил октябр тўнтаришигача Каттақўрғон шаҳрида ўттизга яқин китобхонлик давралари мунтазам фаолият кўрсатиб келганлигини эслади ва ўзи ҳам баъзиларида қатнашганлиги ҳақида шундай ҳикоя қилар эди: “Менимча, у ўнинчи йилларда (1910 йиллар-Ш.С.) “Хамса”хонлик кўчайди. Чунки ўша йиллар “Хамса”нинг катта китоб қилиб, чиройли муқовада нашр этилган босма нусхаси пайдо бўлди. Бундай китобга эга бўлиб, давраларда уни ўқитишга қизиқадиган одамлар кўпайиб кетди. Шундай бир гурунгда мен ҳам бўлганман. Унда Ноқис, Аҳқар каби забардаст устоз шоирлар бор эди. Гурунги Аҳқар домланинг Ҳайдарчамадан маҳалласида жойлашган ҳовлисида ўтди. Мен у кишининг ўғли Маҳдихоннинг (Маҳдий Каттақўрғоний – Ш.С.) дўсти сифатида борган эдим. Мен билан бирга Абдулҳамид ва Шамсиддин Тоиб отлиқ шоир тенгдошларим ҳам боришган эди. Ўша куни “Лайли ва Мажнун” ўқилди. Узоқ ўқилди. Ноқис домла берилиб тингларди... Бир маҳал “Сен ҳам шеърни яхши ўқийсан-ку”, – деб домла менга китобни узатдилар. Ўзим ҳам шуни кутиб турган эдим, йигит овозим билан баралла ўқий кетдим. Ноқис гавдали одам эди. Бир тиззаси остига лўлаболишни кўйиб, бир болишни тиззалари устига олиб, кўкраклар ўтирганча кўзларини юмиб, шу қадар берилиб тинглардики, атрофдагиларни гуё унутган эди. Лайли билан Мажнуннинг вафот этган ўринларини ўқир эканман, бир маҳал қарасам, домланинг кўзлардан ёш сирқиб оқмоқда эди. Ниҳоят, ўзларини босолмай, ҳайқириб: “Ҳе офарин-э, Навоий! Мунча ҳам Худо берган экан-а!” – деб юбордилар... Кейинчалик эшитсам, Ноқиснинг ўзлари ҳам “Лайли ва Мажнун” достонини ёзган эканлар...2000 мисралар ёзган эканлар-ку, бироқ мен кўрмаганман...”²

Ҳа, Навоийдан руҳланмаган, ундан ижодий озиқланмаган шоир бўлмаса керак. Жумладан, Очилдимурод Мирийнинг “Қиссаи Салим Жавҳарий”, “Маждиддин ва Фаҳруннисо” достонлари ҳақида таниқли олим Б.Валихўжаев шундай ёзади: “Салим Жавҳарий” поэмасида асосий ҳикоя қолиповчилик ролини ўйнаб, унинг ичида келтирилган қисса асосий ғоявий йўналишни ифода этади. Бундай ҳол эса Мирийнинг мазкур поэманинг композициясини қуришда кўпроқ Алишер Навоийга, хусусан, унинг “Сабъаи сайёр” асарига эргашганидан далолат беради. Чунки Навоий мазкур асарида қолиповчи ҳикоя ичидаги еттита ҳикояга асосий диққатни қаратганини уқтириб ўтган эди. Навоийнинг бу ҳикоялари мусофирлар

¹ Сирожиддинов С. Абдулҳамид Мажидий. Адабий портрет. Тошкент; 1982, 13-бет.

² Марҳум адабиётшунос С.Сирожиддинов томонидан магнит лентасига ёзиб олинган ушбу хотиралар муаллифнинг шахсий архивида сақланади.

тилидан айтилиб, уларда муаллиф ўзининг орзу-истаклари ва мақсадларини баён қилиб, бўларнинг ҳаммасини шоҳ Баҳромнинг хатти-ҳаракати ва ҳарактерига қарама-қарши қилиб қўйган эди. Мирий ҳам ўз поэмасида Ҳажжож ҳақидаги қолипловчи ҳикояни бошлаб, унда сайёҳ Салим қиссасини келтиради ва асосий диққатни шунга қаратади”¹

Дарҳақиқат, “Хамса”хонлик Каттақўрғонда ана шундай шоирларни вояга етказиш ва қимматли асарларнинг вужудга келишига асос бўлган. Шунингдек, Навоий асарларидан нусха кўчириб, халқ орасида кенг тарқатиш анъанаси ҳам шу китобхонлар гуруҳлари, гап зиёфатларининг таъсири самарасидир. Оддий одамлар Навоий асарларини уйларида сақланишини ўзлари учун бахт ва шараф деб билганлар, ҳар бир зиёлининг обрўси унинг уйида мавжуд бўлган Навоий асарларининг сони билан белгиланган. Шунинг учун бўлса керак, қанча-қанча шамоллар эсиб, сувлар оқиб, не-не тўфонлар юз берганлигига қарамай, Каттақўрғонда кўчирилган юзлаб қўлёзмалар хонадонларда ҳалигача сақланмоқда, кўплари Самарқанд, Тошкент, Тожикистон қўлёзма захираларига топширилган. Айниқса, Октябрь тўнтаришидан сўнг, 20-йилларда авж олган вулғар социологларнинг ўтмиш меросдан воз кечиш ҳақидаги ғоялари, иккинчи томондан, ўзбек халқини ўз ўтмишидан ажратиш мақсадида қасддан араб ёзувидаги китобларни тортиб олиш, уларнинг соҳибларини таъқиб этиш сиёсатини амалга ошириш минглаб қимматбаҳо ижод намуналарининг, юзлаб шоирларнинг номларини изсиз йўқолиб кетишига сабаб бўлди. Мазоратларга кўмилиб, ариқларга оқизилган, ўчоқларда ёқиб юборилган халта-халта, сандиқ-сандиқ китоблар орасида буюк шоиримизнинг қанчадан-қанча дурдона асарлари бўлгани шаксиз ва шубҳасиздир. Сақланиб қолганларини халқнинг улуғ шоирларимизга, шу жумладан, Алишер Навоийга нақадар эҳтиром сақлаганликлари аломати деб билиш зарур деб ўйлаймиз. Ҳозирги даврда ҳам баъзи хонадонларда сандиқ ичида кўпгина қўлёзмалар сақланади. Бизнинг авлодимиз сталинизм манқуртлик сиёсатининг қурбони бўлгани учун ҳам бу китобларни ўқишдан маҳрум. Улар бу китобларни “муқаддас” билиб, ҳеч кимга кўрсатмайдилар. Албатта, уларнинг муқаддаслигига шак-шубҳа йўқ, бироқ улар оммага маълум қилингандагина тарихимизнинг биз учун номаълум томонларни аниқлашда, бадииятга алоқадор янги асарларнинг топилишида, маданиятимиз хазинасини яна ҳам бойитиш, адабиётимиз тарихини янада мукамаллаштириш, янги-янги тадқиқот ишларининг юзага келишида уларнинг ёрдами беқиёс бўлиши аниқ. Ўзбек классик адабиётининг фидойи мухлиси, марҳум шоир ва адабиётшунос олим Самариддин Сирожиддинов ўз хотираларида шундай ёзади: “Бундан 20 йиллар муқаддам бизнинг қўлёзма китоблар излаб юрганимизни эшитиб, бир мулла аёл ўз уйига таклиф этди. Ғишт-печка устида 50-60 та китоб турарди. “Бир кўринг, зарур бўлса олинг, қолганини мозорга элтиб кўмдираман”,- деди аёл. Бу мулла аёл Улуғой Ашурова бўлиб, Каттақўрғон районидаги Каттақўрпа қишлоғида (Ноқис туғилган қишлоқ) истиқомат этарди. Китоблар орасидан уч қўлёзма диққатимни тортди. Бири Абдулқодир Шокир ўғли Ноқиснинг баёзи, иккинчиси шоир Мансур Саъдулло ўғли Дилафгор Каттақўрғоний қаламига мансуб 2200 мисрали “Раъно ва Сухангул” ҳамда “Соҳибжамол пари қиз қиссаси”, учинчи қўлёзма “Бедил ғазалиёти”. Учала қўлёзма ҳам ноёб ва қимматли. Сал бўлмаса, улар ҳам тупроққа ем бўлғуси эди. Ана шу тариқа изланишлар бизга каттақўрғонлик шоирларнинг қарийб 60 минг форсий-туркий шеърларини жамлаш, ўнлаб номаълум китобларнинг қўлёзма нусхаларини тўплаб, сақлаб қолиш имконини берди”.² Худди шу ўринда ноёб китобларни излаб топиш ва фондларга етказиб беришни ўзига бурч ҳисоблаган олийжаноб инсонларни

¹ Абдуллаев В.Валихўжаев Б.Мирий ва унинг замондошлари. Тошкент. Фан. 1977, 73-74-бетлар.

² Сирожиддинов С. Каттақўрғон шоирлари ҳақида қайдлар. Қўлёзма. Муаллифнинг шахсий архивида сақланади.

эсламай ўтиш тўғри бўлмас. Уларнинг бу хизматлаърини тарих унутмайди. Ҳозирги тадқиқотчилар уларнинг номларини хурмат билан тилга олишларига, хизматлаърини улуғлашларига боис шу. Жумладан, эндиликда қайси бир тадқиқотчи Каттақўрғон адабий ҳаракатчилиги, китобхонликлар ҳақида фикр юритадиган бўлса, 20-30 йилларнинг ажойиб шоир ва тадқиқотчиси Абдулҳамид Мажидий номини тилга олмай ўтмайди. У адабиётимиз тарихини тиклашда ғоят жонбозлик кўрсатган, Мажидийнинг хизматини унинг қуйидаги сўзларидан ҳам билса бўлади: “Мукаммал ўзбек адабиёти тарихини майдонга чиқариш яқин келгусининг ишидир. Шу ёзилишга мўлжалланган адабиётимиз тарихининг тугал чиқиши учун лозиминча материалнинг тўпланиши айрича аҳамиятта эгадир. Биз ҳам бу йўлда саъй-ҳаракат қилиб, озгина вақт ичида дунё кўрмасдан кўмилиб қолган бир кўп нарсаларни қўлга киритишга муваффақ бўлдик. Ҳозир маним қўлимда каттақўрғонлик Шавқий, Мирий, Ноқис, Вола, Дабирий, Аҳқар, Салоҳий, Махдий каби шоирларнинг девонлари, Тоиб, Ҳомид, Фақирий каби девон тўлдирмаган шоирларнинг китоблари тўпланган. Булар шояд адабиётимиз тарихини ёзғувчиларга яраб қолғай”.¹ Бугина эмас, А.Мажидий ўз қўлида Мирий қаламига мансуб “Раъно ва Зебо” (14 минг мисра), “Каҳи Кўҳзод”, “Гулнома”, “Чойнома” дostonлари ҳам борлигини айтиб, шоирнинг топилмаган “Чаҳор шарбат”, “Анвори Сухайлий” ва бир неча дostonлари бўлганлигини хабар қилади. Бундан ташқари, адабиётимиз тарихига ёрқин саҳифа бўлиб қўшилган Турди Фароғийни кашф этиш, икки юз йиллар давомида унутилиб кетган номини қайта тиклаш ҳам Мажидий хизматидир. У излаб топган китоблари орасидан Турдига алоқадор 24 саҳифали бир қўлёзмани дафъатан тўғри баҳолаб, матбуотга олиб чиқади.² Таниқли олим, профессор А.Ҳайитметов шундай ёзади: “30-йилларнинг охирларида Турди асарларининг Мажидий топган ягона нодир қўлёзмаси йўқолиб кетди, натижада Турди ҳаёти ва ижодини ўрганишда бир мунча қийинчилик туғилди... Бир тасодиф билан Турди асарларининг Мажидий нусхасини топишга муяссар бўлдик... Яна Турди ҳаёти ва ижодини ўрганишнинг янги имкониятлари очилди”...³

Мажидийнинг ўзбек адабиёти тарихининг мукаммал ёритилиши йўлида бошлаб берган ташаббуси кейинчалик унинг ватандошлари томонидан муваффақият билан давом эттирилди. Жуда кўплаб шоирларнинг девон ва баёзлари тўпланди. Жумладан, Мажидий ўз мақоласида девон тўлдирган унга каттақўрғонлик шоир номини тилга олган бўлса, ҳозир бу саф янада кенгайтирилди. Адабиётшунос С.Сирожиддинов каттақўрғонлик шоир Авазмуҳаммад Видойининг девонини излаб топди ва 7,5 минг мисрага яқин шеърни ўз ичига олган девон сохиби бўлган бу шоир ҳақида биринчи бўлиб жамоатчиликка эълон қилди. Заҳматкаш олим М.Махмудов Каттақўрғон шоирларидан Искандар Мадюн, Ҳақима ва Мутриба каби шоирларнинг шеърларини қўлга киритиб, илмий жамоатчиликка тақдим этди. Мухтасар қилиб айтиш мумкинки, Каттақўрғон музофотида кенг ривожланган навоийхонлик азалдан давом этиб келаётган анъана бўлиб, Навоий сўзининг қудрати, фусункор шеърляти, дилкаш ва дилрабо қиссалари оддий ўзбек халқининг дили тўридан жой олганлигига далолатдир. Навоийхонлик оқибатида улуғ шоир асарлари хаттотлар томонидан кўплаб кўчирилган ва хонадонларда кўз қорачиғидай асралиб, авлоддан авлодга мерос сифатида ўтиб борган.

¹ Мажидий А. Шоир Мирий // Маориф ва ўқитувчи, 1927, 6-сон

² Сирожиддинов С. Абдулҳамид Мажидий. Адабий портрет. Тошкент; 1982, 26-27-бетлар.

³ Турди. Шеърлар. Тошкент. Ўзадабий нашр, 1971, 4-бет

МИРИЙНИНГ АМИРИ

Каттақўрғон шоирлари ижодиётини Навоий даҳосининг таъсирисиз тасаввур қилиш қийин. Уларнинг деярли ҳаммаси Навоийга издошлик қилиб, Каттақўрғонда Навоий мактабининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшганлар. Навоий руҳи уларнинг ҳаётларида, ижодларида, ҳар бир байтларининг замирида сезилиб туради. “Мир Алишер Навоий ялпи турк адабиётида муайян бир ўринга эга эканлиги белгиликдир, – деб ёзади Абдулҳамид Мажидий Навоий таъсиридан баҳраманд шоирлар тўғрисидаги қарашларини умумлаштириб, унинг адабий таъсири 500 йиллар оша тўхтамасдан давом этиб келади. Кўп шоирлар Навоийга тақлид қилишни севғонлар. Бу йўлга тушғонлар кўп бўлсалар ҳам бу кунгача бу йўлдан бориб, унинг мавкеиға етғон шоирни биз учратмаймиз. Очилдимурод Мирий ҳам Навоийнинг ғойибона шогирдларидандир. Ул Навоийни жуда севган, унинг ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Унинг ижодий кучини устоз билан солиштириб қараганда, услубда, руҳда Навоий билан якмал боришни истаган. Бунга жуда муваффақ бўлмаса ҳам, бир даражада олдинга босолғон. Навоийнинг муҳаббати ва ҳурмати унинг завқиға шунчалик тўқинғонки, ҳатто у Навоийни бир неча қатла тушида кўриб, адабий таълимотлар олган”.¹ Мажидий тилга олиб ўтган “туш” воқеаси Мирийнинг “Шаби бисти якуми моҳи муҳаррам, воқеаи хоб дидан” (Муҳаррам ойининг йигирма биринчисида кўрилган туш) манзума-маснавийсида баён этилган. Унда айтилишича, Мирий бир мажлисга кириб қолади ва у ерда бир гуруҳ ўтирганларга дуч келади. Уларнинг “сўзларида маъни улуғворлиги намоён бўлади, оғизлари гавҳар солинган дур қутчасига ўхшар эди. Тўрда баланд қоматли, салобатли бир нуроний киши ўтирарди. У мени кўрдию, ўтирганларга мени кутиб олишга ишора этди ва ўтирганлардан бири олдимга келиб, қўлимдан тутди”, – дейди. Мирий унинг кимлигини, ўтирганларнинг, тўрдаги улуғнинг кимлигини сўрайди ва қуйидаги жавобни эшитади:

*Манам Мири Алишери Навоийи,
Амирам бо ту, худ мири навоийи
Паи дастгирият умрест дастам,
Қалам бар каф кунӣ, ман сафҳабастам.²*

“Мен, Мир Алишер Навоийман, – дейди унинг қўлидан тутган одам, - сенинг ўзинг наволи амир (Мирий тахаллусига ишора этилмоқда-Ш.С.) бўлсанг ҳам, мен сенга Амирман. Бир умр менинг қўлим сени қўллашга қаратилган. Қўлга қалам олсанг, мен саҳифаларни тўлдирувчиман. (Бу сатрлар Навоийнинг “Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум, қўлдаса Хисрав билан Жомий қўлум” мисралари таъсирида яратилганлиги билиниб турибди-Ш.С.). Тўрда ўтирган Абдурахмон Жомий ва атрофдагилар шогирду муридлардир, сен ҳам бу гулзорга қадам қўй ва гуллар териб, шод бўл” дея унга йўл бошлайди. Маълумки, Навоий ўз “Хамса”сининг охирида худди шундай воқеани тасвирлаб ўтган.³ Бу икки воқеани чоғиштириб кўрсак, Мирийнинг Мажидий айтганидек, “Навоий билан якмал боришни” жуда ҳам истаганига, ҳар жабҳада улуғ устозга эргашганига ишонч ҳосил қиламиз. Навоий унинг олдиға пешвоз чиққан киши ҳақида

¹ Мажидий А. Шоир Мирий//Маориф ва ўқитувчи, 1927, 8-сон

² Мирий.Танланган асарлар. Тошкент, 1965, 304-305-бетлар. Бундан сўнг Мирийдан келтириладиган иқтибослар мазкур нашрдан олинади.

³ Навоий Алишер.Хамса. нашрга тайёрловчи. П.Шамсиев. Тошкент, 1960, 848-849-бетлар.

*Алардин биров келди ул ёнки мен,
Чаманда анингдек хиромонки мен, –*

деса, Мирий

*Яке з-он жамъ суи ман хиромон,
Балоғат аз лабаш жўшу хурушон,-*

дейди. Навоийда пешвоз чиққан киши ва ўтирганлар ким эканликлари ҳақидаги сўров қуйидагича берилса:

*Қабул айлаю, солиб ул ён қадам,
ўзни доғи сўрдим, ҳамул элни ҳам.*

Мирий:

*Бадү гуфтам ки: Эй пири ҳидоят,
Нахўстам деҳ ба завқи ман диroyат.
Ки инҳо кист, бар ман гў, ки он кист?
Ба меҳмонхонаи тан меҳмон кист?
Нахўст аз хештан огоҳиям деҳ,
Далелам шав, чунин ҳамроҳиям деҳ,-*

(Мазмуни: Унга дедим: Эй ҳидоят пири, олдин менга тушунтиргинки, булар ва тўрда ўтирган ким? Аввал ўзингни таништир ва сўнг менга йўл бошла) тарзида баён этади. Умуман олганда, Мирий “воқеа”сида Навоий “воқеа”сига оҳангдошлик жуда кучли. Қуйидаги қиёс ҳам шундан далолат беради:

Навоий:

*Тутуб Жомию Хисрав икки қўлум,
Низомий сори бошладилар йўлум..
Тўкуб ашк мендек асири ғаме
Вале ҳар қўлумға тушуб аламе.
Вале мен бўлуб горчи ўздин ниҳон
Кириб икки илгимга икки жаҳон.*

Мирий:

*Зи дасти раъшагинам зуд бигрифт
Кафам нақди ду олам суд бигрифт.*

(Мазмуни: менинг қалтироқ қўлимни тутгани замон, кафтим икки олам фойдасини қўлга киритди).

Албатта, бу эпизод шоирона бир хаёл, илҳом натижасидир,- деб таъкидлайди профессор Б.Валихўжаев. Аммо бунда баён этилган фикр диққатга сазовордир. Чунки Мирий бу мисраларда ўзининг Алишер Навоий ижодига бўлган самимий меҳр-муҳаббатини, ундан доимо илҳомланганлигини изҳор этган, уни ўзига устоз деб эътироф этган.¹

¹ Абдуллаев А. Валихўжаев Б. Мирий ва унинг замондошлари. Тошкент, “Фан”, 1977, 23-бет

Адабиёт тарихида Навоийни тушда кўриб, уни пир сифатида эътироф этиш ҳоллари бошқа кўпгина манбаларда ҳам учрайди. Бу ҳам ўзбек шоирларига Навоийдан қолган анъана-мерос дейиш мумкин. Чунки салафлардан “туш воқеаси” баҳонасида руҳий мадад тилаш ва уларнинг фотиҳаси олинганлиги ҳақида халққа билдириш воситаси Навоийдан сўнггина ўзбек шоирларига хос усул бўлиб қолган. Демак, ушбу шеър орқали биз Мирий ижодига хос икки қиррага яна исбот топамиз: аввало, “туш воқеаси” Навоийни Мирий ўзига маънавий устоз деб билганини яна бир карра тасдиқласа, иккинчидан, бу воқеанинг Навоий “воқеа”сига ҳамоҳанглигидан Мирийнинг дostonнависликда устоз изидан юрганлиги маълум бўлади. Унинг “Рустам ва Сухроб”, “Қиссаи Салим Жавҳарий”, “Маждиддин ва Фахруннисо” дostonлари ўзбек тилида ёзилган. Дostonларнинг умумий руҳияти ва Мирийнинг Навоийга монанд “туш” воқеаси баъзи тадқиқотчиларни Мирий ҳамса ёзишга киришган, деган фикрга олиб борган.¹ Мирий поэмаларини диққат билан ўрганган проф. Б.Валихўжаев классик адабиётдаги ҳамсанавислик қоида-қонун ва талаб-эҳтиёжлари бу фикрни тасдиқламаганлигини аниқлади. Хусусан, олим шундай ёзади: “Хамсачилик анъанасига кўра, Хамсага кирувчи биринчи поэма бутун асарнинг фалсафий асоси бўлиши керак. (Низомийнинг “Махзан ул-асрор”и, Хусрав Дехлавийнинг “Матлаъ ул-анвор”и, Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”и каби). Аммо биз Мирий поэмалари ичида бундай типдаги дostonни учратмаймиз. Ёки хамсачилик анъанасига кура Хамсага кирувчи поэмалар ғоявий-бадий жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлиб, бу фазилат, Хамса композициясининг мустаҳкамлигини таъмин этиши лозим. Мирийнинг поэмаларида биз бундай хусусиятни ҳам кўрмаймиз.”² Кўшимча сифатида айтиш мумкинки, Мирий кўнглида катта эпик асарлар, балки “Хамса” ёзишга мойиллик бўлгандир. Ҳар ҳолда бизгача етиб келган дostonлари шу йўлда кўрилган тайёргарлик сифатида қабул қилиниши мумкин. Балки шоир узоқроқ умр кўрганида, Хамса ҳам ёзган ва ҳозирги мавжуд дostonларидан ҳам мукамалроқ ва ҳамсанавислик талаби ҳамда қонун-қоидаларига жавоб бергувчи дostonлар мерос қолдирармиди.

НАВОИЙНИНГ КАТТАҚЎРҒОНЛИК МУҲИБЛАРИ

Алишер Навоийни ўзига устоз деб билиш туйғуси Каттақўрғонда яшаб ўтган ҳар бир шоирнинг қалбида мавж уриб турганлигини мушоҳада қилиш қийин эмас. Навоийнинг ҳар бир ғазали, байти, мисраси уларга битмас-туганмас илҳом ва завқ беради, ўзига ром этади, ортидан эргаштиради. Масалан, Видоий ёзади:

*Ўғурди тоатдин юзин зоҳиди худрав
Олурга файз ридосини қўйди майга гарав.*

*Кўруб они, ки бу сидқ ила эътиқодин мен,
Ки молу жонни қўшуб мусоҳиб ўлдук икав.*

*Тааммул айлаки, арвоҳлар иноятидинким
Деди бу сўзни Видоий Навоийга пайрав.*

¹ Қаранг: Махмудов М. Навоий – Мирий // Ўзбекистон маданияти, 1966 йил, 26-февраль.

² Абдуллаев А. Валихўжаев Б. Мирий ва унинг замондошлари. 28-бет

Бундан ташқари, Видоий Навоийнинг таржебандидаги “Харобот аро кирдим ошифтаҳол, май истарға илкимда синғон сафол” байтини олиб, шу вазнда ўнта соқийнома яратадики, ҳар бир соқийнома худди шу байт билан якунланади. Навоийга ихлосмандлик каттақўрғонлик шоирлар томонидан боғланган мухаммасларда ҳам яққол кўзга кўринади. Жумладан, Видоий Навоийнинг

*Бу навъ ўлдум жамолинг мусҳафининг сирридин оғаҳ,
Ки феҳристида келди икки қошинг икки бисмиллаҳ,-*

деб бошланган ғазалига боғлаган мухаммасининг бошланғич банди қуйидагича:

*Баёни шарҳи хуснунг қилгали ошиқлара, эй маҳ,
Ки афсаҳлар эрур мазмуни истилосидин илаҳ,
Не истеъдод ила топгум анинг кайфиятидин раҳ,
Бу навъ ўлдум жамолинг мусҳафининг сирридин оғаҳ,
Ки феҳристида келди икки қошинг икки бисмиллаҳ*

Каттақўрғон шоирлари ижодига назар ташлар экансиз ҳар сатрда Навоий руҳиятини сезасиз. Мазмун, шакл, ғоя ва ҳатто бадий санъатлар, ҳам улуғ шоир томонидан махсус шуларга атаб кўрсатилгандек. Мисолларга эътибор берсак. Жумладан, Навоийнинг

*На хуш улғай иковлон маст бўлсак васл боғинда,
Қўлум бўлса ани буйнидаю оғзим қўлоғинда,-*

ғазали Каттақўрғон шоирлари ўртасида жуда машҳур бўлган. Каттақўрғон шоирларининг Шавқий (1785-1861), Мирий (1841-1899), Ноқис (1860-1929) каби машҳур уч вакилининг юқоридаги Навоий ғазалига мухаммас ёзишлари улуғ шоир ғазалиёти таъсирининг Каттақўрғон аҳли орасида бетўхтов ўсиб боргани ва шоирлар ўзаро “куч синашиб” турганликларига далолатдир. Бу мухаммаслар оригиналлиги, нафислиги, маъно, фалсафий оҳанг кучлилиги билан бир-биридан ажралиб турадики, калом равшан бўлиши ҳар учала мухаммасдан мисол келтириш мақсадга мувофиқдир:

Шавқий:

*Фалакда дуди оҳим, қонли ёшим кўз қароғинда,
Кетиб сабру қарорим дилбари ширин сўроғинда,
Юрурмен телбараб Фарҳод янглиғ ҳажр тоғинда,
Хаёлида бўлур зикрим, кўнгул хушёр чоғинда,
На хуш улғай иковлон маст бўлсак васл боғинда,
Қўлум бўлса они буйнидаю оғзим қўлоғинда.*

Мирий:

*Еманг ғам, ўлсам ул кокул паришоним сўроғинда,
Не ишрат жон фидо қилсам ул ой зулфин тузоғинда,
Не давлат ул пари май ушласа ишрат аёғинда,
На хуш улғай иковлон маст бўлсак васл боғинда,
Қўлум бўлса ани буйнидаю оғзим қўлоғинда.*

Ноқис:

*Тилар кўнглим ул ой базмини ағёрин фироғинда,
Нишимангоҳ этсам ул гуҳарни кўз булоғинда,
Хуморолуда айлаб ўзни гаҳи май сўроғинда,
На хуш ўлғай иковлон маст бўлсак васл боғинда,
Қўлум бўлса они бўйнидаю оғзим қулоғинда.*

Навоийдаги “тан-вайрона” ва “кўнгул”, унда макон қурган “чуғз-бойўғли” каби ташбих ва таносуб санъати орқали берилган тасвирий ифода ва образлар Каттакўрғон шоирлари томонидан жуда ҳам кенг қўлланилганлиги ҳарактерлидир. Жумладан, Навоийда шундай байтлар мавжуд:

*Бадан вайронида ул ҳусн ганжи ҳажридин гоҳе ,
Гаҳ ўз ёлғузлигидин чуғздек тортар фиғон кўнглум...*

*Гар бузуқта чуғз нолон кўрмамишсан, захми кўп,
Тан аро афғон чекар кўнглум қушин наззора қил ...¹*

Видоийда ҳам уларга ҳамоҳанг мисра, байтлар фаровондир:

*Бузди то тан кишварин селоби ашким ҳар сари,
Ошёни чуғзи ғам эски вайронимдадур.²*

*Сейли ашкимдин бузуқ жисм ичра жонимни кўран,
Гуйиё бир чуғздур ул сокини вайрона дер..(46^а).*

*Ватан бўлди жафо чуғзига охир жисми вайроним,
Кўзумға маскан этти мўри ҳасрат чиқмайин жоним(90^а)*

Ёки Навоийнинг:

*Жонфидо ҳусни ниқоб ичра, доғи эл талашиб жон.
Қолмағай эрди тирик бир киши, ул бўлмаса ҳойил...*

*Чиқаргач ул моҳи маҳмилнишин ораз ниқобидин,
Жарасдек нола айлармен кўнгулнинг изтиробидин...*

*Қошу юзунгни мунажжим чун, ки кўрди бениқоб,
Деди кўркам қавс буржидин туғунтур офтоб...*

*Чиқма тўққуз парда кейнидинки, олам куймасун,
Олсанг олти-етти бурқаъ, қўйғил икки-уч ниқоб...*

¹ Навоий Алишер. Бадоеъ ул-васат. МАТ.V жилд. Тошкент. “Фан”. 1990,327-бет.

² Видоий Авазмуҳаммад Девон, 51^б-варақ. Бундан сўнг фақат варағи кўрсатилади.

каби байтларида “ниқоб”, “бурқаъ” воситалари орқали фалсафий қарашларнинг баён этилиши Каттақўрғон шоирлари дунёқарашларига мос келиб, улар ҳам Навоий бадий санъатларидан фойдаланганлар. Жумладан Мирий ёзади:

*Жафолар бирла жон бергум, ниқобинг оразингдин оч,
Ўлар вақтимда равшан қил кўзум, гул юз аён айлаб..*

*Мени айларга ул ой вола, зулфидин таноб этмиш,
Чу қилгач воласи, гул юзга кокулдин ниқоб этмиш,*

Видоий:

*Чиқса ул хуршид гар рухсоридин олиб ниқоб
Соядек ҳар дам тушар жонимға юз минг изтироб...*

*Бурқанг олиб юзингдин, айлагил бир йўл ҳалок
Токи чектим кулфати ҳажрингни эй маҳ, ою йил...*

*То ниқоб ичра юзи ул шўхнинг мастур эди,
Кўрмагандин кўзларим рухсорини ранжур эди...*

*Қасди қатлим токи қилдинг, чекмағил, эй ёр, тиғ
Бурқаъ олиб юздин, ўлдур, бўлмасун хунбор тиғ...*

*Бўлса гар қасдинг мени ўлдургали, эй сарвиноз
Тиғ на ҳожат, ниқобингдин юзунгни айла боз...*

Каттақўрғон шоирлари ижодиётига кириб борар экансиз, Навоий мисраларига ҳамоҳанг мисралар, маънодош, ўхшаш байтлар, образлар, рамзлар фаровонлигидан улуғ сўз санъаткорининг ўзбек шоирларининг шаклланишида нақадар катта ўрин тутганлигига яна бир қарра имон келтирасиз. Масалан, Алишер Навоий ижодида “ит” рамз-образи билан боғлиқ ифодалар жуда сероб. Ит образи бир томондан содиқлик, вафодорлик тимсоли бўлса, иккинчи томондан, биров кўлига қарамликни ифодалайди. Навоий бир ғазалида гўзал ишқида ошиқлар ит мисол унинг даргоҳи остонасидан кетмасликларига, у эса ҳатто шундан ҳам бенасиб эканлигидан зорланади:

*Гарчи ул ой кўйи ичра итларининг сони йўқ,
Мендурурменким, эман кўйида итлар сониди...*

Мирий ҳам Навоий каби ёр даргоҳи итлари қаторидан жой излайди:

*Умедим сен, ўлай навмид, агар ағёрдин сўрсам,
Эшигинг итларин сониди кўй, бир ит ҳисоб айлаб.*

Видоийда ҳам ушбу кайфиятдаги сатрлар мавжуд:

*Мунча ҳам бўлғайму мен бахти сиёҳу номурод,
Токи кўйинда анинг итлар қатори бўлмадим.*

Бошқа бир ғазалида:

*Оҳким, ишқ ичра йўқ мен навъ бир ноътибор,
Чунки йўқ даргоҳида бир телба итча ҳурматим.*

Ёки, Навоий

*Итларингнинг изидин юз гул кўзум боғидадур
Шукр эрур бу ҳамки, ишқинг йўлида помолмен.*

дея маҳбуба унга илтифот қилаётганини кўрган бошқа ошиқлар шоирни турли балоларга гирифтор қилаётганини ва у бундан хурсандлигини изҳор этса, Видоий ҳам худди шу маънони сал ўзгача оҳангда куйлайди:

*Гар итим деб ёд қилса ҳар замони ул пари,
Эй кўнгул, эл ичра бас бу иззату давлат манго.*

Мирий ҳам шу образ воситасида ёрдан илтифот қилишни сўрайди:

*Мирий кўюнгни итлигин истар,
Сўргил аҳволин эҳтимом айлаб...*

Шунингдек, Навоий ғазалиётида кўзга тез-тез ташланиб турадиган ёрнинг бевафолиги мотивлари, хусусан, куйидаги

*Нўши жон ҳар бодаким аҳбоб ила нўш айладинг,
Гарчи ҳаргиз демадинг оворае бордур манго?!*

*Ваҳ, не ҳол эрдик, мажлис ичра лаълинг жомидин,
Элни хушҳол эттинг, аммо бизни беҳол айладинг.*

каби байтларда акс этган ошиқнинг аламли нидолари каттақўрғонлик шоирларда ҳам шундай жаранглайди:

Видоий:

*Ҳажридин ҳар кечалар нўш этгоним хундур манго,
Бу не толедур азалдин, ваҳ, бу не кундур манго?!*

*Эл чекар тун-кун висоли базмидан жоми тараб,
Жоми фурқат оҳи дардолуд афзундур манго?!...*

*Сархуш эттинг ўзгаларни базминга маҳрам қилиб,
Ким мени маҳрум этиб лутфу карам оз айладинг...*

*Барчани шод айлаб, эй маҳ, неъматинг васлинг била
Заҳри ҳажринг нўш этарга бизни мумтоз айладинг...*

*Шамъи васлинг бирла ҳар тун эл кўзини ёрутуб,
Ҳажр шомингда насибим, эй пари, ғам айладинг...*

*Ичсанг ар ғайр ила май, базми тараб бунёд этиб,
Йўқла ул мажлисда албатта мени ҳам ёд этиб.*

*Нўш этармен коса-коса захр ҳар дам рашкдин,
То май ичтинг ғайр ила ишрат уйин обод этиб...*

Мирий:

*Айладинг ишқим фузун, хуснунг намоён айлабон,
Қаддим эгдинг, кўй аро ортуқси жавлон айлабон.
Ўлдурурсен кунда юз мендекни, қурбон айлабон
Мен ҳазин хотирни ҳам Мажнуни даврон айлабон,
Борҳо ағёрлар базмин чароғон айлабон...*

*Ул шўҳки, ойини жафони адаб этмиш,
Ойини жафосини менга бесабаб этмиш.
Бебок рақибим била айшу тараб этмиш,
Мен ҳажрида, ул шум ила суҳбат ажаб этмиш,
Бетоб танимга не боло тобу таб этмиш...*

Шу қабилдаги таъсирланиш асосида Каттақўрғон шоирлари Навоийнинг “кўзгу”, “зулф”, “парвона”, “май”, “нур”, “шуъла” ва яна бир қанча образларига мурожаат этиб, гўзал ташбеҳларга бой навоиёна ғазаллар битганлар. Бундай мисоллар Шавқий, Ноқис, Аҳқар ижодида ҳам кўплаб учрайди. Уларнинг барчаси Каттақўрғон шоирларининг Навоийга мўътабар устоз, пир сифатида сиғинганликларини, ижодидан завқланиш, илҳомланиш натижасида ўхшаш сатрлар, образлар, тасмиллар яратганликларини тасдиқлайди.

УСТОЗГА ЭРГАШИБ...

Алишер Навоий ижоди беқиёс маҳорат мактабидир. Шоирлар ўз иқтидорларини синаб кўриш учун улуғ шоир ижодига пайравлик, тақлид қилишган. Бироқ Каттақўрғон шоирлари ижодини кузатиш шуни кўрсатмоқдаки, улар Алишер Навоий маҳоратидан сабоқ олар эканлар, у билан ижодий мусобақалашганлар, улуғ шоирнинг нозик санъатлар, гўзал ташбеҳлар воситасида яратган оний манзараларидан ҳайратга тушиб, олам-олам завқ олган ва илҳомланганлар. Бунинг натижаси ўларок, Алишер Навоийга эргашиб кўплаб ғазаллар битганлар, гўзал мухаммаслар боғлаганлар. Улуғ шоирлар ижодига эргашиш нафақат ўзбек шоирлари, балки умуман шеър аҳли учун қадимдан давом этиб келаётган бир анъана, маҳорат эгаллаш, олам гўзалликларини сўз қудратини мисраларга жо қилиш санъатини ўрганиш мактабидир. Алишер Навоийнинг ўзи Хисрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий ғазалларига эргашиб, кўплаб ғазаллар ёзган, уларнинг маҳоратларини ўзлаштирган. Бу ўринда Навоийнинг ўз эътирофини келтириш маъқулдир:

*Татаббуъ кардани Фонй дар ашъор,
На аз даъвию не аз худнамойист.
Чу арбоби сухан, соҳибдилонанд,
Муродаш аз дари дилҳо гадойист.*

(Мазмуни: Навоийнинг назирагўйлигидан мақсад ўзини кўрсатиш эмас, балки сухан арбоблари бисотидан бирор нарса олишдир (ўрганишдир)).

Татаббуъ - машхур шоирнинг ёқиб қолган шеърларига ёки адабий давраларда машхур бўлган бирор шеър намунасига эргашиб, унинг мазмун ва формасини, вазни, радифини сақлаган ҳолда шеър ёзиш услубидир. Татаббуъ-салаф мавзуси, ғоя ва образларини ижодий ўзлаштириш, тақлид эмас, балки илҳом манбаи, турли халқлар ва даврларнинг адабий усуллари, анъаналари, маънавий бойликларининг синтезидир.¹ Ғазал жанрида Татаббуъ ёзишда риоя қилинадиган қоидалар асосан, мазмун, композицион тузилиш, руҳият ва шаклий тузилмалар муштараклигидан иборат бўлади. Каттақўрғон шоирлари ижодида Навоийга Татаббуъ қилинган ғазаллар анчагина. Масалан, Мирий ва Видоий ғазалиётига назар ташласак. Мирийнинг шундай ғазали бор:

*Ул ойким зулфини ҳар торига юз хаста банд этмиш,
Кўёш юзлук санамлар вола айлаб мустаманд этмиш.*

*Бўлунг, эй аҳли дил, воқифким ул ҳусн аҳлининг шоҳи,
Кўзиким шўхроқдур, шўхлик расмин писанд этмиш.*

*Аёғинг тупроғини истарам, ўпмоқга захрам йўқ,
Бу гулшан ичра токим сарв қаддинг сарбаланд этмиш.*

*Не дей фаттон кўзингдин, бенасиб этти кўз уйқудин,
Не дей мижгон ўқунгдин қон ёшим баҳраманд этмиш,*

*Десам ўлдум, қулар, ўлтур десам, дер тонгла ўлдургум,
Вафосиз ваъдага афсона айлаб, ришханд этмиш.*

*Йиқилсам йўлига, солмас назар, солмас назардин ҳам,
Йироқроқдин ямон ҳолимга боқиб нўшханд этмиш.*

*Навосиз нола, афғонсиз фиғондин Мирий жон бергум,
Бу мунглуғ нотавон жоним ғами ҳижрон лаванд этмиш.²*

Бу ғазал Навоийнинг қуйидаги ғазали руҳида ёзилган:

*Парийзодеки, мушкин зулфи жоним мустаманд этмиш,
Малойик қушлари ул халқамўлар бирла банд этмиш,*

*Самандингим, ёлиндек тез эрур, юз шукрим, гардун
Анга бизни самандарваш, мунга гарди саманд этмиш.*

¹ Бу ҳақда қаранг: Шомухаммедов А. Традиция татаббуъ в творчестве А.Навоий. Тошкент, 1984.

² Мирий. Танланган асарлар, 72-бет.

*Чекарга ишқ оташгоҳига девона кўнглумни,
Қазо ҳар бир шарар торини бир ўтлуқ каманд этмиш.*

*Вафога телбаликдин нописанд ўлсам, они кўрким,
Жафога кимни менга ул парий пайкар писанд этмиш.*

*Майи равшан тут, эй соқий, ки кўнглум тийра қилмиш шайх
Даму афсун била баским анга изҳора панд этмиш.*

*Лабингда нўшу заҳри ҳажр оғзимда, тонг эрмас гар
Менга ҳар заҳарханд ўлганда ул бир нўшханд этмиш.*

*Лаби лаълин малоҳат холи бирла баҳравар қилган,
Менинг жонимни дағи ишқ бирла баҳраманд этмиш.*

*Биравким, сарвдек озодаваш бўлди бу боғ ичра,
Қазо дехқони ҳам сарсабз ани, ҳам сарбаланд этмиш.*

*Навоий кеч висол умидидинким, Хақ, сени беҳад
Залилу зору ёрингни азизу аржуманд этмиш.¹*

Ҳар иккала ғазал бир мавзу-ишқ ҳақида ёзилган. Мирий Навоий ғазалининг вазни, радифи ва матлаъ маъносини ўзлаштирган ҳолда, ажойиб эҳтирослар билан зийнатланган оригинал ғазал яратган. Навоий ғазалидаги кўпчилик қофиялар ҳам Мирий ғоясини ифодалашда айнан келтирилган. Навоий таъсири, айниқса, Мирий ғазалининг учинчи ва олтинчи байтларида янада кучлироқ намоён бўлган. Чунончи, Навоий “бу боғда ёр сарвдек озодаваш бўлгани учун қазо дехқони уни сарсабз ва баланд қоматли этди” деса, Мирий “бу гулшанда сенинг сарвдек қоматинг баланд бўлгани учун ўпишга бўйим етмайди, лоақал оёғининг тупроғи насиб қилса ҳам майли” деб, Навоий бир байтида “сенинг лабингда ширинлигу менинг оғзимда ҳажр заҳри, мен азобимни билдирмасликка ҳаракат қилсам-да, сен эса бундан воқиф, менинг устимдан куласан” деса, Мирий “унинг йўлига йиқилсам, назар ҳам солмайди. Ҳатто йироқдан менинг забун ҳолимга қараб жилмаяди” тарзида Навоий мисраларини ўзгача оҳанг билан шеърга туширади. Умуман Каттақўрғон шоирларининг барчаси Навоийга эргашишга ҳаракат қилганлар. Масалан, Вола Навоийнинг

*Оразин ёпқоч кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо булур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш.*

байти таъсирида

*Ёшурмуш оразин ул ой ниқоби мушки фом ичра,
Ниҳон бўлғон каби кўздан қуёш рухсори шом ичра.*

матлаъли ғазалини яратади. Шунингдек, Навоийнинг “Ё раб, ул соатки тушкай ҳажр жисму жон аро, Солгунг ойини фироқ ул ганжу бу вайрон аро” матлаъли ғазали услубида ҳам Вола

¹ Навоий А. Фавоид ул-кибар. МАТ, олтинчи жилд, Тошкент, 1988, 181-182-бетлар.

*Бўлгали пайдо ул ой меҳри таваҳҳум жон аро,
Ою кундек йўқ қарорим арсаи даврон аро.*

матлаъли ғазалини яратган. Каттақўрғон шоирлари ичида, айниқса, Навоийнинг

*Эй, шарбати лаълинг оби ҳайвондин алаз,
Ҳайвон суйини қўйки, чучук жондин алаз,
Не жондин алаз, не оби ҳайвондин алаз
Ким, ҳарнеки йўқ андин алаз, андин алаз.¹*

рубойиси жуда машҳур бўлган. Маълумки, Жомийнинг ҳам “Ҳеч нуқлам ба даҳан чун даҳанат нест лазиз, Мевае пеши лабам чун зақанат нест лазиз” матлаъи билан бошланувчи ғазали ҳам мавжуд. Балки, Навоий ва Жомий ижодий ҳамкорлигининг маҳсули сифатида дунёга келгандир бу икки шеър? Бу бизнинг мавзуга дахлдор бўлмаса ҳам, ишонч билан айтамикки, Каттақўрғон шоирлари томонидан “лазиз” ёинки Навоий қўллаганидек, “алаз”, яъни лазизроқ сифатидан фойдаланиб ёзилган ғазал ва рубойилар ҳам шубҳасиз, Навоий ва Жомий ижодий таъсирининг инъикосидир. Видоий “лазиз” радифи орқали иккита рубойи ёзган. Бири:

*Эй шаҳди лабинг шарбати кавсардин лазиз
Мазмуни каломинг доғи шаккардин лазиз.
То айлади баҳс ангубин лаълинг ила
Сўруб лабини кўрдум, эрур ондин лазиз. (156⁶)*

Иккинчиси:

*Эй моҳ, лабинг майиму ё бода лазиз?
Деди: Йўқ эрур ул навъ дунёда лазиз.
Гар бўлмаса боваринг, тотиб кўр икисин,
Билгунг ани қойсисидур, эй сода, лазиз. (156⁴)*

Мирийнинг қуйидаги ғазалида эса Навоий ва Жомий руҳи муштаракан сезилиб туради:

*Ёр лаълини нечук дей, оби ҳайвондин лазиз,
Оби ҳайвон не деган сўз, шарбати жондин лазиз.*

*Сўз ҳамул лабда Масиҳ анфосидин бергай навид,
Кулгу ул оғизда ҳар ширинки бор, ондин лазиз.*

*Лутфдин мастона-мастона келур кулбам сари
Хизматида жон нисори бордур иймондин лазиз.*

*Ўқи жон ичра алиф ҳам ёсидур нуни равон,
Роҳати жондек эрур ҳар захми, жонондин лазиз.*

*Ваъда қилдинг: ўп аёғим - ўқ бўл они садқаси
Тур вафо шартида, йўқтур ушбу паймондин лазиз.*

¹ Навоий А. Ғаройиб ус-сиғар, 560-бет.

*Ҳар нечаким вағдаси ялғон, фараҳ ортар менга,
Шеъри мавзундекки бўлғай лафзи ялғондин лазиз.*

*Жом завқи, Каллиқўрғон хиттасин қозилиги
Жоми шукр оғзида Мирий Каттақўрғондин лазиз.¹*

Навоийнинг форсий девонида салафларга эргашиш масаласи икки хил тарзда белгиланади: Татаббуъ ва “дар тавр” (тарзида). Агар татаббуъ учун махсус бирор ғазал танлаб олинадиган бўлса, - деб ёзади ушбу соҳада махсус тадқиқот олиб борган шарқшунос олим А.Шомуҳамедов, “тавр” да (тарзида) бу муҳим эмас.² “Дар тавр” услубида шоир ўзига ёққан ғазалларнинг умумий тематикасидан, қофия, тузилишидан илҳомланиб, ўша шоирнинг ғазали услубида, ўша ғазал оҳангида оригинал ғазал яратади. Кўпинча “дар таври” (тарзида) услубида ёзилган ғазаллар умумлашма характерга эга бўлганлиги, вазн қатъийлигига эътибор қилинмаслиги учун уларнинг кимнинг услубида ёзилаётганлигини аниқлаш мушкул. Фонийнинг Жомий ғазаллари услубида ёзилган ғазалларини текширар экан, А.Шомуҳамедов шундай хулосага келади: “Татаббуъ усулида яратилган ғазал, маълум бир ғазалга йўналтирилган, унга издошлик қилинган бўлса “дар таври” усулида яратилган ғазал умуман Жомий услубида ёзилган бўлиб, унинг аниқ бир прототипи бўлмаслиги ҳам мумкин.....”³

Демак, салафнинг оҳанги ҳам унга ижодда эргашган шоир учун илҳом турткиси бўлар экан. Жумладан, Мирий ёзади:

*Ғами фурқатинг била зормен, бу ситамким, эй санам айладинг
Бу савол қатъида мунисим йўқ эди, ажаб карам айладинг.*

*Карам айладинг-ситам айладинг, менга яхши ўзгани лутфидин,
Менга яхши ўзгани лутфиди карам айладинг-ситам айладинг.*

*Не ажабки, бору йўқин сенга агар этса хаста кўнгул фидо-
Ки малоҳат авжини шаҳисен, жиға жилвасин алам айладинг.*

*Неча жоҳу ҳашмату тумтуроқ очибон жаҳонга қарову оқ-
Ки, сипеҳр хаймасидек равоқ, анга вола жоми Жам айладинг.*

*Ярашур жамолинга эҳтишом, неча зебу зийнату эҳтиром.
Чу жамолинг истаб абул-башар, бу ҳашамда муҳташам айладинг.*

*Не аён хирадга бидоятинг, не хирадга кунҳи ниҳоятинг,
Тушуб анга айни иноятинг, бу ҳарамда муҳтарам айладинг.*

*Караминг ўқини нишонаси тилагач вужуда баҳонаси
Чу шухудиинг очти коронаси, нами қатрасини ям айладинг.*

¹ Мирий. Танланган асарлар, 62-бет

² Шомуҳамедов А. Ҳамкорлик самаралари. Тошкент, Фан 1982, 81-бет.

³ Ўша асар, 33-бет.

*Қаро туфроғимга қилиб карам, чаман айладинг қаро туфроғин,
Қарамай бу тийра ғуборимаки, назокати эрам айладинг.*

*На ямон, на яхшилигимда бор менга қадру қуту иқтидор.
Бу ажаб, қўюб менга ихтиёр, неча ғамда муттаҳам айладинг.*

*Карам-одатинг, неча зулмхўсену хоҳиинг худ эмас ситам,
Караминг дурурки нафас-нафас, ситамингни дам-бадам айладинг.*

*Қани Вола, қани амири назмки, нисор айлаю мулкини,
Бу сифот Навоийни лутфидин деса Мирий, хуш рақам айладинг.*

Аввало, айтиш жоизки, ушбу ғазал классик шеърятдаги номатбуъ, яъни кам тарқалган, энг оғир вазнлардан бири бўлган комили мусаммани солим вазнида ёзилган бўлиб, (мутафоилун, мутафоилун, мутафоилун, мутафоилун), бу вазндаги ғазаллар (уларнинг сони кўп эмас) Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” девонида учрайди. Шулардан бири “Айладинг” радифи билан машхур бўлиб, Мирийнинг мазкур ғазали айнан шу ғазал тарзида ёзилган ва унинг матлаъси будир:

*Не хаёл эди янаким, кўнгул қуши сайдини ҳавас айладинг,
Баданимга ҳар саридин хаданг отибон анга қафас айладинг.*

Ҳар иккала ғазалнинг ғоявий мазмуни сўфиёна бўлиб, илоҳий маҳбубга мурожаат шаклида ёзилган. Мирий Навоий ғазалидаги вазн, ғоя, радиф, шаклни ўзлаштирар экан, янги, оригинал ғазал яратади. Мирий Навоий ғазалидаги қофияларни умуман ишлатмайди. Унинг ғазалида қофиялар: “санам, карам, алам, жам, мухташам, мухтарам, ям, эрам, муттаҳам, дам-бадам, рақам” шаклида келса, Навоийда “ҳавас, қафас, хас, нафас, бас, чорарас, жарас, мултамас, марас, ҳавас” шаклларида ишлатилган. Мирийнинг ғазали бадий санъатларнинг фаровонлиги билан ажралиб туради.

Бизнингча, Мирий бу ғазалида Навоийнинг унга устозлик ролини атайин кўрсатиш учун шарқ поэтик санъатларига мурожаат этадики, бунинг сабабини мақтаъда “Мирийнинг хуш рақамлик сифати Навоий лутфидин” эканлигини қайд этиш билан изоҳлайди. Бу факт Мирийнинг Навоий ижоди сирларини чуқур ўрганганлигида яна бир далилдир. Мирийда яна шунақа ғазаллар учрайдики, уларнинг умумий руҳи, асосий оҳанг ва мазмун ёки ғоядаги тутуш чизиқлари Навоийдан таъсирланиш замирида вужудга келганлигига шубҳа уйғотмайди. Масалан, “Зор кўнглум истагандек ёру ҳамдам йўқ менга, Рози дилни айғали бир яхши маҳрам йўқ менга” ёки “Ул ой ишқида, ёраб, жони маҳзунимни бемор эт, Гирифтор айладинг, ҳар неча афзунроқ гирифтор эт”, ёки “Кулги лабингда, ул гул минг ноз бирла ўйнар, Анжоминозанинлиғ оғоз бирла ўйнар”, “Қадингдур сарвосо, оразингдур дастаи гулдек, Не дерман, Аллоҳ, Аллоҳ, иккиси иккисига қулдек”, “Васлидин ком истабон, ваҳ, ўзни ноком айладим, Кундуз айлаб кеча, умрум субҳини шом айладим” ёки “Не тонг, гар озғурур ул сарв қадду гандумгун, Фироқ даштиға одамни солди гандум учун”, “Қаро кўзим, келу кўз мардумида айла ватан, Кўзумни мардумисен, мардумак сенга маскан” матлаълари билан бошланувчи ғазаллар, бир томонидан, ўзининг оригиналлиги билан, иккинчи томонидан, Навоий маҳоратидан ранг олганлиги билан киши диққатини жалб қилади. Мирийнинг қуйидаги ғазали Навоий руҳининг Каттақўрғон шоирларига ҳамиша мададкор бўлиб келганлигига шохид:

*Шавқим ортар, ҳар неча зулм ул ситамкор айлагач,
Меҳри афзунроқ бўлур афзун жафо ёр айлагач.*

*Новаки юз ранг гул бағримга очгай ногаҳон,
Фута гулгун, масту беҳуд азми гулзор айлагач.*

*Хошалиллоҳ, рашк ўти жонимга салгай доғлар,
Жилвасидин гулшан ул гул базми ағёр айлагач.*

*Эй бараҳман, куфр тошинг бўлса, бут бошига ур,
Риндлардиндур санам, таклифи зуннор айлагач.*

*Қадди мавзунигаким, ҳамвазн этар шамшодни,
Расми савдодурки, қадр истаб харидор айлагач.*

*Хол эмас, кавсар қирғоғида Билол этмиш ватан,
Қоши меҳробини қудрат килки паргор айлагач.*

*Файз жомидин насибим берди Жомий мавлавий
Ким Навоий руҳидин Мирий мададгор айлагач.*

Бу ғазал, агар эътибор берган бўлсангиз, ўзининг оҳанги, мусиқавийлиги билан Навоийнинг “Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач, Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач” матлаъли ғазалини эслатмоқда. Ҳа, бу ғазал ҳам Навоий услубида ёзилган назиранинг биридир. Маълумки, Навоий ўз ижодиётида салафларга эргашиб ёзган татаббуъларини ўзининг форсий девонида жамлаган ва ҳар бир ғазал кимнинг ижодидан илҳомланиш туфайли туғилганлигини, масалан, “Жомий ғазалига татаббуъ” тарзида сарлавҳа қўйиш орқали бериб ўтган. Каттақўрғон шоирлари девонларида бундай аниқлик йўқлиги сабабли уларнинг ижодида Навоийдан бошқа қайси салафларнинг таъсири бўлганлиги ҳақида системали тарзда фикр юритиш алоҳида тадқиқот мавзуси деб ҳисоблаймиз. Ушбу рисола Навоий таъсирини ўрганишга бағишланганлиги учун фақат Навоийга эргашиб ёзилган ғазаллар ҳақида сўз юритамиз. Бу жабҳада Авазмуҳаммад Видоий Каттақўрғоний сермаҳсуллиги билан ўз ватандошларидан кескин ажралиб туради. Масалан, унинг қуйидаги ғазали Навоий ғазалига татаббуъ усулида ёзилган:

*Қад эгилди, дилраболар меҳри боқийдур ҳануз,
Кўнглума ул қошу кўзлар иштиёқидур ҳануз.*

*Ким мусоҳиблар ҳама айшу тараб тарк эттилар,
Мен заифи хастага ишрат мазоқидур ҳануз.*

*Чекти мақсад маҳмалин роҳи бақога аҳли хуш,
Бийми марг этмай кўнгил, хўблар сўроғидур ҳануз.*

*Фикри уқбо кўнглум уйига нечук қилгай нузул
Маҳвашлар маскани кўзум равоқидур ҳануз.*

*Етти бир-бир барча мақсуд сарҳадина жаҳд этиб,
Оҳким, бу телбага ул ой фироқидур ҳануз.*

*Кести тақво тиғидин барча залолат риштасин,
Фисқ ила бўйнумга гумраҳлик дузохийдур ҳануз.*

*Эй Видоий, дину тоатни нечук маҳкам тутай,
Кўнглума завқи парилар иштиёқидур ҳануз.*

Навоийники:

*Ўзга бўлди ёру меҳри менда боқийдур ҳануз,
Нотавон кўнглумда ул ой иштиёқидур ҳануз.*

*Гарчи ўзга ёр истар хотирим, бордур валек
Жон анга манзил, кўнгул онинг висоқидур ҳануз.*

*Ғайр ишқи кўнгул ўйинда, нечук қилгай нузул
Ким хаёли маскани кўзум равоқидур ҳануз.*

*Ишқ ила май таркин, эй носих, не навъ айлай қабул
Ким, кўнгулга орзу ул турфа соқийдур ҳануз.*

*Фурқат ўти доғи доғ ўртамакдур демаким,
Ўртаган жоним ул ой доғи фироқидур ҳануз.*

*Чарх ёлғиз қилмади Фарҳод қонин лолазор,
Лола қонин тўккучи анинг нифоқидур ҳануз.*

*Эй Навоий, гарчи мени меҳрсиз дер эрди ёр,
Ўзга бўлди ёру меҳри менда боқийдур ҳануз.¹*

Ҳар иккала ғазал ишқий-лирик мавзуга бағишланган. Тўғри, Видоийдаги “дину тоатни нечук маҳкам тутай кўнглума завқи парилар иштиёқи”, Навоийнинг “жон анга манзил” каби бадий сўз бирикмаларидан тасаввуф ғояларини изласа бўлар, бироқ ҳар иккала ғазалнинг умумий руҳияти реал маҳбуба таърифланаётганлигини билдириб турибди. Шу умумийлик фонидан Навоий ёр ундан бегона бўлганлиги ҳақида афсусланиб гапирса, Видоий қад эгилиб, қариллик мадорсизлиги даврида ҳам қалби ишқни тарк этмаслигини эътироф этади. Умумий натижа бир: ҳар икки муаллиф ёрдан ажралган. Навоийда бир ёр кўзда тутилса, Видоийда умуман гўзаллар-ёшлик, навқиронлик тимсоллари нашъасини хумор этиш кайфияти изҳор этилган. Ҳар иккала ғазал етти байтдан иборат, вазн ва радиф-умумий. Видоий Навоий ғазалининг саккиз қофиясидан бештасини сақлаб қолган. Навоий ғазал матлаъсининг биринчи мисрасини тўлиқ ҳолда мақтаънинг иккинчи мисрасида такрорлаган бўлса, Видоий оригиналлик нуқтайи назаридан матлаъ қофиясини такроран келтириш билан кифояланади. Видоий радиф, қофияларни сақлаган ҳолда ғазал оригиналлигини

¹ Навоий А. Ғароий ус-сиғар: МАТ. Учинчи жилд, 176-бет

таъминловчи “қад эгилди” очқичини сингдириш орқали Навоий матлаъсига эгизак матлаъ яратади. Худди шунингдек, Видоийнинг тўртинчи байти Навоийнинг учинчи байти билан ўхшаш. Ўхшашлиги шундаки, Видоий мисрага грамматик таҳлил жиҳатидан қаралса, гаптаги эгадан бошқа сўз бирикмаларини тўлалигича ўзлаштирган. Бадиият жиҳатидан эса Навоий қўллаган поэтик санъат-ташбеҳли воситадан фойдаланган дейиш мумкин. Навоийнинг “ўзганинг ишқи қандай қилиб кўнглум уйига киради” мисраси Видоий талқинида “охират фикри қандай қилиб кўнглум уйига кирсин” деган маъно касб этади. Бундай ҳоллар Татаббуъ усулига хос бўлган усуллар ҳисобланиб, Навоийнинг Жомий, Хожа Хисрав ғазалларига ёзган татаббуъларида ҳам учрайди. Ғазалнинг умумий руҳиятида Навоийдан таъсирланиш ниҳоятда сезилиб туради. Аммо Видоий “қарилик айёми” фонидан ўз кечинмаларини ифодалайдики, бу уни Навоийдан фарқлаб туради. Жумладан, “барча мусоҳиблар қарилик туфайли айшу тарабни тарк этдилар, аҳли хуш роҳи бақога йўл олди, менинг кўнглим эса ўлим тадорикини кўриш ўрнига хўблар сўроғида юрибди” деб ўзига хос изтиробларни тасвирлайди. Видоий татаббуъларидан яна бири қуйидагича:

*Нозанинеким, ўлубмен ҳуснига ҳайрон анга,
Эл манго ҳайрон бўлуб мен токи саргардон анга.*

*Не ажаб гар бўлса ошиқ олам аҳли жон ила,
Ҳусн шоҳи айлабон то берди хақ даврон анга.*

*Деманг ўқини қизилдин ранг этибдур ул пари,
Новаки жисмимдан ўтмишда юқубдур қон анга.*

*Сабзу хуррам бўлса хатти лаб уза боис будур,
Сув берур тун-кун оғиздин чашмаи ҳайвон анга.*

*Тутгон учун кўзу қабоғ ичра гулдон андалиб,
Ғунчалар айлаб табассум, гул эрур хандон анга.*

*Қилмаса ҳар ким, фидо жон етмамиш жононага
Ким бу мазмундин кўнгул бўлсин фидо юз жон анга.*

*Эй Видоий, ҳажр аро қатъ эт висолидин умид,
Ҳеч тадбир ила етмоқ йўқ эрур имкон анга. (20⁶)*

Бу ғазал Навоийнинг ушбу ғазалига ҳамоҳангдур:

*Ул паривашким бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқидин олам менга ҳайрону мен ҳайрон анга.*

*Ўқларингдин дамбадам таскин топар кўнглум ўти,
Бордурур бир қатра су гўёки ҳар пайкон анга.*

*Бир диловардур кўнгулким, ғам сипоҳи қалбида
Оҳи новак тоза доғидур қизил қалқон анга.*

*Новакининг парру пайконида рангин тус эрур,
Ёки кўнглумдин чу паррон ўтти, юқмиш қон анга,*

*Номаи шавқум не навъ ул ойга еткай, чунки мен,
Эл отин ўқур ҳасаддин ёзмадим унвон анга.*

*Хизри хаттингнинг ажаб йўқ сабзу хуррам бўлмоғи,
Лаббалаб чунким берур су чашмаи ҳайвон анга.*

*Эй хушо, муғ кўйиким, рифъат бирла зийнатда бор,
Меҳр анга бир шамсаву кўк тоқидур айвон анга.*

*Истамиш булбул вафо гулдин, магарким жоладин
Бағри қотмиш ғунчанинг баским эрур хандон анга.*

*Қилмамиш жонин фидо жононга етмас, дер эмиш
Эй, Навоий, ушбу сўз бирла фидо юз жон анга.¹*

Видоийнинг ғазали 7 байт, Навоийники эса тўққиз байт. Навоий қофиялари саргардон, ҳайрон, пайкон, қалқон, қон, унвон, ҳайвон, айвон, хандон, жон. Жами – 10 та. Видоий қофиялари ҳайрон, саргардон, даврон, қон, ҳайвон, хандон, жон, имкон. Жами – 8 та. Ҳар иккала ғазал вазни бир хил: рамали мусаммани маҳзуф. Қофияларнинг кўпчилиги ўхшаш (10:6). Видоий ғазалининг матлаъси Навоий ғазалининг матлаъси билан деярли бир хил. Шунингдек, Навоийнинг мақтаъси, аслида у тамсил бўлса ҳам, сал ўзгартирилган формада тўлалигича Видоийнинг олтинчи байтини ташкил этади. Қолган байтлар муқояса қилинганда ҳам ўхшашлик томони катта:

Навоий:

*Новакининг парру пайконида рангин тус эрур,
Ёки кўнглумдин чу паррон ўтти, юқмиш қон анга.*

Видоий:

*Деманг ўқини қизилдин ранг этибдур ул пари,
Новаки жисмимдин ўтмишда юқубдур қон анга.*

Навоий:

*Хизри хаттингнинг ажаб йўқ сабзу хуррам бўлмоғи
Лаббалаб чунким берур су, чашмаи ҳайвон анга.*

Видоий:

*Сабзу хуррам бўлса хатти лаб уза боис будир,
Сув берур тун-кун оғиздин чашмаи ҳайвон анга.*

¹ Ўша асар, 31-32-бетлар.

Навоий:

*Истамиш булбул вафо гулдин, магарким жоладин,
Бағри қотмиш гунчанинг, баским эрур хандон анга.*

Видоий:

*Тутғон учун кўзу қабоғ ичра гулдон андалиб,
Ғунчалар айлаб табассум, гул эрур хандон анга.*

Навоий:

*Қилмамиш жонин фидо жононга етмас дер эмиш,
Эй Навоий, ушбу сўз бирла фидо юз жон анга.*

Видоий:

*Қилмаса ҳар ким фидо жон, етмамиш жононага,
Ким бу мазмундин кўнгул бўлсин фидо юз жон анга.*

Кўриниб турибдики, бу ғазал Навоий ғазалига татаббуъдир. Видоийнинг яна бир татаббуъси қўйидагича:

*Сўрғали ҳолим келур деб бўла-бўла интизор,
Бир кўзимга хол тушди, бир кўзум тутти ғубор.*

*Дерсен, эй носих мангоким тарки ҳусни ёр қил,
Волаю мажнун ишқ ўлғонга борму ихтиёр.*

*Йўқ эди армонки, суртсам маркаби наълиға юз,
Чун бошимни поймол айларда ул чобуксувор.*

*Очти тердин гул уза гул бўстони орази,
Ҳеч вақте қилмади мундай чаман хуррам баҳор.*

*Мустаҳиқларни ғани қилди каломи баҳридин
То сочиб лафзи ҳуши ҳар лаҳза дурри шоҳвор.*

*Соқиё, май сўн паёнайким, ғанимат суҳбатинг,
Жонфизо базмингдин ўзга йўқ кўнгилга эътибор.*

*Эй Видоий, бил мушаххас ул бараҳманзоданинг
Қатлинга ҳар кирпиги бир наштаредур обдор.*

Ушбу ғазал Навоийнинг:

*Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулғузур,
Гоҳо кўзумга хол тушубтур, гоҳе ғубор.*

*Юзунгда хол сафҳада томган киби қаро,
Холинг малоҳати туз эрурким қарода бор.*

*Жонимни ўртаган юзу ҳолингни билмасанг,
Ўт шуъласида айла гумон бир учук шарор.*

*Билмон, кўнгулда холларингнинг хаёлидур,
Ё кирпигинг тиканларин айлабсан устувор?*

*Ҳар дам кўнгул ҳалоқу қўзум тийра бўлмоғин
Билгай бировки, ёри эрур шўху холдор.*

*Машшотаи қазо безамиш холу хаттини
Беихтиёрликда манга борму ихтиёр?*

*Мискин Навоий холи лабинг қўрса жон берур
Боқсанг не бўлди сурати ҳолига, эй нигор?¹*

ғазалига назирадир. Ҳар иккала ғазал байтлари сони еттитадан. Видоий қофиялари: интизор, ғубор, ихтиёр, чобуксувор, баҳор, шоҳвор, эътибор, обдор-8 та, Навоий ғазали қофиялари; гулзор, ғубор, бор, шарор, устивор, холдор, ихтиёр, нигор-8 та. Вазн-умумий: рамали мусамманн маҳзуф. Видоий ғазали оригиналлиги билан ажралиб туради, бироқ Навоий танлаган мавзу Видоийда ҳам “ёрнинг келишига интизорлик” мотивига бағишланган. Ғазалнинг баъзи жойларида Навоий таъсири сезилади. Масалан, Видоийнинг “Дерсан, эй носих, мангоким тарки хусни ёр қил, Волаю Мажнуни ишқ ўлғонга борму ихтиёр” байти Навоийнинг баъзи ғазалларида учрайдиган “Ишқ ила май таркин, эй носих, не навъ айлай” мисрасига, “Носихо, гар панд эшитмон биласен, маъзурмен, Мен киби девона бўлсанг, бир парий рухсорга” каби мисраларига ҳамоҳангдир.

Умуман Видоий ижодида бундай намуналарни анча топса бўлади. Масалан:

*Гарчи ҳар ошиқни бир шўхи қамарсиймоси бор,
Лек мендек кимни майгунлаб, кўзи шаҳлоси бор?*

матлаъли ғазали Навоийнинг

*Ҳар гадоеким, жаҳонда бир мувофиқ ёри бор,
Хизр умрию Скандар ҳашматидин ори бор.*

матлаъли ғазали услубида, яна

*Не чаман сайри, на гулшандин эрур ком манго,
Бўлгали ҳамдамим ул шўхи дилоромим манго,-*

деб бошланувчи ғазали Навоийнинг

*Не май хуштур манго, не гул керакликтур, не гулзоре,
Керак майдин гул очқон ёрнинг гулзори рухсоре.*

¹ Навоий А. Ўша асар, 151-152-бетлар.

матлаъли ғазали услубида ёзилган. Яна:

Видойй:

*Ҳажр айёми чекиб фарёду афғон йиғладим,
Қилмади раҳм ул Ой ҳар нечаким қон йиғладим (92^б)*

Навоий:

*Кеча ул маҳвашни ёд айлаб фаровон йиғладим,
Меҳрим ошти субҳдек ҳар нечаким қон йиғладим.*

Шунингдек, Видоййнинг матлаълари “Сабодин токи рухсорида зулфи мушки ноб ўйнар”, “Рози дилим айғудек оқили фарзона йўқ, Ички сирримни маҳрами, ҳамдаму ҳамхона йўқ”, “Кимдадур бу зеб, бу хуснеки жононимдадур, йўқдир ошиқларда ҳам меҳрики бу жонимдадур” матлаъли қатор ғазаллари Навоий услуби ва оҳангида яратилгандир.

Каттақўрғонлик шоирлар маҳоратини аниқлашда Татаббуъ ва тавр каби назирагўйлик принципларини чуқур таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга.

МУШОАРА

Мушоара (мушоира) истилоҳи остида шоирларнинг ўзаро шеър айтишуви назарда тутилади. Сарой адабиётида мушоараларнинг турли кўринишлари учраганлиги мушоҳада қилинган. Мушоара ўз табиатига кўра, кўпинча, шоирлар ўртасидаги қобилият, маҳорат, санъаткорона ҳозиржавоблик даражасини белгиловчи мезон ролини ўйнаган. Дарҳақиқат, мушоарада халқнинг эътирофини қозониш шоирдан кучли билим ва қувваи ҳофиза сохиби бўлишни тақозо этган. Шу маънода мушоара ижоднинг Татаббуъ ёки “дар таври” / услубида/ усулларига яқин туради. Унга назирагўйликнинг таркибий қисмларидан бири сифатида қараш хато бўлмайди, зеро, мушоара мафҳуми кенг қамровли тушунчадир. Шоир нафақат ўз замондоши билан балки ўзидан олдин ўтган бирор шоирнинг ғазалига назира ёзиш орқали у билан мушоарага киришиши мумкин. Мушоара майдонига чиқарилган ғазалнинг салаф ғазалига эргашиш жиҳатлари Татаббуъ билан деярли бир хил кўринса-да, унинг баъзи бир фарқли томонлари мавжуд. Татаббуъдан мақсад салаф ғазали, вазни, қофиялари, радифи, умуман, ғазал шакл-андозаси сақланган ҳолда салаф мавзусида оригинал ғазал яратиш бўлса, мушоарада вазн ва радиф сақланган ҳолда қофиялар бир хил бўлиши аҳамиятга эга эмас. Асосий талаб-салаф мавзуси давом эттирилиши шарт. Мисол сифатида Навоий ва Видойй Каттақўрғоний ғазалларини келтирамыз:

Навоий:

*Лолагун бўлмиш сурарда қатлима дилдор тийғ,
Ё бало тоғидан этмиш лолазор изҳор тийғ.*

*Гул тани юз чок ўлуб, буким бўялмиш қон аро,
Тегди ғамзанг хайлидин гўё анга бисёр тийғ.*

*Тийғ тортиб еткач – ўқ қилдим фидоси жонниким,
Бўлмағай озурда қотил, кўрмағай озор тийғ.*

*Жисм пайконинг била тўлдию жондур ғамдаким,
Айласанг қатлимга рағбат бўлмагай ноқор тийғ.*

*Ишқ дашти сабзасидин лола ҳар ён сочилур,
Яғни ул саҳро гиёҳи бор эмиши хунбор тийғ.*

*Олам аҳли қатлини бир дамда қилсанг орзу,
Юздин ол бурқағни, қиндин чекмагил зинҳор тийғ.*

*Назм мулкин тил чекиб олмиш Навоий ўйлаким,
Чекса оламни олур шоҳи фалак миқдор тийғ.¹*

Видоий:

*Қасди қатлим токи қилдинг, чекмагил, эй ёр, тийғ,
Бурқағ олиб юздин, ўлдур, бўлмасун хунбор тийғ.*

*Йўқдур эй жон, ўлмагимдин зарра жон ваҳми манго,
Кўрқарам то устухондин бўлмагай ноқор тийғ.*

*Чун танимни чок-чок айларда қилгил ихтироз,
Жисм аро пайконларингдин топмасун озор тийғ.*

*Ўлдурурда ишқ аҳлини сочрагон қони ила
Дашту саҳроларни қилди ҳар сори гулзор тийғ.*

*Бўлмасайди ташна гар ушшоқларни қонига,
Нега ҳар кун қатл этиб, қонин ичар хунҳор тийғ?*

*Гўйи чавгондек бошимни ўйнатур эл ҳар сари.
То узуб бошимни, тандин олди ул маккор тийғ.*

*Эй Видоий, шукр қил, жон бирла миннатдор ўлуб
Олмайин жонингни то кўрсатмади дийдор тийғ. (63^a)*

Ҳар иккала ғазал ишқ мавзусида ёзилган. Навоий ғазали “рамали мусаммани мақсур” вазнида ёзилган бўлиб, Видоий Навоий вазнини сақлаган. Қофиялар Навоийда: дилдор, изҳор, бисёр, озор, ноқор, хунбор, зинҳор, миқдор. Жами-8 та. Видоийда: эй ёр, хунбор, ноқор, озор, гулзор, хунҳор, маккор, дийдор. Жами-8 та. Ўхшаш қофиялар-3 та. Байтлар сони ҳар иккала ғазалда 7 тадан. Лирик қахрамон – ошиқ. Радиф – умумий. Кўриниб турибдики, умумийлик жуда кучли, фақатгина қофиялар сонига ўзгариш катта. Навоий ғазалида тасвир ниҳоят кучли бўлиб, унда ошиқнинг фироқ, хижрон азобларини татиш, ёр ишқида чекаётган дарду аламлари чиройли поэтик иборалар воситасида намоёиш этилади. Видоийда Навоий ғазалидаги ошиқ ҳолатлари, изтироблари янада бўрттирилиб,

¹ Навоий А. Ғаройиб ус-сиғар, МАТ. 3-жилд, тошкент, 1988, 247-бет.

ошиқ фиғони кульминацияга олиб чиқилади. Бошқача қилиб айтганда, Навоий ғазалида ёрнинг ошиқни турли азоблар билан тиглаши даври гавдалантирилса, Видоийда эса ёр келиб ошиқни қатл этиш асноси, яъни Навоий ғазалида бошланган мавзу давом эттирилиб, тугатилади. Бу икки ғазал мавзусининг туташ чизиғи Видоийнинг Навоий ғазалидаги яқунловчи олтинчи байтда кўтарилган ғояни ўзига матлаъ қилиб олганлигида намоён бўлади:

Навоий байти:

*Олам аҳли қатлини бир дамда қилсанг орзу,
Юздин ол бурқаъни, қиндин чекмагил зинҳор тийғ.*

Видоий ғазали матлаъси:

*Қасди қатлим токи қилдинг, чекмагил эй ёр, тийғ,
Бурқаъ олиб юздин, ўлдур, бўлмасун хунбор тийғ.*

Навоий байти шарҳи: Ошиқ учун ишқ азобидан кучлироқ тиг йўқ. У ёр юзини кўриш, унинг рухсорини томоша қилиш ниятида ўзини ўтга ҳам, чўғга ҳам уради. Бироқ ниятига ета олмайди. Оқибатда, ошиқ, ранг-рўйи заъфарон бўлиб, ёр васлидин бошқа нарсани ўйламай кўяди, дунё ташвишларини унутиб, девона мисол кўчама-кўча юриб, оҳлар тортади, фиғонлар чекади. Ниҳоят, ёрни топгач, унинг рухсоридан баҳраманд бўлгач, чеккан азоб-уқубатлари, кўрган юз минг балолари ўз ишини қилиб, ёр остонасида ошиқ жон берса, не тонг! Шоир айтмоқчи, ошиқни бундай қатл этишдан кўра, агар ҳаммани ўзингга мафтун этиб, ишқинг йўлида жон беришларини орзу қилсанг, юзингдан пардангни кўтар, сенинг жамолингни кўрган заҳотиёқ бутун олам аҳли ўз жонларидан воз кечадилар!

Агар ғазалларга тасаввуф ғоялари жиҳатидан назар ташланса, уларнинг асосини Ҳақ васли ҳажрида ёнаётган ошиқ изтироблари ташкил этишини мушоҳада қилиш мумкин. Юқорида келтирилган Навоий ғазалининг яқунловчи байтида шоир тўғридан-тўғри Ҳаққа мурожаат этмоқда. Мумтоз шеърятда ёр жамоли кўпинча парда, ниқоб остига яширинган бўлади. Масалан, Жомий

*Эй маҳи хиргаҳнишин, аз руҳ барафган пардаро,
Шод кун, охир, гаҳе дилҳои ғампарвардаро.*

деса, Насимий:

*Бурқаъ кўтар, эй шамсу қамар чехрали, халқни –
Парвона киби шамси руҳинг нурина ёндир*

Мирий:

*Жафолар бирла жон бергум ниқобинг оразингдин оч,
Ўлар вақтимда равшан қил кўзум, гул юз аён айлаб.*

Видоий:

*Бурқанг олиб, юзингдин айлагил бир йўл ҳалок,
Токи чектим кулфати ҳажрингни, эй маҳ, ою йил,-*

деб келтирадилар. Ёрдан юзидаги пардани кўтариш сўралган байтларни улуғ форс-тожик ва ўзбек классикларидан тортиб, XIX аср ўзбек ва тожик шоирларининг ижодларидан исталганча келтириш мумкин. Нега шоирлар бу ташбеҳга жуда тез-тез мурожаат этиб туришади? Тасаввуф космологиясида Аллоҳ жамолини етмиш минг парда тўсиб туради, деган ақида мавжуд. Азиз Насафийнинг таълимоти буйича борлиқ суврати Илоҳий моҳиятнинг мазҳари ва Илоҳ вужудининг шаҳодатидир. Демак, олам-шаҳодатлар (шухуд) олами ва исбот китоби. Ҳақ олами улкан китоб бўлиб, кичик олам – инсон эса ўша катта китобнинг қисқартирилган, кичиклаштирилган нусҳасидир. “Катта китоб” да нима ёзилган бўлса, “кичик китоб” да ҳам ўз аксини топган. Шу сабабли ким “кичкина китоб” ни ўқий олса, катта китобни ҳам ўқиган ҳисобланади. Қадимги нақлга кўра, Мусо алайҳиссалом халқ ичида юрганда юзига парда тортиб олар экан. Сабаби, исроил халқи ҳақиқий Аллоҳни билмас, унинг иродасини сезмас, халқ ичидага тажаллиётини кўрмас экан ва Мусо юзига тортган парда халқнинг кўрлиги ва нодонлигини аён этиб турувчи белги бўлиб, Аллоҳ ва халқ ўртасидаги тўсиқнинг ифодаси экан.

Демак, биринчидан, ниқобли ёр – Аллоҳ тасвири. Иккинчидан, ниқоб – Ҳақ, билан инсон ўртасидаги олам, бу олам асмоъ (исмлар) ва сифат (сифатлар) оламларидан иборатдир. Инсон Ҳақ ишқида ёниб, унинг васлига етишиш учун фано мақомларидан ўтар экан, олам сирларини бирма-бир очиб, яъни ниқобларни кўтариб, сўнг Ҳақ висолига эришади. Бу иш осон эмас ва ошиқ ёрга етишиш меҳнат, ҳузур-ҳаловатдан кечиш, ўз нафси майлига зид равишда ўз вужудини руҳга бўйсундириш азобларини уҳдага олиш эканлигини, ҳижрон ғамининг бепоёнлигини борган сари яхшироқ англай боради ва ёр васлига муштоқлик, сабрсизликдан фиғон чекади. Бироқ орқага қайта олмайди ҳам, чунки Илоҳ ишқи унинг кўнглини батамом забт этган, унинг жисми ёр “пайконлари билан тўлган”. Шоир Ҳаққа мурожаат этаркан, инсониятни оғир азоблар орқали ишқ моҳиятига ўргатишингга сабаб нима? дейди. Тасаввуфда, маълумки, Аллоҳ билан қўшилиб кетиш учун инсон асл моҳиятига-яратилган пайтдаги сифатларга қайтиши, тўғрироғи, руҳий покланиш, комиллашув натижасида инсон тозаланган соф “илоҳий нур”лик моҳиятини қайта тиклаши лозим. Сабаби, одамзод ўз ривожидан даври давомида асл моҳиятидан четга чиқиб кетди. Эзгулик ўрнини ёвузлик эгаллай бошлади. Ёруғлик ўрнига Зулмат чиқди, инсонлар қалби бу иллатлар таъсири остида заифлик қила бошлади. Моҳиятан, Ваҳдати вужуд нуридан туғилган инсон ўз вужуди, нафси ҳиссиётларига асир тушиб, асл моҳиятини унутиб қўйди ва вужуднинг касофатидан булганган руҳнинг Мабда томон интилишини секинлаштириб қўйди. Навоийнинг юқоридаги шоҳбайтидаги фикри: Сен сирру синоат олами пардаси орқасида турганинг учун ҳам нодон халқ сенинг жамолингдан бенасиб. Агар сен борлигингни очик намоён қилганингда халқ дарҳол асл моҳиятини тушунган ва бу дунё иллатларию ёвузлик ва қабоҳатидан воз кечган бўлар эди.

Демак, Видоийнинг матлаъси Навоийнинг ғазал ғоясини яқунловчи олтинчи байти мазмунидан ғоят таъсирланиш натижасида туғилганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Энди Навоий ва Видоий ғазалларини умумий муқояса планида кўриб чиқсак.

Навоий:

*Лолагун бўлмиш сурарда қатлима дилдор тийғ,
Ё бало тоғидан этмиш лолазор изҳор тийғ.*

Дилдор қатлим учун тиғ сурди. Унинг тиғи лоларанг тусга кирди. Ёки бало тоғининг лолазорини эслатмоқчимиз? Ёр ўзининг гўзаллиги билан ошиқ шоирни шунчалар мафтун этганки, унинг ҳар бир нигоҳи қалбини ўртади. Ошиқ маъшуққа етишиш учун унинг

барча ситамларига тайёр. Шоир тиғнинг лоларанг тус олганлигини айтар экан, бу ташбеҳ орқали ошиқнинг гўзал ёр ҳажрида бағри қонга тўлганлигини таъкидлайди. Байтда тоғ ва лолазорнинг мутаносиблигидан бало ва тиғнинг мазмунини очишда фойдаланилган: Тоғнинг ён бағирлари лолалар билан қип-қизил бўлгани сингари, балонинг ҳам гирд-тевараги қип-қизил қон. Тоғ лолазор билан – бало қон билан. Хунолуд тиғ – бало даракчиси. Шоир тажоҳил ул-орифона санъати воситасида ёрнинг қатл қилиш учун сураётган тиғи бало келтиришидан, ошиқни ишқ азобларига маҳкум этишидан дарак бераётганлигига ишора этади. Бешинчи байтда бу фикр ўзгача оҳангда маромига етказилади:

*Ишқ дашти сабзасидин лола ҳар ён сочилур,
Яъни ул саҳро гиёҳи бор эмиш хунбор тийг.*

Ишқ дарди шундай дардики, унга мубтало бўлган киши ёр ҳажрида, фироқида кўп кўз ёшлар тўкиши, қалби қон бўлиб дилдор васли орзусида неча-неча азобларга дучор бўлиши турган гап. Баҳор пайти яйловни лолақизғалдоқ босиб кетиши навниҳол ёр ҳажрида ошиқ тўккан қонларга-кўзёшларга ўхшатилади. Ишқ дашти сабзаси ташбеҳи орқали шоир нима демоқчи? Ишқ дашти - ошиқ қалби. У ёрнинг дардида куйиб, даштга айланган. Сабза-гиёҳ, яшиллик, кўклам. Даштни яшартирувчи, яшнатувчи ва қайта тирилтирувчи куч-Кўклам. Даштнинг яшаш моҳияти кўклам билан чамбарчас боғлиқ. Баҳор, яъни кўклам келгач, дашт жонланиб, беқиёс гўзаллик касб этади. Шоир дашт сабзаси бўлган лолага Ишқ аталмиш саҳронинг гиёҳи, яъни Муҳаббатни ўхшатар экан, ошиқ қалби фақат Муҳаббат билан тирик, инсонга хаёт, қувонч завқини берадиган нарса фақат муҳаббат эканлигини таъкидлайди. Шоир яна лолани тасвир объекти қилиб олар экан, кўкламда даштнинг лолага бурканишини, даштнинг бағрини тилиб, кесиб бош кўтарган гиёҳ туфайли бошдан-оёқ қонга белангандек бўлишини, мажозий дашт, яъни ошиқ қалбининг ёр томонидан тиғ-воситасида тилиниб, қип-қизил қилинишига ташбеҳ этади ва саҳро гиёҳи-муҳаббат қонли тиғ эмиш, дейди. Видоийда ушбу байт мазмунидан англашилган тиғ тасвири янада чуқурлаштириб, Навоий байтининг бевосита давоми ва ривож сифатида якунланади:

*Ўлдирурда ишқ аҳлини сочрагон қони била
Дашту саҳроларни қилди ҳар сори гулзор тийғ.*

Видоий ғазалининг иккинчи ва учинчи байтларида ғазал, матлаъсидаги мазмун ривожлантирилади, яъни Ёр уни қатл этиш мақсадида тиғ тортмоқда, ошиқ унга мурожаат этади:

*Йўқдур, эй жон ўлмагимдин зарра жон ваҳми манго,
Кўрқарам то устухондин бўлмагай нокор тийғ.*

*Чун танимни чок-чок айларда қилгил иҳтироз,
Жисм аро пайконларингдин топмасун озор тийғ.*

Бу билан Видоий Навоий ғазалининг қуйидаги учинчи ва тўртинчи байтлари мазмунини янада бойитмоқда:

*Тийғ тортиб етгач-ўқ қилдим фидоси жонниким,
Бўлмагай озурда қотил, кўрмагай озор тийғ.*

*Жисм пайконинг била тўлдию, жондур ғамдаким,
Айласанг қатлимга рағбат, бўлмагай ноқор тийг.*

Шоиручинчи байтида гўзал ёр тиғи билан менга етганда, дарҳол кўксимни тутмаганим учун қотил (ёр) мендан хафа бўлмасин, дея ва унинг тиғи мендек ишқ дардида тўзиб бўлган кишини сўйишда қийналмаслиги учун дарҳол жонимни фидо қилдим, дейди. Тиғнинг озор чекмаслигининг сабаби кейинги тўртинчи байтда изоҳланади: Жисмим сенинг отган ўқларингдан тўлиб-тошган. Аммо мен фақат шуни ўйлайманки, сен мени сўйиш фикрида бўлсанг, тиғинг жисмимдаги ўқларга қадалиб ноқор (ўтмаслашиб ёки синиб) қолмаса, яхши эди.

Видоийда ҳам ёр ғамида ошиқ қуруқ суякка айланиб қолган, уни сўйишда тиғ синиб кетишидан кўрқади. Навоий тиғ пайконлардан озор топиши мумкин деб ўйласа, Видоий уни қувватлаб, ошиқ аҳволини янада бўрттириб кўрсатиш мақсадида ёр дардида озиб, тўзган ошиқнинг суякдан ўзгаси қолмаган вужудида тиғ синиб, кераксиз бўлиб қолмаслиги учун эҳтиёт бўлиб нимталашни сўрайди. Ҳар иккала шоир ўз байтларида бир мазмунни, ёр жафокаш бўлса ҳам, ошиқ унга бирон қийинчилик етишини хохламаслигини ифода этадилар. Ушбу байтлар ғазал мазмуни, руҳияти, ғоясининг асосини ташкил этиб, Видоий Навоий ифодалаган мазмунни давом эттирган, унинг маъноларига аниқлик ва тасвир воситаларига қўшимчалар киритган. Қуйидаги байтларда ҳам мавзунинг тадрижий давоми яққол кўзга ташланиб туради. Масалан, Навоий:

*Гул тани юз чок ўлуб, бу ким бўялмиш қон аро,
Тегди ғамзанг хайлидин гўё анга бисёр тийғ, -*

деб гулнинг баргларини лахта-лахта қонга ўхшатар экан, гул танаси Маъшукнинг ғамзаси тиғидан қонга бўялди, яъни ошиқ қалби дилдор ғамзасидан ярадор бўлиб, бир дарди мингга айланди, унинг васлига эришиш машаққатидан қонлар ютиши, кўзёшлар тўкишини тасвирласа, Видоий:

*Бўлмасайди ташна гар ушшоқларни қонига
Нега ҳар кун қатл этиб, қонин ичар хунхор тийғ?-*

дея тиғнинг мазмунини, унинг фалсафий моҳиятини очиб беради. Ишқ тиғи-қонхўр тиғ. Бу-ошиқнинг қалбию, пора-пора қилган фироқ азоби, ҳижрон ғами, айрилиқ ўртанишларию, васлдан бенасиблик, аччик қисмату бахтинигунлик, Навоий айтган “тийғи бало!” У ошиқларнинг қонига ташна, ичмаса, ўлдирмаса, тура олмайди. Тасаввуф нуқтайи назаридан бу-азал қонуни: Ишқ тиғларидан қалбинг пора бўлиб, унинг шартларини бажо келтирмагунингча, руҳан покланмагунингча, Ҳақ висолига ета олмайсан, яъни

*Эй Видоий, шукр қил, жон бирла миннатдор бўлуб,
Олмайин жонингни то, кўрсатмади дийдор тийғ.*

Мазкур икки ғазал муқоясасидан кўриниб турибдики, Видоий улуғ шоир ғазалидан ниҳоятда илҳомланган. Натижада унинг мавзуси давом эттирилиб, устоз-шогирд ўртасида мушоира рўй берган. Бизнингча, бу ҳолат деярли барча XIX аср ўзбек шоирлари ижодига хос хусусият бўлса керак.

ХУЛОСА

Санъат, илм-фан оламига кирмоқчи бўлган ҳар бир ижодкорнинг бирор йўлбошчига эҳтиёж сезиши, бадий ижод қонунияти, ҳаётий ҳақиқат талаблари натижасида рўй беради. Инсон ўзига номаълум олам сарҳадига қадам ташлар экан, йўлбошчи юрган сўқмоқдан изма-из юриб, у танишиб улгурган сиру синоатга дуч кела бошлайди. Бу йўлда учраган тўсиқларни, маънавий чегараланишларни йўлбошчи ёрдами билан бартараф этади, гўзаллик, нафосатни йўлбошчининг ишораси билан илғайди, туяди ва лаззатланади. Йўловчи шу йўл давомида йўлбошчи билган барча нарсаларни ўрганади ва ўзи мустақил ҳаракат қилиш имкониятига қодирлик касб этади. Ха, йўлбошчи-Устоз! Устознинг фақатгина кўрсатмалари, фикр-мулоҳазалари ва панд-ўғитларигина эмас, унинг ҳаёти, туриш-турмуши, фазилатлари ҳам шогирднинг диққат-эътиборида ибрат мезони сифатида юксак мақом тутаяди. Воқеан, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг жаҳон бадиият ганжинасига муносиб дур бўлиб қўшилган адабий мероси кейинги асрларда яшаб ўтган ҳар бир туркигўй ижодкор учун маҳорат мактаби вазифасини ўтаган. Ҳар бир шоир адабиёт бўстонида Навоийнинг шогирди ва халафи сифатида кириб келар экан, улуғ шоир анъаналарини ривожлантириб ва уларнинг бағрида янги-янги пайвандлар ихтиро этиш орқали бу бўстон саҳнини янада гўзаллаштирган, улуғ шоир ҳаёти тарзини ўрганиш, ғоявий дунёқараши асосларини ўзлаштириш натижасида навоиёна мулоҳаза юритган ҳамда ул буюк инсонга муносиб халафлик йўлида Алишер Навоий куйлаган олий эътиқод-инсон баркамоллиги ғоясига сажда қилган. Зеро, Ҳазрат Навоий ўзбек халқининг том маънодаги буюк муаллимидир. Дарҳақиқат, форс-тожик шоири Камолiddин Биноий тасвирлагандек:

*Сен тенг бўлолмас давлатда киши ,
Билимда етолмас сенга ҳеч инсон.
Фозиллигинг қуёшдек аёндир сенинг,
Мангу порлаб турар сўниши гумон.*

АЛИШЕР НАВОЙЙ

Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили

МУҚАДДИМА

1. Алишер Навоий феномени

Амир Низомиддин Алишер Навоий (844-906/1441-1501) нафақат ўзбек халқи, балки бутун турк оламининг буюк шоири ва мутафаккири сифатида жаҳон бадий тафаккури тарихида ўз ўрни ва мақомига эга даҳо ижодкордир. Унинг жаҳон бадиияти хазинасига дурдона бўлиб қўшилган шоҳ асарлари, XV асрнинг иккинчи ярми темурийлар салтанати даври илм-фан ва санъатини ривожлантиришга қўшган бениҳоя катта ҳиссаси аллақачон эътироф этилган. У ҳаётини тўлалигича мамлакат равнақи, халқ ва миллатнинг тинч-тотув яшаши ҳамда давлат қудратини мустаҳкамлашга бағишлади. Султон Ҳусайн Бойқаронинг уни “мамлакат устун, дину давлат низоми, мулку миллат асҳоблари зубдаси, хайрли бинолар муассиси, ҳоқон давлати таянчи”, деб атаганлиги бежиз бўлмаган, албатта.

Алишер Навоий бутун дунё қаршисида туркий (ўзбек) тилнинг бой имкониятларини кўрсатиб бера олган ва араб ҳамда форс тилларидан ҳеч қайси жиҳатдан кам бўлмаган гўзал тил эканлигини исботлаб берган буюк олимдир. Ўша даврларда форс тили поэзия тили, араб тили эса илмий тил деб қабул қилинган эди. Расмий ёзишмалар ҳар иккала тил омухтасидан иборат эди. Туркий тилга эса авом тили сифатида қараш устувор бўлган. Туркий халқларнинг кўп минг йиллик давлатчилик тажрибаси тарихи ва бой маънавий-адабий мероси мўғул босқинчилиги оқибатида йўқ қилиб юборилганлиги туфайли темурийлар даврида туркий халқларнинг шонли тарихи, тили ва қадриятларини тиклаш жуда қийин кечган. Ҳатто Темур саройида туркий тилнинг давлат тили даражасига олиб чиқиш ишлари охирига етказилмай қолган. Шундай бир шароитда Алишер Навоий ўз олдига ўзбек тили мақомини тиклаш мақсадини қўйди. У бежиз ушбу сатрларни ёзмаган:

*Турк назмида чу тортиб алам
Айладим ул мамлакатни якқалам.*

Дарҳақиқат, Навоий ўзи эътироф этганидек, туркий тил ва адабиёти майдонида байроқ кўтарди, бутун мамлакатни якқалам, яъни бир тилли ва ёзувли қилди. Дунё олимлари Навоийнинг ўзбек (туркий) адабий тили мавқеини кўтариш ва ривожлантиришдаги хизматларини инсоният тамаддуни тарихидаги буюк маърифатпарварлар: француз Дю-Белли ва рус олими М. Ломоносовларнинг миллат маданиятида туб бурилиш ясаган саъй-ҳаракатлари билан тенглаштирадилар.

Алишер Навоий давлат ишларидан холи вақтларида бадий ижод билан шуғулланди ва бадиият оламида тенгсиз бўлган нодир асарлар яратди. Унинг буюк бешлиги – “Хамса” ва “Хазойин ул-маоний” девони, “Муҳокамат ул-луғатайн” ва “Мезон ул-авзон” каби илмий асарлари, форсий девони ва қасидалари, диний-маърифий манзумалари ҳамда тарихий аҳамиятга эга хотира-“ҳолот”лари унинг беқиёс сўз санъаткори, буюк файласуф ва олимлигидан дарак эканлигини бутун олам тан олди. Унинг асарларида инсон маънавий-ахлоқий камолоти ғояси етакчи ўринни эгаллади. Одамийлик, бағрикенглик, эзгулик Навоий фалсафасининг асосини ташкил этди.

Маълумки, Алишер Навоий катта ер-мулк эгаси бўлган. У 1481 йилда ўзининг бор мол-дунёсидан воз кечиб, хайрия, яъни вақф мулкани ташкил этди. Унинг асосини ташкил этган мол-мулк (Ҳирот худудидаги иморатлар, хусусан, “Ихлосия” мадрасаси ва унга тегишли иморатлар, 24 дўкон, 3-4 тим бозори,) боғ-роғлар (255.5 жериб узумзор ва мевазор боғлар),

ерларнинг муайян қисми (545 жериб) ва уларни ишлатишдан тушган даромад тўлалигича таълим муассасалари ва мусофирхоналар, дарвишлар, қаландарлар, оч-юпунлар ва камбағал муҳтожлар, етим-есирларнинг эҳтиёжини қоплаб туришга қаратилди. Бошқа бир қисми илм-фан ва адабиётни ривожлантиришга сарфланди. Навоийнинг бевосита моддий ва маънавий кўмаги остида ўнлаб олимлар тадқиқот ишларини олиб бордилар, тарихий асарлар ёзиш кенг рағбатлантирилди, тасвирий санъат усталарининг ишига алоҳида эътибор берилди. Ҳиротда Навоийнинг шахсий ташаббуси ва маблағи билан “Халосия”, Шифоия, Низомия каби бир неча мадраса ва хонақоҳлар қурилиб, уларда машҳур олимлар дарс бериш ва илм билан шуғулландилар. Бу даврда риёзиёт, илми нужум, ҳандаса, мантиқ, фикҳ, ислом назарияси ва бошқа соҳаларга оид кўплаб асарлар яратилди. Навоий бошлиқ Ҳирот адабий муҳитининг ривожини учун султон катта шароитлар ва қулайликлар яратиб берди. Бу темурийлар салтанатида илм-фан ва адабиёт ривожланишига ҳукмдорнинг алоҳида эътибори намунаси эди. Мамлакатда илм-фаннинг тараққий топишида Навоийнинг хизмати беқиёс бўлди. Тарихчи Хондамир “Макорим ул-ахлоқ” асарида Навоий раҳбарлиги ва ҳомийлиги остида яратилган йигирмага яқин муҳим илмий тадқиқот номи ва уларнинг муаллифлари ҳамда унинг моддий кўмаги ёрдамида ижод этган шоир ва илм аҳли рўйхатини келтирган. Унинг темурийлар сулоласи ҳамда илм-фан аҳлига қилган фидойи хизмати ўша даврнинг ўзидаёқ юзлаб асарларда қайд этилди. Шухрати бошқа давлатларга ҳам таралди. Унинг номи етти иқлим фозиллари ва санъаткорлари ҳомийси сифатида афсонавий кўриниш касб этди. Ҳирот олимларининг кўпчилиги Амир Алишер кўрсатган катта хизматларни миннатдорчилик сифатида ўз асарлари дебочасида қайд этдилар. Навоийнинг беминнат эзгуликлари борасида жуда кўп тазкиранавислар, тарихчилар, шоирлар, олимлар ўз асарларида шохидлик билдириб кетдилар. Бунинг исботини Давлатшоҳ Самарқандий, Муъиниддин Исфизорий, Абдулғафур Лорий, Абдулвосеъ Низомий, Мирхонд, Хондамир, Султон Али Машҳадий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Атоуллоҳ Асилий, Ҳусайн Кошифий, Мир Ҳусайн Муаммой, Шамсиддин Бадахший ва яна ўнлаб Навоий замондошлари асарларида, Навоий шаънига битилган турли мадҳияларда ҳам учратамиз. Жумладан, Камолиддин Ҳусайн воиз ал-Кошифий ўзининг “Жавоҳир ут-тафсир” асари дебочасида Навоий томонидан унга кўрсатилган ёрдам ва маслаҳатлар ҳақида гапириб ўтар экан, замондошларининг эътирофини умумлаштириб, шундай ёзади:

*Гавҳар-и дуржи каромат, ахтар-и бурж-и камол,
Офтоб-и авжи ҳашмат, соя-и лутф-и илоҳ.
Шаҳсувор-и арса-и иззат Алишер, он ки аст,
Воли-и аҳбобу довари давронпаноҳ.
Мустафиз аз нафҳа-и гулзор-и фазлаш жону дил,
Мустанир аз ламъа-и рои мунираш меҳру моҳ.
Давлат-и ў бо жаҳону, рифъат-и ў бо сипеҳр,
Фош мегўянд ҳар дам аз сар-и тамкину жоҳ.¹*

(Амир Алишер мурувватли, саховатлилар ичида гавҳар янглиғ, камолот осмонидаги юлдуз, буюклик чўққисида нур сочар қуёшдир. Илоҳий лутф каби унинг лутфи беҳаду беминнат. Унинг “фазл гулзори”дан жону дил файз топади. Унинг қиёфаси шунчалик нуронийки, биргина нигоҳи шуъласидан қуёш ва ой ярқираб турибди. Амирнинг давлати жаҳонча ва тутган мавқеи осмон қадар юксакликда. Босиқлиги, камтарлиги ва шу билан бирга улуғлиги буни намоён этади).

¹ Ҳусайн воиз ал-Кошифий. Жавоҳир ут-тафсир. СамДУ Шарқ қўлёзмалари бўлими, N40347 За-варак.

Айтиш мумкинки, Навоийга бағишланган мадҳиялар унинг ибратли ҳаёти тафсилотлари билан мувофиқ келиб, аҳолининг турли қатламларида унга Оллоҳ назар қилган беназир зот сифатидаги қарашни шакллантирди. Унинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш бошланди. Алишер Навоий маърифатпарвар шахс сифатида тарихий манбаларда алоҳида қайд этилиб, шеърӣ асарларда таъриф ва тавсиф этилди. Кейинги даврларда ҳам кўплаб манбаларда унинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар берилди. Бу Шарқ халқларининг буюк шоир ва мутафаккирлар Низомий Ганжавий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомийлар билан бир қаторда Навоийнинг шахсига ҳам улкан қизиқиш билан қараганлигидан дарак беради. Ушбу эътибор ва эъзоз улуғ мутафаккирнинг бадиий юксак, мафтункор ғазалиёти, шавқангиз дostonлари ва донишмандона ўғитлари билан зийнат топган асарлари фонида янада кучланиб, кейинги асрларда туркий халқлар санъат ва ижод аҳли орасида Навоийнинг руҳоний пир сифатида машҳурлик тутишига олиб келди. Навоий мададига умидворлик ўз даврида моддий манфаатлар заминида вужудга келган бўлса, кейин-кейин унинг руҳониятидан мадад сўраш кўринишига ўтиб, ижодкорнинг асар яратишда бутун куч-қудратини сафарбар этишига далда берган. Масалан, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодидан хабар берувчи XV аср қўлёзма манбаларида улуғ шоирнинг ажойиб хаттот бўлганлиги ҳамда хаттотларга устозлик қилганлиги ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди¹. Бу ҳол кейинги давр хаттотлари орасида Навоийнинг асарларини кўчириш орқали “хаттотлик мактаби”ни ўташ ва унинг ғойибий “оқ фотиҳа”сини олиш анъаналарини юзага келтирди. Чунончи, бухоролик Ёрмуҳаммад қори Бухорий, Абдулбоқий Бухорий, Мулло Наврўз Бухорий, самарқандлик Абдулхай Самарқандий, Мулло Муқимхон Самарқандий, Қашқадарё воҳасидан Муҳаммад Юсуф Шаҳрисабзий, Муҳаммад Раҳимхўжа Насафий, Тоҳирхўжа Шаҳрисабзий, Фарғона водийсидан мулла Рўзи котиб, Муҳаммад Амин Когоний, хоразмлик Муҳаммад Юсуф каби XIX асрнинг машҳур хаттотлари Навоий асарларини алоҳида меҳр билан кўчирганлар. Заҳматкаш олим М.Ҳакимовнинг Навоий асарлари қўлёзмалари тавсифига бағишланган китобида кўрсатилган 254 нусханинг икки юздан зиёдроғи XIX асрда китобат қилинганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.² Ўзбекистон худудидаги мустақил вилоятларни бошқариб келган хонларнинг кўпчилиги шоиртаъб кишилар бўлган (масалан, Феруз ва Амирий-Ш.С.) ва улар фармойиш асосида ҳам Навоий асарларини кўчиртирганлар. Жумладан, Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихи билан шуғулланган олим, машҳур хаттот А.Муродов ёзади: “Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 1709-номерли “Чор девон”нинг охирига ёзилган хотимадан маълум бўлдики, Қўқонда Навоий асарлари кўп китобат қилинган. Шу девоннинг хотимасида 1838 йили Муҳаммад Алихон буйруғи билан хаттотлар томонидан олти ой ичида уч юз адад Навоий “Чор Девон”ининг қўлёзмаси кўчирилиб, шерозали муқова қилинган...”³. Шу тарзда Алишер Навоий асарларининг заҳматкаш хаттотлар томонидан кўчирилган минглаб қўлёзма нусхалари вужудга келди. Хаттотлар Навоий асарларини кўчиришда бир томондан хаттотлик маҳоратини орттирсалар, иккинчи томондан, кўчириш жараёнида Навоий сўзи қудратининг нақадар кучли эканлигидан таъсирланганлар. Натижада Навоийнинг бирор бир асарини кўчириб бўлишгач, ўша асар ҳақидаги ўз таассуротларини китоб охирида қайд этиб кетганлар. Масалан, 1832 йилда Бухорода кўчирилган Навоий “Хамса”си сўнгида

¹ Қаранг: Газкираи хаттотон. Ўз ФАШИ N 202. Яна: Мадраимов А. Алишер Навоий ва китобат санъати// Шарқ миниатюра мактаблари-Тошкент, 1989, 54-59-бетлар.

² Қаранг:Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмалари тавсифи. Тошкент, 1983.

³ Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент, Фан, 1971, 56-бет.

номаълум котиб томонидан улуғ шоир ҳақида ёзиб қолдирилган мисралар анчагина. Жумладан, у шундай ёзган:

*Навоийки, ул жомеи сирру жаҳр,
Анинг ҳар сўзидур муаммо мисол,
Анго етмагандин хирад нутқи лол.
Жаҳон ганжи ҳар байтидадур ниҳон,
Ки ҳар ганжидадур ниҳон бир жаҳон....¹*

Шу билан бирга, XIX асрнинг биринчи чорагида яшаб ўтган қаршилик котиб Муҳаммад Раҳимхўжа Насафий ҳам Навоий “Хамса”сини кўчирар экан, улуғ шоирга бўлган меҳр-муҳаббатини 34 мисралик мадҳиясида юксак фахр билан қайд этади.

Кўринадики, котиблар Навоий асарларини кўчиришни шараф деб билганлар ва шу асар таъсирида ўз кечинмаларини қоғозга туширар эканлар, Навоий даҳосига яна бир карра таъзим этганлар ва ўзларининг шу улуғ зот авлоди эканликларидан бениҳоя фахрланганлар.

2. НАВОЙШУНОСЛИК БОСҚИЧЛАРИ

2.1 Узоқ ўтмиш навоийшунослик анъаналари

XX аср навоийшунослик учун катта муваффақиятлар асри бўлди. Ўзбекистон жаҳон навоийшунослигининг марказига айланди. Бу давр навоийшунослик тарихига Навоийни дунёга танитиш даври сифатида кирди. Шубҳасиз, ўзбек навоийшунослиги янги заминда пайдо бўлмади.

Навоийни ўрганиш ўз давридан бошланган эди. Мирхонд, Давлатшоҳ Самарқандий, Гиёсиддин Хондамир, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Зайниддин Восифийларнинг насрий асарлари, Фаҳрий ва Қазвинийларнинг “Мажолис ун-нафоис” асари таржима вариантларида буюк ўзбек мутафаккири, шоири ва давлат арбоби ҳаёти ва фаолиятига баҳо бериб ўтилди. Абдураҳмон Жомий, Аҳлий Шерозий каби ўнлаб шоирларнинг Навоий ижодига муносабати ўнлаб асарларда қайд этилди. Улуғ фазилатлар соҳиби Мир Алишер ҳақида махсус ёзилган хотиралар мажмуи - Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асари асрлар давомида Навоий даҳосини кашф этишга ҳаракат қилган мухлисларга очқич вазифасини ўтаб келди.

Навоий шахсига қизиқиш фақат Шарқ билан чекланмаган. 1697 йилда нашр этилган француз олими Артолемед Эрбелонинг “Шарқ кутубхонаси” номли энциклопедиясида Навоий таржимаи ҳоли ва асарлари номининг келтирилиши, шарқшунос Силъвестер де Саси (1758-1838) тадқиқотларида ҳам Навоий номининг учраши Ғарбда Навоийнинг шоир ва давлат арбоби сифатида расман танилганлигидан далолат беради. 1835 йилда рус шарқшуноси П.Савелъев Навоийга бағишлаб ёзган махсус мақоласида Навоийнинг ижодий фаолиятига тўғри баҳо бериб, баъзи асарлари ҳақида қисқача маълумот келтиради². Бу орада Никитский томонидан тайёрланган Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган магистрлик диссертацияси навоийшуносликда катта ҳодиса бўлди. М.Никитский темурийлар сулоласининг ҳукмронлиги давридаги сиёсий ва адабий ҳаёт ҳақида Давлатшоҳ-

¹В. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1964, 158-159-бетлар.

² Қаранг: Савелъев П. Али Шер Неваи /Энциклопедический лексикон.-Спб., 1835.-т. 1.

нинг “Тазкират уш-шуаро”, Сом Мирзонинг “Туфҳаи Сомий”, Султон Ҳусайннинг “Мажолис ул-ушшоқ”, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” каби тарихий ва мемуар асарларда келтирилган материалларни умумлаштиради ва Навоийнинг адабий ҳамда давлат ишларидаги фаолиятини асосан тўғри белгилайди¹. Никитский “Мир Алишер Шарқ адабиёти тарихида шарафли ўринни эгаллайди” деб уни муносиб баҳолади ва рус шарқшуносларининг эътиборини унга қаратди. 1857 йилда профессор И.Н.Березен (1818-1896) томонидан тузилиб, Қозонда нашр этилган “Туркий хрестоматия” китобида Алишер Навоийнинг икки асари – “Вақфия” ва “Муншаот” дан парчалар эълон қилинди. Машҳур рус олими В.В.Велъяминов-Зернов Алишер Навоий асарлари асосида XVI асрда тузилган ва “Абушқа” номи билан машҳур бўлган луғатнинг илмий-танқидий матнини тайёрлаб, 1868 йилда нашр эттирди. Бошқа бир рус шарқшуноси Н.И.Илъминский ўзининг 1862 йилда Қозонда босилган турк-татар тилларига бағишланган асарида Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тили тараққиёти йўлида кўрсатган хизматларига юқори баҳо беради ва “ўз она тили учун зўр матонат билан қудратли кураш олиб борган киши эди” деб таърифлайди².

Катрхмер 1841 йилда Парижда Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” ва “Тарихи мулуки Ажам” асарларини босиб чиқаради. Мажар олими Г.Вамбери Ўрта Осиёга бағишланган асарларида Навоийдан парчалар ва таржималар бера бошлайди. У “Маҳбуб ул-қулуб” нинг кириш қисмини, “Фарҳод ва Ширин” нинг айрим бобларини ва шоирнинг бошқа асарларидан олинган парчаларни немис тилига таржима қилди. 1861 йил француз шарқшуноси М.Белин “Азиатик” журналида “Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида” номи остида катта ҳажмли мақоласини чоп этади³. Шу билан бирга, “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” асари ҳақида катта илмий иш ёзди, “Мажолис ун-нафоис” ни нашр этди, “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг айрим бобларини таржима қилди. Айтиш керакки, Никитский ва Белин асарлари XIX аср шарқшунослари томонидан тан олинган тадқиқотлар ҳисобланиб, анча вақтгача, ҳатто XX асрнинг бошларида ҳам Навоийнинг ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилган. XIX асрда Шарқ мамлакатларига саёҳат қилган Ғарб олимлари мустамлака мамлакатлари идораларида хизмат қилувчи нодир санъат намуналари ишқибозлари имкон қадар Навоий асарлари нусхаларини ўз ватанларига олиб кетишга ҳаракат қилганлар. Натижада Буюк Британия, Франция, Германия, Италиянинг музей, кутубхона ва шахсий фондларида Алишер Навоий асарлари кўплаб тўпланган. Инглиз шарқшуноси Ч.Ръё 1888 йили Лондонда нашр этган ва бугунги кунда Британия музейида сақланаётган “Туркий қўлёзмалар каталоги” дан ҳам Алишер Навоий асарларига бўлган қизиқиш катта бўлганлигини кўриш мумкин. Чунончи, Ч.Ръё ўз каталогида Навоий асарларининг 12 та нодир нусхасини тавсиф этган. Машҳур манбашунос ва матншунос Ч.Ръё Алишер Навоий шахсиятига жуда катта эҳтиром билан қараганини унинг қуйидаги сўзларидан ҳам билса бўлади: “Мир Алишер туркий тилни адабий тил даражасига кўтаришда энг кўп хизмат қилган тарихий шахсдир. Унинг энг маданиятли, буюк мутафаккир инсон эканлиги барча томонидан тан олинган. У, шаксиз, туркигўй шоирларнинг энг сермахсулидир”⁴. Европа шарқшуносларидан Э.Блоше, М.Буват, Э.Браунлар ҳам Навоий асарларини, унинг қўлёзмаларни атрофлича ўрганганлар. Хусусан, Э.Браун ўзининг тўрт жилдлик “Эрон адабиёти тарихи” китобида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятини ёритган, унинг ижоди хусусида тўхталган. Браун Навоий ижодига юксак баҳо беради. У шундай ёзади: “Мир Алишернинг ҳам ижодкор, ҳам қалам аҳлининг

¹ Қаранг: Никитский М. Эмир Низом Эд-Дин Али Шир в государственном и литературном его значении.-СПб, 1856.

² Қаранг: Ильминский Н.И. Материалы к изучению киргизского наречия. Казань, 1861.

³ Қаранг: Белен М. Мир Алишер Навоий/ Туркча таржима. Ношир Аҳмед Жавдат.-Истанбул, Иқдом матбааси, 1897.

⁴ Ch. Rieu. Catalogue of the Turkish Manuscripts in the British Museum, 1888, p.273.

ҳомийси сифатидаги аҳамияти ва таъсири таърифлаб бўлмас даражада каттадир. У ўз даври ва мамлакатининг буюк саховатпешасидир”¹.

Шундай қилиб, XIX асрда Европа шарқшунослигида Алишер Навоий ижодига қизиқиш жиддий тус олганини кузатиш мумкин. Улар Навоий даврида яратилган манбалар асосида улуғ шоир ва сиёсий арбоб шахсияти ва ижодиёти масалаларини илмий тарзда тадқиқ этдилар ҳамда навоийшуносликнинг янги даврига тағзамин яратдилар. Биринчидан, XV аср охири ва XVI аср бошига тааллуқли ва Навоий ҳақида маълумот берувчи қўлёзма манбалар умумлаштирилиб, илмий муаммога киритилди. Иккинчидан, шу давргача давом этиб келаётган шарқона, анъанавий баёнчиликка асосланган Навоий талқини услубига чек қўйилиб, Навоий ижодига илмий назар ташланди. Бироқ бу давр навоийшунослари улуғ шоир биографиясини ёритишда кўп чуқурлашмадилар. Улар Навоий ҳақида тарихий манбаларда берилган маълумотларни умумлаштираётган эканлар, қиёсий-танқидий аспектда ўрганмадилар. Натижада шоирнинг ҳақиқий таржимаи ҳоли хиралашиб қолди. XIX аср шарқшунослари ишида Навоий “подшоҳнинг энг яқин кишиларидан - муҳрдор, вазир сифатида тинч ҳаёт кечирган ва ижод этган шоир” бўлиб қолди. Тазкираларда Навоийнинг назира ва татаббуълари, салафларга эргашиб ёзган асарлари ҳақида кўп гапирилгани боис фарб шарқшунослари Навоийни тақлидчи шоир деб тушундилар.

2.2. Мафкуралар тўқнашуви

Навоийшуносликнинг иккинчи босқичи жаҳондаги буюк сиёсий ўзгаришлар жараёни билан боғлиқ эканлигини таъкидламоқ лозим. XIX асрнинг II ярмидан бошлаб Буюк Британия ва Россиянинг Шарқни мустамлакага айлантириш пойгаси Марказий Осиё ва Ҳинд минтақалари жуғрофияси, геологияси, табиати билан бир қаторда, маънавий салоҳиятига бўлган қизиқишнинг кучайишига сабаб бўлди. Бу қизиқиш муайян сабабларга кўра Россияда рўй берган Октябрь тўнтариши ва “Қизил империя” ҳукмронлигининг Ўрта Осиё ҳудудида ўрнатилганидан сўнг ҳам тўхтамади. 1868 йилда Венгриянинг Туркиядаги элчихонаси ходими М. Белен томонидан ёзилган “Алишер Навоий” илмий ахбороти яна долзарб бўлиб қолди. Француз олими Люсьен Буванинг 1926 йилда “Осиё” журналида эълон қилинган “Темурийлар даври цивилизациясидан лавҳалар” мақоласи, Эдгар Блошенинг “Миллий кутубхонада сақланаётган туркий қўлёзмалар каталоги”даги қайдлар ва инглиз олими Эдуард Брауннинг “Эрон адабиёти тарихи” асаридаги Навоийга бағишланган бўлимларни шу даврнинг эътиборга лойиқ тадқиқотлари қаторига қўшиш мумкин. Шу йилларда В. Лениннинг чекка ўлкаларга, хусусан, Ўрта Осиё, Кавказ ўлкаларига мухторият ва ҳурлик бериш ҳақидаги сохта ваъдаларига учган туркий халқлар орасида Навоий даҳосини улуғлаш ва миллат тимсоли даражасига кўтариш тенденцияси кучайди. Бу йўлдаги илк уриниш Навоийнинг ҳижрий сана билан 500 йиллик тўйини нишонлаш муносабати билан 1926 йилда Бокуда “Алишер Навоий – буюк турк шоири” шиори остида ўтказилган “Илк туркология қурултойи” да намоён бўлди². Унда асосий эътибор Навоийнинг туркий тиллар ривожига қўшган ҳиссаси, давлат арбоби сифатидаги мавқеи ва миллий ўзлик ғояларига қаратилди. Ўша даврнинг етук олимларидан Исмоил Ҳекметнинг “Навоий ҳаёти ва адабий мавқеи”, Мирзо Жалол Юсуфзоданинг “Навоий ҳақида”, Чўбонзода Бакирнинг “Навоий – тилчи” ва Мирзо Муҳсин Иброҳимийнинг “Форс адабиётининг Навоийга таъсири”

¹ E. Browne. A Literary History of Persia. Vol. III., Cambridge, 1969, p.505.

² Қаранг: Буюк турк шоири Мир Алишер: Туркология қурултойи конференцияси материаллари. - Боку: Адабиёт жамияти, 1926.

масалаларидаги маърузалари фақатгина қатнашчиларнинг эмас, балки барча туркий халқлар адабиётшунослари диққатини ўзига тортди ҳамда уларни Навоий ижодини ўрганишга илҳомлантирди. Ўша йили Ўзбекистонда ҳам, хусусан, “Маориф ва ўқитғувчи” газетасида босилиб чиққан Абдурауф Фитрат ва Вадуд Маҳмудийларнинг Навоий ҳақидаги мақолаларида қурултой таъсири сезилиб туради¹.

Қурултой руҳи коммунистик мустабид тузум пешволари учун кутилмаган муаммолар келтириб чиқариши табиий эди. Барча рус шарқшунослари аҳволни ўнглашга сафарбар этилди. Қурултойнинг материалларида акс этган Навоий ҳаёти ва ижоди талқини давр мафкурасига зид деб топилди ва уни тарғиб этишга жиддий қаршилик кўрсатилди. Бу хусусда шарқшунос Е. Э. Бертелъс шундай ёзган эди: “Навоийшуносликнинг бу босқичига хос хусусият сифатида шуни айтиш мумкинки, Навоий ҳақида фақат миллий буржуазия вакиллари маъруза қилиб, унинг номидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Шу жиҳатдан бу даврда чиққан ишлар фойдасиз бўлиб, ҳатто ғайриилмий ва зарарли эди. Боқарида нашр этилган “Навоий” тўплами (1926) эскирган материаллар асосида ёзилган ва асосий масалаларни бутунлай нотўғри ёритган мақолалардан иборат. Аммо ушбу муваффақиятсиз юбилейга СССР Фанлар Академияси дарҳол жавоб қайтарди”².

Тезда Тошкентда, коммунистлар ибораси билан айтганда, “социалистик платформа”даги Навоий конференцияси чақирилди. Мақсад Боқари қурултойи “пантуркистик” ғояларининг халқлар орасида тарғиб этилишига йўл қўймаслик ва Навоийнинг буюклигини ҳукмрон феодал синфга қарши чиққан оддий халқ намояндаси образи орқали кўрсатиш эди. Илк қурултой материалларидаги миллий ифтихор туйғуларига “пантуркизм”, “ўтмишни идеаллаштириш” каби ёрликларни ёпиштириш учун уларга зид ғояни кўтариб чиқадиган кучли тадқиқот керак бўлди. Бундай тадқиқотнинг энг яхши кўриниши сифатида В.В. Бартольднинг “Мир Али Шер ва сиёсий ҳаёт” номли тадқиқоти дунёга келди. Унда омма орасида ҳукм сурган Навоий талқинидан кескин фарқ қиладиган образ яратилди: Навоий эксплуататорлар синфига, умуман, шоҳ тузумига нафрати беҳад бўлган ва шу туфайли султондан анча хўрликлар кўрган халқ вакили сифатида ўта бўрттириб кўрсатилди.

XX асрнинг 20-йилларидан Алишер Навоий мақоми ва мафкураси атрофида давом этиб келаётган тортишувлар Совет Иттифоқининг қақшатқич қатағон ва қўрқувда ушлаб туриш сиёсати ғалабаси билан тугади. СССР таркибидаги миллий совет социалистик республикалари “камситилмаслиги” учун кам сонли классик ижодкорларга эга бўлишга руҳсат берилди. Озарбойжонда Низомий Ганжавий, Тожикистонда Абдурахмон Жомий, Грузияда Шота Руставели, Ўзбекистонда Алишер Навоий ижодлари русларнинг А.Пушкин, В.Лермонтов, В.Гоголь, Л.Толстой каби классиклари қаторида кенг ўрганилиши мумкин, аммо ҳукмрон мафкура методологияси асосида талқин этилиши лозим эди. Сарой адабиётини тарғиб этиш мутлақо ман этилди, диний адабиёт онгни заҳарловчи восита сифатида тақиқланди. Улар феодал-клерикал ва диний-мистик адабиёт сифатида қораланди, уларнинг намояндаларига эксплуататор синфининг манфаатларига хизмат қилувчи, маддоҳ ва хушомадгўйлар сифатида нафрат билан қараш буюрилди. Бу ҳол, маълум маънода, Навоийни нотўғри талқин қилишга, унинг зиддиятларга бой ҳаётини бир қолипга туширишга ва ўқувчилар онгида шоҳ тузумига норози, сал кам атеист ва исёнкор Навоий образининг тарғиб этилишига сабаб бўлди.

¹ Фитрат А. Навоийнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида //Маориф ва ўқитувчи, 1926. -№ 12,38-39-бетлар.

² Бертелъс Е.Э. Навои и Джами: Избр.труды. - М.: Наука, ГРВЛ, 1965, стр.67.

2.4.Навоийшуносликнинг илмий йўналиш сифатида шаклланиши

XX асрнинг 40-йилларига келиб, Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш баҳонасида олдинги йиллардан йиғилиб келаётган тадқиқотларни умумлаштириш ишлари бошланди. Навоийни ўрганиш ишларига рус шарқшунослари билан биргаликда ўзбек олимлари ҳам жалб этилди.

Алишер Навоийнинг Совет Иттифоқи даврида биринчи бор 1948 йилда нишонланган тўйи арафасида улуғ шоир ҳақида яна бир қанча тадқиқотлар дунёга келди. Мазкур даврнинг энг юқори савиядаги асарлари қаторида Е.Э.Бертелъс, О.Шарафиддинов, А.Н.Кононов, С.Айний, А.К.Боровков, А.Семенов, М.А.Салъе, А.Ю. Якубовский, А.Саъдий, М.Ойбек, М.Шайхзода, И.Султон, А.Болдырев, В.Зоҳидов, В. Абдуллаевларнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин. Авом маданияти (пролеткулът) давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлган мустабид тузум шароитида Алишер Навоийни гениал шахс ва ижодкор сифатидаги мақомини сақлаб қолиш ва у орқали миллий қадриятларимизнинг умрбоқийлигини таъминлаш ўзбек зиёлиларининг асосий муддаоси эди. Мазкур ўзбек олимлари ва уларга хайрихоҳ айрим рус шарқшуносларининг асарлари навоийшуносликнинг ўзбек адабиётшунослигининг мустақил йўналишига айлантиришга замин бўлди ¹.

Бу оралик даврда Навоий ҳаёти ва ижодиётини ўрганишга чет эл олимлари, хусусан, турк олимларидан Меҳмед Фуод Кўпрулу, Огоҳ Сирри Леванд, афғон олими Муҳаммад Яъқуб Жузжоний, Эрон олими Али Асғар Ҳикматлар ҳам эътибор қаратиб, баъзи тадқиқотларни олиб бордилар². Аммо бу тадқиқотлар асос-эътибори билан ўзбек навоийшунослари ишлари даражасига кўтарилган эмас. Воқеан, ўзбек навоийшунослигининг бу даврда қўлга киритган ютуқлари ғоят салмоқли.

Шўро даврида адабий ва маданий меросни тадқиқ этишда ғоявий кураш тамойиллари ҳукмрон бўлиб келди. Шу сабабли тадқиқотчиларимиз адабиёт тарихини ёритишда унинг “социалистик дунёқараш”га тўғри келмайдиган томонларини четлаб ўтиш орқали ўқувчиларга “коммунист” шоир ва ижодкорларни тақдим этиб келишга мажбур эдилар. XV аср тарихий манбаларини ўрганиш билан шуғулланган олимлар Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотларга дуч келганларида уларнинг Бартолъд концепциясидан фарқ қилишига эътибор қаратдилар.

¹ Бертелъс Е.Э. Навои и Джами:Избр.труды.- М.: Наука,ГРВЛ, 1965. Шарафиддинов О. Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди.-Т.: Ўздавнашр,1948.Возлюбленный сердце (Алишер Навоий. Махбуб ул-кулуб).Сводный текст Кононова А.Н./Отв.ред.С.Е.Малов.-М.-Л.,Изд.АН СССР,1948. Якубовский А.Ю. Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои/Сб.Алишер Навои.-М.-Л.,1946. Семенов А.А. Персидская новелла о Мир Алишере Навои. Бюллетень СаГУ. Выпуск 13, 1926. Салъе М. Книга благородных качеств и её автор // Сб. ст.”Родоначалъник узб. литературы.-Т.: Изд.Узб.фил.АН СССР. Боровков А.К. Изучение жизни и творчества Алишера Навои/Сб.ст.”Родоначалъник узб. литературы. - Т.:Изд.Узб.фил.АН СССР.- С.11-29. Яна: Навои и Джами в народном предании. Изв.АН СССР,Отд лит.и языка.Том VI. Выпуск,6.1947.-С.422-484. Болдырев А.Н. Мемуары Васифи как источник для изучения жизни Средней Азии и Хорасана на рубеже XV-XVI вв / ТОВЭ, т2.-Л.,1939.-С.291-300. Яна: Очерки из жизни гератского общества на рубеже XV-XVI вв// ТОВЭ, т. IV, 1947.-С.313-422. Саъдий А.Навоий ижодиёти ўзбек классик адабиёти тараққийотининг юксак босқичи сифатида: Фил.фанлари доктори.... дис. Уч томлик.-Т.,1940-1945. Ойбек. Навоий гулшани. -Т.:Тошкент, 1967. Айни С. Навои: Куллиёт. Дар 15 чилд.-Душанбе:НашдавТоч.,1963.-Чилди 2. Китоби 1. В.Зоҳидов Навоийнинг дунёқарашини. Докторлик диссертацияси. Тошкент, 1948. В.Абдуллаев Навоийнинг Самарқанддаги фаолиятига доир. Канд. диссертацияси.Тошкент,1948. Шайхзода М. Гениал шоир (Навоий ижодининг баъзи масалалари).-Тошкент,1941.

² Koprulu M.Cagatay edebiyati.”Islam ansklopedisi,3 Cilt,24 cuz,Istanbul,Maarif matbaasi,1945.-Б.270-323;Kopruluzade M.F. Turk dili ve edebiyati hakkinda arastirmalar/Istanbul,Kanaat Kitabevi,1934;Agah Sirri Levend. Ali Sir Nevai (I-IV). Ankara,1965-1968;Яна: Arap,fors ve turk edebiyatlarinda Leyla ve Mecnun hikayasi,Ankara,1959; Девони Султон Ҳусайн Мирзо ва энзимомини рисолаи ў/Ба муқобала ва тасҳиҳи Муҳаммад Яъқуб Воҳид Жузжоний. Кобул,1346; Али Асғар Ҳикмат. Алишер Навоий.-Техрон, 1945.

Тузум манфаатларига мослаштирилган бундай бирёқлама таълимот кўпчилик ўзбек зиёлилари, адабиётшуносларнинг норозилигига сабаб бўлмаган дейиш қийин. Улар ошкора чиқишга журъат этмасаларда, баъзи рус шарқшунослари воситасида айрим қарашларга зарба берганлар. Бунга мисол қилиб, Е.Бертелъснинг Бартолъд концепциясига қарши чиқмаган ҳолда унинг асосий тамойилларини ич-ичдан емиришга олиб келишга қаратилган муҳим илмий тадқиқотларини кўрсатиш мумкин. А.А. Семенов “Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Мирзо муносабатларига доир” номли мақоласида ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида мавжуд бўлган султон ва шоир ўртасидаги муносабатларни кейинги асрларда Россия шароитида маълум бўлган “Шоҳ ва Пушкин” муносабатлари билан тенглаштиришни жиддий қоралайди¹. Бироқ шу билан бирга, Семеновнинг ўзи ҳам ҳиссиётга берилиб кетиб, Навоий ва Бойқаро муносабатларида вақти-вақти билан юз бериб турган келишмовчилик, совуқчиликларни назардан қочирган. Шу билан бирга, Навоийнинг насл-насаби масалаларида ҳам хатога йўл қўйган.

Шу тариқа адабиётнинг мезон ва йўналишини белгиловчи ҳукмрон мафкуранинг “ғаши”га тегмасдан айрим манбалардаги маълумотларни илмий истеъмолга киритиш, имкон қадар тарихий холисликни таъминлаш ҳаракати бошланди. М.Т. Ойбек, В.Абдуллаев, В.Зоҳидов, И.Султон, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров каби навоийшунослар Навоий таржимаи ҳолини янада бойитиш ишларига катта ҳисса қўшдилар.

Ўзбек олимларининг улуғ шоир лирикаси ва дostonлари, бадий маҳорати ва ижодий методи, сатираси, аъналаривановаторликжиҳатлари, дунёқараши ва фалсафаси, ижодида муҳим ўрин тутган халқ оғзаки ижоди ва адабиётлараро ўзаро таъсир масалалари бўйича олиб борган чуқур илмий тадқиқотлари навоийшуносликнинг алоҳида илмий йўналиш даражасига кўтарилишига хизмат қилди. Бу ўринда П.Шамсиев, Н.Маллаев, В.Зоҳидов, И.Султон, А.Қаюмов, С. Ғаниева, Ҳ.Сулаймон, А.Рустамов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Б.Валихўжаев, Ё. Исҳоқов, И. Ҳаққулов, Н.Комилов, Р. Воҳидов, М. Ҳакимов, М. Ҳамидова, С.Эркинов, Ш.Шарипов, Л.Зоҳидов асарларини алоҳида қайд этмоқ ўринлидир. Тожик олимларидан А.Мирзоев, Р.Мусулмонқулов, А.Афсаҳзод, Э.Шодиев, туркман олимларидан Б.Карриев, М.Косаев, К.Боржанова, К.Огалыев, озар олимларидан Ҳ.Орасли, Ж.Нагиева, рус олимларидан И.В.Стеблева, С.Иванов ва яна бир қатор шарқшунослар Навоий ижодини ўрганишга катта ҳисса қўшдилар.

Охирги ярим аср давомида олимларимиз, асосан, Навоий ижодий меросини юзага чиқариш ва унинг таҳлили билан шуғулланиб келдилар. Зотан, улуғ шоир ижодини тўплаш, танқидий матнларни тайёрлаш, чоп этиш ниҳоят масъулиятли ва мураккаб иш бўлиб, унинг адоси йиллар меҳнат қилишни тақозо этиши муқаррар эди. Бундан ташқари, унинг ижодини тўлиқ ўрганиб чиқмасдан туриб, улуғ давлат арбоби ҳаётининг нозик, яширин томонларини, серқирра умрининг “майда-чуйда” тафсилотларини, даврий кайфияти ҳақида тасаввур уйғотадиган лаҳзаларни фақат тарихий манбалардаги қуруқ ва яланғоч маълумотларга суяниб рўёбга чиқариш амри маҳол эди.

Алишер Навоийнинг бой адабий мероси ҳар тарафлама ўрганилар экан, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳам назардан қочирилмай, турли характердаги манбалар ва янги топилмалар асосида унинг таржимаи ҳоли тўлдириб борилди. Олимларнинг улуғ шоир ҳаётига бағишланган, алоҳида илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган катта-кичик тадқиқотлари юзага келди². Жумладан, П.Шамсиев томонидан таржима қилинган ва нашр этилган

¹ Семенов А.А. Взаимоотношения Алишера Навои и Султона Хусейн Мирзы. //Сб. исследований по истории народов Востока. М.-Л., 1960, стр. 238.

² Абдуллаев В. Навоий Самарқандда. -Т.:Ф.Фуллом, 1968; Айнй С. Восифй ва хулосаи”Бадоеъ ул-вақоеъ”и ў -Душанбе:Ирфон,1985; Ойбек. Навоий гулшани. -Т.:Тошкент, 1967;Султон Иззат. Навоийнинг калб дафтари.-Т.:Ф.

Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ”, “Жомий ва Навоий”, Б. Аҳмедовнинг Хондамирнинг тарихий асарларидан таржималари асосида чоп этган “Навоий замондошлари хотирасида”, А.Болдыревнинг Зайниддин Восифий қаламига мансуб “Бадоеъ ул-вақоеъ” асаридаги маълумотлар асосида чоп этган “Навои в рассказах современников”, Наим Норкуловнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”нинг А. Болдырев тузган танқидий матнидан қилган таржималари ҳамда А.Ўринбоев ва М. Ҳасановларнинг мактублар асосида нашр этган “Навоий замондошлари мактубларида” тўплами ўқувчиларнинг Навоий ҳаёти ва фаолияти ҳақида объектив маълумот олишларига катта имконият яратди. Айниқса, А.Ўринбоевнинг рус тилида чоп этилган “Письма-автографы Абдар-рахмана Джами из альбома Навои” китоби бу даврда яратилган муҳим тадқиқотдир. Унда Жомийнинг Навоийга юборган 337 та хати рус тилига таржима этилиб, ҳар бир хатга махсус изоҳлар берилганки, Навоий ҳаёти ва фаолиятига тааллуқли мавжуд илмий тадқиқотларнинг ҳолати, ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб турувчи ҳамда манбалардаги бир қанча янги маълумотлар, тафсилотларни илмий таомилга киргизган ўзига хос тўплам сифатида катта аҳамиятга эгадир¹. Бу даврда, айниқса, И.Султон томонидан ёзилган “Навоийнинг қалб дафтари” китоби улуғ шоир ҳаётини унинг ўз эътирофларидан келиб чиқиб яна ҳам тўлароқ тасаввур этишда қўшимча қўлланмага айланди. Айни пайтда Мусо Ойбекнинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-танқидий тадқиқотлари, роман ва повести, Суйима Ғаниевнинг “Алишер Навоий”, Азиз Қаюмовнинг “Алишер Навоий” китоблари Навоийнинг мураккаб ҳаётида юз берган

Ғулом,1969; Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ. /П. Шамсиев таржимаси.- Т.:Ўздавнашр, 1948; Ҳусайний Атоуллоҳ. Бадоеъ ус-саноеъ. /Форсчадан А.Рустамов таржимаси.-Т.: Ғ.Ғулом, 1981; Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий:Тўплам./Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев.-Т.:Фан,1966; Навоий ва адабий таъсир масалалари:Тўплам./ Тузувчи ва масъ. муҳар.С.Ғаниева, А.Абдуғафуров.-Т.:Фан, 1968; Аҳмедов Б. Давлатшоҳ Самарқандий. -Т.: Фан,1967; Яна: Амир Темурни ёд этиб.-Т.:Ўзбекистон,1996; Яна: Хондамир.- Т.:Фан, 1965.. Болдырев А.Н. Навои рассказах современников.-М.-Л., 1966; Валихўжаев Б. Хўжа Аҳрори Вали.-Самарқанд: Зарафшон,1993; Яна:Хўжа Аҳрор тарихи.-Т.:Ёзувчи,1994; Яна:Ўзбек адабиётшунослиги тарихи.-Т.: Ўзбекистон,1993; Яна: Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари / Мулоқот.-1991.-№2.- Б.23-31. Навоий замондошлари хотирасида. / Тузувчи Б.Аҳмедов.-Т.:Ғ.Ғулом, 1985. Письма-автографы Абд ар-рахмана Джами из “Альбома Навои”/ Введ.,перевод и указ. А.Уринбаева.-Т.:Фан, 1982. Сафӣ Фахриддин Али. Латоиф ут-тавоиф./Тартиб деҳанда Ў. Саидов.-Душанбе:Ирфон,1968. Ҳасанхожа Нисорий. Музаққир ахбоб /Форс тилидан И.Бекжон тарж.-Т.:Халқ мероси, 1993. Вохидов Р. Сухайлий.-Т.:Фан,1976. Яна: XV асрнинг иккинчи ярми, XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърляти.-Т.:Фан,1983. Яна: Вохидов Р. “Мажолис ун-нафоис”нинг таржималари.-Т.: Фан,1984. Яна: Навоийнинг икки дурдонаси.-Т.: Фан, 1992. Маллаев Н. Алишер Навоий халқ ижодиёти.-Т.: Ғ.Ғулом,1974. Ўринбоев А., Ҳасанов М. Навоий замондошлари мактубларида.-Т.:Фан,1990. Қаюмов А. Нодир саҳифалар.-Т.:Фан,1991. Яна: Алишер Навоий.-Т.: Камалак,1991. Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати.-Тошкент,1979. Ғаниева С. Алишер Навоий.-Тошкент: Фан, 1968. Ҳайитметов А. Навоий даҳоси.-Тошкент:Ғ.Ғулом, 1970. Ҳакимов М. Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. Т.:Фан,1979. Яна: Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар.-Т.: Фан,1991. Яна: Алишер Навоий ва халқ оғзаки ижодиёти проблемасининг кўйилишига доир//Адабий мерос.-1978.-№11.-Б.99-107. Ҳасанов Б. Алишер Навоийнинг “Сабыат абхур”луғати. Абдуғафуров А. Навоийга Ҳусайн Бойқаронинг мактуб-ёрлиги. // Шарқ юлдузи.- 1973.-№ 1.-Б. 225-232 . Исҳоқов Ё. Навоий таҳаллусли шоирлар//Фан ва турмуш.-1984.-№ 9.-Б.14-15. Каримов У. Навоийнинг сўнги кунлари.// “Сирли олам”/ -Тошкент,1986.-Б. 11-18. Ҳайитметов А. Навоий ҳақида янги маълумотлар.// Шарқ юлдузи.- 1972.-№ 9.-Б. 183-188. Яна: Алишер Навоийнинг форсий мактублари ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти.- 1974.-№ 1.-Б. 9-13. Яна:Алишер Навоий ҳақида янги маълумотлар//Ҳаётбахш чашма.Тошкент,1974. Мусулмонкулов Р. Навоий ва Атоуллоҳ муносабатлари. //Ўзбек тили ва адабиёти.-1975.-№ 1.-Б. 49-52. Яна: Навоий ва Атоуллоҳ.//Ўзбек тили ва адабиёти.- 1971.-№ 3. -Б. 40-42. Ўринбоев А. Навоийга илтимономалар.//Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- 1983.- 4 февраль. Яна: Ноёб мактублар. // Гулистон.- 1971.-№ 12.-Б. Яна: Навоий биографиясига оид икки хужжат. // Адабий мерос.-1982.-№ 2.-Б. 57 - 62. Ғаниева С. Навоий биографиясига оид бир хужжат.// Ўзбек тили ва адабиёти.- 1981.-№ 1.-Б. 32 - 38. Яна: “Муншаот”да даврнинг баъзи ижтимоий-сиёсий масалалари.// Ўзбек тили ва адабиёти.-1975.-№ 1.-Б.11-15. Яна:”Мажолис ун - нафоис”нинг форсий таржимасидаги баъзи иловалар ҳақида.// Ўзбек тили ва адабиёти.-1964.-№ 2.-Б. 64 - 68. Яна: Очилмаган саҳифа // Шарқ юлдузи.-1967.-№ 1.-Б.189-198 .Биз мазкур тадқиқотда фақат мавзуга тааллуқли ишлар шарҳи билан чегараланамиз.

¹ Письма-автографы Абд ар-рахмана Джами из “Альбома Навои” /Введ., перевод и указ. А.Уринбаева. -Т.: Фан, 1982.

воқеа-ҳодисаларнинг кетма-кетлиги ва мантиқий ривожини қайта мулоҳаза қилишга имкон яратди.

3. Муаммонинг қўйилиши ва тадқиқот мақсад-вазифаси

Мустақиллик шарофати билан илм-фанмиз эркин нафас ола бошлади. Тафаккуримиз янгича қарашлар билан бойиди. Ўтмишдаги алломаларимизнинг ҳаёти, илмий-адабий мероси холис ва чуқур ўрганилди ҳамда ўрганилмоқда. Мустақиллик йилларида навоийшунослик ҳам кўзга кўринарли ютуқларга эришди. Мустабид тузум даврида манъ этилган мавзулар, жумладан, улуғ шоир ижодидаги қуръоний асослар, суфиёна дунёқараш масалаларида бир қанча тадқиқотлар яратилди. Дастлабки салмоқли ишлар сифатида Н. Комилов, И.Ҳаққулов, Ҳ. Кароматов ва бошқаларнинг тадқиқотларини мисол келтириш мумкин. Камина ҳам 1991 йилда XIX аср ўзбек шоирлари ижодида Алишер Навоий анъаналари мавзусида ёзган номзодлик диссертациям дастлабки диний мавзудаги шеърят таҳлили эди. Шу даврдан эътиборан Навоий лирикаси, эпик меросини янгича қарашлар асосида қайта нигоҳдан ўтказиш ҳаракатлари бошланди. Катта-кичик юзлаб рисола ва мақолалар нашр этилди.

“Ўтмишга қараб иш тутиш хайрли” деган улуғ ҳикмат бор. XX аср ўзбек халқи тарихидаги энг мураккаб ва зиддиятли даврлардан бири сифатида мангуга нақшланди. Янги аср бўсағасида навоийшунослик тарихининг ўтган бир асрлик даврини холис баҳолаш ва ўтган давр сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб келажакдаги асосий йўналишларни белгилаб олиш кун тартибига чиқди.

Шу нуқтайи назардан бугунги кунда Навоий даври манбаларининг қиёсий таҳлилинини амалга ошириш улуғ шоиримизнинг мураккаб ҳаёти тафсилотларининг турли талқинларига чек қўйиш йўлидаги дастлабки қадам сифатида баҳоланиши мумкин.

Алишер Навоий сиймоси 550 йил давомида турли талқинларга дуч келди. XV асрнинг иккинчи ярмидан ҳозирги кунларимизгача яратилган асарлардаги Навоий борасида маълумотлар ўзаро қиёсан ўрганиб чиқилиши натижасида Навоий ҳаёти талқинини икки катта босқичга бўлиш мумкин

Биринчи босқич шоирнинг ўз замонидан тортиб XX асргача бўлиб, ўз навбатида уч йўналишга бўлинади.

Биринчиси асосий талқин бўлиб, Навоий замонида яратилган манбалардаги маълумотлар асосида вужудга келгандир. Кўпгина асарлар муаллифлари улуғ давлат арбоби билан шахсан таниш ижодкорлар бўлиб, улар қолдирган маълумотлар илк манбалар сифатида биз учун ниҳоят қимматлидир. Мазкур илк манбаларнинг муаллифлари жумладан, Абдураззоқ Самарқандий, Абдурахмон Жомий, Мирхонд, Хондамир, Муъиниддин Исфизорий, Давлатшоҳ Самарқандий, Фахрий Ҳиротий, Зайниддин Восифий ва яна ўнлаб олимлар бевосита Навоий мажлисларида иштирок этганлар ва табиийки, энг муҳим маълумотлар уларга тегишлидир.

Шундай адиблар ҳам борки, Навоий тириклик пайтида ёш бўлганликлари жиҳатидан салмоқли асар ярата олмаган эсалар-да, аммо унинг тарбиясини кўриб, суҳбатларида иштирок этишган. Бу омил уларнинг етук олим бўлиб етишишларига сабаб бўлган. Шу боис уларнинг кейинчалик яратган асарларида Алишер Навоийга буюк эътиқод ҳисси уфуриб туради.

Иккинчи йўналиш талқинлари - асосий, илк манбаларни умумлаштирган талқинлар.

XV асрнинг иккинчи ярми Ҳирот илмий-адабий муҳитида яратилган тарихий асарлар, тазкиралар ва эсдалик характеридаги воқеаномаларда келтирилган Навоий ҳақидаги маълумотлар уни доно ва саховатпеша, илм-фан ривожини учун беҳисоб мол-дунёсини сарф этган буюк ҳомий сифатида атроф минтақаларда машҳур қилиб юборди. XVI-XIX асрларда Марказий Осиё, Эрон, Ҳиндистон, Озарбайжон, Афғонистон, Фарбий Хитой ва Волгабўйи туркий халқлари томонидан яратилган юзлаб тазкираларда Алишер Навоий илм-фан ҳомийси сифатида юксак ҳурмат билан эътироф этилган. Ҳар бир тазкира тузишга киришган олим Алишер Навоийга махсус тўхталишни фахр деб била бошлади. Ушбу умумлашма талқин муаллифлари, асосан, ўз қўл остидаги маълумотларни умумлаштириб бериш билан кифояланганлар.

Учинчи йўналиш талқинлари тўқима (компилятив) талқинлар. Биз ўз ишимизда ушбу иккиламчи манбаларни компилятив, яъни кўчирма талқин деб номладик. Бундай талқинлар асосан кейинги асрларга тааллуқли. Кўпчилик муаллифлар Амир Алишер ҳақида янги гап айтиш илминда халқ ривоятлари орқали етиб келган, текширилмаган аммо халқ орасида оғиздан оғизга ўтиб юрган Навоий ҳақидаги маълумотларни ҳам ўз асарларида зикр этганлар. Йиллар ўтиши мобайнида, тазкиранависларнинг турли савиядаги иқтидори, дунёқараши, мақсадли ёндашуви оқибатида Навоий ҳақидаги маълумотлар шунчалик ўзгаришга учрадики, китобхон қайси маълумотлар асл ва қай бири сохта эканлигини ажрата олишга заифлик қилиб қолди. Турлича талқинлар вақт ўтиши билан Навоий ҳақидаги бир-бирига зид, кўп ҳолларда, нотўғри маълумотларнинг оммалашувига ва илк манбалардаги маълумотлардан узоқлашувга олиб келди. Баъзан илк манбадаги маълумот кейинги давр “гибрид” маълумоти билан омухталашиб, янги яратилган асарларда янада янгича кўриниш касб эта бошлади.

Кейинги, иккинчи босқич талқинлари - XX асрда яратилган илмий тадқиқотларда учрайди. Кам сонли илк давр манбаларини ҳар доим ҳам топиш қийин бўлгани, иккинчи тарафдан олимларимизнинг янги маълумотларни эълон қилиш илминда текшириб кўрмасдан турли даврларда яратилган қўлёзмалардаги ясама маълумотларни ҳақиқат деб кўрсатишга интилиши шоир ҳаёти ва фаолияти, шахсияти масалаларида кўпдан-кўп баҳсларнинг туғилишига сабаб бўлди.

Алишер Навоий ҳаётига оид манбаларни ўрганиш борасида катта ишлар қилинганини эътироф этиш билан бирга, ҳали бу соҳада бажарилиши лозим бўлган ишлар кўплигини айтиш лозим. Чунончи Навоий даври манбаларидаги маълумотлар таништирув сифатидаги баён характерида эга бўлиб, кўпчилик ҳолларда, ўзаро қиёсланиб танқидий ўрганилмаган. Маълумки, XVI-XIX асрларда юзлаб ёзма манбалар, жумладан, тарихий, илмий, тазкира-эсдалик асарлари яратилди. Улар ўзаро солиштирилиб, улуғ шоир ҳақидаги маълумотлар бир тизимга келтирилмаган. XX асргача яратилган асарларда Навоий ҳақидаги илк маълумотларнинг акс этиш даражаси, асл маълумотлар билан орада пайдо бўлган тафовутларнинг моҳияти ва генезиси умуман аниқланмаган.

Мухтасар қилиб айтганда, мазкур тадқиқотнинг бош мақсади XV асрнинг II ярми XVI асрнинг бошларида яратилган қўлёзма манбаларидаги Алишер Навоийга оид маълумотларнинг асл ҳолатини ўрганиш, уларни қиёсий типологик-текстологик таҳлилдан ўтказиш ва XX асргача бўлган даврда яратилган манбалардаги маълумотларнинг илк маълумотлардан тафовут қилиш даражасини аниқлаш, шунингдек, Навоий биобиблиографиясини тиклаш йўлида янги манба ва маълумотларни илмий таомилга киргизишдан иборатдир.

Навоий даври манбаларидаги маълумотларни қиёсий типологик-текстологик жиҳатдан ўрганиш бир томондан, маълумотларнинг асл ва тўқима томонларини аниқласа, иккинчи томондан, Навоий ҳаёти ва фаолиятининг ёритилиш даражаси, муаллифларнинг услубий ўзига хосликларини кўрсатиб беради.

Худди шу жараёнда илк маълумотларни XVI-XIX асрларда яратилган манбалардаги маълумотлар билан типологик-текстологик жиҳатдан қиёслаб бориш, уларнинг асримизгача ўзгаришга учраб келиш сабаблари ва йўлларини аниқлаб беришга имкон яратади. Кейинги даврлар манбалари муаллифларининг Навоий ҳаёти ва фаолиятининг қайси жиҳатлари кўпроқ қизиқтирганлигини ва бу эса, ўз навбатида, уларнинг Навоий шахсиятига бўлган индивидуал ва субъектив қарашлари моҳиятини очиб беради.

Алишер Навоийга бағишланган мадҳиялар ҳам шоирнинг ҳаётини позициясини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Мадрҳиялар, кўпгина ҳолларда ўша давр илмий адабиётларида қайд этилган. Мазкур мадрҳларни ўрганиб чиқиш бир томондан бизга Алишер Навоийнинг “Вақфия” асарида ўзининг илм-фан, ободончилик, хайру-саховат йўлида қилган ишлари ҳақида ёзиб қолдирган эътирофини, иккинчи томондан, тарихий манбалардаги маълумотларни тасдиқласа ва шу билан бирга, Алишер Навоий ҳақидаги библиографик маълумотларни йиғиш доирасига илмий адабиётлардаги мадрҳияларни ҳам қўшиш лозимлигини кўрсатади. Навоийга аталган мадрҳиялар сирасига дostonлар ва маснавийларда у ёки бу муносабат билан Навоийга бағишлаб ўтилган гўзал фард ва қитъалар, катта ҳажмдаги шеърий асарлар, баъзи ҳолларда эса ҳажм жиҳатидан қасидадан қолишмайдиган шеърий парчалар ҳам киришини эслатиб ўтишимиз лозим бўлади. Камина 1993 йилда нашр этган “Навоий замондошлари эътирофида” рисоласида улар кенг таҳлил этилган бўлиб, унда Алишер Навоий сиймоси ва хулқ-атвори, фазилатларининг шеърий талқинига етарлича эътибор қаратилган.

Хулоса шуки, ҳалигача улуг адиб библиографияси тўлиқ ўрганилмаган. Бу жиҳат Алишер Навоий ҳақидаги манбаларни тўплаб, уларни қиёсий-типологик таҳлил этиш ўзбек навоийшунослигининг долзарб масаласи эканлигини кўрсатади. Зотан, И. А. Каримов айтганидек, “Биз маънавий кадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз”¹.

Ишда бош мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни бажаришга ҳаракат қилдик:

1. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти ёритилган манбаларни хронологик тартибда ўрганиб чиқиш ва улардаги маълумотларнинг асл ҳолатини тадқиқ этиш.

2. Манбаларни жанрий хусусиятларига кўра гуруҳлаштириб, улардаги маълумотларни тасниф этиш ва мавжуд маълумотларнинг белгилари асосида Навоий таржимаи ҳолининг асосий чизгиларини аниқлаш.

3. Асосий чизгилар атрофида ҳосил қилинган типологик умумлашмалар негизида илк маълумотларни қиёсий таҳлилдан ўтказиш.

4. Алишер Навоийнинг ўз давридан XX асргача яратилган ёзма манбаларда улуг мутафаккир ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотларнинг ўзгариш даражасини аниқлаш ва асл маълумотларни ўтмиш давр бадиий тўқималари ва тарихий чалкашликлардан тозалаш.

5. Шўро даври навоийшунослигида тўғри ёритилган талқин қирраларини тафсилотлар билан бойитиш ва нотўғри изоҳланган маълумотларга муносабат билдириш .

¹ И.Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.:Ўзбекистон,1997,137-бет.

6. Навоий ҳаёти билан боғлиқ бугунги кунгача эътибордан четда қолиб келаётган маълумотларни ёритиш.

4. Китобнинг тузилиши

Монография анъанавий қолипларга ижодий ёндашилган структурага эга. Асосий боблардаги кузатишлар мақсад ва вазифадан келиб чиққан ҳолда икки йўналишда олиб борилди. Маълумотлар, улар жой олган асарларнинг жанрий хусусиятларига кўра эмас, балки Навоий таржимаи ҳолининг асосий чизгилари атрофида гуруҳлаштирилган ҳолда қиёсий типологик-текстологик таҳлил этилди. Бу услуб Навоийнинг бизга маълум таржимаи ҳолини ташкил этган асл маълумотларнинг XX асргача бўлган даврий кўринишлари, ўзгарув даражасини аниқлаб олишга имконият яратди. Иккинчи йўналишда эса, маълумот муаллифларининг Навоий шахсиятига ёндашуви масаласини ўрганиш учун маълумотларнинг руҳияти, йўналишига диққат қилинди. Бу муаллифларнинг Навоий шахсига муносабат тамойиллари, талқин услуби асослари ва унинг шаклларини ўрганишда бир мунча қулайликлар туғдирди.

Биринчи боб маълумотларнинг ўзаро қиёсий типологик-текстологик таҳлили ва уларнинг XX асргача бўлган даврда яратилган манбаларда учраш тарзи, содир бўлган ўзгарув даражасини аниқлашга бағишланди.

Маълумотлар бир неча қисмларга-Навоий ҳаётининг даврлари бўйича таснифлаштирилиб ўрганилади. Бунда Навоийнинг насаби, ёшлиги, устозлари, йигитлик даври, хулқ-атвори, саройдаги хизмат даври, мол-мулки, хайрия амаллари, ижоди ва умрининг охириги йилларига доир ўринларга алоҳида эътибор қаратилиши ўқувчида илк манбалардаги маълумотлар ўртасидаги фарқ ва умумийлик ҳамда кейинги даврлардаги ўзгариш жараёнини осон ва аниқ тасаввур этишига имкон яратади. Мазкур бобда Навоий ва унинг замондошлари ўртасида содир бўлган воқеаларни таҳлил қилишда манбаларда берилган ҳикоя ва нақллардан фойдаланилди. Бунда ҳам илк манбалардаги ҳикоя ва нақлларнинг кейинги даврлардаги ўзгариш ҳолатига эътибор қаратилди.

Иккинчи бобда Алишер Навоийнинг сарой хизмати даври тафсилотлари кўриб чиқилди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ зарурки, бу бобда XX аср навоийшуносларининг тадқиқотларидаги айрим ўринларга муносабат билдиришга тўғри келди.

Учинчи бобда Навоий ва унинг замондошлари ўртасидаги муносабатлар очиб берилди. Маълумки, замонавий навоийшуносликда шоирнинг Маждиддин Муҳаммад, Низомулмулк каби вазирлар билан муносабатлари етарли даражада ёритилмаган. Навоийнинг Султон Хусайн Бойқаро билан муносабатлари ҳақида етарли тадқиқотлар эълон қилинган бўлса-да, уларнинг хронологик тартибини аниқлаш ва айрим ноаниқ жиҳатларига ойдинлик киритишга ҳаракат қилинди.

Иловаларда XV асрнинг иккинчи ярми XVI асрнинг биринчи ярмида яратилган Навоий ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги илк маълумотларни берувчи қўлёзма манбалар ва маълумотларнинг таснифи ҳамда тавсифи келтирилди. Алишер билан ҳамсуҳбат ва мулоқотда бўлган ёки Навоий билан учрашмаган бўлсада, ўша даврда яшаб, маълум бир манбалар асосида у ҳақда маълумот келтирган муаллифларнинг кўрсатмалари остида Алишер Навоийга доир илк қарашлар кўриб чиқилади.

Маълумотларнинг манбалардан айнан келтирилганлиги ўқувчида Навоийга доир маълумотлар савияси ва қўламини аниқ тасаввур этишга ёрдам беради.

5. Муаллиф миннатдорчилиги изҳори

Ушбу тадқиқот 1991-1995 йилларда амалга оширилиб, 1998 йил Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёмалар институтида докторлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилинган эди. Уни юзага чиқаришда устозларим филология фанлари докторлари, академиклар Ботирхон Валихўжаев ва Азизхон Қаюмов кўрсатган жиддий эътибор ва оталарча ғамхўрликни бир умр унутмайман ва улар қаршисида таъзим қиламан.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти илмий ходимлари, хусусан, Маҳмуд Ҳасаний, Исмоил Бекжон ва Қўлёмалар илмий-тадқиқот институти етакчи илмий ходимлари: Муҳаммаджон Ҳакимов, Фозила Сулаймонова, Насимхон Раҳмонов, Қосимжон Содиков, Ҳамидулла Дадабоев, Мавжуда Ҳамидоваларнинг ўз ўрнида дўстона қўллаб-қувватлаганликлари учун ҳамиша миннатдорман.

Таниқли навоийшунос олимлар, академик Алибек Рустамов, профессорлар Суйима Ғаниева, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққулов, Раҳимжон Воҳидовларга ушбу тадқиқотни синчиклаб ўқиб, ютуқ ва камчиликлари юзасидан билдирган самимий фикр-мулоҳазалари учун ўзимни қарздор ҳисоблайман.

Самарқанд давлат университети ўзбек адабиёти тарихи кафедраси профессорлари Раҳмонқул Орзибеков ва Муслиҳиддин Муҳиддиновларга ҳамиша менга далда бўлиб, қўллаб-қувватлаганликлари учун ташаккур билдираман.

Ва ниҳоят, ушбу тадқиқотни чоп этишда катта хизмат кўрсатган таниқли журналист Маҳмуд Саъдийга алоҳида раҳмат айтишни бурчим деб биламан.

І БОБ. НАВОЙГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ЎЗARO ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИК-ТЕКСТОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

ОИЛАСИ

Алишер Навоийнинг ўзи уруғ-аймоғи ҳақида деярли маълумот қолдирмаган. Фақат тоғалари Мир Саид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибий ҳамда укаси Дарвишали ҳақида “Мажолис”да бир оз тўхталади, у ҳам бўлса, тазкира талаби нуқтайи назардан жуда қисқа берилган¹. Отаси ҳақида эса мавзу талаб қилган жойда бироз гапиришга мажбур бўлган жойлари мавжуд. Масалан, “Мажолис”да Мир Шоҳий номли шоир жасади Астрободдан ватани Сабзаворга олиб келинган пайтда унинг отаси бу ерда ҳукумат ишларига бошчилик қилиб турганлигини айтиб ўтади². Унинг қанча пайт ҳокимлик қилгани ва Алишерлар оиласининг Сабзавордаги ҳаёти ҳақида бошқа маълумот келтирмаган. “Бадоеъ ул-бидоя”да “отам бу остон хокбези, онам ҳам бу саро бўстон канизини”,- деб уларнинг темурийлар хонадони хизматида бўлганликларини камтарона таъкидлаб ўтган³. “Вақфия” асарида “бу хоксорнинг ота-бобоси ул ҳазратнинг (Султон Ҳусайн Бойқаронинг-Ш.С.) або ва аждоди хизматлаъридаким ҳар бири салтанат конининг гавҳари ва шужоат бешасининг ғазанфари эрдилар-улуғ маротибға сазовор ва бийик маносибға комгор бўлгон эрдилар”,- дея⁴ ўзининг насл-насабига ишора этган. Аммо негадир бирон бир асарида ота-онаси ҳақида аниқ маълумот қолдирмаган. Ҳатто уларнинг номини ҳеч қаерда тилга олмайди. Тарихчи Абдураззоқ Самарқандий “Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида шундай ёзади: “...Амир Алишердирким, қадим замонлардан унинг мукаррам боболари ва аждоди олий амирлар қаторидан жой олган эдилар. Умаршайх Мирзо ибн Амир Темур даврида уларнинг ҳаёти лавҳига кўкалдошлик бахти эътибор қалами билан ёзиб қўйилган эди”⁵. Ушбу асар ҳижрий 872 (мил.1467-1468)-874 (1469-1470) йиллари орасида ёзиб тугатилган ва ҳижрий 875 (мил. 1470) йили муаллиф уни яна давом эттириб, ўша йилнинг сафар ойида (1470, август) рўй берган воқеаларни ҳам қўшган.⁶ Асарнинг навоийшунослик учун икки аҳамиятли жиҳати бор. Биринчидан, у Алишер Навоий номини тарихда биринчи бор ёзма қайд этган манба ҳисобланади. Шунинг учун унда акс этган Навоий ҳаётига алоқадор маълумотлар тарихий факт сифатида муҳим. Маълумотлар қисқача ахборот тарзида келтирилса ҳам улуғ мутафаккир ҳаётини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Иккинчидан, асар Навоий назорати остида яқунланган. Демак, Навоий ўзи ҳақидаги қайдларни кўрган. Маълумотнинг ниҳоятда қисқа берилишига қараганда, Навоийнинг ўзи шуни маъқул кўрган бўлиши мумкин. Балки, шунинг учун ҳам ўша давр манбаларида, айниқса, Навоийнинг яқин шогирди, муаррих Хондамирнинг барча тарихий асарларида улар деярли айнан такрорланиб, ортиқча тафсилот билан бойитишга журъат этилмагандир.

Давлатшоҳ Самарқандий ҳам негадир ўз тазкирасида Навоийнинг отаси тўғрисида жуда қисқа тўхталади. “Навоийнинг отаси Абулқосим Бобурнинг ишончли кишиси - Чиғатой

¹ Алишер Навоий. Мажолис ун нафоис: Асарлар. 15 томлик. /Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева.-Т.:Ф. Ғулом, 1966.- XII жилд, 66-120-бетлар.

² Алишер Навоий. Мажолис, 27- б.

³ Алишер Навоий. Бадоеъ ул-бидоя: Мукамал асарлар тўплами.- Т.: Фан, 1987. I жилд, 17-б.

⁴ Алишер Навоий. Вақфия: Асарлар.15 томлик.-Т.:Ф.Ғулом,1966. XIII жилд,166- бет.

⁵ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ,инв.№ 1825.331^а- вар.

⁶ Ўша қўлёзма, 331^а- вар.

улуси улуғларидан эди” дейиш билан кифояланади. Айни пайтда у Навоийнинг отаси ҳарбий бўлганини таъкидлаб ўтади¹.

Текширишлар натижасида Алишер Навоий даврида яратилган турли жанрларга мансуб асарларнинг бирортасида ҳам улуғ амирнинг отаси ҳақида етарли маълумот берилмаганига ишонч ҳосил қилдик. Шуниси таажжублики, Навоий вафотигача яратилган барча асарларда Навоийнинг отаси борасида юқоридаги маълумотларга қўшимча бўладиган факт йўқ. Ҳатто “Равзат ус-сафо” асарида ҳам учрамайди. Навоийнинг ўз аждоди борасида қолдирган мавҳум маълумотлари ва ҳатто кўкалдошлик манбаларини аниқ изоҳлаб кетмаганлиги унинг ниҳоятда камтарона йўл тутганлиги ва кибру ғурурга берилмаганлиги билан изоҳланар, балки.

1501 йилда Навоий вафот этади. Шундан кейинги давр манбаларида Навоий ҳақидаги қизиқарли маълумотларни кўриш мумкин. “Ҳабиб ус-сияр”да, биринчи марта Навоий отасининг исми тилга олинади. Жумладан, Мирзо Иброҳим томонидан² Абу Саъид Мирзо ҳузурига элчи юборилганда уларга ҳамроҳлик қилиш Амир Алишернинг отаси Ғиёсиддин Кичкинага топширилганлиги айтилади³.

Шуўринда олимларнинг улуғ амир хислатлари ва фаолиятига бағишланган Хондамирнинг махсус асари - “Макорим ул-ахлоқ” шоир вафотидан сўнг ёзилган деган фикрни яна бир бор мулоҳаза қилиб кўриш керакка ўхшайди. Чунки “Ҳабиб ус-сияр”да Навоийнинг отаси ҳақида қўшимча маълумот беришга журъат этган Хондамир “Макорим ул-ахлоқ”да ҳам эркин фикр юритиши мумкин эди. Лекин муаллиф Шоҳрух султон вафотидан сўнг Навоийнинг отаси бола-чақаси билан Шероз томонга олиб кетганлигини айта туриб, унинг номини тилга олмайди. Балки, “Макорим ул-ахлоқ” Навоий вафотидан олдин ёзила бошлагандир. Шунинг учун ҳам Хондамир асарда устози белгилаб берган чегаралардан чиқмагандир? Қизиғи шундаки, “Равзат ус-сафо”да ҳам Навоий отасининг номи тилга олинмаган. Бу асар Навоийнинг ўз назорати остида ёзилгани манбаларда тасдиқланган. Демак, Навоий онгли равишда ота-онаси ҳақидаги тафсилотларнинг берилишини хоҳламаган кўринади. Садриддин Айний ёзади: “Шоҳрух Мирзо салтанати давридаги катта амалдор ва донг чиқарган лашкарбошилар тарихий асарларда номма-ном қайд этилган. Агар Алишернинг отаси катта амалдорлар жумласидан бўлганда эди, у давр тарихчилари назаридан, хусусан, “Равзат ус-сафо” номли тарихий асарни ёзган Мирхонднинг назаридан четда қолмас эди”⁴.

Фахрий Ҳиротийнинг “Латоифнома”сида ёзилади: “Мирнинг таржимаи ҳолидан хабардор мўйсафид тарихчилар ватўғриси ўз дунё кўрганлар ўз асарларида шундай келтирадиларким, Мирга амирлик мансаби меросийдур. Унинг отаси Амир Кичкина султон Абу Саъиднинг хизматида эди (гап Абу Саъид Мирзо Хуросонни эгаллаган 1457-1458 йилдан кейинги давр ҳақида кетмоқда-Ш.С.). Гарчи муҳру мансаби бўлмаса ҳам катта ҳурматга эга эди. Она томонидан бобоси Амир Шайх Абу Саъид Чанг Мирзо Бойқаро хонадонидан амир ул-умаро

¹ Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. /Ба ҳиммати Муҳаммад Рамазоний.-Техрон, 1338 ҳ.-370- бет. В.Бартольд Давлатшоҳнинг маълумотини қуйидагича изоҳлайди: По словам Давлатшаха на службе у Бабура находился отец Мир Алишера, турок, но образованный человек, старавшийся дать возможность лучшее образование своему сыну (Мир Алишер и политическая жизнь, стр. 216). Бартольд Давлатшоҳ матнидаги “таркий”, яъни сипоҳий маъносида келаётган сўзни “туркий” деб ўқиган ва янглиш хулоса чиқарган.

² Мирзо Иброҳим б. Алауддава б. Бойсунғур б. Шоҳрух Мирзо ҳижрий 861 йили (1456-1457) бир муддат Ҳирот тахтига ўтиради ва Жаҳоншоҳ Туркманнинг сиқуви остида пойтахтни ташлаб чиқишга мажбур бўлади.

³ Ғиёсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр...:Кўлёмма.Ўз ФА ШИ, инв. № 2153.- IV жилд.- 570^а вар.

⁴ Айний С. Навои:Куллиёт.Дар 15 чилд.-Душанбе: НашдавТоч., 1963.-Чилди 2.Китоби1. Саҳ. 271.Аввало, шуни айтиш керакки, “Равзат ус-сафо”нинг VI жилдида Абулқосим Бобур даврига жуда ҳам кам ўрин ажратилган. Асосан, Абулқосим Бобурнинг охириги кунлари, вафоти ва ундан сўнг бошланган тахт талашилари ҳақида гапирилади. Бу пайтга келиб, Навоийнинг отаси ёши ўтган кекса амалдор бўлиб, бу тус-тўполонларда иштирок этмаган бўлиши мумкин.

эди. Мир ўн ёшлигидан Бобур Мирзо хизматида бўлиб, (султон) уни фарзандидек кўрарди. Мир замон султони (Хусайн Бойқаро) билан мактабда ҳамсухбат ва ҳамсабоқ эди. Улар қачон бошларига бахт қуши қўнса, бир-бирларини унутмасликка аҳду паймон боғлашган экан”¹. Фахрийнинг тазкираси Навоий вафотидан сўнг 1521-22 йилда яратилган. Тазкира муқаддимасидаги ишорасига қараганда, у мазкур маълумотларда кимгадир суянган. Балки, Фахрий бизга етиб келмаган қандайдир манбага асослангандир. Бу бизга қоронғи. Бироқ, унинг Навоий билан шахсан таниш бўлганлиги ва унинг мушоираларида қатнашганлиги унинг маълумотлари ишончли эканлигига шубҳа туғдирмайди. Шундай бўлса ҳам нега Навоийнинг она томонидан бобоси исмини кўрсатиб, ота томонига эътибор бермаганлиги таажжубланарли бўлиб турмоқда. Бу эса Хондамир асарларидаги маълумотлар руҳиятига мантиқан боғланмайди. Гап шундаки, Фахрий Абу Саъид Чангни Бойқаро хонадонидан амир ул-умаро эди, деб кўрсатар, унинг Навоийга она томондан бобо эканлигини таъкидлар эканми, Навоий ўзи эътироф этган “ота-отадин етти пуштға дегинча бу рафиъ дудмоннинг бойири бандаси ва бу васиъ остоннинг мавруси туғмаси, яъни бу хоназоданинг хонаводаси ва бу хонаводанинг хоназодаси”² деган мулоҳазага биноан ота томони аждодлари ҳақида ҳам, албатта, маълумот бериб ўтиши жоиз эди. Унинг йўқлиги Навоийнинг ота томонидан аждодлари ҳақида аниқ фикр юритишга имкон бермайди. Е.Э.Бертелъс ёзади: “Алишернинг бобоси Абу Саъид Чанг Бойқаронинг Қандаҳордаги қисқа даврли ҳукумати пайтида унинг девонида амир эди. Унинг ўғли, яъни Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Кичкина Мансурнинг кўкалдоши эди”³. Бироқ шу ўринда Ғиёсиддин Кичкинанинг айнан Мансур билан билан эмиқдош бўлганлиги ҳақидаги Бертелъс хулосаси тахмин эканлигини ҳам таъкидлаш зарур. Чунки фанга маълум Навоий даври манбаларининг бирортасида ҳам бу тарздаги маълумот учрамади.

Фахрийнинг Амир Кичкина ҳақидаги маълумотларидан икки муҳим хулоса чиқариш мумкин. Биринчиси, Фахрий бизга маълум манбаларнинг ичида биринчи бўлиб, Амир Кичкина Султон Абу Саъид Мирзо саройида хизмат қилганини ёзиб қолдирган. Бу гапларда жон бор. Абулқосим Бобур вафот этиб, Хуросонда тўс-тўполон бошланганда шаҳзодалар бирин-кетин тахтга ўтиришар ва сал ўтмай бири иккинчисининг сиқувига бардош бера олмасдан Ҳиротни ташлаб қочар эди. Шундай шароитда тахтни Мирзо Иброҳим эгаллайди. У Ҳирот тахтини сақлаб қолиш мақсадида ўз атрофига салтанат улуғларини йиғади ва Абу Саъид билан иттифоқ тузишга ҳаракат қилади. Буни Ҳирот салтанатининг обрўли арбобларидан бир нечасини султон Абу Саъид қошига юборишида кўрамиз. Элчилар Шайх Нуриддин ибн Баҳроуддин Умар, Шайх Шамсиддин Жомий ва Амир Бурҳониддин бўлиб, уларни кузатиб борувчи ҳамроҳ сифатида Алишернинг отаси Ғиёсиддин Кичкина тайинланади. Абу Саъид уларни иззат-икром билан қабул қилади ва кузатиб қўяди⁴. Демак, Абу Саъид Мирзо Ғиёсиддин Кичкина билан мулоқотда бўлган. Тарихий йилномалардан маълумки, ўша йилиёқ Абу Саъид Ҳиротни эгаллайди. Иккинчиси, “Ҳабиб ус-сияр”да Ғиёсиддиннинг амирлик даври ҳақида гапирила туриб, расмий оҳангда Ғиёсиддин Кичкина деб кўрсатилиши Фахрий маълумотлари билан бирлаштирилганда бу лақабнинг улуғловчи сифатга эга бўлганлигини кўрсатади. Хондамир маълумоти руҳидан келиб чиқадиган бўлсак, Фахрий тўғри айтган. Абу Саъид Абулқосим Бобур амалдорларидан бир қанчасини ўз саройида қолдирганида Ғиёсиддин

¹ Фахрий Ҳиротий. Латоифнома. Таржума-йи “Мажолис ун-нафоис”и Алишер Навоий/ Ба саъй ва эҳтимоми Али Асғар Ҳикмат.-Техрон,1323 х,-133- б.

² Алишер Навоий. Бадоеъ ул-бидоя, 17- б.

³ Бертелъс Е.Э. Навои и Джами:Избр.труды.- М.: Наука,ГРВЛ, 1965, стр.25.

⁴ Ҳабиб ус-сияр... :Кўлёмза.IV жилд, 570^а- вар.

Кичкинани ҳам ҳамсухбат сифатида қолдирган бўлиши эҳтимолга яқин. Кўриниб турганидек, юқоридаги маълумотлар Айний фикрини инкор этади. Зотан Шоҳрухнинг невараси Мирзо Иброҳим ўзи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифани фақат салтанатнинг энг ишончли кишисига топшириши мумкин эди. Шу ўринда Кичкина лақабининг келиб чиқиши ҳақида мантиқий фараз қилиб кўриш мумкин. Навоий даври тарихий асарлари, жумладан, “Матлаъи саъдайн” ва “Равзат ус-сафо” каби энг салмоқли тарихий асарларда асосий урғу “Навоийнинг бобоси Амир Темурнинг ўғли Умаршайхнинг хос мулозимларидан бўлиб, унинг пешонасига шаҳзодага кўкалдош бўлиш ёзилган эди”, деган фикрга берилган. Бу икки асар Алишернинг амирлик даврида тугатилгани ва унинг назаридан ўтганлиги ҳисобга олинса, ундаги маълумот шубҳа уйғотмайди. Айниқса, унда сезилмасдан қолаётган яна бир муҳим жиҳат бор. Бу кўкалдошлик белгисидан кўра Навоий бобосининг отаси Амир Темурнинг хос кишиларидан бўлганлиги ва онаси шаҳзодани, яъни Умаршайх Мирзони ўз боласи билан қўшиб эмизиш каби ўта яқин алоқаларга эга бўлган кишилар эканлигига ишора этилаётгани билан белгиланади. Бу ерда Алишернинг катта бувиси айнан Умаршайхними ёки унинг фарзандларини қўшиб эмизганми бу масала ҳам ҳали ўрганилиб кўриши керак деб ўйлаймиз. Аммо ҳар ҳолда кўкалдошлик масаласи Фаҳрий маълумотлари билан уйғунлашганда қанчалик изчиллик касб этиши сезилибгина қолмай, балки мантиқий хулосага ҳам олиб келади. Шарафиддин Али Яздий маълумотига кўра, Амир Темур вафот этганда (1405) марҳум Умаршайх ибн Темур Кўрагоннинг ўғли Бойқаро 12 ёшда эди. Бойқаро 22 ёшга тўлганда Шоҳрух уни Қандаҳор вилоятига ҳоким этиб тайинлайди. Абу Саъид Чанг эса унинг ишончли кишиси сифатида “Амир ул-умаро” унвони билан тақдирланиб, унинг ноиб ва маслаҳатчиси ваколатига эга бўлади. Бу мансаб Бойқаронинг ўғли Ғиёсиддин билан Абу Саъиднинг ўғли Ғиёсиддиннинг бирга тарбия топиши ва бирга ўсиб-улғайишини таъминлаганлиги ғайримантиқий эмас. Сарой аҳли эса уларнинг исмлари бир хил бўлганлигидан, амирнинг ўғлини фарқлаш учун Ғиёсиддин Кичкина деб атаган бўлишлари эҳтимолга яқин. Мазкур лақаб кўкалдошлик белгиси каби темурийларга яқинлигини изоҳлаб тургани учун бир умр унинг номига қўшиб айтилган бўлиши мумкин.

Фаҳрий маълумотларидан келиб чиқадиган яна бир муҳим мулоҳазага эътиборни қаратиш лозим бўлади. Ғиёсиддин Кичкинанинг Абу Саъид даврида тирик эканлиги замонавий навоийшуносликдаги “Навоийнинг отаси шоир ёшлигида (11-12 ёшларда) вафот этган” деган ақиданинг нотўғри эканлигини кўрсатади. Бу эса, Навоий ҳаёти талқини бўйича илгари сурилаётган “Абулқосим Бобур вафотидан сўнг Машҳадда қолган Навоий чор-ночор аҳволда кун кечирган” каби қарашларни ҳам инкор этади. Навоийнинг асарларида учрайдиган фақирлик мотивлари, гарчанд улар Машҳад билан боғлиқ бўлса-да, бошқа сабаблар асосида айтилган ва бу ҳақда ўз мавриди билан алоҳида тўхталамиз.

Фаҳрийнинг кичик замондоши Сом Мирзо Сафавий қаламига мансуб “Тухфаи Сомий” тазкирасида Фаҳрий маълумотлари деярли такрорланган¹. Бироқ ундан фарқли равишда Навоийнинг отаси Кичкина Баҳодир тарзида таништирилган. Тазкира ёзилган давр Навоий даврига нисбатан яқин бўлгани учун бу ўзгартиришда бирор маълумотга таянилган деб ўйлашга асос бор. “Темур тузуклари”да айтилишича, қайси амир мамлакат ё бир қўшинни енгса, унга биринчи навбатда туғ бериб, баҳодирлик лақаби расмий равишда унинг номига қўшиб ёзилган. Сўнг чегара вилоятларидан бирига ҳоким этиб тайинланган². Ғиёсиддин

¹ Сом Мирзо Сафавий. Тухфа-и Сомий: Кўлёзма. ЎзФАШИ, инв.№ 57,167^а- вар.

² Темур тузуклари. / Форсиддан Алихон Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси. -Т.:Ғафур Ғулом, 1991,78- б.

Кичкинанинг бизга маълум фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, Сом Мирзонинг маълумоти асослидек кўринади. Аммо унинг қандай ҳужжатга таянганини аниқ кўрсатиш қийин.

Сом Мирзо маълумотларида эътиборни тортадиган яна бир ўзига хос нуқта Фахрий тазкирасида келтирилган Абу Саъид Чанг номининг Абу Саъид Бек тарзида келтирилганлигидир¹. Бу Сом Мирзо тузган асл нусхада шундайми ёки хаттотлар “хизмати”ми, ҳозирча аниқланиши керак бўлган вазифадир. Сом Мирзо Хондамир, Камолиддин Беҳзодлар билан таниш бўлган. Шу нуқтайи назардан бу икки тазкиранинг асл нусхаларини чоғиштириш навоийшуносликка муҳим янгилик киритади деган фикрдамыз. Шундагина Сом Мирзо қайдларининг аниқлик даражаси маълум бўлган бўлар эди.

Навоий ота-боболарининг зикр этилган номлари қўлёзма манбаларда турли талқинларга учраган. Иккиламчи манбалардаги айрим маълумотлар асл манбалардаги маълумотлардан фарқ қилади. Аввалига улар бирор бир манбага асослангандир деган фикрда эдим. Уларни топиш илинжида анча вақтим ва кучимни беҳуда сарф қилдим. Масалан, “Ҳабиб ус-сияр”да Гиёсиддин Кичкинанинг лақаби Ганжкина (ёки Канжкина, Канжакина), Кижаккина (ёки Кижакния) тарзида учраши хаттотлар томонидан нуқталар қўйилмай кетгани оқибатида юз берганига ишонч ҳосил қилгунича “Ҳабиб ус-сияр”нинг ўнлаб қўлёзма ва босма нусхаларини кўриб чиқишга тўғри келди². Тадқиқотнинг маълум босқичида улар китобат анъанасига хос умумий иллат эканлигига амин бўлдим ва иккиламчи манбалардаги Навоий отаси бўйича маълумотларнинг асл илк манбалардаги маълумотлар билан мувофиқлик даражасини ўрганишга киришдим.

Кейинги даврларда яратилган манбалардаги маълумотлар кўриб ўтилганлари каби муҳим ва оригинал эмас. Ҳатто баъзиларини адаштирувчи ва сохта маълумотлар сирасига қўшиш мумкин. Тадқиқ объекти сифатида танлаб олинган XV асрдан XX асргача яратилган ўттизга яқин манбадаги маълумотлар гуруҳлаштирилганда Навоийнинг насаби ҳақида икки хил қараш мавжудлиги маълум бўлди. Бир гуруҳ муаллифлар “унинг ота-боболари теурийларнинг амирларидан бўлиб, оналари шаҳзодаларга энагалик қилганлар” десалар, иккинчи, нисбатан камчиликни ташкил этган гуруҳ “Алишернинг ота-боболари уйғур бахшиларидан бўлган” деб ҳисоблайди. Ушбу жиҳатни ўрганишнинг нечоғлик муҳим экани манбалар қиёсий таҳлилида чуқурлашганимиз сари янада яққолроқ аён бўла бошлади. Зеро, даврлар кечмиши мобайнида тазкиранавислик анъанаси ҳар иккала қарашни қабул қилгани, аралаштириб юборилган маълумотлар ўзидан кейин қатор “янги” маълумотларнинг туғилишига сабаб бўлгани сезилди. Аввалги гуруҳнинг мулоҳазалари, ўз-ўзидан равшанки, юқорида биз кўриб ўтган машҳур тарихий асарларга асосланган. Кейинги гуруҳга кирувчи манбалар ўзининг жўғрофий тарқалиш ҳудуди ва машҳурлиги жиҳатидан Мовароуннаҳр ҳудуди билангина чегараланган. Уларнинг энг олди ва айтиш мумкинки, кейинги авлод тазкиранависларига материал вазифасини ўтаган маълумотни тақдим этган манба Мирзо Ҳайдар Дўғлотнинг “Тарихи Рашидий” тарихий асаридир³. У гарчи тарихий асар бўлсада, Навоий ҳақидаги маълумотлар йўл-йўлакай анъанавий умумий таништирув-тазкиравий шаклда бериладиган маълумотлар сирасига киради. Жумладан, унда “Навоий асли уйғур бахшиларидан бўлиб, отаси Амир Кичкина оддий

¹ Сом Мирзо Сафавий. Тухфа-йи Сомий, 167^a вар.

² С.Айний “Алишер Навоий” асарида “унинг отасини “Кичкина баҳодир”, “Кенжа ботир”, “Кичик бахши” лақаблари билан машҳур бўлиб, бу унвонларнинг қайси бири унинг ўзининг оти эканлиги бизга маълум бўлмади, деб ёзади (271-б.). Айтиш керакки, бирорта манбада “Кенжа ботир”, “Кенжа бахши” деган маълумот учрамади.

³ “Тарихи Рашидий” 1541-1542 йилларда ёзилиб, Қашқар ва Ёркент ҳокими Абдурашидхонга совға қилинган.

ёки расмий) одам (марде буд ала ар-расм) эди ” – деб ёзиб қўйилган¹. А.А.Семенов ўз вақтида ёзган эди: “Мирзо Ҳайдар Дўғлотнинг гувоҳлик беришича, Алишернинг келиб чиқиши анъана бўйича теурийлар даврида уйғур тилида расмий иш қоғозларини битувчи бахшилар, яъни уйғур мунши ва котибларига боғланади. Насаб жиҳатидан у аслзодаларга ҳам, “кибор мулозимларга” ҳам эмас, балки Бартолъд айтгандек, ота мерос девон амалдорларига мансуб”². Шу нарсага эътибор қилиш керакки, бу маълумот Мирзо Ҳайдар асаридан бошқа XV-XVI аср бошида яратилган бирор-бир манбада учрамайди. Навоий билан шахсан таниш бўлган тарихчилар ва олиму ижодкорларнинг бундай маълумот бермаганликлари туфайли Мирзо Ҳайдар маълумотига эҳтиёт бўлиб ёндашиш талаб этилади. Иккинчидан, Мирзо Ҳайдар Навоийнинг вафотидан сал илгарироқ, яъни ҳижрий 905/1499-1500 мил.) йили Тошкентда туғилган. Умрининг асосий қисми Кошғарда ва охири Ҳиндистонда ўтган. Унда Навоий ҳақидаги маълумотларни улуғ шоирни шахсан таниган кишилардан олиш имконияти йўқ эди. Ҳатто умрининг охирини бобурийлар саройида ўтказган Хондамир ҳам Мирзо Ҳайдарнинг Ҳиндга келишидан тахминан етти йилча илгари вафот этиб кетган эди. Шундай бўлгач, Мирзо Ҳайдар баҳс этилаётган мавзу бўйича ўз асрдошлари Фахрий ва Сом Мирзочалик ўз маълумотларини қайта текшириб қўриш имконига эга эмас эди. Учунчидан, тарихий асар яратилиш жараёнида муаллиф баъзида ёзма манбаларга эмас, балки узунқулоқ гапларга таяниб, уларни факт сифатида қайд этганлиги фанга маълум. Тарихчи олим Т.Султонов XV-XIX асрларда яратилган тарихий асарлар мазмунига бағишланган тадқиқотида таъкидлашича, Мирзо Ҳайдар ҳам кўпгина ўринларда шу йўлдан борган³.

Хўш, бахшилар кимлар? Семенов Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларига доир мақоласида “бахшилар-девон, маҳкама ходимлари” деб қуруққина тушунтириш билан чекланса, Т.Султонов ўз тадқиқотида бошқа бир муносабат билан Абулғози Баҳодирнинг таърифи ва В.В.Бартолъднинг хулосасига асосланиб, бахши-котибларнинг мавқеи ва вазифалари ҳақида анча тушунтириш беради: “...Уйғур халқи орасида саводхон кишилар кўп бўлган. Улар ёзув-чизувларни яхши олиб боришар ва девон ҳисоб-китобларини яхши билар эдилар. Чингизхон сулоласи даврида Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда девон ва маҳкама ходимларининг барчаси уйғурлардан эди. Уйғур ҳарфи билан ҳужжат тўлдирадиган Туркистон хонларининг котиблари ва амалдорларига нисбатан асл маъноси будда руҳонийларини англатувчи “бахши” (санскритча “бхикшу”) истилоҳи қўлланар эди. В.В.Бартолъднинг тахминича, “мазкур котиблар чиғатой хонлари даргоҳида мусулмон маданияти вакилларида кўра тахтга яқинроқ турганлар ва тарихий воқеаларни зикр этиб бориш тамоман уларнинг қўлларида бўлган”⁴. Тарихчи олим Чингизхон даврида бутпараст уйғурлар дини жиҳатидан мўғулларга, тили жиҳатидан эса Марказий Осиё халқларига яқин бўлганликлари учун мўғул хонлари улардан унумли фойдаланганлар ва табиийки, уйғурлар мусулмонлардан кўра мўғулларга яқинроқ ҳисобланганлар, деб хулоса чиқаради. Мўғуллар истилосининг дастлабки даврларида балки, шундай бўлгандир. Жаҳонгир Амир Темур Кўрагоннинг тарихи ёритилган “Зафарнома”да Шарафиддин Али Яздий ёзув-чизув ишларини олиб борувчи кишиларни “бахшиёни турк” деб атаган⁵. Бундан маълум бўладики, Темур саройида ёзув-чизувларни асосан ўзбек котиблари олиб боришган. Бироқ

⁴ Мирзо Ҳайдар Дўғлот. Тарихи Рашидий:Кўлэзма. ЎзФА ШИ,инв. № 1430.121⁶ –вар.

¹ Семенов А.А. Взаимоотношения Алишера Навои и Султана Хусейн Мирзы. // Сб. Исследования по истории народов Востока.- М. - Л., 1960,стр. 238.

² Султанов Т. Памятники исторической литературы Средней Азии и Восточного Туркестана XV-XIX вв. Дисс. на соиск.уч. ст. докт. ист. н., Ленинград, 1988,стр.192.

³ Султанов Т. Памятники исторической литературы, стр.104-105.

⁴ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома:Кўлэзма. ЎзФА ШИ, инв. № 4472, 99⁶-вар.

котиб ўрнида бахши сўзини ишлатиш мўғул хонларидан анъана бўлиб қолгани сабабли ҳар икки атама бир маънода қўлланган. Демак, Темур даврида котибларни бахши номи билан аталишига анъана деб қараладиган бўлса, унда Мирзо Ҳайдар Навоийни “уйғур бахшиларидан” деб атаётганида унинг миллатини эмас, балки аждоди сарой котибларидан бўлганлигини айтмоқчи бўлганлиги маълум бўлади.

Энди Мирзо Ҳайдарнинг Навоий насабини сарой котибларига бориб тақаша қай даражада ҳақиқатни ифодалаша масаласига эътиборни қаратсак. “Темур тузукларида” да котиб-ёзувчилар ҳақида баъзи гаплар мавжуд. Масалан, Темур фарзандларига бир гуруҳ кишилардан иборат ёзувчилар тайинлашни, улар мажлисларда белгиланган ишлар, тадбирлар, муҳим масалаларни воқеа-тафсилотлари билан ёзиб боришларини, ҳукмдор чиқарган ҳукму фармонларни батафсил қаламга олиб, султоннинг воқеа дафтарига ёзиб боришларини, шунингдек, салтанат ошхоналарининг ҳар бирида ёзувчилар бўлиб, кундалик кирим-чиқимларни ёзиб туришларини таъкидлайди¹.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, котиблар саройда ўртамиёна вазибаларга эга бўлсалар ҳам ҳукмдорнинг бевосита назорати остида бўлиб, унга яқин бўлиш имкониятига эга бўлган эканлар. “Тарихи Рашидий”дан бўлак манбалар, хусусан, оригинал услубда яратилган Бобурнома ёки Навоий билан шахсан таниш бўлиб, улуғ амирнинг ўзидан ва ҳамсуҳбатларидан аниқ маълумотлар олган Хондамир, Фаҳрий, Зайниддин Восифий, қолаверса бизгача етиб келмаган манбаларга бой бўлган Ҳирот кутубхонасига эгалик қилган Сом Мирзо Сафавий асарларида Навоий аждодининг темурийларга кўкалдошлиги, уларнинг амирлар сулоласидан эканлиги бир овоздан тасдиқланган. Сарой котиблари-бахшилар ҳукмдорнинг ишончли кишиларидан саналар экан, агар Навоий бу табақага мансуб бўлганида Ҳирот тарихчилари бу ҳақда ишора бериб ўтишган бўлар эди. Навоийнинг ўзи ота-боболари темурийлар салтанатида “улуғ маротибга сазовор ва бийик маносибга комгор бўлгон эрдилар” деган экан, биринчи навбатда, унинг ўзига ишонмоқ керак. Мирзо Ҳайдарнинг асоссиз хулосаси, афсуски, кейинги даврларда янада ривожлантириб юборилганини кўриш мумкин.

Кейинги асрларга тааллуқли бўлган манбаларнинг Навоий даври, яъни илк манбалардан анча фарқ қилувчи жиҳати, уларда текшириб кўрилмаган турли маълумотларни кўшиб баён этиш ҳолатининг устуворлигида кўринади. Масалан, Абдулмўминхоннинг “Том ут-таворих” (1598 йил, Бухоро) тўпламида келтирилган Навоийнинг таржимаи ҳоли шоир замондошларининг ёзиб қолдирган маълумотларига умуман мос келсада, Давлатшоҳ Самарқандий қўллаган “отаси Чигатой элининг машхурларидан” иборасига Мирзо Ҳайдарда келтирилган “Кичкина” номини кўшиш ва бу икки иборадан сўнг “бахши” атамасини илдириш орқали кейинги давр манбаларига “янги” маълумотни тақдим этган². Шу қабилдаги маълумотлар Маҳмуд бин Валининг “Баҳр ул-асрор”³, Фаҳмийнинг “Тазкират уш-шуаро”⁴ асарларида, Шарифжон Маҳдум Садр Зиёнинг баёзида ҳам учрайди⁵. Биз кўлимиздаги манбаларни Навоий таржимаи ҳоли кўринишлари бўйича гуруҳлаштирганимизда маълум бўлдики, “Тарихи Рашидий”даги маълумотга суяниш фақат Ўрта Осиёда яратилган асарлардагина учрар экан. Эътибор беринг-а, “Баҳр ул-асрор” Балхда, “Том ут-таворих” Бухорода, Фаҳмий тазкираси Самарқандда, Садр Зиё асарлари Бухорода яратилган. Тарихчи

¹ Темур тузуклари, 86- бет.

² Мазкур қитъа А. Ҳайитметовнинг мақоласида келтирилган. Қаранг: Навоий ҳақида янги маълумотлар.// Шарқ юлдузи.- 1972.-№ 9,184- бет.

³ Маҳмуд бин Вали. Баҳр ул-асрор:Қўлёзма. ЎзФАШИ, инв.№ 1375, 160^а-вар.

⁴ Абдулматлаб Фаҳмий. Тазкират уш-шуаро:Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. № 2331,36^а -вар.

⁵ Шарифжон Маҳдум Садр Зиё. Баёз: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№2315, 20^а-вар.

Т. Султонов ҳам “Тарихи Рашидий”нинг Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистондан ташқарида, хусусан, Яқин Шарқда тарқалмаганлигини алоҳида қайд этган¹. Бу эса Навоийнинг “бахши”лардан эканлиги ҳақидаги маълумот Мирзо Ҳайдарнинг ижоди эканлиги ва кейинги давр асарларида учраши ундан кўчириш оқибатида рўй берганлигини тасдиқлайди.

XVI-XIX асрларга тааллуқли манбаларда яна бир қусур учрайди. Бу Навоий даври манбаларидаги маълумотларнинг ўзгартирилганида кўзга ташланади. Жумладан, Дарвиш Али Чангнинг 1572-1573 йилларда яратган “Тухфат ус-сурур” ёки “Рисолаи мусиқий” номи билан машҳурлик тутган мусиқа назариясига оид асарида келтирилган Навоий таржимаи ҳолида “Алишернинг отаси заиф инсон бўлса-да, ўзи устида ишлашни қўймас эди” деган жумла мавжуд². Агар унга ишониб, Ғиёсиддин Кичкина ҳақидаги тасаввуримиз бошқа йўналиш касб этиши мумкин. Аммо қиёсий текширишлар маълумотнинг Давлатшоҳдан олинганлигини кўрсатди. Муаллиф Давлатшоҳнинг “Сипоҳий бўлишига қарамай, фозилликни ташламади” иборасини ўз тушунчасига мувофиқ талқин этганлиги равшанлашди. XVIII асрда Ҳиндистонда яшаб, ижод этган Вола Доғистонийнинг “Риёз уш-шуаро” тазкирасида “Навоий чиғатой султонзодаларидан” деб келтирилиши³ унинг Навоий даври манбаларидаги маълумотларнинг умумий руҳиятидан чиқарган шахсий мулоҳазаси дейиш мумкин. XIX асрда яратилган “Рўзи равшан” тазкирасида эса “Навоий чиғатой султонларидан” деб қайд этилганлиги, ўз навбатида, Вола хулосасининг ўзгартирилган варианты эканлиги аниқланди. Бундай мисоллар кўп бўлиб, илк маълумотлар кейинги давр асарларида умумлаштириб борилаверган ва замонлар ўтган сари Навоий даври манбаларидаги маълумотлар ўз аслиятидан анча узоқлашиб кетган.

БОЛАЛИГИ

Манбалар хронологиясига риоя қилинадиган бўлса, Алишернинг болалик даври ҳақидаги дастлабки маълумот Давлатшоҳ Самарқандий қаламига мансуб. Бироқ у жуда қисқа бўлиб, бўлажак шоирнинг Абулқосим Бобур саройидаги турмуши ва султон билан ораларидаги яқин алоқалар таъкидидан иборат⁴. Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ” асарида шоирнинг болалик даврини маълум даражада ёритган. Кейинчалик Фахрий Ҳиротий, Заҳириддин Бобур, Сом Мирзолар Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро билан мактабдош бўлганлигини айтиб ўтганларида сўзсиз унинг асарига суянганлар. Шуни ҳисобга олиб, Давлатшоҳ ва Хондамир Навоий таржимаи ҳолининг умумий қолипни яратиб берганлар деб айтиш мумкин. Қолганлар ўша даврнинг ўзидаёқ озми-кўпми аниқлик киритиб борганлар. Жумладан, Фахрий Навоийнинг Абулқосим Бобур хизматига кирганда ўн ёшда бўлганлигини таъкидласа, Сом Мирзо Алишернинг Абулқосим вафотидан сўнг Машҳадда қолиб илм орттирганлигини тасдиқлаган⁵.

Кўшимча сифатида Навоийнинг Паҳлавон Муҳаммадга бағишланган “Ҳолот”ида уларнинг дўстлигига қирқ йилга яқин вақт бўлганлиги айтиб ўтилганини кўрсатиш мумкин. Агар асарнинг мил.1493 йил ёзилганлигини эътиборга олсак, уларнинг дўстлиги тахминан мил.1457 йилдан, яъни Алишернинг 16-17 яшарлигидан бошлангани маълум бўлади.

Давлатшоҳ Навоийнинг ёшлигидаёқ зуллисонайн ижодкор сифатида Абулқосим Бобурга

¹ Султонов Т. Памятники исторической литературы, стр. 275 .1

² Дарвиш Али Чанг. Рисолаи мусиқий: Кўлёзма. ЎзФАШИ, инв.№ 449, 60^а-вар.

³ Валихўжаев Б. “Риёз уш-шуаро” тазкирасида ўзбек адабиёти намояндalарини // Адабий мерос.-1988.-№ 4(86), 25-бет.

⁴ Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро, 370-бет.

⁵ Сом Мирзо Сафавий. Тухфа-йи Сомий, 167^а-вар.

манзур бўлганини қайд этган. Унинг маълумотиغا Фахрийнинг “Алишер ўн яшарлигида Абулқосим Бобур хизматида кирган” тарзидаги таъкидини қўшсак, Навоийнинг жуда эрта форсий ва туркий тилда бирдай ижод қилишга ҳаракат қилганлиги маълум бўлади. Навоийнинг Лутфий билан бўлган суҳбатида келтирилган “Оразин ёпғоч кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш, Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш “ матлаъли ғазали шоирнинг ўспиринликда ёзган туркий тилдаги ижоди намунаси эканлиги Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асари туфайли илмий истеъмолга киритилди. Афсуски, биз ҳозирги кунда унинг болалигида ёзган форсий шеърларидан намуналарга эга эмасмиз.

Албатта, унинг шеърятга меҳр қўйиши ва ижодга кириб бориши масаласида, аввало, Алишер Навоийнинг ўзига мурожаат этиш мақсадга мувофиқ. Унинг асарларидан ёшлик даврига оид келтирилган маълумотларни топиб, изчил тартибда саналаштирсак, болалик йиллари тасвирларидан энг олди сифатида катталар ҳузурда Қосим Анвор ғазалини ўқиб бергани ва бу пайтда 3-4 ёшларда бўлганлиги маълум бўлади. Мазкур маълумотда шоир ушбу шеър биринчи ёд олган ғазали эканлигини эътироф этгани янада аҳамиятлидир. Кейингиси Шоҳрух Мирзо вафотидан сўнг Алишерлар оиласининг Ироққа (ҳозирги Эрон) кўчиши ва Тафт қишлоғида Шарафиддин Али Яздий билан учрашуви билан боғлиқ тафсилотлардир. Бу пайтда Навоий, ўз эътирофича, олти ёшда бўлган. Бошқа ўринларда болалигига тааллуқли ёш саналарини кўрсатмаган.

ЙИГИТЛИК ДАВРИ

Манбаларда келтирилишича, Навоий ёшлик даврининг бир муддатини Абулқосим Бобур саройида ўтказган. Абулқосим Бобур 1456 йили қишлоқ учун Машҳадга кўчганда Алишер ва Ҳусайн Бойқаролар ҳам у билан кетишади. Ўша қиш (1457) Абулқосим Бобур вафот этади. Хондамир “Ҳабиб ус-сияр”да аниқ кўрсатишича, Алишер Навоий Абулқосим Бобур билан биргаликда Машҳадда бўлган ва султон вафотидан кейин шаҳарда қолиб, илм такомили билан шуғулланган¹. Бироқ у Навоийнинг Машҳадда қанча вақт яшаганлиги ҳақида на бу ва на бошқа асарларида ҳеч қанақа маълумот бериб ўтмаган. Умуман, бу ҳақда сўз юритган манбаларда унинг Ҳиротга қачон қайтгани қайд этилмаган.

Бартольд кўрсатишича, Алишер Ҳиротга 1464 йилда қайтган. Олимнинг манбаларда қайд этилмаган хронологияни бу қадар аниқ кўрсатишидан мақсади, назаримизда, айнан шу санада Абу Саъид салтанатида кечган оғир сиёсий воқеаларга Навоийни бевосита алоқадор қилиш ва шунинг натижасида Навоий ва Абу Саъид ихтилофига сиёсий тус бериш бўлган бўлиши мумкин. Айтиш керакки, Бартольд томонидан тарихий-сиёсий фактларнинг Навоий шахсияти атрофида боғланиши шу қадар табиий чиққанки, олимнинг фикрлаш тарзи кейинги навоийшунослик тадқиқотлари ривожига таъсир қилмай қолмади. Барча тадқиқотларда бир овоздан Навоий Абулқосим Бобур вафот этгач Машҳадда қолиб, 1464 йилда Ҳиротга қайтгани қайд этилди. Навоийнинг Машҳаддаги ҳаёти тафсилотлари шоирнинг ўз асарларида учраб турадиган хотиралари асосида тикланди. Жумладан, Алишернинг Машҳадда қолиб, илм такомили билан машғул бўлиши, Имом Ризо зиёратгоҳидаги ҳужрага жойлашиб, ўша ерда истиқомат қилиши ва кўпгина шоиру илм аҳли билан мулоқотда бўлиши, ҳужрада бетоб бўлиб ётганида Камол Турбатий, Паҳлавон Муҳаммад билан танишиши мантиқан Абулқосим Бобур вафот этган 1457 йилдан 1464 йилгача ўтган етти йиллик давр билан боғлиқ таржимаи ҳолни қатъийлаштирди. Аммо олимлари-

¹ Ҳабиб ус-сияр... :Кўлёзма. IV жилд, 217- бет.

миз томонидан мазкур хотираларнинг бирида келтирилган муҳим бир жиҳат эътиборга олинмаганлиги оқибатида шоир таржимаи ҳолининг бир мунча хиралашиб қолганлигини сезиш мумкин. Хусусан, Алишер Навоий “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асаридаги Паҳлавон билан учрашуви зикрида ўзини Машҳадга “айни ифлос ва фалокат ва сарнавиш ва ранжуриш” **етақлаб келгани** (!) ва бу замонда Хуросон Абу Саъид Мирзо қўлида бўлиб, Ҳирот аҳли Самарқанд аҳлига асир ва муте бўлганлигини кўрсатади¹. Диққат қилсангиз, Навоий айтмоқчи, уни Машҳадга тортган сабаблар, бу **ифлослик**, яъни ўрта асрларда бу калима чорасизлик маъносида ишлатилган; иккинчиси - **фалокат**, учинчиси эса **сарнавишт**, яъни тақдир, пешона ҳамда тўртинчиси - **ранжуриш**. Мазкур охириги калима ҳам форсий бўлиб, **хафачилик** маъносини билдиради. Демак, Алишер чорасизлик, фалокат, тақдир ва хафгарчилик оқибатида Машҳадга келган. Бу аламзада оҳангни биз билган Абулқосим Бобур даврига боғлаб бўлмайди. Алишер Абулқосим Бобурга фарзанд ўрнида ҳисобланар эди (Давлатшоҳ Самарқандий) ва уни Машҳадга Бобур келтирган эди. Кўриниб турибдики, воқеа Абу Саъид замонасида рўй берган. Манбалардан маълумки, Абу Саъид Абулқосим Бобур вафот этган йилнинг ўзидаёқ Хуросонни эгаллайди.

Навоий 1464 йилда эмас, балки илгарироқ ёки кейинроқ Ҳиротга қайтган ҳам бўлиши мумкин. Санани аниқ кўрсатишнинг имкони йўқ, чунки манбаларда бу ҳақда маълумот учрамайди. Аммо бир нарса аниқ: Алишер Абу Саъид Мирзо даврида Ҳиротга қайтган. Бу ҳақда “Ҳабиб ус-сияр” асарида “Султон Абу Саъид замонида Ҳирот дор ус-салтанатига қайтиб, бир муддат ул иқболошиёнлик остона хизматида бўлди² деган қайд мавжуд. Навоийнинг “Мажолис”да келтирилган Абу Саъид тарихини ёзаётган Мавлоно Абусамад Бадахший ва султоннинг хос мулозим Шайхимбек Суҳайлий билан яқин дўстлиги ҳақидаги хотиралари яна бир далилдир³. Бундан маълум бўладики, Навоий Машҳадда икки марта муқим яшаган: бир марта Абулқосим Бобур билан бориб, илм такомили билан шуғулланган, иккинчи марта Абу Саъид Мирзо даврида чорасизлик, фалокат, тақдир ва хафгарчилик оқибатида Машҳадга келган. Демак, Абу Саъид тахтни эгаллаб, Хуросонда нисбатан осойишталик ўрнатилгач, Алишер Ҳиротга келган ва маълум бир муддатдан сўнг яна Машҳадга қайтган кўринади. Темурий султонларга улкан эҳтиром руҳида тарбияланган ва бу улуғ хонадонга яқинлик ҳиссидан мағрур ва энг асосийси, ижодий ғайрати мавж урган ёш шоирнинг султон ҳимоясига, пойтахт адабий муҳитига шошилиши мантиқ нуқтайи назаридан табиий. Шоирнинг чуқур надомат билан Ҳиротнинг “Самарқанд аҳлига асир ва муте” эканлигини таъкидлаши унинг Абу Саъидга бўлган салбий муносабатини яққол намоён қилади. Демак бизга ҳозирча номаълум бўлган воқеа туфайли Навоийнинг Абу Саъиддан кўнгли қолган дейиш мумкин.

Юқоридаги мулоҳазалар замонавий навоийшуносликда қабул қилинган “Навоий Самарқандга айнан Ҳиротдан йўл олган” қабилдаги хулосани ҳам маълум маънода шубҳа остига қўяди. Навоий Самарқандга тўғри Машҳаддан йўл олган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас! Навоий ҳақидаги манбаларнинг бирортасида унинг Самарқандга айнан Ҳиротдан тўғри равона бўлгани айтилмайди. Мирхонд, Хондамир ва бошқа Навоий замондошлари бу сафарни “Хуросондан Самарқандга” тарзида ифодалаганлар. Машҳад ҳам Хуросон таркибида эканлиги ҳисобга олинса, замонавий навоийшуносликда Навоийнинг Самарқандга жўнаши тафсилотларида ноаниқликлар мавжудлиги равшанлашади. Навоийнинг Самарқандга кетиш олдидан Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган мактуби ҳам айнан Ҳиротдан ёзилганини

¹ Алишер Навоий. Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер, Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад: Асарлар. XV томлик.- Т.:Ф.Фулом, 1967.- XIV жилд, 77- бет.

² Ҳабиб ус-сияр, 217- бет.

³ Мажолис, 43-бет.

тасдиқловчи бирорта манбавий маълумот йўқ.

НАВОИЙ ВА АБУ САЪИД МИРЗО МУНОСАБАТЛАРИ

Навоийнинг Абу Саъид Мирзога нисбатан қаҳр ва алами унинг асарларида очиқ намоён бўлган, аммо асл сабаблари маълум эмас. Е.Э. Бертелъс ўзининг “Навоий” монографиясида мазкур масалада аниқ фикр билдирмаган: бир жойда “Алишер 1464 йили Машҳаддан Ҳиротга қайтди. 1466-1467 йили Бадахшонда Навоийнинг дўстлари томонидан кўтарилган кўзғолон Абу Саъид томонидан бостирилгач, у қочиб, Самарқандга кетди”¹ деса, бошқа бир жойда эса Навоийнинг юқоридаги эътирофига диққатини қаратган шекилли, “у 1467 йили Абу Саъид томонидан Машҳадга сургун қилинди”, деб кўрсатади². Олим негадир бу икки хил қарашни мантиқан далилламаган. Садриддин Айний Алишер Навоий ва Абу Саъид ўртасидаги ихтилоф Ҳусайн Бойқаронинг, Мир Саид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийнинг ҳамда Бадахшон шоҳларининг шоирга яқин одамлар эканлиги важдан пайдо бўлган деб кўрсатади³. Ойбек ҳам шундай ҳисоблайди⁴. Айний “Абу Саъид 1466 йилда Алишерни сургун қилишга ҳукм чиқарди ва Ҳиротни тарк этиб, Самарқандда яшашни буюрди. Аҳмад Ҳожибек Алишерни ўзи билан бирга олиб кетади. Чунки унга Султон Абу Саид томонидан Алишерни сақлаш топширилган эди”⁵ дейди. Олим Шарафиддинов “Навоий Самарқандга 1465 йилда сургун қилинади ва уни Аҳмад Ҳожибек Ҳиротдан Самарқандга назорат қилиб боради” деган⁶. В.В. Бартолъд ёзади: “Хондамирга биноан, Мир Алишер Ҳиротга Абу Саъид хузурига келиб бир қанча вақт яшади. Ўзи кутган эътиборни сезмагач, Самарқандга кетди. Бобур сўзларига қараганда, Мир Алишер Самарқандга Абу Саъид томонидан қандайдир хато учун сургун этилган. Мир Алишернинг ўзи таҳсил учун борганлигини айтади. У пайтларда таҳсил учун Ҳиротдан Самарқандга бормас эдилар. Демак, унинг Ҳиротдан Самарқандга кетиши сургун сифатида қаралиши лозим”⁷. Бартолъд ўзининг тахминини ишонарли чиқиши учун баъзи маълумотларни қасддан нотўғри шарҳлаганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Жумладан, у шундай ёзади: “Навоий ҳаётининг бу даврини ёритишда балки унинг гўзал ва фасиҳ тилли, “қалбини асир этган” (кўнглумни баса сайд қилди) шайх Садриддин Ривосий ҳақидаги ҳикояси баъзи аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Унга ҳатто олий даражадаги шахслар ҳам (Бадахшон шоҳи ва подшоҳ ҳам) жазман эдилар, Мир Алишернинг бадахшонликлар билан яқин алоқаси ҳиж. 871 йил воқеасидан сўнг унинг ҳаётига таъсир қилган бўлиши мумкин. Бунга султоннинг шайхни унинг дўстларидан рашк қилгани ҳам қўшилган бўлиши мумкин”⁸.

Бертелъс ҳам “Навоий” монографиясида Навоийнинг Самарқандга борганлигини сургун ҳисоблаб, бу пайтларда Самарқанд илм - фан маркази эмас эди, деб фикр билдиради. У Бартолъд сингари Садриддин Ривосий масаласини кўрсатмаса-да, аммо тоғалари ва бадахшонийлар фожеасидан кейин шоир қочишга мажбур бўлди, деб таъкидлайди⁹. Бертелъснинг мазкур тадқиқотда бундай юзаки ёндашувининг маълум сабаблари бор деб биламан. У ўта синчков манбашунос ва билимдон навоийшунос бўлса ҳам Бартолъд

¹ Бертелъс Е.Э. Навои и Джами, стр.77.

² Ўша асар, 99-бет.

³ С.Айний. Навой. Куллиёт, саҳ. 284-285.

⁴ Ойбек М. Алишер Навоий: Мукамал асарлар тўплами. 19 томлик. -Т.:Фан, 1979. -XIII жилд, 15-16-бетлар.

⁵ С.Айний. Навой. Куллиёт, саҳ. 284.

⁶ О.Шарафиддинов. Алишер Навоий, 51-52-б.

⁷ В.В.Бартолъд. Мир Али Шир и политическая жизнь, стр. 223-224.

⁸ Бартолъд В.В. Мир Али Шир и политическая жизнь, стр.225.

⁹ Бертелъс Е.Э. Навои, стр. 77.

концепциясини бузмаслик учун унинг хулосалари билан манбалар орасидаги зиддиятли фикрларга аниқ чек қўймаган ва барчасини бир-бирига мослаштиришга мажбур бўлган. Шундай экан, “сургун” масаласини қайта кўриб чиқиш навоийшуносликнинг долзарб масаласига айланади.

Биз бу масалада нима дейишимиз мумкин? Манбаларда “сургун” маъносида қўлланиши мумкин бўлган “бадарға” ёки “ихрож қилиш” иборалари Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сида ишлатилган. У Навоий ҳақида гапира туриб, “Билмон, не жарима била султон Абу Саъид Мирзо Ҳиротдин ихрож қилди. Самарқандга борди, неча йилким, Самарқандда эди” деган¹.

Бобур аслида “Абу Саъид Навоийни Самарқандга нега сургун қилди?” деб эмас, балки “Билмайман, қайси гуноҳи учун Ҳиротдан чиқариб юборди?” деган мазмунда гапирган. Мана шу фарқни тушунишнинг ўзиёқ шоир таржимаи ҳолидаги баъзи тўқималарни бекор қилади. Бобур Навоийнинг саройдан кетиши Абу Саъид билан боғлиқлигини билиб, шоҳнинг хатти-ҳаракатини қоралаган. Чунки шоирлар ва илм аҳлига ҳомийлик қилиш шоҳлик расми бўлган. Шоирлар ва илм аҳли сиёсатда бетараф бўлганлар. Улар бир подшоҳдан қанчалик мурувват кўрсалар, унинг вафотидан кейин унга муҳолиф (ҳатто қотили) бўлган кейинги подшоҳлардан ҳам шунчалик мурувват кўрганлар. Шаҳардан бадарға қилиш шоир томонидан содир этилган жуда оғир жиноят учун раво кўрилиши мумкин. Заҳириддин Бобур Навоий сиймосида мудҳиш жиноятчини кўрмагани учун ҳам шоҳнинг бу ишидан таажжубланган. Чунки шоирлар қадим-қадимдан салтанат беазаги ҳисобланганлар, султон номини дунёга таратганлар, улуғворлигини тарих саҳифаларига нақш этганлар. Шоирлар ва илм аҳлига ҳомийлик қилиш барча султонларга обрў келтирган. Акс ҳолда, шоирларнинг ўткир ҳажвлари султонни етти иқлимга кулгу ҳам қилишга қодир эди. Навоийнинг Ҳиротдан чиқиб кетишига сургун тусини бериш В.Бартолъд учун нега зарур бўлгани тушунарли. У Бобурнинг фикри атрофида манбалардаги барча фактларни ўз йўлига мослаштирди. Жумладан, Навоийнинг Бадахшон шоҳларига ҳурмати, Ҳусайн Бойқаро билан дўстлиги ҳолатларини бўрттириш орқали Абу Саъиднинг уюшган муҳолифларини “ташқил” этди. Яна бир қўшимча сифатида Шайх Садриддин Ревосий шахсини сиёсий саҳнага олиб чиқди. Бартолъд сценарийси бўйича Абу Саъид Садриддин Ревосийни рашк қилиб, Бадахшон шоҳини қатл эттиради, Ҳусайн Бойқаро жосуси Навоийни Самарқандга сургун қилади.

Алишернинг тоғалари шоиртабъ бўлсаларда, асосий касблари сипоҳийлик бўлган. Уларнинг Бойқаро лашкарбошилари қаторида Абу Саъидга қарши жанг қилишлари ва шаҳид бўлишлари уруш қонуниятларига тааллуқли. Бадахшон шоҳи тақдири ҳам худди шундай. Шу боис Навоийнинг тоғалари ёки Бадахшон ҳокимининг Абу Саъид буйруғи билан қатл этирилиши султон ва Навоийнинг бир-бирларига совуқ муносабатда бўлишларига асос бўла олмайди (Навоийнинг жияни Амир Ҳайдарнинг Ҳусайн Бойқаро томонидан қатл этилиши каби). Қолаверса, Навоий Абу Саъид Мирзо замонида сиёсат билан шуғullanмаган ёш шоир эди. Ҳусайн Бойқаро эса Абулқосим Бобур вафотидан сўнг Навоий билан кўришмаган, Навоий эса бу даврда Ҳиротда ҳам Машҳадда юргани каби шоирлар муҳитида, жўшқин ижод билан банд, сиёсатдан анча йироқ шоир сифатида тасаввур уйғотади. Ойбек ҳам Мир Алишернинг Султон Ҳусайн “қозоқ” ликларда юрганда у билан алоқаси бўлмагани ва Ҳиротда юз берган фитналарда унинг иштироки маълум эмаслигини қайд этган².

Агар Абу Саъиднинг Навоийга Ҳусайн Бойқаро туфайли хусумати бўлганда, унинг ўғли Мирзо Султон Аҳмад Ҳусайн Бойқарога қарши уруш очганда Навоийни ўзи билан олиб кетмаган бўларди. Бу ҳақда “Равзат ус-сафо”да қуйидагича маълумот мавжуд: “...аз Хуросон

¹ Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома.- Т.: Юлдузча, 1989, 153-бет.

² М.Ойбек. Адабий-танқидий мақолалар.МАТ, 13-жилд,Тошкент, 1979, 17-бет.

ба Самарқанд рафта дар хонақоҳи Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ сокин гашт... то дар ин ай-ёмки, Мирзо Султон Аҳмад бино бар таважжуҳи хоқони мансур ба суби Хуросон аз оби Амуя гузашт амир Алишер низ ҳамроҳи урду равон шуда буд. Баъд аз таҳқиқи хабари воқеаи Султон Абу Саъид ва истилои хоқони мансури музаффарливи бар балдаи фоҳираи Ҳирот аз амир Ҳожибек рухсат талабида ижозат ҳосил намуда ва рӯй ба Ҳирот овард”¹. (...Хуросондан Самарқандга кетиб, Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ (Абу Лайсий) хонақосида яшади. Бу ҳаёт шунгача давом этдики, Мирзо Султон Аҳмад Ҳусайн Мирзога қарши Амудан кечиб, Хуросонга юриш қилганда Амир Алишер ҳам унинг ўрдусида эди. Абу Саъид Мирзо ўлими воқеаси ва Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротни истило этганлиги ҳақидаги хабар аниқлангандан сўнг Аҳмад Ҳожибекдан рухсат олиб Ҳиротга юзланди.)

Бу эса Абу Саъид Навоидан мутлақо хавфсирамаганлигини билдиради. Агар султон Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога яқин алоқаси борлиги учун душманона кайфиятда бўлганда эди, унда Абулқосим Бобурнинг амирларини ўз хизматига олганини қандай изоҳлаш мумкин? Уларнинг кўпчилиги Ҳусайннинг устозлари ва яқинлари бўлганлар (Худди шундай Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам Абу Саъиднинг амирларини ўз хизматига олган). Темурий султонлар наздида кўкалдошлар ва амирлар қайси бир темурий султонга хизмат қилганига қараб эмас, балки умуман, темурийлар сулоласи султонларига содиқликларига қараб қадрланган. Шунинг учун ҳам султонлар ўзгараверсаларда, кўпчилик амирлар иззат-ҳурматда қолаверганлар. Кўкалдошлар темурийларга яқин кишилар сифатида шу давлат худудида хос эътиборга эга бўлганлар. “Темур тузуклари”га биноан, ғаним тарафидан кимки ўз давлатидан умидини узиб, бир подшоҳ қошига келиб, хизмат қилса, бу подшоҳ уни азиз тутиши, унинг муҳолиф подшога вафодорлигини унутиб, мартабасини улуғ қилиши лозим бўлган. Бу жиҳатдан ҳам тадқиқотларда айtilган Абу Саъиднинг Навоийга Ҳусайн билан бирга ўсганлиги учун ёмон муносабатда бўлиши ҳақиқатга тўғри келмайди². Ўрта асрлар шароити ва Навоийнинг улуғ султонлар табақасига муносабатини, хусусан, темурий султонларга юксак ҳурмат-эҳтиромини ҳисобга олсак, унинг Абу Саъидга қаратилган исёнкор сатрлари фақат қандайдир фожеа оқибатида пайдо бўлган чексиз адоват, нафрат натижа-сидагина отилиб чиқиши мумкин эди. Навоийшунос олим А.Ҳайитметов бу масалада тўғри фикрлаган деб ўйлаймиз. У ёзади: “Аслида Навоий расмий равишда сургун қилинмаган, балки ўз бошига тушиши муқаррар бўлган кулфатларнинг олдини олиб, зийраклик билан ўзига ўзи подшоҳнинг кўзидан узоқда туришга ҳукм чиқарган эди. Чунки Абу Саъид ва унинг одамлари Навоийга қаттиқ шикаст етказишлари, уни қамаб қўйиш ёки ўлдиришни

¹ Равзат ус-сафо. Босма. Лакхнав, VII жилд, 15- бет.

² Шу ерда айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги янги таваккур, тарихга ҳолисона баҳо бериш даврида темурий султон Абу Саъид Кўрагон шахсига ҳам ҳолис ёндашиш вақти келди. Баъзи тадқиқотларда Ҳиротнинг ғорат этилиши ва баъзи қонли воқеалар шу султонга нисбат берилади (Қ.: В. Абдуллаев. Навоий Самарқандда. Тошкент, 1968 йил, 39-бет.) Ўша давр тарихи ёзилган манбалар қайта кўриб чиқилганида, шўролар даври тадқиқотларида Абу Саъид Султон Амир шайх Абу Саъид номли лашкарбоши билан адаштириб юборилганлиги аниқланди (Қ.: Хондамир. Ҳабиб-ус-сияр. ЎзФАШИ №2153, 568^а-варақ). Албатта, Султон Абу Саъид Мирзонинг қонли юришларидан кўз юмиб бўлмайди. Бу барча султонларга хосдир. Бироқ, унинг Ҳирот тахтини эгаллаши, баъзилар айтганидек ғорат қилиниб эмас, балки тинч йўл билан олинганлиги ва халққа ҳеч қанақа ранжу ситам етказмаганлиги манбаларда кўрсатилган (Қ.: Мирхонд. Равзатус-сафо. VI жилд, ЎзФАШИ №12432, 285-бет). Бундан ташқари, унинг илм-фан аҳли ва шоирларга нисбатан яхши муносабатларда бўлганлиги, давлат ободлиги учун жон куйдирганлиги, темурий шахзодаларга нисбатан аввало, тинчлик ва омонлик хоҳишида бўлганлиги ва бошқа бир қанча олижаноб хислатлари Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъи-саъдайн” ва Хондамирнинг тарихий асарларида келтирилган ашъвий далиллар ҳамда Абу Саъид томонидан рағбатлантирилган шоир ва илм аҳли рўйхатини Мовароуннаҳр ва Хуросонда қурилган иншоотлар тавсифидан кўриниб туради.

ўйлаган бўлишлари мумкин”¹.

Хуллас, Навоийнинг Абу Саъид Мирзога салбий муносабати унинг ўзигагина маълум сир бўлиб қолди. Масаланинг иккинчи томони муҳимроқ. Навоий Ҳиротдан чиқиб Машҳадга борган экан, нега маълум вақт ўтиб, Самарқандга бориш истаги туғилди? Ахир Самарқанд шу пайтларда ҳам Абу Саъиднинг жиддий назорати остида эди-ку.

Шу ўринда қуйидагиларга эътибор беришингиз сўралади. Ҳижрий 869 (1464-1465) йили Ҳирот дор ус-салтанасининг ҳоқими Вафой тахаллуси билан ажойиб шеърлар ёзган Аҳмад Ҳожибек Абу Саъид Мирзонинг фармони билан шаҳзода Султон Аҳмад Мирзонинг эшик оғаси сифатида унинг номидан ҳукуматни бошқариш учун Самарқандга юборилади². Агар Алишер Ҳиротда яшаб юрганида Абу Саъид тарихини ёзаётган Мавлоно Абусамад Бадахший³ ва султоннинг хос мулозими Шайхимбек Суҳайлий билан яқиндан ошнолик қилиб юргани ҳисобга олинса, Вафой билан ҳам яқин муносабатда бўлганлиги аниқ бўлади. Чунончи, “Мажолис ул-нафоис”да ёзади: “...Вафой тахаллус қилур. Сурати хуш ва сийрати дилкаш, ахлоқи ҳамида ва атвори писандида йигитдур. Хуросонда тарбият топди. Ҳирот дор ус-салтанасида ўн йилга яқин ҳукумат қилди. Самарқанд маҳфузасида ҳам муддате ҳоқим эрди...”⁴.

Машҳадда синиқ кайфият билан юрган Алишер иложи борича узоқроққа кетишни истаган ва бунинг тасдиғини “Илк девон” ғазаллари руҳиятида ҳам кўриш мумкин⁵. Аҳмад Ҳожибек Самарқандда Навоийга қулай шароитлар яратиб бериши мумкин эди. Юқорида “Равзат ус-сафо”дан келтирилган иқтибосда Навоийнинг Аҳмад Ҳожибек билан суҳбатдош бўлганлиги ҳақидаги маълумот шундай хулосага олиб келади.

Алишер шоиртаъб, фозил ҳукмдорни қора тортиб Самарқандга кетишга қарор қилган бўлса, ажаб эмас.

Навоий Самарқандда

Барча манбалар Алишер Навоийнинг Самарқанддаги ҳаётини таҳсил билан боғлайдилар. Дастлабки маълумот Абдураззоқ Самарқандийга тегишли⁶. Мирхонд ҳам шундай фикрни ифодалайди. Аммо Самарқанд сафарининг сабаблари хусусида фарқ бор. Мирхонд Навоий Самарқандга Хуросонда “ўзига муносиб эътибор топмаганлиги” учун кетган деб ҳисоблайди⁷. Хондамир “Хулосат ул-ахбор”да шоирнинг Самарқандга кетиш сабабларида чуқурлашмаган, аммо у диққатни Навоий “тақдир жафокорлиги оқибатида Ҳусайн Бойқародан узоқлашиб кетди” деган фикрга қаратади: “Ҳазрати султоннинг яқин кишиси (Навоий) гўдаклик чоғидан болалик тонгининг ниҳоясигача ул музаффар байроқли султоннинг ёнида бўлган ва жафокор тақдирнинг воситаси била бир қанча вақт унинг хизматидан узоқлашиб кетган бўлиб, Самарқанддан етиб келди”⁸. Мазкур икки асарнинг ёзилган вақти Алишер Навоий қудратли подшоҳ Султон Ҳусайн Бойқаронинг яқин кишиси сифатида иззат ва икром соҳибига айланган бир вақтга тўғри келишини ҳисобга

¹ А.Ҳайитметов. Навоий лирикаси. Тошкент, 1961 йил. 278-279-бетлар.

² Равзат ус-сафо..., 290 -бет.

³ Мажолис, 43- бет.

⁴ Мажолис, 156- б.

⁵ Ё. Исҳоқовнинг “Навоийнинг илк лирикаси” китобида кўплаб мисоллар бор. Қаранг: Навоийнинг илк лирикаси. -Т.:Фан, 1965, 168- б.

⁶ Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн, 331^а вар.

⁷ Равзат ус-сафо. Босма. Лакхнав, XIX аср.-VII жилд, 15- бет.

⁸ Хулосат ул-ахбор...: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. №2209, 460^б -вар.

олсак, муаллифларда тарихчиларга хос маддоҳлик хусусиятини сезиш мумкин. Бироқ Хондамирнинг фикрини Абдураззоқ Самарқандий фикрига қарши факт сифатида қараш тўғри эмас. У таҳсил учун борилганини инкор этган эмас. Балки уларнинг дўстликларини яна бир карра таъриф-тавсифлаган ва икки дўстнинг анча пайт кўришмаганликларини уларнинг Ҳиротдан ташқарида юрган жудолик даврлари билан ифодалаган. Шундай бўлсада, “Равзат ус-сафо”да ўзига муносиб эътибор топмаганлиги учун Самарқандга кетганлиги ҳақидаги таъкиддан Навоийнинг иқтидори Ҳиротда етарли баҳоланмаганига ва у Ҳиротдан кетишга мажбур бўлганлигига амин бўлиш мумкин.

Мазкур маълумотларнинг мавҳум ва қисқа тарзда келтирилишининг сабаби шундаки, улар аввало Навоийга махсус бағишлаб эмас, балки, йўл-йўлакай айтиб ўтилган маълумотлардир. Ушбу таъкидлар фақат тарихий асарларда қайд этилган бўлиб, Султон Ҳусайн Бойқаронинг тахтга ўтириши муносабати билан келтирилган тафсилотлардир. “Тақдир жафокорлиги” иборасига келсак, Хондамир Навоийнинг пойтахтдан узоқлигини назарда тутган. У ихрож сабабларидан тўла бўлмасда, қисман хабардор бўлган бўлиши ҳам мумкин. Чунки Навоий вафотидан сўнг яратган “Ҳабиб ус-сияр” асарида худди шу воқеалар баёнига аниқлик киритиб: “Султон Абу Саъид замонида Ҳирот дор ус-салтанатига қайтиб, бир муддат ул иқболошиёнлик остона хизматида бўлди. Аммо ўз ҳолига яраша даража ва риоят топмагач, Хуросондан Самарқандга кетди” тарзида Абу Саъид номини очиқ-ойдин кўрсатиб ўтган¹. Демак, олдинги асарларида султоннинг номини очиқ кўрсатишга нимадир халақит берган. Бизнингча, Амир Алишер “Хулосат ул-ахбор” ёзилаётган пайтда бу масалага алоҳида эътибор қаратилишини хоҳламаган, шекилли.

Буюк адибнинг ўзи Самарқанддаги ҳаёти ҳақида кам маълумот қолдирган. “Мажолис” асаридаги қайдлар асосида унинг Улои Шоший, Сафойи, Мавлоно Жавҳарий, Мавлоно Ховарий, Ҳалвойи, Мавлоно Юсуфлар билан танишуви, Фазлуллоҳ Абу Лайсий мадрасасида таълим ола бошлаши, Юсуф Бадеий билан ошно киришиши каби ижод аҳли билан муносабатини ёритиши мумкин². Мавлоно Мир Қаршийнинг саҳҳофлик дўконида ўтказиб туриладиган мушоираларда қатнашиб турганлиги³, Мавлоно Риёзий билан шеър устида баҳс юритиши унинг Самарқанд фозиллари билан яқин алоқада бўлганлигини тасдиқлайди⁴83. Яна баъзи хотиралар борки, махсус кўрсатилмаган бўлсада, улар Самарқанддаги даврига тааллуқли, деган фикрдамиз. Масалан, Навоий Мавлоно Риёзий фикрасида қуйидаги воқеани эслайди:” Бу ғарро матлаъ анингдурким:

*Ситораест дури гўши он ҳилол абру
Зи рўи ҳусн ба хуршед мезанад паҳлу*

икки мисра орасида рабт жиҳатидан бир “ки” лафзи керак. Фақир анча дедимки, бу навъ яхшироқ бўлғайки:

*Зи рўи ҳусн дури гўши он ҳилол абру
Ситораест ки бо моҳ мезанад паҳлу*

Инсоф юзидин керакки, мусаллам тутса эрди, жадал бунёд қилди, фақир сокит бўлдим.

¹ Ҳабиб ус-сияр, 217-бет.

² Алишер Навоий Мажолис, 60, 330, 328, 329 - бетлар.

³ Ўша асар, 57- бет.

⁴ Ўша асар, 59-бет.

Ўз ёронлари талоштилари ҳам қабул қилмади. Самарқандда фавт бўлди”¹.

Риёзийнинг ўринли танқидга эътироз билдиришидан бу воқеа Навоийнинг йигитлик даврида рўй берган дейиш мумкин. Зеро, Навоий ўрта ёшларда шунчалик машхурлик тутган эдики, унинг маслаҳатларига ҳатто Абдурахмон Жомий қулоқ осар эди. Демак, Навоийнинг шоирлик маҳорати юксак эсада, ҳали ёш йигит эканлиги сезилади. Воқеанинг Самарқандда содир бўлганига Риёзийнинг “Самарқандлиғдур” ва Самарқандда вафот этди” дейиши далил бўлиши мумкин. Чунки, “Мажолис”да қўлланган қурилма бўйича зикр этилган воқеа тавсиф этилмишнинг ўз ватанида содир бўлган бўлса Навоий шоир ватанини тилга олиш билан кифояланган. Агар шоир бошқа жойга кўчиб борган бўлса, айти асар ёзилаётган даврда муқим турган жойи таъкидланган (масалан, Андижондиндур, сўнгра Самарқандга борди). Шунга қараганда, Риёзийни самарқандлик дейиш асносида Навоий воқеа Самарқандда бўлганлигига ҳам ишора этган.

Навоийнинг Самарқандда яшаш тарзи қандай бўлгани борасидаги маълумотлар бир-бирига зид. Жумладан, Заҳириддин Бобур “Бобурнома”да Алишербекка Самарқандда Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввий (ҳомий) бўлди² дейишидан унинг ҳоким томонидан моддий қўллаб-қувватланганлигини билиш мумкин. Фахрий Ҳиротий негадир бу даврда шоир ночор аҳволда яшаган деган фикрни билдиради³. Ҳар иккала муаллиф ҳам Навоийнинг кичик замондошлари ва эътиборга лойиқ фозиллар саналиши туфайли масаланинг ечими табиийки, учинчи овозни, тарози палласидаги мулоҳазалар мувозанатини узил-кесил ҳал қилиши мумкин бўлган яна бир ҳолис манба бўлишини тақозо этади. Афсуски, у йўқ. Ана шу муаммога дуч келган кўпгина навоийшунослар унинг ечимини буюк шоир ижодидан излаганлар. Е.Э.Бертелъс Навоийнинг Самарқандга келганидан сўнги кайфиятини маълум қилиш ниятида шоирнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги ўн биринчи мақолатда келтирилган ёш толиби илмининг катта шаҳардаги аҳволи баёнига суянади ва “Алишер шеърда тасвирланган каби камбағал сифатида келмаган бўлса ҳам, аммо бегона шаҳарда ёру-биродарсиз, кимсасизликдан ўзини йўқотиб қўйиш ҳоллари кам бўлмаган бўлса керак”, деб хулоса қилади⁴. Худди шу шеър В.Абдуллаевнинг китобида ҳам⁵, Иззат Султоннинг китобида ҳам келтирилади⁶. В.Абдуллаев уни қашшоқлик ва муҳтожликка изоҳ сифатида келтирса, Иззат Султон муҳтожлик ва мағрурлик тасдиғи сифатида кўрсатган. Е.Э. Бертелъс ҳам умуман олганда Навоийнинг Самарқанддаги ҳаётини қашшоқликда ўтган деб ҳисоблайди.

Тахминимизча, Заҳириддин Бобур ўз хулосасида Хондамирдан эшитганлари ва “Макорим ул-ахлоқ” асарида шоирнинг Самарқанддаги ҳаётидан келтирилган лавҳалар руҳиятидан келиб чиққан бўлса керак. Фахрий эса Навоийнинг ўз оғзидан эшитганлари асосида “совуқ кечаларнинг бирида Алишернинг ҳаммомга бориш зарурати туғилгани ва ҳаммомчига ёнидаги жузвдонини гаровга қўймоқчи бўлса ҳам, у қабул қилмаганлиги” воқеасини келтириш билан унинг ҳаёти оғир кечганлигини таъкидламоқчи бўлган⁷.

Самарқанд ҳокимининг қарамоғида бўлган шоирнинг ночор умр кечирганига ишониш қийин. Фахрийнинг маълумотига истисно сифатида қараш ҳам мумкин⁸. Албатта, Фахрий келтирганча, шоир Самарқандда яшаган пайтида ўта камбағал эди дейиш унча тўғри

¹ Ўша ерда.

² Бобурнома, 153- бет.

³ Фахрий Ҳиротий, „Латоифнома, 133- бет.

⁴ Навои и Джами, стр. 80.

⁵ Навоий Самарқандда. 32-35-бетлар.

⁶ Навоийнинг қалб дафтари”. 174-179-бетлар.

⁷ Фахрий Ҳиротий. Латоифнома, 134- бет.

⁸ Е.Э.Бертелъс шундай ҳисоблайди.

бўлмас, чунки Бобур таъкидлагани каби ҳоким ўз суҳбатдоши бўлмиш иқтидорли шоирга ҳеч бўлмаганда вақф пулларида маош тайинлаши аниқ эди. Тайинлаганда ҳам Аҳмад Ҳожибекдек санъатсевар ва шоир киши Алишер учун етарли миқдорда маош бериши турган гап эди (худди Амир Алишер шоирларга вақф пулидан маош тайинлаганлиги каби). Табиийки, кейинроқ катта мулк эгасига айланган улуғ Амирнинг ўтмиши ҳақида гапирганда унинг Самарқанддаги ўртаҳол умргузаронлиги Фахрийга “аянчли, ночор” бўлиб кўринган. Бунинг тасдиғини қуйидаги маълумотни илова этганида ҳам кўриш мумкин: “Султон соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро) мазкур амирни (Алишерни) талаб қилиб Султон Аҳмад Мирзога хат ёзган, (уни олиб келиш учун) киши юборган. (Султон Аҳмад Мирзо) уни муносиб анжомлар билан Султон соҳибқирон ҳузурига жўнатди. Амир Ҳиротга қараб йўл олди ва хизмат қилиш давлатига муяссар бўлди”¹. Шу фактнинг ўзи ҳам унинг Самарқандда чор-ночор ва кимсасиз яшамаганлигига далолат қилади. Гарчи у муайян лавозимда бўлмаган бўлсада, ҳокимга яқин инсон мақомида бўлган кўринади, акс ҳолда уни Ҳиротга келтириш учун Самарқанд ҳокимига махсус нома юборилмас эди.

Самарқанд Алишер Навоий ҳаётида алоҳида ўрин тутди. XV асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд илм-фан марказ сифатида ўз аҳамиятини йўқотгани борасидаги рус олимларининг таъкидларини баҳс доирасига тортишнинг ҳожати йўқ. Чунки бундай қарашлар анча йиллар олдин академик Воҳид Абдуллаев томонидан анча жиддий қораланган ва етарлича далиллар асосида унинг акси исботлаб берилган эди².

Бу даврда Самарқанд обод диёр бўлиб, Мирзо Улуғбек томонидан асос солинган жаҳоний илм-фан маркази анъаналари ҳали сўнмаган, исломий илмларнинг алломалари ҳануз ҳанафийлик таълимотини мукаммал ўқитиш билан банд эди.

Манбаларда Навоийнинг Самарқандда неча йил яшагани ҳақида аниқ бир фикр айтилмаган. Шоирнинг ўзи “Самарқандда икки йил Фазлуллоҳ Абу Лайсий қўлида таҳсил олдим,”-дейди³. Бу - биринчи факт. Самарқанддаги ҳаёти шу билан тугаган, таҳсилдан олдин ёки кейин Самарқандда яшаган ё яшамаганлиги ҳақида аниқ маълумот бермаган. Самарқандда, Аҳмад Ҳожибекнинг яқин суҳбатдоши сифатида саройда эътиборли зот бўлса-да, аммо расмий равишда Аҳмад Мирзо мулозими бўлмаган. Чунки Навоий бу даврдаги ҳаёти ҳақида “Вақфия”да шундай ёзиб қолдирган: “...бу ҳақир ҳеч навъ хизматга ўз қобилиятимни ченамаган жиҳатдин ва ҳеч турлук машаққатга ўз қувватимни англамағон сабабдин борча таманно эшигин юзумга мадрус ва жамиъи муддаолар абвобин илайимға масдуд қилиб эрдим”⁴.

Бошқа манбаларда унинг бир неча йил яшаганлиги умумий тарзда қайд этилган, холос. Иккинчи қўлимиздаги аниқ факт - бу Навоийнинг Самарқанддан Ҳиротга қайтиш санасидир ва у Султон Ҳусайннинг 1469 йилда Ҳирот тахтига ўтириши билан боғлиқ. Шундан келиб чиқиб навоийшунослар Навоий Самарқандда тўрт йил, яъни 1465-1469 йилларда яшаган деб таъкидлайдилар⁵. Аммо нега айнан 1465 йил? Манбаларда Навоийнинг Самарқандга келиш санаси кўрсатилмаган. У ўзи айтганча, икки йил таҳсил олган, Бобур тасдиқлаганидек, Аҳмад Ҳожибекнинг ҳомийлиги остида кун кечирган. Шундан бошқа аниқлаштирувчи маълумотлар манбаларда учрамади.

Шоирнинг Самарқанддаги ҳаётини ойдинлаштирувчи айрим маълумотлар мавжуд.

¹ Фахрий Ҳиротий. Латоифнома, 134- бет.

² Қаранг: В.Абдуллаев. Навоий Самарқандда. -Т.: Ғ.Ғулом, 1968.

³ Мажолис ун-нафоис, 33- бет.

³ Алишер Навоий. Вақфия, 165- бет.

⁴ М.Ойбек Навоий Самарқандга 1466 йилда келган ва у ерда уч йил бўлган деб ҳисоблайди. Қ.: Ойбек МАТ, XIII жилд, 113-бет.

“Равзат ус-сафо”да қуйидагича ёзилади: “...аз Хуросон ба Самарқанд рафта дар хонақоҳи Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ сокин гашт ва аксар авқотро ба мутолаа масруф дошт. Гоҳи бо Амир Дарвиш Муҳаммад Тархон ва Амир Аҳмад Ҳожибекки, соҳибхитиёри сари кори Мовароуннаҳр буданд, ихтилот менамуд то дар ин айёмки, Мирзо Султон Аҳмад бино бар таважжуҳи хоқони мансур ба суби Хуросон аз оби Амуя гузашт ва амир Алишер низ ҳамроҳи урду равон шуда буд. Баъд аз таҳқиқи хабари воқеаи Султон Абу Саъид ва истилои хоқони мансури музаффарливо бар балдаи фоҳираи Ҳирот аз амир Ҳожибек рухсат талабида ижозат ҳосил намуда ва рӯй ба Ҳирот овард”¹. (...Хуросондан Самарқандга кетиб, Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ (Абу Лайсий) хонақосида яшади. Асосий вақтини мутолаа билан ўтказди. Гоҳида Мовароуннаҳр давлати ишларининг соҳибхитиёри Амир Дарвеш Муҳаммад Тархон ва Амир Аҳмад Ҳожибек билан суҳбат қурарди. Бу ҳаёт шунгача давом эттиқи, Мирзо Султон Аҳмад Ҳусайн Мирзога қарши Амудан кечиб, Хуросонга юриш қилганда Амир Алишер ҳам унинг ўрдусида эди. Абу Саъид Мирзо ўлими воқеаси ва Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротни истило этганлиги ҳақидаги хабар аниқлангандан сўнг Аҳмад Ҳожибекдан рухсат олиб Ҳиротга юзланди.)

1.2. АЛИШЕР НАВОЙНИНГ БАЛОҒАТ ДАВРИ

Сарой мулозамати

Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро саройига чақирилгунга қадар уч султон хизматида бўлади: Абдулқосим Бобур, Абу Саъид Мирзо ва Султон Аҳмад Мирзо. Бу даврларга алоқадор маълумотлар, асосан, юқорида кўриб ўтилганлардан иборат. Навоийнинг шахсан ўзи, у ёки бу султон хизматида бўлганлигига ишора берувчи баъзи жузъий тафсилотларни ҳисобга олмаганда, хизмат вазифалари ҳақида бирор-бир эътиборга лойиқ маълумот қолдирмаган. Жузъий маълумотлар нималардан иборат? Масалан, Абулқосим Бобур Мирзо даврига оид маълумот “Мажолис”да мавжуд бўлиб, унда Хожа Ҳасан Хизршоҳ Астрободийнинг Абулқосим Бобур вафотидан сўнг Машҳадда оғир касал бўлиб қолгани ва Алишернинг кўмаги билан сиҳат топиши айtilган. Бундан Алишер Абулқосим Бобур вафотидан сўнг Машҳадда қолганлиги яна бир карра тасдиқланади. Аммо ўзининг Абулқосим Бобур саройидаги мулозимати ҳақида гапирмаган. Абу Саид ҳузуридаги хизмат-вазифалари ҳақида эса, очиқ гапирмаса ҳам, баъзи воқеалардан Абу Саид Мирзо даврида Алишер Ҳиротда сарой амалдорлари билан алоқада бўлгани ва қандайдир вазифа билан шуғулланганлиги маълум бўлади. Жумладан, унинг яқин дўсти Шайхимбек Абу Саиднинг хос мулозими экани ва ҳурматли кишиси Мавлоно Абдусамад Бадахший Абу Саид тарихини ёзаётган эътиборли олим эканлиги унинг саройга яқин бўлганлигини тасдиқлайди.

Самарқандда, Аҳмад Ҳожибекнинг яқин суҳбатдоши сифатида саройда эътиборли зот бўлсада, аммо расмий равишда Султон Аҳмад Мирзо мулозими бўлгани ҳақида гапирмаган. Чунки Навоий бу даврдаги ҳаёти ҳақида “Вақфия”да шундай ёзиб қолдирган: “...бу ҳақир ҳеч навъ хизматга ўз қобилиятимни ченамаган жиҳатдин ва ҳеч турлук машаққатга ўз қувватимни англамағон сабабдин борча таманно эшигин юзумга мадрус ва жамиъи

¹ Равзат ус-сафо. Босма. Лакхнав, VII жилд, 15- бет.

муддаолар абвобин илайимға масдуд қилиб эрдим”¹. Аммо “Макорим ул-ахлоқ”да Навоийнинг Султон Аҳмад ўрдусида хизмат қилгани ва Амир Султон Ҳасан Арҳангийнинг навкари бўлгани ҳақида ишора бор².

Султон Ҳусайн Бойқаро 1469 йили Хуросон тахтини эгаллагач, Алишер Самарқанддан Ҳиротга қайтади. Алишер Ҳиротга янги ҳукмдор томонидан расман чақирилганми ёки йўқми, негадир тарихчилар ушбу масалани ёритмаганлар. 1481 йилда Навоий томонидан ёзилган “Вақфия”да унинг Самарқанддан қайтиши султоннинг хоҳиш-иродаси билан юз бергани ва бу ҳақда фармон-мактуб юборилганлиги ҳақидаги қайд бу масалага ойдинлик киритади. Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъи саъдайн” ва Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Хондамирнинг “Хулосат ул-ахбор” тарихий асарлари, шунингдек, Хондамирнинг Навоий ҳаёти ва фазилатлари ҳақида махсус ёзилган “Макорим ул-ахлоқ” асарида Навоий ўз ташаббуси билан келгандек талқин этилади³. “Вақфия” 1481 йил ёзилган бўлсаю, ундан аниқ хабардор бўлган Хондамир нега ўз асарларида бу жиҳатни ёритмаган? Бундан маълум бўладики, “Вақфия” хизмат ва молиявий ҳужжат сифатида кенг ўқувчилар аҳлига мўлжалланмаган. Шунинг учун Навоий мазкур ҳужжатда ўз табиатига хилоф равишда, манманликка йўйилиши мумкин бўлган икки жиҳатни қайд этишга мажбур бўлган. Бири, гарчи, аввал-бошдан хилватга чекинсада, Ҳусайн Бойқаронинг қистови билан давлат хизматига тортилгани, иккинчиси шахсий мулки ҳажмини кўрсатишидир. Дарҳақиқат, Навоийдек мукамал тақво соҳиби ва донишманд файласуф ўзининг катта мол-мулкни бир-бир санаб, вақф қилинмишларни рисола тарзида васф этиши ғоятда зиддиятли. Муқаддимада Султонга аталган кўнгил изҳорларига қараганда ушбу китоб султонга тақдим этилган. Бунда Навоий қуйидагиларни кўзда тутгани яққол сезилади: Султон Ҳусайндан уни шон-шараф ва давлат соҳиби этганлиги учун миннатдорчилик изҳори ва шу билан бирга, мол-дунё йиғишга мажбур бўлиши ўзи истамаган равишда юз берганлигига ишора. Навоий асарларида ва ҳатто Хондамирнинг унга бағишланган маълумотларидан ҳам кўриниб турадики, у ўз муваффақиятларини юксак тавозеъ ва камтаринлик нуқтайи назаридан ғоят нозик пардаларда ифодалаш тарафдори бўлган (шоир назмидаги фахриялар алоҳида мавзу- Ш.С.) Аммо “Вақфия” ўз мазмун-моҳиятига кўра Навоийни очиқ гапиришга мажбур қилган ягона истиснодир. Демак, Навоий юксак назокат ва фаросат юзасидан ўзининг Ҳиротга чақирилиши расмий равишда юз берганлигини тарихда қайд этиш нокамтарлик бўлади деб ҳисоблаган. Навоийнинг яқин кишилари “Вақфия” мазмунидан хабарсиз бўлганлар дейиш қийин. Айниқса, Хондамир Амир Алишернинг котиби бўлганини назарда тутадиган бўлсак, у китоб мазмунидан аниқ хабардор бўлган. Демак, у ҳам тарих китобида унинг хоҳиши билан иш тутиб, камтарона қайдлар билан кифояланган, шекилли. Фақат анча муддат ўтиб, Навоий вафотидан кейингина унинг ёш замондоши Фахрий Ҳиротий бу масалани очиқ қайд этади. У шундай ёзади:” Султон соҳибқирон мазкур амирни талаб қилиб, Султон Аҳмад Мирзога хат ёзди, (уни олиб келиш учун) киши юборди. (Султон Аҳмад Мирзо) уни муносиб анжомлар билан Султон соҳибқирон ҳузурига жўнатди. Амир Ҳиротга қараб йўл олди ва хизмат қилиш давлатига муяссар бўлди”⁴. Фахрий Ҳиротий маълумоти бир неча йил кейинроқ Сом Мирзо томонидан ёзилган “Тухфаи Сомий” тазкирасида ҳам айнан такрорланади⁵.

Манбаларда кузатилган ушбу икки хил ёндашув навоийшуносларимизни анча

² Алишер Навоий. Вақфия, 165- бет.

¹ Макорим ул-ахлоқ./М.Фахриддинов ва П.Шамсиев тарж.,97- б.

² Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн: Кўлёзма, 331^а;Равзат ус-сафо: Босма, 70-бет; Хулосат ул-ахбор: Кўлёзма 60^а –варақ.

³ Фахрий Ҳиротий. Латоифнома,134- бет.

⁴ Сом Мирзо Сафавий. Тухфа-йи Сомий, 167^а –вар.

чалғитган. В.В.Бартольд Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд ва Хондамир асарлари Навоий раҳбарлигида бажарилганлигини рўкач қилиб, Фахрий ахборотини инкор этади¹. Олим Шарафиддинов Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотининг биринчи нашрида “Султон Ҳусайн дўсти Навоийни эсга олиб уни Ҳиротга чақиради”² деса, иккинчи қайта ишланган нашрида: “Сом Мирзо томонидан берилган бу маълумот бошқа мўътабар манбаларда учрамагани учун унга бир ҳикоя сифатида қараш лозим” деб кўрсатиб ўтилган...”³. М. Ойбек бунга чиройли уйдирмаларга мойил ёзувчиларнинг “шоирона афсонаси” сифатида қарайди⁴. Шу тариқа масала ечилмасдан қолди. Анча йиллардан сўнг ушбу мавзуга қайтган профессор А. Абдуғафуровнинг мақоласидан кейин аниқ тўхтамга келинди. “Вақфия”даги маснавийнинг кейинги байтларида,- деб ёзади олим, - Ҳусайн Бойқаро мактубининг бош мақсади баён этилади, шу қисмда унинг чиндан ҳам ёрлиқ-фармон характерида эканлиги аниқ-равшан юзага чиқади. Навоий уни бир ўринда “тавқеъ” (шоҳнинг махсус белгиси қўйилган фармон-ёрлиқ) сўзи билан ифодаласа, иккинчи ўринда очикдан-очик “хукм” деб атайди. Янги хукмдор Навоийни саройга расмий таклиф этар экан, эндиликда “гўша тутиш вақти эмас” деб таъкидлайди, ижтимоий-ижодий фаолликка чақиради, унга катта ваъдалар бериб, “бори ишларинг шу қадар авж оладики, ой юзасига ҳам қадам қўяжаксан” деб ёзади. Қисқаси, Ҳусайн Бойқаро мактуб-хукмини олиш ҳамано, Навоийнинг тезлик билан саройга-Ҳирийга келишига ҳамда “хизматга белни боғлашга” даъват этади”⁵. Р.Воҳидов ҳам “Мажолис ун-нафоис”нинг таржималарига бағишланган илмий тадқиқотида “Вақфия”даги қайдлар Фахрий Ҳиротий маълумотлари билан янада мукамаллашишини таъкидлаган⁶. Ҳусайн Бойқаро Султон Аҳмад Мирзога ҳақиқатда ҳам мактуб ёзган бўлиши мумкин. Биринчидан, Навоий Аҳмад Ҳожибекнинг яқинларидан бўлгани учун Ҳусайн Бойқаро шоҳлик расми - дипломатия қонун-қоидаларига мувофиқ, қолаверса, юксак маънавиятли шахс сифатида бошқа давлат худудидан, айниқса, саройга яқин инсонлардан бирига ўзига хизмат қилишни сўраётгани учун унинг ҳомийларига хат ёки фармон юборганлигига ишониш мумкин. Аммо фармоннинг нусхаси ҳозирча топилгани йўқ.

XVI асрнинг II ярми-XIX аср ёзма манбаларида Навоийнинг Бойқаро саройига келиш тафсилоти Фахрий маълумотлари асосида ёритилган. У ҳам бўлса санокли асарларда, фақат Абдулмўминхоннинг “Том ут-таворих” (XVI аср охири), Ҳусайнқули Азимободийнинг “Наштари ишқ” (XIX) ва ундан фойдаланиб ёзилган “Рўзи равшан” тазкираларида (XIX аср) учради. “Том ут-таворих” муаллифи гарчи Фахрий маълумотини асос сифатида қабул қилган бўлсада, айрим элементлар унинг Хондамир ва Давлатшоҳ асарларидан ҳам яхши хабардор эканлигини кўрсатди. “Наштари ишқ” муаллифи ҳам Навоий ижоди ҳақида гапирар экан, тўлалигича Вола Доғистонийнинг “Риёз уш-шуаро” тазкирасидаги маълумотларни такрорлайди. Аммо таржимаи ҳол қисмида кўпроқ илк манбалардан бирига, хусусан, Сом Мирзонинг “Тухфаи Сомий” тазкираси маълумотларидан фойдалангани аниқланди. Сом Мирзо эса ўз асарида кимнинг маълумотларига суянганини юқорида кўриб ўтдик.

Навоийнинг сарой билан боғлиқ асосий фаолияти Ҳусайн Бойқаро даргоҳида кечган бўлиб, унинг таржимаи ҳолидаги муҳим бўғин ҳисобланади.

1469 йилда Султон Ҳусайн ўз қошига чорлагач, Навоий “Ҳилолия” қасидасини ёзиб Ҳиротга кириб боради ва умрининг охиригача ўз дўстига, темурийлар хонадонига содиқ

¹ Бартольд В.В. Мир Али Шир и политическая жизнь, стр. 226 .

² Шарафиддинов О. Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди. -Т.:Ўздавнашр,1948, 40- б.

³ Шарафиддинов О. Алишер Навоий. -Тошкент: Ф.Ғулум , 1971,56- б.

⁴ М.Ойбек .Адабий-танқидий мақолалар. МАТ, XIII жилд, 115-бет.

⁵ Абдуғафуров А. Навоийга Ҳусайн Бойқаронинг мактуб-ёрлиғи, // Шарқ юлдузи.-1973.-№ 1, 225-232- бетлар.

⁶ Воҳидов Р. “Мажолис ун-нафоис”нинг таржималари.- Т.:Фан, 1984, 31- бет.

мулозим бўлиб қолади.

Алишер Навоий Султон Ҳусайн Бойқаро саройида қандай расмий мансабларга эга бўлгани тарихий манбаларда воқеа-ҳодисалар баёни жараёнида кўрсатиб ўтилган. Аммо унинг ҳукуматдаги вазифалари ва ваколатида бўлган тармоқлар тавсифи келтирилмаган. Унинг оддий вазирлик даври қисқа бўлиб, муҳрдорлик лавозимида ишлаган 1469-1971 йилларни ўз ичига олади. Муҳрдорлик мансабидаги вазифа ва бурчи ўз-ўзидан равшан. Амир кабир (бош вазир) лавозимида Амир Алишер қандай вазифаларни бажаргани ёки расмий тарзда айтганда, давлат бошқарувининг қайси соҳаларига масъул бўлганини аниқлаш мумкинми? Навоий “Вақфия”да пардадор қилиб уларни ҳам айтиб ўтган. Унда султон томонидан Навоий зиммасига юкланган вазифалар бирма-бир қайд этилган.

Агар уларни бир тартиб ва тизимга келтирсак, унинг бош вазир-девон соҳиби сифатида масъул бўлган соҳа ва тармоқлар ҳақида тасаввур олиш мумкин. Жумладан:

1. Турли халқ йиғинлари ва умумхалқ тадбирлари.
2. Ташқи ишлар. Улуғ меҳмонларни расмий қабул қилиш ва кузатиш.
3. Фавқулодда ҳолатлар, қўзғолонлар, чегара муаммолари.
4. Порахўрликка қарши кураш.
5. Талончилик ва босқинчиликка қарши кураш.
6. Суд-адлия.
7. Вилоятлардан тушган ариза ва шикоятларни текшириш.
8. Амнистия.
9. Диний алоқалар¹.

Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ” асарида ҳам унинг хизмат вазифалари кўламини ойдинлаштириши мумкин бўлган турли нақллар мавжуд. Ҳар ҳолда Навоийнинг ўз эътирофи конкретлилик даражаси билан талабга тўла жавоб беради. Албатта, Хондамир маълумотларида Амир Алишернинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини янада ёрқинроқ тасаввур қилиш имконияти кенг. Чунки Алишер Навоийнинг Султон Ҳусайн даргоҳида кўрсатган фаолияти, кўпроқ, Хондамир асарларида ёритилган. Ўша давр муаллифларининг бирортаси, табиийки, Хондамир каби кенг ва батафсил маълумотга эга бўлишининг иложи ҳам йўқ эди. XV-XVI аср муаллифлари унинг маълумотларидан имкон қадар фойдаланган бўлсаларда, юқорида кўриб ўтилган айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, унга қўшимча бўладиган маълумот келтира олмаганлар. Ўз ўрни билан Хондамир маълумотлари устида батафсил тўхталамиз.

XX асргача яратилган форс ёзма манбаларида Навоийнинг балоғат даври, хусусан, Султон Ҳусайн саройидаги мулозамат даври жуда кам ёритилган. Кўпгина ўринларда “Алишер Навоий Султон Ҳусайннинг вазири эди” ибораси учрайди, холос. Бу даврга тааллуқли маълумотлар, асосан, хронологиядан иборат ва улар таърих жанридаги битикларда учрайди. Бу ҳақда таърихлар бўлимида сўз юритамиз.

Хулқ-атвори

Алишер Навоий тарих зарварақларида мангу нақшланишига сабаб бўлган уч асос мавжудлигини яхши биламиз. Бу – унинг беназир истеъдодидан дарак берувчи буюк асарлари, машҳур давлат арбоби бўлгани ва ниҳоят, уни улуғ пир мақомига кўтарган хулқ-атворидир.

Фозиллик Шарқда инсон идеали саналгани учун ҳам Навоий даври манбалари ва

¹ Вақфия, 174-175-бетлар.

XX асргача яратилиб, бизгача етиб келган ёзма манбаларнинг Алишер Навоий ҳақида маълумот берувчи деярли барчасида унинг хулқ-атвори ҳақида тўхтаб ўтилган. Бунда ҳам икки ёндашув кўзга ташланади: биринчисида Амир Алишернинг фазилатларидан ҳикоя қилувчи нақллар орқали инсон камолоти мезонлари тарғиб этилса, иккинчисида буюк тарихий шахснинг кундалик, ҳаётдаги икир-чикирларга муносабатида кўринган хулқ-атвори билан халқни яқиндан таништиришга ҳаракат қилинади. Ҳар иккала ёндашув таъсирини XVI-XIX асрларда яратилган барча манбаларда бирдек сезиш мумкин.

Давлатшоҳ унинг феъл-атворини шундай тавсиф этади: "Бу кунда улуғ амир дину давлат ҳомийси, миллат ва шариатнинг пуштипаноҳидир. Замон хисрави (Ҳусайн Бойқаро) унинг фойдали маслаҳатларидан баҳраманд, улуғ насабли замондошлари ва (баланд) мартабали арбоблар унинг ёқимли суҳбатидан миннатдор ҳамда розидирлар. Унинг ҳимматли мажлисларида қатнашиш фозиллар тилаги, олий даргоҳи фуқаронинг мурожаатгоҳи, дастурхони ҳижронзадалар учун турли нозу-неъматлаърга тўла, эшиги муҳтожларга ҳамма вақт очиқдир... Бу улуғ амирнинг мақбул табиати ва мулойим феъли султон жанобларига яқинлик, муслмонларнинг муҳим ишларига кафиллик, шариат ва суннат, мулку миллат ишларини раванқ топтириш билан банд бўлса ҳам ҳамиша фазилат орттириш ва илм билан машғул. Унинг ҳаммажлислари хуштабъ фозил кишилардир. Унинг мақбул хотири аҳли дилдан ўзгани истамасди, оғир табиатлилар унинг ҳиммат назарига енгилтак бўлиб кўринадилар, ноаҳллар йиғинларига бормайди¹. Шу ерда Давлатшоҳ томонидан қилинган таърифга асосан, Навоий хулқ-атворини шундай тизимлаш мумкин: а) ҳаммага маъқул табиатга эга; б) мулойим; в) ҳамиша фазл орттиришга ҳаракат қилган. "Равзат ус-сафо" да келтиришича, 1470 йилнинг бошларида Ҳусайн Бойқаро Имом Ризо мазорини зиёрат қилиш учун Машҳад шаҳрига борган вақтда Абдулхатиб Ҳиротда қолган девон мушрифидин Қутбиддин Товус Симноний устидан подшоҳга шикоятмуз гапларни етказиб, унинг лавозимини эгаллашга эришади. Сўнг хожа Низомиддин Бахтиёр билан тил бириктириб, ҳокимиятни ўз билганларича бошқариб, халққа бениҳоя жабру-зулм кўрсата бошлайдилар. Бу эса, ўз навбатида, халқнинг безовталанишига олиб келади. Султон Ҳусайн бундан хабар топган замониёқ Амир Алишерни Ҳиротга жўнатади². Навоий Ҳиротга келиб, Низомиддин Бахтиёрни ҳибсга олади ва Қутбиддин Товусни яна ўз лавозимига тайинлайди. "Равзат ус-сафо" муаллифи асарда у ёки бу муносабат билан Амир Алишер иштироки рўй бераётган бўлса, у албатта, ўзининг улуғ Амирга бўлган чуқур эҳтироми юзасидан Алишерга хос бўлган хусусиятларни баҳоли қудрат, воқеалар силсиласида ажратиброқ кўрсатишга ҳаракат қилади. Шу ерда "Равзат ус-сафо" муаллифи Навоий характерида меҳрибонлик ва бошқаларга ҳамдардлик ҳисси кучли эканлигини кўрсатиб ўтади. Масалан, юқорида кўриб ўтганимиз, яъни султоннинг Ҳиротда тартиб ўрнатиш учун амир Алишерни юбориши ва унинг сотқин, золимларни жазолаши "Матлаъи саъдайн" да қуруқ баён шаклида берилган³. Хондамир ўзи яхши билган кишининг характерини тўлароқ очиб беришни лозим топган: "Амир Алишер аввал шаҳарга бориб, ўзининг табиий одатига кўра (!) бефойда кунлардан уларнинг (халқнинг) кўнгилларига етган захмларга малҳам қўйди. Ситамдийда мазлумлар кўнгилни овлаш бобида тўла эҳтимом кўрсатди ва золимларнинг зулми дафъига киришди ва буюрдикки, аввал олий ёрликни жумъа куни минбардан туриб ўқиб эшиттирсинлар... Шу сабабдан халқнинг кўнгил тинчу осуда бўлиб, подшоҳнинг давлату иқболи давом этишининг ҳамду саноси ва Амир

¹ Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро, 190- бет.

² Равзат ус-сафо, VII жилд. Босма, 19- бет. Бу жилднинг муаллифи Хондамирдир. Бундан кейин "Равзатус-сафо"нинг еттинчи жилди баёнида муаллиф сифатида Хондамир кўрсатилади

³ Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн, 341^а -вар.

Алишернинг улуғлиги ва шуҳрати ортиши дуосига қўл очдилар”¹.

Навоийнинг маънавий қиёфасини тўла акс эттирувчи асар, сўзсиз, “Макорим ул-ахлоқ” (хулқларнинг яхшилари) ҳисобланади. Хондамир улуғ мураббийнинг илм аҳлига бўлган муносабатини, унинг тарбияси остида етишиб чиққан олиму фозиллар, яратилган муҳим асарлар ҳамда қурдирган маърифат масканлари ҳақида етарли маълумот берар экан, Навоийнинг хулқ-атворини иложи борича кенгроқ кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

Алишер Навоий даври манбаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, улуғ амирнинг ҳазил-мутойиба ва аскияга ўчлиги, шу билан бирга, нозиктаъблиги масаласи ҳам барча муаллифларнинг диққат марказида бўлган. Аммо ҳар ким ҳар хил талқин этган. Хондамир унинг нозиктаъблигини юксак инсоний фазилатлар нуқтайи назардан очиб беради. Жумладан, у ёзади: “Соҳибқирон бир қиш Марв шаҳрида қишлаганларида олам улуғларининг паноҳи (Амир Алишер) ҳам бирга эди. Бир мусича олий ҳазратнинг чодирига кириб юрди, ҳеч ким тўқинмагани учун у ерга уя ясаб, тухум ҳам қўйди. Сайёралар подшоҳи (қуёш) Хут қишлоғидан иззат ва шараф манзилига юриш қилгач, Султон соҳибқирон ҳам Ҳирот тахтига йўналмоқчи бўлди. Мусича эса ҳали тухумини очмаган эди. Давлатли олий ҳазратнинг зотий шафқат ва табиий марҳамати шуни тақозо этдики, мусича тухум очиб, болаларини катта қилгунча чодир қимирлатилмай, шундай қолдирилсин. Бинобарин, Хожа Ҳасан Бахтиёрга у чодирни муҳофазат қилиб туришни ва мусича болаларини учирқ қилгандан сўнг хизмат ҳақи учун чодирни ўзи билан олиб кетишини буюрди”². Заҳриддин Бобур шундай келтиради: “Алишербекнинг мижози нозик била машҳурдур. Эл назокатини давлатининг ғуруридин тасаввур қилур эдилар. Андоғ эмас эркандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандда юрғонда ҳам ушмундоғ нозукмижоз экандур”³115. Кўриниб турганидек, Бобур мижози нозиклик деганида унинг “сиркаси сув кўтармаслик” феъли мавжудлигини назарда тутмоқда. Мирзо Ҳайдар ҳам “Тарихи Рашидий” асарида Навоийнинг тез ранжишдан ўзга айби йўқлигини таъкидлаб ўтган⁴116 . Айни талқин Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида ҳам зикр этилади⁵117. Ушбу ҳол унинг бу феъли ҳақидаги маълумотлар Навоийнинг ўлимидан сўнг ёзма адабиётга олиб кирилганлигини ва Бобурнинг “Алишербек мижози нозиклик билан машҳурдир” деганига қараганда, бу масала талқини атрофида кўп баҳсу мунозаралар бўлганини англатади. Зайниддин Восифий мазкур мавзуга алоҳида боб бағишлаган. Унда келтирилишича, Мир улфатчиликни қўмсаб ўз дўстларини кечки овқатга таклиф этади ва: “Таом сузилар ҳаддида ҳурматли дўстининг беморлиги ёдига тушиб, Соҳибдорони уни кўриб келишга жўнатди. Таомдан сўнг барча улфатлар Алишербекнинг кайфиятидан унинг кўнгли ёлғизлик истаб қолди, деган андишада бирин-кетин туриб ташқарига чиқдилар. Бу эса Мирнинг кўнглига оғир ботди ва шу пайт бемор ёнидан қайтиб келиб, хонага кирган Соҳибдорога қаттиқ оҳангда “Алишернинг уйи таомхонаю, Алишер ошпаз эканда, улфатлар келадилару ош еб кетаверадилар”,-деди. Соҳибдоро дарҳол ўзини оқлашга ўтиб, унинг айби йўқлиги ва Мирнинг ўзи уни бемор ҳузурига юборганлигини эслатди”⁶119.

Мир икки кун Соҳибдоро билан гаплашмайди. Соҳибдоро бу аҳволдан роса танг бўлиб турган маҳалда Мир уни чақириб, “Эй мавлоно Соҳиб, ғалат ва хатога йўл қўймаслик фақат Парвардигоргагина раводир. Мен камоли ғазабим туфайли сени устод охундни кўришга жўнатганимни ёддан чиқаргандирман, сенга эътироз билдирдим. Сен эса ҳаммага

¹ Равзат ус-сафо.,VII жилд, 19-б.

² Макорим ул-ухлоқ, 91-бет.

³ Бобурнома,153- бет.

⁴ Тарихи Рашидий: Қўлёзма,121⁶ –вар.

⁵ Бадоеъ ул-вақоеъ. Форсчадан Н.Норкулов таржимаси.- Т.:Ф.Ғулом, 1979. 94-95- бетлар.

⁶ Бадоеъ ул-вақоеъ. Форсчадан Н.Норкулов таржимаси.- Т.:Ф.Ғулом, 1979. 94-95- бетлар.

эшиттириб шуни айтишинг ва Алишерга нима бўлди, қариб ақлдан озибдими дегандай ҳамманинг кўз олдида мени шарманда ва хижил қилишинг лозимиди? Дўстлик олами нима бўлди? Ўтиниб қўйсангу менинг хатойимни беркитсанг ва мени одамлар ҳайратига сабабчи бўлишдан сақласанг бўлмасмиди?” – дея дашном беради.

Маълумотлар руҳиятидан маълум бўладики, Амир Алишер таъби нозик бўлишига қарамай, ҳазил-мутойибага ўчинсон бўлган. А.Абдуғафуров Навоий сатирасига бағишланган махсус тадқиқотида шундай ёзади: “Навоий табиатида кулги, юморга мойилликнинг кучли эканлигини кўрсатувчи, кулгили ҳолатга мувофиқ равишда кулгининг турли даража ва характер эгаллашини кўрсатувчи мисоллар кўп. Буларнинг шоир замондошлари томонидан зикр этилганлиги, объектив характери, айниқса, қимматини оширади, мўътабар манбага айлантиради¹. “Макорим ул-ахлоқ”да келтирилган ўнта латифа ва мутойиба шундан шохидлик беради. Улар фалсафий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, асос-эътибори билан муаллиф томонидан онгли равишда китоб қаҳрамонининг турли фазилатларини очишга йўналтирилгандир.

Алишер Навоийнинг кундалик турмушдаги кўпгина ҳазил-мутойиба ва аскиялари халқ ичида шунчалик машҳур бўлганки, улар оғиздан-оғизга кўчиб юрган, ҳатто кейинроқ баъзи китобларда зикр ҳам этилган. Бу китобларда баён этилган аскиялар Хондамир “Макорим ул-ахлоқ”да келтиргани каби маърифий аҳамиятга эга эмас. Улар шунчаки улуғ кишиларининг ҳаётига доир олди-қочди воқеаларни бериш ниятида келтирилган. Масалан, Ҳакимшоҳ Қазвиний келтирган латифалар шунга мисол бўла олади².

Мир Алишер ўзига қарата фаросатсизларча айтилган ўткир ҳажвни юқорида мазкур бўлган феъли боис тезда ҳазм қила олмаган кўринади. “Бадоеъ ул-вақоеъ”да Маждиддин ва Абулвосеъ Низомий ўртасида бўлиб ўтган суҳбат тафсилоти келтирилган:” (Маждиддин) Абулвосеъга деди: “Маҳдум, ёрдам берингу лекин ўз вақтингиз ва ҳолингизга воқиф бўлинг... иншооллоҳ, яхшилик билан ўтсин”. Мавлоно Абдулвосеъ деди:”...Эртага менинг мажлисга келмаганим бўлсин... шу туфайлики, мана анча вақт бўлди, сиз билан Алишер ўрталарингда дўстлик ниятлари борасида сизда бироз ғубор ва кек кўринди. Алҳамдулиллоҳ, Оллоҳ таоло инояти туфайли бу ғубор тарқаладиган бўлди. Бу мажлис ва маҳфил биноси сўзсиз заиф ҳазил ва ярамас мутойиба асосига қурилиши керак. Мир Алишер олам сўзамолларининг пешвосидир. Ҳеч бир имкони йўқки, бу мажлисда мени аския қилмасалар. Мен у кишини мулоҳаза қилиб, қарши жавоб айтмаслигим мушқил. Унинг нозик мижоз эканлиги сизга маълум-ку! Натижада мен туфайли ўртадаги ярашиш (муддаоси) барҳам ейди”³.

Кўриниб турибдики, кўпчилик Навоий мухлислари унга қарши жавоб айтишдан истиҳола қилганлар. Зайниддин Восифий маълумотларидан яна бир нарсани илғаб олиш мумкинки, унинг Навоий ҳақида келтирган барча нақллари ўзининг адресатига эга ва улар, асосан, Навоийнинг яқин даврасига тааллуқли инсонлар бўлиб, ҳатто нақлларнинг мазмун-моҳияти ҳам бошқа муаллифларнинг шу сюжетли маълумотларидан фарқ қилади. Масалан, Ҳакимшоҳ келтирган Навоий ва Соҳибдоро мутойибаси Восифий томонидан ҳам келтирилган бўлиб, фақат хулосада тафовут мавжуд. Унда “мот бўлган Навоий кулиб юборди ва уловини дўстига тақдим этди” тарзида келтирилган.

Манбаларнинг деярли барчасида Мир Алишерга ўткир жавоблар айтишдан ҳайиқмаган ягона инсон Камолиддин Биноий бўлганлиги ва Ҳиротдан узоқда юришга мажбур бўлганлигининг ҳам сабаби шунда дейилган. Манбаларда Навоий ва Биноий муносабатларига алоҳида эътибор қаратилган. Уларни ўрганиб чиқиш Навоий ва Биноий характерларига

¹ Абдуғафуров А. Навоий сатираси.-Т.:Фан,1966, к.1.-8 бет.

² Ҳакимшоҳ Қазвиний. Таржума-йи “Мажолис ун-нафоис”, 244 -бет.

³ Бадоеъ ул-вақоеъ, 98- бет.

хос бўлган айрим муҳим нуқталарни баҳолашда фойдадан холи эмас. “Бобурнома” да ҳам бу ҳолатга эътибор берилиши бу икки буюк шахс ўрталаридаги муносабатларни ойдинлаштиришга қаратилган қадам сифатида баҳоланиши мумкин: “(Биной) бурунлар мусиқийдин беҳабар экандур, бу жиҳатдан Алишербек таън қилур экандур. Бир йил Мирзо Марвга қишлашга борганда - Алишербек ҳам борур. Биной Ҳирийда қолур. Ул қиш мусиқий машқ қилур, ёзгача онча бўлурким, ишлар боғлар. Ёзда Мирзо Ҳирийга келганда савт ва нақш ўткарур, Алишербек таажжуб қилуб таҳсин қилур. Мусиқийда тавр ишлар боғлабтур, ул жумладин бир нақши бор, нуҳрангға мавсум. Бу тўққуз рангнинг туганиши ва нақшнинг майлоси ростадур. Алишербекка хейли мутаарриз экандур. Бу жиҳатдан хейли жафолар тортти. Охир тура олмай Ироқ ва Озарбайжонга Яъқуббек қошига борди. Яъқуббек қошида ёмон эмас эди. Ҳарифи мажлис бўлуб эди. Яъқуббек ўлғондин сўнг ул вилоятларда турмай, Ҳирийга келди. Ҳануз зарофат ва тааррузи бор эди. Ул жумладин бири будурким, бир кун шатранж мажлисида Алишербек оёғини узатур. Бинойнинг (орқасиға) тегур. Алишербек мутойиба била дерки, “ажаб балоест дар Ҳирий, агар по дароз мекуни ба (пушти) шоир мерасад”. Биной дерким, “агар жам мекуни ҳам ба (пушти) шоир мерасад”. Охир бу зарофатлардин яна Ҳирийдан Самарқанд азимати қилди. Алишербекки қалин нималар ихтироъ қилиб эрди ва яхши нималар ихтироъ қилиб эди, ҳар кишиким, ҳар ишта бир нима пайдо қилди, ул ниманинг ривож ва равнақи учун “Алишерий” дер эди. Баъзи зарофат била Алишербекка иснод қилурлар эди. Нечукким, Алишербек қулоқ оғриғида ёғлиқ боғлоғон учун хотунлар кўк ёғлиғни қийиқ боғлоғонни “нози Алишерий” от қўйдилар. Бу жумладан Биной Ҳирийдин азимат қилур вақт эшаги учун полондўзга ғайри мукаррар полон буюрур, отини “Алишерий” дер, “полони Алишерий”ға машхур бўлди”¹

Восифий Бинойнинг ўз тилидан “Амир Алишернинг таъби нозиклиги ва (мендан) мижози қайтганлиги туфайли Хуросон мамлакатада яшаш имконияти бўлмай қолди. Думоғим тахтгоҳида Ироқ мулки сайри ҳавосига жазм қилдим...” деб келтирган². Манбалардаги маълумотлар умумлаштириб таҳлил этилганда XVI аср бошида яратилган асарларнинг деярли барчасида Навоийнинг тез ранжишлик одати билан бирга унинг кечиримлилиги ҳам қайд этилиб, бунинг тасдиғи сифатида Бинойнинг бир неча марта Мир мажлисига қайта таклиф этилиши мисол қилинади.

Илк манбалардан олинадиган тасаввур шундайки, Камолиддин Бинойнинг шоирлик иқтидорини Навоий чуқур ҳурмат қилган. Бироқ Биной ўзининг қалтис аския ва қочиримлари билан улуғ шоир нафсониятига теккан ҳолатлар бўлган. Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида келтирилган мутойибада шундай келтирилади: “Биной ҳам фозил инсон ва комил шоирдир. У ва Мир Алишер ўртасида ўтган аскиялар машхурдир.

Биной Мир Алишерга кўп қочирим қилар экан ва Мир ҳам аския қилиб: “Мавлоно Биной жинни бўлиб қолибди, уни “Дор уш-шифо”га элтиб нўхат атала ва товонига уриш билан даволанглар”, – деган экан. Шунда у қочиб, Ироққа кетган экан. У ерда Султон Яъқуб мурувватидан баҳраманд бўлиб, бир неча муддат ўтгандан сўнг Ҳиротга қайтибди. Мир Алишер бир киши орқали уни чақиртириб ва лутфу ошнолик кўрсатиб, иззат-икром билан кутиб олибдида, ўтган воқеалардан узрхоҳлик қилибди. Биной ҳам ўз аскиялари учун узр сўрабди ва улар ярашибдилар. Мажлисида Мир Бинойдан ироқликлар қандай таассурот қолдирганликларини сўраганда, Биной ироқликларнинг ҳеч ҳам туркий шеър ёзмайдиганлари зўр таассурот қолдирганлигини айтибди. Шунда Мир:

– Сен ҳали ҳам ўзингга келмабсан-ку, қўй бундай қочиримларни! Дўстлик, аҳиллик ва

¹ Бобурнома, 162- б.

² Бадоеъ ул-вақоеъ. Матни интиқодий, саҳ. 605.

ростлик юзасидан гапирчи, бизнинг девонлардаги қайси матлаъ яхшидир?- деб сўрабди
Биной қуйидаги матлаъ халққа ёқади, дебди:

*Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокрок,
Кирпигим шабнам тўкулғон сабадин намрокрок.*

Мир дебди:

– Ажаб киноягўй одам экансанда, бу матлаъ Мавлоно Соҳибники-ку! Биз уни сотиб олганмиз.

Биной деди:

– Нима деяпсиз, сизга пичинг қилишга қандай ҳаддим сиғади. Мен бу матлаъ сизники эмаслигини билмас эдим. Сизда жуда кўп яхши матлаълар бор ва мана буниси ундан яхши чиққан:

*Бошимиздин сояи сарви қадинг кам бўлмасун,
Зоти покнинг бўлмаса, оламда одам бўлмасун.*

Мир деди:

– Бу ундан яхши ва бу матлаъ Мавлоно Лутфийникидур. (Аммо, аниқ бўлдики,) сен ҳеч қачон пичинг-кинояни тарк этмас экансан!”¹

Алишер Навоий Биной билан ўрталарида воқеъ бўлган аскияларда мардона турган. Бироқ Навоий аскиядаги ахлоқсизлик, иззат-нафсга тегиш ўз меъёрида бўлиш тарафдори бўлган, шу билан бирга, ғаразли кинояни умуман ўзига сингдира олмаган. Шу ўринда таниқли навоийшунос А.Абдуғафуровнинг Навоий ижодини ўрганиш натижасида ясаган тубандаги хулосасини келтириб ўтишни маъқул кўрамиз: “Навоий ўринсиз, асоссиз, ҳаёсиз кулгини, зўрма-зўраки, юзаки, фақат кулги учун бўладиган кулгини одобсизлик белгиси деб атайди. Бундай пайтларда Навоийда кулги термини кўпинча, тор маънода ҳам ишлатилади ва у ҳазил-мутойиба мазмунларини ифодалаб келади. Ҳазил-мутойиба маъносидаги кулги ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ишлатилиши керак, маълум одоб чегарасидан ташқари чиқмаслиги, шахсиятга тегмаслиги, уни ҳақорат этмаслиги керак. Қуруқ, бемаъни, “товон қичиғини” эслатувчи кулгилар Навоий томонидан қораланади². “Макорим ул-ахлоқ” ва “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарларида келтирилган кўпгина мутойибалар шундан далолат беради. Жумладан, “Бадоеъ ул-вақоеъ” муаллифи шундай нақл қилади: “Шундай дейдиларки, Мавлоно Биной Ироқдан келган маҳалларда бир куни Мирнинг фозиллар билан тўла мажлисида Мир (Бинойдан) Яъқуббекнинг (Оққуюнлилар султони-Ш.С) латифлик ва зарифлик фазилатлари ҳақида сўзлаб беришни сўради. Биной деди:

– Яъқуббекнинг латофати ва зарофатидан ҳам мақтагулик фазилати шу эканки, у туркий тилда (сўз) айтмас экан.

Мир (аччиқланиб) деди:

– Эй, Биной! Дағаллик ва аҳмоқликни ҳаддидан ошириб юбординг!”³

Биной ҳам Навоийни жуда хурмат қилган ва унга қатор қасидалар бағишлаган. Юқорида мазкур бўлганидек, Биной Ироқдан қайтганда Алишер Навоий томонидан яхши кутиб олинган ва мушоирага таклиф этилган. Биной шу пайтларда Амир Алишерга бағишлаб

¹ Тарихи Рашидий,122^б –вар.

² Абдуғафуров А. Навоий сатираси,29 б.

³ Бадоеъ ул-вақоеъ. Матни интиқодий,саҳ.614.

ёза бошлаган қасидасини тугатиб унга жўнатади. Аммо мушоирада Навоийнинг дилини оғритиб қўйгани боис, эски яраси янгиланган шоир қасидани қабул қилмайди. Натижада Биноий қасидани ўзгартириб Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзо номига бағишлайди ва Амир Алишерни ҳажв қилганча Самарқандга жўнаб кетади. Мазкур қасида бизгача етиб келмаган. Шу тариқа у анча пайтгача Ҳиротга қайта олмаган. У ҳижрий 876 (1471-1472) йилда Самарқанддан туриб Навоийга бағишлаб “Мажмаъ ул-ғаройиб” номли қасида ёзган. Қасида яратилган йилига мувофиқ 876 байтдан иборат. У кўпроқ Навоийдан узрхоҳлик қилиб ёзилган “ҳасби ҳол”га ўхшаб кетади. Бу қасида Навоийга етиб борганлиги маълум эмас. Тарихдан маълумки, Биноий Султон Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳиротга қайтмаган ва бу қасида ҳақида Навоий замондошларидан бирортаси маълумот қолдирмаган. Ҳатто Бобур ҳам “Бобурнома” да бу ҳақда лом-мим демайди. Навоийнинг ўзи мазкур қасида ёзилган йили қайта таҳрирдан чиқарган “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида бу ҳақда эслатмаганлигидан қасиданинг Навоийга етиб келмаганлиги сезилади. Бизга қасиданинг 140 байти маълум бўлиб, у Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида келтирилган¹.

Мазкур латифалар ёзма манбаларда зикр этила бошлагач, бу икки ижодкор муносабати ҳақидаги нақллар афсонавий тус олиб кетганлигини мушоҳада қилиш мумкин. “Бобурнома”, “Бадоеъ ул-вақоеъ”, “Латоиф ут-тавоиф”, “Тарихи Рашидий”, “Латоифнома”, “Тухфаи Сомий”, Ҳакимшоҳ Қазвиний тазкиралари орқали бу маълумотлар Ҳиндистон, Эрон, Осиё мамлакатлари ҳудудига тарқалиб, Навоий давридан узоқлашган сари улуғ шоир шахсияти билан боғлиқ кўпгина масалалар ўзаро қоришиб, мавҳумлик касб эта бошлаган. Давр кечмиши мобайнида Навоий-Биноий зиддияти тарихи ихтиро қилинган ва аскияларда Мир Алишернинг уйланмасдан ўтиши каби шоир дунёқараши ва фалсафаси билан боғлиқ масала тилга олинб, нотўғри хулосалар чиқарилган. Шунини алоҳида эътиборга олиш лозимки, Биноий ва Навоий ўртасида бўлиб ўтган ҳазил-мутойибалар Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлигининг илк паллаларига тўғри келади ва икки забардаст ёш шоирнинг ўзаро рақобатига яхши кўз билан қараш керак.

ХАЙРИЯ АМАЛЛАРИ

Алишер Навоийнинг хайрия амаллари, бунёдкорлик фаолияти, уламо ва фузалога кўрсатган беҳад мурувватлари, фақир уғрибларга пуштипаноҳлиги ҳақида ўз замонасидан ҳозирги давргача бетўхтов гапириб келинмоқда. У қурдирган “Халосия” хонақосида ҳар кунинингдан ортиқ фақир ва мискинлар зиёфат қилиниб, лазиз таомлар билан тўйдирилган. Ҳар йили муҳтожларга икки мингга яқин пўстин, босма чакмон, кўйлак-иштон, тоқия ва кафш улашилган. Машҳадда Имом Ризо боғида “Дор ул-хуффоз” қурдириб, ёнида ҳар кунининг муҳтож, заиф ва етимларга овқат бериш учун махсус уй солдирган². Бироқ Хондамир на бу ва на бошқа асарларида, бармоқ билан санарли иморатларни ҳисобга олмаганда, уларнинг қурилиш санасини кўрсатмаган. Бу камчилик Навоий даврида ёзилган бошқа асарларда ҳам кўзга ташланади. Навоий замондошлари унинг қурдирган хайрия бино ва иншоотлари сони ва тавсифини тўлиқ келтириш сўзнинг узайишига сабаб бўлишини ҳисобга олиб, ўзлари аниқ билган иншоотлар рўйхатини келтирганлар. Масалан, Давлатшоҳ ўн иккита иншоот ҳақида гапириб ўтса³, Хондамир юздан зиёдроқ хайрия бино ва иншоотларини,

¹ Бадоеъ ул-вақоеъ, саҳ. 595-605.

² Мақорим ул-ахлоқ, /М. Фахриддинов ва П. Шамсиев тарж., 66- бет.

³ Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро, 371- бет.

шу жумладан, ҳовуз ва кўприкларни санаб ўтади¹. Фахрий Ҳиротий “Амир Алишер 370 хайрия биносини қурган” деб умумий тарзда ҳисоб қилса², Сом Мирзо эса бу сонга аниқлик киритиб, “уч юз етмиштадан тўқсонтаси работлардир”, дейди³.

Кейинги даврларда, хусусан, XVI асрнинг иккинчи ярмидан XX асргача бўлган даврда ҳам Навоийнинг мол-мулкига бўлган қизиқиши сўнмаган. Зеро, кўплаб тазкираларда бунга урғу берилиши шундан далолат беради. Масалан, Маҳмуд бин Валининг “Баҳр ул-асрор” / XVI аср/, Фаҳмий Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асарларида Мирзо Ҳайдар Дўғлот маълумотлари айнан такрорланади⁴. Бахтовархоннинг “Миръот ул-олам”, Муҳаммад Юсуф Муншининг “Тазкират уш-шуарои Муқимхоний” тазкирасидан эса уларнинг Фахрий ва Сом Мирзо тазкираларидан фойдаланганликлари кўриниб туради⁵. Шу билан бирга, чалкаш маълумотлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, “Том ут-таворих” муаллифи Абдулмўминхон (XVI аср охири) ва Абдуллоҳ Кобулий (XVII аср боши) таърихлар тазкирасида Навоий қурдирган бинолар сони бир минг битта деб ёзсалар⁶, “Наштари ишқ” ва “Рўзи равшан” тазкираларида Амир Алишернинг бино ва иншоотлари сони ўн икки мингта деб кўрсатилади⁷. Бу тазкиралар давр ва ҳудуд жиҳатидан қиёсан ўрганилганда Вола Доғистонийнинг “Риёз уш-шуаро” тазкирасидан фойдаланиб ёзилганлиги маълум бўлди. Аммо “Риёз уш-шуаро” қайси манбадан фойдаланганлиги номаълум.

Навоийнинг фазл аҳли тарбиясига кўрсатган рағбатига деярли барча Навоий даври манбаларида ва XVI аср манбаларидан, хусусан, “Латоифнома” (Фахрий), “Тухфаи Сомий” (Сом Мирзо), “Тарихи Рашидий” (Мирзо Ҳайдар), “Таржумайи Мажолис ун-нафоиси Навои” (Ҳақимшоҳ Қазвиний), “Тухфат ус-сурур” (Дарвишали Чанг), “Ҳафт иқлим” (Амин Аҳмад Розий, 1597), “Том ут-таворих” (Абдул-мўминхон), “Тазкират ут-таворих” (Абдуллоҳ Кобулий), XVIII аср тазкираларидан “Риёз уш-шуаро” (Вола Доғистоний), XIX аср тазкираларидан “Наштари ишқ” (Ҳусайнқули Азимободий, 1817) асарларида алоҳида урғу бериб ўтилган. Баъзида тазкиранавислар томонидан бу ҳолатга муболағавий тус бериб юборилганлигини ҳам айтиб ўтишимиз фойдадан холи бўлмас. Масалан, “Баҳр ул-асрор”, “Риёз уш-шуаро” ва “Наштари ишқ” да “қарийб 12000 киши Навоийнинг ҳомийлиги остида тарбия қилинди” деган маълумот ҳам учрайдики, бу рақам қайси манба асосида келтирилганини аниқлаб бўлмади⁸.

МОЛ-МУЛКИ

Алишер Навоий илм-фан ва санъат аҳлига, айниқса, эътибор берар, уларга катта маошлар тайинлабгина қолмай, уй-жойлар инъом этиб турган. Шу сабаб бўлса керак, Навоий даврида ҳам, ундан кейин ҳам унинг мол-мулки манбаи, ҳажмига, иморатлари сонига қизиқишлар

⁴ Макорим ул-ахлоқ / М. Фахриддинов ва П. Шамсиев тарж., 66-68- бетлар.

¹ Фахрий Ҳиротий. Латоифнома, 133- бет.

² Сом Мирзо Сафавий. Тухфайи Сомий, 169^а-вар.

³ Маҳмуд бин Вали. Баҳр ул-асрор, 160^а-вар.; Абдулматлаъб Фаҳмий. Тазкират уш-шуаро: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. № 2331, 36^а-вар.

⁴ Бахтовархон. Миръот ул-олам: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. № 5, 540^а-вар.; Муҳаммад Юсуф Мунший. Тазкират уш-шуарои Муқимхоний: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. № 20, 165^а-вар.

⁵ Ҳайитметов А. Навоий ҳақида янги маълумотлар. // Шарқ юлдузи. - 1972. - № 9, 187- бет.; Абдуллоҳ Кобулий. Тазкират ут-таворих: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. № 2093.159^а-вар.

⁶ Ҳусайнқулихон Азимободий. Наштари ишқ, 693^б-вар.; Муҳаммад Мазҳар Ҳусайн Сабо. Рўзи равшан: Босма. Ўз ФА ШИ, инв. № 3700, 719- бет.

⁷ Ҳусайнқулихон Азимободий. Наштари ишқ: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. № 4322, 693^б-вар.; Маҳмуд бин Вали. Баҳр ул-асрор: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. № 1375, 60^а-вар.

катта бўлган. Бу хусусда турли нуқтайи назарлар ҳам мавжуд. Масалан, Фахрий Ҳиротий Амир Алишернинг мол-мулки Ҳусайн Бойқаро хизматига келгандан кейин тўпланганига ишора этган¹ бўлса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Мирзодин нима олмас, балки йилда Мирзоға куллий маблағлар пешкаш қилур эрди”², деб келтиради. Алишер Навоий ёзади:

*Элдин менга гарчи ғайри заҳмат йўқ эрди.
Айб эрмас агар, музд ила миннат йўқ эрди,
Эл бердилар, аммо менга рағбат йўқ эрди,
Шаҳ давлатидин буларга ҳожат йўқ эрди³.*

“Вақфия” асарида Ҳусайн Бойқаронинг Навоийга ҳам ғамхўр дўст, ҳам адолатпарвар ва халқпарвар султон сифатида катта меҳр-муҳаббат билан қарагани, ҳамиша унинг моддий таъминотига эътибор бериб борганлиги аниқ қайд этилган.

Навоий даври ва ундан кейинги қўлёзма манбаларда ҳам бу ҳақда кўп гапирилса-да, аммо Султоннинг Навоийга қандай тарзда ёрдам берганлиги кўрсатилмаган. Бу ҳақда маълумот берувчи ягона манба Алишер Навоийнинг “Вақфия” асаридир. академик А.Қаюмов тўғри таъкидлаганидек, “Вақфия” асари Навоийнинг ўзи томонидан ёзилган таржимаи ҳол. Навоийнинг ўз даврига, доирасига муносабати ҳамда Навоийнинг шахсий мулки, бу мулкдан улус манфаати учун истифода этилганлиги тўғрисида бир ҳужжатли асардир”⁴. Унда биз султоннинг ҳовли қуриш учун ҳижрий 881 /1476-1477 йили Ҳиротнинг шимолидаги Марғани кўшки ёнидан ўттиз жериб⁵ ер ажратиб берганлигини кўраимиз. Амирликдан истеъфо берганда ҳам Ҳусайн Бойқаро унга катта инъомлар бериб турган. Уларнинг шакли маош тарзидами ёки боғ-роғларми, балки вақф тарзидами, ҳозирча унинг кўлами ҳам бизга маълум эмас. Бу масалани фақатгина Султон Ҳусайн Бойқаро даври сарой вақф ва молиявий ҳужжатлари билан мукамал танишиш ҳал қилиши мумкин. Навоийнинг мол-мулки ҳақидаги асосий манба ҳозирча яна ўша “Вақфия”дир. Бироқ шуни эътиборга олиш лозимки, бу асар Алишер Навоий томонидан фақат вақф қилинган дўконлар, иморату боғ-роғлар ва вақфчиларга буюрилган харажатлар ҳақидадир. Кўчмас мулк нархидан ташқари, улардан келадиган даромад ҳажми, унинг мол-дунёси ҳақида ҳозирча Навоий даври манбаларида аниқ маълумотлар учрамайди. Учраганда ҳам Навоий ҳаётининг маълум бир қисмига тааллуқли маълумотлар бўлиб, унинг умумий бойлиги ҳақида етарли тасаввур уйғота олмайди. Жумладан, Фахрий Ҳиротий Амир Алишернинг кундалик даромади 75000 динор ва чиқими 15000 динор деб кўрсатиб ўтади ва ҳар йили камбағалларга минг дона сарпо ажратишини баён этади⁶. Мирзо Ҳайдар унинг кундалик кирими 18000 шоҳруҳий бўлганлигини қайд этади⁷. Афтидан, бу маълумотлар ҳозирча бизнинг назаримиз тушмай турган бирор ҳужжатга суянилган ҳолда ёзилган бўлиб, Навоийнинг Астрободдаги фаолияти ва мол-мулкига дахлдор. Чунки Фахрий юқоридаги рақамларни унинг Астрободдаги ҳаёти ҳақида гапира туриб, хусусан, “Астрободдан қайтгач, давлат ишларини султонга топширди” жумласидан кейин келтирган. Мирзо Ҳайдар Дўғлот ҳам “Тарихи Рашидий” асарида унинг кундалик даромадига тўхталгач,

¹ Фахрий Ҳиротий. Латоифнома, 134- бет.

² Бобурнома, 154- бет.

³ Вақфия, 168- бет.

⁴ Қаюмов А. Алишер Навоий.-Т.:Камалак, 1991.,71- бет.

⁵ 1 жериб тахминан 1,2 гектарга тенг.

⁶ Фахрий Ҳиротий. Латоифнома, 133- бет.

⁷ Мирзо Ҳайдар Дўғлот. Тарихи Рашидий, 121⁶ –вар.

амирлик ишларини Бобо Алига топширганлигини айтади¹. Хондамир маълумотларидан маълумки, Амир Алишер Астрободга кетиш пайтида ўзига ёрдамчи сифатида Амир Бобо Алини ҳам олиб кетган эди. Демак, Мирзо Ҳайдар ҳам Астрободдаги молиявий рақамларни келтираётганлиги аниқ. Ўз тазкирасини тузишда Фахрий маълумотларидан фойдаланган унинг кичик замондоши Сом Мирзо Сафавий Навоийга доир маълумотларида негадир Фахрийнинг юқоридаги рақамларини келтирмай ўтган. Бизнингча, Сом Мирзо шахзодаларга хос дунёқараш билан тазкирада шоирнинг мол-мулки ҳисобини беришни ўзига эп билмаган кўринадидеки ва “ул вилоятда /ҳам/ /Астрободда/ илм такомили билан шуғулланди”,-деб қисқа гапиради². Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асарида Амир Алишернинг вақф иншоотларига сарф бўлган харажатларни 500 туман деб кўрсатгани³ асар ёзилган давргача таъмирланган иншоотларга алоқадор бўлса керак. “Вақфия”дан маълумки, Навоий вазифадорлар ва ўқувчиларнинг ўзигагина буғдой, арпа ва ошлиқдан ташқари ойига 1300 олтинга яқин маош тайинлаган⁴.

ЯҚИНЛАРИ ВА СУҲБАТДОШЛАРИ

“Мажолис”дан уларнинг баъзилари ҳақида тасаввур олиш мумкин. Булар Мавлоно Бурҳониддин, Мирхонд, Мавлоно Нодирий (бир муддат ҳамсуҳбат бўлган), Мавлоно Фахриддин, Паҳлавон Муҳаммад Кўштигир, Шайхимбек Суҳайлий, Мавлоно Фасиҳиддин Низомий, Хондамир, шунингдек, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да Хожа Дехдор номи ҳам тилга олинган. Шайх Баҳлул Навоийга тутинган ака бўлган.

Абдурахмон Жомий ва Саид Ҳасан Ардашер, маълумки, Навоий эътиқод қўйган кишилар бўлиб, у устозлари аҳволдан ҳамиша хабардор ва уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиб юрган. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида таърифланган Жомий билан муносабатлари орқали Навоий таржимаи ҳолининг баъзи томонларини аниқлаштириш мумкин. Бу асарда Навоийнинг Султон Ҳусайн Бойқаро замонидаги турмуш зайли, ижодиёти, мураббийлик фаолияти, ўй-кечинмаларига тааллуқли ишоралар кўп. Бироқ ундаги воқеа-тафсилотларнинг санаси кўрсатилмаганлигидан амир Алишер ҳаётининг қайси паллаларига хос бўлган воқеалар, руҳий ҳолатлар ҳақида сўз бораётганлиги аниқ эмас.

“Мажолис ун-нафоис” дан Алишер Навоий тарбияси остида фарзанд мақомида кун кечирган баъзи бир яқинлари ҳақида ҳам ахборот олиш мумкин. Масалан, у Мавлоно ҳожи Муҳаммад исмли машҳадлик йигитни ўзига фарзанд ўрнида ҳисоблашини ва фарзанддан ҳам азизроқ кўришини айтиб ўтган. Мавлоно Шарбатий Навоий қошида улғайган, Мир Ҳайдар Сабухий эса ота-отадан Навоийлар хонадонига энг яқин одамларнинг авлоди бўлиб, яқинлик жиҳатидан фарзанд ҳисобланган. Мир Иброҳим Амир Алишернинг Шайх Баҳлулбек исмли қадрдон дўсти ва тутинган оғасининг набираси бўлиб, Навоий уни ўғлидай асраб катта қилганлигини таъкидлаган. Мавлоно Шоҳ Али Навоийнинг мадрасасида таҳсил олиши билан бирга, унинг хизматида бўлган. Навоий Саид Ҳасан Ардашер ҳақида гапира туриб, уни ота ўрнида кўришини айтади ва бу худди Мирзобек ҳам Сайид Ҳасан Ардашерга ва ҳам унга фарзанд бўлгани каби деб таъкидлайди.

⁸ Ўша ерда.

¹ Сом Мирзо Сафавий. Тухфа-йи Сомий, 167^a –вар.

² Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро, 370- бет.

³ Вақфия, 178- бет.

ВАФОТИ

Илк манбалардаги маълумотлардан Навоий умрининг охириги йилларида оғир касалликка дучор бўлгани ва фикр-хаёли шариат арконларини бажариш ва боқий олам тайёргарлиги билан банд бўлиб қолганлигини сезиш мумкин. Буни Алишер Навоийнинг ўз асарларидаги эътирофлар ҳам тасдиқлайди. У “Хазойин ул-маоний” дебوحасида ёзади: “...бу бандаи фақирға не нотавонлиқлар шикаст берди ва бу зарраи ҳақирға не саргардонлиқлар даст берди. Агарчи маразимға сихҳат умеди пайдо бўлибдур, аммо ҳануз ғизо била шарбатким ичилур, ейилур, мисқол тарозуси била тортилур ва тонгдин оқшомғача соат шишасиға кўз тикилур, агарчи заъфимға қувват имкони зоҳир бўлибтур, аммо ҳануз бузук кошонамдин чиқарға қўпмоқ тиласам, осилғон идбори анкабут торлари дастгирим бўлиб, мадад еткурмагунча тебранмакка тобу тавон ва ҳаракатға мақдур, балки имкони йўқтур, пашша юз пили дамон торта олмағон юкни нечук тортғай, батахсиским, мажруҳ ва ранжур доғи бўлғай, мўрчанинг шери жаён қила олмағон ишни нечук қила олғай, хусусан, бемор ва сихҳат тариқидин маҳжур дағи бўлғай”¹151.

Шу даврларда шоир ҳаж сафарига отланади. “Хазойин ул-маоний” ҳ. 903 / м.1497 йилда яқунига етганига қараб, унинг ҳажга бориш истаги жиддий тус олганини шу сана билан белгилаш мумкин. Бироқ Султон Ҳусайн сиёсий вазиятнинг оғирлиги туфайли уни бу сафардан қайтаради. Шунда Алишер Навоий уни Ҳиротдаги Абдуллоҳ Ансорий мазоротига мутасадди қилиб тайинлашни сўрайди. Унинг илтимоси қондирилади. Аммо у тўла маънода хилватнишинликка эриша олмаган. Чунки биз 1500 йил воқеаларига назар ташлайдиган бўлсак, Бадиуззамон Мирзонинг Балхни олиш учун отаси билан жанг қилишга шайлангани, Муҳаммад Ҳусайн Мирзонинг Астрободдан юриш бошлаши, Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Муҳаммад Ҳусайн Мирзога қарши отланиши ва енгилиши, Кепак Мирзонинг Машҳадни ташлаб кетиши бу даврда султоннинг анча вақт Ҳиротдан ташқарида юришига сабаб бўлганлигини кўрамиз. Шу жараёнда Амир Алишер ҳукумат ишларига бош-қош бўлиб туришига тўғри келган.

Вилоятларда тинчлик ўрнатилиб, Султон ўз ўғиллари, хусусан, Муҳаммад Ҳусайн Мирзо билан ярашиб, пойтахтга қайтаётганида Амир Алишер кутиб олишга чиқади ва беҳуш бўлиб йиқилади.

Алишер Навоий вафотига доир илк маълумотлар, асосан, муаррих Хондамир қаламига мансуб. У Навоий ўлими тафсилотларини “Мақорим ул-ахлоқ” ҳамда “Ҳабиб ус-сияр” асарларида етарлича ҳаққоний ва аниқ ифодалаб берган. Бу ҳақда У.Каримовнинг тадқиқоти мавжуд²152. Фахрий Ҳиротий ҳам қисқа бўлса-да, Навоий вафоти тафсилотини келтирган³153. Шулардан бошқа манбаларда шоир вафоти тафсилотлари учрамади. Навоий вафоти санаси ҳақидаги маълумотлар, юқорида кўрсатилганлардан ташқари таърих жанридаги битикларда учрайди. Баъзи таърих тўпламларида таърих билан бирга Хондамир қолдирган шоир вафоти тафсилотлари, марсиялар ҳам келтирилган. “Томм ут-таворих” ва “Таворихи касира” тўпламлари бунга мисолдир. Буни муаллифларнинг изланувчанлиги ёки оригиналликни таъминлаш мақсадидаги илмий ёндашуви деб баҳолаш унча тўғри бўлмайди. Чунки “Ҳабиб ус-сияр” машҳур асарлардан бўлиб, XVI асрнинг иккинчи ярмидан XX асргача жуда кўп нусхаларда тарқалган. Шу сабабдан бу асар кўпчиликка яхши таниш бўлиб, ундаги маълумотларни кўчириб қўйиш катта қийинчилик туғдирмайди.

¹ Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. Дебуча. МАТ, 3-жилд/Илмий-танқидий матн асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. Тошкент, 1988 йил, 15-бет.

² Каримов У. Навоийнинг сўнгги кунлари// “Сирли олам”/ Муҳ.Ҳ.Шайхов.-Тошкент,1986,11-18- бетлар.

³ Фахрий Ҳиротий. .Латоифнома,134- бет.

Тазкираларда учраган таърих ва марсияларнинг орасида айтарлик ўзгаришлар йўқ. Аммо Навоий вафоти санаси атрофида кўпдан-кўп чалкашликлар борлигини кўрамыз. Чунончи “Тазкираи таворих” (Абдуллоҳ Кобулий) тўпламида “89 ёшга кириб, зулқадда ойининг ўн тўртинчиси куни, чоршанба куни”¹, “Том ут-таворих” (Абдулмўминхон) асарида “64 ёшга кириб, жумод ул-аввал ойида”², “Лубб ут-таворих”да “жумод ул-аввал ойининг ўн бешинчиси, якшанба куни кечаси”³, “Миръот ул-олам”да “жумод ул-аввалнинг якшанба куни”,-дейилса⁴, “Мунтахаб ут-таворих” асарида (Хокий) “жумод ул-охир ойининг ўн бешинчиси, якшанба куни эрталаб” тарзида берилган⁵. “Рўзи Равшан” муаллифи фақатгина “жумод ул-аввал” ойини кўрсатиш билан кифояланади⁶. “Тазкира Муқимхоний” муаллифи эса шоир вафоти санасини 924 ҳижрий йили барот ойининг бошида тарзида қайд этади⁷. Саъид Роқим Самарқандий ҳам “Тарихи касира” асарида “барот ойи бошларида” деб ёзган⁸.

Табииyki, энг аниқ сана Хондамирга тегишли бўлиб, у Навоий ҳижрий 906 йили, жумод ул-охир ойининг ўн иккинчиси, якшанба куни вафот этганлигини ёзиб қолдирган. Фахрий тазкирасининг биз танишган нусхасида “жумод ул-аввал ойи, пайшанба куни”⁹, Сом Мирзо тазкирасида эса “жумод ул-аввал, якшанба куни” деб ёзилган¹⁰. Кейинги икки тазкирадаги ўзгариш хаттотлар айби билан содир этилган бўлиши керак. Зеро, бу асарларнинг асл нусхалари йўқ. Иккиламчи нусхалар ёки улардан кўчирилган қўлёзма нусхалар орқали етиб келган. Фахрийнинг Навоий вафоти маросимларида қатнашмаган ёки тафсилотлардан хабарсиз деб бўлмайди. Сом Мирзо ҳам Хондамир асарлари билан таниш бўлмаган дейиш қийин.

НАҚЛ ВА РИВОЯТЛАР

Алишер Навоий ўз даврида Ҳирот, Мовароуннаҳр ва кўшни давлатларда одил вазир сифатида шунчалик шуҳрат қозонганки, унинг шахсияти ва кундалик турмушига оид халқ орасида машҳур бўлган барча овозаю миш-мишлар шоир вафотидан сўнг кўпдан-кўп нақл ва ривоятларнинг туғилишига олиб келган. Таниқли фолкклоршунос олим М. Жўраев Алишер Навоий ҳақидаги оғзаки ривоятларнинг манбалари ва таснифига бағишланган мақоласида уч манбани кўрсатиб ўтади. Булар:

1. Алишер Навоий ҳаётида ҳақиқатдан ҳам рўй берган воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда юзага келган оғзаки ҳикоялар заминидан шаклланган ривоятлар.

2. Навоий асарлари таъсирида юзага келган ривоятлар.

3. Қадимий фолкклор анъаналари асосида яратилган ривоятлар¹¹.

Ёзма адабиётда эса, хусусан, биз кўриб чиққан манбаларда Алишер Навоий асарлари таъсирида юзага келган ривоятлар учрамади. Аммо Навоий ҳаётида ҳақиқатдан ҳам рўй

¹ Абдуллоҳ Кобулий. Тазкират ут-таворих: Қўлёзма.Ўз ФА ШИ,инв.№ 2093,161^а-вар.

² Бу ҳақда: Ҳайитметов А. Навоий ҳақида янги маълумотлар// Шарқ юлдузи.- 1972.-№ 9,188-бет.

³ Мир Яхъё Қазвиний. Лубб ут-таворих: Қўлёзма.Ўз ФА ШИ,инв. № 3863 143^б-вар.

⁴ Бахтовархон.Миръот ул-олам:Қўлёзма.Ўз ФА ШИ,инв.№5,540^а-вар.

⁵ Ҳусайн б. Муҳаммад Хокий Шерозий. Мунтахаб ут- таворих: Қўлёзма.Ўз ФА ШИ,инв.№ 2010, 225^б –вар.

⁶ Муҳаммад Мазҳар Ҳусайн Сабо. Рўзи равшан:Босма. ЎзФА ШИ, инв.№ 3700,719- бет.

⁷ Муҳаммад Юсуф Мунший. Тазкират уш-шуарои Муқимхоний, 165^а-вар.

⁸ Саъид Роқим Самарқандий. Тарихи касира: Қўлёзма. ЎзФАШИ, инв.№7711, 36^б –вар.

⁹ Фахрий Ҳиротий. .Латоифнома , 135- бет.

¹⁰ Сом Мирзо Сафавий. Тухфа-йи Сомий,170^а –вар.

¹¹ М.Жўраев.Алишер Навоий ҳақидаги ривоятларнинг манбалари ва таснифи /Ўзбек тили ва адабиёти журн.,1991, № 4,52-бет.

берган воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда юзага келган оғзаки ҳикоялар заминда шаклланган ривоятлар мавжуд. Бундай ривоятлар икки туркумга бўлинади. Биринчиси, улуғ амирнинг ибратомуз ҳаётидан олинган лавҳалар талқини бўлиб, маърифий аҳамиятга эга бўлган ҳикоя ва латифалардан иборат. Иккинчисини эса Навоий ҳаётига доир олдиқочди латифалар ва ҳазил-мутойибалар ташкил этиб, улуғ амир кундалик турмуш ташвишлари фонида кўрсатилган. Биринчи туркум улуғ амирнинг фазилатларига махсус бағишланган “Мақорим ул-ахлоқ” (хулқларнинг муқаррамлари) асари билан бошланади. Асар муаллифи Хондамир Навоий образини тўлақонли гавдалантириш учун 17 ҳикоя, 10 латифа ва мутойибани зикр этади. Мазкур нақллар устида жиддий тадқиқот олиб борган марҳум навоийшунос олим Н. Маллаев уларнинг бадиий жиҳатдан хийла заифлигини ва бу муаллиф фактик воқеани айнан сақлаб, “жиддий услуб”ни мувофиқ кўрганлиги оқибатида юз берганлигини қайд этади¹. Шуни айтиш керакки, улар Хондамирнинг ўзи эътироф этганидек, “ҳазратнинг нозик зеҳни ва муборак фикрининг юқори даражада ўткир эканлиги далолати” учун келтирилган бўлиб, асосан зиёлилар илғай оладиган “лутф”лардан иборат. Иззат Султон “Мақорим ул-ахлоқ”нинг ўзбекча нашрига ёзган сўзбошисида Хондамир Навоийнинг биографиясидан мисоллар олиб туриб, ислом назаридан идеал намуна бўладиган киши образини беришни ўзига мақсад қилиб қўйганлигини, “Мақорим ул-ахлоқ”нинг ҳар бобининг сарлавҳасида бир диний-ахлоқий тезиснинг олдинга сурилиши бежиз эмаслиги ва муаллиф ўз олдига шундай идеологик-дидактик мақсад қўйгани учун Навоий образидан худди шу тезисларга мос тушадиган томонларни бўрттириб кўрсатганлигини тўғри таъкидлаган”².

Навоий асарларидан бевосита иқтибос этилган нақллар XVI-XIX асрларда жуда оз. Бунинг сабаби бу даврда жуда оммавийлашиб кетган тазкиранавислик анъанасининг етарли миқдорда фактик базага эга бўлгани ва янги изланишларга эҳтиёж йўқ деб ҳисобланганида бўлса керак. Шундай бўлсада, баъзи тазкираларда Навоийнинг ўз асарларидан олинган, илмий-адабий мунозараларга доир нақллар учрайди. Улар кўпроқ “Мажолис ун-нафоис” тазкирасидан ёки “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”дан олинган. Масалан, “Ҳафт иқлим” (Амин Аҳмад Розий, 1597) тазкирасида “Мажолис”да келтирилган Навоий ва Риёзий Самарқандий баҳси³, Мавлоно Ёрий ва Навоий муносабатлари ҳақидаги ҳикоя⁴ тафсилотлари берилган. “Нигористон” ҳикоялар тўпламида Алишер Навоийнинг “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асаридан шоир билан курашчи ўртасида Машҳадда содир бўлган воқеа келтирилади. Унда паҳлавоннинг бемор Навоий чўнтагидан янги шеър қораламасини олиб, суҳбат давомида ёдлаб олгани ва уни Навоийга Насимий шеъри сифатида ўқиб бергани, бундан шоирнинг ниҳоятда ҳайратлангани ҳикоя қилинади. Ғаффорийнинг ҳикояга “Навоийнинг ўзи ёзишча” деб ибтидо қилганлиги ҳам уни бевосита шоирнинг асаридан олганлигини билдиради⁵. “Мақорим ул-ахлоқ”қа мурожаат қилинган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, ҳозирча муаллифи номаълум “Наводирут-таворуд” (ўхшаш воқеаларнинг нодирлари) китобида Навоий ва Шайхим Суҳайлий ўртасидаги шеърий таворуд (ўхшашлик) воқеаси берилган. Бу бизга ҳижрий 954 (1549) йилда тузилган “Нигористон” ҳикоялар тўплами орқали етиб келган. Муаллиф Аҳмад Ғаффорий мазкур ҳикояни келтиришда иқтибос этилган манба сифатида “Мақорим ул-ахлоқ”ни эмас, балки “Наводир ут-таворуд” номини кўрсатади⁶.

¹ Маллаев Н. Алишер Навоий халқ ижодиёти.-Т.: Ф.Ғулом, 1974, 317- бет.

² Мақорим ул-ахлоқ./М.Фаҳриддинов ва П.Шамсиев тарж.,11- бет.

³ Амин Аҳмад Розий. Ҳафт иқлим: Кўлөзма. ЎзФА ШИ, инв.№ 617,48^б-вар.

⁴ Ўша ерда.

⁵ Аҳмад бин Муҳаммад ал-Ғаффорий ал-Қазвиний. Нигористон: Кўлөзма. ЎзФА ШИ, инв.№ 4297, 324^а-вар.

⁶ Аҳмад бин Муҳаммад ал-Ғаффорий ал-Қазвиний. Нигористон, 416^а-вар.

Иккинчи туркум нақл ва ривоятлар XVI асрнинг биринчи ярмидан XX асргача яратилган адабий-тарихий манбаларда учрайди. Бу даврдаги деярли барча тазкиралар жумладан, Фахрий ва Сом Мирзо, Заҳририддин Бобур ва Мирзо Ҳайдар, Ҳакимшоҳ Қазвиний, Фахриддин Али Сафий ва Зайниддин Восифий асарларининг Камолиддин Биноий фикрасида унинг Алишер Навоий билан бўлган ўзаро аскиябозлигидан мисол келтирилган. Манбалар хронологияси мазкур мутойибалар асос-эътибори билан бу икки буюк шахс ҳақидаги овозалар кейинчалик ёзма адабиётга олиб киритилганини кўрсатади. Зотан, Навоий ҳаётлиги пайтида ёзилган бирор-бир асарда улар ўртасида бўлиб ўтган ҳангомалар, уларнинг ўзаро муносабатларидаги маълум бир оғишлар ҳақида заррача бўлса ҳам ишора йўқ. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да унга яхши муносабат билдирган¹.

Шуниси қизиқки, форс тилида яратилган манбалардаги асосий мутойибаларда Биноийнинг ғалабасига урғу берилган. Навоий ғолиб чиққан аскиялардан мисоллар йўқ. Ваҳоланки, бизнинг кунларимизгача оғзаки равишда етиб келган кўплаб Навоий-Биноий аскиялари борки, уларда Навоийнинг ўткир сўз устаси сифатида Биноийни мот қилган ҳоллари аниқ ифодалаб берилган. Шулардан бир нечтаси бошқа халқ ривоятлари қаторида тўплаиб, нашр ҳам этилган². Бундай ёндашувнинг сабаби, бизнингча, муаллифлар Камолиддин Биноийнинг Навоийдек машҳур зот билан беллашуви орқали унинг адабий муҳитдаги ўрнини кўрсатмоқчи бўлганлар. Кўринишидан бундай ёндашув беғараз бўлиб, мақсад Навоийнинг “машҳури замон”лигидан фойдаланиш бўлган, холос. Бунинг тасдиғи сифатида яна шуни ҳам айтиш мумкинки, кўпчилик муаллифлар Навоийнинг машҳурлигидан ўз китобларининг қадрини оширишда фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Буни XVI-XIX асрлар манбаларида учровчи Навоий билан боғлиқ бир неча воқеалар нақлдан ҳам кўриш мумкин. Масалан, Ғаффорий “Нигористон”ида келтирилган бир воқеада Амир Алишернинг бир қариндоши тонг пайти ҳаммомга боргани ва жинга дуч келгани ҳақида сўйланади³. Воқеа Алишер Навоий қариндошининг ўз тилидан сўйлансада, ҳикоя: “Ҳабиб ус-сияр” соҳиби айтурки: “Амир Алишердан эшиттимки, бир қариндошим шундай деди” деб бошланади. Дикқат қилинса, “Ҳабиб ус-сияр” муаллифи Хондамирдан эшитилган” дея манбаларнинг обрўлисига урғу бериш баробарида, эътиборни Амир Алишерга қаратиб ўз китобининг “теша тегмаган” ахборотга бой эканлигини намоиш қилишга ҳаракат қилинган. Ярим аср ўтиб мазкур воқеа Мажиддин ал-Ҳасаний Маждий томонидан 1595 йилда тузилган “Зийнат ул-мажолис” ҳикоялар тўпламида ҳам такрорланади. Шуниси қизиқки, энди воқеа қаҳрамони сифатида қариндош эмас, балки Навоийнинг ўзи гавдалантирилган⁴.

Ҳикоянинг мазмуни ҳақида гапирадиган бўлсак, у ҳеч бир аҳамиятга эга эмас: қаҳрамоннинг тонгда ҳаммомга бориб, у ерда ғайритабиий туюлган одамга дуч келиши, унинг ғойиб бўлганини кўриб қўриқиб қочиши ва йўлда яна унга дуч келиши унинг асосий сюжети ташкил этади.

Яна бир ўхшаш ҳолат. Ҳасан Хожа Нисорий “Музақкири аҳбоб” тазкирасида Мавлоно Абулқосим Ҳакимга алоҳида ўрин ажратган. Ёзилганлардан бу шахс ҳақида, унинг тазкирадан ўрин олишга муносиб хизматлаъри ҳақида ҳеч қанақа маълумот ололмайсиз. Нисорий у ҳақда гап бошлар экан, унинг отаси Мавлоно Дарвеш Ҳусайн табиб Амир Алишернинг табиби бўлган Дарвеш Али табибнинг амакиваччаси эканлигини қайд этади. Муаллиф бу билан Абулқосимнинг улуғ инсонларга, восита билан бўлсада, алоқадорлигига урғу бераётганлигини тушунса бўлади. Ажабланарлиси шундаки, бундан сўнг фақат Дарвеш

¹ Мажолис, 74- бет.

² Эл деса Навоийни: Ривоятлар/ Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи М.Жўраев.-Т.: Чўлпон, 1991, 61-64- бетлар.3

³ Аҳмад бин Муҳаммад ал-Ғаффорий ал-Қазвиний. Нигористон, 336^а –вар.

⁴ Мажиддин Муҳаммад ал-Ҳусайний. Зийнат ул-мажолис: Кўлёма. Ўз ФА ШИ, инв.№ 4229, 142^а –вар.

Али табиб ва Алишер Навоий муносабатларидан сўз боради. Табибнинг амир Алишер таъмирлаган Жомеъ масжиди тугашига ёзган таърихи ва шу билан боғлиқ тафсилот зикр этилади¹. Ҳасанхожа Нисорий Амир Ҳайдар фикрасида ҳам шу йўлни тутган². Нисорийнинг тазкираси ўз даврида ҳам, кейин ҳам мўътабар ҳисобланган. Кейинги даврларда унга мурожаат этган тазкиранавислар кўплаб учрайди. Аммо мазкур маълумот қайта қайд этилмаган. Унинг, истисно сифатида асрлар ўтиб, фақат Мирсиддиқ Ҳашмат тазкирасида айнан такрорланганини кўрамиз³.

Манбаларда Алишер иштироки кўрсатилган, аммо қаердан олинганлиги маълум бўлмаган турли жузъий нақллар ҳам учраб туради. 983 ҳижрий (1576) йили яратилган “Мажмаъ ул-ғаройиб” номли тарихий-жуғрофий аҳамиятга эга дунё ғаройиботлари ҳақидаги тўпلامдан жой олган нақл шу жумладандир⁴.

Хуллас, китобларни ўқимишли қилиш ниятида кўпгина анъанавий нақллар Навоий номига боғлаб юборилганини ва кузатишларимиз М.Жўраевнинг қуйидаги хулосаси ёзма адабиётдаги нақл ва ривоятларга ҳам тегишли эканини кўрсатди: “Бундай ривоятларнинг пайдо бўлишига асос бўлган муайян насрий асар-эртас, латифа, оғзаки ҳикоя ёки нақл сифатида Алишер Навоий яшаган даврлардан олдин ҳам мавжуд бўлган. Кейинчалик улуғ шоирнинг донолиги, меҳнатсеварлиги, элпарварлиги ва оқиллигини ривоятларда тасвирлаш эҳтиёжи туғилганда ровийлар азалдан тилдан тилга ўтиб, халқ орасида айтилиб юрган анъанавий сюжетлардан фойдаланганлар”⁵.

ТАЪРИХЛАР

Таърих-бирор бир воқеа-ҳодиса содир бўлган санани абжад ҳарфлари воситасида ифодалашдир. Атоқли шарқшунос Е.Э. Бертелъс унга шундай таъриф берган: “Таърих-хронограмма – бу бирор-бир ҳодиса санасининг шеърий ифодасидир. Ҳирот аслзодалари даврларида бу ўйинга катта қизиқиш билан қараларди. Масжид, мадраса, карвонсарой, ҳовузларнинг қурилиш санасини белгилаш учун махсус сатрлар тўқилар ва биноларга чиройли қилиб ёзиб қўйиларди⁶. Дарҳақиқат, Ҳирот илмий-адабий муҳитида Шарқ мумтоз адабиётининг кичик лирик жанрлари, жумладан, таърихлар битиш кенг расм бўлган. Бунинг маълум сабаблари бор⁷. Алишер Навоийнинг шахсан ўзи таърих ёзувчиларни рағбатлантириб турган. Улуғ Амир шаҳарда қурилаётган ҳар бир иншоот, рўй бераётган воқеаларга таърих ёздириб борган ва уларни китобларга, иморатларнинг пештоқларига нақш эттирган. Бу ишга барча фозилларни жалб этиб, ўзига хос кўрик-танловлар ўтказган. Манбаларда Навоий шахсияти билан алоқадор таърихларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Навоийнинг иш фаолиятига доир.
2. Навоий қурдирган иморатларга бағишланган таърихлар.
3. Навоийнинг вафотига бағишланган таърихлар.

Алишер Навоийнинг иш фаолиятига тааллуқли таърихлардан бизга иккитаси маълум. Буларнинг бири Навоийнинг 1472 йил январъ ойида соҳибдевон – бош вазир лавозимига тайинланиши муносабати билан Бурҳониддин Атоуллоҳ Розий ёзган таърихдир. Унинг

¹ Хожа Ҳасан Нисорий. Музакири аҳбоб:Кўлёзма.Ўз ФА ШИ, инв. № 4282, 91^а-вар.

² Ўша асар, 75^б-вар.

³ Мирсиддиқ Ҳашмат. Тазкират уш-шуаро: Кўлёзма.Ўз ФАШИ, инв.№ 2252-1, 71^б-вар.

⁴ Султон Муҳаммад бин Дарвиш Муҳаммад Балхий. Мажмаъ ул-ғаройиб:Кўлёзма.Ўз ФА ШИ, инв. №1262, 118^б-вар.

⁵ М.Жўраев.Алишер Навоий ҳақидаги ривоятларнинг манбалари ва таснифи, 55-бет.

⁶ Бертелъс Е.Э. Навои и Джами, стр.40 .

⁷ Бу ҳақда: Ш.Сирожиддинов. Навоий замондошлари эътирофида, 9-бет.

бир мисраси Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида келтирилган¹. Мазкур таърих Хондамирнинг асарларида тўлиқ ҳолда берилган бўлиб, у қуйидагича:

*Мири фалак жаноби Алишер к-аз шараф
Ожиз бувад з-дарки камолоти ў хирад.
Девон нешаст охири шаъбон ба доду адл
Аз лутфи шоҳи одил ва л-ҳақ чунин сазад,
Чун муҳр зад ба давлати султони рўзгор,
Таърих шуд ҳаминки “Алишер муҳр зад”².*

(Фалак амири жаноб Алишернинг шунчалик шарафлигидан, ақл унинг камолоти кўламини идрок этишдан ожиз қолди. Шаъбон ойининг охирларида адолатпарварлик учун девонга ўтирди. Одил ва ҳақпарвар шоҳнинг лутфи шуни лойиқ топди. Замона султони давлатига муҳр босганлиги сабабидан “Алишер муҳр урди” бунга таърих бўлди.)

Ушбу таърих Саид Роқимнинг “Таворихи касира” асарида ҳам мавжуд³. Бироқ унда охириги байтдаги “султон” сўзи “иқбол” сўзи билан алмаштирилган. Саид Роқимнинг асаригача бўлган даврга тааллуқли биз кўриб чиққан манбалар, хусусан, тазкираларда таърихнинг бундай варианты учрамади.

Иккинчи таърих ҳам Розий қаламига мансуб бўлиб, Навоийнинг Астрободга юборилиши муносабати билан ёзилган. У қуйидагича:

*Он Мири Низомиддин Алишер
Авсоф бирун зи ҳадди тақрир.
Чун кард қабул боз аморат
Таърих шуд “аморати Мир”⁴.*

(Низомиддин Амир Алишернинг сифатлари ҳаддан ортиқ. Қайта амирликни қабул қилгани учун таърихи “аморати мир” бўлди)

Бу таърих дастлаб Хондамирнинг “Хулосат ул-ахбор” асарида зикр этилган. У кейинги даврларда кўплаб учрайди, аммо баъзи ўзгаришлардан холи эмас. Чунончи, “Жомеъ ут-таворих” (таърихлар тўплами)да шундай варианты мавжуд:

*Он мири Алишер ала сийр,
Қур аст камолу фазлу тадбир.
Чун кард қабул боз аморат
Таърих шудаш “Аморати Мир”⁵.*

(Ул Амир Алишердирким, унинг сийрати, ички дунёси фазилатлари олдида камолот, фазл каби олий хулқлар тушунчаси ҳечдир. Яна қайтадан амирликни қабул қилгани учун таърихи “аморати мир” бўлди).

Алишер Навоий қурдирган иморатларга доир таърихлар унинг хизмат пиллапоялари ҳақидаги таърихлардан кўра кўпроқ учрайди. Уларнинг бир гуруҳи Ҳиротдаги Жомеъ масжидининг Навоий томонидан қайта таъмирланишига бағишланган. Масалан, Хондамир

¹ Мажолис, 120- бет.

² Хулосат ул-ахбор, 482^б - вар. Бун Навоийнинг муҳрдорлик лавозимига тайинланиши билан адаштирмаслик керак. Гап бош вазир сифатидаги муҳр босиш ҳақида кетмоқда-Ш.С.

³ Саид Роқим Самарқандий. Таърихи касира, 36^б-вар.

⁴ Хулосат ул-ахбор: Қўлёзма, . 487^а-вар.

⁵ Саъид Роқим Самарқандий. Тарихи касира, 55^б-вар.

қуйидаги таърихни битади:

*Маҳкам асоси ин масжид
З-эҳтимоми амири банданавоз.
Баҳри таърих гуфт муршиди ақл,
“Шуд мустаҳкам асоси жомеъ боз”¹.
(Банданавоз амирнинг ҳаракати-ла,
Масжиднинг асоси мустаҳкам бўлди.
Ақл муршиди тарих айтдиким,
“Яна жомеъ асоси мустаҳкам бўлди”*

Исфизорий ҳам қуйидаги таърихни айтган:

*Низоми давлату дин Мири подшоҳнишон,
К-давлати ду жаҳонаш Ҳақ каромат кард.
Мураммате ки аз асли бино фузунтар бувад,
Дар ин мақоми шариф аз улувви ҳиммат кард.
Ту иттифоқи ҳасан бину иқтизои қазо
Ки чун мувофиқи таърих шуд “мураммат кард”².
(Дину давлат низомидур подшоҳий амир,
Икки жаҳон давлатини ҳақ таъмин этган.
Бинонинг аслидан устунроқ таъмир,
Бу шариф мақомда саховат этган.
Сен тақдиру савобнинг иттифоқин кўр,
Тарихи бўлибдур “таъмир этган”.)*

“Мураммат кард” иборасидаги ҳарфларни абжад ҳисобига айлантирганда 903 сони ҳосил бўлади. Бу масжид таъмирланган йилнинг ифодаси бўлиб, Хондамир кўрсатишича, Навоийнинг ўзи мазкур таърих моддасини топиб, кўпчилик ўртасига ташлаган экан. Бу эса таърих битишда шоирнинг ўзи ҳам иштирок этганлигини билдиради. Бироқ унинг таърихи бирор жойда зикр этилмаган.

Зайниддин Восифий Навоий қурган иморатларга бағишланган таърихлар анча кўп бўлганлигини қайд этсада, уларни санаб ўтирмайди. У шундай ёзади: “...улуғ амир Алишер Ҳирот Жомеъ масжиди таъмирини тугатган пайтлар фозиллар ва улуғлар унинг тугатилишига таърих айтганлар. Айтишларича, Саййид қози Ихтиёриддин иккита таърих бағишлаган экан. Бири арабча бўлиб, масжид мақсурасининг айвони шимолий қанотида ва иккинчиси форсий бўлиб, айвон пештоқида сабт этилган. Ҳар иккаласи хосу авомга мақбул ва матбуъ бўлмишдир...”³.

Восифий шундан сўнг бири араб, иккинчиси форс тилида бўлган икки таърихни илова этган. Унинг форсчаси қуйидагича:

*Шукр к-аз ҳиммати соҳибхайре
Гашт ин савмаа холи аз халал.*

¹ Хулосат ул-ахбор, 470^а -вар.

² Хулосат ул-ахбор, 470^б -вар.

³ Бадоеъ ул-вақоеъ. Матни интиқодий, саҳ.209.

*Ёфт итмом ба хуби, оре
Амали хайр, бувад хайри амал.
Таърихи солу маҳу рўзаш бувад
Даҳуми шаҳри раби ул-аввал¹.
(Шукрким, хайр соҳибининг ҳимматидан,
Бўлди бу савмаа халалдин холи.
Тугади ул иморат яхшилик била, ҳа
Савоб иш бўлди, ишларнинг савоби.
Таърих бўлди йилу ою қуни унинг
“Рабиулаввал ойининг ўнинчи қуни”)*

Аммо келтирилган иккинчи, араб тилидаги таърих Ихтиёриддинга тегишли эмас. Восифий унинг Мавлоно Исомиддиннинг ижоди эканлиги ва Сайид Ихтиёриддиннинг таърихидан илҳомланиб ёзилганлигини алоҳида таъкидлайди. У қуйидагича:

*Лаҳо тақун ва фиҳо суффтайти
Бу важҳ ил-жидди салли ракаътайни².
(Бу бинонинг тоқи бор ва унда икки суфа мавжуд,
Сен жиддий юз ила (қалбдан) икки ракаат намоз ўқи).*

“Бадоеъ ул-вақоеъ”да келтирилган бу икки таърих негадир Хондамир асарларида йўқ. Бу бир-бирини такрорламайдиган икки асарни ўзаро яхлитликда кўриб чиқиш Навоий ҳаётига оид турли-туман, катта-кичик воқеаларнинг кўламини тасаввур этишда катта аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

“Жомеъ ат-таворих”да Мир Ҳусайн Муаммойнинг Жомеъ масжиди таъмирига бағишланган қуйидаги таърихи келтирилган:

*Шуд мукаммал бинои ин масжид,
Лан тара фи асасиҳи нуқсо.
Кардам аз дил савол таърихаш,
Гуфт “сонии Масжид ул-Ақсо”³.
(Масжид биноти янада мукаммал бўлди.
Унинг асосида ҳеч қандай нуқсон қолмади).
Кўнгилдан таъриҳини сўрасам, дедики
“Иккинчи Масжид ул-ақсо”дир.*

Муфтий Балхий “Мажмаъ ул-ғаройиб” тўпламида Жомеъ масжиди таъмирига оид уч таърихни келтиради. Бири Хондамирга, иккинчиси қози Ихтиёриддин ва учинчиси Муъиниддин Исфизорийга тегишли. Хондамир ва Исфизорий таърихлари биз юқорида кўриб ўтганларнинг айнан ўзи⁴193. Қози Ихтиёриддиннинг таърихи эса қуйидагича:

*Аз ҳиммати бузурги шуд минбар мукаммал,
Ки аз ғояти тарофиъ бар арш сар кашида,*

¹ Бадоеъ ул-вақоеъ. Матни интиқодий, саҳ. 210.

² Ўша ерда.

³ Ниёз бин Сайид Али Бухорий. Жомеъ ут-таворих: Кўлэзма. ЎзФА ШИ, инв. № 2893, 55^а-вар.

⁴ Султон Муҳаммад бин Дарвиш Муҳаммад Балхий. Мажмаъ ул-ғаройиб, 123^а-вар.

*Ҳаргиз надида минбар з-санги мармар
Таърих шуд ҳамон гавҳар к-аз каси надида.*

(Улуғ ҳиммат шарофатидан минбар шундай мукаммал бўлдики, баландликда арш билан бўйлашди. Ҳеч ким бундай мармар минбарни кўргани йўқ. Таърихи ҳам “бундай гавҳарни ҳеч ким кўрмаган” бўлди.)

“Музакири аҳбоб” муаллифи Хожа Ҳасан Нисорий Воиз Кошифий тилидан Дарвиш Али Табибнинг қуйидаги таъриhini келтиради:

*Таърихи имораташ, агар миҳоҳи
Арқоми “аносир” асту “сифр”у “афлок”¹.*

(Қурилиш таъриhini истасанг аносир,сифр ва афлок рақамларидир).

Алишер Навоийнинг бошқа иншоотлари ҳақида ҳам таърихлар учрайди. Жумладан, Навоий мадрасаси битказилиб, Амир Атоуллоҳ унда дарс беришни бошлаганда шундай таърих битган экан:

*Чун мадраса сохт Мир бо илму адаб,
Фармуд маро ифодаи аҳли талаб.
Чун дар шашуми моҳи ражаб ижлос,
Таърих талаб аз “шашуми моҳи ражаб”².*

(Илму адаб учун Мир мадраса қуриб, илм аҳли талабини ифодалашни буюрди. Дарсларга ўтириш ражаб ойининг олтинчи куни бошланганидан унинг таъриhini ражаб ойининг олтинчи куни”дан изла.)

Бу таърих “Жомеъ ат-таворих”да ҳам зикр этилган. Унинг жамламасидан 891/1486 йилини англатадиган сон ҳосил бўлади. “Мажмаъ ул- ғаройиб”да ҳовуз қурилишига бағишланган яна бир таърих мавжуд:

*Ҳавзеки,чу хоҳам аз сафояш жуям,
Сад бор даҳан ба оби ҳайвон шуям.
Ҳар чанд ки ҳаст манбааш чашмаи хизр,
Таърихи вай аз “соқии кавсар”жуям³.*

(У шундай ҳовуздики, хоҳишим: софлигини айтсам, тириклик суви билан юз марта оғзимни чайсам. Унинг манбаси Хизр чашмаси бўлгани учун ҳам, унинг таъриhini “Кавсар соқийси”дан қидирдим.)

Бу таърих Мир Ихтиёридин томонидан айтилган бўлиб, “Жомеъ ат-таворих” муаллифи уни Атоуллоҳники деб нотўғри кўрсатиб ўтган. Ундан ташқари, таърих-қитъани Боғи сафидда қурилган тош ҳовузга бағишланган, деб ўтади. Аслида эса, у “Пойи Ҳисор” ҳовузи қурилиши муносабати билан ёзилган бўлиб, бу ҳақда Навоий томонидан “Мажолис”да айтиб ўтилган⁴ ва унинг матни тўлиғича келтирилган⁵.

¹ Хожа Ҳасан Нисорий. Музакири аҳбоб, 91^a-вар.

² Султон Муҳаммад бин Дарвиш Муҳаммад Балхий. Мажмаъ ул- ғаройиб,ЎЗФАШИ, № 1262, 307^b-вар.

³ Ўша асар,57^a –вар.

⁴ Мажолис ,127- бет

⁵ Мажолис , 216- бет.

Бизгача етиб келган таърихларнинг кўпи Навоий вафотига бағишлаб ёзилган шеърлардир. Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ” асарида Навоий вафотида деярли барча Ҳирот фозиллари таърих бағишлаганларини айтади. Сўз узайиб кетмаслиги учун мисол тариқасида тўрт таърихни келтириб ўтади.

1. Фахриддин Муҳаммад Низомий:

*Он қутби замона чун бирафт аз олам
Таърих шуд онки, “қутби ақтоб бирафт”*

(Ул замона қутби оламдан ўтганда, унинг таърихи “қутбларнинг қутби кетди” бўлди)

2. Камолиддин Султон Ҳусайн :

*Он маърифатпаноҳки рафт аз фазои хок
Фи равзати муқаддаси тоба ҳолуху,
Чун ёфт ин камол зи хайрот дар ҳаёт,
Тарихи фавт гашт “хайрун камолуху”.*

(Ул маърифатпаноҳ руҳи тупроқдан кўтарилгач, муқаддас жаннатда аҳволи яхшиланди. Ҳаётда камолотни яхши ишлар орқали кўлга киритгани учун вафоти таърихи “Хайрун камолуху” бўлди)

3.Мавлоно Соҳибдоро:

*Афсус зи мири осмонқадр,
К-афтод ниҳоли умраш аз бех.
Дар мотами ў чу дийда хун мирехт
“Хунрезии дида” гашт таърих.*

(Афсуски, осмончалик қадрга эга Амирнинг умр ниҳоли илдизидан кўпарилди. Унинг мотамида кўз қон тўккани учун таърихи “Хунрезии дийда” бўлди.)

4. Мавлоно Дарвеш Али:

*Дар мотами он қидваи арбоби вусул,
Абнойи замон, шоҳу гадо гашта малул.
Ҳижрат ба расул кард он саййиди қавм,
Тарихи вафоти ўст “ҳижрат ба расул”¹.*

(Ул Ҳаққа етишганларнинг улуғи мотамида барча замондошлар, шоҳу гадо ғамгин бўлди. Ул қавмнинг улуғи Расул ёнига кетди. Вафотига таърих “Расул ёнига ҳижрат “бўлди.)

Навоийга алоқадор бўлган таърихлар XV-XIX асрларда яратилган кўплаб таърих тўпламларида учрайди. Юқорида кўриб чиқилган таърихлар уларнинг асосини ташкил этади. Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ”да Навоий вафотига кўплаб таърихлар ёзилганини, аммо уларнинг кўпчилиги манбаларда зикр этилмай қолиб кетганлигини алоҳида айтиб ўтади. Жумладан, Мир Мунший лақабли Саййид Раҳматулло Навоийнинг ёши қадар – 62 та таърих топган экан. Бироқ манбаларда унга мансуб бўлган таърихлар қайд этилмагани боис, биз унинг таърихлари ҳақида тасаввурга эга эмасмиз.

¹ Мақорим ул-ахлоқ/М.Фахриддинов ва П.Шамсиев тарж., 131-132- бетлар.

Кўриб ўтилган таърихларнинг баъзилари кейинги даврларда айрим қисмлари ўзгарган ҳолда ҳам учрайди. Балки улар Саййид Раҳматуллога мансуб таърихлардир? Навоий вафоти куни замондошлари битган таърихларга бадихатан қўшимча қилиниб, уларнинг сонини оширган бўлса-да, услуб ва бадиият жиҳатидан янгилик саналмагани учун манбаларда қайд этилмагандир? Бу-тахмин. Шу билан бирга, сўнгги асрларга мансуб баъзи муаллифлар қайта ишлаган таърихлар ҳам аниқланганини таъкидлашимиз керак. Шундай ҳол Абдулло Кобулий тазкирасида учрайди. У қуйидаги таърихни келтиради:

*Мири хуршидсифат Мир Алишер ки
Рахт бар баст аз ин доираи пурмеҳнат.
Соли тарихи вай ва манзили ў пурсидам
Омад овоз з-фирдавс ки: “жаннат, жаннат!”¹
(Қуёш сифатли амир Алишер
Бу азобли доира(ҳаёт)дан кўз юмди.
Унинг тарихи ва манзилини сўраганимда,
Жаннатдан “Жаннат, жаннат!” деган овоз.)*

Ҳар ҳолда, бир-иккита сўзи ўзгарган тўртликка янги ижод маҳсули эмас, балки кейинги даврларда таҳрирга учраган шеър шаклида қараш тўғрироқ бўлади деб ўйлаймиз. Кобулий қайсидир манбадан мазкур таърихни кўчириш жараёнида ундаги Навоий вафотига боғлиқ маълумотни ҳам иқтибос этган ва уларни Навоий даври манбалари билан солиштириб ўтирмаган кўринади.

Бундай хатоликлар кейинги даврларда яратилган баъзи кичик таърих тазкираларида ҳам учрайди. Аммо мана шу жузъий эътиборсизликлар кейинчалик яратилган кўплаб тазкираларда катта англашилмовчиликларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Бу, айниқса, уларда берилган Навоий таржимаи ҳолига оид маълумотларда намоён бўлади. Хусусан, ҳижрий 1019/1611 йилда Ҳиндистонда тартиб берилган Хокий Шерозийнинг “Мунтахаб ут-таворих” тўпламидаги Султон Ҳусайн фикрасида Амир Алишер Султон Ҳусайннинг эмиқдоши тарзида таништирилади². Маълумотларнинг умумий руҳиятидан Хокийнинг, асосан, “Тухфаи Сомий” тазкирасидан фойдаланганлиги кўриниб туради. Навоийнинг отаси Кичкина Баҳодир деб, шоир вафоти санасининг Сом Мирзо услубида берилиши ҳам шуни тасдиқлайди. Аммо Султоннинг кўкалдоши деган хулоса Хокийнинг ўз ижоди бўлса керак, зеро, ундан олдин ўтган бирор тазкирада бу фикр учрамайди. Бундай таваккалчилик усули кейинги даврларда яна ҳам чуқурлашиб кетган. Чунончи “Риёз уш-шуаро”дан кўчирган “Наштари ишқ” муаллифи Навоийни “Чиғатой султонзодаларидан” деса³, 1896 йили чоп этилган Фурсат Шерозийнинг “Осори Ажам” тазкирасида “Амир Алишер Наво деган жойдан ва Наво Табаристон ерларидадир” деб қисқача айтиб ўтадики, бу муаллифнинг Навоий ҳақидаги тасавури ниҳоят тор бўлганлигидан даракдир. Ёки Ҳожи Абдулазим Шаръийнинг “Айн ут-таворих” тўпламида (1906 йили Бухорода кўчирилган қўлёзма- Ш.С.) “...ал-мутахаллус ба амири Навоий Нишопурий, шогирд ва муриди Мавлавий Жомий⁴ деб нисбат берилиши ажабланарли ҳолдир. “Оташкада” муаллифи эса Фоний тахаллусини Фаной деб ёзадики, ундан олдинги даврда яратилган ҳеч бир тазкирада бу ҳолат зикр

¹ Абдуллоҳ Кобулий. Тазкират ут-таворих, 160^б-вар.

² Ҳусайн б.Муҳаммад Хокий Шерозий. Мунтахаб ут- таворих, 225^б –вар.

³ Ҳусайнкулихон Азимободий. Наштари ишқ, 691^а-вар.

⁴ Абдулазим Шаръий. Айн ут-таворих: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. № 4217, 90^б –вар.

этилмаган¹. Албатта, бундай ҳолатлар устувор эмас. Анча масъулият билан ёндашилган ва қўл остиларида мавжуд бўлган таърихлардан жиддий сараланиб, китоб саҳифасига туширилган XVI-XIX асрларга тааллуқли манбалар анча. Масалан, Муфти Балхий "Мажмаъ ул-ғаройиб" (х.983./1576) номли тарихий-жуғрофий тазкирасида Хондамирнинг қуйидаги таърих-қитъасини келтиради:

*Жаноби амири ҳидоятпаноҳ,
Ки зоҳир аз ў гашт осори раҳмат.
Шуд аз хорзори жаҳон суи боғе
К аз онжо шугуфт гулзори раҳмат
Чу нозил шуд анвори раҳмат ба руҳаш,
Бижў соли фавташ з-“анвори раҳмат”².*

(Тўғри йўлга бошлагувчи жаноби амирким, унда Раҳмат асари бор эди. Бу жаҳон тиканзоридан боғ томонга кетдиким, у ерда раҳмат гулзори очилди. Унинг руҳига Раҳмат нурлари ёғилгани учун вафоти йилини “Раҳмат нурлари”дан қидир.)

Мазкур таърих Саид Роқим томонидан ҳам келтирилган³. Маҳмуд бин Вали “Баҳр ул-асрор” асарида (1034/1625) Ҳирот фозилларининг бирига тегишли тўртликни келтирган:

*Мири хуршидсифат Мир Алишер, ки буд
Бар ҳама халқи худо файзи сони беминнат.
Соли тарихи вай ва манзили у пурсидам
Омад овоз з-фирдавс, ки “Жаннат,жаннат!”⁴
(Кўёш сифатли Амир Алишер
Ҳамма халққа файзидан баҳра.
Унинг таърихи ва манзилени сўрасам,
Жаннатдан овоз келди:”Жаннат,жаннат!”*

“Тазкираи Муқимхоний” да (1120 /1709) икки таърих келтирилиб, бирининг муаллифи Амийн таҳаллусли Султон Иброҳим эканлиги қайд этилади. Иккинчиси жуда қисқа бўлганидан “бошқаси шундай айтган “деб ўтиб кетади. Таърихлар қуйидагича:

1.

*Мири динпарвар Алишер, онки буд
Аҳли донишу мулку миллатро паноҳ,
Дар ҳидоят ҳодии роҳи худо,
Дар валоят волии дини илоҳ.
Оқибат з-ин тангноки омад ба танг
Шуд суи фирдавс бо сад иззаву жоҳ.
Дар жинон жустанд аз тарихи ў
Гуфт ризвонаш: “валоятинтибоҳ”.*

(Динпарвар Амир Алишер аҳли донишу мулку миллатга паноҳ. Тўғри йўлга бошлашда худо йўлига бошлагувчи, Валиликда илоҳий диннинг волиси. Оқибат бу дунёнинг

¹ Лутф Алибек Озар. Оташқада:Кўлёмза.Ўз ФА ШИ,инв.№793 13⁶-вар.

² Султон Муҳаммад бин Дарвиш Муҳаммад Балхий. Мажмаъ ул – ғаройиб,121⁶-вар.

³ Саъид Роқим Самарқандий. Тарихи қасира, 36⁶ –вар.

⁴ Маҳмуд бин Вали. Баҳр ул-асрор, 161⁶ –вар.

тангликларидан танг бўлди Ва иззат-обрў билан жаннат томон кетди. Жаннатларда унинг тарихини қидирсалар, Жаннат боғлари дедиларким: "Валоятинтибоҳ")

2.

*Буд Кайхисрав дар иқлими сухан
Гашт аз он тарихи ў "кайхисравӣ"*¹.

(Сухан иқлимида Кайхисрав каби бўлгани учун унинг таърихи ҳам "Кайхисравдек" бўлди.)

Мазкур таърихлар ундан сал олдинроқ Саид Роқим Самарқандийнинг "Тарихи касира" асаридан (1701) ёки Хондамирнинг "Равзат ус-сафо" асаридан олинган бўлиши керак. "Тарихи касира"да ҳам айнан шу таърихлар келтирилган².

"Наштари ишқ" муаллифи ҳам икки таърихни сабт этган:

1.

*Амири Хуросону суфийнисбат
Ба жуду сахо буд олий ниҳод.
Чу дархоста ошиқе соли ў
Хирад гуфт "дастури қудси ниждо"*

(Ҳиммат ва саховатда тенги йўқ, суфиймонанд Хуросон амири эди. Ошиқ унинг йилини сўраганда Ақл деди: "одам ирқининг муқаддас дастури")

2.

*Он амири кабири бо тадбир
Рафт суи бақо з-дори фано
Дар пайи соли фавт марқум
"Вой шуд ғавру назм бе сарупо"*³.

(Ул тадбирли улуғ амир фано уйдан бақога кетди. Унинг вафоти йилига "Назм нозикликлари гангиб эгасиз қолди " деб ёзиб қўйилди.)

Ҳусайнқули Азимободий мазкур таърихларни "Роқим гўяд", яъни "ёзувчи айтадики" деб бошлаган. Аммо назаримизда, улар унинг ижодига тегишли эмас. Чунки XIX аср тазкираларининг кўпчилигида бундай қайдлар эътиборсизлик, асл манбадан тўғридан-тўғри кўчириш жараёнида юз берганлигини кўриш мумкин. Мазкур муаммо Навоий ҳақидаги таърихларни тўплаш ишлари ниҳоясида ҳал бўлади деган фикрдамиз.

Таърихларни йиғиш илинжида қанча уринмайлик, ҳар гал янги топилмадек туюлган таърихлар Хондамир асарларида мавжуд таърихларнинг китобдан китобга ўтган сари бузилиб борган шакллари эканлигига амин бўла бошладик. Модомики, қўлимизда Хондамир қайд этган таърихлар тўпланган экан, яна бир карра кейинги асрлардаги манбаларда учрайдиган таърихларнинг ўзгариб бориш жараёнини тасаввур қилиш мумкин. Аввало, шуни айтиш керакки, таърихлар Хондамирнинг "Мақорим ул-ахлоқ" асаридан ташқари унинг тарихий асарларида ҳам зикр этилган. Кўриб чиқилган кейинги даврлар таърихларининг кўпчилиги "Мақорим ул-ахлоқ"дан олинган деган тасаввурни пайдо қилади. Шу билан бирга шу аснода берилишини тақозо этадиган "Мақорим"даги қўшимча тафсилотлар, жумладан, ҳикоя ва ҳазил-мутойибаларнинг умуман келтирилмаганлиги яна бир жумбоқ. Ашёлар устида ишлаш, хронологияни тиклаш ва қиёсий типологик-

¹ Мухаммад Юсуф Мунший. Тазкират уш-шуарои Муқимхоний, 165^a-вар.

² Саъид Роқим Самарқандий. Тарихи касира, 36^b-37^a –варақлар.

³ Ҳусайнқулихон Азимободий. Наштари ишқ, 692^b -вар.

текстологик таҳлил фикрларимизни анча равшанлаштирди. Бунинг сабаби XVI асрдан эътиборан таърихлардан тўпلام, тазкиралар тузиш анча кенг тарқалганлиги билан боғлиқ экан. Бу асарларнинг энг биринчилари XVI асрнинг биринчи ярмида тузилганлигини назарда тутсақ, уларнинг қўлида “Мақорим ул-ахлоқ” нусхаси бўлган деган фикр туғилади. Аммо, шуни ёддан чиқармаслик лозимки, Навоий қурдирган иншоотларга бағишланган таърихлар Хондамир томонидан “Мақорим ул-ахлоқ”да берилмаган. Улар, асосан, унинг тарихий асарларида акс эттирилган. Таърих тўпلامларида таърихлар қаердан ва қай тарзда иқтибос этилаётгани ҳеч кимни қизиқтирмаган. Текширишларимиз шундай хулосага олиб келдики, тўпلامлардаги Навоийга тааллуқли бўлган таърихлар Хондамирнинг турли асарларидан йиғилган ва ўз мазмунига мувофиқ жойда умумлаштирилган ҳолда берилган. Аммо қаердан иқтибос этилгани кўрсатилмаган. Давр ўтиши мобайнида таърихлар бир китобдан иккинчисига ўтиб келаверган. Уларнинг илк иқтибос этилган манбалари ёддан кўтарилиб кетган. Бу тўпلامлар асос-эътибори билан анъанавий тазкиралардан фарқ қилмай, балки уларнинг бир йўналиши сифатида майдонга келган. Шу билан бирга, таърих тўпلامлари тазкиралардан фарқли равишда фақат анъанавий равишда шоирлар ҳақидаги маълумотлар билан чекланиб қолмасдан, балки жамиятнинг турли ижтимоий табақалари ҳаётидаги муҳим воқеа-саналарни ҳам қамраб олади. Унинг ўзида акс эттирган, таърих битилишига сабаб бўлган ҳодиса ва уларнинг адресатлари фанга муайян янгиликлар бериши мумкин. Аммо Алишер Навоийга келганда янгилик йўқ. Масалан, Мир Яҳё Қазвиний ўзининг “Лубб ут-таворих (тарихлар мағзи) тазкирасида (х.948/м.1542) йил Алишер Навоийнинг 33 йил фозилларга раҳбарлик қилгани, кўпдан кўп иморатлар қургани, шоҳ асарлар яратгани ҳақида тўхталади ва ниҳоят унинг вафоти санасини кўрсатгач, фозиллар тўқиган бир таърихни келтиради:

*Он мири баландқадри олий рутбат,
Чун кард аз ин жаҳон ба жаннат риҳлат-
Аз соли вафоташ ва жои ў пурсидам,
Доданд жавоби ман, ки “Жаннат, жаннат!”¹*

(Ул қадри баланд олий даражали амир бу жаҳондан жаннатга кетди. Унинг вафоти йили ва жойидан сўраганимда жавоб бердиларки: “Жаннат, жаннат!”)

Абдуллоҳ Кобулийнинг “Тазкираи таворих” асарида ҳам XV аср охирида яшаб ўтган кўпчилик фозилу фузалолар, шайху машойихлар, шоиру олимлар вафоти муносабати билан келтирилган тарихлар баёнида Алишер Навоий билан боғлиқ маълумотлар учрайди. Масалан, Мавлоно Субҳий Убайҳий вафотига бағишланган фикрада шундай келтиради: “... Убайҳ навоҳийсидан бўлиб, Мавлоно Муҳаммад Бадахший воситасида Амир Алишер билан ошно ва ҳамсуҳбат бўлган ². Ушбу маълумот “Мажолис ун-нафоис”да айнан шу тарзда учрайди ³. Мавлоно Нодирий фикрасида уни Мир Алишер суҳбатдоши бўлганлиги, аммо паришон ва масъулиятсиз эканлиги ва ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам бу салбий хусусиятини йўқота олмаганлигини қайд этади. Ушбу маълумот ҳам асли “Мажолис”дан. Лекин Навоий Марвдан деб таништирган Нодирий қўлзмада хато кетиши оқибатида ҳиротлик бўлиб қолган (Марвий-Ҳиравий). Кобулий асар дебчасида ўзи фойдаланган асарлари, жумладан, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”, Жомийнинг “Нафаҳот ал-унс”, Давлатшоҳнинг “Тазкират уш-шуаро”,

¹ Мир Яҳё Қазвиний. Лубб ут-таворих, 143^б-вар.

² Абдуллоҳ Кобулий. Тазкират ут-таворих, 159^а-вар.

³ Мажолис, 90- бет.

Султон Ҳусайннинг “Мажолис ул-ушшоқ” тазкиралари қаторида “Мажолис ун-нафоис”ни ҳам кўрсатиб ўтадики, бу унинг турли манбалардаги маълумотлардан хабардор эканлиги, аввало, мўътабар манбаларга суянганлигига ишонтиради. Аммо асарни синчиклаб текшириб чиқиш унинг даъвоси унчалик тўғри эмаслигини кўрсатди. Жумладан, у амир Алишернинг битта иморат қурган деб ўтадики, қайси манбага асослангани маълум эмас. Ваҳоланки, на Хондамир, на Давлатшоҳ ва на бошқалар бундай рақамни келтирмаганлар. Яна у ёзди: “Манқуластки, Мирзо Султон Ҳусайн амр фармуданки, дар фармойиш Мир Алишер ҳам муҳр мекарда бошад. Мавлоно Бурҳониддин ин тарихро фармудандки тарихаш ин бувад: “Алишер муҳр зад” (ҳижрий 876). Чун муддати умри муборакаш ба 89 расид...офтоби ҳаёти бобаракаташ хусуф гардида аз ин дор ул-фано ба дор ул-бақо иртиқол фармуд. Таърих:

*Мири хуршидсифат Мир Алишер ки
Рахт бар баст аз ин доираи пурмеҳнат.
Соли тарихи вай ва манзили ў пурсидам
Омад овоз з-фирдавс ки: “жаннат, жаннат!”¹*

(Нақл қиладиларки, Мирзо Султон Ҳусайн фармойишларга Мир Алишер ҳам муҳр босишини буюрибди. Мавлоно Бурҳониддин таърих моддаси “Алишер муҳр урди “деган таърихни ижод этди. Муборак умри 89га ва баракотли ҳаёт офтоби тутилгач...дор ул-фанодан дор ул-бақога кўчди. Таърих:

*Қуёш сифатли амир Алишер
Бу азобли доира(ҳаёт)дан кўз юмди.
Унинг тарихи ва манзилини сўраганимда,
Жаннатдан “Жаннат, жаннат!” деган овоз келди)*

Ҳайрон қоларлиси шундаки, агар унинг қўл остида Хондамир асари бўлганда эди, Навоийнинг вафоти вақти ва ёши ҳақида нотўғри маълумот бермаган бўлар эди. Келтирилган таърих ҳам биз билган мўътабар манбаларда бу тарзда келтирилмаган.

Навоийга бағишланган таърих келтирилган охириги давр тазкираларидан яна бири Фаҳмийнинг тазкирасидир. У Хондамирга мансуб “осори раҳмат” моддали тарихни келтирар экан, уни қисқартириб, тўртлик шаклида ифодалаган².

Юқорида мазкур бўлган таърих-рубойи, таърих-қитъа ва таърих-байтлардан ташқари Навоийга бағишланган таърих-марсия ҳам мавжуд. У Навоийнинг яқин дўсти Соҳибдоронинг қаламига мансубдир. Марсия ҳақида Ҳакимшоҳ Қазвиний билан деярли бир даврда Фаҳрий ва Сом Мирзолар ҳам ўз тазкираларида ахборот берганлар. Бир неча байтлари мисол келтирилган³. Фаҳрий кўрсатишича, марсия 45 байтдан иборат бўлиб, ҳар байтнинг биринчи мисраси таваллуд ва иккинчиси вафот этган йилига таърихдир. Унинг нисбатан тўлиқроқ матни, яъни 39 байти Ҳакимшоҳ Қазвиний томонидан форсчага ўгирилган “Мажолис ун-нафоис” асари орқали етиб келган⁴. Марсия қуйидаги байт билан бошланади:

¹ Абдуллоҳ Кобулий. Тазкират ут-таворих, 160^б-вар.

² Абдулматлаб Фаҳмий. Тазкират уш-шуаро, 36^а-вар.

³ Фаҳрий Хиротий. Латоифнома, сах. 135; Сом Мирзо Сафавий. Тухфа-йи Сомий, 170^а-вар.

⁴ Ҳакимшоҳ Қазвиний. Таржума-йи “Мажолис ун-нафоис”и Алишер Навоий, Техрон, 1323 х., сах. 244-247.

*Эй фалак, бедоду бераҳми бадин сон кардаи
В-эй ажал, мулки жаҳонро боз вайрон кардаи.*

Ушбу марсия бўйича таниқли адабиётшунослар: С. Ғаниева, Р. Воҳидов ўз вақтида қониқарли даражада тадқиқот ишлари олиб боришган¹. Марсия мазмуни Маҳмуд Ҳасаний томонидан эълон қилинган².

¹ Воҳидов Р. XV асрнинг иккинчи ярми, XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърляти.- Т.: Фан, 1983, 304- бет.

² Ҳасаний М. Таърихларда Навоий васфи.-Т.:Ғафур Ғулом, 1991, 12-16- бетлар.

II БОБ. НАВОИЙ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ

БУЮК ДЎСТЛИК

Алишер Навоий Ўрта Осиё, айниқса, Хуросон давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутган темурийлар салтанатида даврида яшади. Алишернинг ота-боболари темурий шахзодаларга яқинликлари жиҳатидан ҳамиша саройда хос эътиборга эга бўлиб келганлар. Ушбу ҳол Алишернинг мукамал тарбия топишига ва замонасининг улуғ кишилари қўлида илм ўрганишига имконият яратди. Султон Ҳусайн уни етук файласуф шоир ва давлат арбоби сифатида чексиз қадрлади. Алишер Навоий ўзига насиб этган бахт-саодат шукронасини

*"Иқбол мутию бахт ёвар бўлди
Хуршед раҳию сипеҳр чокар бўлди.
Олам элидин кимга муқаррар бўлди,
Бу мартабаким манга муяссар бўлди".*

деб миннатдорлик билан ифодалагани бежиз эмас, албатта. Султон Ҳусайн ва Алишер Навоий дўстликлари ҳақида шунчалик кўп манбаларда қайд этилганки, бу ибратомуз фазилат соҳиблари муносабатлари афсоналарга қоришиб кетгандир. Бу икки буюк зот бири фозиллигу донолик, иккинчиси қилич ва сиёсат билан XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросон мамлакати ва темурийлар салтанати шон-шуҳратини етти иқлимга машхуру манзур этганлар. Бир афсонада шундай нақл этилади: "Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ёшлиқдан жуда қалин дўст бўлганлар, мактабда ҳам бирга ўқиганлар. Уларнинг домласи ғоят ўткир зеҳнли киши экан. У киши бир кун шогирдларининг зеҳнини, нимага қизиқишларини билмоқчи бўлибди. Хар иккаласига бош ва қилич расмини чизиб берибдида, шарҳ ёзиб келишни топширибди. Алишер бош ва ақлни, доноликни таърифлаб ғазал битиб келибди. Ҳусайн бўлса қиличга ҳамду санолар айтиб, жангу жадал ҳақида мадҳия ёзибди"². Халқнинг бу икки тарихий шахс ҳақидаги тасаввури ана шу ривоятда мужассамдир.

Шаҳзода Ҳусайн Бойқаро 1469 йили Хуросон тахтини эгаллагач, биринчи навбатда, дўстини излаштиради. Зеро, янги ҳукмдор бобоси соҳибқирон Амир Темур тузукларига асосан ўзига "ақлли, тажрибали, салтанат ишларини, сирларини очиб, яширин ишлар, махфий сирларни текшириш" учун маҳрами хос танлаши керак эди ва бу жиҳатдан дўсти Алишердан муносиб киши йўқ эди. Бу даврда Алишер Самарқандда таҳсил ва ижод билан машғул бўлиб, сиёсат билан шуғулланишни хаёлига келтирмаган дейиш мумкин. Бунинг исботини унинг шу даврга алоқадор қуйидаги эътирофида кўрамиз: "... бу ҳақир ҳеч навъ хизматқа ўз қобилиятимни ченамаган жиҳатдин ва ҳеч турлук машаққатқа ўз қувватимни англамағон сабабдин борча таманно эшигин юзумга мадрус ва жамъ муддаолар абвобин илайимға масдуд қилиб эрдим. Хаёлим буким, чун оламнинг хиёвати ва олам аҳлининг диёвати равшан ва жаҳоннинг ишванамо аъжужасининг вафосизлиғи ва ҳаётнинг руҳафзо маҳбубасининг бақосизлиғи муайяндур.

*Ҳамул авлоки дафъ айлаб аламни
Тажарруд кўйида қўйсам қадамни...
Қилиб маснад қаноат бўръёсин,*

¹ А.Навоий. Вақфия. Асарлар. XV жилдлик, 13-жилд, Тошкент, 1966, 164-бет.

² Эл деса Навоийни. Ривоятлар, 4-бет.

*Кийиб дебо киби узлат палосин...
Халойиқдин тилаб зоҳир ҳузурин,
Жаҳоннинг чекмасам жоми ғурурин.
Тутуб ҳар шуғлдин дунёда гўша,
Муҳайё айласам, уқбоға тўша...”¹.*

Султон Ҳусайн Самарқанд султони Аҳмад Мирзога мурожаат этиб, Алишернинг Ҳиротга қайтишига рухсат беришини илтимос қилади ва Алишернинг ўзига эса буйруқ тарзида қабул қилиши лозим бўлган мактубни жўнатади. Мактубда Алишер, гарчи ўз ижоди билан халққа танилган ва халқ унинг маъни гавҳарларидан баҳраманд бўлган бўлса-да, мусофирчиликда қийналиб юрганига афсус билдирилади ва энди шодлик замони етгани айтилади:

*К - эй фазл жаҳонининг сипеҳри,
Йўқ, йўқки ўшул сипеҳр меҳри...
Сен гарчи гуҳар дўкони очтинг,
Лекин бу гуҳарни элга сочтинг.
Фикринг чаманида кўп раёҳин,
Лекин бўлиб анда халқ гулчин.
Назмнинг гулидинки даҳр тўлди,
Дегилки сенга не баҳра бўлди?
Лафзингдин улусқа важду ҳолат,
Етмай санга баҳра жуз малолат...
Эмдики тараб замони етти,
Даврондин алам нишони кетти².*

Ҳусайн Навоийни Ҳиротга тез етиб келишини ҳукм қилар экан, унинг алоҳида эътиборда бўлажagini ваъда қилади;

*Ҳам субҳи умидинг ўлди толеъ
Ҳам меҳри муродинг ўлди ломеъ
Чун соқии давр жоми ишрат
Тутти, яна чекма заҳри меҳнат.
Тавқиъ етишгач айла лозим
Ким, жон била бўлғасен мулозим...
Ким ой уза қўйғасен қадамни,
Кун лавҳиға чекасен рақамни...
Неча бийик айласанг сўзунгни,
Ондин бийик этгабиз ўзунгни.
Йўқтур санга вақт гўша тутмоқ,
Ишрат гулин оҳ ила қурутмоқ.
Чун ҳукмни англадинг дам урма,
Балким дам урарға дағи турма.*

Алишер қийин аҳволда қолади: салтанат ишларига аралашиш, бир томондан, уни

¹ А.Навоий. Вақфия, 161-бет.

² А.Навоий. Вақфия, 162-бет.

ҳаловатдан бегона қилса, иккинчи томондан бадий ижоддан узоқлаштирар эди. У қалбига қулоқ тутади:

*Навоий, не бало андуҳ эрур бу,
Ўзунгни солмоғинг мундоқ бўлурму.
Ангаким ақлу ҳиммат ёр бўлғай,
Бу навъ ишлар қачон душвор бўлғай?
Қуёшдин тарбият гар топса хоро,
Қилур ёқут ила лаъл ошкоро..
Булутдинким, бўлур сероб туфроқ,
Мулавван гул берур минойи яфроқ..
Кулеким, тийра бўлмиш гулхан андин,
Эрур кўзгу жамоли равшан андин..
Қўюб бекорлиғ фарзона бўлғил,
Илик ур ишгаву мардона бўлғил.*

Алишер Навоий “Ҳилолия” қасидасини ёзиб Султон Ҳусайн Бойқаро саройига кириб боради ва умрининг охиригача ўз дўстига, темурийлар хонадонига содиқ мулозим бўлиб қолади.

Алишернинг ушбу хотираси йигитлик даврига тааллуқли бўлсада, унда очиб берилган узлатга чекинишга мойиллик ҳисси бутун умри давомида уни тарк этмагани ҳаётининг кейинги саҳифаларида янада бўртиб кўрина бошлайди. Бу истак бир умр уни таъқиб этган ва кўплаб навоийшунос олимлар, жумладан, А.Қаюмов, Б.Валихўжаев, С.Ғаниева ишларидан бу ҳақда етарли тасаввур олиш мумкин. Навоий шу давргача ижтимоий-сиёсий ҳаётдан четда турган бўлса ҳам, иқтидорли шоир, фозил киши сифатида Хуросон ва Самарқанд ижод аҳли ўртасида танилиб улгурган эди. Ҳусайн салтанат илм-фани ривожи йўлида Алишер Навоийдек кишининг ўз ёнида бўлишини хоҳлар эди. Бу масалада А.Абдуғафуровнинг фикрларини ёқлаймиз¹.

Султон умрининг охиригача ўз ваъдасида турди. Навоий ўзи кутмаган даражада юксак эҳтиром, беҳисоб мол-дунё ва мансаб билан сийланди. Алишер Навоий ҳам охириги нафасигача дўстига улкан муҳаббат билан қаради. Умуман, манбаларда Ҳусайн Мирзонинг Алишерга муносабати идеал дўстлик қобиғида кўрсатилган. “Равзатус-сафо” муаллифи бир неча ўринларда уларнинг бир-бирига муҳаббат ва садоқати кучли эканлигини таъкидлаган². Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида ҳам бир воқеа келтириладики, кўриб ўтилган мулоҳазаларга қўшимча равишда ҳақиқатда ҳам султон Ҳусайн ва Навоийнинг бир-бирларига юксак эҳтиромда бўлганликларидан далолат беради:

“... Улуғ Амир туркий “Хамса”сини тугатиб, султон (Ҳусайн) номига бағишлаб келтирганда Мирзо дедилар:

- Анча вақтдан бери сиз билан ўртамизда бир гап борки, шуни бугун ҳал этмагимиз даркор.

Гап шунда эдики, Мирзо Амирни ўзига пир санашни хоҳларди.

Амир эса: “Оллоҳ, оллоҳ! Нима деяпсиз, биз муридмиз, сиз эса ҳаммага пир!”-дерди.

Гап чўзилгандан сўнг Мирзо сўрадилар: “Пир нимаю, мурид нима дегани?” Амир: “Мурид шуки, пирнинг муроди нима бўлса, муриднинг ҳам муроди шу бўлиши керак!” Шунда Мирзо (Ҳусайн) оқ отни келтиришларини буюрди... Мирзо деди: “Демак, мен пиру сиз

¹ Абдуғафуров А. Навоийга Ҳусайн Бойқаронинг мактуб-ёрлиғи, // Шарқ юлдузи.-1973.-№ 1, 225- бет.

² Равзат ус-сафо,босма, 58-59-бет.

мурид бўлдингизми, менинг хоҳиш-муродим шуки, мана шу отга минасиз ва мен отнинг жиловини тутиб, олдингизда юраман. Амирнинг отга минишдан ўзга чораси қолмади...”¹.

Бу икки буюк зот ўртасида жўшқин муҳаббат уларни бир умр тарк этмаган бўлсада, ҳаётга, инсонга бўлган муносабатда икки кутб вакиллари бўлганликлари учун ҳам баъзида улар ўртасида тушунмовчилик ҳолатлари бўлган.

МУҲРДОРЛИК

1469 йил. Шаҳзода Ҳусайн Бойқаро Абу Саъид Мирзонинг шаҳид бўлганидан фойдаланиб Ҳирот тахтини ўз тасарруфига киритади.

Султон Ҳусайн Хуросон тахтини эгаллагандан сўнг илгари ўзига ёрдамлашган, содиқ одамларига салтанат лавозим ва мансабларини улашади. Зеро, Амир Темур ўз тузукларида ёзади: “... мол-дунёга ҳирс қўйган очқўз ва таъмагирларга мол-дунё ваъда қилдим, мансаб-мартабага ва мамлакатларни бошқаришга кўз тиккан амалпарастларни қўлим остидаги мамлакат ва вилоятлардан бирига (ҳокимлик) қилишга номзод қилиб кўрсатдим... қилган бир хизматини ўн баробар қилиб тақдирлаб, дилларини хушнуд қилдим”².

Навоий Самарқанддан чақиртирилади. Алишер Навоийнинг саройда бўлиши Ҳусайн Бойқаро учун ишончли ва садоқатли инсон сифатида ниҳоят зарур бўлган кўринади. У “Ҳилолия” қасидасини ёзиб, рамазон ҳайити куни Султон Ҳусайн Бойқаро саройига кириб боради ва умрининг охиригача ўз дўстига, темурийлар хонадонига содиқ мулозим бўлиб қолади. Алишер муҳрдор сифатида ўз фаолиятини бошлайди. Гарчи бу мансаб олий лавозимлар сирасига кирмаса ҳам, ҳужжатларнинг тўғри юритилишини назорат этувчи асосий ҳалқа ҳисобланган.

Ҳусайн эндигина тахтга ўтирган кезларда унинг Ҳиротдан ташқаридалигидан фойдаланган Ёдгор Мирзо тахтни тортиб олади. Султон Ҳусайн тахтни қайтариш режасини тузганда, биринчи бўлиб Мир Алишердан маслаҳат сўрагани уларнинг ўзаро ишончи нечоғли кучли бўлганидан далолат беради. Манбаларда Навоийнинг муҳрдор вазифасида ишлаган даври тафсилотлари ёритилмаган. Аммо истеъфоси билан боғлиқ қайдлар “Равзат ус-сафо” да мавжуд. Албатта, улар жуда қисқа ва мавҳум. Муаллиф “Амир Низомиддин Алишер бир неча вақт муҳрдорлик вазифасида тургандан кейин бу мансабдан истеъфога чиқди ва амир Шайхим Суҳайлийни ўз ўрнига тайинлашни подшоҳдан илтимос қилди. Хоқони мансур бу илтимосни қабул қилди ва 876 йилнинг шаъбон (1472 йилнинг январь) ойида эъзозланишга лойиқ бўлган амир Навоийни юқори мансаб, соҳибдевон-девон олий амири мансабига тайинлашга қарор қилди”³ дейиш билан кифояланган. Кўриниб турибдики, истеъфо сўрашга мажбур қилган сабаблар ҳақида деярли ҳеч нарса айтилмаган. Навоийнинг ўз асарларида ҳам, бошқа манбаларда ҳам ушбу саволга жавоб топа олмайсиз. Бир қарашда Навоийнинг муҳрдорликдан бўшаши истеъфо бўлмай, балки мансаб пиллапояларидан юқорилаш каби тасаввур уйғотади. Замоनावий навоийшуносликда шундай қараш устувор⁴. Барча адабиётларда Навоийнинг муҳрдорликдан бўшаши ва амирликка ўтказилиши юқорида қайд этилган сана – 876 ҳижрий йилнинг шаъбон ойи (1472, январь) билан

¹ З.Восифий. Бадоеъ ул-вакоъ. Критический текст. Введение и указатели А.Н.Болдырева. М., ИВЛ, 1961, стр.586-587.

² Темур тузуклари. Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси. Тошкент, 1991, 31-бет.

³ Равзат ус-сафо, 25- бет.

⁴ Фақат М.Ойбек муҳрдорликдан бўшаш ва амирликка тайинланишни алоҳида ажратиб кўрсатган. Қаранг: Адабий-танкидий мақолалар.МАТ, 13-жилд,19-бет.

белгиланганча қолди. Аммо юқоридаги маълумот давомида келтирилган суҳбат мазмунига диққат қилсак, айрим масалалар навоийшуносларимиз назаридан четда қолганлигини кўриш мумкин. Хондамир ёзади: “Амир Низомиддин Алишер аввалига бу мансабни қабул қилмади (яъни амирликни-Ш.С) ва дедик, “Мен ҳозирда нилуфар остонанинг ичкилари жирғасида ўлтирибман, мансаб эгаси эмасман, лекин осмон ҳашаматли тахтга бошқа улуғ амирлардан кўра яқинроқман”¹. Диққат қилсангиз, унга амирлик таклиф этилганда “мансаб эгаси бўлмаган”. Бундан маълум бўладики, у амирликни қабул қилишдан илгарироқ муҳрдорликдан бўшаган. Ўртада бир муддат “султоннинг яқин кишиси” сифатида саройга кириб-чиқиб юрган ва аниқ лавозимга эга бўлмаган. Муҳрдорликка Шайхимни тайинлашни илтимос қилиши Алишернинг ўз хоҳиш-истаги билан истеъфога чиқмоқчи бўлганлигини англатади ва бу илтимос султоннинг унга соҳибдевон лавозимини таклиф этган пайтда айтилган деб бўлмайди. Ушбу суҳбатдан Навоий амирлик лавозимини ҳам қувонч билан қарши олмагани сезилади.

Шу тариқа, бизнинг олдимизда Навоий қачон муҳрдорликдан бўшаганини аниқлаш вазифаси кўндаланг бўлади. Муҳрдорликдан бўшаган пайтидан амирликка ўтгунгача орада ўтган муддат қанчалиги номаълум. Бирор манбада бу ҳақда ишора йўқ. Навоийнинг ўз асарларида ҳам мазкур ноаниқликка ойдинлик киритилмаган. Қўлимизда фақат иккита факт бор. Бири, Навоийнинг муҳрдорликка тайинланган вақти ҳижрий 873 йилнинг шаввол ойи (1469 йилнинг апрел ойи) ва иккинчиси, соҳибдевон - амири кабир лавозимига тайинланиш вақти (Хондамир ва Розий бўйича ҳ. 876, шаъбон /мил. 1472, январ). Шу йўналишда таҳлилишларини олиб бориб, ўзим учун кутилмаган ҳолатга дуч келдим. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” да шундай воқеа ҳикоя қилинади: “Алар (Жомий-Ш.С) Макка сафаридан қайтиб шаҳрға келганда подшоҳ рўзгор ҳаводиси иқтизосидин Балх юришига бориб эрдилар. Чун Ҳумоюнроётким, Балхдин қайтиб, тахтға озим бўлдилар, истиқбол расми ила Мурғоб вилоятигача келиб эдилар. Подшоҳ била мулоқотдин сўнгра бандахонаға ташриф келтуруб, кеча анда бўлдилар. Кеча алар истироҳат қилур учун бир янги такаллуфлик оқ уй бор эрди, ани тиктурулди, то ул ҳазрат анда осойишға машғул бўлдилар...Ҳам ушбу тарихда эрдиким, фақир сипоҳийликдин мутанаффир бўлиб, маносибни тарк қилиб, мулозаматни ўксутиб эрдим. Алар танбеҳ ва насиҳат изнидин сўрдиларким:

– Бу навъ амре масмуъ бўлди, бу жиҳат на эрди эркин?

Фақир дедиким:

– Инсон жинси суҳбат ва ихтилотидин малул бўлиб эрдим, бу ишга ул боис бўлди.

Алар дедиларким:

– Инсон кимни хаёл қилиб эрдинг, бизға дағи кўргуз?

Кўрқуб эрдиким, манъ қилғайлар. Бу жавобдин билдимким, муборак хотирлариға бу хейли нохуш келмаган эрмиш.

Хотирим жамъ бўлди”².

Демак, подшоҳ Балх юришидан пойтахтга қайтаётганида яқинда ҳаж сафаридан қайтган Жомий Мурғоб дарёси этагида уни қарши олади ва шу кун Навоий билан бўлиб ўтган суҳбатда Навоийнинг истеъфога чиққани Жомийга маълум бўлади. Навоий “маносибни тарк қилиб, сипоҳийликдан мутанаффир бўлиб, мулозаматни ўксутуб эрдим” деганда узил-кесил истеъфога чиққанлигига ишора этган.

Мазкур хотирада сана кўрсатилмаганлиги Навоийнинг қайси мансабдан истеъфо бераётгани масаласини аниқлашда муаммо туғдиради. Замонавий навоийшуносликда

¹ Равзат ус-сафо, 26- бет.

² Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин, 18-19- бетлар.

масала бундай қўйилмаган. Чунки барча адабиётларда Навоий истеъфоси амирлик билан боғланган ва фақат бир марта, у ҳам бўлса 1476 йилда юз берган деб ҳисобланган. Муҳрдорлик ва амирлик мансаб йўлидаги кўтарилиш деб тушунилган. Нега айнан 1476 йил деб ҳисоблангани ҳақида кейинги бўлимда гапирмоқчимиз. Ҳозир эса юқоридаги матнда келтирилган Жомийнинг ҳаж сафаридан қайтганлиги ва султоннинг Балх юриши ҳақидаги икки маълумотни текшириб кўришимиз зарур.

Жомий неча марта ҳажга боргани манбаларда қайд этилмаган. Аммо мамлакатда энг улуғ обрў ва эътиборга сазовор бўлиб, Хуросоннинг пешвосига айланган давридаги ҳаж сафари тарихда муҳрланган. Фахриддин Али Сафий бин Ҳусайн ал-Воиз ал-Кошифийнинг “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” асарида ана шу тарихий Ҳижоз сафари тафсилотлари берилган. Фахриддин Али “Ҳазрат маҳдумнинг муборак ҳаж сафарига юзланиши ва ушбу сафарда юз берган воқеалар баёни” номли махсус бўлимда ҳазратнинг сафарга чиқиш санасини аниқ кўрсатади: “Ул киши 877 йилнинг муборак раби ул-аввал ойининг ўрталарида (1473, август) муборак ҳаж сафарига отландилар”¹. Жомийнинг Макка сафаридан қайтиши ва Ҳиротга кириб келиш санаси эса мазкур бобнинг охирида “шаъбон ойининг ўн саккизинчиси” билан белгиланган (1474,8 январь)².

Айни пайтда Ҳусайн Бойқаронинг Балх юриши санасини ҳам аниқлаш Навоий ва Жомий ўртасида бўлиб ўтган суҳбат санасини ҳам аниқлаш имконини беради. Ҳусайн Бойқаро Балхга қачон юриш қилган?

Тарихий манбаларда, хусусан, “Равзат ус-сафо”, “Хулосат ул-ахбор”, “Ҳабиб ус-сияр” да ҳижрий 876-/1472-1473 йилдан ҳижрий 884/1479 йилгача Султон Ҳусайннинг Балхга юриш қилгани ҳақида маълумот учрамади. 884/1479 йилда Абу Бакрнинг Хуросонга бостириб кириши туфайли Ҳусайн Бойқаро Балхга юриш қилган ва Абу Бакрни қўлга олиб, қатл эттирган. Бундан маълум бўладики, юқоридаги суҳбатда Али Сафий баён этган Жомийнинг тарихий ҳаж сафари назарда тутилмапти. Жомий илгари ҳам ҳажга борган бўлиши мумкин. Султон ҳам илгари Балхга юриш қилган ва бу унинг илк ҳукмронлик йилига тўғри келади. Султоннинг барча жангу жадаллари, хусусан, Балхга юришлари Хондамир асарларида батафсил берилган. Бу давр Абу Саъид Мирзо ўлиmidан кейинги тож-тахт учун кураш йиллари бўлиб, тарихчи Ҳусайн Бойқаронинг ҳарбий истеъдоди ва илоҳий иноят билан тож соҳиби бўлганлигини кўрсатиш мақсадида сиёсий саҳнадаги барча тожталабларнинг ҳаракатларини тасвирлаб берган. Аммо воқеаларни 1474 йилга тааллуқли дейиш қийин. Чунки Балх учун олиб борилган курашлар саҳнасида Ёдгор Мирзо билан боғлиқ қайдлар бор. Султон Маҳмуд Ёдгор Мирзо билан иттифоқ тузиб, Ҳусайн Бойқарога қарши кураш олиб боргани ҳақида маълумотлар учрайди. Маълумки, Ёдгор Мирзо 1470 (июл-август) йилда ўлдирилган. Шундай экан, суҳбатда ишора этилган Бойқаронинг Балхдан қайтиши билан боғлиқ барча тафсилотларни қайта кўриб чиқиш ва тиклашга зарурат бор. Шу жараёнда Навоийнинг сиёсий фаолиятини ҳам бирмунча ойдинлаштириш мумкин. Чунки у Ёдгор Мирзо билан боғлиқ барча курашларда Султон Ҳусайннинг ёнида бўлган. Бу эса, Балх билан боғлиқ Бойқаро юришларида унга ҳамроҳлик қилганини ҳам англатади. Кўриб ўтилган Навоий-Жомий суҳбати ҳам буни тасдиқлайди.

“Равзат ус-сафо” тарихий асарининг Султон Ҳусайн Бойқаро даврини ўз ичига олган еттинчи жилди Навоий назорати остида ёзилган бўлиб, энг асл манба ва ҳужжатлар воситасида ёритиб берганлигига шубҳа йўқ. Аммо унинг кўп ўринларида, барча тарихий асарларда одат бўлгани каби, бир даврга тааллуқли воқеалар баёнида саналар кўп

¹ Али б. Ҳусайн ал-воиз Кошифий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт: Қўлёзма. ЎзФАШИ, инв. № 1788, 125^б-вар.; Ўша асар, босма. Лакнав, XIX аср, 145- бет.

² Рашаҳот айн ал-ҳаёт, Қўлёзма, 130^б-вар.; Ўша асар, босма, 150- бет.

такрорланмайди. Қайд этилган саналар орасидаги тафсилотлар бир саҳифага етмаса ҳам, икки санани бир неча ой ва йил воқеалари ажратиб турган бўлиши мумкин. Шу сабабли тарихий асарларда сана масаласини ҳал этиш ниҳоят мураккаб жараён бўлиб, ўта синчковлик билан комплекс тарзда бошқа манба ва маълумотларга қиёслаб иш олиб боришни талаб этади. Ўша даврни яхлит тасаввур қилиш учун маълумотларни бир ипга тизиб чиқиш керак бўлади. Шунда ўша вақтдаги вазият ҳам, сана масаласи ҳам ойдинлашиши мумкин. Қуйида шунга ҳаракат қилиб кўрамиз. Мен, асосан, саналари кўрсатилган ва айнан шу даврга тааллуқли бўлган воқеаларга эътиборингизни қаратаман ва улар билан боғлиқ равишда ривожланиб борган ҳолатларни кўрсатиб ўтаман.

Маълумки, Хусайн Бойқаро тахтга ўтирган дастлабки кезларда унинг асосий рақиблари Ёдгор Мирзо ва Султон Маҳмуд бўлган. Ёдгор Мирзо Амир Ҳасан Туркманнинг мададига таяниб 4000 кишилик қўшин билан Хуросон тахтини эгаллашга ҳозирлик кўра бошлайди. Бундан хабар топган Хусайн Бойқаро ҳ.874 йилнинг рамазон ойининг биринчи куни (1470, 7 март) Ҳиротдан чиқиб Ёдгор Мирзо устига Сабзаворга лашкар тортади¹. Сабзавор, Баҳробод, Жожирм худудларида мағлубиятга учраган Ёдгор Мирзо Астробод томонга қочиб, у ерда Хусайнга тобе бўлган Шайх Ҳасан Темур бошлиқ лашкарни тор-мор келтиради². Шу ўринда тарихчи ёзади: "...Жожирм Хоқони мансурнинг (Хусайн Бойқаронинг) келишидан Эрам гулистони каби шодликка чўлғанган пайтда бешарм замон ва бемехр даврон ситамкорликка юз тутиб, зафарасарлик аскаргоҳда Мирзо Ёдгор Муҳаммад Астробод даҳанасида турган амир Шайх Ҳасан Темурнинг риштасини узган, амир Ҳасаннинг ўзи эса Шаммосон қалъаси томон қочган ва бир неча кундан кейин қалъадан чиқиб, ниёзмандлик қўлини шаҳзода Ёдгор Муҳаммад давлати этагига урган, унга батамом тобелик билдирган деган хабар тарқалди. Бу хабар ўрду ўртасида тарқалгандан кейин сафшикан сардорлар тўп-тўп бўлиб таҳамтан хоқон қошидан қочиб, Мирзо Ёдгор Муҳаммад ўрдусига юзландилар. Бу, шубҳасиз, ул ҳазратнинг (Хусайн Бойқаронинг) ўз ёнидаги амирларига ҳам ишончини камайтирди". Бойқаро ўзига юзланаётган хунук ҳодисалардан чўчиб, эҳтиёткорлик чорасини қилиб, уруш қилмасдан танаффус қилади. Тарихчи ёзади: "...ва бу аҳволда уруш қилишдан ўзини тийди. Жожирмдан кўчиб... Пули Хотун тарафга кетди... Пули Хотундан Нерату қалъаси томон ўтиб, дор ус-салтана Ҳирот тарафга юзланди ва зулҳижжа ойининг ўн бирида (1470, 11 июнь) Боғи Назаргоҳга келиб тушди, у ердан кўчиб Солор рўпарасидаги Саритоғ ўлангига борди. Нариги тарафдан Ёдгор Муҳаммад Мирзо зафарёр мавкабнинг (Хусайн Бойқаронинг) юришидан огоҳ бўлди ва Хуросон мулкининг келини (Ҳирот) висолига умидвор бўлиб, Машҳадга от сурди. Айнан шу вақтда Султон Маҳмуд Мирзо Амудан кечиб ўтиб Балх ва Шибирғон худудида исён дудини кўкларга кўтарди". Кўриняптики, Ёдгор Мирзо ва Султон Маҳмуд деярли бир пайтда Хусайн билан тахт таллашишган. Бойқаро ўрдусида жиддий парокандалик ва саросима пайдо бўлади. Баъзи лашкарбошилар Хусайдан юз ўгиришади. Жумладан, шаҳзода Муҳаммад Умар ибн Султон Халил баъзи лашкарбошилар билан Хусайн Бойқарони ташлаб, Гармсирга кетиб қолади ва бу, Хондамир келтиришича, ҳижрий 874 йил зулҳижжа ойининг 19-куни (1470, июнь) содир бўлган³. Тарихчи давом эттиради: "Бу даҳшатли хабар зафар ҳашаматли ўрдуда тарқалгандан сўнг кўзларини бадбахтлик пардаси босган кишилар қочишнинг бепоён водийсига қадам қўйдилар. Бу хабар хоқон ҳазратларининг мунаввар хотирлари паришонлигига сабаб бўлди, лекин бир неча кун душман ҳужумидан тағофил бўлиб туриш муносиб кўрилди. Шу ваҳждан Саритоғ ўлангидан Соқи-солмас даштига кўчиб ўтди. Шу ерда яна бир гуруҳ беоқибат кимсалар хилофлик қилиб

¹ Равзат ус-сафо, босма, 18-бет.

² Ўша ерда.

³ Равзат ус-сафо... :Кўлёзма, VII жилд. 37⁶ –вар. Равзат ус-сафо, босма, VII жилд 18-19-бетлар.

хумоюн мавкабдан (Хусайн Бойқародан) тизгинни қочиш сари бурдилар. Хоқоннинг ўрду-сига тамом паришонлик йўл топиб, зафарёр байроқ Соқисолмас даштидан тўққиз работ орқали Нерату қалъаси сари кўтарилдиким, бир неча кун ўрдуни мустаҳкамликда тенги йўқ ўша қалъада замонанинг хунук ҳодисаларидан асраш учун қолдирди”¹. Пайтдан фойдаланган Ёдгор Мирзо Ҳиротни эгаллайди : ”Зафарбайроқли хоқон Султон Хусайн Мирзо Саритоғ ўлангидан кўчиб, зафарёр байроқни Нерату томонга кўтарган вақтда Ёдгор мирзо Тус вилоятида туриб эди, аммо унинг аммаси Поянда Султонбегим амир Фаридун барлос ва Султон Аҳмадларнинг кутқуси билан муҳаррам ойи чоршанба куни (1470,30 июнь) Ҳирот ташқарисидаги манзилдан шаҳарга кирди ва уни биродарзодаси учун забт қилиб, шодиёна нақорасини урди ва ҳижрий 875 муҳаррам ойининг олтинчи жумъа куни (1470,6 июль) хутба Ёдгор Мирзо номига ўқилсин деб амр қилди”². Султон Маҳмуднинг Балхни қамал қилиши айна шу даврга тўғри келгани ва унинг Ёдгор Мирзо билан иттифоқда бўлгани куйидаги сатрларда янада аниқ айтилади: ”Мирзо Ёдгор Муҳаммад қайтадан Амир Ҳасанбекнинг ёрдами билан кучланган ва Хуросонни босиб олиш учун юзланган вақтлар Мирзо Султон Маҳмуд иттифоқ шарти бўйича Амудан кечиб ўтди ва Балхни қамал қилди”³. Бироқ Абу Саъид Мирзо давридан Балхга ҳокимлик қилиб келаётган, Хусайн Бойқаро тахтга ўтирганда расман уни тан олиб, таслим бўлган Амир Муштоқ уларга дарвозани очмайди.

Маълумки, Хусайн Бойқаро Ҳирот тахтини ўша ойнинг ўзидаёқ, яъни 23 муҳаррамда (1470 йил, 23 июль) (“ Ҳабиб ус-сияр” да 23 сафар/22 август) қайта эгаллаб, Ёдгор Мирзони қатл этади.

Хондамир ёзишича, сал ўтмай, Балхда ҳоким бўлиб турган Амир Муштоқ мустақиллик эълон қилади. Исён овозаси етгач, Хусайн Бойқаро дарҳол йўлга тушади ва Балхни уч-тўрт ой қамал қилиб туради. Қалъанинг мустаҳкам мудофаа этилиши, шу билан бирга, Бойқаро аскарлари орасида озиқ-овқатнинг етишмай қолиши оқибатида Султон Хусайн Балхни қўйиб Мурғобга қайтишга ва у ерда тўхтаб, лашкар ва озиқ-овқат жамлашга мажбур бўлади⁴. Айна шу пайтда Хусайннинг танг аҳволда эканлигидан фойдаланмоқчи бўлган ака-ука Султон Аҳмад ва Султон Маҳмуд Амудан кечиб, Балхга келадилар. Бироқ Амир Муштоқ уларга қаршилик кўрсатади. Шунда улар Хусайн Бойқарони мағлуб қилиш учун фикрига тушадилар. Бу орада Хусайн даргоҳидан қочган Абу Бакр Бадахшонда қўшин тўплаб Ҳисорга бостириб киради. Бу ҳол ака-укаларнинг тезда орқага қайтишларига сабаб бўлади”⁵. Хондамир бу воқеани ҳижрий 875 йил ёзида рўй берганлиги ҳақида аниқ ёзиб қолдирган⁶. Ҳижрийни милодий йилига айлантирадиган бўлсак, 875 йил 1470 милодий йилнинг 30 июнидан бошланиб, 1471 йилнинг ёзида тугайди. Шаҳзода Абу Бакр Абу Саъид Мирзонинг ўғли эди. У Хусайн Бойқаро ҳузурида бир оз жон сақлагач, уни тарк этади. Бадахшонга бориб, лашкар тўплайди ва акаси Султон Маҳмуд мулки бўлган Ҳисорни босиб олишга ҳаракат қилади. Хондамир кўрсатишича, Абу Бакрнинг Султон Хусайн даргоҳидан кетиши айнан Бойқаронинг Амир Муштоқ исёнини бостира олмай, ноилож Мурғобга қайтган пайтида содир бўлган.

Демак, охириги воқеалар 1471 йилнинг ёз-куз ойларида юз берганлиги аниқ бўлади. Шундай бўлгач, Жомийнинг ҳаж сафаридан келиб Султон ва Навоий билан учрашуви Бойқаронинг Балхдан Ҳиротга қайтаётиб Мурғоб бўйида тўхтаганида, яъни 1471 йилнинг кузида рўй берганлигига шубҳа туғдирмайди. “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” да келтирилган Жомий

¹ Равзат ус-сафо,босма, 19- бет.; Ҳабиб ус-сияр... :Кўлёзма.Ўз ФА ШИ,инв.№2153.- IV жилд,464^б-вар.

² Равзат ус-сафо,босма, VII жилд, 19- бет.

³ Равзат ус-сафо,босма,VII жилд, 22- бет; Равзат ус-сафо,Кўлёзма,VII жилд, 33^а-вар.

⁴ Равзат ус-сафо,кўлёзма, VII жилд. ,40^а-вар.

⁵ Равзат ус-сафо,Кўлёзма, VII жилд, 40^а-40^б –вар.

⁶ Равзат ус-сафо,босма,VII жилд,25- бет.

зиёратига оид тафсилотлар унинг кейинги ҳаж сафарига тааллуқли маълумотлар бўлса ажаб эмас.

Замонавий навоийшуносликда Жомийнинг ҳаждан қайтиш санаси таниқли жомийшунослар-рус олими Е.Э.Бертелъс, эрон олими А.Ҳикмат, тожик олими А.Мирзоев, ўзбек олими А.Ўринбоевнинг Жомий ҳаётига доир тадқиқотларида 1474 йил деб белгилангани учун юқоридаги суҳбатдан англашилган Балх юриши ҳам 1474 йили юз берган деб тахмин қилинган. Чунончи А.Ўринбоев Жомийнинг Ҳусайн Бойқарога ёзган бир мактуби устида иш олиб борар экан, тилга олинган воқеалар - Султон Ҳусайн Бойқаро ўз чегараларини Абу Саъиднинг ўғиллари –Мовароуннаҳр ҳукмдори Султон Аҳмад ва Ҳисор ҳукмдори Султон Маҳмуддан ҳимоя қилиш учун чиққан пайтда ёзилганига қараб, бу пайтда улар Хуросонга юриш қилиб, Балхни қамал қилган эдилар, дейди ва уни ҳ. 878 (1473-1474) йил деб белгилайди¹. Юқоридаги тафсилотлардан келиб чиқиб, Жомий мактуби санасини А.Ўринбоев айтганидек, ҳ. 878 (1473-1474) йил деб эмас, ҳ. 875 йил (1470-1471) деб белгилаш ҳақиқатга яқин бўлади.

Демак, айтиш мумкинки, Навоий муҳрдорликка ҳижрий 873 йил рамазон ойидан кейин (чунки, у Рамазонда Самарқанддан келган), яъни шаввол ойида (1469, апрель) тайинланган бўлса унинг истеъфоси 876 йилнинг шаъбон ойидан (1472, январь, яъни амирликка тайинланишидан) икки-уч ой олдинроқ, 1471 йилнинг кузида рўй берганлиги ҳақиқатга тўғри келади. Шундан хулоса қилиш мумкинки, Султон Ҳусайннинг иккинчи маротаба тахтни эгаллаш учун олиб борган жанглирида Навоий иштирок этган. Боз устига, Алишер ўз табиатига хилоф равишда қилич кўтаришга ҳам мажбур бўлган. "Матлаи саъдайн"да ишора этилганидек, Амир Алишер султоннинг ўзига бўлган эътиқодини оқлаганлиги унинг "муқарраби ҳазрати султоний" унвонига сазовор бўлишига сабаб бўлган. Бу хизмат табиатан кўнгилчан, фақру фанога мойил қалбли ижодкор инсонга оғирлик қилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Балки, шу сабаб у салтанат ишларидан бўшаб, хилватда нафас ростлагиси, ижод билан мунтазам шуғулланиш, тоат-ибодат билан машғул бўлишга интилгандир. Балки, Навоийнинг муҳрдорликдан кетишининг бошқа, янада муҳимроқ сабаби бўлгандир. Негаки шу давргача ғурбат ва мусофират ғамини чекиб келган ёш шоирнинг ўз ижодий ниятларини амалга оширишга кенг имкониятлар яралган пайтда ҳаммасидан биратўла воз кечишга қарор қилиши бунинг сабаби анча чуқур деган мулоҳазага олиб борадики, ҳозирча, бу ҳақда бирор аниқ хулоса қилиш қийин. Ушбу истеъфо сабаби навоийшунослик олдидаги энг катта жумбоқлардан биридир.

АМИРЛИК

Шундай қилиб, Навоийнинг амирлик мансабига тайинланиши муҳрдорликдан тўғридан тўғри кўтарилиш бўлмай, балки истеъфодан сўнг маълум вақт ўтгач, султон хоҳиш-иродаси билан амалга оширилганлигини кўриб ўтдик. Аммо шу ўринда яна бир масала аниқланмай қолмоқда. Юқорида кўриб ўтилган Навоийнинг амирликка тайинланиши ҳақидаги Хондамир маълумотини ўрганишда давом этамиз. Хондамир ёзади: "Амир Алишер аввалига бу мансабни қабул қилмади ва дедикки, "Мен энди улуғ остона ичкилари қаторидаман, улуғ мансаб эгасиман, осмон қадар тахт амирларининг барчасидан юқорироқ ўринда ўтирибман. Бордию, амирлик мансабига ўтирсам, барлос ва орлот амирларидан баъзилари тўрага биноан мендан юқори ўтирадилар. Бас, бу амирларга кафил бўлмоқ

¹ Письма-автографы Абд ар-рахмана Джами из "Альбома Навои"/ Введ.,перевод и указ.А.Уринбаева.-Т.:Фан,1982,стр.129.

мансабимдан пастроқдир. Хоқони мансур унинг узрини қабул қилиб бағоят иноятидин “барлос умаросидин амир Музаффар барлосдан бошқа бирон кимса амир Алишердан аввал муҳр босмасин!” деган ҳуמוюн ҳукм чиқарди”¹(Бу ерда гап Навоийнинг амир сифатида имзо чекиш навбат-тартиби ҳақида кетмоқда. Уни Алишернинг муҳрдор сифатидаги муҳр босиш вазифаси билан адаштириб юбормаслик зарур-Ш.С.). Таклиф этилган мансабдан Алишернинг кўнгли тўлмади деган хаёлга келган султон мазкур лавозим даражасини яна бир поғона кўтарган. Ушбу маълумотдан Ҳусайн Бойқаронинг Алишер Навоийга чуқур эҳтироми, шу даврда унинг раъйига қараб иш тутишга мойиллиги юқори эканлигини сезиш мумкин. Шундан Навоийнинг саройдаги мавқесини аниқ тасаввур қилиш мумкин. Ноиложликда қолган Навоий юксак лавозимни қабул қилади. Шундан сўнг тарихчи таъкидлаганидек, “хоқон раъйини риоя қилиб, аморат мансабини қабул қилди, тилладўз чопон, наврўзий кулоҳ кийиш билан фахр топди”². Маълумотларнинг юқорида кўриб чиқилган қисмида бу икки буюк шахснинг яқин дўстлиги фонида Алишернинг иззатталаблиги бўртиб кўрингандек бўлади. Дафъатан, буни яширин кибрга ҳам буриш мумкиндир. Аммо ундай эмас. Унинг моҳиятида амирликни қабул қилмасликка бўлган уриниш ўз аксини топган.

Навоий сарой хизматидан имкон қадар узоқлашишга интилар экан, султонга ўз муддаосини аниқ тушунтириб беришга ботина олмаган. Бу давр Бойқаро салтанатининг илк паллалари эканлигини унутмайлик. Султон ҳали бу даврда Навоийнинг дарвишона дунёқарашини тўлиқ тушуниб етмаган ва унга ҳам бошқалар каби шоҳнинг иноятидан умидворлик асосий мақсади бўлган кимса сифатида қараган десак, хато бўлмаса керак. Фикримизча, Алишернинг юқоридаги бизга такаббурона бўлиб туюлган ҳаракати аслида султоннинг нафсониятига тегиши ва рози бўлмаслигига олиб келиши керак бўлган баҳона эди. У дўстини ўзидан совитиши ва умидини узиши керак бўлган. Афсуски, иш Навоий ўйлаганча чиқмади. Султон жиддий қабул қилди ва унинг мавқеини кўтаришни ўзининг бурчи деб билди. Кутилмаган вазиятга тушган Алишернинг амирликни қабул қилишдан бошқа иложи қолмаган эди. Акс ҳолда, султоннинг мурувватига ношукурчилик сифатида қабул қилиниши аниқ эди. Икки ўт орасида қолган Навоий ноўрин баҳонаси учун ҳам хижолат чекади. Чунки султон буни такаббурликка йўйиши мумкин эди. Хондамир давом этади: “лекин муҳр уриш учун ул жанобнинг қўлига нишон берганларида нафси синиқ бўлганидан ва бағоят улуғ тавозулигидан нишоннинг шундай жойига муҳр босдиким, ундан тубанроққа муҳр босишга жой қолмади”³. Хондамир маълумотида тасвир ниҳоятда равшан бўлиб, Навоийнинг ички дунёсига хос фазилатлар ҳаққоний очиб берилган: ҳужжатларга муҳр босиш фурсати етганда, уларни амир Сайид Ҳасан Ардашерга юборади. Табиийки, унинг Алишердан олдин муҳр босишга ҳаққи йўқлиги сабабли ҳужжатлар яна Навоийга қайтарилади. Шунда у қоғознинг энг остига муҳр босадиким, ундан пастда (қоида бўйича) муҳр босишга жой қолмайди ва бошқалар ундан юқорида муҳр босишга мажбур бўладилар. Бу билан у, аввало, устози Сайид Ҳасанга садоқатини намойиш этади ва иккинчидан, бўлажак фисқу фасодларнинг олдини олиб, ўзининг мансабпарастликдан йироқ эканлигини исботлайди. “Равзат ус-сафо”да ушбу ҳодиса подшоҳнинг олқишига сазовор бўлгани ҳамда вазирлар орасида расм бўлиб қолгани ҳақида алоҳида таъкидланади.

Охирги парчадаги ҳолатда Навоий султоннинг кўнглида туғилганлик эҳтимоли катта бўлган ранжишни кетказиш учун ҳаракат қилгани сезилади.

¹ Равзат ус-сафо, босма, VII жилд, 26- бет; .

² Ўша ерда.

³ Ўша ерда.

Алишер Навоий Султон Ҳусайн Бойқаро саройида қандай вазифаларга масъул бўлгани тарихий манбаларда воқеа-ҳодисалар баёни жараёнида кўрсатиб ўтилган. Аммо унинг ҳукуматдаги расмий мансаблари ва уларда унинг ваколатида бўлган тармоқлар тавсифи келтирилмаган. Унинг оддий вазирлик даври қисқа бўлиб, муҳрдорлик лавозимида ишлаган 1469-1471 йилларни ўз ичига олади. Муҳрдорлик мансабидаги вазифа ва бурчи ўз-ўзидан равшан. Амири кабир лавозимида Амир Алишер қандай вазифаларни бажаргани ёки расмий тарзда айтганда, давлат бошқарувининг қайси соҳаларига масъул бўлганини аниқлаш мумкинми? Навоий “Вақфия”да пардадор қилиб уларни ҳам айтиб ўтган. Унда султон томонидан Навоий зиммасига юкланган вазифалар бирма-бир қайд этилган.

Агар уларни бир тартиб ва тизимга келтирсак, унинг бош вазир-девон соҳиби сифатида масъул бўлган соҳа ва тармоқлар ҳақида тасаввур олиш мумкин. Жумладан:

1. Турли халқ йиғинлари ва умумхалқ тадбирлари.
2. Ташқи ишлар. Улуғ меҳмонларни расмий қабул қилиш ва кузатиш.
3. Фавқулодда ҳолатлар, қўзғолонлар, чегара муаммолари.
4. Порахўрликка қарши кураш.
5. Талончилик ва босқинчиликка қарши кураш.
6. Суд-адлия.
7. Вилоятлардан тушган ариза ва шикоятларни текшириш.
8. Амнистия.
9. Диний алоқалар¹.

Амирлик даврида унинг барча сарой аъёнлари билан муносабатлари олий даражада бўлганлигига манбаларда ишоралар бор.

ИККИНЧИ ИСТЕЪФО

Навоийнинг иш фаолиятидаги ўзгаришларни аниқлаш ва улар билан боғлиқ хронологияни ўрганиш шоир таржимаи ҳолини тиклашдаги энг муҳим жиҳатлардан саналади.

Бурҳониддин Атоуллоҳ қаламига мансуб қуйидаги таърих Навоийнинг Астрободга ҳоким этиб тайинланиши муносабати билан ёзилган:

*Он Амир Низомиддин Алишер
Авсоф берун зи ҳадди тақрир.
Чун кард қабул боз аморат
Таърихе шуд “аморати Мир”².*

Учинчи мисрада ишора этилган “яна амирликни қабул қилди” иборасидан абжад ҳисоби билан 1487 йил чиқади. Биз ундан Алишернинг қачондир амирликдан истеъфо берганлигини ва маълум муддат ўтгач, 1487 йилда Астрободга юборилиши муносабати билан яна давлат ишига қайтганлигини фаҳмлаймиз. Манбаларда Навоийнинг амирлик лавозимини илк марта 1472 йилда эгаллагани аниқ кўрсатилган. Алишер Навоийнинг амири кабир лавозимида қанча вақт ишлагани, қачон ва нима учун истеъфо берганлиги ҳақида аниқ маълумот ҳозирча йўқ. Фақат манбалардаги ишоралар ва бошқа муносабат

¹ Вақфия, 174-175-бетлар.

² Гиёсиддин б. Ҳумомиддин (Хондамир). Равзат ус-сафо. Босма. Лакнав. XIX аср.-VII жилд.-36-бет. Ушбу асарнинг олти жилди Мирхонд томонидан ёзилган.- таҳр.

билан келтирилган тарихий фактларни қиёслаб ўрганиш орқали айрим хулосаларни яшаш мумкин.

Замонавий навоийшуносликда шоир амирликдан 1476 йилда истеъфога чиққан деган фикр қатъий суратда қабул қилинган. Бу фикр ҳозирги мавжуд барча тадқиқотларда очиқ-ойдин қайд этиб келинмоқда. Ушбу сана дастлаб рус шарқшуноси В.В.Бартольд томонидан қайд этилган. У ўзининг “Мир Али Шер ва сиёсий ҳаёт” асарида “Жомий сўзларига кўра, Навоий нақшбандияни чуқур ўргангач, 881 (1476-1477) ўз хоҳиши билан обрў ва эътибордан воз кечиб (амирлик назарда тутилмоқда-Ш.С.), фақр йўлига кирди”¹ деб таъкидлайди.

20-50-йиллар ўзбек навоийшунослари ишларида, жумладан, Олим Шарафиддиновнинг “Алишер Навоий” тадқиқотида моҳиятан Бартольднинг қараши тасдиқланган². Бироқ у асосни бошқа манбадан олади: “Алишер Навоий бу даврда буюк шоир Абдурахмон Жомийга бағишлаб, “Тухфат ул-афкор” (1476) номли форсча бир қасида ёзади. Унда шоирнинг подшо ва унинг саройига қарши нафрати жуда очиқ ифодаланган. Бу қасидага қойил қолган Абдурахмон Жомий унга жуда юқори баҳо берган эди. Бу қасидани “Тоziёна”, яъни “қамчи” деб атаган эди. Алишерга ёзган мактубида қасиданинг мазмуни тўғрисида шу сўзлар бор:

– Қасиданинг мазмунидан шу маълум бўладики, сиз зоҳирий кўринишлардан, подшо саройидан қочмоқчисиз? Сизнинг бу иродангиз шукур қилишга лойиқдир...”³.

Мушоҳада қилинганидек, О.Шарафиддинов “Тухфат ул-афкор” борасидаги Жомий фикри ва қасида яратилган йил асосида Амир Алишернинг истеъфоси бўйича қатъий хулоса ясаган.

Шу даврда С.Айний томонидан яратилган “Алишер Навоий” номли тадқиқотда (1948) О.Шарафиддинов келтирган “Тухфат ул-афкор”даги маълумотга яна бир қўшимча асос – “Хамсат ул-мутаҳаййирин”дан бир хотира лавҳаси уланиб, қуйидаги яхлит “эпизод” яратилади: “Бу воқеадан кўп ўтмай (О.Шарафиддинов талқинидаги қасида воқеасидан сўнг-Ш.С.) Алишер Жомийнинг рухсатини олмасдан ҳукумат ишидан истеъфо беради. Унинг бу ишга, яъни амалдорликдан истеъфо беришига Жомий қандай қараганини у “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да қуйидагича қайд қилади, дейди ва шу ерда биз “Мухрдорлик” бўлимида келтириб ўтган Навоий – Жомий суҳбатини келтиради⁴. Мазкур қарашларнинг илмий таомилга киритилиши замонавий навоийшуносликнинг илк даврлари- 20-40 йилларга тўғри келиб, Навоийнинг илк юбилейи арафасидаги шошилинич тадбирлар жараёнида содир бўлган. Шунинг учун ҳам устоз навоийшуносларимизнинг хизматларини заррача камситиш фикридан йироқмиз. Шу билан бирга, уларнинг хулосаларига асос бўлган маълумотларни яна бир карра қайта таҳлил қилиш фойдадан холи бўлмайди.

В.В. Бартольдга асос бўлган Абдурахмон Жомийнинг сўзлари унинг “Нафаҳот ал-унс” асари дебочасидан олинган. Унда муаллиф асар яратилишига сабаб бўлган омиллар устида тўхталар экан, ёзади: “Дар таърихи санаи аҳади ва саманин ва саманмиа, муҳибби дарвишон ва муътақиди эшон, он ҳама аз шуғл сер ва бар фақр далер - Низомиддин Алишер, ки ба тўъу ихтиёр аз олий маротиби жоҳ ва эътибор эъроз намуда ва ба қадами таслим ва ризо бар сулуки жодаи фақру фано иқбол фармуда, аз ин фақир мисли он сурате, ки бар дил гузашта буд ва дар хотир мутамаккин гашта, истидъо кард”⁵. Ўзбек тилидаги адабиётларда Жомийнинг сўзлари қуйидаги кўринишда учрайди: “881 йилда дарвишлар дўсти ва уларнинг мухлиси,

¹ Бартольд В.В. Мир Али Шер и политическая жизнь: Сочин. В IX томах.- М.:Наука,ГРВЛ,1964.- II том.Часть2.-стр. 235

² О.Шарафиддинов. Алишер Навоий. Тошкент,1971,66-бет.

³ Ўша ерда.

⁴ С.Айний. Навои. Куллийёт. Дар 15 жилд, 1985, сах.306.

⁵ Абдурахмон Жомий. Нафаҳот ал-унс. ЎзФАШИ, инв. 5149, 2а-вар.

ҳамма машғулотдан тўқ, фақирлик йўлига ботир амир Низомиддин Алишер (бу киши ўз хоҳиши ва ихтиёри билан даража ва эътиборнинг аъло мартабасидан бет қайтариб, таслим ва ризо қадами билан фақирлик ва фонийлик йўлини қабул қилган”), бу фақирдан кўнгилдан ўтган ва хотирда қарор топган шаклдагидай илтимос қилди”¹. Қизиғи шундаки, таржима бу тарзда ўгирилмасдан, балки “Дарвишлар дўсти ва уларнинг мухлиси, ҳамма (дунёвий) машғулотлардан тўйган, фақр йўлига ботирларча отланган, ўз майлу ихтиёри билан қадр эътиборнинг олий мартабаларидан воз кечган ва таслиму ризо қадами билан фақру фано йўлига юзланган Амир Низомиддин Алишер 881 йилда бу фақирдан кўнгилдан ўтган ва хотирда қарор топган шаклдагидай илтимос қилди” тарзида ҳам амалга оширилиши мумкин эди. Жомий жумласига синчиклаб қаралса, унда адиб сажъ усулини қўллаш ниятида иншо санъатида маъмул бўлган усул - сифатдошлар билан ифодаланган аниқловчиларни уюштириб келтиришдан фойдаланганлиги яққол кўзга ташланади. Қаранг: “муҳибби дарвишон - мўътақиди эшон”(дарвишларга севимли бўлган-улар эътиқод қўйган), аз шуғл сер-бар фақр далер”(дунёнинг ишидан тўйган - фақир бўлишдан кўрқмаган) ва шунга монанд “эъроз намуда-иқбол фармуда”(юз ўгирган-юз қаратган). Обрў - эътибордан воз кечмоқ ва фақру фано томон юзланмоқ дейилиши ҳали салтанатдаги мансабдан расман истеъфо берди дегани эмас. Шунга биноан, Жомий бу жумлада “расмий равишда фақру фано сулукини қабул қилди” маъносини ифодаламаётганлиги ҳам равшан бўлади. Шу нуқтаи назардан Жомий фикрини шу даврда, яъни ҳижрий 881/1476 милодий йилга келиб, Навоий “фақру фано” сулукига мойиллиги жуда баланд бўлганлигини назарда тутган, деб қабул қилиш мумкин. Ундан ташқари, Жомийнинг ҳижрий 881 (1476) йил санасини келтиришдан мақсади мазкур китобнинг яратилиш ғояси туғилган пайтга эътиборни қаратиш эди. Унинг Навоий истеъфосига алоқаси йўқ. Аммо, сўзсиз, бу сана ўша даврлардаги Навоий кайфияти ва дунёқарашини аниқлашда жуда катта аҳамиятга эга. Рус шарқшуноси Е.Э.Бертелъс ҳам ўзининг “Навоий” монографиясида мавзу тақозоси туфайли ушбу масалани четлаб ўтолмаган. Айнан у Навоийнинг 1476 йилда истеъфога чиққанлиги ҳақида очиқ фикр билдирмаган ягона олимдир². Унинг Навоий руҳиятидаги ўзгаришлар ҳақидаги хулосалари ўз илмийлиги билан бугун ҳам муҳимдир.

Олим Шарафиддинов келтирган матн-иқтибосларни ҳам қайта кўриб чиқиш зарурати бор. Фикри ожизимизча, О.Шарафиддинов “Тухфат ул-афкор” билан боғлиқ хотира-лавҳада Абдурахмон Жомий фикрларини нотўғри изоҳлагандек кўринади. Биринчидан, асл матн куйидагича: “... Аз фаҳвои он чунон маълум шуд, ки хидмати эшонро иродати иқбол бар қиблаи мақсуд ва эъроз аз намудҳои бебуд мутааккад шуда...”³, яъни “Мазмунидан маълум бўлдики, ул кишида (Навоийда-Ш.С.) мақсуд қибласига юз буришга (яъни фақр тариқатига) ва асосга эга бўлмаган (яъни фоний дунё лаззатлари-Ш.С.) кўринишлардан юз ўгиришга қатъият ҳосил бўлмиш” деб айтилган. Иккинчидан, Жомий томонидан Навоийнинг ўзини назарда тутиб “хидмати эшонро”, яъни “ул кишида” деб айтилган ибора сўзма-сўз ўгирилиб “у кишининг хизматларини” тарзида подшо мулозаматига тааллуқли қилиб юборилган. Учунчидан, О. Шарафиддинов мактубнинг кейинги қисмидаги фикрни ҳисобга олмаган. Унда Жомий шундай давом этади: “Аммо агар чунончи дар тағйири умури суvari ва тарки иштиғоли ғайри зарури, чун мулойими мизожи азизон нест, муболаға наравад ва дур наменамояд, ҳеч жо нест, ки мақсуд зоҳир нест ва жамоли зуҳурашро камоли зуҳур сотир не”. (Таржимаси: “Аммо зоҳирий ишларни ўзгартиришга ва ҳожатдан ташқари машғулотларни тарк қилишга кўп ҳам ҳаракат қилинмасаки, бу азизлар мижозига мувофиқ эмас. Ва узоқ

¹ Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий. Тўплам\Нашрга тайёрл.П.Шамсиев. Тошкент,Фан,1966, 136-бет.

² Бертелъс Е.Э. Навои и Джами: Избр.труды.-М.:Наука,ГРВЛ,1965.Стр.118.

³ Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин: Асарлар. XV жилдлик.-Т.:Ф.Фулум,1967.-XIV жилд.-31-бет.

эмас ва ҳеч жой йўқки, мақсад юз кўрсатмасин, шунингдек, кўринувчи жамолни (яъни Оллоҳ жамолини-Ш.С.) кўринувчи камол (яъни инсон камолоти, бу ерда Навоий камолотига шаъма қилинмоқда-Ш.С.) бекитувчи эмас.) Бу ерда Жомий давлат ишлари инсон руҳий камолоти масалаларига ғов бўла олмаслигини таъкидламоқчи бўлган ва Навоийни давлат ишларидан истеъфо бериш ниятидан қайтарган.

С. Айний хулосаси ҳақида гапирадиган бўлсак, у икки хотира-лавҳани бир-бирига улашда эътиборсизлик оқибатида уларнинг бошқа-бошқа даврларга тааллуқли эканлигини ҳисобга олмаган ёки тузум манфаатларига мос келишини ўйлаб, атайин шундай йўл тутган. Чунки “Тухфат ул-афкор” қасидаси билан боғлиқ Жомий мактуби ҳижрий 880 (1475-1476) йилда ёзилган бўлиб, Навоий подшоҳ билан Марвга қишловга борганда Жомий билан ўрталарида содир бўлган ёзишмаларга тааллуқлидир. Иккинчи лавҳа эса Жомийнинг Макка сафаридан ва Ҳусайн Бойқаронинг Балх юришидан қайтган маҳалида юз берган. Биз тадқиқотимизнинг олдинги саҳифаларида Жомийнинг ҳаж сафарларидан бири 1470-1471 йилда амалга оширилганини тахмин қилган эдик. Али Сафийнинг “Рашаҳот”да ёзиши бўйича, Жомий 1472 йил ҳажга кетган ва бу сафарга бир ярим йил вақт сарф бўлган¹257. Бу ҳолатда ҳам С.Айний фикри тарихий воқеликка тўғри келмайди.

Кузатишлар шуни маълум қилдики, В.Бартольд томонидан “Навоий-шоҳ” зиддиятини кўрсатиш учун “истеъфо” талқинини ривожлантириш йўлида ташланган “уруғ” О.Шарафиддинов ва С.Айнийни шу йўналишда янги материаллар топишга ундаган. Улар Навоийнинг истеъфосига асос сифатида “Хамсат ул-мутаҳаййирин”дан мисоллар келтириш орқали бу талқиннинг фанда янада қатъийлашишида муҳим ролъ ўйнадилар.

Навоий истеъфога 1476 йилда чиқмаганига яна бир далил бор. Бу масалада энг муҳим аниқлик киритувчи манба унинг “Вақфия” асари эканлигини таъкидлаш лозим. Маълумки, бу асар ҳижрий 886 (1481-1482) йили ёзилган. Унинг дебчасида муаллиф уни ҳажга юбориш ва давлат ишларидан озод этиш ҳақидаги икки илтимос билан мурожаат этади: ... Ул ҳазратнинг (Султон Ҳусайн Бойқаронинг-Ш.С.) муаббад давлатидин ва рафеъ ҳимматидин кўнглумға кечмаган комларға комгор бўлубмен ва тушумға кирмаган мақосидға иқтидор топибмен. Икки орзу риштасидин ўзгаким, гиреҳи кўнглум пардасидин ечилмади ва икки мурод ғунчасидин ўзгаким, тугуни жоним гулшанидин очилмади. Аммо умидим улдурким, бу икки умидим мевасидин дағи баруманд ва муродим будурким, бу икки муродим гавҳаридин дағи сарбаланд бўлғаймен ва бу орзумандлиғ хорхорининг тикани кўнглумда синмағай ва бу мурод гавҳарининг ёғинин қатрадек туфроққа элтмағаймен...Бу мазкур бўлғон икки орзудин бири муборак сафардурким, исломим шахси беш ҳисдан бирининг ўксуклиги жиҳатидин ноқис бўлмағай ва мусулмонлиғим панжаси бир бармоқ йўқлуғидин малул қолмағай...Ва иккинчи муродим улким, ул ҳазратнинг (Ҳусайн Бойқаронинг-Ш.С.) Ғоятсиз иноятлари ва ниҳоятсиз шафқатлари муқобаласида юқори мазкур ва садрда мастур бўлғон хизматлардин (олдинроқ санаб ўтилган Навоийнинг саройдаги вазифаларига шаъма қилинмоқда-Ш.С.) бу фақри шикаста ва бу ҳақри дилхастаға муносиброқ хизмат ул эрдиким, зубдаи авқотим ва хулосаи ҳаётимни ул ҳазратнинг мадҳи зоти ва таърифи сифотида сарф қилсам эрди ва ул бобда ғарро қасидалар ва рангин ғазаллар ва матбуъ маснавийлар ва маснуъ иншолар, балки ҳар навъ назм ва насрдин китоблар тасниф қилсам эрди ва мужалладлар тартиб берсам эрди, то ул ҳазратнинг фархунда оти бу васила била кўп йиллар рўзгор саҳифасида мазкур ва ҳумоюн зоти бу восита била кўп қарнлар рўзгор **аҳли тилида** мазкур бўлса эрди”². Навоий давлат хизмати бу ишларни амалга оширишга

¹ Али б.Ҳусайн ал-воиз Кошифий. Рашаҳот айн ал-хаёт: Қўлёзма, 130^б-вар.

¹ Вақфия, 172-174- бетлар.

жиддий тўсқинлик қилишини аниқ ифодалаган : “бу навъ ғамноклик била (яъни давлат юмушлари билан) не нишотомиз алфозға рабт берғай ва бу паришонлик била не маоний гавҳари жамъ қилғай?” Шоир “Хамса” ёзилишига аниқ ишора этади: “Аммо умидим борким, ул ҳазрат давлатидин онча фароғат даст берғайким, кечган ҳаётим бақиясин ва ўтган авқотим татиммасин бир ишга сарф қилғайменки, жаҳон интиҳосиға қадар ул ҳазратнинг зикри хайри бодасидин улус хушқол ва яна жаҳон ибтидосиға анинг авсофи ҳамидаси оби ҳаётидин халойиқ коми маломол бўлғай”¹.

Кўриниб турибдики, Алишер Навоий ўзининг давлат ишларидан озод этилишини сўрамоқда. “Вақфия”нинг 886 йили ёзилгани (1481-1482) ҳисобга олинса, 1481 йилда ҳали Навоий амирлик лавозимида ишлаб турган бўлиб чиқади.

“Вақфия”даги илтимосларнинг натижаси одамни ўйлантиради. Навоийнинг чиройли тарзда етказган илтимослари қондирилганмикан?

Мантиқ нуқтайи назаридан Ҳусайн Бойқаро шоҳлик расми бўйича ҳар иккала илтимосни ҳам қондириши лозим эди. Тарихий асарлардан бизга маълумки, Султон Ҳусайн Амир Алишернинг ҳажга боришига рухсат бермаган. Унда уни давлат ишларидан озод этганми? Шоирнинг ўзи бу ҳақда кейинчалик бўлсада, очиқ гапирмаган. Бироқ Навоий ижодиёти эволюциясини кўздан кечириш шу масаланинг ечимига олиб келадиган баъзи тахминларни туғдиради. Биз биламизки, “Вақфия”дан кейин 1481 йилдан 1485 йилгача бўлган ораликда Навоий ўзининг шоҳ асарларини, жумладан, “Хамса”ни яратди, “Бадоеъ ул-бидоя” девонини тузди². Тез орада, ўша йилнинг ўзидаёқ “Бадоеъ ул-бидоя” девонининг тартиби ниҳоясига етиб, унинг китобат қилинганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Қисқа давр ичида тинимсиз меҳнат ва тўлиқ ўзни бағишлаш орқали дунёга келиши мумкин бўлган бу улкан асарларни давлат ишлари билан бир пайтда яратиш жуда оғир эмасми? Демак, султон унинг фақат бир илтимосини бажарган бўлиши, яъни истеъфосини қабул қилган бўлиши керак. Чунки Навоий юқорида ўз истеъфосидан мақсад-“Султон Ҳусайн номини тарих зарварақларида қолдириш нияти”да шоҳ асарлар яратиш эканлигини таъкидлаган. Дарҳақиқат, шу даврлардан эътиборан буюк “Хамса”ни ёзишга киришганлиги шоҳ расмий равишда истеъфосини қабул қилган деган фикрга олиб боради. “Хамс”анинг биринчи достони “Ҳайрат ул-аброр”нинг яратилиш санаси 1482 йил эканлиги бизга маълум. Демак, у 1481 йилда давлат лавозимларидан озод этилган дейиш мумкин. Унинг амирлик лавозимидаги фаолият йилларини 1472-1476 йиллар деб эмас, 1472-1481 деб белгиласак, тўғри бўлар. Аммо Навоий амалда султон хизматларидан тўлиқ бўшай олмаган кўринади. “Садди Искандарий” достонида шу кайфиятни ифодаловчи ўринлар мавжудлиги шундан далолат беради. Ҳар ҳолда Ҳусайн Бойқаро буюк асарлар яратишга бел боғлаган дўстини расмий равишда давлат лавозимидан озод этган бўлса ҳам, давлат юмушларидан озод этмаган кўринади ва бу табиий.

² Ўша асар, 176-бет.

³ Қаранг: Валихўжаев Б. “Хамса” ёзиш анъанасига Алишер Навоийнинг муносабати // Ўзб.тили ва адаб.-1990.-№ 1,17- бет; Абдуғафуров А. “Бадоеъ ул-бидоя”нинг тузилиш санаси // Ўзбек тили ва адабиёти.-1989.-№ 4, 8-бет. “Бадоеъ ул-бидоя”нинг бизга маълум қадимий нухаси Парижда сақланиб, ҳижрий 886 йилда тузилган. Мазкур девоннинг тартиб берилиши вақти борасида навоийшуносликда кўп баҳслар бўлган. Баъзилар уни 1470-1476 йиллар, айримлар 1471-1472, яна бир гуруҳ олимлар 1468-1481 дейдилар. А.Абдуғафуров ёзади: Биринчидан, Навоийнинг ўз таснифи бўйича 1476 йилдан бошланувчи ўрта ёшлик – “васати син”да яратилган ғазалларнинг, шунингдек, 1477-1478 йиллар воқеаларидан баҳс этувчи бир неча қитъаларнинг девон таркибида мавжудлигидан ҳамда дебочадаги ёрдамчи далил-ишоралардан ва иккинчидан, илк кўлёма нухасининг 1481 йилда кўчирилганлиги фактидан “Бадоеъ ул-бидоя” ҳижрий 884 (1479-80) йилда тузилган деган хулосага келиш мумкин (юқоридаги мақола, 7-8-бетлар). Демак, Навоий ҳижрий 886 йилда “Вақфия”нухасини султонга тортиқ қилиб, истеъфога чиққандан сўнг тезда девон устида ишлаган, ўша йилнинг ўзидаёқ кўчиртириб, султонга тақдим этган бўлиши мумкин.

Шу ўринда бир савол кишини ўйлантиради. Навоий “Хамса” ёзиш учунгина давлат ишларидан истеъфо берганми? Биз бу масалада устоз навоийшуносларимизнинг улуф мутафаккирнинг фақр ва қаноат тариқига берилганлиги хусусидаги фикрларини тўла маъқуллаймиз ва яна бир далил билан ўз мулоҳазаларимизни яқунлаймиз. Истеъфонинг асл сабабини Навоийнинг ўзи кўрсатиб кетган, деб айтиш мумкин. Бу “Вақфия” муқаддимаси охирида келтирилиб, тўрт ният ифодаланган рубоийларнинг биринчисида ўз аксини топган. У қуйидагича:

*Олам ишидин мени малул эт, ё Раб,
Фақр эмгаги тортарға ҳамул эт, ё Раб.
Бу ишки, сенинг ризонг учун қилмишмен,
Ҳам айни ризо била қабул эт, ё Раб.*

Биринчи мисрада шоир Оллоҳдан ўзини дунё ишларидан малул этмоқни, яъни безор қилишни (луғавий маъноси ҳайф, таассуф, безмоқ, зиқ бўлмоқ ва ғамгин бўлмоқни билдиради), иккинчи мисрада эса фақр машаққатини кўтаришда бардошли этишни сўрамоқда. Демак Навоий айни шу даврга келиб ўз ҳаётини фақр тариқати билан боғлашга ва қолган умрини тоат-ибодат, охират арконларини бажариш ҳамда ижод билан шуғулланишда ўтказишга қарор қилган. Рубоийнинг учинчи мисрасида бу қарор Оллоҳ ризолиги йўлида қилинаётганлиги айтилгани ҳам шубҳага ўрин қолдирмайди. Хулоса шуки, Навоийнинг бутун мол-мулкни вақф этиш ва истеъфо сўрашдан асл мақсади борлиги ҳам маълум бўлади. Бу ўтган йиллар давомида тобора қатъийлашиб борган истак - мансаб ва жоҳ қуршовидан қутулиб, фақр либосини кийиш эди. Аммо зинҳор буни суфия тариқатига кириш деб тушунмаслик керак. У гарчи нақшбандияга эҳтироми буюк бўлса-да, аммо ҳеч қайси тариқат аъзоси бўлмаган. Бунинг ўзига хос сабаблари бор ва алоҳида мавзудир.

НАВОИЙ - АСТРОБОД ҲОКИМИ

“Равзат ус-сафо”да келтирилган маълумотга кўра, Султон Ҳусайн ҳижрий 892 йилнинг қишида (1486-1487) Амир Алишерни дор ул-фатҳ Астробод ҳокими этиб тайинлашга қарор қилган. Хондамир кўрсатишича, “Ҳижрий 892 йилнинг қишида (1486 декабрь-1487 январь) хоқон Марвда қишлаб турганида Астробод ҳокими Амир Мўғулни ўз даргоҳига чақириб олди ва унинг мунаввар кўнглига Амир Алишерни дор ул-фатҳ Астробод ҳукумати билан сарфароз этиш қарори келди. Ул ҳазратнинг (Ҳусайн Бойқаронинг) фикри софқўнгил амирга яширин эди¹.

Астробод ғарбий чегара ҳудудида жойлашган Журжон вилоятининг маркази эди. Хуросоннинг ғарбий қўшниси Оққуюнлилар эди. У замонларда ҳозирги Эрон давлати бўлмаган ва бу ҳудуд Шарқий Ироқ деб аталарди. Ғарбий чегараорти ерлари Оққуюнлилар салтанатига тобе Ардабил мулки соҳибларига қараган. Бу мулк бошида шиа мазҳабининг кўзга кўринган арбоби шайх Сафиуддин (1254-1334) асос солган сафавийлар сулоласининг вакиллари туриб, кучли ҳокимият ва улкан вақф ерларига эга эдилар. XV асрнинг иккинчи ярмида уларнинг сиёсий саҳнага чиқиши кузатилади. Сафавийлар пешвоси Шайх Жунайд (1447-1456) Оққуюнлилар ҳукмдори Султон Узун Ҳасан билан қуда-андачилик орқали яқин муносабатлар ўрнатиб олади. Бутадбир ўша даврда анча кучли ҳисобланган Қорақуюнлилар

¹ Равзат ус-сафо, босма, VII жилд, 36 -бет.

салтанатига қарши иттифоқ эди. Сафавийларга озарбойжонларнинг кўчманчи элатлари бўлмиш устажлу, румлу, афшорларнинг қуролли гуруҳлари қўшила бошлади. Жунайд Шервон ва Доғистонни босиб олишга ҳаракат қилиб кўради, аммо шервоншоҳлар қаттиқ қаршилиқ кўрсатадилар. 1456 йили Самур дарёси бўйида Жунайд ва шервоншоҳ Халилуллоҳ ўртасида катта жанг бўлиб ўтади. Жунайд мағлубиятга учраб, ҳалок бўлади. Унинг ўрнини эгаллаган шайх Ҳайдар (1456 -1488) отасидан ҳам баттар ўзга мол-мулкка ўч бўлиб, қўшни ҳокимликларга ҳужум қилишни режалаштира бошлади. Гарчи Шайх Ҳайдарнинг Шервон шоҳлиги ва бошқа мулкларга бўлган иштаҳаси олдиндан овоза бўлиб юрган бўлса ҳам, Оққуюнлиларнинг бу даврдаги ҳукмдори Яъқуб Мирзо ва шервоншоҳ Фаррух Ясор бунга етарли эътибор қаратмадилар. Балки, шайхнинг онаси Хадича Хотун Яъқуб Мирзонинг аммаси, Шайх Ҳайдарнинг хотини Аламшоҳ Бегим эса Яъқуб Мирзонинг кичик синглиси бўлгани учун ҳам ундан бежавотир бўлган бўлиши мумкин. Шервоншоҳ эса Яъқуб Мирзонинг қайнотаси бўлгани учун унга суянган, Шайх Ҳайдарнинг тизгини Яъқуб Мирзонинг қўлида деб ўйлаган, шекилли. Воқеалар ривожини жуда табиий бошланган. Ҳижрий 893 йилда (1487-1488) шайх Ҳайдар онаси Хадича Хотун воситасида султон Яъқубдан ғайридин черкасларни вақти-вақти билан “адабини бериб туриш” ниқоби остида лашкар йиғиш ва Оққуюнлилар давлати ҳудудида озод ҳаракат қилишга руҳсат олади. Бу эса шайхнинг қўлида кучли армия тўпланишига ва қўшни давлатлар учун хавfli рақибга айланишига олиб келади¹. Бизнингча, султон Ҳусайн Бойқаро даврининг ўта билимдон саркардаларидан ва давлатлараро муносабатларнинг шаклланиш жараёнларидаги паст-баландликларни чуқур тушунган давлат арбоби сифатида шайх Ҳайдарнинг келажак мақсад ва шум ниятларини яхши тасаввур қилган. Балки, унинг режаларидан воқиф бўлгандир. Хуросоннинг ғарбий чегараларидаги шиа халқларининг агар бирор кор-ҳол юз берадиган бўлса, Ҳайдар томонига ўтиб кетиш хавфини сезган. Ҳусайн Султон Яъқуб ва Фаррух Ясор билан муносабатларни янада яқинлаштириб, Ҳайдар билан келгусида келиб чиқиши муқаррар бўлган тўқнашувнинг олдини олиш керак эди. Бунинг учун чегараолди вилоятини шундай кишига топширмоқ лозим эдики, у ердаги халқлар бўйсунадиган ва иззат қиладиган, асосийси, Султон Яъқуб ва чегарадош вилоятларнинг ҳокимлари билан муносабатларда жуда ҳам уста дипломат ва уларнинг ҳурматини қозона оладиган инсон бўлиши зарур эди. Табиийки, бу тадбир шиа ва суннийлар орасида ҳам, қўшни ҳукмдорлар ўртасида ҳам кучли мавқе ва эътиборга эга бўлган Навоий орқалигина амалга ошиши мумкин эди.

Журжонвилоти ҳокимлиги улуғ лавозим бўлишига қарамай, Алишер Навоий Астрободга кетаётганлигидан норози бўлганлиги манбаларда кўрсатиб ўтилган: “ Собиттадбир амир Тангри таолонинг ризолиги йўлида ҳозирлиги, хоқони мансур муҳим ишларини кифояти сарвиги хушбўй хотирининг майли камолот даражасида бўлганлиги учун бу амрни қабул қилиш хусусида бирор нима демади. Кўп муболағадан сўнг, ризо бошини тебратиб, таважжуҳ юзини ул тарафга ўгириб, олампаҳо даргоҳ мулозимларидан амир Бобо Али ва амир Бадриддинни ҳамроҳ қилиб Астрободга жўнади”, деб ёзади Хондамир².

Шу тариқа Навоийнинг учинчи марта расмий равишда давлат ишларига қайтганини кўриш мумкин.

Астробод Хуросоннинг ўта муҳим аҳамиятга эга минтақаси бўлиб, қалтис шароитда уни идора этиш ҳокимдан катта масъулият ва тинимсиз меҳнатни талаб этиши, табиий. Бунинг устига, у барча мол-мулкни вақф этиб, 1481 йилдан бери ижодга берилган, қолган умрини ижод ва ибодат билан ўтказишга қарор қилган эди. Аммо ватан манфаатларини

¹ История Азербайджана. в 3^х т./Под ред. И.А.Гусейнова и др. -Баку:Изд.АН АзССР, 1958- т.1,стр.209.

² Равзат ус-сафо,босма, VII жилд, 36- бет.

ўз ақидаларидан устун қўйиб, бу масъулиятли вазифани зиммасига олади ва Астрободга жўнаб кетади.

Манбаларда унинг Астрободдаги фаолияти ҳақида маълумотлар жуда кам. Ҳозирча, асосан, Навоийнинг қўшни давлатлар ҳукмдорлари билан алоқаларини бир мунча ёритувчи ёзишмалар, жумладан, унинг Шервоншоҳ Фаррух Ясорга ёзган мактуби, Оққуюнлилар ҳукмдори Султон Яъқуб Мирзо ва унинг бош вазири Шайх Нажм билан ўрнатган яқин алоқаларидан дарак берувчи баъзи мактуб ва маълумотларга эгамиз, холос. Навоийшунос олимларимизнинг тадқиқотларида Мир Алишернинг Астрободдаги кайфияти етарли ёритилган. Астрободда бир йил тургач, қайтишга изн сўрайди. “Равзат ус-сафо” да шундай келтирилади: “...Амир Алишер бир йил муддат Журжон вилоятида мулку мол забти билан машғул бўлгандан сўнг хоқони мансур билан мулозамат шавқи кўнглидан кечди ва ижозат олингач, амир Бадриддинни ўз ўрнида қолдириб, дор ус-салтана Ҳиротга қараб йўналди... ва ўша вилоят ҳокимлигини бирортага берилишини илтимос қилди. Лекин хоқони мансур унинг бу илтимосини ризо қулоғи билан тингламади ва бир неча кун ўтиб яна Астрободга қайтишига рухсат берди”¹.

Султон Ҳусайн Бойқаро унинг илтимосини ризо қулоғи билан тинглаганининг сабаби, бизнингча, бу пайтга келиб, Ҳусайн Бойқаро олдиндан кўра билган воқеалар рўй бера бошлаган. 1488 йилнинг бошларида Шайх Ҳайдар ялпи хужумга ўтиш вақти етган ҳисоблаб, Шервоншоҳлигини босиб олиш пайига тушади: Бутун лашкарини Ганжа ва Барда оралиғида тўплайди. Сўнг Фаррух Ясорга одам юбориб, ҳар галгидек, черкасларни талаб келиш учун бораётганлигини ва Дарбанд йўлини ислом лашкарига очиб қўйишни сўрайди. Фаррух Ясор элчини кутиб олиб, иззат-икром билан кузатгач, Дарбанд йўлини очишга фармон беради. Шунда Ҳайдар ўз аскарларининг саллаларини ўн икки имом шаънига ўн икки йўлли қизил ранга бўятади ва Дарбанд йўлидан осонликча ўтиб олгач, Шервонга қарши уруш эълон қилади. Гафлатда қолган Фаррух Ясор беҳуда қон тўкилишидан қочиб, оила-уруғи билан Гулистон қалъасига бекиниб олади. Шайх бошлиқ минглаб “қизилбошлар” етти ойгача қалъани қамал қилиб ётадилар. Ниҳоят Ҳайдарнинг инсофга келишидан умидини узиб, тоқати тоқ бўлган Султон Яъқуб қаҳр билан Шервонга отланади ва 893 йилнинг жумод ус-соний ойининг охирларида (1488, июнь) Ардабилга етиб келади. Бу хабарни эшитган Шайх қалъани қўйиб, Дарбандга чекинади. Султон унинг изидан қувиб келади ва ражаб ойининг охирида (июль) улар ўртасида қаттиқ жанг бўлиб ўтади. Пировардида, Ҳайдар жанг майдонида ҳалок бўлади ва қизилбошлар қўшини тарқатиб юборилади².

Демак, Навоийнинг Астрободда бўлиб туриши шу сабабларга кўра жуда ҳам зарур бўлган. Негаки, чегараолди шиа халқларини тинчлантириб туриш, уларнинг кўнгилларида сафавий шайхларига бўлган кўр-кўрона садоқат натижасида пайдо бўлаётган жиҳод учқунларини ўчириш, шу билан бирга, қалтис вазиятда оғирлик, босиқлик ва чуқур мулоҳаза билан тўғри иш юрита олиш Ҳусайн Бойқаро назарида фақатгина Амир Алишернинг қўлидан келиши мумкин эди...

Навоий имкони топилди дегунча ҳукумат ишларидан озод этишни султондан сўраб турган. Қуйидаги воқеа бунга тасдиқ бўлиши мумкин.

Амир Алишернинг ёнида дастёр ва ҳамдард бўлган жияни Ҳайдар унинг қандайдир топшириғи билан Астрободдан Ҳиротга келади. Хондамир ёзади: “Мир Ҳайдар савдойиликдан анча баҳраманд одам эди. Ана шу савдойиликка шароб кайфи қўшилиб кетган бир вақтда бундай деди: “Султон ҳазратларининг яқин дўсти (яъни Амир Алишер) халофатойинлик остонанинг (яъни султоннинг) мулозимлари Коқулий баковулга Амир

¹ Равзат ус-сафо, босма, VII жилд, 37- бет.

² История Азербайджана, стр. 209.

Алишернинг овқатига заҳар қўшиб беришни тайинлаганликларидан хабар топиб қолди. Шунинг учун ул зот қаттиқ ваҳимага тушиб, подшоҳга душманлик хаёлини кўнгил саҳифасига тадбир қалами билан ёзибдурлар”. Ҳоқони мансур бу гапни эшитиб изтиробга тушди ва шамолдек тез елувчи элчини Амирни овунтирадиган ҳумоюн нишон билан Астрободга юборди ҳамда нишонда қасамёд қилиб, айтдики, “ Бу хусусда ул жанобнинг табъи шарифларига нимаики етган бўлса ҳақиқатдан йироқдир ва ҳаргиз бунақа фикрни шарофатли хотирларига келтирмасинлар”. Султоннинг чопари Амир Алишернинг ҳузурига етиб келиб нишонни топширганда султон ҳазратларининг яқин дўсти ҳайрат денгизига чўмди. Чунки ўша гап-сўздан умуман беҳабар эди. Шу бўлдию, подшоҳни зиёрат қилиш баҳонасида ўн-ўн икки кун деганда Астрободдан Ҳиротга етиб келди ва подшоҳ этагини ўпиш саодатига етишгач, арз қилди: “ Амир Ҳайдар айтган гапларнинг бариси ёлғон ва ўта кетган бўҳтондир. Мен ҳеч қачон бунақа гапларни эшитмаганман”. Шу сабаб Амир Ҳайдар жазога тортилди ва ҳибс этилди”¹.

“Заҳар” воқеасининг ҳақиқатда бўлган ёки бўлмагани номаълум. Бошқа манбаларда бу масала ёритилмаган. Аммо мазкур воқеа Ҳиротга сабрсизлик билан ошиқиб турган Навоий учун султон билан мазкур истеъфо борасида яна бир карра гаплашиб олиш имкониятини берди. Чегараолди хавфи баргараф бўлгани сабабли анча хотиржам тортган Ҳусайн Бойқаро Амир Алишерга Астрободни топшириб, Ҳиротга қайтишга рухсат беради. Мир Ҳайдар бу ишни ўз тоғасига қуюнчақлигидан қилганми ёки оддий фаросатсизлик туфайлими, унинг қандай баҳоланишидан қатъи назар, ҳар ҳолда, Навоийнинг Астробод ҳокимлигидан кутулиб, Ҳиротга қайтишига ёрдам берган.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Алишер Навоий Астрободда бир ярим йилча яшаган. Мана шунинг ўзи ҳам қайсидир маънода биз илгари сурган мулоҳазаларни тасдиқлайди.

Амир Алишер Астрободдан қайтгач, амирлик ва давлат ишларини тарк этади. Унинг илтимосига султон ҳам қаршилиқ қилмайди. Хондамир бу даврда Навоий ўз масканида тинч ҳаёт кечиргани ва султон уни эъзозлаб мактублар ёзганда унинг барча унвонларини келтиришини алоҳида қайд этиб ўтган: “Астрободдан қайтгач, соҳибтадбир амир (Алишер) фориғболлик билан ўрганган ватани ва эски масканида кун кечирди. Амирлик ва ҳокимликни тарк этиш воситаси билан кун сари олий даражаси тоза, таъзиму такрими бандоза бўлиб, аҳвол шу ерга бориб етдики, хоқони мансур унга йўллаган мактубларида ул жанобнинг (Алишернинг) лақабларини бундай деб ёзар эдилар: “Жаноб ҳидоятмаоб, маоли оёт, зубдай арбоби дину давлат, қуввати асҳоби мулку миллат, муассис ал-хайрот, муваффақ ул-мубаррот, рукн ас-салтана, эътизод ул-мулк, эътимод ад-давлати хоқоний, муқарраби султоний, низом ул-ҳақиқат, вад-дин амир Алишер”, яъни ҳидоят эгаси, шараф ва ҳурматнинг қайтиш жойи, дину давлат арбобларининг сараси, мулку миллат эгаларининг етакчиси, хайру эҳсонларни таъсис этувчи, хайру эҳсон муассасаларига равнақ берувчи, салтанат устун, подшоҳларни қўлидан етакловчи, хоқон давлатининг умиди, султон ҳазратларининг яқин дўсти, ҳақиқат ва дин низоми амир Алишер...”².

¹ Хондамир Ҳабиб ус-сияр : Қўлёзма, IV жилд, 603^a -вар.

² Равзат ус-сафо, босма, VII жилд, 38-бет. Фурсатдан фойдаланиб шуни айтиб ўтиш керакки, баъзи олимлар Навоийга “Султоннинг яқин кишиси” (Муқарраби ҳазрати султоний) фахрий унвони Астрободдан келгандан сўнг берилган, деб ҳисоблаганлар. (Қаранг: В.В.Бартольд. Мир Али Шир и политическая жизнь, стр.244; Е.Э.Бертельс. Навои и Джами, стр.172; И.Султон. Навоийнинг қалб дафтари, 358-бет.) Кейинчалик А.Ўринбоев Навоийга Астрободдан олдин ҳам шундай мурожаат қилинганлигини аниқлади (Қаранг: Письма-автографы Абд ар-рахмана Джами из альбома Навои/ Введ.,перевод и указ. А.Уринбаева.-Т.:Фан, 1982,стр.23). Абдураззоқ Самарқандий маълумоти бизга уни янада аниқроқ сана билан белгилаш имкониятини беради. “Матлаи саъдайн”нинг 1470-1471 йил тугатилганлиги ҳисобга олинса, унвон Алишерга Ҳусайн Бойқаро иккинчи маротаба Ҳирот тахтини эгаллаганида берилган дейиш мумкин. Маълумки, Ёдгор Мирзо Ҳирот тахтини эгаллаб олган даврда Ҳусайн Бойқаро лашкарбошилари орасида саросима пайдо бўлиб, кўпчилиги Султон Ҳусайндан юз ўгириб кетади. Шундай оғир вазиятда Навоий султонга

Ҳатто 1492 йилда Султоннинг Навоий билан муносабати олий даражада бўлганлиги Маждиддин Муҳаммаднинг Навоий шарафига зиёфат ўтказиш ҳақида Абулвосеъ билан қилган маслаҳати баёнида ҳам ишора этилган¹.

Алишер Навоийнинг Астрободга ҳоким этиб юборилиши сабаблари ҳақида навоийшуносликда турли қарашлар мавжуд. Алишер Навоийнинг Астрободга жўнатилишига ҳозирги навоийшунослигимиз сурғун сифатида қарайди. Бундай қараш, аввало, шарқшунос В.В.Бартольд томонидан илгари сурилган эди². Ўша даврнинг ўзидаёқ баъзи шарқшунослар бундай нотўғри қарашга кескин қарши чиққан бўлиб, бу ҳақда кейинроқ Бартольд асарларини қайта нашрга тайёрлаган олим Ю.Брегель шундай ёзади: “Охирги пайтларда В.В.Бартольднинг “1487-1497 йиллар Мир Алишер учун мурувватсиз ва обрўсизланиш йиллари бўлди ва бу, аввало, унинг Астрободга сурғун қилинишида кўзга ташланди”, деган фикрларини ўз ичига олган концепцияси жиддий қаршиликларга учради. А.А.Семенов манбалар Алишернинг Ҳиротдан узоқлашиши Маждиддиннинг бош вазирликка тайинланиши шарти эвазига рўй берганлиги хусусида бирорта ҳам гувоҳ кўрсатмаганликларини қайд этиб, Астробод Султон Ҳусайннинг энг бой ва муҳим вилояти эканлигини, унда, асосан, шаҳзодалар ёки султоннинг ўта ишончли кишилари ҳокимлик қилиб келганликлари ва Алишернинг Астрободга ҳоким этиб тайинланишини “узоқ вилоятга” “фахрий сурғун” сифатида тушуниш мумкин эмаслигини таъкидласа, шарқшунос Г.Р.Ремернинг кўрсатишича, Мир Алишернинг Астрободга юборилишини Султон Ҳусайннинг қўшни давлат ҳукмдорлари билан муносабатлари оғирлашгани билан изоҳлаш мумкин³. Бироқ, маълумки, Семенов ва Ремернинг ҳақиқатга яқин фикрлари навоийшунослар томонидан инobatга олинмади. Ҳозирги кунларга қадар бу масала узил-кесил ҳал қилинмаган ва ўз ечимини кутиб турибди. Тўғри, Е.Э.Бертельс “Навоий” монографиясида ушбу масаланинг ёритилишида Семеновнинг сўзларини эслайди⁴. Лекин у ҳам Бартольднинг фикрлаш қолипи ва умумсовет адабиёти ва илмига хос бўлган “ғоявий кураш” принципларидан четга чиқа олмайди: “Навоий ўзининг “Хамса”си устида ишлаётган пайтда унинг душманлари вақтни бекорга ўтказмадилар. Улар ҳар куни султон Ҳусайнга давлат ишлари хароб бўлганлиги ва уни йўлга қўйиш фақатгина Маждиддин Муҳаммаднинг қўлидан келишлиги хусусида ишора қилишар эди. Сарой аъёнларининг қистови қатъий бўлиб, шаробга ружуъ қўйган султоннинг иродаси кундан кунга заифлашиб борарди. Шундай бўлган бўлиши ҳам мумкинки, Навоийнинг султон эътиборини давлат ишларига қаратиш учун қилган ҳаракатлари ва унинг сарой аъёнларига танқидий назар билан қараши султонга ёқмаган. Султонда вақти-вақти билан бундай маслаҳатчини кўздан йироқлаштиришга мойиллик бўлган. Султон учун Навоий виждон овози эди ва гоҳида у бу овозни ўчиришни хоҳлар эди”⁵. Ўзбек навоийшунослигига асос солган олимлар ҳам Бартольд қарашларини бутунлай ўзлаштириб олдилар ва бора-бора “ғоявий кураш” талқини янада чуқурлаштирила бошланди. Масалан, О.Шарафиддинов ёзади: “Ҳақиқатни

фавқулода садоқат кўрсатган. Унинг баҳодирона шижоати ва самимий маслаҳатлари орқали султонга омад кулиб боққани ҳақида Абдураззоқ Самарқандий батафсил китоб ёзиш ниятида бўлганлигини ёзиб қолдирган. Афсуски, у “султоннинг барча ишлари нега Амир Алишерга топширилганлиги сабабини баён этиш” орзусини амалга ошира олмади. Биз биламизки, ушбу иш Хондамирга насиб қилган бўлиб, у ўз асарларида Ҳусайн Бойқаронинг Ёдгор Мирзо устидан ғалаба қозонишида Навоийнинг қўшган улуши ҳақида батафсил баён этиб берган. Қаранг: Сирожиддинов Ш. XV-XVI асрлар тарихий ва тазкира-эсдалик асарларида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти талқини. -Самарқанд: Зарафшон, 1997.8-бет.

¹ Бадоеъ ул-вақоеъ.Матни интиқодий, сах. 526.

² Бартольд В.В. Мир Алишер и политическая жизнь. стр.240.

³ Ўша жойда.

⁴ Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Москва, 1965. Стр.171.

⁵ Бертельс Е.Э. Ўша асар, 170-бет.

айтишдан кўрқмаган улуғ шоирни йўқотиш, ҳеч бўлмаса, пойтахтдан узоқлаштириб, унинг заҳарли сўзларидан қутулишни кўпдан бери ўйлаб юрган Хусайн Бойқаро уни Ҳиротдан бадарға қилишга қарор беради. Навоийни пойтахтдан узоқлаштиришга қуйидаги ҳодиса катта баҳона бўлган эди. Хусайн Бойқаронинг айшу ишратга берилиши натижасида хазина бўшаган, ҳатто подшонинг икки туман оқчага эҳтиёжи тушган эди. Икки туман пулни топиш лозимлигини Хусайн ўз вазирларига айтганда, улар пул йўқлиги ва ҳеч қаердан топиш мумкин эмаслигини билдирган эдилар. Бу вақт мажлисда ҳозир бўлган Маждиддин фақат икки туман эмас, осонгина 2000 туман ҳам топиш мумкинлигини айтди ва бунинг учун ўзига шу тўғрида ваколат берилишини шарт қўйди. Маждиддин илгари ҳам Хусайн Бойқаронинг вазири бўлган эди. Вазирлик даврида жуда кўп бузуқликларни, ярамасликларни қилган... эди. Маждиддиннинг бу қилиқларини ёқтирмаган ва ишларини мамлакат учун зарарли деб билган Навоий унинг вазирликдан туширилишига эришган эди... Маждиддиннинг янгидан вазирликка тайинланиши Навоийнинг катта норозилигига сабаб бўлаётганини Хусайн Бойқаро билар эди. Шунинг учун у Навоийни пойтахтдан сургун қилишга қарор қилди. Навоийни очиқдан очиқ сургун қилиш мумкин эмас эди... Шунинг учун Навоийни мамлакатнинг узоқ бурчагидаги бир шаҳарга - Астрободга ҳоким этиб тайин қилиш пардаси остида 1487 йилда Ҳиротдан сургун қилди”¹. Садриддин Айний ҳам Навоийнинг Астрободга кетишига Маждиддин сабабчи деб кўрсатади: “...Маждиддин иш бошидан кетгач, идора ишлари бир оз изга тушди. Лекин Султон Хусайн Бойқарога нисбатан туяни чўмич билан суғорилмоқда эди, энди унинг исрофгарчилигига давлат хазинаси кифоя қилмайдиган бўлиб қолган эди, ундан ташқари бемаза ва ўзбошимча ишлар учун Алишердан дакки еб турар эди. У Маждиддинни қайтадан иш бошига қўйиб, ишрат чироғини янгидан ёқмоқчи бўлар эди, аммо бу ишга ҳам Алишер тўсқинлик қилар эди... Мана шу сабабларга кўра Хусайн Бойқаро Алишерни пойтахтдан бутунлай узоқлаштириб кўнгли истаганча айш-ишрат қилишни истар эди. У 1487 йилнинг бошларида уни Астрободга ҳоким қилиб, пойтахтдан узоқлаштирди. Бу ҳақиқатда бир “фахрий сургун” бўлиб, бунга Алишер Хусайн Бойқаро томонидан маҳкум этилган эди”². Айниқса, 1989 йили нашрдан чиққан П.Равшановнинг тадқиқотида Бертелъснинг фикрлари янада қиёмига етказилади: “Астрободнинг Хусайн Бойқаро учун энг хавfli мушкilotи унинг пойтахтдан узоқлиги ва давлат чегарасида эканлиги эди. Қолаверса, аҳолининг норози кайфияти уни бирон-бир шаҳзода эплашига ишонч туғдирмас эди. 1487 йилнинг бошларига келиб Астробод танглиги кўндаланг бўлиб қолади. Хусайн Бойқаро мана шундай вазиятда ўзига хос “маневр”

йўлини тутди. Шоҳ эҳтиёжи учун катта маблағ инъом этган Маждиддин Муҳаммаднинг кўнглидан чиқиш ва энг муҳими, Астробод ҳукмдори масаласи шу тариқа Марвда ҳал этилади. Алишер Навоий ҳеч бир фармонсиз, оғзаки равишда /?/ Астрободга ҳоким этиб жўнатилади”³.

Албатта, айтиб ўтиш жоизки, Айний Навоийнинг кетишини “икки туман оқча” воқеаси билан боғламаган ва манбалардаги воқеаларнинг хронологияси ва изчиллигига холис муносабатда бўлган. Бироқ у Навоийни кетказиш ва Маждиддинни тайинлаш Хусайнга ўзининг айш-ишрати учун шароит яратишдан иборат бўлган, деган фикрни ўтказишга ҳаракат қилади. Холислик И.Султоннинг “Навоийнинг қалб дафтари” китобида ҳам кўзга ташланади⁴. Навоийнинг Астрободдаги фаолиятига бағишланган Юсуф Турсуновнинг мақоласида ҳам ҳозиргача давом этиб келаётган бирёқламаликка анча танқидий ёндошилган.

¹ О.Шарафиддинов. Алишер Навоий. Тошкент, 1971, 78-бет.

² С.Айний. Алишер Навоий. 164-бет.

³ П.Равшанов. Тарих бадиияти. Тошкент, Ф.Ғулом нашриёти, 1989. 113-бет.

⁴ Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. 350-351 бет.

Унинг хулосаси Семенов, Ремер ва Брегель фикрларига ҳамоҳанг бўлиб, масалани тўғри қўяди ва “Султон Ҳусайн Бойқаро, биринчи навбатда, салтанат манфаатини ўйлаб иш тутган, яъни у мамлакатнинг чегарага яқин вилоятига Навоийдек давлат ишига хушёр ва тадбиркор, юрт ичида эътибори юксак кишини ҳоким этиб тайинламоқ фақат давлат манфаатларига мос натижаларнигина беришини билган” дейди¹. Бироқ Турсунов ҳам Навоийнинг Астрободга кетишининг сабабларини кўрсатмаган. Табиийки, унинг салтанатдан Астрободга юборилиши зарурати нега айтишга вақтда туғилганлиги ноъмалум қолган.

Хондамир шундай келтиради: “Ҳазрати султоннинг яқин кишиси (Навоий) хоқон мулозаматидан узоқлашиб... Астрободга юзлангандан сўнг(!) бандапарвар хоқоннинг (Ҳусайн Бойқаронинг) мунаввар хотири қайтадан Хожа Маждиддинни баланд мартаба ва олий мансаб билан сарфароз этишга қарор қилди. Бу фикр хаёлга келишидан илгари (!), иттифоқо, Хожа Маждиддин тахт поясида турган пайтда хоқон ҳазратлари Хожа Низомулмулк ва Хожа Афзалга: “Харажатлар учун икки минг туман кепакий² тайёрлаш керак”-деб қолди. Вазирлар бу гапга кутилганидек жавоб бермадилар. Улар шоҳ ҳузуридан чиқишгач, Хожа Маждиддин Муҳаммад подшоҳ қаршисига тиз чўкиб, деди: “Агар олиҳазратларига ўн минг туман зарурат бўлганда ҳам ҳар бири девоннинг харажатларидаги барча маблағларни тасарруфига ўтказиб юрган бу икки хожа бир зумда муҳайё этишлари лозим эди. Икки минг туман нима деган гап? Бу гап Хоқони мансурга таъсир этиб бор ҳимматини ул улуғлик осмонининг қуёшига (Маждиддинга) қаратди”³. Манбадан аниқ ва равшан кўришиб турибдики, Амир Алишер Астрободга жўнаб кетганидан сўнг маълум вақт ўтгач, “икки минг туман кепакий” можароси рўй берган. Шундан кейингина султоннинг хаёлига Хожа Маждиддинни қайта олий мансабга ўтказиш фикри келган. Демак, Хондамирнинг ёзишича, султон ҳамisha Маждиддинни юқори лавозимга мўлжаллаб юрган. Аммо Навоийнинг эътирози бу ишнинг амалга ошишига тўсқинлик қилган. Балки, Навоийдек тадбиркор киши ёнида бўлганда султоннинг Маждиддинга эҳтиёжи унча сезилмагандир. Ҳар ҳолда Амир Алишер кетгандан сўнг султон Хожа Маждиддиндек зуккофаҳм, тадбиркор ёрдамчига эҳтиёж сезган.

Султоннинг бу пайтда Марвда қишлаб турганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, унга бирор давлат эҳтиёжи учун бир оз маблағ керак бўлиб қолганлиги тушунарли ҳол. Шундай бўлгандан сўнг Маждиддиннинг вазирларга нисбатан айтган танқидий фикри тўғри ва мабодо, Навоий шу суҳбатда бўлганида ўша маблағни ўз ёнидан тўлаб юборар эди, десак хато қилмаган бўлар эдик. Шу тахлитдаги бир воқеа ҳақида “Макорим ул-ахлоқ”нинг тўққизинчи мақсадида ҳикоя қилинади. Унда айтилишича, Амир Алишер зарур харажат учун жамланиши керак бўлган юз минг кепакийни ўз ёнидан тўлаб юборган. Умуман, манбаларда Амир Алишернинг Астрободга жўнатилишида Маждиддиннинг улуши бўлганлиги ҳақида ҳеч қанақа сўз ва маълумот йўқ. Демак, биз бу масалага Султон Ҳусайн Маждиддинни бош вазир қилиб олиш учун Алишерни “фаҳрий сургун” қилди, деб эмас, балки Амир Алишер Астрободга давлат хавфсизлиги нуқтайи назаридан жўнатилгач, давлат учун қайғурадиган содиқ киши сифатида Навоийдан сўнг ихлос қуйган иккинчи кишиси Маждиддин Муҳаммадни соҳибдевонликка кўтарди, десак, ҳақиқатга яқинроқ бўлади.

Олимларимизнинг тадқиқотларида келтирилган қарашларга келсак, уларнинг тарихий воқелиқдан четга чиқиб кетишларига бир-бирларига суяниб фикр юритишлари сабаб

² Турсунов Ю. Навоийнинг Астрободдаги фаолиятига доир. // Адабий мерос, 1984, 37-бет.

³ Кепакий – Мовароуннаҳр ҳукмдори Кепакхон (1318-1326) томонидан жорий этилган пул бирлиги бўлиб, кумуш динорга тенг.

⁴ Ҳабиб ус-сияр... :Қўлёзма, IV жилд, 603^a -вар.; Равзат ус-сафо, босма, 36-бет.

бўлган. Илк навоийшуносларнинг совет тузуми мафкурасидан келиб чиқиб, Навоий “ҳақиқатни айтишдан қўрқмаган шоир” бўлгани учун султон “унинг заҳарли сўзларидан қутулиш учун бадарға қилди” тарзидаги талқинлари бугун қайта кўриб чиқилиши керак. Афсуски, баъзи яқинда нашр этилган тадқиқотларда ҳали ҳам эскича фикрлаш ҳукмронлик қилмоқда. Улардаги камчиликларни бартараф этишда қуйидаги нуқталарга эътибор қаратиш сўралади: биринчидан, Алишер Навоий Султонга тобе киши сифатида ҳеч қачон ҳақиқатни баралла айта олмаган, балки мавриди билан тушунтиришга уринган (Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асаридаги Навоий ва етим бебошлар воқеасини эсланг).

Иккинчидан, Навоий султонга заҳарли сўз ёки дакки бериш у ёқда турсин, подшоҳнинг қатъий қарорига қарши кескин гапиришга журъат эта олмаган¹. Бундай муносабат фақат унга ва ўша даврга тааллуқли бўлмай, балки ҳукмдорлар ва тобеинлар ўртасидаги муносабатлар мезонини белгилайдиган қоидадир. “Темур тузуклари”да султон ўзининг айтган сўзидан қайтмаслиги ҳақида қатъий талаб қўйилиб, Маҳмуд Ғазнавийдан мисол келтирилгани бежиз эмас, албатта. Учинчидан, Алишер Навоий баъзи тадқиқотларда айтилганидек, Астрободга оғзаки буйруқ билан эмас, балки махсус фармон асосида юборилган. Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида Ҳусайн Бойқаронинг Оққуюнлилар ҳукмдори Султон Яъқуб Мирзога юборган мактуб-ёрлиғи нусхалари сақланади. Шулардан бири таниқли олим А. Ўринбоев томонидан эълон қилинган². Унда Навоий Астрободга Ҳусайн Бойқаронинг фармони асосида ҳоким этиб юборилаётгани ва шу билан боғлиқ масалалар борасида сўз юритилади.

¹ “Макорим ул-ахлоқ”да келтирилишича, Навоий подшога бирор қарор ёки масала юзасидан ўз фикрини ҳимоя қилиш мақсадида тўққиз мартагача мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган-Ш.С.

² А.Ўринбоев.Навоий биографиясига оид икки ҳужжат./Адабий мерос, 1982йил, №2, 57-62-бетлар.

III БОБ. СУЛТОН ҲУСАЙН, ВАЗИРЛАР ВА АЛИШЕР НАВОИЙ

НАВОИЙ ВА МАЖДИДДИН МУҲАММАД

Эътибор қилган бўлсангиз, шу саҳифагача кўриб ўтилган таҳлиллар Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро хизматига келган 1469 йилдан 1492 йилгача манбаларда бу икки тарихий шахс муносабатларида бирор-бир оғиш, совуқчилик бўлмаганини кўрсатмоқда. Бу хронологияни эсда тутиш жуда муҳим. Сабаби Навоий ҳаётидаги энг кўнгилсиз воқеалар бундан кейинги йилларда рўй берган. Биз аста-секин ана шу мавзуга яқинлашмоқдамиз. Бу масала замонавий навоийшуносликни ҳам жуда қизиқтирган. Умумий хулосалар тўғри чиқарилган. Аммо кўп ўринда Навоийнинг вазирлар билан рақобати, сарой фитналари билан боғлиқ изтиробли саҳналар, воқеалар кетма-кетлиги ва тарихий саналарни белгилашда изчиллик етишмайди. Биз кейинги саҳифаларда навоийшунослик илмий истеъмолга олиб кирган маълумот-фактларни қайта кўриб чиқиш орқали ана шу масалаларни тартибга келтиришга уриниб кўрамиз. Дастлаб, сўз навоийшуносликда асосий мухолифат майдонига чиқарилган Маждиддин Муҳаммад хусусида бўлади.

Хондамирнинг тарихий асарларида тасвирланишича, Маждиддин Муҳаммад нужум ва иншо илмларида моҳир, Султон Ҳусайн Бойқаронинг аксарият аркони давлат ва аъёнлари орасида имтиёзга эга бўлган. Кези келганда айтиб ўтиш керакки, ўша даврнинг бирор бир тарихчиси Хожа Маждиддинга салбий муносабат билдирмаган. Албатта, Навоий билан Маждиддин ўртасида рақобат мавжуд бўлган. Шу сабабли Навоий тарафкаши бўлган Хондамир ўзининг кейинги даврда яратган тарихий асарларида Маждиддиннинг салбий хислатларини кенгроқ очиши мантиқан тўғри бўлар эди. Бироқ у ҳам Маждиддиннинг баъзи одатларини ёмонласада, умуман, уни донишманд давлат арбоби сифатида, ҳатто Заҳириддин Бобур ҳам билагон вазир деб таърифлайди.

Манбаларда кўрсатилишича, Низомулмулк ва Афзалиддин Муҳаммаднинг чақуви билан бир пайтлар Маждиддин Ҳусайн Бойқаро томонидан лавозимдан пастлатилиб, парвоначилик вазифасига тайинланган. Унинг давлат ишларидаги иқтидори ва қобилияти Ҳусайнни бир неча маротаба уни амирликка қўйишга ундасада, аммо бунга ҳамиша Амир Алишер рўйхушлик бермаган. Чунки Маждиддин “бу қадар мақтовга лойиқ феъли ва яхши ишлари билан бирга ўжар ва дағал киши эди. Арзимаган нарсага ғазабланиб, фаҳш ва дашномга тил очар эди, аркони давлатнинг кўнглини ҳамма вақт фаҳш сўзлар билан ранжида қилиб, тилининг ранжи халофатосён остонанинг ичкилари ва яқинларига ҳам етар эди”¹. Навоий ўзи хушмуомала, андишали одам бўлгани учун ҳам ҳаммани ўзидек бўлишини хоҳлар, сурбетларни тоқат қила олмаслиги олдинги бобда баъзи мисоллар воситасида ўқувчи эътиборига ҳавола этилди. Демак, Маждиддиннинг Навоий билан келишмаслигига, аввало, унинг кўполлиги сабаб бўлган деб ҳисобласак, тўғри бўлади. Ундан ташқари, Маждиддиннинг давлат маблағларини ғайриқонуний ўзлаштиришига Навоий жиддий тўсқинлик қилар эди. Бизнингча, Амир Алишер Маждиддинни кейинги айби-баднафслигини рўкач қилиб, унинг кўтарилишига йўл қўймаган бўлса керак. Ҳуқуқлари камситилгани учун Маждиддин ич-ичидан эзилган бўлса ҳам аммо Навоийнинг мавқеи олдида ожизлик қилган. Шу жиҳатдан унинг шоирга нисбатан яширин кек сақлаши табиий эди. Алишер бор экан, Маждиддин султонга яқинлаша олмас, бунга Низомулмулк ва Афзал Муҳаммадлар ҳам йўл қўймас эдилар. Қолаверса, бу давр (шартли равишда: Алишер

¹ Равзат ус-сафо, босма. VII жилд. 37- бет.

Астрободга кетгунга қадар -Ш.С) Хусайн Бойқаро ва Алишер дўстлиги энг олий нуқтасига етган палла эди. Амир Алишер Астрободга кетгандан сўнг Хусайн Маждиддинга умид боғлаб, уни бош вазир мансаби билан тақдирлагани манбаларда аниқ айтилган. Бунга сабаб Низомулмулк ва Афзалнинг султон олдида хазинани тўлдириш муаммосини ечиб бера олмаганликлари сабаб бўлган. Маждиддин салтанат ишларини яхши олиб борар, подшоҳ хазинасини тўлдиришда ҳеч қайси имкониятни қўлдан бой бермас эди. Бу нарса султонга хуш ёқар ва унга кундан-кун ишончи зиёда бўла бошлади. Яна такрорлаймиз, Маждиддин мол-дунёга ҳирс қўйган одам бўлиб, подшоҳ хазинасини тўлдириш жараёнида ўзи учун ҳам беҳисоб мол-мулк йиғиш пайида бўларди. Бу нарса ўша давр амалдорларига хос умумий иллат бўлиб, “Равзат ус-сафо” асаридаги Маждиддин, Низомулмулк, Афзалиддин воқеалари бунга мисолдир ¹283.

Амир Алишер Астрободдан қайтгач, амирлик ва давлат ишларини тарк этади. Демак, Маждиддиннинг салтанат равнақи йўлида жонбозлик кўрсатиб бажараётган ишлари, фойдали маслаҳатлари султон Хусайн Бойқарони тамоман қониқтирган кўринади. Хондамир ёзишича, Маждиддин давлат ишларини, кўпинча, адолат билан юритар, унинг сиёсати туфайли бирор амалдор халқдан яширин тарзда бирор ботмон ғаллани олишга журъат этолмасди, бирор ясовул ёки аскарнинг бозор аҳлидан бирортасига қўл кўтаришга юраги бетламасди. Хожа Маждиддин ҳар куни тонгдан пешин намозигача султон давлати ва девон ишларининг саранжоми билан машғул бўларди, шундан сўнг замоннинг уламолари ва фозиллари билан суҳбат қуради². Навоийнинг Астрободдан кейинги ҳаётида Маждиддин Амир Алишерга нисбатан ҳали ҳам кўнглида ғубор сақласада, энди унга душманлик кўзи билан қарамас эди, дейишга асос бордай кўринади. Бунга сабаб, биринчидан, султоннинг Алишерни тинч қўйишга қилган қароридан ва Алишернинг ўзи ҳам “узлатга чекиниш”ни хоҳлаётгани туфайли энди унга ҳеч ким хавф сололмаслигидан хотиржам бўлган бўлиши керак. Иккинчидан, у Алишер Астрободдалигида унинг тарафдорларини саройдан четлаштириб улгурган эди. Бунга Навоийнинг энг содиқ одами Афзал Муҳаммаднинг Навоийдан паноҳ излаб Астрободга қочиб борганини далил қилиб кўрсатиш мумкин. Битта-яримта Навоийга хайрихоҳ бўлгани ҳам энди Маждиддиндан кўрқиб, дамани чиқармас эди. Шундай бўлгач, Амир Алишер унга қарши муносабат билдирган тақдирда ҳам унга таъсир қилмаслигидан хотиржам бўлган.

Сарой аъёнлари кайфияти Навоийга ҳам маълум бўлган кўринади. Манбаларда кўрсатилишича, Алишер Маждиддиннинг олдинги воқеалар учун кексақлаб юрганини яхши англари, шунинг учун у билан ярашиш муддаосида бўлади. Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида шундай келтирилади: “Мавлоно Соҳибдоро ҳикоя қилади: Бир куни улуғ амир (Алишер) Мири Калон номи билан машҳур бўлган Хожа Маждиддинни Боғи Жаҳонорода учратиб, дедилар: “Сизнинг беҳиштдек осмон зийнатли мажлисингиз таърифу тавсифини эшитдик, зарифу фозиллар мавлоно Абулвосеъ Муншига ҳазил-мутойиба қилишибди. Мавлоно уларга қарши туриб, ҳаммасини енгибди. Бу ажойиб ва ғаройиб ҳодиса. Эсингизда турсак, шундай суҳбатга биз ҳам мушарраф бўлсак.” Хожа қўлини кўксига қўйиб: “Бундай фахрдан бошим осмонга етар эди,”-деди ва мажлисга ҳозирлик кўриш учун бир ҳафта муҳлат сўради”³. Парчадан кўриниб турибдики, Абулвосеъ воқеаси Навоий учун Маждиддин билан муносабатларни яхшилашга баҳона бўлган. Маждиддин султоннинг Навоийга бўлган юксак эҳтиромини ҳисобга олиб, у билан ярашиш султонга маъқул келишини ўйлайди ва катта зиёфат тартиб беришга киришади. Бу факт Султон Хусайн Бойқаро билан Алишер

¹ Равзат ус-сафо, босма, VII жилд, 36- бет.

² Равзат ус-сафо, қўлёзма, 45^б-вар.

³ Бадоеъ ул-вақоеъ. Матни интикодий, сах. 526.

ўртасидаги беғубор дўстлик Маждиддин вазирлиги даврида ҳамон мустаҳкам бўлганидан дарак беради, акс ҳолда Маждиддин шоирга катта эътибор бермаган бўлар эди. У зиёфатни келаси чоршанба куни, яъни ҳижрий 897 йили (1492) жумод ус-сони ойининг биринчи кунида (6 март) ўтказишни мўлжаллаб, Абулвосеъни маслаҳатга чақиради. Маждиддин зиёфатга Амир Алишер келишини, шунинг учун ўтган сафардагидек ҳазил-мутойибада барча оғирликни Абулвосеъ ўз зиммасига олишига тўғри келишини айтганда: "Мавлоно Абулвосеъ деди: "Равшан хотирингизга маълум бўлғайким, мажлисга менинг келмаганим бўлсин! Хожа Маждиддин бу сўзни эшитдию, изтиробда қолди. Жойидан сакраб туриб, деди: "Махдум, бу қандай гап бўлди? Амир Алишернинг мақсади Сиз эдингиз. Бу мажлисга келмасангиз, ҳолимиз вой-ку! Бу ўтиришга мен қарийб юз минг танга харжляяпман. Сизсиз амир Алишер менинг бу хизматимдан заррача мамнун бўлмайдилар. Менинг бу миқдор пулим зое кетади. Нега сиз бундай қилмоқчисиз?"¹

Бундан маълум бўляптики, Абулвосеъ ҳам Навоийга, ҳам Маждиддинга яқин киши бўлгани учун икки давлат арбоби ўртасидаги ярашиш маросимини амалга оширувчи ягона ришта бўлган. Бироқ Абулвосеъ Маждиддин саволига қуйидагича жавоб беради: "Шу туфайлики, мана анча вақт бўлди, сиз билан амир Алишер ўрталарингда дўстлик ниятлари борасида бир оз ғубор ва кек кўринди. Алҳамдулиллоҳ, Оллоҳ таоло хоҳиши билан бу ғубор тарқаладиган бўлди. Мир Алишер эса олам сўзамолларининг пешвосидир. Ҳеч бир имкони йўқки, бу мажлисда мени аския қилмасалар. Мен ул кишини мулоҳаза қилиб, қарши жавоб айтмаслигим жуда мушкул. У кишининг нозикмижоз эканлиги сизга маълум-ку! Натижада мен туфайли ўртадаги ярашиш ва мусаффолик барҳам ейди. Мирзо Султон Ҳусайн эса сизларнинг ярашишларингиз орзусида. Мулоҳаза қилиб кўринг (агар мен ярашишни бузиб қўйсам) ҳазрат хоқоннинг менга нисбатан не муносабати воқеъ бўлур? Ё мени ҳалок этади ёки ғазаб палаҳмонига солиб ўз мамлакати майдонидан улоқтиради,"- дейди. Маждиддин ўз фикрида туриб олади. Шунинг ўзидан Маждиддиннинг Навоий билан дўстона муносабат ўрнатишга майл қилишининг асосий сабабларини сезса бўлади. Ушбу зиёфатдан сўнг гўё бу икки давлат арбоби ўртасида гинахонликка чек қўйилгандек тасаввур уйғотилди. Аммо бундай бўлмади. Маждиддин унинг дўстлик ўрнатишга бўлган майлини унинг енгилгани деб қабул қилди. Кези келганда, барча омадсизликлари учун ўч олишни кўнглига тугиб қўйди.

МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларининг бузилиши ва унинг сабаблари навоийшуносликдаги энг катта жумбоқлардан саналади.

Тарихий асарлар, жумладан, "Равзат ус-сафо", "Ҳулосат ул-ахбор" ва "Ҳабиб ус-сияр"да уларнинг орасидаги "совуқчилик" билан боғлиқ воқеаларга аниқлик киритилмаган. Бироқ Дарвиш Алининг Ҳусайн Бойқарога мухолифлик йўлини тутиш воқеаси баёнида бу ҳолат ҳақиқатдан ҳам юз берганлигини сезиш мумкин. Ушбу баёнда биринчи марта Ҳусайн Бойқаронинг Навоий ҳақида норози оҳангда гапирганини кўрамиз: "Ўша вақтларда, бир куни Амир Дарвиш Алининг хилофлик ҳаракатидан (султон) хотирида малоллик пайдо бўлганидан сўнг, баъзи бир хос кишиларга айтдики, "Ажаб ҳолдирким, агар Дарвиш Али шунча тарбияту иноятимизни кўриб, нонкўрлик йўлини тутибдур ва хилофлик даъвосини

¹ Ўша ерда. Баъзи тадқиқотларда Маждиддиннинг исрофгарчилиги, "айш-ишрат"лари ҳақида гап кетганда, унинг "ховузларга май тўлдирган"лиги (Ойбек) айтилади. Бу воқеа А.Навоий ташрифи муносабати билан ўтказилган мана шу зиёфатда юз берган. Унда мармар ховузга саккиз юз калла қанд ташлаб, шарбат тайёрланган.

қилибдур”. Шунда фасод аҳлининг баъзи бирлари амир Дарвиш Алининг ишларида акаси Амир Алишернинг қўли бор, дейишганда хоқони Мансур ҳазратнинг яқин кишиси (Навоий) устидан ҳам ўша мажлисда андак шикоят қилди. Шу пайт ул жаноб (Алишер) олий тахт поясига келиб қолиб, бўлиб ўтган гаплардан хабар топгач, бу иғводан бағоят таъсирланди ва хафа бўлди¹.

Хондамир Дарвиш Алининг исёнига акасининг салтанатдаги обрў-эътибори пасайгани ва натижада ўз бошига тушиши мумкин бўлган фалокатдан хавфсираш сабаб бўлганига ишора этади: “Дарвиш Али ишончли кишилардан Хожа Маждиддиннинг эътибори ва ихтиёри кўтарилиб, акаси Амир Алишернинг гапларини нописанд қилаётганлиги ва Алишерга тааллуқли барча ишларни ўз тасарруфига ўтказиб, унга мухолифлик жиҳатидан исён эшикларини очганлигини қайта-қайта эшитаверганидан сўнг агар бу аҳвол шу тарзда кетадиган бўлса, Амир Алишер қадрининг таназзули унга ҳам таъсир кўрсатиб, ҳокимликдан четлатилиши мумкинлиги ҳақидаги ўйни хаёлидан ўтказди”².

Навоий укасининг хилофлик йўлини танлаганидан ташвишга тушиб, Хожа Дехдорни унинг олдига юборишга муваффақ бўлади. Бу орада Султон Ҳусайн Балхга жўнайди. Амир Дарвиш Али уни Балх ташқарисига чиқиб чуқур ҳурмат билан кутиб олади ва катта зиёфат уюштиради. Султон уни кечиради, аммо ҳокимликдан бўшатади. Бу ҳақда Хондамир алоҳида тўхталган³.

Муносабатларнинг совуши Дарвиш Алининг исёнида акс-садо берганига қараганда анча илгарироқ бошланган.

Маждиддин Султоннинг кайфиятидан амир Алишерга бўлган илгариги илиқлик йўқолаётганлигини кўрган ва султоннинг хафагарчилигини тарқатиш учун Навоий ҳаракат қилиши муқаррарлиги ҳамда яна давлат ишларига қайтишга ҳаракат қилишидан хавотирланган бўлиши мумкин. Юқорида Хондамирдан келтирилган лавҳадан Маждиддинда эски адоват чўғи қайта алангаланганлигини сезиш қийин эмас. Хос кишилар ва фасод аҳли деганда, Маждиддин назарда тутилган бўлиши мумкин.

Маълумотлар руҳиятидан Маждиддиннинг гарчи икки дўст орасидаги тушунмовчиликнинг моҳиятини билмаса ҳам, аста-секин султоннинг хафачилигини орттиришга ҳаракат қила бошлагани, унинг мажруҳ қалбига ҳар хил иғволар билан таъсир этиб, улар ўртасидаги муносабатларни янада кескинлаштиришга зўр берганлиги сезилади. Бу кайфият унинг гумашталарига ҳам юққанлигини қуйида келтирилган воқеадан билса бўлади. Зайниддин Восифий ёзади: “Мавлоно Бадахший ҳикоя қилади:... Мирзо Ҳусайн Бойқаронинг Мирҳожии Пири баковул деган мулозими бўлар эди. Бир куни тахтиравонда ҳурматли ҳарамдан (саройдан) чиқиб келаётганида Мир Алишер ҳарам дарвозаси остонасига қадам қўяётган эди ва (Мирга) етишгач, “Махдум, бугун сизнинг мулозимларингиз ҳазрат Мирзо ҳузурида ажиб гапларни айтдилар”,-деди ва ўтиб кетди. Ўша вақтларда подшоҳнинг Мирдан озгина ихлоси қайтибди, деган миш-мишлар тарқалган эди. Шу сабабдан Мир изтиробга тушиб, тахтиравон кетидан югурди ва “Махдум, пича тўхтанг!”-деди. У эса: “Маъзур тутасиз, Мирзо мени бозорликка юборганлар, жуда шошиляпман”-деди. Айтишларича, Мир қарийб йигирма қадамча тахтиравоннинг орқасидан югуриб борган...

Мир Ҳазратлари Мирзо Ҳусайн билан мулоқот пайтида ўзи гумон қилган хавотирдан асар ҳам сезмади. Шоҳ ҳузуридан чиқиб, баъзи яқинларидан сўраса, улар: “Мирзо бугун сизни шундай хотирладиларки, ҳеч мурид пирини бундай ҳурмат билан хотирламаган”-деб

¹ Равзат ус-сафо, босма, VII жилд, 40- бет.

² Равзат ус-сафо. ЎзФАШИ №12432. Босма. 40-бет; “Ҳабиб ус-сияр” ЎзФАШИ №2153. 249-бет.

³ Ўша ерда.

жавоб беришди. (Шунда) Амир Алишер тушундики, Мирҳожининг мақсади халққа ўзининг Мир Алишер билан қандай муомала қилишини кўрсатиб қўйиш бўлган...

Мир бу гинани дилига тугиб қўйди ва бир йил ўтгач, бир куни намоз пайти Мирзо хузурига келди. Бу учрашув ҳақида келишилмагани учун Мирзо сўрадилар: “Чехрангизда ташвиш ғубори сезилади, қаердан келаяпсиз?”

Мир деди: “Дарвиш Алишоҳ хузурига борган эдим. У ёқдан келаётиб, Ферузобод дарво-засига етган пайтимда дарвоза ичида ғала-ғовур эшитилди. Сизнинг мулозимларингиздан бўлса керак деб хаёл қилдим. Бир тўда хушсурат йигитлар този-наход отларга миниб келиб қолдиларки, бу шаҳарда бундай гўзал йигитларни ҳеч кўрмаган эдик. Улар ортидан “хай-хуй”лашиб ясовуллар келар, “тарриқуво” деб халқни четга суришиб, йўл очишар эди. Мен ҳам ўзимни бурчакка олиб кузата бошладим. Қимматбаҳо гавҳару ёқутлар билан безатилган тахтиравонда Мир Ҳожи Пир пайдо бўлди... Бағоят хушҳол бўлдик: худога шукурки, бизнинг подшоҳ мулозимлари Кайковус, Афросиёб, Хисраву Парвиз, Баҳром ва улуғ султонлар ҳамда эҳтиромли хоқонларга муяссар бўлмаган нашъу намода юрибдилар.”

Мирзо бу воқеани эшитиб, эзилди ва ҳайрон бўлди...Бир соат ичида Ҳожи Пирнинг хонадони ер билан яксон этилиб, саодат авжидан хорлик тупроғига ташланди”¹.

Бу икки воқеа тафсилотидан қуйидагиларни тушуниб олиш мумкин: Биринчидан, Мир Ҳожи Пирнинг халқ ичида улуғ амирга кўрсатган калондимоғлиги Навоийнинг сарой хизматларини йиғиштириб қўйгани ва “тинч ва осуда ҳаёт”га эришганини тасдиқлайди. Акс ҳолда, унга бундай муносабатда бўлишга саройдаги оддий амалдорнинг юраги дов бермас эди. Иккинчидан, Навоийнинг Дарвиш Алишоҳ хузуридан келаётгани бу воқеанинг Маждиддин вазирлиги даврида юз берганини англатади, чунки Дарвиш Алининг Балхдаги ҳокимлиги Маждиддин даврида бўлиб ўтган. Учтинчидан, саройдаги мулозимларнинг асосий кўпчилиги Ҳожа Маждиддиннинг одамлари бўлиб, Алишерга нисбатан душманона кайфиятда бўлганлигини тасдиқлайди. Тўртинчидан, унда султон ва амир ораларидаги совуқчиликка шаъма қилинган. Дарвиш Али ҳокимликдан 1493 йил бўшатирилган. Демак, юқоридаги Мирзо ва Навоий суҳбати Дарвиш Али исёни арафасида бўлиб ўтган. Султон улуғ шоирга кўрсатилган ҳурматсизлик ва писандсизлик учун дарҳол Мир Ҳожи Баковулни жазолайди. Бундан, аввало, султон совуқчилик боисини унга билдирмасликка ҳаракат қилгани яна бир карра тасдиқланади. Демак, Ҳусайн Бойқаро ва Навоий ўртасидаги муносабатларнинг киши билмас совуши Астрободдан келганидан сўнг маълум вақт ўтгач, (Маждиддиннинг зиёфати пайтида, яъни 1492 йилда уларнинг муносабатлари яхши эди. Бунга Абулвосеънинг юқоридаги сўзлари далил-Ш.С.), Дарвиш Алининг исёнигача бўлган давр ораларида юз берган. Дарвиш Алининг исён кўтариш режаси Маждиддин зиёфатидан сўнг бир йил ўтиб содир бўлганини ҳисобга оладиган бўлсак, Ҳусайн Бойқаро ва Навоий муносабатлари биринчи марта худди мана шу бир йил ичида бизга номаълум сабаб билан совий бошлаган.

Хондамирнинг “амир Алишернинг бу иғводан бағоят таъсирланди”, дейишига қараганда, Алишер Маждиддин гуруҳидан бундай ошкоро хужумни кутмаган бўлса керак. У жуда асабийлашиб, хоқон билан очиқчасига гаплашишга мажбур бўлган. Бунга далил шуки, султон худди шу арафада фармон эълон қилади. Унда Навоийнинг укаси Дарвиш Али баъзи гуноҳлари учун эътироз майдонида тутиб турилгани (исёнга шаъма қилинмоқда - Ш.С) ва буни зинҳор Навоийга таъсирли деб ўйлаш хатолик ва калтабинлик бўлиши ҳамда Амир Алишернинг нафис хотирини осуда тутиш буюрилади ².

¹ Бадоеъ ул-вақоеъ. Матни интиқодий, саҳ. 551-555.

² Ўринбоев А. Навоий биографиясига оид икки хужжат//Адабий мерос.- 1982.-№ 2, 57- 62-бетлар.

Ушбу матн султоннинг ҳамиша халқ олдида ва шоирнинг ўзига олдингидай муносабат кўрсатишга тиришганлиги ҳақидаги мулоҳазамазни ҳам тасдиқлайди.

Бироқ манбалардаги қайдлар боис навоийшунослар бу масалага хоҳ ҳаёти талқинида бўлсин, хоҳ ижоди таҳлилида бўлсин, иложсиз тўхталиб ўтишга мажбур бўлганлар. В.В.Бартольднинг концепциясига мувофиқ совуқчилик даври “Навоийнинг мурувватсиз йиллари” аталиб, 1487 йилдан 1494 йилгача давом этган. Унга кўра бу ҳолат Навоийнинг Астрободга сургун қилинишидан бошланган. Юқорида кўриб ўтилган мисоллар унинг мазкур хулосаси нотўғри эканлигини ва ушбу ҳол анча кейин юз берганини кўрсатади. Бартольд совуқчиликнинг тугашини нима асосда 1494 йил билан белгилагани тушунарсиз. У на бир асос ва ё бирор тахмин билан махсус изоҳламаган. Бироқунинг баёнидан совуқчилик Маждиддиннинг ўлими билан ўз ниҳоясига етган (яъни 1494 йилда-Ш.С.) деган мулоҳаза аён бўлиб туради.

Ҳанузгача навоийшуносликда икки дўст орасининг бузилишида вазирлар айбдор этиб кўрсатилади. Баъзи ишларда Дарвиш Алининг исён кўтариш режаси натижасида Султон Ҳусайн Бойқаро дарҳол Маждиддинни вазифасидан четлаштиришга мажбур бўлган ва ўрнига Низомулмулкни тайинлаган ҳамда Алишер Навоий устидан қилинган иғво Маждиддин эмас, Низомулмулкнинг иши,- дейилади¹. Дарвиш Алининг хилофлик режаси султоннинг шу муносабат билан чиқарган фармони вақтига қараганда ҳижрий 898 йили рамазон ойининг йигирма тўртинчи куни, яъни 1493 милодий йилнинг июль ойларида фош бўлган. Маждиддин бу пайтда ҳали бош вазир бўлиб, у ҳижрий 899, яъни 1494 милодий йилда ишдан бўшатирилган. Унинг четлатилишига Навоийнинг ёки Дарвиш Алининг алоқаси бўлган дейиш қийин. Шундай бўлганда Хондамир “Маждиддин баъзи амирларнинг хиёнаткорлиги оқибатида чақувга учраган” деб айтмасди. Низомулмулкнинг иғвоси бошқа муносабат билан ташкил этилган бўлиб, бу ҳақда кейинги бўлимда сўз юритамиз.

Бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатдики, султон Навоийдан озурдалигини ҳеч кимга, ҳатто ўз ичкиларига ҳам ҳеч қачон ошкор этмаган. Шуниси ажабланарлики, Навоийнинг ўзига ҳам билдирмасликка ҳаракат қилган. У бунинг сабабини билишга бир неча бор ҳаракат қилган бўлса-да, натижа бўлмаган. Навоий жуда изтироб чеккан. Таниқли навоийшунос А.Ҳайитметов томонидан топилиб, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида эълон қилинган Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога ёзган бир мактубида шу ҳақда сўз юритилади: “Бир неча кундирки, каминанинг гумон қилишича, ҳазратларининг (Ҳусайн Бойқаронинг-Ш.С) олдида дарё бир қатра бўлмиш хотирлари саҳифасига ғубор қўниб, чексиз лутф манбаи бўлган файз эшигини менинг юзимга беркитиб қўйди...Шу сабабли бу дардимни на бирор кишига изҳор этишга журъат қиламан ва на хабарсизлик бурчагида ўлтуриб, бу аҳволга нисбатан сабр қилиш қўлимдан келади... Мендан ранжиганингиз ё ранжимаганингизни ҳеч ким ўзингиздан яхшироқ билмайди. Мен ўз гуноҳларимга иқрорман, аммо билмайман, мен қандай ножўя иш қилдимки, сиз ўзингизни мендан тортиб олдингиз...”².

Шу ўринда Навоий ғазалларининг айримларида содиқ дўстан ажралиш, замона аҳлидан шикоят ҳисси равшан кўриниб турган мотивлар шу даврга тааллуқли эмасмикан деган ҳақли савол туғилади. Аммо тарихий асарлардаги пинҳона ишоралар ва Навоий ғазалиётининг яратилиш санасини аниқлаш мушкул бўлганидан совуқчиликнинг асл сабаби нима бўлганини айтиш қийин.

¹ Айни С. Навои, Куллиёт, саҳ.322.

² Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг форсий мактублари ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти.- 1974.-№ 1, 9-13- бетлар.

НАВОИЙ ВА НИЗОМУЛМУЛК

Маждиддин 1494 йилда ишдан олингач, Низомулмулк бош вазир лавозимига тайинланади. Хондамирнинг маълумотларида Низомулмулкнинг номи Маждиддин, Афзал Муҳаммад ва Мир Алишер номлари билан бир қаторда учраши унинг султон назаридаги энг эътиборли шахслардан бири бўлиб келганлигини англатади.

Тарихий асарларда 1494 йилдан 1497 йилгача Хуросонда бирор-бир уруш ёки Ҳусайн Бойқаронинг юришлари бўлганлиги ҳақида умуман гап очилмаган. Демак, айти шу даврда Хуросон тинч бўлган. Манбаларда 1494 йилгача Низомулмулк ва Навоий муносабатларида ажралиб тургувчи бирор салбий жиҳатни кўрмадик. Навоий ва Низомулмулк муносабатларини ёритиш мумкин бўлган маълумотлар ҳам йўқ. Бунинг сабабини Навоийнинг саройдан четда юргани билан изоҳлаш мумкин. Бироқ 1497 йилга келиб салтанатда юз берган баъзи воқеалар Навоийнинг сиёсий ҳаётга аралашига мажбур қилганини, Низолмулмулк билан ораларида зиддият пайдо бўлганини кўрсатади.

Манбаларда келтирилишича, Балххукумати Астрободни бошқариб турган Бадиуззамонга топширилади. Астробод унинг ўғли Мўмин Мирзога ваъда қилинади. Бироқ охири дақиқаларда Султоннинг қарори ўзгариб, Астрободга Хадичабегимдан туғилган ўғли Музаффар Ҳусайн мирзо ҳоким этиб тайинланади. Бундан норози бўлган Бадиуззамон Ҳусайн Бойқаро билан келишмай қолади. Бу келишмовчилик кундан кунга кескинлаша бошлайди. Бу ҳолат халқ бошига офат, нотинчлик келтириши, салтанат ва кўшинда парокандалик пайдо қилишини тушунган Алишер Навоий жиддий безовталанади. Шу даврдан бошлаб, унинг ота-бола ўртасидаги совуқчиликни бартараф этиш учун ҳаракат қила бошлаганини кўрамиз. Жумладан, “Равзат ус-сафо”да шундай маълумот келтирилган: “Ҳоқони мансур ўзининг хаста мижозига, эгарда юриш оғирликларига қарамай, ўша қишда Бадиуззамоннинг адабини бериб қўйиш учун нусратнишонли лашкарини Балх вилоятига қаратишга қасд қилди. Аммо ҳазратнинг яқин кишиси Амир Низомиддин Алишер: “Агар ҳумоюн фармон чиқарилса ва банда Балхга бориб, Бадиуззамонга насихат қилсам, уни подшоҳона мурувватлар камолига умидвор этсамки, дилозорлик биёбонидан хизматкорлик йўлига келса.” Бу ўй ҳумоюннинг мижозига тўғри келди ва Амир Алишер мақсад сари юзланди”¹. Навоий ота-боланинг келишмовчилигида салтанат барқарорлигига катта хавф сезган. Бунга четдан томошабин бўлиб туришни ўзига эп билмаган ва ўз ташаббуси билан султонга мурожаат этган деган мантиқий хулосага келиш мумкин. Унинг беғараз нияти Низомулмулкка ёқмагани қуйидаги лавҳадан маълум бўлади: “Амир Алишер Балхда бўлиб, ҳикматли гаплар билан сайқал бериб, Бадиуззамон Мирзонинг хотири ойнасидан ҳафачилик зангини кетказётган пайтларда амир Алишернинг ҳаракати билан тинчлик ўрнатилишини истамаган Хожа Низомулмулк ва баъзи яқинларининг иғвоси билан хоқони мансур Балх кутволи Амир Ислон Барлосга нишон (фармон) юборди”². Нишонда эса Бадиуззамон ов қилиш учун шаҳар ташқарисига чиққан маҳалда шаҳар дарвозалари беркитилиб, шаҳзодани ичкарига қўймаслик буюрилган эди. Савол туғилади, Алишер Бадиуззамон ёнига кетган пайтда нима воқеа, қандай иғво юз бердики, султоннинг Навоийга ишончи шубҳа билан алмашган ва у таклиф этган ярашув йўлидан айнаган? Муаррих Низомулмулкдан ташқари баъзи яқинлар деганда кимларни назарда тутмоқда?

Навоий даври ва бизга маълум тарихий асарларда иғво мазмуни очиб берилмаган, фақат у “Алишер воситаси билан сулҳ тузилишини истамаган” гуруҳга тегишли эканлиги

¹ Равзат ус-сафо, босма, VII жилд, 49- бет.

² Ўша ерда

айтиб ўтилган. Иғво нима ҳақда бўлган бўлиши мумкин? Сафавийлар сулоласи тарихига бағишлаган “Оламорои Сафавий” асарида кўзга ташланмайдиган шундай эпизод борки, ушбу масаланинг ёритилишида ва энг асосийси, мантиқий хулоса чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Унда келтирилишича, “1496 йили Султон Ҳусайн Бойқаро Бадиуззамонга Балх ҳукумати топширади. Астрободни эса Музаффар Ҳусайн Мирзога бериш учун фармон чиқаради. Икки кундан кейин Бадиуззамон Алишер Навоийдан хат олади. Хатда шундай ёзилган экан: “Агар сиз Астрободдан Балхга кетсангиз, ўзингизнинг ўрнингизга Муҳаммад Мўмин Мирзони қўйиб кетинг. Нима бўлса ҳам шаҳар бошқа кишига тегмасин”. Бадиуззамон бу хатни олгач, ёшлиқдан унга мураббий бўлган шоирдан жуда хурсанд ва миннатдор бўлди”¹.

Ушбу маълумот тарихий асосга эгами, йўқми? Нега Навоий ҳақида бой маълумот қолдирган Хондамир умрининг охири йилларида яратган “Ҳабиб ус-сияр” асарида бу ҳақда лом-мим демаган? О.Эфендиевнинг ёзишича, инглиз шарқшуноси Денисон Росс Хондамир “Ҳабиб ус-сияр” асарида шоҳ Исмоил Сафавийнинг ёшлик даври воқеалари баёнини “Оламорои Сафавий”дан фойдаланиб ёзганлигини аниқлаган². Демак, Хондамир юқорида келтирилган маълумотдан хабардор бўлган ва унинг сохта ҳамда бирор асосга эга бўлмаганлигини аниқ билгани учун ҳам уни ўз асарига киритмаган. Мазкур тафсилот айнан Низомулмулк ва унинг гуруҳи тўқиган иғво моҳиятини ифодалаган бўлиши мумкин. Сабаби, иғво Бадиуззамон ўз ўрнига ўғли Муҳаммад Мўмин Мирзони қўйиб, Астрободдан Балхга келган пайти рўй берган. Астрободдан Мўмин Мирзони чиқариш ва ота-бола ўртасидаги нифоқнинг кучайишидан ким манфаатдор эди? Албатта, бу ўринда биринчи шубҳа ўз ўғлига тахт валиаҳдлигини олиб беришни режалаштирган маҳди улъё Хадичабегимга тушади. Навоийнинг мурасасозлик сиёсати ва ота-бола ўртасидаги эътибори унинг сиёсий режаларига тўғаноқ бўлиши турган гап эди³. Шу туфайли уни вақтинча бўлсада, султон “эътиборидан узоқроқ тутиш”дан манфаатдор бўлган дейиш мумкин. Бу масала Низомулмулк билан хуфия маслаҳат қилинган кўринади ва салтанат миқёсида катта можарога сабаб бўлиши аён бўлган мудҳиш иғво тайёрланиб, султонга етказилган бўлиши мумкин. Иғвога учган Султон Балхдаги лашкарбошиларга Бадиуззамонни шаҳарга киритмаслик ҳақида янги фармон юборади. Демак, иғводан Низомулмулк икки тарафлама фойда кўриши диққатни тортади. Биринчидан, у султон ва Навоий муносабатларини узил-кесил бузиб ташлар, иккинчидан, Хадичабегимнинг истагини тўла қондирар эди. Иғво оқибатида Навоийнинг бошига тушиши мумкин бўлган савдо Хадичабегимни қизиқтирмаган. Малика ва вазирнинг яқдиллиги шундаки, ҳар иккаласи султонга етказилган иғвонинг фош бўлишига йўл

¹ Эжаев О. Туркменистан и туркмены в конце XV-I пол.XVI вв.- Ашхабад: Ўлим, 1981, стр. 28.

² “Денисон Росс считал, что автор “Тарихи шоҳ Исмоил (Оломорои Сафавийнинг бузилган номи - Ш.С.) жил в XVI веке и был современником шаха Исмаила (в книге Ross D. The early of shah Ismail founder of the Safawi Dynasty - “Journal of the Royal Asiatic Society”. London (1986). Сопоставление данных, содержащихся в многочисленных сочинениях рассматриваемого периода, показывает, что “Тарихи шоҳ Исмоил” был использован и другими современниками анонимного автора. По мнению Д.Росса, Гиясиддин Хумомиддин ал-Хусайни Хондемир в сочинении “Ҳабиб ус-сияр” заимствовал из “Тарихи шах Исмаил” отдельные события, касающиеся периода ранней деятельности Исмаила. Бу ҳақда: Эфендиев О. Образование государства Сефевидов в начале XVI в.- Баку:Изд.АН АзССР, 1961,стр. 8-9.

³ Хадичабегимнинг кирдикорлари Бадиуззамонда кучли норозилик уйғотган. Хадичабегим Ҳусайн Бойқаро ҳарамига киритилгунча собиқ подшоҳ Абу Саъид Мирзонинг гунчачиси бўлиб, ундан бир қизи ҳам бўлган. Бойқаро Султон Санжарнинг қизи (Бадиуззамоннинг онаси) ва Абу Саъид Мирзонинг икки қизидан кейин унга уйланади. Уни ниҳоятда севганидан (Бобур) барча хотинларидан устун қўйиб, Маҳди улъё деб улуғлайди. Тарихчи олим Т.Файзиев ўзининг “Темурий маликалар” китобида унинг туғилган йилини 1452 йил деб кўрсатган. Бу тўғри эмас. Чунки ҳеч қайси манбада унинг таваллуд йили аниқ кўрсатилмаган. Манбалардаги қиёсий таҳлил ишлари унинг Султон Ҳусайндан 4-5 ёш кичик бўлганини кўрсатади.

қўймаслик ва сиёсий вазиятни кескинлаштириш учун Музаффар Хусайн Мирзони Мўъмин Мирзо устига жўнатганлар. Чунки Навоий султон билан Бадиуззамонни яраштирганда эди, Астробод масаласи тинчлик йўли билан ҳал бўлган бўларди. Натижада Мўмин Мирзо ўлдирилмаган, “Оламорийи Сафавий”да тилга олинган воқеа иғво эканлигига Хусайн Бойқаро ишонган бўларди. Шу тариқа Алишер Навоийнинг юзи ёруғ бўлган, чуқурроқ қарайдиган бўлсак, Бойқаро ўз салтанати илдизига болта урмаган ва инқирозини тезлаштирмаган бўлар эди. Афсуски, Амир Алишер мағлуб бўлади.

МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИЛИҚЛАШУВИ

Мўмин Мирзо қатл этилгач (ҳижрий 903 йил сафар ойи/мил.1497 йил, октябр), султон хушёр тортади. Аммо фурсат бой берилган эди. Энди фақат Бадиуззамон эмас, балки деярли барча фарзандлар Султон Хусайн Бойқаро билан келишмай қоладилар. Хондамир “Ҳабиб ус-сияр”да ёзади: ” Муҳаммад Мўмин Мирзо шаҳид этилгани ҳақидаги хабар чор-атрофга тарқалгандан сўнг оташандух ва пуралам қабиҳликнинг учқуни яқин ва йироқ, турку тожикнинг ўчоғига сачрагандан кейин Хуросоннинг теварак-атрофида ҳукумат куруб ўлтирган шахзодаларнинг ҳар бири Хадичабегимнинг макру ҳийлаларидан чўчиб, Бадиуззамон Мирзога тақлид қилиб, отага қарши муҳолифат йўлини тутдилар”¹.

Тарихий асарларда Султон Хусайннинг ўғиллари билан бўлган жанглари тафсилоти, қўлга киритган ғалабаларига урғу берилишига қарамай, воқеалар баёнидан султоннинг жанглари унинг учун оғир ва қалтис кечганлигини сезиш қийин эмас. Султон ушбу фалокатларнинг сабабчиси сифатида Низомулмулкни қоралайди ва рўй берган танглик уни тобора Алишер Навоий мададига суяниб иш қўришга мажбур қилади. Бу даврда султоннинг шоирни яна ўзига яқинлаштириш муддаоси борлиги унинг Навоийга “Хазойин ул-маоний” куллиётини тузишни буюришидан маълум бўлади.

Навоий ушбу мактуб-ҳукми куллиёт дебочасига киргизган. Унда шундай дейилади: “Эй, қадимий бандаи хос ва эй, бойири ходими зул-ихтисос! Бурунги икки девонким, бизнинг ҳукм ва хитобимиз била мураттаб қилдинг ва куллиёту жузвийетин бизнинг машварат ва таълиму истисвобимиз била тузаттингким, бирининг ишқомиз абётидин бу эски дайрнинг рафеъ тоқида ушшоқнинг шўру ғавғосидир. Ва яна бирининг шавқангиз ғазалиётидин бу қадимий маниъ гумбаз равоқида муҳаббат аҳлининг хуй ва алолоси, ондин сўнгра йиғилғон ашъорнинг ва назм риштасиға тортилғон дурру шахворнинг адади бурунги девонлардин ортқон чоғлиқ дурур. Ва бу латофатсифот хўблар ва малоҳатсимот маҳбублар била яна икки девон тартиб берса бўлурдек маълум бўладур. Нетгунгдурким, бу ишдин дилписандроқ бўлғай ва не қилғунгдурким, бу шуғлдин судмандроқ бўлғай. Эмди авло будурким, бу ғариб ишга кўнгул келтурғайсен, балки ҳукм бу эрурким, бу ажиб амрға хома сурғайсен ва тафаккур хилватгоҳида хаёл шўх ва раънолари била базм тузгайсен. Ва то фалак гардиш қилур, башар жинсининг хаёлиға келмаган аъжубани элға кўргузгайсен... Чун сенга тавфиқ мадад қилибдур ва бу мақсуднинг ҳеч кимға йиғилмағон моддаси йиғилибтур, тиларбизким, фурсатни ғанимат билғайсен ва бу муддао ҳусулиға рағбат қилғайсен!”².

Дебочада Навоийнинг султонга жавобан ёзган хати ҳам келтирилган. У кўпроқ гинахонлик билан ёзилгандек. Шу жиҳатлари билан “Хазойин ул-маоний” дебочаси, аввало, олдинги девон ва илмий асарларидаги дебочалар, қолаверса, умуман Шарқ илмий-адабий

¹ Навоий замондошлари хотирасида / Тузувчи Б.Аҳмедов. - Т.: Ғ.Фулом,1985, 138-бет.

² “Хазойин ул-маоний” дебочаси, 10-11-бетлар.

асарлари дебочаларидаги услуб ва бағишлов тарзидан кескин ажралиб туради. Мактуб мазмуни қуйидагича:

*Дедимки бу ишдаким бўлибмен маъмур,
Ҳар нечаки тутсам ўзимни маъзур.
Лек риштаки аждаҳоға келтурғай зўр,
Зўр эткай ўзиға истаса қилмоқ мўр.*

Улхумоюн замирнинг ойнаи гетинамоида равшан ва пайдодур ва ул покиза кўнгулнинг жоми жаҳонройида мубарҳан ва ҳувайдоким, бу бандаи фақирға не нотавонлиқлар шикаст берди ва бу зарраи ҳақирға не саргардонлиқлар даст берди. Агарчи маразимға сихҳат умеди пайдо бўлибдур, аммо ҳануз ғизо била шарбатким ичилур, ейилур, мисқол тарозуси била тортилур ва тонгдин оқшомғача соат шишасиға кўз тикилур, агарчи заъфимға қувват имкони зоҳир бўлибтур, аммо ҳануз бузуқ кошонамдин чиқарға қўпмоқ тиласам, осилғон идбори анкабут торлари дастгирим бўлиб, мадад еткурмагунча тебранмакка тобу тавон ва ҳаракатға мақдур, балки имкони йўқтур, пашша юз пили дамон торта олмағон юкни нечук тортғай, батахсиским, мажруҳ ва ранжур доғи бўлғай, мўрчанинг шери жаён қила олмағон ишни нечук қила олғай, хусусан, бемор ва сихҳат тариқидин маҳжур дағи бўлғай.

РУБОИЯ:

*Аввал икки девонға чу қилдим рағбат,
Ҳам эрди йигитлик мададим, ҳам сиҳат.
Бўлдим чу қорию хаста, йўқ ул қувват.
Кўргузғали андоқ нималарға журғат.*

Куллийроқ буким, ул давовин тартибида Султони Соҳибқирон олий таъбининг ислоҳ ва ихтимоли беҳад ва ҳар жузвий нуқтада тағйир ва таълими мола каломи беадад эркон жиҳаттин ул иш саранжом суратин пайдо қилди. Ва ифтоҳидин ихтомиға дегинча тартиб рақами чекилди. Бу заиф ва нотавонлиғим замонида бу ажз ва забунлиқ ва бесомонлиғим туғёнида Султон Соҳибқироннинг раъйи оламорои ва замири хуршидтаъсири гўёким баъзи авқотда олам кешвари фатҳиға азмсоз ва баъзи ҳолотда кешвар аҳли ободонлиқлари сори сеҳрпардоз ва баъзи замонда айшу нишот била илиги зарпош ва баъзи ошонда тоату ибодат била кўзи гавҳарпошлиққа мутааммил ва муштаҳил учун бу хошок дарёдек кўнглига кирмас ва бу зарра қуёшдек замириға пайдо эрмас. Ва султони Соҳибқироннинг ҳиммат юзидин эҳтимоми ва саъйи ғоятидин таълими бардавоми бўлмаса, мундоқ душвор иш илгари бормоғи мутаассир, балки хаёлға кечурмоғи мутааззирдир. Мундоқ ҳукм бўлғондин сўнгра гоҳ-гоҳи ҳолимдин огоҳ бўлмаса неткаймен ва лаҳза-лаҳза аҳволимдин хабар бўлмаса нета олғаймен. Қумурсқа Сулаймоннинг хотириға келмаса не маҳалли таажжуб ва таҳайюр, Суҳо чархи гардон сатҳида кўрунмаса не маҳали ҳайрат ва тааззур¹.

Мазкур ҳукм-мактуб ва Навоий жавобидан қуйидаги мулоҳазалар туғилади:

1. Навоий оғир касалликни бошидан кечирган.
2. Султон унга барча шеърларини тўплаб олдинги икки девонга қўшимча яна икки девон тузишни буюради.

¹ Хазойин ул-маоний” дебочаси, 12-бет.

3. “Касаллик ва балолар сабаби султонга маълум” дейилишидан қандайдир воқеаларга ишора этилмоқдаки, буни Жомий, Паҳлавон Муҳаммад каби дўстларнинг вафоти билан бирга Мажиддиннинг Дарвиш Али исёни арафасидаги иғвоси, Низомулмулкнинг Бадиуззамонга исёни билан боғлиқ иғвосига шаъма сифатида тушуниш мумкин.

4. “Сиҳат умиди пайдо” бўлишига қараганда Навоий ва султон ёзишмалари касалликдан тузалиш даврида содир бўлган. Бу ҳақда “Хазойин ул-маоний”нинг дебочасида айтилиши Навоийнинг хасталаниши ҳижрий 903/1497-1498 йили юз берганлигини билдиради. Демак, Хадичабегим ва Низомулмулкнинг иғвоси оқибатида Султоннинг Навоийга ишонмай қўйиши шоир руҳиятига қаттиқ таъсир қилиб, тўшакка йиқитган бўлиши мумкин.

5. Султондан ижодда унга ҳамкорлик қилишни сўраш, мурувват кўрсатишни илтимос қилиш фонида гинахонлик аломатларини сезиш қийин эмас. Навоий ўзига эътибор камайганлигига ишора этган.

Мактуб Хусайн Бойқарога етгач, дарҳол Навоийга жавоб йўллаган. Ушбу мактуб ҳам дебочага киритилган Унинг мазмуни юқоридаги мулоҳазаларимиз тўғрилигини исботлайди. Жумладан, унда шундай ёзилган: “Кўнглунгга солма ва бу навъ савдо ва васвос хаёлига қолмаким, биз ҳеч ҳолда сенинг ҳолингдин ғофил эмас эркондурбиз, аммо бу ҳолдин сен ғофил. Ва кўнглумиздин ҳаргиз ёдинг зойил эрмас эркондур, бу маъни сенинг кўнглингдин зойил. Андоқки, бурунги икки девоннинг такмилида риоятдин ҳеч навъ тағофил воқеъ бўлмади. Ва раҳнамолиқ ва иноятдин ҳеч турлук такосул сурат боғламади. Эмди доғи ҳамул дастур била, балки ондин ҳам ортуқроқ, мунда ҳам ҳамул қонун била, балки ондин ҳам афзунроқ аҳволингдин хабар тутулғусидир. Ва бир оз вақтда сарвақтингга етилғусидир. Чун заъф ҳолинг бизга зоҳир ва пайдодур, шафқат ва банданавозлиқлар билан не ерда қолсонг ўтқарилғусидурур. Ва чун шикаст аҳволинг бизга равшан ва ҳувайдодур, марҳамат ва навосозлиқлар била ҳар мушкулинг бўлса ҳал қилилғусидур”¹.

Мазкур жавобдан шундай хулоса қилиш мумкин:

1. Султоннинг “ҳамиша биз сени ёдлаб, ҳолингни сўраб юрамизу, сен бундан хабарсизсан” дейишидан шоирни юпатиш оҳанги сезилиб турибди. Бу эса, бир томондан, Навоийнинг оғир касал бўлганлигини тасдиқласа, иккинчи томондан султон унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилганига ишора бор.

2. Навоий касал пайтида Султон Хусайн Ҳиротда эмаслиги англашилмоқда. Ёки, аксинча, Навоий пойтахтдан бошқа ерда.

3. Султоннинг Навоийдан узоқда бўлса ҳам унинг ижодий ишларидан хабардор. Агар охириги жумла ишорасига “Муншаот”даги адресати номаълум бир мактуб мазмунини боғласак, шоҳ ва Навоий ўртасида кимдир воситачилик қилганлиги равшан бўлади:

*“Фироқ ароки, етар кўкка шуълаи оҳим,
Бу ўтқа, оҳ, агар раҳм қилмаса моҳим.*

Қуллуқ дуодин арзадошт шулким, иноят иншоси бирла қулунгизни ёд қилиб эрдингиз, мужиби сарафрозлиқ бўлди. Тенгри таоло давлатингизни орттурсин ва ёшингиз узун бўлсин.

*Ғамим етқурди мингдин бирга руқъанг
Ки берғай тенгри бир ёшингга минг ёш.*

Битиб эрдингизким, Мирзо тобуғида камина қулни ёд қилиб йиғлармен. Ёд қиларингизға розимен, йиғлашингизға йўқ.

¹ Ўша ерда.

*Дема ҳазрингдин менга одат бўлибтур йиғламоқ,
Шод бўлким, манго қисмат бўлибтур йиғламоқ”¹.*

Кўриниб турибдики, кимдир Султон Ҳусайн Мирзо кўнглида Навоийга нисбатан раҳм уйғотишга астойдил ҳаракат қилган. У ким бўлиши мумкин? Мактубдан қуйидаги хулоса пайдо бўлади:

- 1 “Хазойин ул-маоний” дебوحасидаги озурдалик руҳи ва мактубдаги Навоий изҳорининг бир-бирини тўлдириб келиши улар бир даврда ёзилган деган фикрга олиб келади.
2. “Ёд қилиб йиғлаш”дан Навоийнинг оғир аҳволда бетоб эканлиги англашилади.
3. Адресат Ҳусайн Мирзонинг яқинларидан бўлиб, ёши улуғ инсон.

Бизнингча, у Шайхимбек Суҳайлий бўлса керак. Балки, Навоийнинг Суҳайлийга юборган қуйидаги соқийномаси худди шу даврда ёзилгандир:

*...Ким Суҳайлий саридур зор кўнгул
Кўп тилар суҳбатин афзор кўнгул.
Сен эдингким, менга дамсоз эрдинг,
Ҳар ниҳон нуқтада ҳамроз эрдинг.
Зулмларким менга бу чархи даний
қилди, қайдин топай айтурға сани.
Ким бири бу эдиким, солди йироқ
сени, бағримға қўйуб доғи фироқ.
Менга гар дарду ҳам анбуҳ ўлди,
Қисматим ғуссаю андуҳ ўлди...
Кимки келса бу тараф, ёд айла,
тарабойин сўз ила шод айла².*

Ушбу шеър шу даврга тааллуқли бўлиши мумкин. Мулоҳаза қилинганидек, шеърдан Суҳайлийнинг узоқда эканлиги ва бу даврда Навоий оғир кечинмаларни бошидан ўтказаётганлиги аниқ бўлади. Фикримизча, Навоий оғир дард билан йиқилгач, Шайхим Суҳайлий султон кўнглида мурувват учкунларини алангалантира олган ва биринчи бўлиб султоннинг ўзи бу совуқчиликка барҳам беришга қарор қилишига эриша олган кўринади. Навоий ижодидан яхши хабардор Суҳайлий унинг “Хазойин ул-маоний”ни тузишга ҳижрий 897/1491-1492 йил киришгани, аммо бу ишга совуқчилик сабаб ҳафсала қилмай, ташлаб қўйгани ҳақида султонга гапириб, уни шоирни бу вазифани бажаришга даъват қилишга ва шу орқали унинг яримта кўнглини кўтаришга чақирганлиги эҳтимолга яқин. Навоийни сиёсий саҳнага тортишдан манфаатдор султон учун бу тадбир айти муддао бўлган бўлиши мумкин.

Султон Ҳусайн Бойқаро ҳижрий 902 йили шаъбон ойининг йигирма тўққизинчи куни (1497, 2 апрель) Пули Чароғда Бадиуззамон устидан қозонилган биринчи ғалабадан сўнг Ҳиротга қайтмай, Балхга боради. У шу бўйи 903 йилнинг сафар ойигача (1497, октябрь) Мурғоб дарёси бўйида қолади. Балки, Султоннинг шоирдан узоқдалиги тушунилган ўринлар келтирилган ҳар учала мактуб ана шу даврда, яъни Султон Ҳусайн Бадиуззамон билан Пули Чароғда (1497, 2 апрель) тўқнашгандан сўнг ўтган ойлар оралиғида ёзилгандир. Чунки, кейинги даврда Навоий Машҳадга борганлиги, султон билан изчил ёзишмалар

¹ Алишер Навоий .Муншаот, МАТ, 14-жилд, 195-бет.

² Фавоид ул-кибар/Хазойин ул-маоний ,VI жилд, 491-бет.

олиб боргани, Машҳаддан сафар ойида қайтиб, Мўмин Мирзонинг азаси устидан чиққани ва шундан кейин яна Бойқаронинг махрами розига айланганини кўрамиз. Бу орада Низомулмулк ва унинг хонадонининг аёвсиз равишда яксон этилиши султоннинг Навоийга яна ҳам суяниб қолишига олиб келганини айтиш керак.

Шу тариқа улар ўртасида яна илиқ муносабатлар вужудга келганини кўриш мумкин. Масалан, ҳ. 903 йил (1498) шаввол ойининг йигирма тўртида Бадиуззамон отасига қарши кўзғалганда Нешин яйлоғида турган подшоҳ ўз лашкарининг озлигидан ваҳимага тушиб қолади. У дарҳол Ҳиротга чопар юбориб, у ерда ҳукуматни бошқараётган Алишерга ўзи отга миниб, шаҳарнинг ичию ташидан қаерда лашкар ва аскар кўрса тўплаб ўрдуга юборишни буюради¹. Мазкур факт Мўъмин Мирзо қатлидан кейин Навоий ва султон алоқалари ўнганганлигини тасдиқлайди. Юқоридаги воқеа давомида шундай келтириладики, Амир Алишер воқеа жиддий тус олганлигини сезгач, дарҳол султон ёнига жўнаб “ул олий ҳазратнинг озурда кўнглини Бадиуззамон Мирзонинг хотири тилагига тарғиб қилди. Амир Алишернинг сўзлари ихлосу давлатхоҳлик камолидан бўлгани учун ҳазрати хоқони Мансур муборак қулоғининг қабул пардасига етди”²306. Гап шунда эдики, Бадиуззамон отасидан Балхни қайтариб беришни талаб қилар, султон эса рози бўлмасди. Навоий султон ва Бадиуззамон ораларига кириб, тўқнашувнинг олдини олишга, шунингдек, шаҳзодага Сеистон ва Фароҳ вилоятларини олиб беришга муваффақ бўлади. Султон Ҳусайн умрининг сўнгги йилларида, айнан, биз сўз юритаётган ҳижрий 903/1498 йилдан кейинги даврда Навоийга ниҳоятда суяниб қолганлиги воқеалар кечмишидан янада яққол сезилиб туради.

УМР ИНТИҲОСИ

Хондамир асарларидан маълумки, Мир Алишер умрининг охирида барча давлат ишларидан истеъфо бериб, қолган умрини охират йўлида бажариш лозим бўлган ишларга бағишланган. Бу борада Навоийнинг қариллик айёми ҳақидаги сўзлари диққатга сазовордир:

“... Ва бу авқот мобайнида ҳар миқдорким фурсат топтим, хоҳ “Хамса” назмидин ва “Назм ул-жавоҳир” ва “Мажолис ун-нафоис” ва “Зубдат ут-таворих” ва сойир таснифлар иштиғолидин ҳам ул ҳазрат (Ҳусайн Бойқаро-Ш.С.) дуои давлатида авқотимни тарх қилдим. Ва бихамдиллоҳ андоқ муродлар касб эттимким, менинг абнойи жинсимнинг юзидан бирига муяссар бўлмайдур. Ва андоқ мақсудларға еттимким, алар-ким мендек, юз, балки минг қуллари бор эрди, бирининг соғари орзуси менга нишот еткурган май била тўлмайдир. Бихамдиллоҳ таолоки, бу авқотдаким, умр водийсининг кўпрагин анинг давлатидин муродлар била қатъ этибмен ва ҳаётнинг ниҳоятиға комлар. балки комронлиғлар била етибмен. Ҳеч турлук армон хотиримда қолмайдур ва ҳеч навъ орзу кўнглумда сиғинғонин хаёлим топа олмайдур. Ҳар не дунё муроди ва зоҳир комгорлиғидур сурубмен ва сўзумнинг сайту садосин анинг мадҳида етти фалакка еткурубмен. Онча орзу ҳайсиятидин ва армон жинсидин қолиб-тур, охират йўлининг суҳулат ва осонлиғи ва ботин мулкининг аёлат ва комронлиғидур ва ул вобастадур ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг тавфиқи била амри итоатиға ва Расули саллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоати ва шариатининг мутобаатиға”³.

Навоийнинг бу уринишлари, аввало, ҳаж сафари тараддудида кўзга ташланади. Аммо Султон Ҳусайн Бойқаро “унинг давлатдан узоқда бўлиши салтанат учун кўнгилисиз

¹ Равзат ус-сафо, босма, VII жилд, 55- бет.

² Равзат ус-сафо, босма, VII жилд, 57- бет.

³ А.Навоий. Хазойинул-маоний. Дебоча, 15-бет.

ҳодисаларнинг рўй бериши учун имконият яратиш” бўлганлиги туфайли ҳаж сафарига ҳар хил сабаблар билан монелик қилган. Жумладан, Хондамир шундай ёзади:

“...Ул ҳазратда ўсиб-униш кунлари бошланишидан то ҳаётининг охири дамларигача бошида мусулмонлик ҳажини ўташ ҳаваси ва хотирида пайғамбар қабрини зиёрат қилиш фикри ўрин олган эди. Ҳар вақт имкони бўлганича бу хусусда ҳаракат қиларди ва узлуксиз ўз ҳолича қуйидаги икки байтни тилга оларди.

Назм:

*Кай бувад, ё раб, ки рў дар Ясрибу Батҳо кунам,
Гаҳ ба Макка манзилу, гаҳ дар Мадина жо кунам.
Бар канори Замзам аз дил бар кашам як замзама
Ваз ду чашми хунфишон он чашмаро дарё кунам*

Таржимаси:

*Ёраб, Ясриб билан Батхога қачон борарканман?
Гоҳ Маккада турсаму, гоҳ Мадинада жойлашсам эди.
Замзам бўйида қалб таронасини куйласам,
Қон оқувчи икки кўзимдан у чашмани дарё қилсам эди.*

Неча бор бу сафарга рухсат олиш учун муборак оёғини узангига қўйиб тўғри саройга йўлланар, ҳар бор қудратли соҳибқироннинг илтимоси билан қайтар ва бу истакнинг юзага чиқишидан чекланар эди”¹.

Бундан маълум бўладики, Навоий бир неча бор рухсат олиш учун Ҳусайн Бойқарога мурожаат қилган. Ҳажга бориш қарори биринчи марта қачон туғилгани ҳақида манбалар лом-мим демайди. Навоийнинг “Вақфия” асарида масаланинг ечимига олиб келувчи бир жиҳат мавжуд. У “Вақфия”да шохдан икки илтимосини қондиришни сўрайди. Улардан бири давлат ишларидан бўшатиб, ижод учун шароит яратиб бериш бўлса, иккинчиси ҳаж сафарига рухсат бериш ҳақидаги илтимос эди. Навоийнинг “Вақфия” асари 1481 йилда ёзилди². Шундан сўнг қатор асарлар, хусусан, “Хамса”нинг ёзилиши, икки илтимосдан фақат бири – “Хамса” яратиш ғояси маъқулланганини англатади. Хулоса қилиш мумкинки, ўшанда ҳаж сафарига рухсат берилмаган.

Мир Алишернинг Байтуллоҳ зиёрати орзуси кун сайин кучайиб боради ва ҳижрий 904/1499 йили Абдулҳай табибни рухсат олиш учун Марвга- ўғли Абулмуҳсин Мирзони қамал қилиб ётган Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурига юборади. Ўзи эса “..бундан кейин бу кунни эртага айлантиришга тоқатим қолмади, деган байт мазмунини тилга келтириб, саодатли олимлар, фозиллар тоифаси ҳамда кўпчилик мулозимлар билан бирга Машҳад томонга йўл олади”³. Абдулҳай табиб подшоҳ ҳузуридан Навоийга мактуб олиб қайтади. Унда Ҳусайн Бойқаро Амир Алишерга ҳажга боришга рухсат бергани айтилади. Мактубнинг Хондамир келтирган нусхасида, жумладан, шундай ёзилади: “..Сўнгра, равшан кўнгилларга маълум бўлсинки, жума куни ражаб ойининг ўн бирида улуғ мавлоно Абдулҳай келиб, шариф мижозларининг кайфияти, соғ-саломатлик, яхши ҳолатларини етказди. Бундан хабар топиш беҳад шодликка сабаб бўлди. Унинг етишувидан илгари кўнгилларида қарор топган Ҳижоз томонга жўнаш тўғрисидаги хабар оғизма-оғиз келиб турарди, аммо ишончли кишилардан эшитилмагани учун эътиборимиз йўқ эди. Лекин ўша киши суҳбатида Хожа Афзалиддин

¹ Хондамир. Макоримул-ахлоқ, 75-бет.

² Баъзи тадқиқотларда “Вақфия” 1480-1481 йилда ёзилган деб кўрсатилган. Ҳижрий 886 йил милодий 1481 йилнинг 2 мартдан бошланганлигини ҳисобга олиб, асар ёзилган йил 1481-1482 деб кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

³ Равзат ус-сафо, 59- бет.

Муҳаммадга ёзилган хат мазмунидан маълум бўлдики, бу кунларда у тилак мустаҳкамланиб яна янгилашиб, жўнаш хаёли жазмга айланган... Берилган рухсат ва ижозатдан қайтмаймиз, лекин нимаики кўнгилга келса огоҳлантиришимиз лозим. Равшандирки, бу хусусда йўл тинчлиги шартдир. Маълум бўлсинки, бу кунларда ўтиш йўли бўлган Ироқ ва Бағдодда аҳвол қанақанги паришон ва беқарордир. Миср ва Шом чегараларида ҳам турли бошбошдоқлик борлиги эшитилмоқда. Ривоят шундайдики, агар йўл хавфи шундай даражага етиб, сабабсиз кимсанинг белига қўл уриши мумкин бўлса, йўлга тушмоқ вожиб эмас. Агар бу кунларда йўл хавфидан бирор фикр хотирга келмаса, қандай бўлади? Чунки ўзлари айтардиларки, йўллар нотинчлиги жиҳатидан бир оз уфлурий тартиб бериб, агар зарур бўлса, хавфли жойга етишганда мулозимлардан ҳар бирининг ёнида ўшандан бир оз бўлиши керак. Яна гап шуки, бу сафарнинг узоққа чўзилиши маълум, умрга ишонч йўқ. Агар яна бир бор учрашиб, хайрлашиш қоидаси юзага келса бўларди. Аммо бу икки ҳолнинг бўлиши билан бирга, бу муқаддималарнинг ёзилишидан шундай кўрқув ҳам борки, мабодо муборак хотирга андак ғубор етишиб, бу сўзлардан ғараз юришни ман этиш экан, деган хаёлга борадиларми?

Ҳамиша давлатхоҳлик юзасидан нимаики хотирга келса, бетакаллуф гап-сўз қиладилар. Бизга ҳам бу бобда ҳар нима хотирга келса маълум қилиш лозим кўрилди.

Боқий: тўғри фикрда ихтиёрлидирлар ва нимаики икки дунё яхшилигига керак бўлса, тақдим қилиб турилур. Икки дунё саодати ёр бўлсин. Вассалом”¹.

Мактуб хулосасидан кўриниб турибдики, Султон Ҳусайн умрга ишонч йўқлиги сабабли ҳаж олдидан бир кўришиб, хайр-маъзур қилиш истагини билдирган. Хондамир бу масалада айрим ойдинлаштирувчи ишораларни берган. Улар Навоийнинг шахсий кечинмалари билан боғлиқ икки жиҳатни ёритади. Жумладан, Мўмин Мирзонинг қатли воқеалари Навоийни қаттиқ изтиробга солгани ва бу хусусда Хондамирнинг Навоий тилидан келтирилган “Мўмин Мирзо билан бўлган воқеа шайх Маждиддин Бағдодийнинг ўлими воқеасига монанддур. Зеро, ўшандан сўнг бутун Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ироқ Чингизхоннинг Турондан Эронга лашкар тортиши сабабли вайрон бўлиб, халқ қирғинга учраган эди” ўхшатиш Амир Алишернинг салтанат таназулига сабаб бўлаётган воқеалардан жиддий хавотирга тушганлигини кўрсатади. Айни пайтда у салтанат ишларидан узоқ бўлгани ҳам англашилади. Султоннинг бу галги баҳонаси йўл нотинчлиги билан изоҳлансада, аммо мамлакатда юз берган сиёсий тангликни юмшатишда Навоий ёрдамига муҳтож бўлиб тургани сезилади.

Демак, маълум бўладики, 1481-1499 йиллар орасида Навоий ҳажга бориш учун рухсат сўраб мурожаат этмаган. Табиийки, айнан мана шу оралиқда ҳажга бориб келиши учун қулай вазият мавжуд бўлган. Султоннинг Навоийга рухсат бериши учун барча шароитлар муҳайё эди². Нега Навоий бундан фойдаланмаган? Шуниси ажабланарлики, “Вақфия”дан шунча йил ўтиб, Навоий негадир яна ҳаж сафарига қатъий отланади. Хуллас, бу масала жумбоқлигича қолмоқда.

Хондамир “Равзат ус-сафо” ва “Ҳабиб ус-сияр” асарларида келтирилишича, “мактуб қўлга теккандан кейин Амир Алишер яқинлари билан кенгаш ўтказди. Барча ундан султон ҳузурига бориб, ота-болани яраштириб қўйишни сўради”³. Тарихий асарлардаги

¹ Макорим ул-ахлоқ./М.Фахриддинов ва П.Шамсиев тарж., 76-78- бетлар.

² Айрим тадқиқотчилар “Хазойин ул-маоний” нинг дастлабки варианты 1493 йилда тартиб берилган деб ҳисоблайдилар. Аммо бу мулоҳазани ҳам қайта кўриб чиқиш керакка ўхшайди. Шундай бўлган тақдирда ҳам бу иш унинг ҳажга боришига монелик қилиши мумкин эмас эди. Маълумотларни ўрганиш ишлари “Хазойин ул-маоний” 1497-1498 йилларда тартиб берилганини кўрсатмоқда.

³ Демак, “Равзат ус-сафо” ёзилган пайтда муаллиф юқоридаги мактубнинг асл нусхаси билан эмас, балки мазмуни билан таниш бўлган ёки таниш бўлган тақдирда ҳам асар ҳажмини ҳисобга олиб, қисқа ҳолда ёзган бўлиши

маълумотларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, айнан шу даврда Навоийнинг сиёсий фаолияти кескин кучайганини кўриш мумкин. Бу давр, асосан, 1497-1501 йилларни ўз ичига қамрайди. Табиийки, тарихий солномалар ўз характерига кўра Навоийнинг сиёсий саҳнадаги иштирокини қуруқ фактларда кўрсатган. Унинг ички кечинмалари ва бу давр воқеаларига муносабати очиб берилмаган. Аммо улардан баъзи хулосалар яшаш мумкин¹. Юқоридаги маълумотлар таҳлили сиёсий жараёнларга Навоийнинг аралашуви муайян бир танаффусдан кейин содир бўлган деган фикрга олиб боради.

Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро мактубини олгач, султон билан хайрлашиш учун йўлга тушади. Марвга етмасдан туриб, Сарахсда тўхтаган пайтда Марв томондан султон Ҳусайн келаётгани хабари эшитилади. Маълум бўлишича, подшоҳ ва шаҳзода ўртасида Амир Низомиддин Дарвеш Али воситасида сулҳ тузилган бўлиб, қўшинлар Ҳиротга қайтаётган экан. Бу воқеа тафсилоти “Ҳабиб ус-сияр”да шундай келтирилади: “(мактубга биноан) Ҳазрати султоннинг яқин кишиси (Амир Алишер) баҳор фаслининг бошларида Машҳаддан Марв томонга равона бўлди. Сарахс ҳудудига етгандан сўнг султон Марвдан шу қасаба томонга келаётганлиги маълум бўлди. Воқеа шундай бўлган эди: Марв қамали уч-тўрт ойга чўзилгандан сўнг фатҳу зафар сурати мурод ойнасида жилва кўрсатмагандан кейин ҳазрати хоқон сулҳга мойил бўлди. Абулмуҳсин Мирзо ҳам қалъани мудофаа этишдан чарчагач, отаси ёнига элчи юбориб, Амир Дарвиш Алини сўраттирди. Жаноб амир ҳукмга биноан, шаҳарга бориб шаҳзода билан учрашди. Шаҳзода: “Агар хоқони мансур мени гуноҳимдан ўтиб, Ҳиротга қайтсалар, мен пешкашлар билан тахт поясига борурмен”, деди. Амир Дарвеш Али олампахоҳ даргоҳга қайтиб келиб, Абулмуҳсин Мирзонинг сўзларини султонга етказди. Унинг илтимоси қабул қилинди ва Сарахсга қараб томонга йўлга тушилди”².

“Равзат ус-сафо”да ҳам бу воқеа айнан шундай ҳикоя қилинган³.

Шу ўринда Ҳусайн Бойқаро ва Абулмуҳсин Мирзо орасида сулҳ тузилиши тафсилотини бошқача ёритган манба ҳам мавжудлигини кўрсатиб ўтиш фойдали деб ўйлаймиз. Жумладан, сафавийлар тарихига оид “Оламорои сафавий” асарида ёзилишича, қамал уч-тўрт ойга чўзилгач, Абулмуҳсин Мирзо укаси шаҳзода Кепак Мирзодан ёрдам сўрайди. Кепак Мирзо эса унга онаси воситачилигида отаси билан сулҳ тузишни маслаҳат беради. “Агар”,- дейди Кепак Мирзо,-“отамиз шунда ҳам рози бўлмаса, унда Бадиуззамонни Ҳиротга ҳужум қилишга ундаймиз”.

Абулмуҳсин укасининг маслаҳати билан ҳарамдан онасини чақиртиради. Онаси келиб, ўғли билан барча нарсаларни гаплашиб олгач, султонга унинг тавбасини етказди. Бироқ султон кўнмайди. Шу аснода Алишердан хат олади. Унда Бадиуззамон ва Амир Зуннун ўн беш минг аскар билан Ҳиротни ўраб олгани айтилиб, султондан тезроқ Ҳиротга қайтиш сўралади. Шундан сўнг султон сулҳга рози бўлиб, Ҳиротга қайтишга қарор қилади”⁴.

“Оламорои Сафавий”даги тафсилот оз бўлсада, Хондамир маълумотларига қўшимча бўлиши мумкин эди. Бироқ Навоийнинг сулҳ тузилиш арафасида Ҳиротда эмас, Машҳадда

эхтимолдан холи эмас. Бироқ, “Равзат ус-сафо”да мактубнинг хулосаси ва кейинги тафсилот йўқ. Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ”ни ёзаётганда эса хатни асл кўринишида бериш орқали олдин йўл қўйган хатосини тузатиб кетган. Мактубнинг асли шундай бўлганини турли манбалар –мактубот ва муншаот каби хат тўпламларида мавжуд бўлган нусхалари билан чоғиштириш ҳам тасдиқлайди. Қаранг: Мактуботи тарихий: Қўлёзма.Ўз ФА ШИ, инв. № 3743,161^б-163^а-вар.; Мажмуаи руқъаот: Қўлёзма.Ўз ФА ШИ, инв.№ 296,169^б.-вар.

¹ Чунончи, Низомулмулкнинг тор-мор этилишига тайёргарлик жараёнида, хусусан, Афзал Муҳаммаднинг Ироқдан чақирилиб, сарой хизматига жалб этилишида Навоийнинг фаол аралашуви юз бергани ва шу даврдан эътиборан у султоннинг яқин ҳамдардига айланиши навоийшуносликда етарли ёритилмаган. Айни шу воқеалар шоир ҳаётининг охириги 15 йили ва шахсий кечинмалари тафсилотларини тиклашга ёрдам беради.

² Ҳабиб ус-сияр... : Қўлёзма.Ўз ФА ШИ, инв.№2153.- IV жилд, 281^б-вар.

³ Равзат ус-сафо,59- бет.

⁴ Экаев О. Туркменистан и туркмены в конце XV-I пол. XVI вв.- Ашхабад: Ёлым, 1981, стр.72-74 .

эканлиги, Бадиуззамон томонидан Ҳиротнинг қуршаб олиниши султоннинг Абдулмуҳсин Мирзога қарши Марвга борган пайтида эмас, балки Муҳаммад Ҳусайн Мирзонинг исёнини бостириш учун Астрободга борган вақтида рўй берганлиги ушбу манбадаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириб кўришга жиддий зарурат борлигини кўрсатади.

Хуллас, манбалар руҳиятидан шуни англаш мумкинки, мамлакатда юзага келган сиёсий тангликни бартараф этиш ва издан чиққан бошқарув жиловларини қайта қўлга олишга Ҳусайн Бойқаро кучсизлик қила бошлайди. Шунинг учун ҳам қалтис вазиятларда Алишер Навоийнинг шаҳзодалар орасидаги мавқеидан фойдаланишдан бошқа иложи қолмаган эди. Буни тўғри англаган Навоий ҳаж сафаридан умидини бутунлай узади ва Султон Ҳусайн Бойқаро билан ўзаро келишувга мувофиқ умрининг охирини Ансорий мақбарасида ўтказишга қарор қилади.

ОХИРГИ ИЛТИМОС

Алишер Навоий Абулмуҳсин Мирзо билан сулҳ тузиб қайтаётган Султон Ҳусайн Бойқаро билан Сарахс яқинидаги Бозоргони тавия номли қишлоқда учрашади. Хондамир учрашув натижасини шундай очиб беради: "...Олий даражали амир улуғ қароргоҳда уч кун туриб, ўша кунлари подшоҳга, шаҳзодаларга ва ҳарам аҳлларига ажойиб чопқир отлар, юкташир туялар, беҳисоб молу маблағ тортиқ қилди. Амирлар, вазирлар, садрлар ва ичкиларни, подшоҳ даргоҳидаги мулозимларнинг кўпчилигини инъому эҳсон мевалари билан мамнун этдилар. Сўнг аъло ҳазратга арз қилдилар: "Сиз бир вақтлар подшоҳлик ишлари билан шуғулланишдан бош тортадиган бўлсам, шайх Нажмиддин Кубро мазоридида тураман ёки Хожа Абдуллоҳ Ансорий остонасини супурувчи бўламан, деб айтган эдингиз. Эндиликда бу иш сизга муяссар бўлмайди, менга эса Ҳижоз сафарига хоҳиш ва рағбат билан ижозат бермайсиз. Шундай бўлгач, энди рухсат берсаларки, сизнинг ваколатингиз билан қолган умримни Ансория остонасини супуришга сарф қилсам. Мулозимлик ишларидан батамом озод бўлсам, чунки қарилик мадорсизлиги вужудимга таъсир кўрсатиб, қувват кетган, бадан заифлашган..." Ҳазрати соҳибқирон лутфу меҳрибонлик кўрсатиб ва бу илтимосни яхши қабул қилиб деди: "Модомики, сиз Ҳуросонда турар бўлсангиз, ҳар қандай илтимосингиз ўринлатилади, чунки аниқ биламанки, агар сизнинг шариф вужудингиздан бу мулк холи қолса, катта-кичик, барча халойиқнинг аҳволида қўзғолон юз беради". Шу онда соф кўнгил амирнинг қобил қоматини тугмалари олтин, авраси зардор қора қундузий пўстин, мазкур мансабга муносиб бошқа қимматбаҳо тўнлар билан беади ва пойтахт Ҳиротга қайтишга рухсат берди¹. Биз эътиборни қаратмоқчи бўлган нарса шуки, Навоий "Ҳазойин ул-маоний" девони дебوحасида юқоридаги илтимосни ифодалаган ўз мактубини келтирган. Мактубда Навоий оғир касалликка чалингани, энди қолган умрини тоат-ибодатда ўтказишга қарор қилганлиги ёритилгани учун унинг мазмунини тўлароқ келтиришни мақсадга мувофиқ деб биламиз:

"Қуллуқ арзадошт улким, бу бандага ёш улғайган чоғда заъфе юзланди. Ва ул заъф риштаси риштадек заъфлик пайкаримга андоқ чирмондики, ул қуёшдек замирға равшандир. Ҳоло мизожим истиқоматдин мунҳариф ва баданимда неча мараз мухталифдур. Ва атиббо иложидин ожизу мўъзил ва атиббо мижозимдин мутаажжибу малул, димоғим паришонлиғидан сўзум номарбуту хаёлим ошуфталиғидин ҳолим номазбут. Бағрим

¹ Навоий замондошлари хотирасида, 57, 96, 141- бетлар.

қизигонидин жисмимда ҳемое лозим ва кўнглум озғондин бошим айланмоғи ва кўзум қорормоғи дойим. Не тонгдин оқшомғача ўзумға бир дам ғизодин ком, не оқшомдин тонгғача турфат ул-айни кўзумға уйқудин ором. Хотирим савдоомиз хаёллардин мушавваш, бесару дилликдин ҳар неча дилкаш сўз бўлса кўнглумга нохуш. Меъдамнинг ҳазм қилур ғизоси замона аҳлининг изоси, кўнглумнинг нишот базмида майи ноби фалак тийғи оқизғон бағир хуноби, нотавониким, юқори мазкур бўлғондек ғизо қилур оши мисқол тоши била бўлғай, агар гоҳи заиф хоотири шарбат майли қилса, ул доғи бу тош торозуси била тортилғой, киши қўлдамайин ердин қўпарида кўп озор бўлғай ва асо мадади бўлмагунча ердин қадам кўтармаги душвор, сайр ҳавосин қилса, ики инсонга отландурур тушурурида ҳаммолвашлик, отлонғонидан сўнгра пайсари юкидин бир ҳайвонга мурдакашлик, тушкондин сўнгра бу сайр куфтидин аъзоси нокор, бу озурдалиқдин яна бир кеча-кундуз тебрана олмай, андоқки, бир йиллик бемор, иссиҳ нафасларидин ҳаётининг гули пажмурда ва нафасининг оғир кирар-чиқаридан заиф тани озурда.

Рубоия:

*Ҳар шому саҳарга тегру ингранмоқ иши,
Бу ёнидин у ёнига айламоқ иши.
Гаҳ-гаҳ иситма ўтидин ёнмоқ иши,
Гаҳ тўнгдуруридин яна чирманмоқ иши.*

Рубоия:

*Не жисмида тобу не танида қувват,
Не кўнгилда хушлуқ, не ўзида сиҳҳат.
Мундоқ кишининг муносибидур қурбат,
Вайронасидин чиқмоқ анга не нисбат.*

Султон соҳибқироннинг инъоми беғоятидин ва эҳсони бениҳоятидин умрин бу давлатлиғ даргоҳда ва ҳаётин бу саодатлиғ боргоҳда юқори ўтган шарҳ била сарф этган банданинг илтимоси будурким, мазкур бўлғон тараддуд ва машаққатлардан озод бўлғай. Ва ғамгин кўнгли бу навъ заъф айёмида нисбатсиз қайғулардин шод, мундоқ умрдаким, бу кун тонглалик маълум эрмас... Умид улким, ул ҳазрат давлатидин андоғким, дунё иқбол ва комидин мустафид бўлдим, охират кому иқболидин ҳам ноумид бўлмоғоймен. Ул остоннинг кулларининг бу қул била ёрлик нишони улдуким, султон соҳибқирон иноятидин бир ёрлик нишони битилғай ва бу бандани султоний иморатнинг байт ул-маҳфирасининг сойир жорубашкашларидин бирининг ўрнига мансуб ва сарафроз этилғайким, бу афтодалиғ айёмида бори ул остонада йиқилғаймен. Қувватим бўлғонда супурги олиб илгим била ва қувватим бўлмоғонда супурги ўрниға кирпигим била ул остонани супурур баҳонаси била ариғ ва бу уйни ул сурма била ёруғ тутгаймен. Ва бу хизматимни дин ва охиратим шарафи билғаймен”¹.

Хондамир Сарахс учрашуви тафсилоти давомида келтиришича, султон Навоийга Ансорий мазорининг жорубкашлик-супурувчилигини бергач, у шу ҳақда фармон чиқарилишини сўраган. Фармон Сарахсда эълон қилинган. Хондамир ёрлик-фармон матнини келтирмаган. Биз анча изланишлардан сўнг уни Навоий замондоши Абдуллоҳ Марвориднинг хатлар тўпламидан топдик².

Унинг мазмуни куйидагича: “Тўғри ҳадисга эътимод вожиб бўлганлигидан “Бир-бирлари билан келишган руҳлар (ерда ҳам) дўстлашади” равшан мазмуни иттифоқу

¹ Навоий. Хазойин ул-маоний. Дебоча, 20-22-бетлар.

² Қаранг: Сирожиддинов Ш. Қуллук арзадошт улким... // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1991-№ 4, 68-73-бетлар.

иттиҳод воситасидир ва азал субҳи ошнолик силсиласиким, боқий дунё мустаҳкамлигидир. Бирлаштириш ва кенгайтириш ойинаси маъни арбоблари орасинда ушбу далил билан муқаррар ва мусалламдир. Ундан олдинроқким, жон ғайб ичра ниҳон ва дилдор руҳ аксиким, жон ойнаси эрди,хумоюн сувратли ҳар сифатким, ғайб водийси фазосида кашф бўлса, шухуд мамлакати қисматида жилваланди ва жилва қилур. Бу баён сидқи ва важ келтирмакдин муддао шулким, руҳонийлик шартларига содиқлик ва муносибликка кўра, муқаддас сифотлик зот, жаноби давлат устунни, мамлакат умдаси, дину давлат арбоблари доҳийси, мулку миллат асҳоблари зубдаси, хайрли ишлар мувофиқи, хоқоний давлат таянчи, ҳазрати султоннинг яқин кишиси, дину давлат низоми амир Алишернинг тавфиқли толеси маълумдир. Тавфиқ шундай бахтга муяссар этдиким, гўдаклик бешиги матласидин офтоб нурли давлат юлдузининг юксакликка кўтарилишигача мувофиқат йўлида хумоюн даражали, сулаймон сифотли ул зот била бирга бўлдим. Аржуманд хотирга шоҳона дунёвий мақсадлар йўлида зоҳирий ва ботиний кўмак бериш шарафи топширилган эди. Алҳамдулиллоҳ, бу узоқ муддат ва бутун даврон кечмиши ул саодатли ном ва жанобнинг муборак вужуди била зебу зийнат топган, беғубор давлатга ҳар томонлама далолатдир. Ҳақиқатан, бу изоҳга гувоҳликнинг ҳожати йўқ. Ушбу ёрқин тасаввурга биноан, ҳамиша хотири ризолиги сўралди. Агар ул жанобнинг эзгу замири хоҳиш-иродаси юз берса, рад этмаганмиз, у кишининг илтимосларини сўзсиз қабул қилганмиз. Ҳамиша мунаввар толели замижда “Жаҳонгирлик ва жаҳонбонлик, осмон қадар юксакликка кўтарилган мулкчиликдан сўнг азим қутблар қутби, олам машойихлари султони... Абу Исмоил Хожа Абдуллоҳ Ансорий...нинг мозори мулозамати ва машойихлар малики, ҳақиқат нурлари йиғиндиси... Шайх Нажмиддин Кубро..остонаси мулозамати муяссар бўлса ва саодатли салтанат айёми бу қутлуғ муваффақият хабарини келтирса деган ақида бўлганлигидан, бу хусусда ул жаноб (Навоий) билан доим тортишар эдик ва бу ҳол шунгача давом эттиким, ул жаноб арз қилдиким, “хумоюн хотирнинг нияти шундай эди ва мунаввар кўнгил ушбунни тасдиқлайдиким, бу эзгу ният ул салтанат устунининг шиоридир, ҳазрат.. Хожа Абдуллоҳ Ансорий остонасига фарзандлик ҳисси ва ҳазрат Шайх Нажмиддин...улуғ мозорига яқинлик жиҳатидан жуда муносибдир. Агар супурувчилик ва ул сипеҳрошёнлик остонанинг хизмати хумоюн ваколоти била бу жанобга топширилса, умид улким, хумоюннинг (Хусайн Бойқаронинг) ниятлари амалга ошур. Ва дарё бир қатра бўлмиш хотирининг мазкур муддаоси бажарилур!”

Шу ерда ҳукм қилдиким, башарият улуғи Ансорий остонаси ул жанобнинг (Амир Алишернинг) ҳомийлигига топширилсин! Ул жанобнинг яхши кун кечириши ва ички ишларига қўлдан келгунча илтифот кўрсатилсин! Арбоблар ул жаннатмонанд манзилнинг ривож-равнақи, тартиб-интизоми йўлида ул жаноб (Алишернинг) шариф фикри қандай ва талаби қай даражада бўлмасин, иложи борича бажо келтиришга ҳаракат қилсинлар!

Саодатманд фарзандлар! Номдор амирлар ва олий миқдор садрлар! Эътиборли вазирлару барча ҳокимлар, ҳазрат аъёнлари, хос гуруҳлару қуйи табақаларнинг барчаси! Айниқса, ул муқаддас даргоҳ вақф ишларидаги мутаваллилар, мутасаддилар ва мубоширлар! Хусусан, ул жаноб фармойишларини бажармоқни вожиб деб билувчилар! Ул кишининг яхши ниятли фикри билан мувофиқа қилмасдан, ёрдамчиларига маъқуллатмасдан бирор ишга қўл урмасинлар ва вақфлар йиғиндисининг жаъми ул жаноб қандай лозим топсалар, шул тариқа шаръий харажатга сарфлансин! Ва ўзларининг тайинланиш ва бўшатишлари ул жанобга боғлиқ деб билсинлар! Ва ҳеч ким ул кишининг розилигисиз мўътабар остонанинг муҳимотига асло қўл урмасин!”¹

¹ Абдуллоҳ Марворид. Муншаот. ЎзФАШИ, инв. 880, 110-варақ. Таржима муаллифники.

Шу ўринда аниқлик киритилиши лозим бўлган бир жиҳат кўзга ташланади. “Хазойин ул-маоний”нинг тартиб берилиши ҳ. 902/1497 мил. йилга келиб тугатилган деб ҳисобласак, унда, султон “Хазойин ул-маоний” дебчасида зикр этилган мазкур илтимосни бажаришга узоқ вақт шошмаган бўлиб чиқади. У ҳолда, Хондамир тасвирлаганидек, ҳ. 904/1499 мил. йили Сарахсда, яъни орадан икки йил ўтиб, Навоийнинг султонга мурожаат қилишига такрорий илтимос сифатида қараш мумкин. Аммо Алишер Навоий бу мактубни “Хазойин ул-маоний” девони дебчасида сабт қилар экан, уни муддаоига эришганлик белгиси сифатида сақлаб қолишни котибларга васият қилади: “...Ва ул арзадоштим саводин бу дебоча зайлида сабт этгаймен ва битғучиларга ҳам бу фикрастдин бу арзадоштни айирмасқа васият этгаймен. То кун сўнги бу дебочани ўқуғон элға бу арзадоштим била бу муддаоимга етғоним нишонаи бўлғай возиҳ ва далили бўлғай лойиҳ. Бу жиҳатдин то олам инқирози бўлғусидир Султони соҳибқирон давлатиға дуо қилғайлар ва шафқат ва бандапарварлиғига сано дегайлар!”¹

¹ Навоий Алишер. Хазойин ул-маоний: Ғаройиб ус-сиғар. Дебоча, 18-бет

ХУЛОСА

Рисолада Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид илк маълумотлар санавий изчилликни бузмаган ҳолда қайта кўриб чиқилди. Улуғ шоир ҳақида биз билган барча маълумотлар, айнан мазмун-моҳияти билан сиз танишиб чиққан манбаларга тақалади. Шу билан бирга, мушоҳада қилинганидек, тазкиралардаги маълумотлар жанр талаби нуқтайи назаридан қисқа келтирилган бўлиб, узуқ-юлуқ, ахборот тариқасидаги қайдлардан иборат. Тарихий асарларда улуғ мутафаккир ҳаёти тафсилотлари анча батафсилроқ келтирилсада, аммо улар ҳам султон юришлари воқеалари баёнида йўл-йўлакай зикр этилган маълумотлар бўлиб, Навоий ҳаётини изчил ёритиш масалаларида талабга жавоб бермайди. Шуни ҳисобга олиш керакки, тарихчилар катта муддатни бир сатрга жойлашган. Кўп ҳолларда воқеанинг санаси ва ўрни кўрсатилмаганидан ёки сўз узайишидан қочиб ахборот тариқасида икки-уч оғиз гап қистириб кетилган. Кўпинча, қисқа сатрлар бир неча ой ва йилларни ифода этиб, маълум ишора ёки маълумот аниқлик жиҳатидан мавҳумлик касб этган. Бу табиий ҳол бўлиб, манбаларнинг жанрий хусусиятлари ва умуман, ўша давр талаблари нуқтайи назаридан тўғри ва шундай ёритилиши маъмул бўлган воқеа-ҳодисалар талқини Алишер Навоий ҳаётининг биз учун анча муҳим кўринган баъзи томонларини ўз ичига қамраб ололмаган ёинки ҳозирда муҳим саналган маълумотларни ўша даврда тўлароқ зикр этишга эҳтиёж сезилмаган. Шу ерда таъкидлаш ўринлики, айнан мана шу “бўшлиқ”лар кейинги даврларда Алишер Навоийнинг машҳурлиги ва унинг шахсиятига қизиқиш йўқолмаганлиги оқибатида турли талқинлар воситасида “тўлдирилган” ва натижада илк манбалардаги маълумотлардан, кўп ҳолатларда, анча фарқ қилувчи маълумотлар туғилган.

XV-XIX асрларда яратилган манбалардаги Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотларнинг ўзаро қиёсий типологик-текстологик таҳлили Навоий шахсияти талқини икки кўринишга эга эканлигини кўрсатди. Уларни бирламчи ва иккиламчи талқинларга гуруҳлаштириш мумкин:

Бирламчи талқин ижодкорлари Навоий билан ҳамаср ва замондош инсонлар бўлиб, улар ўз кузатишлари, кўрган-билганлари ва эшитганлари асосида Навоий ҳақида энг дастлабки, илк маълумотларни ўқувчилар эътиборига умумий чизгиларда бўлсада, ҳавола этдилар. Бундай муаллифлар сирасига Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ, Абдурахмон Жомий, Хусайн Бойқаро, Мирхонд, Муъиниддин Исфизорий, Хондамир, Абдулғафур Лорий, Абулвосеъ Низомий, Али Сафий, Фахрий Ҳиротий, Зайниддин Восифийларни киргизиш мумкин. Улуғ мутафаккир ҳаётига доир маълумотларнинг энг кўпи унинг яқин ёрдамчиси ва шогирди Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир қаламига мансубдир. У “Равзат ус-сафо”нинг VII жилди, “Хулосат ул-ахбор” ва “Ҳабиб ус-сияр” тарихий асарлари ва “Макорим ул-ахлоқ” асарида ўзининг шахсий кузатишлари орқали Навоийнинг ёрқин сиймосини ҳаққоний кўрсатиб берган. Айниқса, “Макорим ул-ахлоқ” Навоийга бағишланган ёднома сифатида муҳим аҳамият касб этади. Бироқ мазкур асарнинг энг катта нуқсони шундаки, муаллифда аниқ маълумотлар бериш имконияти бўла туриб, биринчидан, кўп ҳолларда, воқеа-ҳодисаларнинг санасини зикр этмаган ва иккинчидан, Навоий ҳаётини санавий изчилликда очиб бермаган. Шунинг учун ундан жой олган маълумотлар унинг ҳаёт йўлини тўлиқ ёритиб бера олмайди. “Макорим ул-ахлоқ” улуғ мутафаккир ҳақидаги хотиралар мажмуаси сифатидагина баҳоланиши мумкин. Хондамирнинг тарихий асарларига келсак, уларда Амир Алишер фаолиятига кенгроқ тўхташга иштиёқ сезилсада, аммо султон юришлари воқеалари баёнида йўл-йўлакай зикр этилган маълумотлар сифатида Навоий ҳаётини изчил ёритиш масалаларида талабга жавоб бермайди. Шундай манзара Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн” тарихий асарида ҳам, Абдулғафур Лорий, Абулвосеъ Низомий ва Фахриддин Али Сафий асарларидаги Жомий билан боғлиқ ўринларда ҳам кўзга ташланади. Тазкиралар Навоий ҳақида муҳим маълумотлар қолдирган бўлсалар-

да, келтирилган маълумотлар узуқ-юлуқ, ахборот тариқасидаги қайдлардан иборат ёки Навоий ҳаётининг фақат бир томонинигина ёритишга бағишланган.

Илк маълумотларда кейинги талқинлардан фарқли ўлароқ, маддоҳлик хусусиятлари устувордек кўринса-да, аммо уларнинг барчасига хос бўлган асосий ва умумий услуб шунда кўринадики, маълумотларда аниқ таъриф ва пухта далил пешма-пеш келтирилган. Бу услуб, гарчи тазкиранависликнинг асосий мезонларидан бири сифатида илгаридан маъмул бўлиб келган бўлса ҳам асл талқин маълумотларида ўзгача фазилатга эгадир. Аввало, Навоий ҳақида маълумот берувчиларнинг ўзлари Навоийни яқиндан яхши билувчи, юқори даражада шоиртабъ ва шеър санъатининг нозик пардаларини илғаувчи нуктадон бўлганлар. Улар Навоийнинг шоир сифатидаги даражасини кўрсатишда мақтамаслик, бадий маҳоратига тан бермасликнинг имкони йўқлигига ишора этиб ўтганлар. Иккинчи томондан, Навоийнинг дунёқарashi, ақидалари, фаолиятининг муҳим қирраларидан яхши хабардор бўлганлари боис, барча сифатлари мақтовга сазовор эканлигини қисқа сатрларда ва нозик ишораларда бўлса ҳам ифода этганлар. Учинчидан, мутасаввуф сифатида буюк суфий мутафаккирлар - Хожа Аҳрор Вали ва Абдурахмон Жомийларнинг хос эътирофларига сазовор бўлган ва эътиборини қозонган, давлат арбоби сифатида Хусайн Бойқаро ва Ироқу Рум султонлари наздида мукаррам бўлган Алишер Навоийнинг холис тавсифи кучли мадҳ бўлиб кўриниши эътироз уйғотмайди.

Бирламчиталқин ижодкорларининг ҳар бирида ўзига хос услуб намоён бўлган. Давлатшоҳ Самарқандий, Абдурахмон Жомий ва Султон Хусайн Бойқаро унинг ижоди таҳлилида бирдек нуктадонлик кўрсатган бўлсалар, унинг таржимаи ҳоли бобида ўз қарашларидан келиб чиққан ҳолда ўзлари афзал деб билган томонларга кўпроқ ўрин ажратганлар. Жумладан, Давлатшоҳ унинг ёшлик даври ва хайрия иншоотларига эътиборни қаратиш орқали буюк саховатпеша эканлигини, Жомий унинг фақр ва суфиёна хулқ-атвори васфи воситасида унинг комил инсон эканлигини кўрсатиб беради. Хондамирда буюк устозга таъзим ва миннатдорчилик, Восифийда шахсан таниш бўлиш бахтидан масрурлик, Фахрий Ҳиротийда буюк истеъдоддан ҳайрат уларнинг мавзу йўналишини белгилаган.

Бироқ, бирламчи талқинни ташкил этган илк қўлёзма манбалардаги маълумотларда тўқима тафсилотлар ҳам мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Улар, асосан, XVI асрнинг I ярмида ижод этган Мирзо Ҳайдар Дўғлот, Ҳакимшоҳ Қазвиний, Сом Мирзо Сафавий асарларида учрайди. Бу муаллифлар Навоий ҳақида китобларда зикр этилган маълумотларга янгилик қўшиш мақсадида халқ орасида тарқалган овозаларни текширмасдан ўз асарларида қайд этганлар.

Алишер Навоий вафотидан сўнг турли ҳикоя ва нақллар, латифа ва аския-мутойибаларнинг ёзма адабиётга олиб кириш ҳаракати уларнинг халқ орасида машхур бўлганлигини билдиради. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам “Мақорим ул-ахлоқ”даги каби маърифий аҳамиятга эга бўлмасдан, олди-қочди, кўнгилочар воқеалар тавсифидан иборат.

Манбаларда Алишер Навоийнинг ижодидан кўра унинг шахсиятига нисбатан қизиқиш кўпроқ бўлганлиги сезилади. Сабаб учта:

1. Алишер Навоий Шарқоламида Рашидиддин, Бузуржмехр каби доно вазирлар қаторидан жой олган буюк тарихий сиймодир. Ундан сўнг тарих бундай кишини қайд этмаган.

2. Барча тазкиранавислар ўз китобларининг ўқишлилик даражасини ошириш учун ўзларига нисбатан яқин даврда яшаб ўтган ҳамда афсонавий адолатпарвар вазир сифатида халқнинг қалбига чуқур сингган Алишер Навоий шахсияти ва таржимаи ҳолига доир маълумотларни зикр этишдан манфаатдор бўлганлар.

3. Тазкиранавислар баъзи форс шоирлари ва ижодкорларининг машхурлигини ошириш мақсадида унинг фаолиятида Алишер Навоийнинг ролини ёинки муносабатлари масаласини атайин бўрттириб кўрсатганлар. Масалан, Камолиддин Биноий масаласи бунини исботлайди.

XVI асрнинг II ярмидан бошлаб, Навоий ҳаёти ва фаолиятини ёритишда иккиламчи талқин услуби яққол кўзга ташланади. Бу даврда унинг қуйидаги кўринишлари кузатилди:

1. Илк ёки иккиламчи маълумотларнинг биридан айнан кўчириш (Дарвишали Чанг, Маҳмуд бин Вали, Фаҳмий, Шарифжон Садр Зиё, Мирсиддиқ Ҳашмат, Муҳаммад Мазҳар Сабо ва бошқалар).

2. Турли даврларга тааллуқли икки ва ундан ортиқ манбалардаги маълумотларни қўшиб ишлатиш (Абдулмўминхон, Бахтовархон, Муҳаммад Юсуф Мунши, Абдуллоҳ Кобулий, Муҳаммад Абдулмажидхон, Ҳасанхожа Нисорий, Сом Мирзо, Шерхон Лудий, Ғаффорий, Муфтий Балхий, Фаҳмий)

3. Илк ва иккиламчи манбалардаги маълумотларни ўзгартириш (Абдулмўминхон, Абдуллоҳ Кобулий, Ҳусайнкулихон Азимободий, Волаи Доғистоний, Дарвишали Чанг, Хокий Шерозий, Муҳаммад Мазҳар Сабо)

Мазкур аралаш талқин услуби кенг расм бўлган XVI асрнинг II ярми-XIX аср манбаларида Навоий шахсиятига ёндашув қуйидаги кўринишларда учради:

1. Китобнинг ўқимишлилигини ошириш нуқтайи назаридан Алишер Навоийнинг машҳурлигидан фойдаланиш (“Нигористони Ғаффорий”, “Зийнат ул-мажолис”, “Музаккири аҳбоб”, “Мажмаъ ул-ғаройиб”).

2. Ихтиёрсиз равишда (XVI асрнинг II ярми-XIX аср таърих тўпламларида ва баъзи тазкираларда, жумладан, “Ҳафт иқлим”, “Осори аҷам”, “Оташкада”, “Гулзори аброр”)

3. Анъана сифатида (“Баҳр ул-асрор”, “Тазкираи Муқимхоний”, “Миръот ул-олам”, “Миръот ул-хаёл”, “Нигористони сухан”, “Наштари ишқ”, Фаҳмий ва Ҳашмат тазкиралари.)

4. Онгли равишда (“Том ут-таворих”, “Мунтахаб ут-таворих” (Хокий), “Риёз уш-шуаро”, “Рўзи равшан”).

Иккиламчи талқиннинг шаклланишига муаллифларга маълум бўлган маълумотлар ва тасаввурлар ҳам бир мунча роль ўйнаганлигини таъкидлаш ўринлидир. Бу эса, ўз навбатида, XV асрнинг II ярми XVI асрнинг бошида Алишер Навоий ҳақида айтилган ҳақиқий маълумотлар XX асрга келиб анча ўзгариб кетишига сабаб бўлди. Кейинги давр муаллифлари ўз асарларида берилаётган маълумотни йўқ жойдан олмаганлар, албатта. Ҳар бир маълумотда илгари учраган маълумотларнинг у ёки бу тарздаги вариантларини эслатувчи жиҳатлари бор. Баъзи асарларда халқ орасида машҳур оғзаки нақлларга тўғридан тўғри Навоий образини киритиш ҳолатлари ҳам учрашини ҳисобга олиш керак. Тазкира ёки тўпламларда машҳур кишилар ҳаётига доир маълумотлар етмаганда Навоий билан жуда кўп воситалар орқали боғлиқ инсонлар ҳақида тўхталишга ҳаракат қилинган.

Буюк шоир ва мутафаккир, давлат арбоби Амир Низомиддин Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига ўз замонасидаёқ қизиқиш катта бўлиб, бугунги кунларгача сўнмай келаётганлиги табиий ҳол. Зотан, тарих бундай инсонларни кам кўрган. Жаҳон бадиият ганжинасига муносиб дурру гавҳар асарлар қўшиш билан биргаликда, бутун вужуди билан халқу холиқ ризолиги, маърифату маданият рушду ривожи, хайру саховат йўлида мислсиз жонбозлик кўрсатган бу фариштасифат Инсоннинг номи абадулабад эзгулик тимсоли ва адолат рамзи сифатида тиллардан тилларга, диллардан дилларга кўчиб юришига шак-шубҳа йўқ.

Бугун Навоийнинг ҳақиқий таржимаи ҳолини яратиш учун тўла асос бор. Эндиги вазифа - “майда-чуйда” тафсилотлар сифатида тадқиқотчилар томонидан эътибор берилмай кетган, лекин шоир ҳаётининг мавҳум томонларини очишга хизмат қиладиган жузъий маълумот-ишораларни ўрганиш, Навоийнинг шеърӣ асарларидаги автобиографик қайдлар ва илк манбалардаги маълумотларни диққат билан ўзаро чоғиштириш, шоир таржимаи ҳолини қўшимча тафсилотлар билан бойитишдир. Навоий шеърлари унинг ҳаётӣ кечинмаларига изоҳ учун келтирилганда ҳар бир девоннинг яратилиш санаси, ундан олинган шеърнинг бошқа девонларда учрамаслиги ҳисобга олиниши лозим.

ИЛК МАНБАЛАР ВА УЛАРДАГИ АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЁТИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

I. Алишер Навоийнинг ўз асарларидаги маълумотлар

1.Энг биринчи ёд олган ғазали Амир Қосим Анворнинг “Риндему ошиқему жаҳонсўзу жомачок, Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок”Матлаъли ғазали бўлиб, бу пайтда уч ё тўрт ёш орасида бўлган.

2. Шоҳрух Мирзо вафотидан сўнг Алишерлар оиласи Хуросондан қочиб, Ироққа (ҳозирги Эрон) кўчди.

3. Йўлда Тафт қишлоғида Шарафиддин Али Яздий билан учрашди. Бу пайтда Навоий эътирофича, у олти ёшда бўлган. Сухбатда Навоийнинг шу ёшда Қуръони Каримнинг “Таборақ” сурасигача ёд олгани маълум бўлади.

4.Паҳлавон Муҳаммад ҳақида ёзган “Ҳолот”ида уларнинг дўстлигига қирқ йилга яқин вақт бўлганлигини айтиб ўтган.Улар сирдош дўст бўлганлар. Агар асарнинг 1493 йил ёзилганлигини эътиборга олсак, уларнинг дўстлиги тахминан, 1454 йилдан давом этиб келганлиги маълум бўлади.

5.Тоғалари – Мир Саид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибий.

6.Мир Шоҳий номли шоир вафот этганда унинг отаси Сабзавор ҳокими эди.

7. Таниқли аруз билимдони Мавлоно Яҳё Себакнинг шогирди Дарвеш Мансурдан арузни ўрганган.

8. Хожа Юсуф Бурҳондан мусиқа бўйича таълим олди.

9.Самарқандда Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий ҳузурда икки йил таълим олди.

10.Навоий Самарқандда Улои Шоший, Мавлоно Юсуфлар билан танишди.

11.“Мажолис ун-нафоис” дан Алишер Навоий тарбияси остида фарзанд мақомида кун кечирган баъзи бир яқинлари ҳақида ҳам ахборот олиш мумкин. Масалан, у Мавлоно Ҳожи Муҳаммад исмли машҳадлик йигитни ўзига фарзанд ўрнида ҳисоблашини ва фарзанддан ҳам азизроқ кўришини айтиб ўтган. Мавлоно Шарбатий Навоий қошида улғайган, Мир Ҳайдар Сабухий Навоийнинг жияни, яқинлик жиҳатидан фарзанд ҳисобланган. Мир Иброҳим Амир Алишернинг Шайх Баҳдулбек исмли ниҳоятда қадрдон дўсти ва тутинган оғасининг набираси бўлиб, Навоий уни ўғлидай асраб катта қилганлигини таъкидлаган. Мавлоно Шоҳ Али Навоийнинг мадрасасида таҳсил олиши билан бирга, унинг хизматида бўлган. Шунингдек, Навоий Саид Ҳасан Ардашер ҳақида гапира туриб, Мирзобек исмли йигит ҳам у кишига ҳам унга фарзанд ўрнида эканлигини айтиб ўтади.

II. “Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”

Абдураззоқ Самарқандийнинг ушбу тарихий асари 872 (1467-1468)-874 (1469-1470) йиллари орасида ёзиб тугатилган ва 875 (1470) йили муаллиф уни яна давом эттириб, ўша йилнинг сафар ойида (1470, август) рўй берган воқеаларни ҳам қўшган¹. Асар икки жилддан иборат бўлиб, биринчи жилди 807 (1405)-832 (1428-1429) йиллар воқеаларини ўз ичига қамраб олган. Иккинчи жилди 833 (1429-1430)-875 (1470) йиллар воқеалари тавсифидан иборат. Иккинчи жилднинг биринчи қисми таниқли шарқшунос олим А. Ўринбоев томонидан таржима қилиниб, нашр этилган². Бироқ унинг Навоий ҳаёти ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган иккинчи қисми таржима қилинган эмас.

¹ Ўринбоев А. Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳаёти ва тарихнавислик фаолиятига доир//Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Кириш сўз,II. /Масъ. мух. С.Азимжонова, У.Каримов.-Тошкент: Фан,1969,19-бет.

² Абдураззоқ Самарқандий. “Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”. Юқоридаги нашр.

1.Қадим замонлардан мукаррам боболари ва азим аждодлари улуғ амирлар қаторидан жой олган.

2.Умаршайх Мирзо хонадони давлати даврида кўкалдошлик даражаси эътибор қалами билан рўзгорлари лавҳига ёзиб қўйилган.

3.Мовароуннаҳр вилоятида бир қанча вақт - неча йилу ой, саҳару шом турли фазилатлар ва камолот касб этди.

4.Олимлар ва муҳаққиқлар пешвоси Хожа Аловиддин Фазлуллоҳ Абу Лайсий мулозаматида диний илмлар таҳсили ва яқиний маърифат тақомилида машғул бўлди.

5.Авлиёлар қутби Хожа Носириддин Убайдуллоҳнинг, Аллоҳ унга тинчлик берсин, файзли бузургвор мажлисидан файз олиб, офтоб янглиғ мунаввар сийратидан баҳра олди.

6.Амир Алишер Самарқанддан ҳайит арафасида Ҳиротга етиб келди.

7.“Ҳилолия” қасидасини назм этиб, ҳайит куни султонга тақдим этди.

III. “Равзат ус-сафо”, “Хулосат ул-ахбор” ва “Ҳабиб ус-сияр”

“Равзат ус-сафо фи сияр ил-анбиё вал-мулук вал-хулафо” (Набийлар, маликлар ва халифаларнинг таржимаи ҳолида софлик боғи) асаридир. Муаллифи Муҳаммад ибн Ховандшоҳ (Мирхонд) бўлиб, Навоийнинг ҳомийлиги остида яшаган. Бу асар етти жилддан иборат бўлиб, Ўрта Шарқ ва Осиё тарихига бағишланган. Асар яратилишига Алишер Навоийнинг ўзи раҳбарлик қилган. Хондамир қаламига мансуб “Хулосат ул-ахбор фи аҳвол ил-ахёр” (Хайрли кишилар аҳволида жаҳон хабарларининг хулосаси) асари ҳижрий 904-905/1498-1499 йилда Навоий раҳбарлигида олти ой ичида ёзиб тугалланган. Хондамирнинг машҳур тарихий асарларидан яна бири “Ҳабиб ус-сияр фи ахбор ва афрод ал-башар” (Инсон хабарлари ва фардларида Дўстнинг таржимаи ҳоли) бўлиб, у 1515-1523 йиллар орасида ёзилган. Улардаги маълумотлар айрим тафовутларни назарга олмаганда, “Хулосат ул-ахбор” ва “Равзат ус-сафо”даги маълумотлар билан бир хилдир.

I. Султон Ҳусайн Бойқаронинг Ҳуросон тахтига илк бор ўтириши ва Алишернинг Ҳиротга қайтиши.

II. Навоийнинг 1469 йилгача бўлган ҳаёти:

1) Алишер аждодининг темурийлар хонадонига алоқаси,

2) Мирзо Абулқосим Бобур саройида.

3) Абулқосим Бобур вафотидан сўнг Машҳадда қолиб, илм билан шуғулланиши.

4) Султон Абу Саъид замонида Ҳиротга қайтиб, бир неча вақт яшаши, аммо ўз ҳолига муносиб эътибор топа олмай, Самарқандга кетиши.

5) Жалолиддин Абуллайсий хонақосида истиқомат қилиши. Мовароуннаҳр ҳокими Султон Аҳмад Мирзонинг яқин қариндошлари ва амирлари бўлмиш амир Дарвиш Муҳаммад Тархон ҳамда Амир Аҳмад Ҳожибек билан яқинлашуви. Султон Аҳмад Ҳусайн Бойқаронинг Ҳуросонга қилган юришини эшитганда, Навоий унинг ўрдусида эди. Султон Абу Саъид ўлими хабаридан сўнг Навоий Султон Аҳмаддан рухсат олиб, Ҳиротга қайтади ва рўза ҳайити арафасида Бойқаро билан учрашади ва “Ҳилолия” қасидасини тортиқ қилади. Алишернинг муҳрдорлик вазифасига тайинланиши.

III. Султон Ҳусайн мунажжимни чорлаб, Ёдгор Мирзога қарши уруш кунини белгилашига Навоийнинг эътирози.

IV. Амир Алишернинг Низомиддин Бахтиёр Симноний устидан чиқарган ҳукми ва Қутбиддин Товуснинг девон мушрифлигига ўтказиши, Ҳиротда тартиб ўрнатиши.

V. Султон Ҳусайн Бойқаронинг Ёдгор Мирзога қарши уруш режасида Амир Алишер билан сирлашгани.

VI. Султон Ҳусайннинг Ёдгор Мирзога қарши тунги ҳужумида Навоийнинг жасорати. Султон Ҳусайннинг иккинчи маротаба Ҳуросон тахтига ўтириши.

VII. Амир Алишернинг муҳрдорлик вазифасидан истеъфо бериши ва Шайх Аҳмад Суҳайлийнинг Навоий илтимосига биноан муҳрдорлик лавозимига тайинланиши.

VIII. Амир Алишернинг Султон Ҳусайн томонидан амирлик мансабига тайинланиши. Навоийнинг камтарлик юзасидан нишоннинг энг остига муҳр босиши. Бурҳониддин Атоуллоҳ ёзган таърих.

IX. Балхда Амир Муштоқ саркашлиги. Султоннинг Балхга юриши ва Навоийнинг иштироки.

X. Абу Бакр ибн Абу Саъид шаҳид этилган пайтда (х.884/1479) Амир Алишернинг Ҳиротда ҳоким бўлиб туриши .

XI. Амир Алишернинг Астрободга жўнатилиши. У ерда Яъқуб Мирзо Оққуюнли, Ширвоншоҳлар мамлакати билан дўстона алоқаларнинг ўрнатилиши.

XII. Бир йилдан сўнг Ҳиротга келиб, ҳокимликдан озод этилишини сўраши ва рад жавобини олгач, Астрободга қайтиб кетиши.

XIII. Бир неча ойдан сўнг Ҳиротга Астрободдан Амир Ҳайдарнинг келиши ва унинг “заҳар” ҳақидаги уйдирмаси. Султоннинг тезда Астрободга чопар юбориб, ушбу воқеадан хабарсиз эканлигини билдиргани. Алишернинг Ҳиротга келиши ва бу воқеа уйдирма эканлигини айтгани. Амир Ҳайдарнинг жазоланиши ва Навоийнинг шу баҳона Ҳиротда қолиши. Амирлик ва ҳокимликни тарк этиб, ўз масканида тинч ҳаёт кечириши ва султоннинг уни эъзозлаб мактублар ёзганда унинг барча лақабларини келтириши.

XIV. Амир Дарвиш Алининг Балх вилоятида саркашлик қилиш муддаоси. Султон Ҳусайннинг ундан жаҳли чиқиши ва фасод аҳлининг Навоийни Қийбат қилиши. Султоннинг ҳам Навоийдан шикоят қилиши. Алишернинг бундан Қоятда мутаассир бўлиши. Дарвеш Алининг Дехдор воситасида подшоҳ ҳузурига келтирилиши. Султоннинг унинг гуноҳидан ўтиши ва қишлаш учун Балхга жўнаши. Алишер Навоий ва Дарвеш Алининг ҳам у билан бирга бўлиши.

XV. Султоннинг Балхдан баҳор ойида Ҳисорга юриши. Навоийнинг Балхда қолиши.

XVI. Астрободнинг Музаффар Ҳусайн Мирзога берилиши муносабати билан Бадиуззамоннинг отасига қарши кайфияти ва Алишернинг Балхга бориб, унга насиҳат қилиши.

XVII. Амир Алишер Имом Ризо зиёратидан (Машҳаддан) келгач, Мўмин Мирзо қатлини эшитади ва Шайх Мажиддин Боғдодий қатли оқибатларини эсга олиши.

XVIII. 903 йил рамазон ойи охирларида (1498) Султон Ҳусайн-нинг ўзига нисбатан душманлик йўлини тутган баъзи бир кишиларни жазолаш борасида Алишер билан маслаҳатлашгани.

XIX. (903 йил - 1498 июнь) Султон Ҳусайн Ҳиротга чопар юбориб, ўша ерда бўлган Навоийга отга миниб, маҳаллалардан лашкар йиқитишни буюради. Амир Алишер жума куни фармонга биноан иш кўриши.

XX. 904 йилнинг муҳаррам ойида (1498 августъ) Мир Алишер воситачилигида Гўён чашмаси тепасида Бадиуззамон ва Султон Ҳусайн ўртасида сулҳ тузилади.

XXI. Амир Алишернинг Машҳадга бориб Каъба зиёратига рух-сат олиш учун Абдулхай Табибни Марвга юборгани ва Султон Ҳусайндан мактуб келиши.

XXII. Навоийнинг Марв томонга йўлга чиқиши ва Сарахсда Султон Ҳусайн билан учрашуви. Амирнинг Абдуллоҳ Ансорий мазоридаги жорубкашлик вазифасини сўраши ва бу муддаосига эришуви. Ҳиротга қайтгач, Ансорий мазорида ош бериши.

XXIII. Навоийнинг вафоти.

IV. “Макорим ул-ахлоқ”

Хондамир қаламига мансуб бўлиб, Алишер Навоийнинг юксак фазилатларига бағишланган махсус рисоладир.

1. Алишер Навоийнинг туғилган куни- ҳижрий 844 товуқ йили, рамазон ойининг ўн еттинчи куни.
2. Соҳибқирон Ҳусайн Бойқаронинг отаси Ғиёсиддин Мансур, саодатли подшоҳ Мирзо Султон Муҳаммад Бойқаро ва бошқа яқинлари, қариндош-уруғлари бу буюклик ғунчасига ҳамиша меҳр-шафқат кўзи билан боқардилар.
3. Шоҳрух Султон вафотидан кейин Мир Алишернинг отаси ўз бола-чақасини олиб Шерозга жўнаб кетди.
4. Алишер Навоий ҳижрий 874 йилнинг бошида Ҳусайн Бойқаро билан Ёдгор Муҳаммадга қарши урушда қатнашади.
5. Султон Абу Саъид подшоҳлиги даврида Самарқандга бориб, Хожа Фазлуллоҳ Абу Лайсий хонақосидан ҳужра олди ва таҳсилга киришди.
6. Абу Саъид вафотидан сўнг Ҳирот пойтахтига Ҳусайн Бойқаро салтанат байроғини тиккач, ватанга қайтди. Бу ерда энг юқори даражага эришиб, подшоҳ ноиблигини кўлга киритди. Давлат ишлари билан бирга бутун вақтини китоб иборатларини тузишга, маъноларни текшириш, ақлий фанларнинг нозик нуқталарини топишга сарф қилди.
7. Донишманд олимлар учун шароит, талабалар учун мадраса ва хонақоҳлар бино қилди. Масалан, “Ихлосия” мадрасаси, “Халосия” хонақоҳи, “Шифоия”, “Низомия” ва “Хусравия” мадрасалари шу жумладандир. Олимлар миннатдорчилик юзасидан Алишер Навоий номига кўплаб китоблар бахшида этганлар.
8. Туркий ва форсий шеърлар ёзишда ҳар икки тилда қобилияти зўр бўлса ҳам, туркийда таъби ортиқроқ эди.
9. Йигитлик даврида Лутфий ҳузурида ғазал ўқийди. Матлаъси:

*Оразин ёпқоч кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш.*

- Лутфий ниҳоят таъсирланиб “Валлоҳ, агар муяссар бўлса эрди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтларимни шу ғазалга алмашур эрдим”, дейди.
10. Алишер Султон Аҳмад Мирзо ўрдусида:
 - а) Султон Ҳусайн Мирзонинг ўлимга маҳкум этилган икки аскарининг ҳукмини қамоқ жазосига алмаштиришга муваффақ бўлади;
 - б) Мирзобек воситасида Ҳусайн Бойқаронинг икки аскарини ўлимдан олиб қолади.
 11. Ёшлик ва йигитлик замонида доимо дарвешлар хизматида бўлди. Бир қанча вақт жамият билан алоқа ипини узиб, табаррук жой бўлган “Работи Суҳайлда” яшади. Мамлакат жилови Ҳусайн Бойқаро кўлига ўтгандан сўнг Навоийнинг ота-боболари подшоҳ оталарининг яқинларидан бўлгани учун султон уни олий мансабларни қабул қилишга чақиради. Алишер фақру фано йўлини ушлашга мойил бўлганидан ҳар қанча бош тортса ҳам султон қаттиқ қистади ва хуллас “бир соатлик адолат олтмиш йиллик ибодатдан афзал” деган иборага биноан амирлик мансабини эгаллади.
 12. Алишернинг амирлик вазифасига тайинланиши ва унинг Олий Фармоннинг энг остига муҳр босиши.
 13. Алишер Навоийнинг Султон билан келишувига мувофиқ агар султон томонидан ҳар бир иш ўринсиз воқеъ бўлса, Алишер томонидан тўққиз мартагача айтишга ҳақли экани.
 14. Бир неча йилдан сўнг амирликдан истеъфо берди.
 15. Амир Алишер Марвда “Баҳр ул-аброр” қасидасига татаббуъ ёзди.
 16. Абдурахмон Жомий Ҳижоз сафаридан қайтаётганда Навоий хат ва рубоий ёзиб, унга юборади. Абдурахмон Жомий ҳам рубоий билан жавоб қайтаради.
 17. А.Навоий асарлари: “Хамса” – 27000 байт, “Чордевон” – 25000 байт, “Мезон ул-авзон”,

“Чиҳил рубоий”, “Мажолис ун-нафоис”, “Назм ул-жавоҳир”, “Рисолаи муфрадот”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки ажам”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Сайид Ҳасан”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Лисон ут-тайр”, “Насойим ул-муҳаббат”.

18. Ҳижрий 892 йили Мозандарон вилояти Амир қўлига топширилди. Алишер Навоий Мозандарон маркази Астрободда икки йилга яқин яшади.

19. Амир Алишер қурган иморатлар, ҳовузлар, работлар, ҳаммомлар, масжидлар.

20. Марғани боғида ғоят зийнатли масжид қурган.

21. Отда кетаётганда бирор муҳтожга кўзи тушиб қолса, унга эҳсон қилиш мумкин бўлиши учун ҳар вақт катта миқдордаги маблағни ишонган мулозимларидан бирига бериб қўяр эди.

22. Ҳаж орзуси. Султон Ҳусайн рухсат бермайди.

23. Хожа Абдуллоҳ Ансорий остонаси мулозаматини сўраб, султонга мурожаат этади ва рухсат олингач, 904 йилнинг йигирма иккинчи шаъбонида маърака ўтказиб, халқнинг фотиҳасини олади.

24. Ўша йили кўп вақт Гозургоҳда бўларди. Ансория остонасининг шарқ томонида хонақоҳ бунёд қилди.

25. Бироқ ҳаж орзуси кучайиб, 905 йили қайта-қайта султонга мурожаат этди. Ҳар гал султон рози бўлар, аммо сал ўтмай гапидан пушаймон бўлиб, уни турли баҳоналар билан қайтарар эди. Охирида ўз манфаатларидан кечиб, ҳаж қилишга рухсат беради. Фармон эълон қилинади. Бироқ сиёсий вазият оғир бўлгани ва Амир Алишернинг мамлакат тинчлигини сақлашда катта ўрин тутганлигини ҳисобга олиб, сафар вақтини кейинроққа суриш илтимос этилади. Навоий машойих ва уламоларнинг илтимоси билан бу сафардан воз кечади.

26. 906 йил жумодил-охир ойининг ўн иккинчиси, якшанба куни дунёдан ўтади. (1501, 3 январь).

V. “Тазкират уш-шуаро”

Тазкиралар ичида Алишер Навоий номи зикр этилган илк асар Амир Давлатшоҳ бинни Аловуддавла Бахтишоҳ ал-Қозий Самарқандий қаламига мансуб “Тазкират уш-шуаро” асаридир. Муаллиф умрининг асосий қисмини сипоҳийликда ўтказган. Бизгача етиб келган мазкур асари ундан ягона ёдгор бўлиб, унда беш юз йил мобайнида яшаб, ижод этган бир юз эллик нафар шоир ва адиб фаолияти тадқиқ доирасига тортилган. Бу асар ҳижрий 892 (1486) йили ёзилган бўлиб, муқаддима, етти қисм ва хотимадан иборат. Асарнинг хотима қисми Давлатшоҳга замондош бўлган шоирлар ҳақида бўлиб, жумладан Алишер Навоий борасидаги қимматли маълумотлар ҳам шу қисмдан жой олгандир:

1. Алишер Навоий миллат ва диннинг низомидир.

2. Шиори шаҳарларни ободонлаштириш ва мўминларга мурувват қилишдир.

3. Йўли Ҳақ йўлидир.

4. Амир Алишернинг отаси замонанинг машҳурларидан эди ва Чиғатой улуси улуғларидан бўлиб, азим султон Абулқосим Бобур Баҳодир давлати даврида мамлакат донишманди ва давлат билимдони ҳамда (султоннинг) ишончли кишисига айланди.

1. Амир Алишернинг отаси сипоҳий эди.

2. Навоий ёшлик пайтидаёқ Абулқосим Бобур меҳрини қозонди ва шеър ёзишда моҳир эди.

3. Улуғ амир бўлганда дину давлат ҳомийси, миллат ва шариатнинг пушти паноҳига айланди.

4. Хусайн Бойқаро унинг фойдали маслаҳатларидан баҳраманд ва мансаб аҳлию мартаба арбоблари унинг шариф суҳбатидан миннатдор ва рози.

5. Фозилларнинг мақсади унинг олий мажлисига етишишдир. Унинг кенг даргоҳи заифлару фақирларга бошпана, дастурхонидаги неъматлаъри муҳтожлар учун муҳайё қилинган, карам эшиклари ниёзмандлар учун доимо очиқ..

Энг буюк асари ориф шайх Низомийнинг “Хамса”сига ёзган жавобидир. Ул улуғ амирдан олдин ҳеч ким бундай муваффақиятга эриша олмаган. Алҳақ, маъноларни ул дostonда олий даражасига етказган.

6. Улуғ амирнинг Хожа Хусрав Деҳлавийнинг “Дарёи аброр” қасидасига жавоб тариқасида ёзган ажойиб қасидаси бор.

7. Улуғ амирнинг туркий шеърӣ девони султонлар ва киборлар мажлисларининг беагидир.

8. Турли жойларда мадрасалар, масжидлар, работлар ва хайрия бинолари ва шифо уйи қурди. Ул биноларга тайинланган вақфлари, пул ҳисобида тахминан, 500 туман кепакӣ бўлса керак. Жумладан, Ҳирот дор ус-салтанаси иморатларидан Жомеъ масжиди, мадраса, хонақоҳ, доруш-шифо ва ҳаммом. Работлардан, Ишқ работи, Сангбаст работи, Нишопур навоҳӣсидаги Дайробод работи, Қосим Анвор ва Фаридиддин Аттор мақбараларидир. Тусда жойлашган Чашмаи Гил сувини қарийб ўн фарсаҳ жойдан нотекисликлар ва баланд-пастликлардан олиб ўтиб муқаддас Машҳадга келтирди ва Машҳад халқини сувсизлик азобидан озод қилди.

VI. “Равзат ул-жиннот фи авсофи мадинаи Ҳирот”

Муъиниддин Муҳаммад ал-Замжий ал-Исфизорийнинг “Равзат ул-жиннот фи авсофи мадинаи Ҳирот” (Ҳирот тавсифида жаннат боғи) мазмун жиҳатидан жуғрофӣй характердаги тазкира 1492 йилда Ҳиротда яратилган.

1. Бодгис вилоятининг “Чиҳил духтарон” қасабасида работ қурдирди.

2. Фаридиддин Аттор мозори устида равоқли иморат солди.

VII. “Баҳористон”

Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон” асари 1487 йили шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” асари таъсирида ёзилган бўлиб, саккиз боб (равза) ва хотимадан иборат бўлган. Жомий еттинчи равзанинг сўнггида Навоий ҳақида тўхталган.

1. Тавозеъ ва ўзини камсуқум қилиш фазилатларига андоқ берилганким, ўзини шу тоифа қаторида кўрар. Дунё лаззатларидан ўзларини четга тортганлар, уни ўз табақаларидан ҳисоблаганликлари учун мартабаси улуғ бўлди ва у уларга ҳомӣй.

2. Гарчи, қобилиятининг кенг қамровлиги билан ҳар икки хил шеър-туркий ва форсийда маҳоратга муяссар бўлган бўлса ҳам, аммо таъби форсийдан кўра туркийга кўпроқ мойилдир. Унинг ғазалиёти туркий тилда ўн мингдан кўпдир. Низомий “Хамса”сига жавобан ёзган маснавийлари ўттиз мингга яқин. Ундан олдин бу тилда ҳеч ким бунчалик шеър айтмаган. Форсий шеърларидан Хусрав Деҳлавийнинг “Дарёи аброр” номли қасидасига жавоби борким, нозик маънолару латиф хаёлотга (фантазияга) бойдир.

VIII. “Нафаҳот ал-унс”

Абдурахмон Жомий-нинг “Нафаҳот ал-унс” номли сўфӣй шайхларга бағишланган тазкирасида ҳам Навоийга алоқадор маълумотлар мавжуд.

...Кўпинча бу фақирнинг (Жомийнинг -Ш.С.) хотирида унинг (Абдуллоҳ Ансорийнинг “Табақоти сўфия” асари-Ш.С.) иложи борича кенгроқ ёзилиши ва изоҳланишига тоқат

қилиниши истаги кечарди ва нимаики маълум бўлса, рўзгор аҳлига оддий бўлган иборалар билан баён айласам ва тушунарли бўлмаганларини яширин чойшаб остида қолдирсаму, муборак китобларда зикр этилган улуғ гапларни қўшиб баён лавҳига ёзсам ва ўшал китобда зикр этилган улуғларнинг аҳволи, мақоми, маориф каромати, валодату вафоти йиллари унда муназзам этилса. Аммо бошқа нарсаларга чалғиб, бу нарсани амалга ошириш муяссар бўлмасди. (Бу ҳол шу пайтгача давом этдиким,) саккиз юзу саксон биринчи йили дарвишлар севиклиси, эътиқодчилар ишончи... буюкликнинг олий мартабасидан хоҳиш ва ихтиёр ила юз ўгирган, таслим ва ризо қадами била фақрлик йўлига юзланган Амир Низомиддин Алишер бу фақирдан худди кўнгилдан кечган ва хотирда маҳкам ўрнашиб қолган суратни илтимос қилди.

IX. “Мақомоти Мавлавий Жомий”

Абдурахмон Жомийнинг мулозими ва шогирди, Алишер Навоийнинг ҳамсухбати Абдулвосеъ Низомий томонидан Жомий ҳаётига бағишланган “Мақомоти Мавлавий Жомий” асари ҳижрий 900 (1494-1495) йилда яратилган.

1. Абдурахмон Жомийнинг вафоти муносабати Навоий аза ва мусибат соҳиби сифатида маросим ва маъракаларни ўз зиммасига олди, жонлиқлар сўйиб ийдгоҳда халққа ош берди.

2. Навоий Абдурахмон Жомийнинг вафоти муносабати билан марсия ёзди ва у Камолиддин Хусайн Воиз томонидан минбарга чиқиб ўқилди.

3. Шу йилнинг ражаб ойида Навоийнинг Абдурахмон Жомийнинг қабри устида мақбара қурди.

X. “Такмилаи нафаҳот ал-унс”

1. Навоийнинг замондоши Абдулғафур Лорий қаламига мансуб. Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ал-унс” китобининг тўлдирилган варианты бўлиб, ҳижрий 912 (1506-1507) йилда Ҳиротда яратилган. Бу асарда ҳам Навоий ҳақидаги маълумот Жомий вафоти билан боғлиқ ўринларда келтирилиб, унда Навоийнинг Жомийга бўлган юксак муҳаббати, вафотига ёзган марсияси ҳамда ҳазрат қабри устида Амир Алишер қурган иморат ҳақида хабар берилган.

XI. Хусайн Бойқаро рисоласи

Навоийнинг туркий тилдаги ижодига воқеан асосли ва муносиб баҳо бера олган замондошларидан бири султон Хусайн Бойқародир. Маълумки, ўзи гўзал шеърлар ёзиш билан биргаликда Алишер Навоий девонларини таҳрир эта олиш даражасидаги олий таъбга эга бўлган Султон Хусайннинг Навоий ижодига берган баҳоси, сўзсиз, ниҳоят қимматлидир.

1. Маъоний абкориға бу кунга дегинча ҳеч киши туркона либос кийдурмаган

2. Мир Алишер...тахаллуси Навоийға машхурдуруру ашъорида бу тахаллуси мастур,турк тилининг ўлган жасадиға Масиҳ анфоси била руҳ кюрди.

3. Ҳар синф шеър майдониғаким, таковар сурди, ул кешварни тийғи забон била ўз хийтайи тасарруфиға кийурди.

1. Алишернинг назми васфида тил қосир ва баён ожизтурур.

2. Агарчи шайх Низомий назм аҳлининг устодидур, озар “Хам-са”син, машхур будурким, ўттуз йилда такмил берибтурур ва Мир Хусравким, “Хамса” абйоти ададин ўтуз мингдин ўн секиз мингга ихтисор қилибтурур ва шухрати мундоқдурурким, олти-етти йилда тугатибтурур. (Навоий “Хамса”си) бунёдининг ибтидосидин саводининг интиҳосиғача ҳамоно икки йилдан ўтмади.

3. Навоий шеърият мулкининг султони, соҳибқиронидир.

XII. “Бадоеъ ул-вақоеъ”

Навоий ҳаётининг ёритилишида Хондамир асарларидан сўнг энг салмоқли маълумот қолдирган ёднома Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” хотиралар тўпламидир.

Зайниддин Восифий ўз асарида Навоий шахси нозикликлари ва фазилатларини очувчи турфа нақллардан иборат тўрт бўлимни унга бағишлаган. Булар қуйидагича:

XIV боб. Амир Алишернинг мижози назокати ва латофати ҳақида.

XV боб. Пурза боғида Амир Алишер ва Хожа Мажиддин мажлиси ҳамда фозилларнинг Абдулвосеъ Муншига қилган ҳазл-мутойибаси.

XVI боб. Амир Алишер таъбида нафсоний шаҳват ва руҳий лаззатга майлнинг чекланганлиги хусусида.

XVII боб. Мавлоно Биноий фазилатлари ва унинг улуғ амир билан рўй берган аскиялари.

Бундан ташқари, Султон Ҳусайн Мирзонинг курашчилари фазилатлари ва камолоти тўғрисидаги XIX бобда, хусусан Паҳлавон Муҳаммад Абу Саид воқеаларида Навоийнинг иштироки кенг тасвирланади. Шунингдек, XIII бобда Восифийнинг юқорида келтирилган Навоий билан учрашуви тасвирланган. Жумладан, XIV бобда 2та, XV бобда 6 та, XVI бобда 3 та, XVII бобда 8 та ҳикоя келтирилади. Бошқа боблардаги баъзи воқеалар баёнида Навоийга алоқадор таърихлар, латифалар сўзланади.

Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида берилган Навоий таржимаи ҳолига оид асосий маълумотлар мундарижаси:

1. Восифийнинг Соҳибдоро воситасида Алишер Навоий билан танишуви тафсилоти.

2. Амир Алишер мижози назокати ва латофатининг зикри (Навоийнинг Соҳибдордан хафа бўлиши тафсилоти).

3. Алишер Навоий ва Мажиддин Муҳаммад ярашуви.

4. Навоийнинг ўз муҳолифи Амир Жаҳонгир Барлосга қилган инояти

5. Мирҳожии Пири Баковулнинг амир Алишерга қилган муомаласи.

6. Алишер Навоий таъбида нафсоний шаҳват ва руҳий лаззатга майлнинг чеклангани хусусида.

7. Гиёсиддин Дехдорнинг Амир Алишер мулозаматига кириш тафсилоти.

8. Ҳижрий 903 йили (1497-1498) Ҳирот шаҳрини босиб кетган ўғри, безори ва бевош етимларни жазолаш учун Султон Ҳусайн Бойқаро Амир Алишерга ваколат бериши.

9. Султоннинг Хожа Дехдор суҳбатини эшитиш учун мажлис ҳозирлаши ва унда Амир Алишернинг иштироки. Амирнинг маст бўлиб қолган Паҳлавон Муҳаммаднинг эҳтиётсиз содир этган хатти-ҳаракати туфайли жаҳли чиққан султондан узр-хоҳлик қилиши.

10. Амир Алишер ва Соҳибдоро аскияси.

11. Камолиддин Беҳзоднинг Амир Алишер мажлисига табиат манзарасида Амир Алишернинг тасвири акс этган расм чизиб келиши ва унинг мажлис аҳли томонидан таъриф этилиши.

12. Амир Алишернинг шоирларга Котибийнинг “шутур хужра” қасидасига жавоб ёзишни буюриши ва Аҳмадийнинг жавоби билан боғлиқ мутойиба.

13. Мавлоно Ҳасаншоҳнинг рузғор қийинчиликлари оқибатида ўғлини мотам либосида Амир Алишер ёнига юбориб, “кафанлик ва жаноза харажати” олиб келишни буюриши ва шу билан боғлиқ мутойиба.

14. Амир Алишернинг Сеистон қозиси билан учрашуви ва қозизоданинг ҳозиржавоблиги ва фозиллиги.

15. Мир Алишер Жомеъ масжидини таъмирлаганда олимлар ва фозилларнинг таърих айтиши.

16. Навоий ва баъзи мухлислар ўртасида бўлиб ўтган гуфтигўйлар.

17. Мавлоно Соҳибдоронинг Навоий вафотига ёзган марсияси матни.

ХIII. “Латоифнома”

Навоий шахсининг форсигўй халқлар орасида машхур бўлишида “Мажолис ун-нафоис”нинг Фахрий Ҳиротий томонидан уни форс тилига таржима қилиниши катта роль ўйнаганлиги, шубҳасиздир. Бу таржима “Латоифнома” номи билан машхурлик тутиб, унинг тўққизинчи мажлиси махсус Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган.

1. Мирга амирлик мансаби меросийдир.

2. Унинг отаси Амир Кичкина Султон Абу Саъид Мирзо мулозими эди. Гарчи мухру мансаби бўлмаса ҳам, катта ҳурматга эга эди.

3. Она томонидан бобоси Шайх Абу Саъид Чанг Мирзо Бойқаро хонадонидан амир ул-умаро вазифасида эди.

4. Амир Алишер ўн ёшлигиданоқ Бобур Мирзо хизматини қилар, (султон) уни фарзандидек кўрарди.

5. Мир замон султони (Ҳусайн Бойқаро) билан мактабда ҳам-суҳбат ва ҳамсабоқ эди. Улар қачон бошларига бахт қуши қўнса, бир-бирларини унутмасликка аҳду паймон боғлашган экан.

6. Султон Соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро) ҳукумат байроғини кўтарганда мазкур амир Самарқандда Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий мадрасасида илм таҳсили билан банд эди. Бечоралиги шу даражада эдики, ундан ортиғини тасаввур этиш мумкин эмас эди. Унинг ўз тилидан келтирадилар: “Ўша пайтлар бир кеча чўмилишга эҳтиёж туғилди. Ҳаво ниҳоят совуқ эди ва ҳаммомга боришга зарурият пайдо бўлди. Бориб, ҳаммомчига жузвдонимни ол деб қанча қистасам ҳам олмади.

7. Султон Соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро) Султон Аҳмад Мирзога мазкур амирни (Самарқанддан) юборишни сўраб, мактублар ёзди, киши юборди. (Султон Аҳмад Мирзо) уни барча анжомлар билан таъминлаб, Султон Соҳибқирон хизматига юборди. Амир Ҳиротга юзланди ва мулозамат давлатига муяссар бўлди.

8. Аввал мухрдорлик вазифасига мушарраф бўлди. Оқибат унинг (султон томонидан) тарбияти шундай даражага етдики, султонни номдор биродарлари, комкор фарзандлари унинг мулозаматини шараф деб билишиб, ифтихор қила бошлашди.

9. Бир дақиқа ҳам сулук аҳлининг тариқати дақиқликларидан четлашмади. Чунончи, бир бор ўз ихтиёри билан дунё ишларидан қўл тортди ва тақову тоат гўшасига юзланди. Аммо салтанат ишлари унинг оломоро фикрига боғлиқ бўлгани учун соҳибқирон султон уни машаққат водийсидан қайтарди ва Мозандарон пойтахти бўлмиш Астробод мулкини унга тутқазди.

10. Амир Астрободда бир йил сокин бўлди ва яна қайтди. Унинг кўнгли ҳамиша дарвишликни ихтиёр этгани учун яна бир йилдан кейин соҳибқирон султон мулозаматига қайтди ва бошқа бормади. (У) ҳукумат ва ишларни султонга топширди ва юзини фазлу камол арбоблари тарбиясига бурди.

11. Ҳар куни 75000 динор амир хазинасига тушар эди ва 15000 чиқим бўлар эди... Яшовчиларга ҳар йили мингта сарпо тайинлади ва 370 хайрли иморат қурди... Бунчалик мислсиз ва нодир хаттотлару хонандалар, созандаю наққош, музаҳҳибу мусаввирлар, муаммойлару шоирлар унинг тарбияси остида нашъу намо топдиларким, ҳеч бир замонда бундай бўлганлиги маълум эмас.

12. Шоирликда, турклар ўртасида фозил донишманд сифатида шундай муқаррар бўлдики туркий назм баёнида ҳеч ким у каби шиддат билан бу водийда қадам ташламаган, у шул мулкнинг подшоҳидир. Уни Абдураҳмон Жомийнинг яқини деб биладилар. ғазалиёти беш девондир: Тўрттаси туркий ва бири форсий. Биринчи туркий девон “Ғаройиб ус-сиғар”

номланган, иккинчиси “Наводир уш-шабоб”, учинчиси “Бадоеъ ул-васат”, тўртинчиси “Фавойид ул-кибар”. Форсий девони олти минг байтдир.

13. Соҳибқирон султон Астробод сафаридан ва Муҳаммад Хусайн Мирзо юришидан қайтаётган маҳалда Ҳирот шаҳридан ўн бир фарсаҳ берироқда жойлашган Хўжа Порсо манзилига етганда мазкур амир кутиб олишга чиқиб унга қўшилган эди ва ўша соатда бемор бўлиб 906 ҳижрий йили жумод ул-аввал ойининг пайшанба куни вафот этди.

14. Шоирлар таърих ва кўп марсиялар айтишган. Мавлоно Соҳиб 45 байтдан иборат марсия айтганким, ҳар байтнинг бир мисраси туғилган йили ва иккинчиси вафоти санасини билдиради.

XIV. “Бобурнома”

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида Навоий ҳақида келтирган маълумотлари ўзининг танқидий ва ноўхшаш қараши билан кескин ажралиб туради.

1. “...Алишербек Навоий (Хусайн Бойқаронинг) беги эмас эди, балки мусоҳиби эди. Кичикликда ҳаммактаб экандурлар. Хусусият бисёр экандур. Билмон, не жарима била Султон Абу Саъид Мирзо Ҳиридин ихрож қилди. Самарқандга борди, неча йилким Самарқандда эди, Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввийси эрди. Алишербекнинг мизожи нозук била машҳурдур. Эл назокатини давлатининг Қуруридин тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандда эрканда ҳам ушмундоқ нозукмизож экандур.

2. Алишербек назари йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтур, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эрмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур, беши “Хамса” жавобида, яна бир “Мантиқ ут-тайр” вазнида “Лисон ут-тайр” отлиқ. Тўрт ғазалиёт девони тартиб қилибтур: “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадоеъ ул-васат”, “Фавойид ул-кибар” отлиқ. Яхши рубоийети ҳам бор. Яна баъзи мусаннифоти борким, бу мазкур бўлғонларга бока пастроқ ва сустроқ воқеъ бўлубдур. Ул жумладин, иншоларини Мавлоно Абдурахмон Жомийга тақлид қилиб жам қилибдур. Ҳосили калом, ҳар кимга ҳар иш учун ҳар хатким, битибдур, йиғиштирибдур¹325. Ёки “... Яна “Мезон ул-авзон” отлиқ аруз битибдур, бисёр мадхулдир. Йигирма тўрт рубоий вазнида тўрт вазн ғалат қилибтур. Баъзи бухурнинг авзонида ҳам янгилаибтур, арузга мутаваж-жуҳ бўлғон кишига маълум бўлғусидир. Форсий девон ҳам тартиб қилибтур. Форсий назмда “Фоний” тахаллус қилибтур, баъзи абёти ёмон эмастур, вале аксар суст ва фурудтур...”²

XV. “Тарихи Рашидий”

Алишер Навоий ҳақида маълумот қолдирган тарихий асарлардан яна бири Мирзо Ҳайдар Дўғлотнинг “Тарихи Рашидий” асаридир. У XVI аср тарихига оид қимматли материалларга бой, Шарқий Туркистон (Қашқар), Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Афғонистон ва Ҳиндистон каби ўлкалар тарихига бағишланган

1. Унинг асли уйғур бахшиларидандир.

2. Отасини Кичкина дер эдилар. Оддий киши эди.

3. Мир Алишер Мирзо Хусайн билан кичикликда ошно бўлган экан. Мирзо подшоҳ бўлганда унинг хизматига келди. Мирзо унга кўп эътибор қилди. У эса, ўз навбатида, фазл аҳлига (эътиборини қаратди). Чунончи ўша замондаги турли тоифадан чиққан фозилу беназирларнинг барчаси унинг ҳаракати натижасида (етишиб) чиқди...

¹ Бобурнома, 154-бет.

² Ўша ерда.

4. Амирлик пайтида мулк йиғишда ҳаракат кўрсатди. Унинг бир кунлик даромади 18 минг шоҳруҳий эди. Амирлик ишларини, отхона ва зарбхона ва бошқа давлат уйларини идора қилишни ўз даврининг йирик лашкарбошларидан бўлган Бобо Алига топширди ва сипоҳийликни тарк этди.

5. Мирзо Бойқарога улуғлар ва суҳбатдошлар қаторида хизмат қилар эди.

6. Қўлидан келгунча кишиларнинг ҳожатини чиқарар, фазл аҳлига ҳомийлик қиларди.

7. Ўз даромадининг барчасини охират учун хайру савоб ишларга сарфлади. Кўплаб иморату уйлару масжидлар қурганким, ҳозир ҳам Хуросонда кўплари сақлангандир. Бунчалик иморат қуриш камдан кам кишиларга муяссар бўлур.

8. Бирорта ҳам фозил йўқки, унинг тарбиясини кўрмаган бўлса. У жуда маданиятли, ўткир фаҳмли, нозиктаъб одам эди ва ҳаммани ўзидек бўлишини хоҳларди. Бу эса кўпчиликка қийинчилик туғдириб, ўртада ҳар хил хафачиликларга сабаб бўларди. Мир Алишерда нозиклик ва тез хафа бўлишдан ўзга айб топмайдилар.)

XVI. “Тухфаи Сомий”

XV асрнинг II ярмидан XVI асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврда яратилиб Навоий ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги илк маълумотларни ўз ичига қамраган манбаларнинг энг охиргиси Сом Мирзо Сафавийнинг “Тухфаи Сомий” асаридир.

1. Амир Алишер, хайриялар соҳиби, ҳазрат султоннинг яқин кишисидир.

2. Кичкина Баҳодирнинг фарзандидир. Отаси чиғатой султонлари, хусусан, Султон Абу Саъид замонида ул подшоҳнинг даргоҳ ичкиларидан эди.

3. Она томонидан бобоси Мир Саъид Бек Султон Ҳусайн Бойқаронинг бобоси Бойқаро Мирзо умаролари қаторида хизмат этарди.

4. (Алишер) умр тонги палласида Султон Ҳусайн билан бир мактабда ўқиган.

5. Алишер ёшлик айёмини Абулқосим Бобур Мирзо хизматида ўтказган. Қобилияти жиҳатидан подшоҳга ёқиб, унинг тутинган фарзанди сифатида танилган.

6. Абулқосим Бобур ўлимидан сўнг Машҳадга кетиб таҳсил билан машғул бўлган.

7. Ҳиротда юз берган тўс-тўполонлар оқибатида Мовароуннаҳр томонга-Самарқандга борди ва Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий мадрасасида фазл қоидалари такомил билан шуғулланди.

8. Султон Ҳусайн тахтга ўтиргач, Самарқанд подшоҳига чопар орқали мактуб юбориб, Алишерни жўнатишни сўрайди.

9. Подшоҳ Алишерни шоҳона анжомлар билан сийлаб Хуросонга кузатади.

10. Султон Ҳусайн саройида Алишер муҳрдорлик, кейинроқ девон амирлари бошлиғи сифатида фармонлар орқасига муҳр урди, сал ўтиб барча ишларидан истеъфо берди.

11. Кейинчалик Астробод волийси бўлиб, бир қанча вақт у ерда қадр топди.

12. Астрободдан келганидан сўнг яна давлат ишларини тарк этди. Бу ҳол халқнинг унга бўлган эъзоз ва эҳтиромини янада кучайтирди. Шаҳзодаларнинг аксарияти унинг хизматида бўлдилар.

13. Туркий шеърда таҳаллуси мутлақо Навоий бўлиб, қарийб олти минг байтдан иборат. Форсий девонида таҳаллуси Фонийдир.

14. Фазл аҳлини тарбия қилди ва уларнинг ҳар бири ўз фанида аср ягонаси бўлдилар. Ажойиб асарларини ул амир номига атадилар.

15. Амир томонидан уч юз етмиш хайрия биносини таъмир этилган. Шундан тўқсонтаси работ, қолганлари масжид, мадраса, хонақоҳлар ва кўприклардан иборат.

16. Шоирнинг вафоти тўққиз юзу олтинчи йил жумадил-аввал ойининг якшанба кунида содир бўлган.

XV АСР ЗИЁЛИЛАРИ АЛИШЕР НАВОИЙ МАДҲИДА

Абдураззоқ Самарқандий

Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” номли тарихий асари 872 (1467-1468)-874 (1469-1470) йиллари орасида ёзиб тугатилган ва 875 (1470) йили муаллиф уни яна давом эттириб, ўша йилнинг сафар ойида (1470, август) рўй берган воқеаларни ҳам қўшган¹. Асар икки жилддан иборат бўлиб, биринчи жилди 807 (1405)-832 (1428-1429) йиллар воқеаларини ўз ичига қамраб олган. Иккинчи жилди 833 (1429-1430)-875 (1470) йиллар воқеалари тавсифидан иборат. Иккинчи жилднинг биринчи қисми таниқли шарқшунос олим А. Ўринбоев томонидан таржима қилиниб, нашр этилган². Бироқ унинг Навоий ҳаёти ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган иккинчи қисми таржима қилинган эмас. Мазкур асарнинг навоийшунослик учун аҳамиятли томони шундаки, у Алишер Навоий номини тарихда биринчи бор ёзма қайд этган манбадир. Мазкур асар Султон Ҳусайн Бойқарога пешкаш этилгунга қадар Алишер Навоийнинг назаридан ўтган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Унда акс этган Навоий ҳаётига алоқадор маълумотлар тарихий факт сифатида муҳимдир. Маълумотлар қисқача ахборот тарзида келтирилса ҳам улуғ мутафаккир ҳаётини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Аввало, Ҳусайн Бойқаронинг тахтга ўтириши воқеалари баёнида Алишернинг ўз дўсти ёнига келганлиги фактига урғу берилишининг ўзи Алишернинг бу даврда салтанатда юксак мақомга эга бўлганлигидан дарак беради. Хусусан, Абдураззоқ Самарқандий шундай ёзади: “Амир Алишер, ки аз қадим ул-айём аби икром ва аждоди изоми ў дар силки умарои кибор интизом доштанг ва дар давлати хонадони Мирзо Умаршайх сурати манқабати кўкалтоший ба қалами эътибор бар лавҳи рўзгор менигошт, аз тарафи мамлакати Мовароуннаҳр, ки пеш аз ин дар гуруҳи мулозимони афзал ул-уламо вал-муҳаққиқин Хожа Аловуддин Фазлуллоҳ Абу Лайсий ба азми таҳсили улуми диния ва такмили маорифи яқиния буд ва дар он вилоят чанд гоҳ, солу моҳ, саҳару шом анвои фазойил ва камолот иктисоб намуда ва истифоза аз мажлиси бузургвори фазлосор истифода ва аз замири фоиз анвори офтоби дарахши қутб ул-авлиё Хожа Носириддин Убайдуллоҳ саламаллоҳу ва иқбоҳу мефармуд, расид ва ба давлати дастбўсу оғуши подшоҳи исломпаноҳ сарафроз гардид ва чун айёми ийди бузурге буд, жаноби аморатмаоб аз фуруғи табъи чун офтоб қасидаи “Ҳилолия” назм фармуд ва дар рўзи ийди дарахши ҳумоюн гузаронид ва подшоҳи исломпаноҳ дурҳои обдор баҳраманди махсус гардонид...”

“...Қадим замонлардан мукаррам боболари ва азим аждодлари улуғ амирлар қаторидан жой олган ва Умаршайх Мирзо хонадони давлати даврида кўкалтошлик даражаси эътибор қалами билан давр лавҳига ёзиб қўйилган Амир Алишер Мовароуннаҳр вилоятида бир қанча вақт - неча йилу ой, саҳару шом турли фазилатлар ва камолот касб этиб, олимлар ва муҳаққиқлар пешвоси Хожа Аловиддин Фазлуллоҳ Абу Лайсий мулозаматида диний илмлар таҳсили ва яқиний маърифат такомилда машғул бўлиб, авлиёлар қутби Хожа Носириддин Убайдуллоҳнинг, Аллоҳ унга тинчлик берсин, фазли бузургвор мажлисидан фазл ва офтоб янглиғ мунаввар сийратидан баҳра олиб, ул вилоятдан етиб келди. Ҳайит арафасида жаноб амирлик чўққиси (Алишер) офтоб каби равшан таъби ила “Ҳилолия” қасидасини назм этиб,

¹ Ўринбоев А. Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳаёти ва тарихнавислик фаолиятига доир//Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Кириш сўз, II. /Масъ. муҳ. С.Азимжонова, У.Каримов.-Тошкент: Фан, 1969, 19-бет.

² Абдураззоқ Самарқандий. “Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”. Юқоридаги нашр.

хайит куни султонга тақдим этди ва исломпаноҳ подшоҳни оламни яшнатувчи гавҳарлар каби бу “дуру жавоҳир”лари билан баҳраманд этди¹.

Навоийнинг Самарқандда Фазлуллоҳ Абу Лайс қўлида таълим олгани ва Ҳиротга қайтишда Султон Ҳусайн ҳузурига қасида билан кириб борганлиги ҳақидаги маълумотлар китобхонлар учун янгилик эмас. Чунки Навоий ҳақидаги тадқиқотлар, бадиаларда бу ҳақда гапирилган. Бироқ тадқиқотчиларимиз ушбу маълумотларни “Матлаъ ус-саъ-дайн”дан эмас, Хондамир асарларидан олганликларини таъкидлашимиз жоиз. Мирхонднинг (Хондамир давом эттирган) “Равзат ус-сафо” тарихий асари, Хондамирнинг “Хулосат ул-ахбор” ва “Ҳабиб ус-сияр” асарларидаги Шоҳрух Мирзо, Абулқосим Бобур, Абу Саъид Мирзо давридан Ҳусайн Бойқаронинг илк салтанатигача бўлган давр воқеалари асос-эътибори билан “Матлаъи саъдайн”дан олинган. Шу жумладан, Навоий ҳақидаги маълумотлар ҳам баъзи ўзгартиришларни ҳисобга олмаганда, айнан келтирилган. Аммо Абдураззоқ Самарқандий маълумотида икки жиҳат мавжудки, у бошқа тарихий асарларда акс этмаган. Аввало, муаллиф Навоийнинг Самарқандда эканлиги пайтида Хўжа Аҳрор Вали суҳбатларидан баҳраманд бўлганлигини айтиб ўтганки, бу Навоий дунёқараши ва мафкураси ташаккулининг босқичларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Иккинчидан, асарнинг ёзилиш йили ҳисобга олинган бўлса, Навоийга “ҳазрат султоннинг яқин кишиси”унвони қачон берилгани равшанлашади. Абдураззоқ Самарқандий давом этади: “Ва ихтиёру иқтидори амири номдор дар тамоми мулку мамлакати он султони жамфармон аз шарҳу баён гузашта. Тамоми саранжоми умури изом ба ҳусни тадбиру лутфи тақрири ў муфавваз гашт ва мулаққаб ба “муқарраб ал-ҳазрати султоний” шуд. Чунончи, шарҳу баёни он солҳои дарози оянда аз масоидати вақт маъмулист, иншаоллоҳу таоло”².

(Номдор амирнинг султон мамлақату мулкидаги ихтиёр ва қудрати шарҳу баёндан ўтмишдир. Барча улуғ ишлар унинг тадбиркор ҳусни ва мулоҳазакор лутфига топширилди ва “ҳазрат султоннинг яқин кишиси” унвонини олдики, келажакда узоқ йиллар унинг шарҳи ва муфассал изоҳини қилиш орзудир, иншаоллоҳу таоло”)

Муҳаммад ибн Ховандшоҳ (Мирхонд)

Муҳаммад ибн Ховандшоҳ (Мирхонд) Навоийнинг ҳомийлиги остида яшаган тарихчидир. Унинг “Равзат ус-сафо фи сияр ил-анбиё вал-мулук вал-хулафо” (Набийлар, маликлар ва халифаларнинг таржимаи ҳолида софлик боғи) тарихий асари Алишер Навоийнинг раҳбарлиги остида яратилган. Бу асар етти жилддан иборат бўлиб, Ўрта Шарқ ва Осиё тарихига бағишланган. Мирхонднинг невараси Хондамир шундай ёзади: “Баъд аз он амири хисравнишон хонаеро, ки дар хонақоҳи “Ихлосия” ба юмни мақдами шарифаш махсус буд, ба он жаноб арзоний дошта, ба таълифу таҳрири “Равзат ус-сафо” амр фармуданд. Жаноби абуий ба таййиди ҳазрати иззату баракот ва таважжуҳи амири ҳидоятманқабат дар таснифи он нусхаи киромий шарти жидду ижтиҳод ба жо оварданд ва ба андак рўзгоре шаш дафтари он китобро ки дар ҳафт иқлим шабиҳу назир надорад тамом карданд”³.

“...Хисравнишон амир (Навоий-Ш.С.) Ихлосия⁴332 хонақосидаги муборак қадами учун ажратилган хос ҳужрасини ул жанобга (Мирхондга - Ш.С.) топшириб, “Равзат ус-сафо”ни ёзишга амр қилдилар. Жаноб бобом ҳазрати иззат ва баракот соҳибининг ғамхўрлиги,

¹³²⁹ Бу ва бундан сўнг келтириладиган таржималар муаллиф қаламига мансуб.

²³³⁰ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн: Қўлёзма. ЎзФАШИ, инв. № 1825, 331⁶-вар.

³³³¹ Хулосат ул-ахбор...Қўлёзма. ЎзФАШИ, инв. № 2209. 483^а-варақ.

⁴³³² Қўлёзмада негандир Халосия хонақоси номи Ихлосия тарзида кўрсатилган ва бу котибнинг айби билан юз берган бўлиши керак. Зеро, Навоий уни “Вақфия”да Халосия деб кўрсатган. Хондамир унинг номини мадраса номи билан адаштириб юбориши мантиқан ишонарли эмас.

ҳидоятли амирнинг диққат-эътибори билан ул нодир нухани яратишга жиддий бел боғлаб ҳаракат кўрсатди ва андак замонда ул етти иқлимда беназир китобнинг олти дафтарини ёзиб тугатди”.

Мирхонднинг ўзи асар дебчасида бу ҳолни шундай тасвирлайди: “Аммо баъд чунин гўяд роқими хуруф...Муҳаммад бин Хованд Шоҳ..., ки дар баҳори олами жавоний ва авосити айёми зиндагоний, ки беҳтарини авқот ва хуштарини овони ҳаёт аст, хотири фотир ва замири касир ба мутолааи кутуби таворих, ки сабаби вуқуф аст бар авзои аҳли олам ва мужиби иттило бар кайфияти сулуки тавойифи умам мойил ва машғул ме-буд...баъзе авқот шаммае аз наводири ҳикоёт дар мажмуи афозил ва маҳфили арбоби фазоил бар важҳи илқо карди, ки мустаҳсани асҳоби одоб омада ба шарафи иртизо мақрун гашти ва дар хилоли ин аҳвол карратан баъди ахири чанде аз ихвони сафо ва мутажаллий ба зевари фазилат... илтимос ме-фармуданд, бал амр мефармуданд, ки дар ин боб китобе... пардохта ояд ва бо вужуди...мултамаси дўстон бино бар адами ривожи нақди ҳунар ва хулувви арсаи гетий аз вужуди ҳук-коми ҳунарпарвар ва мувофиқи мутанавваи дигар ҳусули мақсуд тааххир ва таъвиқ мебуд. Ва инкишофи жамоли матлуб ба ҳеч важҳ рўй наменамуд ва чун бо ақл машварат кардам гуфт, ки ҳарчанд ў (Алишер Навоий-Ш.С.) дар таърихдоний ягонаи замон аст, ҳануз ба шунидани воқеаҳои таърих бисъёр иштиёқ дорад. Бино бар ин бо таълифи китоби таърих ба ў наздики бояд жуст... Ва чун сухани ҳидоятосори ақл маъқул намуда баъд аз истижоза маърузи рои оламороий гашт. Ин ҳадис мустаҳсан ва матбуи табъи ваққодаш омада ишорати олий нофиз гашт, ки бар муқтазои савобдиди он мужтаҳиди мўсиб ба тартиби (китоби) таърихий мубодират бояд намуд, ки иборот аз хатту холи мажоз ва истиора холий ва аз вусмати сирқату орият орий бошад...ва муштамал бар муқаддима ва ҳафт қисм ва хотима намуд. Ва банда ангушти қабул пардох-та итоат ниҳода...монанди қалам дар таҳрири китоби чунин камари хидмат бастам...ончи муваффақи илайҳи ин амри ха-тир аст аз кутуби тарихий ва манзиле, ки ончи ба тасвиди авроқ иштиғол тавон намуд ва мажмуи мутамманиёт ба арзи қабули он...муқарраб ил-ҳазрат ус-султоний иқтирон ёфта, хонаро ба юмни мақдами фархундаисораи ихтисос дошт дар хонақоҳи Ихлосия бар канори наҳри Инжил...иноят фар-муд...ва бемуболаға ва такаллуф ва хушомад ва тасаллуф, агар хотири хатираш ба эъзозу эҳтироми уламо ва фузалои аном мойил нашуди улуми маъқул ва манқул аз сафаҳоти замоири асҳоби таҳқиқу тақлид мунъадом ва зойил гашти”¹.

(Мазмуни: Ушбу сатрлар роқими Муҳаммад бин Ховандшоҳ шундай дейдики, ёшлик баҳорида ва умр кечмишининг ўрталаридаким, ҳаётнинг энг ширин паллаларидур, олам аҳли вазияти ва кайфиятини англашга сабаб бўладиган тарихий китобларни ўқишга кўнгил мойил ва фикр-зикр банд эди...Баъзида фозиллар даврасида нодир ҳикоятлардан сўзлаб берардим ва уларнинг олқишларига сазовор бўларди...Фазилатли, софдил биродарлар бир неча бор бу борада китоб ёзишга ундар эдилар. ҳунарпарвар ҳокимлардан олам саҳни холилиги ва бошқа сабабларга кўра бу мақсад кейинга сурилар ва матлуб жамолини кўрсатмас эди...Ақл билан маслаҳат қилинганда, у Алишер Навоий гарчи тарихдонликда замон ягонаси бўлса ҳам ҳануз тарихий воқеалар эшитишга кўп иштиёқи бор, шунга биноан тарихий асар ёзиш учун унга яқинлашиш лозимлигини айтди. Ақлнинг ҳидоятли фикри маъқул бўлиб, руҳсат олингач, ул оламни безатувчи фикр соҳибига (Навоийга - Ш.С.) арз қилинди. Бу сўз унинг таъбига маъқул тушиб, олий кўрсатма берилди: “Тарихий китоб ёзишга киришилсин. Иборалари мажозу истиорадан холи ва ўғирлику орият айбидан соф бўлсин. Муқаддима, етти қисм ва хотимадан иборат қилинсин”.

² Равзат ус-сафо...:Кўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. № 4223. - I жилд. 2^а-2^б-варақлар.

Мен қабул бармоғини итоат кўзи узра қўйдим ва...қалам каби китоб ёзишга хизмат камарини боғладим ва бу амрни бажаришда муваффақ бўлиш учун тарихий китоблар ва қоғоз қоралаш имконияти бўлган хона сўрадим. Менинг жамъи илтимосларим ҳазрати султоннинг яқин кишиси томонидан инобатга олинди. Ул зот Инжил ариғи ёқасида жойлашган Ихлосия хонақосидаги ўзи учун ажратилган уйни иноят қилди. Муболағасиз, такаллуф ва хушомадсиз айтиш мумкинки, агар (ул зотнинг) олижаноб хотири олимлар ва фозилларни эҳтиром ва эъзоз қилишга мойил бўлмаганида эди, ақлий ва нақлий илмлар тақлид ва таҳқиқ асҳоблари замири саҳифаларидан ўчиб кетар эди...)

Ушбу эътироф ҳам Шарқ қўлёзмалари муқаддималарида учровчи анъанавий бағишлов усулида битилган. Аммо унда тасвирланган ҳолат Навоий ҳаётининг айрим жиҳатларини, жумладан, унинг ҳомийлик фаолиятини ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Бу асарда Навоий билан боғлиқ воқеалар еттинчи қисм - Султон Хусайн Бойқаро салтанати даври тафсилотларида кўп учрайди. Асарнинг еттинчи жилди Хондамир томонидан ёзилган. Б. Аҳмедов мазкур асарнинг Навоийга алоқадор ўринларини форс тилидан ўгириб, ўзбек китобхонларига “Навоий замондошлари хотирасида” китобида тақдим этиши навоийшуносликда катта ижобий воқеа бўлди. Навоий мухлислари биринчи марта улуғ мутафаккир ва давлат арбоби ҳақидаги асл маълумотлар билан яқиндан танишишга муяссар бўлдилар. Аммо олим асосий эътиборни Навоийнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ёритишга қаратган. Асарнинг хотима қисмида келтирилган Навоий ҳақидаги васф мавзуга бевосита тааллуқли бўлмагани учун ҳисобга олинмаган бўлса керак. Унда “Амир Алишер хислатлари ҳақида бир неча сўз” деб номланган бўлим мавжуд. Унда ҳам Навоийга бўлган юксак эҳтиром сингдирилган сатрларга дуч келамиз. Улуғ шоир, давлат арбоби ва мутафаккир олим бўлган Алишер Навоийга алоқадор ҳар бир сўз навоийшуносликни бойитишга хизмат қилишини назарда тутиб, ушбу васф билан тангиштириб ўтиш маъқул кўринди. Жумладан, муаллиф шундай ёзади: “ Миёмани зеҳни дарроқаш умури дину давлатро мунтазам ва маҳосани табъи наққодаш муҳоми мулку миллатро ба тасмаи эътидоли хулқи руҳпарвар кашид, густариши насими баҳораш ақвоти табииро ҳаёт бахшид ва ҳусни тақрири дилпазираш абвоби омолу омоний ва дарҳои иқболу комроний бар рўйи дилҳо кушуда:

*Насими хулқат агар бигзарад сўи бўстон
Ба жои мева ҳама жон бар оваранд ашжор.
Вагар зи накҳати лутфат шамма ёбад жаҳон
Шавад ба хуший ҳамчу қулбаи аттор.*

Ба рифъати қадр бениҳоят, шаъну касрати асбоби комроний ва вуфури мужиботи давлат ва ҳашмат ахтар мисол омада ва сити насафот ва овозаи адолат ва зикри ахлоқу авсофи писандидааш монанди насими сабо ба атрофу акноф расида

*Гузашта хоки жинонаш ба қадр аз афлок,
Фитода номи бузургаиш ба адл дар афвоҳ”.*

(... Ўткир зеҳни дину давлат ишини тартибга келтирган, танқидий табъининг зўрлиги мулку миллатнинг муҳим ишларини руҳпарварлик хулқининг тасмасига ўтказган, ундаги баҳор насимининг ёйилиши табиий қувватларни жонлантиради ва унинг дилга ёқувчи сўзлари умид ва омонлик, иқболу комронлик эшикларини кўнгиллар учун очгандир:

*Хулқинг шамоли гар эсса бўстон томон,
Дарахтларга жон кириб кетар.
Лутфинг хушбуйидан жаҳон заррача баҳраманд бўлса
Аттор кулбасидек барча ёқ хушбўй бўлади.*

Қадри баландликда бениҳоят, иззат-обрў, давлату улуғ ишларда омад ва муваффақият юлдуз мисол боши узра чарақлаб турибди, адолатпарварлиги овозаси ҳамда намунали ахлоқи ва ёқимли васфи таърифи тонг насими сингари чор-атрофга ёйилган:

Унинг жаннатий тупроғи (яъни остонаси маъносида) қадрда фалакдан ҳам ўтгандир, унинг буюк номи адолатда машхур бўлгандир”.

Муаллиф Навоийни хайру саховат, илм-маърифат пешвоси сифатида хос мақомга эга эканлигини алоҳида таъкидлайди:

“Остони фархунданишонаш маржаи садрнишинони жомеъи жоҳу жалол ва даргоҳи макраматпаноҳаш малжову мулози хурдабинони ғавомизи фазлу камол...яъни ҳофизи дақойиқи маоний, муқарраби ҳазрати султоний

*Он, ки дар фақру ғаний гашта ва дар базл далер
Низом уд-давла вад-дин Амир Алишер.*

Покиза тийнате, ки ба тавфиқ таҳзиби ахлоқ ва талаби аъ-роф ва тазкияи нафси нафис ва тасфияи таъби латиф фоиз шуда ва аз фунуни улуми ақлий ва нақлий, сунуфи фазоилу камолоти илмий ва амалий ба нисобаи комили вофир мутахаттий омада

*Гар ташбиҳ ба илм аст ў Алист
Дар таслиҳ дуруст Бу Алист.
Ақлаш аз қиёси ақл фузун,
Нақлаш аз мақоми нақл бурун”.*

(Мазмуни: Унинг саодатли остонаси улуғ мансаблиларнинг бош урадиган жойи ва фахрли даргоҳи фазлу камол соҳибларига бошпана...ва чор-атрофдан илму дониш пешволари унинг манзилига ошиққан...яъни амири кабир султон, ҳазратларининг яқин кишиси,

*Улким, бою камбағалга саховатда марддир,
Дину давлату дунё низоми Мир Алишердир*

ким, олий тарбия ва латиф таъбда покликка эришган, ақлий ва нақлий илмлар, илмий ва амалий камолот ва фозилликда олий даражага етган ва ундан ҳам ўтгандир.

*Агар ташбиҳи илмда бўлса, у Алидир,
Замонамизнинг Бу Алисидир.
Унинг ақли қиёсдан ортиқ,
Нақли нақл чегарасидан ўтган.*

Муаррих Навоийнинг ижоди, ундаги илоҳий сўз қудрати жилолари фусункорлигига офарин айтади: “Софи тийнате, ки саҳоифи маншуроти фасоҳатосораш конҳин ал-ёкут вал-маржони зевари тожи хурри мақсурот фил-хайём мезебад ва латоифи манзумоти балоғатшиораш зебу зийнати гушу гардани дилдорони муҳаллад:

*Хомаи ў чун гуҳарафшон шавад,
Назми сухани ў лулуи маржон шавад*

Дар кашфи ҳақоиқи авроқи сухуфи самовий тақрири он вофий ва дар табаййуни дақоиқи аҳодиси муъжизосори мустафовий таҳрири ў кофий

*Аз ақли ту ҳақоиқи тибён мубаййин аст,
В-аз қавли ту дақоиқи қуръон муфассир аст.*

Аз сафои табъи салимаш оби ҳайвон хижил ва аз равони зеҳни мустақимаш сохти кайвон мунфаил.

Ва бе шоиба ва такаллуфу лоф ва қоилаву тасаллуф ва газоф онҳазрат муттасиф шуд”.
(Соф ниятликим, фасохатлик насрлари саҳифалари худди ёқуту маржондек ҳурри мақсуралар тожиги безак ва манзумалари латифлиги дилдорларнинг қулоқ ва бўйинларига мангу зебу зийнат:

*Унинг қалами гавҳар сочувчи бўлсин,
Унинг сухани назми маржон шодаси бўлсин.*

Самовий китоблар варақлари ҳақиқатларини кашф этишда унинг фикри ҳақ ва мустафовийларга мансуб муъжизосор ҳадислар аниқлигини белгилашда унинг сўзи ҳал қилувчидир.

*Сенинг ақлинг ҳақиқат илмини тушунтириб бергувчи,
Сенинг сўзинг қуръон нозикликларини тафсир қилгувчи.*

Унинг салим таъбининг софлигидан ҳаёт суви хижил ва мустақим зеҳнининг равонлигидан олам тузилиши мунфаъил. Такаллуф, лоф ва ортиқча, беасос хушомадсиз ул ҳазратга баҳо берилди.

Муаллиф таъриф сўнгида улуғ амирнинг эл-юрт ободлиги йўлидаги ишлари ҳақида ҳам қисқача айтиб ўтиб кетади:

“Мутажаллий ба тажаллиёти осмоний ва мутаҳаллий ба ахлоқи илоҳий ва мавсуф ба авсофи разияи номутаноҳий ва муртакиб ба аъмоли ҳасана ва мужтаниб аз афъоли замима ва он миқдор бақоъи ниқоъ ва имороти фалакиртифоъ, ки меъмори олии ҳимматаш дар атрофи жаҳон, хусусан, мамолики Хуросон аз мадорису хавониқ ва масождид ва дор уш-шифо ва аробит ва ғайрҳо сохтаву пардохта, ки ҳаргиз ҳеч подшоҳи зушавкату соҳибҳашмат ба имороти он муваффақ нагашта

*Сохт иморот баса дар жаҳон
Пай набурд ваҳм ба теъдоди он.
Танг шуд аз вусъати онҳо замин,
З-рифъатишон ғайрати чархи баррин”¹.*

(Осмон жисмларининг энг ярқироғи, илоҳий хулқнинг ифодаси ва чексиз таърифлар мавсуфи, савоб ишларнинг сабабчиси ва гуноҳ ишларидан ўзини сақловчи шу қадар фалакўпар иморатларким, олийҳиммати меъмори жаҳон атрофида, хусусан, Хуросон

¹ Равзат ус-сафо... :Қўлёзма. Ўз ФАШИ, инв.№1950.-VII жилд, 50-51-варақлар.

мамлакатда мадрасалар, хонақоҳлар, масжидлар, дор уш-шифо, работлар ва бошқа иншоотлар қурганки, ҳеч қайси шавкатли подшоҳ бунчалик иморат қурмаган:

*Жаҳонни тўлдирди иморатга ул,
Сонини назарга илмади бутқул.
Улар кенглигига замин тор келди,
Юксакликда чархни қолдирди.”*

Амир Давлатшоҳ бин Аловуддавла Бахтишоҳ Самарқандий

Тазкиралар ичида Алишер Навоий номи зикр этилган илк асар Амир Давлатшоҳ бин Аловуддавла Бахтишоҳ ал-Қозий Самарқандий қаламига мансуб “Тазкират уш-шуаро” асаридир. Муаллиф умрининг асосий қисмини сипоҳийликда ўтказган. Бизгача етиб келган мазкур асари ундан ягона ёдгор бўлиб, унда беш юз йил мобайнида яшаб, ижод этган бир юз эллик нафар шоир ва адиб фаолияти тадқиқ доирасига тортилган¹335. Бу асар ҳижрий 892 (1486) йили ёзилган бўлиб, муқаддима, етти қисм ва хотимадан иборат. Асарнинг хотима қисми Давлатшоҳга замондош бўлган шоирлар ҳақида бўлиб, жумладан Алишер Навоий борасидаги қимматли маълумотлар ҳам шу қисмдан жой олгандир. Асарнинг яна бир диққатга сазовор жойи шундаки, у Алишер Навоий номига бағишланган ва асар дебочасида шу ҳақда сўз юритилган.

Аввало, Давлатшоҳ Навоийнинг барча унвон-лақабларини санаб, кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилади ва сўнг унинг фазилатлари мадҳига ўтади:

*Молики риқоби килку шамшер
Низом ул-миллат вад-дин Алишер-*

ки, мамдуҳи акобири офоқаст ва мазҳаре ки, мажмуи макорим ул-ахлоқ, зоти малаксифоташ унсури караму мурувват ва ҳиммати кимёхосияташ айни шафқату рофиятаст. Арбоби фазлро суддаи маниъаш мақарри муаййин ва асҳоби илллати фоқаро дор уш-шифои карамаш мафарри мубаййин. Иморати гил, гарче зоҳиран шиори ўст, аммо ба ҳақиқат иморати дил низ пешаву кори ўст. “

*(Соҳиби ул шамшир, қиличнинг
Алишер ул низомидир миллату диннинг.*

У - давр улуғларининг мадҳида бўлган буюклик. У барча олий хулқларни ўзида акс эттирган сиймодир. Малаксифатли зоти карам ва мурувватнинг асосидир, кимёхосиятли ҳиммати - раҳм-шафқатнинг манбаси, фазл арбобларига олий остонаси доимий макон, фақирлик илллатига дучор бўлган кишиларга карамининг шифо уйи шаксиз бошпана. Унинг шиори кўринишидан лой иморат бўлса ҳам, ҳақиқатда кўнгил иморати қуриш бўлди.)

Давлатшоҳ Амир Алишер фаолиятида бўртиб кўринган икки асосий йўналишни ажратиб кўрсатади ва уларни шарҳлаб ўтади: “Бо язди субҳонаҳу ва таоло дар ин ҳар ду тариқаш собити қадам ва росуҳи дам дорад, ки шеваи аввал сабаби маъмурии билод ва шафқат бар уббод аст. Ва тариқи соний, асли ихлосу маҳзи ришоди меъмори саъйи жамилаш вайронии мулкро маъмур сохт ва соқии карамаш махмурони ситамро масрур гардонид. Ли муаллиф ал-китоб:

¹ Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Б.Ахмедов таржимаси.- Т.:Ф.Фулом, 1981, 4-бет.

*Дар замонаш чун з-вайроний намебошад асар,
Чуғз аз ин васвосу савдо мекунад навҳагарий.*

Покбозии, ки ба жилваи абкори маоний қаноат ва Исосифат аз олоиши табиат мужаррад буда ва хайроту эҳсон ёдгори ўст. Ва боқийёт ус-солиҳот муниси рўзгори ўст...Дуои давлати ин амири кабири соҳиби ҳиммат бар заммаи халқ фарз аст:

*Раиятпаноҳо, дилат шод бод,
Ба саъйят мусалмоний обод бод!
Фидоият ҳама чиз шоиста дод,
Жавонмардиро, донишу дину видод.
З-фазлат Хуросон фархундаи бум,
Шараф бурда бар хоки Юнону Рум.
Мурод аз жаҳон номи нек асту бас,
Ба жуз номи некӯ намонад з-кас.
Туро хайру эҳсон ва некию ном
Бимонад то жовидон, вас-салом!¹*

(Ҳақ субҳанаҳу ва таоло иноятидан бу икки йўлда собит ва қатъийдир: биринчиси шаҳарларни ободонлаштириш ва мўминларга мурувват қилишдир, иккинчиси, гўзал қарашлари меъморининг асл ихлоси ва пок ҳақ йўликим, мулк вайронгарчилигини обод қилди. Карами соқийси ситам махмурларини хушвақт этди. Муаллифдан:

*Замонида вайронадан асар қолмади,
Бойқуш бу ишлардан фарёд кўтарди.*

Унинг поклигиким, маъно бокиралиги жилвасига қаноат қилган ва Исо сифат табиат макруҳликларидан ўзини тортган. Хайрли ишлари ундан ёдгор, эҳсонлари унинг тақдирига мунис бўлди... Ҳимматли улуғ амирнинг давлати ҳақиқа дуо қилиш халқ учун фарздир.

*Эй халқпарвар, дилинг шод бўлсин.
Ғамхўрлигингдан мусулмончилик обод бўлсин.
Фидолигинг барча ишни шойиста қилди-
Жувонмардлиги донишу оллоҳ динини.
Фазлингдан Хуросон гуллаб-яшнади,
Овозаси Юнону Румга тарқалиб шараф топди.
Дунёда яшайдан мурод яхши номдир,
Инсондан қоладигани яхши ном, холос.
Сендан савобу эҳсону яхшилику ном -
Қолсин, жаҳон тургунча мангу.*

Давлатшоҳ Навоий таржима ҳолини унинг зикрига бағишланган асосий бўлимда насаб тавсифидан бошлайди:

“ Волиди бузургвори ин амири номдор аз машоҳири рўзгор буд ва аз жумлаи санодиди улуси Чигатой ва ба рўзгори давлати султони изоми Абулқосим Бобур Баҳодур мудабири мулку кофии давлат ва муътамиди алайҳ ва машорун илайҳ. Бо вужуди туркият тарки

¹ Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро, сах. 12-13.

фазоил наменамад¹337. Ва ғояти ҳиммати олиаш бар он масруф буд, ки фарзанди саодатмандаш ба зевари фазл мутаҳаллий ва ба анвори ҳидоят мутажаллий гардад.

(Бу номдор амирнинг отаси замонанинг машхурларидан эди ва Чиғатой улуси улуғларидан бўлиб, азим султон Абулқосим Бобур Баҳодир давлати даврида мамлакат донишманди ва давлат билимдони ва (султоннинг) ишончли кишисига айланди. Сипоҳий эканлигига қарамасдан, фозилликни ташламади ва барча олий ҳимматини саодатманд фарзандининг фазл беага билан безаниши, ҳидоят нурлари билан ярқирашига сарфлади.)

Муаллиф Навоийнинг Абдулқосим Бобур меҳрини қозонганлигини ёзар экан, унинг ёшлик пайтидаёқ шеър ёзишда моҳир бўлганлигини таъкидлайди: "Дар рўзгори подшоҳи мағфури мазкур, ин амири кабир бо вужуди ихтишоми ҳукумат доиман ба фазилат кўшиди ва ба арбоби фазл суҳбат дошти ва табъи кариму зеҳни мустақимаш ба гуфтани ашъору шунидани осору ахбор мавлаъ буди ва дар овони шабоб зуллисонайн шуд ва дар шеваи туркий соҳибфан гардид ва дар тариқи форсий соҳибфазл.

Муаллифро аст:

*Туркийсин кўриб қилурлар тарку тавба ҳам
Гар тирик бўлсалар эрди Лутфий била Кардарий.
Бо вужуди форсий дар жунби шеъри комилаш,
Чист ашъори Заҳиру кист бори Анварий?*

Султон Бобур подшоҳе буд суханшунос ва ҳунарпарвар. Доиман, бар лутфи табъи ваққоди ин амири кабир офарин карди ва аҳёнан дар туркий ва форсий шеъре аз муншаоти он амири кабир мутолаъа намуди ва дар қудрати табъу зебоии каломи латифаш таажжуб карди ва ба алтофи бедариғаш мустафид ва ба дуои хайраш мадад фармуди.

(Мазкур мағфиратли подшо (Абдулқосим Бобур - Ш.С.) замонасида улуғ амир ҳукумат ҳашаматига қарамасдан доим фазилат орттиришга ҳаракат қилар ва фазл арбоблари билан суҳбат қуради. Ўткир зеҳни ва мукаррам таъби шеър айтиш, асарлар ва таърихлар тинглашга ташна эди. Ёшлик пайтларидаёқ зуллисонайн бўлди. Туркий тилда маҳорат эгасига, форсийда фазл соҳибига айланди. Муаллиф бу амир ҳақида шундай дейди: Шеър... Султон Бобур суханшунос ва ҳунарпарвар подшоҳ эди. Доим лутф ила бу улуғ амирнинг ёрқин таъбига офарин ўқирди. Баъзида унинг туркий ва форсий ижодидан бир шеър ўқир ва таъбининг қудрати, латиф камолининг зеболиги қаршисида таажжубланар эди. Ўзининг бедариғ лутфидан баҳраманд ва яхши дуоси билан мадад берарди...)

Давлатшоҳ Навоийнинг Абулқосим Бобур саройида яшаган-лигини ва унинг 1452-1457 йиллар орасидаги ҳаётини умумий кўринишда бўлса ҳам ўз даврида биринчи бўлиб тасвирлаб берганлиги диққатга молиқдир. Бироқ, ундан кейинги ҳаёти ҳақида гапирмасдан, балки бу тазкира ҳажми талаби нуқтайи назаридан бўлса керак, бирдан тазкира ёзилаётган даврга қайтади:" Ал-йавм ин амири кабир ҳомии дину давлат ва пуштипаноҳи шаръу миллат аст. Хусрави рўзгор аз насойиҳи муфидаш мустафид ва асҳоби маносибу арбоби

¹ В.В.Бартольд ушбу парчани қуйидагича изоҳлайди: "Давлатшоҳнинг сўзига қараганда, Мир Алишернинг отаси Бобур хизматида бўлган. Турк, аммо саводли киши бўлиб, ўғлининг ҳар тарафлама билим эгаллаши учун ҳаракат қиларди (Мир Али Шир и политическая жизнь, стр.216). Кўриниб турганидек атоқли шарқшунос " " сўзини туркий деб таржима қилган ва "турк бўлса ҳам, лекин саводли киши", дейди. Давлатшоҳ учун Навоийнинг отасини туркий деб миллатини алоҳида ажратиб кўрсатишга туркийлар давлатида бирор эҳтиёж бўлмаган бўлиши керак деб ўйлаймиз. Шу жиҳатдан В.В.Бартольд таржимаси асл маънони ифодаламаган дейишга асос бор. Рус шарқшуноси каби Садриддин Айний ҳам мазкур иборадан келиб чиққан ҳолда Навоий отасини саводсиз деб хулоса чиқарган (Қаранг: Навои, с. 199). Назаримизда, бу ўринда ушбу сўз сипоҳий маъносини ифодалаётир. Чунки кўпгина туркий адабиёт намуналарида турк сўзи "жангари, жангчи" маъносида келтирилган ўринлар ҳам мавжуд.

маротиб аз суҳбати шарифаш машкур ва розий. Мажлиси маниъаш мақсади фузало аст ва даргоҳи рафиъаш маржаъи зуафову фуқаро. Хони неъматаш барои маҳжурони неъмат муҳайё ниҳода. Боби карамаш бар рӯхи ниёзмандон доиман кушода, орий

*Хайрот чунин лутфи худой бошад,
Не аз сари шуҳрату риоий бошад.
Соҳибназаре, ки сийраташ хайру атост,
Биллоҳки, ҳидояташ атоий бошад¹.*

(Бу кун улуғ амир дину давлат ҳомийси, миллат ва шариятнинг пушти паноҳидир. Замон хусрави (Хусайн Бойқаро) унинг фойдали маслаҳатларидан баҳраманд ва мансаб аҳлию мартаба арбоблари унинг шариф суҳбатидан миннатдор ва рози. Фозилларнинг мақсади унинг олий мажлисига етишишдир. Унинг кенг даргоҳи заифлару фақирларга бошпана, дастурхонидаги неъматлаъри муҳтожлар учун муҳайё қилинган, карам эшиклари ниёзмандлар учун доимо очиқ. Ҳа,

*Савоб ишлар шундай худо лутфи билан бўлса,
Шуҳрату, бир мақсад қўзланмаган бўлса.
Сийрати хайру эҳсон бўлган назар соҳибининг
Оллоҳки, ҳидояти Илоҳдан берилган бўлса керак.)*

Шундан сўнг Давлатшоҳ унинг ижодига тўхталади: “Ончи то имрӯз аз он табъи латиф содир шуда аз туркию форсий: Дар туркий - Жавоби “Хамса”и шайхи ориф Низомий аст, ки қабл аз он амири кабир ҳеч кас бар чунин фазле иқдом нанамуда. Ал-ҳақ доди маоний дар он дoston дода ва ду байт аз дostonи “Лайли ва Мажнун” ба истишҳод меоварим, ки дар баҳориёт аст ва ташбиҳоту хаёлоту баланд дар ин ду байт аст:

*Марз узра кияр себарға жавшан,
Шашпар кўтарур бошиға савсан.
Лола варақин бериб сабоға,
Бағриқародек учар ҳавоға.
Табъи латифи саноеъу бадоеъи боқи
абёт аз ин ду байт маълум кунад.
“Дар хона агар кас аст, як ҳарф бас аст”*

(Бугунгача ул латифтаъбдан нимаки содир бўлган бўлса, туркийда ориф шайх Низомийнинг “Хамса”сига ёзган жавобидир. Ул улуғ амирдан олдин ҳеч ким бундай муваффақиятга эриша олмаган. Алҳақ, маъноларни ул дostonда олий даражасига етказган. “Лайли ва Мажнун” дostonидан икки байт келтирайликким, баҳор ҳақидадир ва ташбиҳлар, юксак хаёлот мавжуддир: Парча. Латиф таъби, қолган байтларининг бадийлиги ва санъат-короналиги шу икки байтдан маълум.

“Уйда бирон киши бўлса, бир сўз басдир”

Навой “Хамса”сига билдирилган мазкур муносабат тазки-ралар ичида энг дастлабки ва ўта масъулият билан берилган баҳо сифатида диққатга сазовордир. Агар хамсанавислик тарихига назар ташланса, XIV-XV асрларда Низомий “Хамса”си шакл-андозаларидан четлашиш, мазмун-моҳият нуқтайи назаридан ҳам янги анъаналарни жорий этишга интилиш кучайганлигини мушоҳада қилиш мумкин. Жумладан Кирмоний, Табрезий,

¹ Ўша асар, 368-бет.

Кавкабий ва Жомий каби хамсанависларнинг муносабати шунга мисолдир. Шу ҳодисани дақиқ тадқиқ этган йирик навоийшунос олим, академик Б. Валихўжаевнинг кузатишлари Давлатшоҳ Самарқандий баҳосини анча изоҳлаб беради:” Бизнингча, бу масалада Алишер Навоий бир томондан Низомий ва Хусрав Деҳлавий хамсаларининг моҳиятини чуқур тушунган ҳолда уларни ҳимоя қилишга чоғлади, иккинчидан ва энг муҳими, анъанавий мавзу ва қаҳрамонларни янги давр ҳамда талаблар асосида янги талқин қилиш, шаклан ўхшаш, аммо оригинал, мазмунан ҳамоҳанг, аммо янги асарга, янги қаҳрамонларга айлантириш мумкин, яъни назираи беназирни майдонга келтириш лозим деган ақидадан келиб чиққан эди. Бу билан у илмий адабий меросни қадрлай билиш, ундан фойдалана олиш лозим, у эскирди деб баҳридан кечиш керак эмас, дегандай бўлади. Навоийнинг:

*Кишилик будурким унутсанг ани,
Чу таркинг қилур тарк қилсанг ани,-*

деб ёзгани ҳам шу маънода катта ҳикматга моликдир¹339. Устознинг фикрларини давом эттириб, Давлатшоҳнинг ҳеч ким бундан олдин Низомий “Хамса” сига бу даражада жавоб айта олмаган”, дея берган баҳоси бир томондан Низомий “Хамса” сидан четлашишлар ўша даражадаги маҳоратга эга бўлмаганликлари оқибатида содир бўлганлигини изоҳласа, иккинчи томондан ўша даврда Низомий маҳоратига кўтаринки муносабат ҳам мавжуд бўлганлигини англатади.

Давлатшоҳ Самарқандий Навоий ижодини кўздан кечиришда давом этар экан, энди уни Хусрав Деҳлавий маҳорати билан солиштиради: “Аз рўи густоҳий аз калом туркий ва форсии ин амири кабир чанде хоҳим овард то пеши фузало намудорий ва аз онҳазрат баъд ал-йавм ёдгорий бошад: Дар жавоби қасидаи “Баҳр ул-аброр”и Хожа Хусрави Деҳлавий ин амири кабирро қасидаи ғаррост. Ва баъзе аз он қасида дар ин тазкира ирод мешаванд

*Оташин лаъле ки тожи хусравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.
Тухми расвоий диҳад ҳар донаи тасбеҳи зарқ,
Оре, Оре, дона тухми хешро боровар аст.
Мардро як манзил аз мулки фано дон то бақо,
Меҳрро як рўза роҳ аз бохтар то ховар аст.
Золиму одил на яксонанд дар таъмири мулк,
Хук дигар дар шиёри мулк, деҳқон дигар аст.
Эй басо нуқсон, ки дар зимнаш бувад як навъ суд,
Чун дафи лўй дарид, аз баҳри маймун чамбар аст.
Тухфат ул-афкор агар созам лақаб, ўро сазост,
Тухфае чун наздат, з-баҳри фикратам ин гуҳар аст.*

(Бу тазкирада одат бўйича, гўстоҳлик бўлса ҳам, бу улуг амирнинг туркий ва форсий каломидан бир нечтасини келтирамизким, фозилларга маълум бўлсин ва ул ҳазратдан бугундан бошлаб ёдгор бўлиб қолсин: Улуг амирнинг Хожа Хусрав Деҳлавийнинг “Баҳр ул-аброр”²340 қасидасига жавоб тариқасида ёзган ажойиб қасидаси бор ва ундан бу тазкирада баъзи парчалар келтирилади:

¹ Б.Валихўжаев. “Хамса” ёзиш анъанасига Алишер Навоийнинг муносабати/Ўзбек тили ва адабиёти, 1990.-№ 1,16-21-бетлар.

² Давлатшоҳ Самарқандий тазкирасининг барча нусхаларида Хусрав Деҳлавийнинг “Дарёи аброр” қасидаси “Баҳр ул-аброр” тарзида келтирилган.-Ш.С.

*Подшоҳлар тожига безак бўлган ул оташин лаъл
Бошда хом хаёл пиширувчи чўғдир.
Макр тасбеҳининг ҳар донаси расволик тухумини берур,
Ҳа,ҳа, ҳар дона ўз тухумини беради.
Мард учун фанодан бақогача бир қадамдир,
Қуёш учун шарқдан ғарбгача бир кунлик йўлдир.*

*Золим ва одил мулк таъмирида бир хил эмасдир,
Мулк шудгорида тўнғизнинг иши ўзгачаю деҳқоннинг иши ўзгача бўлур.
Нуқсонлар кўпки, ортидан (баъзилари) бирор фойдага сабаб бўлиши мумкин,
Лўлининг дойраси ёрилса, маймунга чамбарак бўлиши мумкин.
Унинг номини “Тухфат ул-афкор” қўйсам муносиб бўлар,
Тухфам олдиндадир, у тафаккурим денгизидан олинган бир гавҳардир.)*

Мазкур қасиданинг яратилиш тарихи Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида батафсил берилган: Алишер Навоий Абдурахмон Жомий билан Амир Хусрав ижоди ҳақида суҳбатлашгандан бир неча кун ўтиб, султон билан Марвга жўнашга тўғри келади. Устоз ёнига хайрлашишга кирганда, у бир қоғоз тутқазади. Навоий йўлда уни очиб ўқиса, Хусрав Деҳлавийнинг “Дарёи аброр” номли қасидасига жавобан Абдурахмон Жомийнинг “Лужжат ул-асрор” қасидаси бўлиб чиқади. Навоийда ҳам бу қасидага назира яратиш фикри туғилиб, уни Марвга етгунча ёзиб тугатади ва шарқшунос олим Шоислом Шомуҳамедов ибораси билан айтганда, “натижада, жуда чуқур фалсафий-ижтимоий фикрлар, юксак бадий маҳорат билан ифода этилган сеҳргар образлар, мажозлар, киноя ва ташбиҳлар, маънодор сўз ўйинларига бой ажойиб асар майдонга келади”¹341.

Давлатшоҳ Самарқандий бу икки қасидани ўзаро қиёсий таҳлил қилар экан, Навоий қасидаси бадий савиясига кўра Хусрав қасидасидан қолишмаслигини кўрсатиб ўтади: **“Агарчи** Амир Хусрав муқаддами асҳоби фазл аст ва дар “Баҳр ул-аброр” маорифу ҳақоиқу хаёлоти дақиқаи ў назди орифон мукаррам ва муаззаз аст, аммо ин амири кабир низ доди маоний дода ва дар шоирий ва суханварию намуди хаёли хос тақсире накарда

*Ин аст жавобе, на кам аз гуфтаи Хусрав,
Балки ин ду сухан хубтар аз якдигар уфтод.*

(Гарчи Амир Хусрав пешқадам соҳиби фазл бўлса ҳам, “Баҳр ул-аброр” да унинг маърифат ва ҳақиқатлар, дақиқ хаёлоти орифлар наздида мукаррам ва азиздир. Бироқ бу улуғ амир ҳам маъноларни (энг баланд) чўққисига чиқарган бўлиб, шоирлик, сухандонлик, ўзига хос тахайюлни кўрсатишда хато қилмади:

*Мана будир жавоб, Хусрав сўзидан кам эмас,
Балки, бу икки сухан бир-бирдан яхшироқ воқеъ бўлди.)*

Давлатшоҳ давом этади: **“Девони ашъори туркии ин амири кабир зевари мажолиси салотин ва акобир аст. Ва навои арғунини** Навоий ушшоқи бенаворо ба роҳи рост меоварад ва муҳолифон аз садои сарири килкаш мағлубанд. Зиҳи овоза ва оҳанги хусравонааш маҳбуи Султон Хусайн, ки аз диёри туркий то худуди Ҳижоз бирафт. Ва зиҳи дабдаба аз Нишопур то ба Исфаҳон расид. Гўшҳои аҳолии диёри ажам аз ин садо пур ва гўшаҳои олам

¹ Ш.Шомуҳамедов.Одамийлик иншоси.Тошкент,1984,90-бет.

з-ин баҳре пур аз дур! Пайки сабо ин хабар ба Ироқ расонида, авроқи Туборо фалак шаъботи ин ниҳол гардонида¹.

(Бу улуғ амирнинг туркий шеърий девони султонлар ва киборлар мажлисларининг беагидир. Навоийнинг (инсонни) элитар навоси бенаво ошиқларни тўғри йўлга бошлайди, мухолифлар унинг қаламининг қитирлашидан орқага чекинадилар. Подшоҳона оҳанги Султон Хусайннинг маҳбуби! Қандай яхши овозаки, турк диёридан Ҳижоз ҳудудигача кетди! Қандай соз дабдабаки, Нишопурдан Исфаҳонгача етди! Ажам диёри аҳолисининг қулоқлари бу овоздан битган ва оламнинг ҳар бурчаги бу дарёнинг дурларидан тўлган. Тонг шабадаси бу хабарни Ироққа етказгандир ва фалак Тубо дарахтининг барглари бу ниҳолнинг шохчаларига айлантирди.)

Тазкирада Давлатшоҳ ўзининг Навоийга бағишланган қасидасини илова этган бўлиб, форс шоирлари ижодига мансуб биринчи муламма шеърдир. Умуман, бу тазкирадаги маълумотларнинг афзаллик томонлари кўп бўлиб, у кўпчилик манбаларга Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ёритиш нуқталарини, умумий йўналишни белгилаб берган ва айниқса, Навоийнинг бадий маҳоратига жиддий баҳо берган илк тазкира сифатида ҳам қимматбаҳо манбадир. Давлатшоҳ Навоийга бўлган юксак эҳтироми туфайли тазкирада унинг хайрли ишларини ҳам кўрсатиб ўтишни лозим топганлиги унинг Навоий фаолиятининг деярли барча томонларини ёритишга ҳаракат қилганлигидан дарак беради: "Рои савобнамояш иқтизо кард, ки тавосили амволро сарфи хайроту мубаррот намояд ва дасти татовули меросхўрон ва шаталбарон аз он кутоҳ гардонад...Аз холиси амволаш, ки дар роҳи худо, ба рағми риёву ҳаво дар ин мамолик бар мадорис, масожиду работот, дор уш-шифо ва буқоъи хайр харжу сарф карда. Ва авқоф, ки бар он буқоъ муқаррар карда, тахминан 500 тумон кепакий бошад...Агар ба тафсил зикри аъдоди хайроту мустаҳсаноти ин амири кабир карда шавад кор ба тавилу атноб анжомад, чанде ки дар дор ус-салтанаи Ҳирот ва баъзе аз машоҳиру манозилу мароҳил аст, мужмалан зикр хоҳад шуд: Аввалан, имороти дор ус-салтанаи Ҳирот, масалан, Масжиди Жомеъ ва мадраса, хонақоҳ ва маҳалл бар канори жўи Инжил, ки Силсабилу анҳори жаннат аз ғайрати он дидаи тар доранд. Ва мусофирон дар тамоми рубъи маскун бадин ниҳзат ва маҳалли иморатий нишон намедиханд. Ва дигар эҳдоси Работи ишқ аст ва собиқан дар ин тазкира сабт шуд. Дигар, имороти Работи Сангбаст аст ва низ ба маҳалли худ марқум шавад. Ва ҳоло дар чанд маҳалли дигар имороти олия эҳдос фармояд, мисли иморати сари равзаи Саид Қосим Анвор ва Фаридиддин Аттор ва работи Дайробод ба навоҳии Нишопур, ки сонии работи Аёзи Хос аст, балки аз он олитар ва сангинтар. Ба июноти илоҳий чанд вақт аст, то ҳиммати олий бар хайрий гумошта. Оби чашмаи Гил аст, ки аз машоҳири аййўни Хуросон аст ва аз муназаҳоти жаҳон ва дар олий вилояти Тус воқеъ аст, ба Машҳади муқаддаса оварад ва мужовирон ва муқимони Машҳади муқаддаса аз жаври беобий халос созад ва дар он мадади ҳиммати аҳлуллоҳ шомили ҳоли ин амир аст. Чи эҳсон аст, ки салотин ва жабборони олам дар ин кор ожизанд ва қариб ба даҳ фарсах шаръий аст манбаъи ин об, ки мажмуъ дар ноҳамвориҳо ва шикастагиҳо об мебояд овард ва ин хайр бар жамиъ хайроти шарифаш шараф дорад ва Машҳади муқаддаса аз ин жўи рашки беҳишти баррин ва ғайрати нигорхонаи Чин хоҳад шуд...Боқий имороту хайроти ин амири кабиру хабирро ба тафсил наметавон овард чи аз шумору аъдод афзун аст."

(Унинг савобга бошловчи фикри барча мол-дунёни садақаю хайрли ишларга сарф қилишга ундади ва меросхўрларнинг ҳамда чўтолчиларнинг тажовузкор қўлларини калта қилди...холис мол-мулкани худо йўлида ва нафсу ҳавога қарши мамлакатларда мадрасалар, масжидлар, работлар ва хайрия бинолари ва шифо уйи қуришга сарф

¹ Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкира..., сах. 370.

қилди. Ул биноларга тайинланган вақфлари, пул ҳисобида тахминан, 500 туман кепакий бўлса керак. Агар батафсил бу улуғ амирнинг хайрия ишларини санайдиган бўлсак, гап чўзилиб кетади. Шунинг учун Ҳирот дорус-салтанасида ва бошқа манзилларда жойлашган иморатларнинг машхурларидан баъзилари умумий тарзда зикр этилади. Биринчидан, Ҳирот дор ус-салтанаси иморатларидан Жомеъ масжиди, мадраса, хонақоҳ, доруш-шифо ва ҳаммомким, барчаси ўзининг ғайрати билан жаннатнинг Силсабили-ю, ариқлари кўзига ёш келтирувчи Инжил ариғининг бўйида жойлашган. Мусофирлар бутун дунёда бундай иморатга бой жойни кўрсатиб беролмайдилар. Яна бири Ишқ работиким, олдинроқ шу тазкирада унинг зикри ўтди. Яна работи Сангбастким, ўз ўрнида у ҳақда ҳам гапириб ўтилади. Ҳозирда ҳам бир неча жойларда олий иморатлар қурмоқда. Масалан, Қосим Анвор ва Фаридиддин Аттор қабрлари устида қурилаётган иморатлар, Нишопур навоҳийсидаги Дайробод работи Аёзи Хос работидан кейин турадиган работдир, балки ундан ҳам аъло ва мустаҳкамроқдир. Илоҳий иноят ила бир қанча вақтдирким, унинг олий ҳиммати хайрли ишларга қаратилиб, олий вилоят - Тусда жойлашган Хуросон мулкининг машхур манбаларидан ва жаҳоннинг тиниқликларидан ҳисобланувчи Чашмаи Гилни (сувини) муқаддас Машҳадга келтирмоқчи. Машҳаднинг муаҳаллий ва атрофидаги халқни сувсизлик азобидан озод қилмоқчи. Бу ишда Оллоҳ аҳли ҳиммати мадади бу амирнинг ҳолига ҳамдарддир. Бу қандай туҳфаки, султонлар ва олам зўрлари бу ишда ожиздирлар. Қарийб ўн фарсаҳ жойдан бу сувни нотекисликлар ва баланд-пастликлардан олиб ўтиш керак бўлади. Унинг бу иши барча хайрли ишлардан шарафлидир ва муқаддас Машҳад бу ариқдан жаннат рашкини ва Чин нигорхонасининг ғайратини келтирадиган бўлғусидир... Бу улуғ амирнинг бошқа иморатлари ва хайрли ишларини батафсил баён этишнинг иложи йўқ, чунки улар сон-саноксиздир...)

Айтиш керакки, унинг кўрсатиб ўтган бу маълумотлари ҳам Навоий даврида яратилган асарлар ичида энг биринчиси бўлганлиги билан диққатга сазовордир.

Муъиниддин Муҳаммад ал-Замжий ал-Исфизорий

Навоий қурдирган иншоотлар ҳақидаги баъзи маълумотлар Муъиниддин Муҳаммад ал-Замжий ал-Исфизорийнинг “Равзат ул-жиннот фи авсофи мадинаи Ҳирот” (Ҳирот тавсифида жаннат боғи) мазмун жиҳатидан жуғрофий характердаги тазкирада ҳам бериб ўтилади: Бодгис вилояти борасида: “Чиҳил духтарон” дирким, обод қасабаси, бозори бор, халқи кўп... Ҳазрати Низомиддин Алишер у ерда работ қурдирганким, олийдир, пишиқ ғишт билан қурилгандир. Чиҳил духтаронда муборак мазорот бўлгани учун ўша ерли халқ тавоф нияти билан у ерга қадам ранжида қилади. Аммо ул қишлоқнинг ёнидан сой ўтганлиги сабабли ҳар баҳор фаслидаги сел оқибатида сув кўп келиб, халойиқ сойдан қандай ўтарини билмасди. Халқнинг бу селдан зарар ва талофат кўрмаган йили кам. Ҳазрати султоннинг яқин кишиси шу сой устига кўприк солишларига фармон берди-ю, бу ҳолнинг давом этишига чек қўйди¹343 .

Фаридиддин Аттор ҳақидаги қисмда:

...827 йили кофирлар қўлидан шаҳид кетди ва у пайтда ёши 114 да эди. Қабри Нишопурда бўлиб, ҳазрати султоннинг яқин кишиси Амир Низомиддин Алишер унинг мазори устида равоқли иморат солган²344.

Исфизорийнинг кўрсатилган асари 1492 йилда Ҳиротда яратилган бўлиб, мазкур кейинги маълумот Давлатшоҳ қурилаётган иморатлар қаторида тилга олиб ўтган Фаридиддин Аттор мақбарасининг битганлигини тасдиқлайди.

¹ Муъиниддин Исфизорий. Равзат ул-жиннот фи авсофи мадинаи Ҳирот: Қўлёзма. ЎзФАШИ, инв.№788, 41^а-вар.

² Ўша асар, 70^б-вар.

Абдурахмон Жомий

Давлатшоҳ Самарқандийнинг тазкираси билан деярли бир даврда яратилиб, Навоий ижодидан маълумот берувчи кейинги илмий манба Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон” асаридир. У бу асарни 1487 йили шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” асари таъсирида ёзган бўлиб, саккиз боб (равза) ва хотимадан иборат қилган. Жомий еттинчи равзани шоирлар зикрига бағишлаб, 39 шоир ҳақида маълумот бериб ўтади. Шунинг учун ҳам биз ушбу ишимизда тарбиявий-ахлоқий ҳикоялар мажмуаси бўлган бу асарни тазкиралар бобида кўриб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топамиз. Еттинчи равзанинг сўнгида Жомий Навоий ҳақида тўхталиб, шундай ёзади: “Ва соҳибдавлате, ки замони мо ба вужуди шарифи ў мушарраф, ҳар чанд пояи қадри вай назар ба маротиби жоҳу азамат ва қурби подшоҳи соҳибшавкат ва қиёс ба муносабати маънавий аз фазлу адабу фазоили мавҳубу муктасаб аз он баландтар аст, ки вайро ба ҳусни шеър таъриф кунанд ва ба жавдати назм тавсиф. Аммо чун хотири шарифаш ба воситаи касби фазилати тавозеъ ва касри нафс ба он фуруд омадааст, ки худро дар силки ин тоифа мунҳасир гардонида ва дигар онро ҳижоби таҳоший аз он маъний ки вайро аз табақаи эшон доранд ва аз зумраи эшон шуморанд муртафеъ гашта, аммо инсоф он аст, ки ҳар жо ин тоифа бошанд, вай сар бошад ва ҳар жо номи ин табақа нависанд вай сардафтар. Ва чун гавҳари номаш бузургтарин аз он аст, ки ҳар маҳалле аз назм садафи он тавонад буд ва ҳар мақоме аз шеър шарафи он тавонад ёфт. Тахаллуси ашъораш ба ончи аз ин муаммои дигар мафҳум мегардад, номзад гашта:

*Кунҳи номаш дар тахаллусҳо наёбад кас,
Бар лаби ёбандагон аз вай навое дону бас¹.*

(...Вужудига бизнинг замонамиз мушарраф бўлган ул давлат соҳибининг қадри улуғ обрў-мартабалар, шавкатли подшоҳга яқинликка қараганда ва маънавий камолот белгилари фазлу адаб ва унинг туғмаю ўрганган фозилликлари билан қиёслаганда уни яхши шеърда таъриф ва назмда тавсиф этганларидан ҳам юксакроқдир. Аммо шариф хотири тавозеъ ва ўзини камсуқум қилиш фазилатларига андоқ берилганким, ўзини шу тоифа қаторида кўрар. Дунё лаззатларидан ўзларини четга тортганлар, уни ўз табақаларидан ҳисоблаганликлари учун мартабаси улуғ бўлди ва у уларга ҳомий. Инсоф юзасидан айтиш керакки, ҳар қаерда бу тоифа (дарвешлар-Ш.С.) бўлса, у бошдир ва қачонки бу табақа номи зикр этилса, унинг номи биринчи бўлиб ёзилади...Ҳар бир назми унинг номига садаф ва шеърининг ҳар мақоми унинг номига шараф қўйса ҳам унинг гавҳар номи барчасидан улуғроқдир. Шеърларидаги тахаллуси ушбу муаммода кўринади:

*Номининг маъносин тахаллусларда ҳеч ким тополмагай,
Ундан наво таралишини топганларнинг лабларидан билсанг бас.)*

Маълумки, Жомий “Ҳафт авранг” дostonларида Навоийнинг ижодига етарлича баҳо берган. У тазкирада ҳам жанр талаби нуқтайи назаридан қисқа ва лўнда таъриф беришга интилади: “Агарчи вайро ба ҳасби қуввати табиат, вусъати қобилият ҳар ду нав шеър-туркий ва форсий муяссар аст, аммо майли табъи вай ба туркий аз форсий бештар аст, ва ғазалиёти вай ба он забон аз даҳ ҳазор зиёда хоҳад буд ва маснавиёте, ки дар муқобалаи “Хамса”и шайх Низомий вуқуъ ёфта ба си ҳазор наздик ва ҳамоно, ки ба он забон пеш аз вай ва беҳ аз вай касе шеър нагуфтааст ва гавҳари назм насуфта ва аз жумлаи ашъори

¹ Абдурахмон Жомий. Баҳористон: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. № 4360, 1^{а-б}-вар.

форсии вай аст қасидае, ки дар жавоби қасидаи Хусрави Дехлавий, ки мусаммост ба “Дарёи аброр” воқеъ шуда ва муштамал бар бисёре аз маонии дақиқа ва хаёлотии ғариба ва латифа. Матлаъаш ин аст:

*Оташин лаъле ки тожи хисравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.”*

(Гарчи, у табиий қуввати ва қобилиятининг кенг қамровлиги билан ҳар икки хил шеър-туркий ва форсийда маҳоратга муяссар бўлган бўлса ҳам, аммо таъби форсийдан кўра туркийга кўпроқ мойилдир. Унинг ғазалиёти туркий тилда ўн мингдан кўпдир. Низомий “Ҳамса”сига жавобан ёзган маснавийлари ўттиз мингга яқин. Ундан олдин бу тилда ҳеч ким бунчалик шеър айтмаган. Форсий шеърларидан Хусрав Дехлавийнинг “Дарёи аброр” номли қасидасига жавоби борким, нозик маънолару латиф хаёлотга (фантазияга) бойдир. Матлаъси:

*Подшоҳлар тожиге безак бўлган ул оташин лаъл
бошда хом хаёлни пиширувчи чўғдир.)*

Абдурахмон Жомий ушбу ёднома сўнгида Ҳижоз сафаридан қайтаётганида унга Навоий юборган мактублардаги рубоийларни келтиради. Бироқ у ўз исмини кўрсатмасдан, “баъзи ҳаждан келаётганлар” учун юборган, деб ёзиб қўяди:

”Ин рубоий дар таҳнияти қудуми баъзе аз ояндагон аз сафари Ҳижоз дар руқъа навишта буд:

*Инсоф бидеҳ,эй фалаки мийнофом,
То з-ин ду кадом хўбтар кард хиром.
Хуршеди жаҳонтоби ту аз Матлаъи субҳ,
Ё моҳи жаҳонгарди ман аз жониби Шом.
Ва ин рубоии дигарро дар руқъаи дигар навишта:
Ин нома на нома, дофеи дарди ман аст,
Ороми даруни ранжпарварди манаст.
Таскини дили гарму дами сарди манаст,
Яъне хабар аз моҳи жаҳонгарди манаст.
Ва ин рубоии дигарро ба таждид дар руқъаи дигар:
Гар дар дайрам ба гуфтугўят бошам,
В-ар дар ҳарамам ба жустужўят бошам.
Дар вақти ҳузур рў ба рўят бошам,
Дар ғийбати рў дил ба сўят бошам.*

(Бу рубоий Ҳижоз сафаридан қайтаётган баъзи кишиларни қутлаб, хатда ёзилган:

*Инсоф ила дегил, эй зангори фалак,
Бу иккисидан қай бири хушроқ қилди хиром.
Сенинг нур сочар қуёшингму, субҳ томондан,
Ё менинг жаҳонни кезувчи ойимму, шом томондан.*

Бу рубоий бошқа хатда ёзилган:

*Бу мактуб, мактуб эмас, менинг дардимни бартараф этувчи.
Ранжга тўла бағримга оромдир.
Қайноқ қалбим ва совуқ оҳим таскинидир,
Яъни жаҳон кезувчи ойимдан хабардир.*

Мана бу рубоий бошқа бир хатда ёзилган:

*Дайрда бўлганимда сен ҳақда гапираман,
Уйимда сени излашда бўламан.
Ҳузурингда турганда юзма-юз бўламан
Юзингни кўрмаганда кўнглим сенда бўлади.)*

Бизга маълумки, Жомийнинг Навоий билан олиб борган баъзи мукотибаси Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида атрофлича ёритилган бўлиб, ундан юқоридаги рубоийлар ҳам ўрин олган¹. Аммо бу асар кейинроқ ёзилган бўлиб, “Баҳористон”да келтирилган маълумотларнинг юқоридаги Ҳижоз сафари билан боғлиқ рубоийларга оид қисми, аввало, Жомий томонидан илк маротаба илмий асарда зикр этилиши билан эътиборга лойиқ. Хондамир ҳам “Макорим ул-ахлоқ”да Жомий маълумотларига ва Навоий асарига суянганлиги, шубҳасиздир.

Тазкиралар ҳақида гапирар эканмиз, Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ал-унс” номли сўфий шайхларга бағишланган тазкирасида ҳам Навоийга алоқадор маълумотлар мавжудлигини айтиб ўтишимиз керак. Албатта, бу маълумотнинг қайтариғи “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да ҳам мавжуд. Бироқ “Нафаҳот ал-унс” бош манба сифатида, кейинги асарни факт билан таъминлагани ҳамда асос бўлиб хизмат қилганлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Унда келтирилган маълумот Навоий-Жомий ижодий ҳамкорлигининг яна бир қиррасини очиб берган. Тазкира дебочасида шундай келтирилган: “Борҳо дар хотири ин фақир мегашт, ки ба қадри васиъ ва тоқат дар таҳриру тақрири он кушеш намояд ва ончи маълум шавад ба ибороте, ки мутаорифи аҳли рўзгораст дар баён оварад ва онро, ки мафҳум нашавад дар ҳижоб ситру китмон бигзорад ва аз кутуби муътабара зикри суханони чида ва маорифи санжида изофаи он карда бар лавҳи тибйон нигорад ва шарҳи аҳволу мақомоту маорифкаромоту таърихи валодату вафоти жамоате, ки дар он китоб мазкур нашуда ба он муназзам гардонад, аммо ба воситаи вуфури алоиқ муяссар намешуд то он, ки дар таърихи санаи аҳаду самонину самонмиа муҳиби дарвишон ва муътақиди эшон он ҳама аз шуғл сер ва бар фақр далер Амир Низомиддин Алишер, ки ба тўъву ихтиёр аз олий маротиби жоҳу эътибор эъроз намуда ва ба қадами таслиму ризо бар сулуки жодаи фақру фано иқбол фармуда, аз ин фақир мисли он сурате, ки бар дил гузашта буд ва дар хотир мутамаккин гашта, истидъо кард. Доияи қадими сурат тажид ёфт ва дағдағи собиқ симати тақвияту таъкид пазируфт”².

(...Кўпинча бу фақирнинг (Жомийнинг – Ш.С.) хотирида унинг (Абдуллоҳ Ансорийнинг “Табақоти сўфия” асари – Ш.С.) иложи борича кенгроқ ёзилиши ва изоҳланишига тоқат қилиниши истаги кечарди ва нимаики маълум бўлса, рўзгор аҳлига оддий бўлган иборалар билан баён айласам ва тушунарли бўлмаганларини яширин чойшаб остида

¹ Хамсат ул-мутаҳаййирин, 33-бет.

² Абдурахмон Жомий. Нафаҳот ал-унс: Кўлөзма. ЎзФАШИ, инв. № 5149, 2^а-вар.

қолдирсаму, муборак китобларда зикр этилган улуғ гапларни кўшиб баён лавҳига ёзсам ва ўшал китобда зикр этилган улуғларнинг аҳволи, мақоми, маориф каромати, валодату вафоти йиллари унда муназзам этилса. Аммо бошқа нарсаларга чалғиб, бу нарсани амалга ошириш муяссар бўлмасди (Бу ҳол шу пайтгача давом этдиким,) саккиз юзу саксон биринчи йили дарвишлар севиклиси, эътиқодчилар ишончи... буюкликнинг олий мартабасидан хоҳиш ва ихтиёр ила юз ўгирган, таслим ва ризо қадами била фақрлик йўлига юзланган Амир Низомиддин Алишер бу фақрдан худди кўнгилдан кечган ва хотирда маҳкам ўрнашиб қолган суратни илтимос қилди. Суратнинг қадим моҳияти янгиланди ва олдинги иккиланиш таъкиду мустаҳкам ишонч билан ўрин алмашди.)

Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг ўзаро ҳамкорлиги, беқиёс дўстлиги ҳақида ўзбек ва тожик адабиётшунослигида жуда кўп ёзилган. Навоийнинг ўз устози ёинки Жомийнинг Навоий ҳақида келтирган қайдлари кенг шарҳланган. Биз устозлар фикрига кўшилган ҳолда қуйида ўз мулоҳазаларимизни ҳам билдириб ўтишни маъқул топдик.

XV аср II ярмида, айниқса, Шохруҳ Мирзо салтанати ва Мирзо Улуғбек қатлидан сўнгги даврида пойтахтларда мавжуд бўлган (Ҳирот, Самарқанд) илмий-адабий муҳит анча сустлашиб қолгани кузатилади. Бу жараён Абу Саъид Мирзо томонидан Хуросон ва Мовароуннаҳр бирлаштирилиб, Ҳирот қудратли марказга айланганда ҳам давом этди. Абу Саъид саройидаги илмий-адабий муҳит асос-эътибори билан Мирзо Улуғбек даври илмий-адабий муҳити даражасига кўтарила олмагани тарихдан маълум. Темурийлар салтанатининг ифтихори бўлган Самарқанд илмий-адабий муҳити анъаналарини тиклаш Ҳиротда Султон Ҳусайн Бойқаро даврида амалга ошди ва бу, шубҳасиз, Алишер Навоий саъй-ҳаракати туфайли рўёбга чиқди. Навоий ва Жомий ҳамкорлигининг юзага келиши ҳам, бизнингча, айнан Навоийнинг мақсадли интилишлари натижасидир.

Абдурахмон Жомийнинг буюк асарлари Алишер Навоийнинг илтимоси билан ёзилганлигини биламиз. Тожик олими Абдулғани Мирзоев ёзади: “Мавлоно Абдурахмон Жомий ҳаётини илмий ва адабий фаолияти нуқтаи назаридан икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр қирқ ёшгача, иккинчиси қирқ ёшдан кейинги давр. Бу ҳолнинг диққатга сазовор жойи шундаки, устоз Жомий ижодининг сермахсул даври ҳаётининг иккинчи қисмига тўғри келади. Биринчи даври ҳам таълифотлардан холи эмас, албатта. Шоир ўзининг биринчи девонини шу даврда яратган ҳамда “Рисолаи кабир дар муаммо” асари ҳам қирқ яшарлигида ёзилган... Аммо ҳаётининг иккинчи даври илмий ва адабий асар яратиш суръати билан беқиёсдир. Мавлононинг ёши улғайган сари суръат шунчалик тезлашган.¹ Олим бу сирга жавоб излайди ва вақт тежамкорлиги- суръат сабаби, деган хулосага келади². Тожик олимининг фикрларини рад этмаган ҳолда шундай қўшимча киритиш мумкинки, Алишер Навоий бу суръатнинг сабабини изоҳлаб кетган. У Мавлоно таърифида шундай ёзади:

*Билик авжининг меҳри тобони ул,
Қаю меҳр, сўз жисмининг жони ул.
Чу суръат аро ўт сочиб хомаси,
Яна гарм ўлуб нукта ҳангомаси.
Ҳамул ўтғаки, назм шамъин тутиб,
Маоний шабистонин ёрутуб.
Чу табъидин оқиб маоний суйи,
Келиб чашмаи зиндағони суйи.*

¹ А.Мирзоев. Абдурахмон Жоми ва жараёни зиндағии ў. Сездар мақола. Душанбе, Ирфон, 1977. сах. 203

² Ўша асар, сах. 204.

Ҳамул чашмадин чун су бермак тузуб.
Суханварлик ўлган танин тиргузиб¹.

Равшан бўлиб турибдики, суръатнинг сабаби форс-тожик адабиётининг ҳолдан тойган танига сув бериб, уни жонлантирмоқ бўлган. Алишер Навоийнинг Шарқ адабиёти олдидаги буюк хизматларидан яна бири шундаки, у фазл кони, "илм дарёси" бўлмиш Абдурахмон Жомийга адабиётни янги поғонага олиб чиқиш ғоясини бериб, уни шу улғу вазифага бошчилик қилишга ундаганлигидадир. Алишер Навоий форс тилида яратилган бебаҳо адабий ганжинанинг фидойи тарғиботчиси сифатида шеърининг жанрлари қанақа бўлишидан қатъи назар, улар ривожининг сустлашиши ёки ўз даврини ўтаб, мозийда қолишини истамаган. Бу ҳолат, масалан, унинг шеърининг маснуъ қасидалар, тарих, муаммо жанрларига эътиборида сезилади. Атоқли шарқшунос олим Е.Э.Бертельс ўзининг "Навоий ва Жомий" китобида маснуъ қасида ҳақида ёзади: "...Бу шеърларни теран фикрли деб айтиб бўлмайди. Умуман, уларда бирор маъно ҳосил бўлишининг ўзи ёмон эмас. Аммо гап уларнинг маъносида эмас. Улар, ҳатто ўқувчини қизиқтирмаслиги керак. Бу ерда диққат-эътибор мисралардаги найрангларни илғаб олишга қаратилиши керак. Равшанки, уларни ушбу бошқотирма техникадан боха-бар ўқувчиларгина илғаб олишга қодирлар. Бошқача қилиб айтганда, маснуъ қасидалар шеърининг билимдонларининг тўғри шеърлардан қониқиш ҳосил қила олмайдиган бўлиб қолган қандайдир бир маҳдуд гуруҳига мўлжаллангандир. Ушбу сўз ўйинининг ўша вақтда юқори насабли кишиларнинг машҳур гуруҳларини ўзига нақадар ром этганлигини шундан ҳам кўрса бўладики, ҳатто шундай теран мутафаккир Навоий ҳам ўз вақтичоғлигининг бир қисмини шунга бағишлар эди². Рус шарқшуноси муаммо ҳақида ҳам салбий муносабат билдиради: "ХУ аср адабиётида... муаммода мазмун умуман ҳисобга олинмайдиган бўлди. Унда фикр, ҳиссиёт йўқ. Фақатгина ёппасига сўзлар ёки сўз бирикмалари ўйинидан иборат бўлиб қолди. Муаммога берилиб, адабиёт ўзининг ижтимоий қадриятларини буткул йўқотиб, ўзини ҳалокатга маҳкум этди³. Албатта, кейинчалик баъзи тадқиқотларда, хусусан, С.Айнийнинг "Алишер Навоий" монографиясида Е.Э.Бертельс фикрлари анча юмшатилиб, бужанрнинг ўз даврида А.Жомий, А. Навоий каби атоқли сўз усталарининг феодал тузуми ифлосликларини фош этишда қўл келганлиги каби ижобий аҳамиятлари кўрсатиб берилди⁴. Л. Зоҳидов ўзининг муаммо жанрини ўрганишга бағишлаган тадқиқотида Айний фикрларини Навоийнинг "Муфрадот" асари мисолида ривожлантирар экан, муаммоларда маъно, мазмун алоҳида аҳамиятга эга бўлганлигига кўплаб мисоллар келтиради⁵. Бундай ёндашув А. Ҳайитметов томонидан анча илгари яратилган "Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари" тадқиқотида ҳам мавжуд. Зеро, А.Ҳайитметов ўз асарида унгача бўлган қарашлардаги камчиликларни тўғри кўрсата олган ва Навоий муаммочиликда йўл қўйилган ёппа шаклбозликка аёвсиз кураш олиб борганини кўплаб мисоллар воситасида очиб берган⁶. Олимимиз фикрига қўшимча сифатида айтишимиз мумкинки, Навоий теран мутафаккир бўлгани учун ҳам, поэзиянинг йўқликка юз бураётган маснуъ қасида, эътибордан қолаётган таърих, муаммо жанрларини сақлаб қолишга уринган ва унинг назарида ушбу жанрларга эътибор "эрмак" учун эмас, балки форс-тожик шеъринининг кўпчилик поэтик санъатларини

¹ А.Навоий. Садди Искандарий. Ҳамса. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Тошкент, 1960, 635-бет.

² Е.Э.Бертельс. Наваи и Джами, стр.40.

³ Ўша асар, 42-бет.

⁴ С.Айний. А.Навоий. Танл.илм.асарлар, Тошкент, 1978, 215-221-бетлар.

⁵ Л.Зоҳидов. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. Тошкент, 1986.

⁶ Қаранг: А.Ҳайитметов. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. Тошкент, 1959.

ўзида жамлаган гўзал намуналарини янада такомиллаштиришдан иборат бўлган. Навоий, шунингдек, форс-тожик шеърятининг ишлаб чиқилган мураккаб жанрий турларини ўқувчи зеҳни иладиган қўлланмалар тарзида яратилишига ўз кучини сафарбар этиши ва бошқаларни ҳам даъват этиши янги туркий адабиётнинг оёққа туриши учун ҳам зарур эди. Профессор А.Ҳайитметов жуда тўғри таъкидлаганидек, “Навоий “Хамса” дostonларидан фақат биттасини ёки “Хазойин ул-маоний” таркибидаги тўрт девондан бирини яратганда ҳам барибир адабиётимизнинг буюк намояндаси бўлиб қолаверарди. У бу ишларнинг ҳаммасини буюк муҳаббат, фидойилик билан бажарди. Чин ватанпарварлик туйғулари унга мададкор бўлиб, у йўлда дуч келган ҳар қандай қийинчиликларни матонат билан енгди¹. Бу икки буюк аллома бу ҳақда очик ёзиб ўтмаган бўлсаларда уларнинг мақсадлари ижодлари руҳиятидан яққол сезилиб туради.

Чунончи Алишер Навоий ёзади: “...Алар (Жомий-Ш.С.) учунчи девонлариға тартиб бериб эрдилар. Фақирға ўз муборак хатлари била битилғон девонни иноят қилдилар. Фақир илтимос қилдимким, Мир Хисравдин ўзга назм аҳлидин эшитилмайдурким, мутааддид девон тартиб қилмиш бўлғайлар. Аммо аларким мутааддид битибдурлар ҳар қойсиға бир муносиб от қўюбтурлар. Сиз дағи бу девонларға муносиб отлар қўйсангиз деб. Алар қабул қилдилар. Икки кундан сўнгра яна алар хизматиға еттим. Жузв қўюнларидан чиқориб, фақирға бердилар, девонлар учун феҳрист битиб эрдилар ва ҳар бирин мавсум бир исмға қилиб эрдилар... Чун фақир алар хизматида бу феҳристни ўқудум, бу фақирға ҳам амр қилдиларким: “Сенинг доғи назминг туркча алфозда чун мутааддид бўлбтур, сен доғи ҳар бирисини бир исм била мумтоз қил ва ҳар қойсини бир лақаб била жилвасоз этгил”². Бундай мисоллар анча бўлиб, китобхонларга яхши маълумдир. Бу икки буюк зотнинг адабий ҳамкорлиги натижасида туркий ва форсий халқлар адабиётлари ривожланди ва Шарқ адабиёти хазинаси муносиб дурру гавҳарлар билан тўлди. Бу икки даҳо онгли равишда адабиёт назариясини қайта кўриб чиқдилар, формал жанрлар, жумладан муаммо, тарих, маснуъ қасидалар ва бошқа шакл жиҳатидан турли бадий санъатлар ўйинидан иборат бўлган шеърят шарқ адабиётининг ажралмас таркиби сифатида сақланиб қолишига ҳаракат қилдилар ва бу ишнинг рўёбга чиқишида шеър аҳлини тарғибу ташвиқ қилдилар.

Абдурахмон Жомийнинг Навоийга муносабат билдирган шеърлари тазкира ва илмий асарларида учрайдиган фахрия ва мадҳия қитъаларидан ташқари дostonларида учрайди. Жомий “Ҳафт авранг” нинг деярли барча дostonларида Навоий ҳақидаги ўз дил сўзларини назм ипига теради. Жомий Алишер Навоий билан бир даврда ҳамнафас бўлиш насиб этгани туфайли ҳам яратганга шукроналар келтирган. Юқорида мазкур бўлганидек, Навоийдек, илҳом манбаи Жомийда мудраб ётган ижод вулқонини қўзғалишига боис бўлиши ва Жомий томонидан Алишер Навоийнинг буюк мутафаккир бўлиб етишишига тайёрланган тағзамин, бу барчаси-Буюк Дўстлик аталмиш неъматнинг ҳосилдир. Абдурахмон Жомийнинг куйидаги шеъри Навоий билан ўрталаридаги дўстликка яққол таъриф бўла олади:

*Ёре ки кунад ба ёр пайванд,
Нахли амалаш шавад баруманд.
Ёр аст калиди ганжи уммед,
Ёр аст навиди айши жовид.
Мақсуди вужуд чист жуз ёр?
З-ин савдову суд чист жуз ёр?³*

¹ А.Ҳайитметов. Навоийхонлик суҳбатлари. Тошкент, 1993, 7-бет.

² Хамсат ул-мутаҳаййирин, 57-58-бетлар.

³ А.Жомий. Ҳафт авранг: Лайли ва Мажнун. Тошбосма, Тошкент, 1913, 376-бет.

Абдураҳмон Жомий бошқа шоирлар ва фозиллардан фарқли ўлароқ, унинг таржимаи ҳолига оид бирор факт ёки сиёсий мавқеи ҳамда шахсий фазилатлари ҳақида гапирмасдан, балки асосий эътиборни Навоийнинг шеърятдаги маҳорати ва асарлари савиясига қаратади ва бу таҳсинга сазовордир. Бу ҳол Жомийнинг ўрта аср анъанавий услубларини четлаб ўтиб, ҳақиқий илмий йўналиш - адабий танқид нуқтайи назаридан онгли равишда ёндашганлигини билдиради. У ёзади:

*Зи чарх офаринҳо бар он килк бод !
Ки ин нақши матбуъ аз он килк зод.
Бубахшид бар форсий гавҳар он,
ба назми дарий дурри назмоварон¹.
(Шундай ажойиб нақш туширган
ул қаламга фалакдан офаринлар ёғилсин.
Форсийга гавҳар, дарий назмига
нуқтадонлар дуруни инъом этди.)*

Мазкур парча кўринишидан бошқа маддоҳларнинг шеърларидан деярли фарқ қилмайди. Аммо Абдураҳмон Жомийнинг Навоийга пир ва устозлик мақоми ҳамда унинг қуйидаги эътирофи бу шеърӣ парчада катта мазмун борлигини англатади. Жомий ёзади:

*Нашуд боисам жуз суҳандоният,
Ба дастури дониш суҳанроният.
В-агарна ман онро чу оростам,
На эҳсон, на таҳсин зи кас хостам.
Чи хезад зи мадҳал, ки эҳсон кунад
Чи ояд зи таҳсин, ки нодон кунад.
Ба тулуи суҳан гар сутудам туро,
Ҳади дониши худ намудам туро².*

Жомийнинг ушбу буюк баҳоси Алишер Навоийнинг фақатгина туркий тилдаги ижодига тааллуқли бўлибгина қолмай, балки форс адабиёти ривожига хизматлаётганига ҳам тегишлидир. Улуғ форс-тожик мутафаккири Алишер Навоийнинг миллат олдидаги улкан бурчини шараф билан адо эта олганидан беҳад таъсирланади:

*Ба мезони он назми муъжизнизом,
Низоми ки будию Хисрав кудом.
Чу у бар забони дигар нукта ронд,
Хирадро ба тамизашон роҳ намонд.
Зи табъи ту устоди суҳан,
Зи мифтоҳи килкат кушоди суҳан
Суҳанроки аз равнақуфтода буд,
Ба қунжи хавон рахт бинҳода буд.
Ту доди дигар бора ин обрўй,
Кашиди ба жавлонгаҳи гуфтуғуй.*

¹ А.Джами. Хирадномаи Искандари. Критический текст и предисловие Г.А.Тарбията. Москва, Наука, 1984, стр.448.

² Ўша ерда.

*Сафоёб аз нури рои ту шуд,
Навоин з - лутфи навое ту шуд¹.*

(Ул муъжиза назм қаршисида Низомий ким эдию Хисрав ким бўлиб қолди. У ўзга тилда ижод қилганда уни англашга ақл тассавури торлик қилди. Эй сухан устози сен таъбинг ила тил хазинасини очдинг. Ривожланмай чеккада хор бўлган сўзга (тилга) Сен қайтадан обрўй бердинг ва сўз майдонига олиб чиқдинг. У сенинг фикринг нури ила тоза бўлди ва сенинг лутфинг навосидан наволи бўлди.)

Алишер Навоийнинг туркий шеърлари савиясига Жомий катта эътибор бериб, шоир маҳоратига тасанно ўқийди:

*Кунад дар шеър табъаш мўшикофий,
В - аз он мў нўғи килкаш шеърбофий.
Ниҳад з-ин шеъри мушкин доми дилҳо,
Деҳад з-он шеъри ширин коми дилҳо.
Дили ушшоқ аз он як монда дар банд,
Лаби хубон аз ин як дар шакарханд².
(Таъби шеърда қилни қирқ бўлади,
У қилдан қаламнинг учи шеър тўқийди.
Бу мушкли шеър кўнгилларни ўз тузоғига
илинтирган. Ўшал ширин шеърлар қалблар
тилагидир. Ошиқлар қалби унга боғланиб
қолган, Яхшилар у билан бирга хушнуд.)*

Абдураҳмон Жомий Алишер Навоий ижодиётини жаҳоний мавқега эга бўлган форс адабиёти силсиласида кўриб чиқар экан, унинг туркий шеърятдаги бадий маҳоратини форс шеърятининг ўлмас даҳолари маҳорати билан бир қаторга қўяди. Улар ўртасидаги адабий ҳамкорлик Алишер Навоий томонидан “Хамсат ул- мутаҳаййирин” асарида кенг ва муфассал ёритиб берилганлиги, Жомийнинг бу ҳақда “Баҳористон” тазкирасидаги қайдлари ва ниҳоят улар ўртасидаги ёзишмаларнинг ҳар иккала ижодкор томонидан махсус йиғилиши каби ҳолатлар уларнинг форсий ва туркий шеърятни янги поғонага кўтаришда келишилган ҳолда ҳаракат кўрсатганликларини ва бу адабиётларга хос ҳар бир мавжуд бўлган жанр ва анъаналарни қайтадан тирилтириш ва ривожлантириш йўлида бир-бирларига ҳамдарду ҳамкор, мунаққиду мусаҳҳиҳ бўлганликларини кўрамиз. Жомий Навоийни ўзининг энг яқин дўсти ҳисоблайди:

*Хосса ки ба боғи ошноий,
Бар шохи вафо бувад Навоий.
Яъни ки Навоий лутф созад,
Дилҳои шикастагон навозад.
Коре набвад ба жои ин кор,
Ёрони жаҳон фидои ин ёр³.*

(Хусусан, ошнолик боғида Навоий вафо шохидан жой олган. Яъни Навоий лутф қилса кўнгли яримталарни эркалайди. Бу иш ўрнини бошқа ҳеч қандай иш боса олмайди. Жаҳон ёрларининг бариси унинг фидосидир.)

¹ Ўша ерда.

² А.Жомий. Ҳафт авранг: Юсуф ва Зулайхо. Тошбосма, Тошкент, 1913, 368-бет.

³ А.Жомий. Ҳафт авранг. Лайли ва Мажнун. Тошбосма, Тошкент, 1913, 376-бет.

Абдулвосеъ Низомий ва Абдулғафур Лорий

Ушбу икки инсон Абдурахмон Жомийнинг хизматини ўзларининг умр мазмунлари деб билган тақводор фозиллардир. Алишер Навоий билан жуда яқин алоқаларга эга бўлганлар. Абдулвосеъ Низомий ҳижрий 900 (1494-1495) йилда Жомий ҳаётига бағишлаб “Мақомоти Мавлавий Жомий” асарини ёзган. Асар Амир Алишернинг тавсияси билан ёзилган бўлиб, китобнинг муқаддимасида шу ҳақда сўз боради¹. Асосий маълумот Абдурахмон Жомийнинг вафоти муносабати билан келтирилган бўлиб, унда Навоийнинг аза ва мусибат соҳиби сифатида маросим ва маъракаларни ўз зиммасига олганлиги, жонлиқлар сўйиб ийдгоҳда халққа ош берганлиги, у ёзган марсия Камолитдин Хусайн Воиз томонидан минбарга чиқиб ўқилганлиги ёзилади². Бундан ташқари шу йилнинг ражаб ойида Навоийнинг ҳазрат қабри устида тоқу равоқли ва гардуносо қуббали иморат қуришга киришганлиги таъкидланган³. У Навоий ва Жомий ижодий муносабатларига тўхталар экан, Навоийнинг Жомийга ўз “Хамса”сини юборгани, Жомийнинг баҳоси “Хирадномаи Искандар”да мавжудлигини айтиб ўтади⁴.

Абдулғафур Лорий ҳижрий 912 (1506-1507) йилда Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ал-унс” китобининг тўлдирилган вариантини яратади ва “Такмилаи нафаҳот ал-унс” деб атади. Бу асарда ҳам Навоий ҳақидаги маълумот Жомий вафоти билан боғлиқ ўринларда келтирилиб, унда Навоийнинг Жомийга бўлган юксак муҳаббати, вафотига ёзган марсияси ҳамда ҳазрат қабри устида Амир Алишер қурган иморат ҳақида хабар берилган⁵.

Хусайн Бойқаро

Навоийнинг туркий тилдаги ижодига воқеан асосли ва муносиб баҳо бера олган замондошларидан бири султон Хусайн Бойқародир. Маълумки, ўзи гўзал шеърлар ёзиш билан биргаликда Алишер Навоий девонларини таҳрир эта олиш даражасидаги олий таъбга эга бўлган Султон Хусайннинг Навоий ижодига берган баҳоси, сўзсиз, ниҳоят қимматлидир. У улуғ шоирга бағишланган рисоласида ёзади: “...Валекин маъоний абкориға бу кунга дегинча ҳеч киши туркона либос кийдурмаган ва ул нозанинларни бу зебо хилъат била жилвайи зуҳурға келтирмагантурур. Ва бу мушкбў раънолар таъб ниҳонхонасида урўйонлиғдин маҳжуб қолғандуруру бу хурваш зеболар ҳулласизлиғдин жилвайи ноз қила олмоғондурур...Мир Алишер...тахаллуси Навоийға машҳурдуруру ашъорида бу тахаллуси мастур, турк тилининг ўлган жасадиға Масиҳ анфоси била руҳ киюрди. Ва ул руҳ топқонларға туркийойин алфоз тору пудидин тўқулғон ҳуллаву ҳарир киюрди ва сўз гулистонида навбаҳори табъидин равоносо йоғинлар била рангоранг гуллар очти ва назм дарйосиға саҳоби фикратидин руҳпарвар қатралар била гуногун дурлар сочти. Ҳар синф шеър майдониғаким, таковар сурди, ул кешварни тийғи забон била ўз хийтайи тасарруфиға кийурди. Алишернинг назми васфида тил қосир ва байон ожизтурур⁶.

Хусайн Бойқаро Навоий бадий маҳоратини унинг “Хамса” билан боғлиқ тафсилотда кўрсатиб беради: “Хотирға ўзининг маснавийларидин бир неча байт келурким, бу айтилатурғон маънода назм қилибтурур ва ул будур, маснавий:

*Мен ул менки, то турк бедодидур,
Бу тил бирла то назм бунйодидур.*

¹ Абдулвосеъ Низомий. Мақомоти Мавлавий Жомий: Кўлёзма. ЎзФАШИ, инв. № 756. 4^а-вар.

² Ўша асар, 2066-209^а-вар.

³ Ўша асар, 215^а-вар.

⁴ Ўша асар, 188^а-вар.

⁵ Абдулғафур Лорий. Такмилаи Нафаҳот ал-унс: Кўлёзма. ЎзФАШИ, инв. № 1847, 397^а-вар.

⁶ Хусайн Бойқаро. Рисола/Нашрга тайёрл.А.Рустам, К.Ҳасан.-Тошкент, Шарқ,1991, 12-13-бетлар.

Фалак кўрмади мен кеби нодире,
 Низомий кеби назм аро қодире.
 Не назме дер эсам мени дарднок-
 Ки, ҳар лафзи бўлғай анинг дурри пок.
 Худо еткурур онча суръат манга-
 Ки, бўлмас бирисига фурсат манга.
 Бу майдонда Фирдавсий ул гурд эрур-
 Ки, гар келса Рустам жавобин берур.
 Рақам қилди фархунда “Шоҳнома”е-
 Ки, синди жавобиди ҳар хомае.
 Мусалламтурур гўйийо бу иши-
 Ки, маъразға келмайтурур ҳар киши.
 Деди ўз тили бирла ул кони ганж-
 Ки, “си сол бурдам ба “Шоҳнома” ранж.
 Ани дерға бўлса агар рағбатим,
 Эрур онча Ҳақ лутфидин қувватим-
 Ки, неча табъ ўлса қоҳилсарой,
 Битигаймен ўттуз йилин ўттуз ой.
 Агар ҳосили маъно эрур, гар ийҳом эрур,
 Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур.
 Не “Шоҳнома”ким, Хамсаға урсам эл
 Анинг панжаси сари еткурсам эл,
 Умидим буким, айлабон фатҳи боб,
 Қўлум бергай ул панжаға тағи тоб.
 Ўтуз йилки, ани Низомий демиш,
 Қошимда эрур икки йиллиғ иш.
 Қачон ани базмини тузгамен,
 Демакки, халойиққа кўргузгамен.

Ул вақтки, бу абйот анинг табъидин бош уруб эрди, эл қошида шоирона лоф ва модихона гузор кўрунур эрди. Валҳақ, чун бу ҳумоюн фурсаттаву бу рўзафзун давлатта Хамса панжасиға илиг урди-йу анинг итмомиға жилд келтурди. Агарчи шайх Низомий назм аҳлининг устодидур, озар “Хамса”син, машхур будурким, ўттуз йилда такмил берибтурур ва Мир Хусравким, “Хамса” абйоти ададин ўтуз мингдин ўн секиз мингга ихтисор қилибтурур ва шухрати мундоқдурурким, олти-етти йилда тугатибтурур. Бу фасоҳат майдонининг сафдари-йу бу балоғат бешасининг ғазанфари, бо вужуди улким кўп афсоналарда дилпазир тафсирлар берди-йу табъпи-санд ислоҳлар қилди, бунйодининг ибтидосидин саводининг интиҳосиғача ҳамоно икки йилдан ўтмади. Ва айтилған авқот ҳисобға кирса, деса бўлғайким, олти ойға етмадиким, анинг афсоналари рангинлиғин-у абйоти сеҳройинлиғин ва тарокиби матонатин-у маъонийси латофатин мутолаға қилған киши билғай-у мулоҳаза қилған киши фаҳм қилғай¹.

Хусайн Бойқаро Навоий назмига баҳо берар экан, уни шеърият мулкининг султони, соҳибқирони деб атайди: “Йўқким, маснавий услубида, балким ҳар синф назмким, араб фусаҳоси-йу ажам булағоси тазйин берибдурурлару тадвин қилибтурурлар, бу ҳам барчаға хома сурубдурур-у таъарруз еткуруб турурким, шарҳи девонининг фикристида мазкур-у

¹ Ўша асар, 13-15-бетлар.

мастуртурур. Не девон, Аллоҳ, Аллоҳ, жунгеким, софий-и ал-фоздин тўла гавҳар бўлғай ва сипеҳр авроқиким, пок маъонийдин мамлу ахтар бўлғай

*Дема девон, ғам-у дард аҳлиға офат де ани,
Куймағ-у шуъла-йи ҳам бирла қийомат де ани!*

Қайси байтким, ишқ аҳли жониға ўт урмас-у қайси мазмуни-ким, ҳижрон хайли жисмин куйдурмас, балки кулин кўкка совурмас. Қайси мисраким, фироқ жигар хунининг бағри қонин томизмас ва қайси лафзиким, ҳижрон дармондаси ашки сейли била сабру шикеб хайлин оқизмас. Назм иқлимида қайси берк кўрғонға куч келтурдиким, эшиги анинг йузиға очилмади ва қайси азим кишварға таъб чериги била турктоз солдиким, фатҳ қилмади. Бу кун назм арконининг рубъи маскунида қаҳрамон ул-турур-у бу мамолик фатҳиға соҳибқирон ани десалар бўлур.

*Эрур сўз мулкининг кишварситони
Қаю кишварситон, Хусравнишони.
Дема Хусравнишонким, қаҳрамони
Эрур гар чин десанг, соҳибқирони!¹*

Абдуллоҳ Ҳотифий

Абдуллоҳ Ҳотифий 1454 йилда Жом яқинидаги Харчирд деган жойда туғилган. Шоирнинг ёшлиги, асосан Жомда ўтади. Улғайгач, таҳсил олиш учун Ҳирот шаҳрига келади ва шу ерда Алишер Навоий ҳамда бир қатор таниқли шоир ва олимлар билан танишади. Унинг ҳаёти ҳақида маълумотлар кўп эмас. У 1521 йилда вафот этган. Ҳотифий ва Навоий муносабатлари ҳалигача қониқарли даражада ўрганилган деб бўлмайди. Э. Шодиевнинг Абдуллоҳ Ҳотифий ва Навоий муносабатларига доир баъзи илмий кузатишларидан бўлак мақолалар йўқ десак ҳам бўлади². Ҳолбуки, Ҳотифийдан бизга ёдгор қолган “Лайли ва Мажнун” достони форс тилида ёзилган бўлса ҳам улуғ ўзбек хамсанависи асари оҳангида яратилган. Масалага шу нуқтаи назардан қараб махсус илмий тадқиқот ишларини олиб бориш икки буюк халқ адабиётларининг ўзаро алоқаси ва таъсири манбаларини чуқурроқ ёритишга хизмат қилади деган фикрдаман. Ҳотифий мазкур асарида Алишер Навоий мадҳига алоҳида қисм бағишлаган. 46 байтдан иборат бу маснавийда у ўзини Навоийдан илтифот кўрганлар қаторига қўшиб, уни мадҳ этади³. Унинг покдомон, адолатпарвар инсон эканлигини таъкидлайди. Жумладан, шундай ёзади:

*Ўро карами Алист пеша,
Базл омада кори ў ҳамеша.
Дар фазлу ҳунар ягонаи даҳр,
Ва - з хулқу карам фасонаи шаҳр.
(Унда Алининг карами мужассам,
ҳамиша иши саховату меҳрибонликда бўлди.
У фазл ва санъатда дунёда ягонадир.
Хулқу саховати билан эл аро афсонадир.)*

¹ Ўша ерда.

² Бу ҳақда: Э.Шодиев. Донишманд мураббий// Шарқ юлдузи, 1968, 4-сон, 225-231-бетлар.

³ Абдуллоҳ Ҳотифий. Лайли ва Мажнун. Ўз ФАШИ N 1360, 9^б - 11^а- варақлар.

Ҳотифий Навоий ўзининг нуктадонлиги билан сухан оламини забт этганлигини, ғазалиёти қалбларга беқиёс завқ- шавқ бағишлашини тўлиб-тошиб куйлайди:

*Ғассони араб кужост имрўз,
То бошад аз у ғасоҳат омўз.
Оби хизр он қадар ки хоҳй
Килкаш бинмояд аз сиёҳй
Ҳар сатри зи килки зарфишонаш
Жуест зи қулзум баёнаш.
Мажмуаи назми дилфиребаш,
Баҳрест ки даҳр дода зебаш,
Лоли суханаш шакармақолон
Сайди ғазалаш ҳама ғизолон.
Бунёди нуҳ бинои шоҳон,
Авранги даҳ жаҳонпаноҳон.
Ғаввоси муҳити нуктадони,
Саррофи жавоҳири маонй.
Меъмори сарочаи адолат,
Вайронқуни хонаи батолат.*

(Араб Ғассони қани бугун, ундан ўргансин ғасоҳатни, қанча хоҳласанг ҳаёт сувини кўрсатади ҳаётбахш қалами. Зар сочувчи қаламининг ҳар сатри баён қулзумининг тармоғидир. Кўнгилни овловчи назми даҳр зеб берган денгиздир. Шакармақоллар унинг сухани олдида лол ва оҳулар унинг ғазалларига асир. У шоҳлар олий қасрининг бунёди, жаҳонпаноҳларнинг тахтидир. Сўз санъати денгизининг ғаввоси, маъни жавоҳирларининг саррофидир. У адолат хонақосининг меъмори, алдову батолат уйини бузувчидир.)

Камолиддин Ҳусайн ал-воиз ал-Кошифий

Камолиддин Ҳусайн ал-воиз ал-Кошифий Султон Ҳусайн Бойқаро давлатида катта нуфузга эга бўлган илоҳиёт олими эди. Унинг номига “воиз” лақаби қўшилишининг сабаби ўша даврда ваъзхонликда у кишига тенг келадигани бўлмаган. Алишер Навоий билан жуда ҳам яқин алоқада бўлган. Хондамир шундай гувоҳлик беради: “У ақлий ва нақлий илмларнинг барчасидан тўла баҳраманддир... Тангри каломининг тафсири ҳамда ҳазрати рисолатпаноҳ пайғамбар ҳадисларининг маънилари минбардан туриб ғоятда покиза ва маъноли қилиб тушунтиради... Ул жаноб нужум илмида ҳам зўр маҳоратга эгадирлар. Унинг балоғатоётлик ҳамда ғасоҳотсифотлик китоблари кўп ва беҳисоб бўлиб, уларнинг кўпи олиймақом Амир Алишернинг атоқли номи билан зийнатланган”¹.

Кошифийнинг бир қанча асарлари бизгача етиб келган. Уларнинг энг юқори баҳолангани “Анвори Сухайлий” бўлиб, бу асар Алишер Навоийнинг ёри азизи Шайхимбек Сухайлийнинг илтимосига кўра шарқда машҳур бўлган ҳинд эпоси “Калила ва Димна”нинг анча тўлдирилган ва қайта ишланган форсий вариантыдир. “Равзат ул-шуҳадо” асари эса пайғамбарлар ва имомларнинг мусибатли ҳаётлари ҳақида ёзилган бўлиб, элик йиллар чамаси ўтгандан сўнг, озарбайжон классиги Фузулий томонидан туркий тилга таржима этилган. Кошифийнинг яна бир асари “Жавоҳир ут-тафсир ли тухфат ал-амир” (Амирга совға бўлмиш тафсир жавоҳирлари) деб аталган. Кошифий ва ушбу асар ҳақида Алишер Навоий “Мажолисун нафоис” да шундай ёзади: “Мавлоно Ҳусайн Воиз- “Кошифий” тахаллус

¹ Хондамир. Макорим ул-ахлоқ/ Навоий замондошлари хотирасида. Тузувчи Б.Аҳмедов. Тошкент, 1986, 71-бет.

қилур. Сабзаворлиғдур... оз фан бўлғайким, дахли бўлмағай. Хусусан, ваъз, иншо ва нужумки, анинг ҳаққидур ва ҳар қайсида мутааййин ва машхур ишлари бор ва мусаннифотидин бир “Жавоҳирут-тафсир-дурким, “ал-бақара” сурасин бир мужаллад битибдурким, мунсифи қатъ била юз жуз бўлғай...”¹.

Аслида, бу асар тўрт жилддан иборат бўлиб, ўз ичига қуръон сураларининг форс тилига атрофлича қилинган тафсир-изоҳини олмоги лозим эди. Аммо биринчи жилди тугагач, қандайдир мулоҳаза билан бу ниятини бир китоб ҳолига келтиришни маъқул кўради ва “Мавоҳиби олия” деб атайди². Асар 1493-94 йилда ёзиб тугатилган. У Мир Алишер тавсияси билан ёзилгани ва улуғ амир Алишерга бағишланган. Олим дебочада шу хусусда сўз юритиб, сўнг Навоийга бўлган чуқур ҳурматини шеърий тарзда баён этган. Шунинг учун қуйида шу қитъани шарҳлаш маъқул кўринди:

*Гавҳари дуржи каромат, ахтари буржи камол,
Офтоби авжи ҳашмат, сояи лутфи илоҳ.*

Амир Алишер мурувватли саховатлилар ичида гавҳар янглиғ, камолот осмондаги юлдуз, буюклик чўққисида нур сочар қуёш. Илоҳий лутф каби унинг лутфи беҳаду беминнат.

*Шаҳсувори арсаи иззат Алишер онки ҳаст,
Волии вал-аҳбобу довари давронпаноҳ.*

Иззат майдонида Алишерга тенг шаҳсувор йўқ, Амир барча дўстларга сардору, адолат ўрнатувчи давлатпа-ноҳдир.

*Мустафиз аз нафҳаи гулзори фазлаш жону дил,
Мустанир аз ламъаи рои мунираш меҳру моҳ.*

Навоий шунчалар фозил инсонки, унинг “фазл гулзори”дан таралаётган ҳиддан жону дил файз топади. Унинг қиёфаси шунчалар нуронийки, биргина нигоҳи шуъласидан қуёш ва ой нур олиб, ярқираб турибди.

*Давлати ў бо жаҳону, рифъати ў бо сипеҳр,
Фош мигўянд ҳар дам аз сари тамкину жоҳ.*

Амирнинг давлати жаҳонча ва тутган мавқеи осмонча юксакликда. Босиқлиги, камтарлиги ва шу билан бирга, улуғлиги эса, буни намоён этади.

*К-эй жаҳон, аз давлати мо ҳар чи межўйи, бижўй,
В-эй сипеҳр, аз рафъати мо ҳар чи мехоҳи бихоҳ.
Эй жаҳон! Навоий - бизнинг бойлигимиз.
Эй, осмон! У-бизнинг улуғлигимиз.*

¹ Алишер Навоий. Мажолис , 123-бет.

² Бу асар кейинчалик “Тафсири форсий”, “Тафсири Хусайний” номлари остида кўплаб нусхаларда тарқалиб кетган.

Атоуллоҳ Асилий

Атоуллоҳ Асилий Алишер Навоий раҳнамолиги остида яшаб, ижод этган зиёлилардан биридир. Хондамир “Хулосат ул-ахбор”да у ҳақда шундай ёзади: “...Атоуллоҳ...диний ва яқиний илмлар бўйича зўр камолот ҳосил қилган, шарофатли ҳадис илмини таҳқиқ қилишда шак-шубҳасиз Хуросон диёрида унга тенг келадигани йўқдир... Кўп вақтлардан буён шарофатли Султония мадрасасида ва фазилатли Халосия хонақоҳида дарс бериш билан банд. Олижаноб амирга бағишлаб “Равзат ул-аҳбоб” номли китоб ҳам ёзганким, бундайини ҳали бирор киши ёзмаган бўлса керак. Дарёдил амир Алишер одил подшоҳ Султон Хусайн ҳукмронлигининг бошларидан то шу кунгача улуғ ва баланд мартабалик ул жаноб ҳақида кўп ғамхўрликлар қилди”...¹

Эслатилган “Равзат ул-аҳбоб” асарининг тўлиқ номи “Равзат ул-аҳбоб фи сиярин-наби ва олиҳи ва асҳобиҳи” бўлиб, икки жилддан иборат. Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида бу асарнинг ўттиздан ошиқроқ қўлёзма нусхалари учрайди. Улар турли йиллар ва асрларда кўчирилган бўлиб, энг қадимийлари 1535, 1575, 1588 йилларга тўғри келади. Аммо улардан ташқари яна бир нодир нусха мавжудким, у муаллифнинг ўз қўли билан кўчирилган қўлёзмадир. Асарнинг ёзилиш санаси йиртилган бўлса ҳам, китобнинг тузилиши, қоғоз ва безакларидан XV аср Ҳирот мактабнинг намунаси эканлиги кўриниб турибди. Қўлёзма 636 - инвентаръ рақами остида сақланиб, “Равзат ул-аҳбоб”нинг биринчи жилдидан иборат. Умуман у, 3 мақсаддан (бўлим) иборат, биринчи мақсад уч боб ва саккиз фаслга бўлинади, иккинчи мақсад икки боб ва учинчи мақсад уч бобга бўлинган. Асарнинг биринчи жилдини биринчи мақсад, унинг боб ва фаслларида иборат. Бунда асосан Муҳаммад алайҳиссалом ҳақида ҳикоя қилинади. Қолган қисми иккинчи жилдга жойлаштирилган. Иккинчи жилд ҳам серҳашам, кўркам китоб ҳолида бўлиб, 1578 йили Ҳайдар Муҳаммад Мунши ал-Ҳоқоний томонидан кўчирилган экан. Ушбу китоб 2134- инвентаръ рақами билан белгиланган. Аммо асрлар ўтиши давомида турли котиблар томонидан “Равзат ул-аҳбоб” асари ҳатто тўрт жилдгача бўлиб кўчирилган.

“Равзатул-аҳбоб”нинг биринчи жилди дебчасида асар Навоий маслаҳати билан ёзилганлиги ҳақида айтиб ўтилади. Иккинчи жилднинг дебчасида ҳам Алишер Навоийга алоқадор жойлар мавжудки, тарихчи Хондамир назарда тутган мадҳия қисми шу бўлса керак.

Дебоча кўпроқ араб ва қисман форс тилларида ёзилган бўлиб, Улуғ Амирнинг номи чуқур эҳтиром билан тилга олинади ва “Жаноб Амир ал-кабир ал-жалил ал-набил, ал-махдум ал-муаззам ал-афхам, ал-матбуъ ал-акрам ал-ақдам, кафили мусолиҳ ал-умам, мунқиз ал-фуқаро ва-л-қурабо, музойиқ ал-ақраб ва-л-зулм, мураббий ал-уламо ва-л-фузало фи олам” Яъни “Буюк, мурувватли, улуғ Амир, энг ҳурматга сазоворларнинг ҳурматли маҳдуми, миллат ва халқларнинг тинчлигини таъминловчи, фақир ва ғарибларнинг ҳомийси, ғам-андуҳ ва зулмни қувувчи, бутун олам олимлари ва фозиллари мураббийси” дея улуғланади. Шундан сўнг қитъа келтирилади:

*Амир ки фазлу илму раҳмат,
ва барру эҳсону лутфу инъом,
валил-мулк минҳу иззату маҳобат,
вад-дин, вад-дунё низому интизом.
(Амиридир илму фозиллик,
муруввату шафқат, лутфнинг.*

¹ Қаранг: Навоий замондошлари хотирасида, 68-бет.

*Мамлакатда ундан буюклик,
Низомидир дунё ва диннинг.)*

Атоуллоҳ Навоийни бошқалар каби ҳаддан ташқари бўяб-бежаб кўрсатмайди. Самимий айтилган сўзлар замирида илиқ муносабат сезилиб туради:

*Ла зола рукнас-салтана ва муқарраб ал-ҳазрат ас-султония,
Низом ад-давла ва-д-дунё ва-д-дин
Амир Алишер ки, бодо давлати у дар жаҳон дер.
Сухан ба мадҳи ту оростан ғараз он аст,
ки пеши аҳли ҳунар минбаре бувад моро.
В-агар на манқабати офтоб маълум аст,
Чи ҳожатест ба машшота рӯи зеборо.*

(Амир Алишер шу пайтгача салтанат устунни, султон ҳазратларининг яқин кишиси ва давлату дину дунё низомидурким, унинг давлати жаҳонда узоқ турсин.

*Сенга мадҳ айтишдан мақсадим шуки,
Бўлган мадҳинг ҳунар аҳлига минбар.
Равшан бўлганидек қуёш хизмати,
мақтовга зормас-ку, гул юзли дилбар.)*

Кўриниб турибдики, Атоуллоҳ Асилий самимий сўзлар билан, қисқа қилиб, бошқаларга нисбатан аниқ ва ёқимлироқ оҳангда Навоийнинг улуғлигини кўрсатишга ҳаракат қилган.

Атоуллоҳ Маҳмуд Хусайний

Навоий раҳбарлиги ва ҳомийлиги остида яшаб, ижод этган адабиётшунослардан бири Атоуллоҳ Маҳмуд Хусайнийдир. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида у ҳақда шундай келтиради: “Мир Атоуллоҳ - Нишопурдиндур. Андин илм таҳсили учун шаҳрға келди. “Кофия” ва “Мутавассит” ўқур эрди. Донишманд бўлгунча бир навъ мустаҳсан маошқа муваффақ бўлдиким, андин ортиқ мумкин эрмас. Бо вужуди дониш-мандлик, шеър ва муаммо ва саноеъда дағи маҳорат пайдо қилди ва муаммога кўп машғул бўлур эрди. Ҳоло сабақ касратидин анга авқоти вафо қилмас, аммо саноеъда китобе тасниф қилубдур “Бадоеъи Атоий”ға мавсумдур”¹.

Ушбу иқтибосда тилга олинган “Бадоеъ ус-саноеъ” асари Навоийга тухфа этилган. У ўзбек ва тожик тилларига таржима этилиб, жамоатчиликка яхши таниш бўлганлиги учун бу борада муфассал тўхталиш зарурати бўлмаса керак деб ўйлаймиз². Бироқ қўшимча сифатида айтиш мумкинки, мазкур асар ҳам Алишер Навоийнинг ташаббуси ва раҳбарлиги остида бажарилган адабиёт назариясига оид ва форс бадиияти илмининг энг охирги ютуғи бўлган асар ҳисобланади. Буни шундан ҳам кўрса бўладики, асарда ўша давргача маълум ва машхур бўлган форс адабиёти назариясига оид қўлланмаларнинг энг забардастлари Умар Родиёнийнинг “Таржумон ал-балоғат”, Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ас-сеҳр фи дақойиқ аш-шеър”, Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-муъжам фи маосири ашъори-л-Ажам” асарларига муносабат билдирилиб, муаллиф ўзининг янги фикрини далиллаш орқали уларнинг камчилик ва сушт томонларини кўрсатиб ўтади. Табиийки, бундай йўл тутиш

¹ Алишер Навоий. Мажолис, 122-бет.

² Қаранг. Атоуллоҳ Хусайний. Бадоеъ ус-саноеъ. Бо сарсухан, тавзеҳот ва таҳрири Р.Мукулмонкулов. Душанбе, Ирфон, 1974; Атоуллоҳ Хусайний. Бадоеъу с-саноеъ. А.Рустамов таржимаси, Тошкент, 1981.

ва шарқ бадиёт илмининг ўзаро чоғиштирилиш кўлами фақатгина Алишер Навоийнинг бевосита илмий раҳбарлиги ва талабчанлиги орқалигина амалга ошиши мумкин эди. Мазкур асарни чуқур тадқиқ этган тожик олими Р.Мукулмонқулов Атоуллоҳ ҳатто биргина тажнис санъати таҳлилида ўтгиздан ошиқроқ турли форс-тожик ва араб манбаларидан далил келтирганлигини қайд этган¹380. Ушбу ҳолат яна бир карра Алишер Навоийнинг “формал” жанрларга “эрмак” учун эмас, балки икки халқ адабиётини ривожлантириш ва мукаммаллаштириш ниятида онгли равишда эзгу мақсад нуқтайи назаридан ёндошганлигига ёрқин исботдир. Атоуллоҳ Хусайний ҳам мазкур улуғ ишни рўёбга чиқариш Алишер Навоий томонидан унга юклатилганлиги ва бу ишонч учун улуғ мураббийдан беҳад миннатдорчилик туйғуларини китоб дебوحасида сабт этишни ўзига бурч ва фахр деб ҳисоблайди. Калом равшан бўлиши учун Алибек Рустамов томонидан таржима қилиниб, ўзбек китобхонларига тақдим этилган “Бадоеъ ус-саноеъ” нашридан Атоуллоҳнинг Навоий кўмаги далилига келтирган шукрона-эътирофини ҳавола этиш билан чекланамиз:

“... Аммо бу кунга келиб, камолу жамоли васфида қалам тили ожиз, юксак мақомдаги ходимларнинг олийси, ҳазрати маҳмуд, неъМатлаъри волийси, амири динпаноҳу адолат амини додҳоқ ва салтанат таянчию мамлакат қувончи, хоқонона давлат асосию, ҳазрат султоннинг маҳрами хоси

*Бўлуб мудом музаффар фасоҳат майдонида,
Балоғат аҳлидин олмиш дамодам юз таҳсин.
Амин жаҳон элига, фазлу фан жаҳони ўзи,
Эрур мақомида андин мулку миллату дин.
Ҳукумат аҳлига байроқ, фақиҳларға қароқ,
Қилурда ҳукм, адолат туғи тушмас қўлидин.
Кўнгил денгиз каби кенг, тенги йўқ саховатда,
Баҳор абридек андин бўлур сероб замин.
Давом этсин анинг давлати, то бордур халқ,
Ки, жорий ўлсун анинг ҳукми, раббано омин.*

Ул ночиз зарраларни офтобдек назарларига манзур қилиб тупроқтин кўтариб олдилару, илтифот била аларни жамъ айлаб тартиб бермак фикрини эзгу кўнгулларига солдилар ва бу бандаға, ул ишни ниҳоясиға еткурмакни буюрдилару бу амрда муболаға қилдилар”²381.

Шамсиддин Муҳаммад Бадахший

XV аср охири чораги Ҳирот адабий муҳитида муаммо санъатига бағишланган бир неча асарлар пайдо бўлди. Бу асарлар фақатгина муаммоларнинг гўзал яратилганлиги билан эмас, шахс номи унинг фазилат ёки камчилиги баёни остида берилиши билан, айниқса, аҳамиятлидир. Бу бизга бир томондан муаммоларнинг поэтикасини ўрганиш жиҳатидан катта амалий имкони-ятлар очса, иккинчи томондан XV аср II ярми Ҳирот муҳитида яшаб ўтган машҳур инсонларнинг биз илғамаган фазилат ва характер қирраларини кўрсатиб беради. Айниқса, Алишер Навоий эътибори билан юзага келган кўпчилик “муаммо”га бағишланган рисолалар гўзал поэтик иборалари, ўйноқи сатрлари, чуқур мазмунлари билан муаммо санъати намуналаридан кўра етук қобилият, илҳом билан ёзилган шеърий тўпламларни эслатади. Бу эса Навоийнинг муаммо санъатига оид рисолалар яратишни

¹ Атоуллоҳ Хусайни. Бадоеъ ус-саноеъ, сах. 8.

² Атоуллоҳ Хусайний. Бадоеъ с-саноеъ. 8-бет.

шоирлик истеъдоди ва маҳорати баланд шахсларга топширганидан далолат беради. Муаллифлар ўзларига билдирилган ишонч учун ўз асарларини Алишер Навоийга бахшида этганлар ҳамда унинг номига муаммолар айтишган, улзоти бобаракатнинг фазилатларини акс эттиришга ҳаракат қилганлар. Шу қабилда дунёга келган асарлардан бири Шамсиддин Муҳаммад Бадахшийнинг рисоласидир. Муаллиф ҳақида тарихчи Хондамир шундай ёзади:

“Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Бадахший бағоят хушсухбат, ширин сўз, хушчақчақ, дарвишваш, латифтабъ ва фозил киши. Кўпроқ муаммо фанида катта маҳоратга эга бўлган, қарийб 30 йилдан буён бахту саодатга чўмиб олий ҳазрат амир Алишер мулозаматида кун кечирмоқда ва унинг тарбияти ҳамда инояти билан кунни тунга, тунни кунга улаб, фароғат ва осойишталикда ҳаёт кечирмоқда. Муаммо илми баёнида мукамал бир тазкира битган”...¹

Кўриниб турибдики, у Навоийга анча қадрдон бўлган олимлардан экан. Мир Алишер ҳам у ҳақда “Мажолисда” илиқ гаплар айтади:

“Мавлоно Муҳаммад Бадахший-Кундузнинг Ишкамиш отлиқ кентидиндур. Аввали ҳолида андин таҳсил учун келиб, Самарқандга борди ва бир неча вақт анда сабақ ўқуб Ҳирийга келди... Ҳоло табъ аҳли орасида андин сомонликроқ киши йўқдур. Подшоҳ ва гадоға мақбул ва мулойимдур. Ва бу муаммо фанида рисола битибдурким, кўп эл орасида машхур ва шоеъдур...”²

Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Бадахший “Рисолаи муаммо”сининг бир неча қўлёзма нусхалари мавжуд. Шулардан бири 1805 йили Муҳаммад Мусо валади Саид Амин Хожа томонидан настаълиқ ёзувида кўчирилган қўлёзма нусха бўлиб Хусайний, Навоий ва Жомийларнинг муаммога бағишланган ишлари билан бир муқова остида жойлаштирилгандир. Рисола анъанавий Аллоҳга ҳамд, Расулulloҳга наът ва муаммо истилоҳи таърифидан сўнг, Амир Алишер номига битилган муаммо билан бошланган:

*Агар дил мекунад аз меҳри моҳ гоҳе таманное,
Вале аз меҳри ў ёбад хушй ҳар лаҳза доное³.*

(Агар дил ойдан гоҳида меҳр таманно қилса, унинг (Навоийнинг) меҳридан эса ҳар лаҳза доно қалби шодликка чўлғанади.)

Кўриниб турганидек, мазкур байт муаммо эканлигини назарга олмасак, нафис бадий санъатларга бой ва чуқур ғояга эга бўлган шеър бўлаги сифатида кишида маълум таассурот қолдирадими, бу муаммо жанрини “формал жанр” дегувчилар фикрига тўғри келмайди. Умуман, муаммода кимнинг ёки ниманинг исми яширилиши муносабати билан унга тааллуқли бирор нарса, масалан, фазилати ёки камчилигига ишора ҳам этилади⁴.

Юқоридаги муаммолардан сўнг китобнинг ёзилиш сабаби ҳақида сўз юритилади: “... Бар арбобони фанни муаммо ва воқифони баёни рамзу имо пушида намонадқи ғараз аз тасвиди ин рисола ба тартиби ин мақол арзи чанд муаммоестки... ба шарафи илтифоти назари фазиласори ҳазрати ҳақойиқпаноҳи маориф-дастгоҳ, ҳомии шаръу муршиди номи, муқтадои хўжаста фаржоми, изҳори исми шарифаш хиради хурдабин адаб намешуморад, мушарраф гашта, ба ташрифи қабули хотири хатири кимъетаъсири муқарраб ал-ҳазрат ас-султония, ки дар муаммои гузашта ном ва лақаби киромаш ба тариқеки, шурўъ дар он

¹ Навоий замондошлари хотирасида, 75-бет.

² Мажолис, 127-бет.

³ Биз ўз олдимизга Навоий замондошлари мадҳияларини ёритишни мақсад қилиб қўйганимиз туфайли бу ва кейинги муаммоларнинг ечимини кўрсатиб ўтиш зарурати йўқ деб ўйлаймиз.

⁴ Бу ҳақда Л.Зоҳидовнинг рисоласида етарлича мисоллар келтирилган.

меравад, имло ёфт, мақбул шуда буд...”

(... Муаммо фани арбоблари ва рамзу имо баёнидан хабардорга маълум ва равшан бўлсинким, бу рисолаи ёзишга сабаб, каминанинг бир қанча муаммосидурким, ҳазрати ҳақиқатпаноҳ, шариат ҳомийси, номдор устознингким, исмини тилга олиш одобдан эмас, фазли назари илтифотига сазовор бўлиб, ул Ҳазрати Султон яқин кишисинингким улўғ номи ва унвони юқоридаги муаммода кўрсатилди (Навоий -Ш.С.) кимётаъсирли муборак хотири қабули шарафига муяссар бўлган эди...)

Маълум бўляптики, Бадахший муаммоларининг Мир Алишерга маъқул бўлганлиги рисолаининг туғилишига туртки бўлган экан.

Ҳусайн бин Муҳаммад ал-Ҳусайний

Амир Алишер илтифотларидан баҳраманд бўлган яна бир олим Ҳусайн бин Муҳаммад ал-Ҳусайнийдир. Унинг ҳаёти борасида жуда ҳам кам маълумотларга эгамиз. Хондамир асарларида у ҳақда маълумот йўқ. Унинг бизгача етиб келган “Рисолаи муаммо” асаридан, у бу санъатнинг назарий ва амалий жиҳатларини пухта эгаллаган мутахассис ва Амир Алишер билан яқин ижодий алоқада бўлганлиги англашилади. Асар дебочасида шундай ёзилган: “... фақири ҳақир Ҳусайн бин Муҳаммад ал Ҳусайниро чанд муаммое буд, ки зарра мисол аз партави илтифоти офтоби сипеҳри макрамат ва камоли наййири авжи азамату жалол, умдатул-салтанаи соҳибқирони комёб, ҳомийи шаръи фаёз, онки исми эшон рафъимаконаш хуршидвор аз Матлаъи ин муаммо телуъ менамояд... Амир Алишер... шарафи намоиш ёфта буд ва ба назари алтофи он ҳазрат симати кушоиш пази-руфта...”¹

(“... бу фақири ҳақир Ҳусайн бин Муҳаммад ал-Ҳусайнийнинг бир қанча муаммоси бор эдиким, зарра мисол саховатли сипеҳр офтоби, азиму маҳобатли ёритқич камоли, камёб соҳибқирон салтанатининг асоси, шариат ҳомийси илтифоти биланким, ул кишининг азим исми қуёш каби ушбу муаммо Матлаъсидан (муаммони кейинроқ келтирамиз-Ш.С.) ярқираб кўринади...Амир Алишерга кўрсатилиб эрди ва ул ҳазрат назарига очиқлик билан қабул қилинди.”)

Демак, Ҳусайний муаммолари Навоий назаридан ўтказилганлиги, табиийки, рисола тузишга даъват бўлганлиги кўриниб турибди. Рисола муаллифи аксар муаммоларни Абдурахмон Жомий кўздан кечириб берганлигини ёзади: “... аксар муаммиёти ин мухтасар аз назари кимёасари ҳақойиқпаноҳи, мазҳари файзи илоҳи, ки хиради хурдадон тасриҳи номи бо эҳтиромашро хилофи адаб дониста ба забони рамзу имо адо менамояд (Жоми...) шарафи илтифот ёфта буд...”

(...бу мухтасар рисолаининг кўпгина муаммолари ҳақиқатпаноҳ, илоҳий файзни кўриниши бўлмиш, номларини тилга олмоқ одобдан ташқари саналганлиги учун рамзу имо тили бирла айтилуру (шу ерда Жомий номига муаммо келтирилган - Ш.С.), ул зотнинг кимё асарли назари илтифотига сазовор бўлган эди.)

Ушбу қайд, ўз навбатида Ҳусайнийнинг Ҳиротда яшаганлиги ва Навоий муҳитида ижод этганлигидан далолатдир. Асарнинг 904 ҳижрий йилида (1499) Ҳиротда ёзилганлиги ҳам шундан гувоҳлик беради. Бу китоб Ҳусайн Муаммойнинг асосий ва унинг номини адабийлаштирган бирдан-бир асардир. Тўғри, унинг “тўқсон тўққиз исмга муаммо” номли муаммолардан иборат тўплами ҳам бор. Аммо тўплам содда ва жузъий бўлгани учун унчалик қийматга эга эмас. Рисола кўчирилгандан сўнг бирмунча вақт ўтмай, Мир Ҳусайн оламдан ўтади.

Рисола Оллоҳга анъанавий ҳамд билан бошланади ва юқорида келтирганимиз, яъни муаммоларнинг Навоий назаридан ўтказилгани ҳақидаги жумлалардан сўнг Амир

¹ Ҳусайн бин Муҳаммад Ҳусайний. Рисолаи муаммо. ЎзФАШИ, N 4587. Дебоча, 1^б -варақ.

Алишерга бағишланган муаммоларнинг баъзилари келтирилган. Жумладан:

*Он дил, ки з-асрори яқин пардақушост,
Олам ба жавоҳири маони ороств.
Аз нури азал оинаи ғайбнамост,
Дар маърази он чист муаммо пайдост.*

(У дилки, яқиний илмлар сиридан парда кўтарувчи, оламни маъно жавоҳирлари билан безатувчидир. Азал нуридан, ғайбни маълум қилгувчи кўзгудирким, унинг бағрида муаммо пайдо бўлур.)

Ёки, мана бу қитъага назар солайлик:

*Эй, шуда мафтўҳ дарҳои беҳишт бар замир,
Дар замират арсаи олам матоеъе бас ҳақир.
Вақф шуд давлат тамом аввал ба он хоки қадам,
Нест сонии ту, эй динпарвари гардунсарир.
То ки бошад Машриқу Мағриб бар атрофи фалак.
Офтобу Муштарий бодо туро фармонпазир.
Шуд гадои остонат з-он бувад болои чарх,
Шоҳи анжумро алам пай, дар пай, эй равшанзамир.
Дил зи таъзиму жалол аз ҳар тараф бар хоки роҳ,
Дида халқеро бар он дар к-аз аҳли дору гир.
Рӯи бар оина мехоҳад зи меҳру моҳ дилаш,
З-он ба хишти фарши кўят дида сояд чархи пир.
Саркашонро бо шафеъе рӯи сӯи он дар аст.
Жуста хоки остонат ҳам фақиру ҳам амир.*

(Эй, замирингга жаннат эшиклари очилгувчи зот, замиринг олдида олам арзимас мато. Сенинг хоки пойингга барча давлат вақф бўлди, чунки сен каби динпарвар бошқа йўқ. Фалак атрофида Машриқу Мағриб бор экан, Қуёш ва Муштарий сенинг ҳукмингга ҳозир бўлсин. Чархнинг юксаклиги сенинг остонанг гадоси бўлганлигидан, юлдузлар шоҳининг (қуёшнинг) байроғи чархнинг юксак маконида ҳилпирайди. Дил ҳукмронларнинг ҳар тарафдан келиб, эшигинг олдида тўплангани ва сенга таъзим қилиб, сени шарафлаганини кўрди. Сенинг софлигингни ўзи билан таққослаш учун қуёш ва ой ўзларини ойнада кўрмоқ истарлар ва мўйсафид чарх кўзларини сенинг кўйинг ғиштига суртади. Бош тортганлар (дарвешлар) ҳомийлик излаб келувчи эшик сенинг эшигингдир, фақир ҳамда амирлар сенинг остонанг тупроғига зор.)

Бу қитъа Амир Алишерга бағишланганлиги кўриниб турибди. Айниқса, диққатга сазовор жойларидан яна бири шуки, ундаги байтларнинг ҳар бири муаммо санъати билан безалгандир.

Умуман олганда, ушбу рисолада беш юзга яқин муаммо бўлиб, унда XV аср II ярмида Хуросон ва Мовароуннаҳрда машҳур бўлган кўпгина атоқли кишиларнинг номлари учрайди. Алишер Навоий шахсига ўн бир муаммо аталган. Муаллиф рисолаи Фоний ва Мир, яъни улуғ амир номига тугаллайди:

Фоний:

*Он кас, ки жаҳон надида монандаи ў,
Бодо абади давлати пояндаи ў.
Хоҳи аз вафо, дило, барори номи,
Сар неҳ ту, ба жои қадамаи бандаи ў.*

(Ул кишиким, жаҳон у кабини кўрмаган, Унинг мустаҳкам давлати адабий турсин. Эй дил, агар сен вафодан ном чиқармоқчи бўлсанг, унинг бандалари қадамжоларига бошингни қўй.)

Мир:

*Зи баҳри расидан ба иззу шараф,
Чу ин номаро хомаи хушхиром.
Биёрост аввали азон, номи беҳ,
Ки бошад бар ў низ хатми калом¹387.
(Иzzату шарафга этиш баҳридан,
Хатга этишгандек хушхиром қалам.
Беади номанинг аввалин ул ном,
Бўлсин шу ном ила рисола тамом.)*

Рисоланинг Мир Алишерга бағишланиши ва охирида ҳам номининг тилга олинганлиги Мир Хусайннинг Навоийга бўлган юксак ҳурматини ифодалабгина қолмасдан, XV аср форс адабиётида муаммо санъатининг ривожига алоҳида эътибор билан қараган Алишер Навоийдан беҳад миннатдорчилик белгисидир.

Аҳлий Шерозий

Алишер Навоийга бағишланиб, унинг сифатлари таранум этилган юқорида мазкур бўлган мадҳиялардан ташқари замон шоирлари унга гўзал қасидалар бағишлаганлар. Кўп қидиришлардан сўнг қўлга киритилган шундай қасидалардан бири Аҳлий Шерозий қаламига мансуб бўлиб, ўрта асрлар шеърлятида учрайдиган “маснуъ қасида”, яъни шарқ поэтик санъатлари воситасида ёзиладиган қасида турида Алишер Навоий номига мувашшаҳ этиб тузилган².

Мавлоно Аҳлий Шерозий XV асрнинг иккинчи ярми, XVI асрнинг бошларида яшаб ўтган бўлиб, ўз даврининг етук шоирларидан ҳисобланган. Бунга кўпгина тазкиралардаги унга доир илиқ сўзлар, бизгача сақланиб келган куллиётдаги ранг-баранг ғазалларининг юқори савияси кафиллик бера олади. Унинг девондан ташқари, “Шам ва парвона”, “Сехри хилол” номли икки достони ҳам мавжуддир.

Алишер Навоий “Мажолис ун - нафоис” да шоир ҳақида шундай ёзади:

“Мавлоно Аҳлий - Шерозлиқдур. Ҳамоноки, толиби илмлиғи бор. Назмлардин ҳар синф шеърда маҳоратлиғ кишидир, батахсис қасида услубида. Неча қатла Шероздин рангин қасидалар айтиб юбориб эрди. Бу яқинда Хожа Салмон Соважий маснуъ қасидасига жавоб айтиб, бир ғариб рубоий даги изофат қилиб юборибдур³.

Кўриниб турибдики, Аҳлий Навоийнинг хос эҳтиромига сазовор бўлган ижодкорлардан экан. Фурсат Шерозийнинг “Осори ажам” тазкирасида ҳам шерозлик шоир ва аҳли илм

¹ Мир Хусайн б. Муҳаммад Хусайний. Рисолаи муаммо, 11⁶-варақ.

² Мазкур қасида топилганлиги ҳақидаги дастлабки маълумот муаллиф томонидан эълон қилинган. Қаранг: Ш. Сирожиддинов. Алишер Навоийга бағишланган қасидалар ҳақида /Бадий адабиёт ва адабий тил масалалари. Самарқанд, 1991, 3-10-бетлар. Яна : Навоий замондошлари эътирофида, Самарқанд 1996, 32-48-бетлар.

³ Мажолис, 165-бет.

ҳақида келтирилган маълумотлар ичида қуйидагилар эътиборга лойиқдир: "...Мавлоно Аҳлӣ Шерозий - номаш Муҳаммад, мавлудаш Шероз, аз жумлаи урафои соҳиби жоҳ буда ва дар фунуни шеър, хосса қасоиди маснуия камоли маҳоратро дошта, дар муқобили қасидаи маснуияи Хожа Салмон Соважий се қасида дар мадҳи Амир Алишер гуфта ва беҳтар аз он гуфта ва онҳо дар назди фақир мавжудаст ва маснави мавсум ба "Сеҳри ҳилол"ки, дар ҳар шеър се санъат аз санойиъи илмий-бадий ба кор бурдаки, ақл дар он ҳайронаст ва уро низ девоне аст кабир, давоздаҳ ҳазор байт ва рисола дар илми муаммо, рисолае дар илми аруз ва қофия. Қарийб ҳаштод сол умр намуда, дар санаи 942 ҳижрий вафот ёфта, дар тарафи дасти чапи хожа (Ҳофиз Шерозий - Ш.С.) мадфунаст¹390.

(...Мавлоно Аҳлӣ Шерозий, исми Муҳаммад бўлиб Шерозда таваллуд топгандир. У олий мартабали донишмандлардан бўлиб, шеър фанида, айниқса маснуъ қасидалар бобида маҳорат камолотидадир. Хожа Салмон Сожавий йўлида Амир Алишерни мадҳ этиб уч қасида айтган ва ундан ҳам яхшироқ айтгандир. Улар (қасидалар-Ш.С.) фақирнинг ёнида мавжуддир. Шунингдек, "Сеҳри ҳилол" номли маснавийси борким, ҳар шеърда илмий - бадий санъатлардан уч санъат ишлатилганки, ақл унга ҳайрон. Унинг 12 минг байтли девони ҳам бор, муаммо, аруз ва қофия илмларига оид рисолалари мавжуд. Қарийб 80 йил умр кўриб, 942 ҳижрий йилида вафот этди. Хожанинг чап тарафида дафн этилган.)

Шу каби фикрлар "Мажолис ул-муъминин" тазкирасида ҳам учрайди²391. Юқоридаги тазкиралардан Аҳлӣ Шерозий моҳир қасиданавис шоир эканлиги англашиляпти. Е.Э.Бертелъс "Навоий" монографиясида Аҳлӣ Шерозий ҳақида сўз юритар экан, унинг уч қасида ёзганлигини, улар Навоий, Султон Яъқуб Оққуюнлининг биродари Юсуфшоҳ ва Шоҳ Исмоил Сафавийга бағишланганлигини айтиб ўтади³392. "Осори аҷам" даги қайдни ҳисобга оладиган бўлсак, у Алишер Навоий мадҳида бир эмас, балки уч қасида ёзган бўлиб чиқади. Қасида кўчирилган қўлёзма тепасида "Қасидаи аввали дар мадҳи Амир Алишер" ёзуви ҳам далилдир. Бунга Навоийнинг "неча қатла (!) Шероздин рангин қасидалар айтиб юбориб эрди" деган фикрини илова қилсак, бу уч фикр бир-бирини тасдиқлагандек туюлади. Лутфали Озарнинг "Оташкада" тазкирасида ҳам "Осори аҷам" маълумотларига оҳангдош сўзлар мавжуд: "...Мавлоно Аҳлӣ саромади фусаҳои замон ва сардафтари фусаҳои сухандон ва дар фунуни шеър дар камоли маҳорат ва қасоиди маснуъ (қўплик формасида келаётганлигига эътибор беринг-Ш.С.) дар муқобили Сайид Зулфиқор Ширдойи ва Хожа Салмон Соважий дар мадҳи Амир Алишер Навоий гуфта ва беҳ аз ҳар ду гуфта ..." ⁴393.

(... Мавлоно Аҳлӣ замон фасихлари саромади, сухандон фасихлар бошчиси ва шеър фанида маҳорат камолотидадир, Сайид Зулфиқор Ширдойи ва Хожа Салмон Соважий услубида Амир Алишер Навоийга маснуъ қасидалар бағишлаган ва уларнинг ҳар икковидан ҳам яхшироқ айтган.)

Қўлимиздаги маснуъ қасида Амир Алишер номига мувашшаҳ этилган бўлиб, 150 байтдан иборат. Қасида ЎзФАШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган 2206 инвентарь рақамли "Куллиёти Аҳлӣ Шерозий" девонининг охирига жойлаштирилган бўлиб, чиройли, нафис настаълиқ хатида кўчирилган.

Аҳлӣ қасидани ёзиб тугатгач, шахсан ўзи Ҳиротга келиб, Навоийга тақдим этган. Бу ҳақда Амин Аҳмад Розий ўзининг "Ҳафт иқлим" тазкирасида қайд этишни лозим топганлиги диққатга сазовордир: "... мавлоно Аҳлӣ бо сафоии зеҳни салим ва зуккотаби мустақим, аз жамиъи шуарои замонаи худ имтиёзи фаровон дошт... пас азонки ба Ҳирот таважжух намуд,

¹ Фурсат Шерозий. Осори аҷам, Тошбосма, Ҳинд, 1896, 471-бет.

² Нуруллоҳ Шуштарий. "Мажолис ул-муъминин". Табриз, Ҳожи Иброҳим нашри, XIX аср, 514-бет.

³ Е.Э.Бертелъс. Навои и Джами, стр.39.

⁴ Лутф Алибек Озар. Оташкада. ЎзФАШИ, N793, 253^a-варақ.

қасидаи маснуъи Хожа Салмонро маъ зиёдати татаббуъ намуда, ба номи Амир Алишер мувашшаҳ гардонид ва силае аржманд ёфт¹394.

(... мавлоно Аҳлий салим зеҳнининг поклиги, зукко таъблиги билан ўз замонасининг жами шоирлари ўртасида анча имтиёзга эга эди. ... Ҳиротга келганидан сўнг Хожа Салмоннинг маснуъ қасидасига ортиғи билан татаббуъ қилиб, Амир Алишер номига мувашшаҳ этди ва муносиб тақдирланди.)

Қасида дебоча билан зийнатлангандир. Унда қасиданинг Амир Алишерга бағишланганлиги ҳақида сўз юритилган: "...Баъд аз фароғи мутолаа ва мушоҳадаи саноеъи бадоеъи қасидаи маснуъ ки рақамзадаи килки латойиф шиёр, мафхар аш-шуаро Хожа... Салмон Соважий аст ... ба-тариқи татаббуъ иншо намуданд мувашшаҳ, ба алқоби шариф, бадаввунини синоат ва хуружи ин бизоат, амири кабири олами адл, амир ул-умаро, малиҳо ал-фуза-ло, мулоз ул-фуқаро, асад-ал-маорик, Шиблий ал-масолик ал уммал-ислом ва-л-муслимин, низом ал-хақ ва-д- давла ва-д-дунё, ва-д-дин Алишер .

Байт:

*Онки нашъу намои гулшани даҳр,
Ҳама аз офтоби ҳиммати уст.
Сурхруйи - и фазл имруз
Чун ақиқ, аз сухайли давлати уст.*

(Шоирлар фаҳри Хожа Салмон Сожавийнинг латиф қўли билан ёзилган маснуъ қасидани мутолаа қилиб бўлгандан сўнг, татаббуъ қабилида одил оламнинг улуғ амири, амирлар амири, фозиллар малиҳоси, фақирлар пуштипаноҳи, шери майдон, ислом ва муслимлар уммати маслаклари Шиблийси, дин, дунё, давлат ва ҳақиқат низоми Амир Алишернинг шариф номига мувашшаҳ этиб ёзилди.

Байт:

Улким, даҳр гулшанининг нашъу намоси, барча унинг ҳиммат офтоби нуридан баҳраманд. Бугун фазл аҳли юзининг ақиқ каби қизиллиги (руҳи бардам, бахтиёрлиги) унинг давлати сухайлидандир (юлдузидандир.)

Қасида бир байтдан тўрт байтгача бўлган 69 банддан ёхуд қитъадан иборатдир. Ҳар банддан бир маснуъ байт истихроҷ қилинади, яъни чиқарилади.

Бундай маснуъ байтлар сони 70 тага яқин. Биз ушбу ишимизда эътиборни Навоий мадҳига қаратаётганимиз учун ҳам қасиданинг ёзилиш услуби, поэтик маҳорати ҳақида тўхталмасликни лозим кўрдик. Фақат икки оғиз сўз маснуъ қасида тарихи ҳақида.

Маълумки, Шарқ поэтик санъатларини қай даражада ишлатиш ижодкорнинг маҳорат даражасига боғлиқдир. Ўрта асрлар шоирлари ўз асарларида нутқ бадий воситаларининг турли-туман шакллари қўллаб, ўз маҳоратларини намойиш қилганлар. Айниқса, XIV аср шоири Салмон Сожавий бошлаб берган, ўнлаб поэтик санъатларни ўз ичига олган маснуъ қасида услуби бу йўналишда энг юқори чўққисига кўтарилди. Кейинги асрларда ҳам кўпчилик шоирлар бадийёт оламида куч синашиш воситаси сифатида қасидаи маснуъ ёзишга қўл урганлар ва Салмон қасидасига татаббуъ ёзганлар. Маълумотларга қараганда, Соҳиб Балхий, Фасиҳ Румий, Дарвиш Мансур Сабзаворий, Ҳофизали Жомий, Аҳлий Шерозий, Қатилий каби форс-тожик шоирлари қаторида Навоий ҳам татаббуъ қилган экан. Алишер Навоий бу ҳақда шундай ёзади: "...Яна суханпардоз устози олийшон Хожа Калимиддин Салмонки, қасида майдонининг чобуксуворидур ва ўз замонининг беназир сухангузори,

¹ Амин Аҳмад Розий. Ҳафт иклим. ЎзФАШИ, №17, 83^а-варақ.

машхурдурки, чун маснуъ қасидаси тартибиға қалам сурубдур, ўн секкизда итмом еткурубдур. Воқеан ише қилибдурки, назм аҳли анинг тааммуқида ҳайрон ва тааммулида саргардондурлар. Тарсиъ санъатиким, матъладин ўзга байтда бўла олмас, ул қасиданинг агарчи мустахраж Матлаъи ростдур, аммо асли Матлаъда аввалғи мисранинг бир лафзида тахаллуф қилибдур ва Матлаъ будурким:

*Сафои сафвати руют бирехт оби баҳор
Ҳавои жаннати қуют бибехт мушки тотор*

Бу Матлаъга татаббуъ қилғон кўп суханварлар ва назмгустарлар чун муқобалада дебдурлар, лат ебдурлар. Бу фақирнинг Матлаъи будурким:

*Чунон вазид ба бўстон насими фасли баҳор,
К-аз он расид ба ёрон шамими васли нигор¹.*

Аҳлий Шерозий ўз қасидасини шундай бошлайди:

*Насими коқули мушкин к-орост чун ту, нигор
Шамими сунбули пурчин кужост мушки тотор.
Шамим хезад аз оҳу вале на з-ин хуштар,
Насими гул вазад, аммо чунин на анбарбор.*

(Мушкили коқулнинг шабадаси сен турганда кимдан эсади, жингала сочингнинг хушбўйлиги шунчаликки, тотор мушкига йўл бўлсин. Оҳудан ҳам хушбўй ҳид таралади, аммо бунчалик ёқимли эмас, гулдан шабада таъсирида ёқимли ҳид таралса ҳам бунчалик хушбўй эмас.)

Агар Навоий ва Аҳлий маснуъ қасидалари Матлаъсини солиштириб кўрсак, шу нарса аён бўладики, Аҳлий Салмон Сожавий қасидасига татаббуъ қилиб, Амир Алишер номига мадҳия ёзар экан, Навоийнинг маснуъ қасидасидан илҳомлангани бўлиши мумкин, Сабаби, Аҳлий улўғ шоирга мадҳ ёзаётганлиги учун ҳам қасида бошидаёқ унинг байтига мос сўзлар топа олган, Навоий байтидаги “баҳор фаслининг насими етиб, ундан дўстларга ёр васлининг хушбўй ҳиди келди”, деган маънода юқорида келтирганимиз, қасида насибига ибтидо қилган. Бизнингча, бу ўзига хос поэтик приём бўлиб, Навоийда қасидага нисбатан ижобий кайфият туғдирган бўлса, ажаб эмас.

Аҳлий қасида ёзиш қонун - қоидаларига биноан узундан-узун кириш қисми-насибдан сўнг мақсадга кўчади:

*Пайи чи баста забон, гашта гум зи худ булбул,
Магар кушода забон соҳиби ямину ясор.
Низомиддин Алишер пешаи ислом,
ки ёфт лавҳу қалам аз шиораш истеҳзор.
Умур-и ҳашмат аз ў хотами пазируфта
Румузи ҳикмат аз у ношенуфта дар асрор.*

(Не сабадан булбул жимиб қолди ва ўзлигин йўқотди? Наҳотки борлиғ олами оғиз очган бўлса(тилга кирган бўлса). Низомиддин Алишер, у-ислом пешаси, лавҳу қалам унинг

¹ Ҳамсат ул-мутаҳаййирин, 125-бет.

шиоридан мадад олгандир. Унинг буюк ишлари тарихда) муҳрлангандир, унинг ҳикмат сирларини сирлар олами эшитмаган).

Шерозий ушбу банд-гуризгоҳдан қуйидаги санъат - байтни истихроҷ этади:

*Безабон гашта зи худ булбул, дилсухта рафта,
магар аз соҳиби сайфу қалам ашъори шенуфта.*

(Булбул тилидан айрилиб, жигар - бағри эзилиб кетди,
наҳотки, қиличу қалам соҳибининг шеърларини тинглаган бўлса?)

Навоийнинг шеърлари шунчалик мусиқий, дилкаш ва наволики, уни эшитиб ҳайратда қолган булбулнинг тили тутилиб, овози чиқмай қолди, демоқчи шоир.

Мазкур истихроҷий байтлар қасиданинг асосий матнига алоқадор бўлмаса-да, аммо ундаги ғояга хизмат қилади, яъни улар ҳам ўз мазмуни ила Алишер Навоий мадҳини ёрқинроқ бўёқларда кўрсатишга ҳисса қўшади. Алишер Навоий сўз санъатини олий чўққисига кўтарганлиги ва суҳан аҳлига ҳомийлик қилганлиги замондошларининг чуқур эҳтиромига сабаб бўлган:

*Муравваже, ки чунон тоза сохт жони суҳан,
Ки баста чашми хирад аз тасаввураш, ангор.*

(Ҳомийким, суҳан жонини шундай тоза (янги) қилдики, хирад (ақл) кўзи буни тасаввур қилишга ожиз.)

*Малойик аз талаби ҳамдамиш бар дару бом,
мулук аз тамаи маҳрамиш бар дарбор.*

(Мирнинг обрў-эътибори сўз санъаткори сифатида шунчалик ошдики, султонлар уни ўзларига яқин қилиш учун саройларида, малойиклар унга ҳамдам бўлиши учун ҳамма жойда мунтазирдирлар.)

Навоийнинг ўзи ҳам сўз буюклиги йўлида барчага ҳамдаму маҳрамдир:

*Тоза жони суҳан аз ҳамдамиш,
баста чашми хирад аз маҳрамиш*

(Ҳамдамлигидан суҳан жони камолотда.
Маҳрамликда ақл бовар этмас юксакликда.)

Ёки, Навоийга мурожаат қилиб:

*Малик, Мулкати суҳан, ки нахуст,
дам ба тавфиқи ҳамдамат буда.
Ғайри килкат касе зи зулфи суҳан,
гиреҳи насру назм накушуда.
ҳеч кас бе насими марҳаматат
гарди меҳнат зи чеҳра назудуда.*

(Сен сўз мулкининг султони дурсан
Омад сенга ҳамиша ҳамдам.

Сендан ўзга киши сухан зулфидин насру-назм тугунини еча олмаган,
Ҳеч ким сенинг марҳаматинг шабадасисиз,
юзидан қийинчилик чангини тозалай олмаган.)

Аҳлий Навоийнинг очиққўллигини, сахийликда Хотами Тоийдан ўтишини унинг қўлларини Нил дарёсига қиёс қилиш орқали тасвирлайди:

*Ажаб мадор з-и дасташ ки кардаам монанд
ба баҳри Нил, ки жори бувад аз у анҳор.
Латойифи карамаш коми халқ шаҳри дод,
кафи инояти ў шуд чу баҳре аз исор.*

(Ажабланма, агар мен унинг қўлини Нил денгизига қиёсласам, ундан кўплаб дарёлар оқиб чиқади. Унинг иноятли кафи ҳам садақа тарқатишда денгиз мисол бўлиб, Нилдан дарёлар оқиб чиққанидек, унинг кафидан ҳам иноят оқиб туради.)

Навоий дўстларига баъзида аччиқ гапирса ҳам, унинг замирида яхши нияту, очиқ кўнгиллик ила уларни тўғри йўлга бошлаш ётади. Аммо у душманларига ширин гапирсада, уларга аёвсиз рақобатдадир:

*Пайке, ки вай ниҳадаш захр, фи-л-масал дар даст,
Бигу, бинуш, ки дар коми ўст нушгувор.
Шароб дар даҳани дўстонаш нушинтаъм,
Шакар ба бахти бади душманонаш нешхор.*

(Агар у қўлга, масалан, заҳар тутқазиб, ич, деса, у кишининг оғзида заҳар хуштаъм ичимликка айланади. Дўстларига аччиқ шароб берса, дўстлари оғзида ширин ичимликдир, душманларига шакар берса, у сарқит каби таъсир этади.)

Мир Алишер Навоий, маълумки, барчага маслаҳатгўй бўлган. Ҳатто унинг устози ва пири ҳисобланмиш Абдурахмон Жомий ҳам ўз асарларини ёзишда у билан маслаҳатлашган. Амирнинг маслаҳатлари Султон Ҳусайн учун катта аҳамиятга эга бўлган. Бойқаро ўғиллари қаерда ҳоким бўлишмасин, Навоий ўғит-насиҳатлари асосида иш кўришга ҳаракат қилганлар. Шоир ва давлат арбоби Навоийнинг аралашуви натижасида давлатнинг кўпгина ички ва ташқи низоларига чек қўйилган. Аҳлий улуғ амирнинг бу ноёб сифатини шундай улуғлайди:

*Дами мужодалаи шаҳон шурат аз фазлат,
ки тиғи меҳри ти бишкаст қалби сад қаҳҳор.
Ба дасти фазли ту нақди хунар суханҳо нест,
ки ҳаст ганжи ниҳонат к-ромат аз додор.*

(Шоҳлар уруши пайтида сенинг ҳаяжон ва изтиробларинг фозиллигингдан даракдирки, сенинг меҳринг тиғи қаҳрли юз кишининг қалбини тешади. Сенинг фазлинг қўлида

сўзлаш санъати эмас, балки яширин хазина
бордирким, адолатпарварлигинг олдида бўйсунди.)

Фазлда беқиёс бўлган улуғ инсоннинг туриш - турмуши барча хабардор кишилар учун поклик мезони эди. Ҳатто Ҳусайн Байқаро уни ўзига пир деб ҳисоблаган. Аҳлий ҳам уни тавоф қилишга умид боғлаганлиги қуйидаги сатрларда яққол сезилади:

*Вужуди нуҳ фалакат хоки раҳ ба ҳар қадами
Ситода хайли малак бар дарахт ба истехзор,
Дари ту бўса диҳад Каъба гар сафо жуяд,
Чунончи бар қадамат чеҳра мениҳад заввор.*

БАЙТ:

*Нуҳ фалакат хоки қадам бўса диҳанд,
хайли малак бар қадамат чеҳра ниҳанд.*

(Тўққиз фалакнинг вужуди ҳар қадамда
(оёқнинг остида) тупроқ бўлиб ётибди,
малаклар эшигинг олдида чақиришингга
мунтазир. Агар каъба ўзи каби пок жой
қидирадиган бўлса, зиёрат қилишга
келаётганлар пойингга юзларини босиб
тавоф қилганлиги каби, сенинг остонангни ўпсин.)

XV асрнинг иккинчи ярми темурийлар салтанатида яшаб, ижод этган кўпгина адабиёт ва илм-фан пешволари (Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ ва бошқалар) ўз асарларида Навоийнинг ўта сахийлиги, кўли очиқлиги ҳақида кўплаб маълумотлар қолдирганлар. Аҳлий қасидасида улуғ амирнинг яна бир фазилатини, унинг ҳеч қачон бирортадан мол-мулк тамаида илтимос қилмаганлигини алоҳида қайд этишни лозим топади:

*Вужуди кас набувад ҳамчу халқу мардумият,
К-ин нагуфт ба талхи-ю, он накард озор.
Дигар чу ҳимматат андар жаҳон надида каси,
Нокарда дар ҳама умр илтимосе аз ағёр.*

(Бунчалик халқчил, халқпарвар вужуд ҳеч
кимда йўқ. Бундай ҳиммат ҳам ҳеч
кимга насиб этмаган. У умрида бировдан
бирор нарса сўрамаган)

Маълумки, сарой ичидаги фитналар туфайли Навоий анча азият чекади. Мирнинг давлатда кундан-кунга ортиб бораётган мавқеи, обрў-эътиборидан гашланган ғанимлари орқаворотдан тош отишга қўлларида келгунча ҳаракат қиладилар. Бундан хабардор бўлган Аҳлий самимий ҳамдардлик изҳор этиб, киши аввало ўзининг енга олиши лозим, кўнгилнинг ҳаддан бўшлиги ҳам, инсонга кўпинча дард-алам келтириши ҳақида мисралар келтиради:

*Даруни душман чоҳаст, барқарор мабод,
наёфт ҳеч дил аз сўзи ҳасраташ жуз бор.*

*Рафиқи хасми ту навбад ба жуз дили бирён,
ба ҳарчи дидаи гиръён у қунад тимор.
Душманатро мабод жуз дили бирён,
ҳеч дил сўз ба ҳар дидаи гиръён.*

(Душман ичи чоҳдирким, барқарор бўлмасин.
Бирор дил ҳасрат ўтидан бошқа нарсага
эга бўлмади. ҳар қанча кўз ёши-ю, ҳамдардлик
билдирса ҳам, бирён (эзилувчан) кўнгилдан
ўзга душманнинг дўсти бўлмас. Душманингда
ҳам шундай эзилувчан кўнгилдан
ўзга нарсаси бўлмаслигини, сенга ҳар бир
йиғлоқи кўзга кўнглингни бузмаслигини тилайман.)

Амир Алишернинг адаб аҳлига ҳомийлик қилиши, барча учун илм масканлари эшигини очиб қўйганлиги натижаси ўлароқ, бутун Мовароуннаҳр, Хуросон илм шайдолари, талабадан тортиб, донишмандгача унинг атрофида жам бўлдилар. Узоқ-яқиндан тўпланган шоирлар унинг мажлисларини безата бошладилар:

*Ту Хизри раҳравони ба донишу таҳқиқ,
ту Шиблюю, Жунайд аз далоили атвор.
Шаку яқин набурд, роҳ дар камолотат,
ки дар мақоми иноят намуди истиқрор.*

(Сен илму-донишда йўл кўрсатувчи хизрсан,
(яъни устозсан). Сен Шиблий ва Жунайд кабидурсан.
Камолотингга ҳеч шубҳа йўқдир, чунки иноят
мақомида маҳкам ўрнашгандурсан.)

Барча илму фан ва адабиёт пешволари Навоий мададидан сарфароз ва унинг хизматига хамиша шайдирлар. Аҳлий ҳам улар қаторида Амир Алишерни улуғлашга ва хизматга ҳозир:

*Рафиқ гашт туро фазлу лутфи яздони
нигоҳдори ту бошад ҳаросати ахъёр.
Ба тавъ ман накушоям камар аз ин хидмат,
Ба сидқ мадҳи ту корам бувад на аз ағъёр.*

(Сенга рафиқ бўлди яздон (худо) лутфи
ва фазли, у сенинг нигоҳдоринг бўлсин.
Мен бажонудил сенинг хизматингдадурман,
сенинг мадҳинг биланман, бошқа билан ишим йўқ.)

Алишер Навоий китобат қилишга, хуснихатнинг гўзал ва нафис бўлишига катта эътибор берган. Бунга ўз атрофига тўплаб, ишларига ҳомийлик қилган Султон Али Машҳадий, Зайниддин Маҳмуд, Султон Муҳаммад Нур, Султон Муҳаммад Хандон, Абдул Жамил каби машхур хаттотларни мисол қилса бўлади¹. Навоийнинг ўзи ҳам иншо санъатини мукамал эгаллаган моҳир хаттот бўлган. Қуйидаги байтлар яна карра шунинг исботидир:

*Яқин, рабуда килки ту сурати монист,
ки сўзад аз ҳасадаш чун хатат қунад изҳор.*

¹ А.Муродов. Ўрта Осиё хаттотлик тарихидан, 56-57-бетлар.45

*Азонки килки ту холу хатест мушкинранг,
Бисухт сад дили сангину, насх кард ғубор.
Ёки қуйидаги сатрларга назар солинг:
Гар хати ту дида бар сар ман ниҳодам чи ажаб,
Замона бар хати ту сар ниҳад ба истехзор.
Ду дидаи равшан азон бар дари ту сояд чарх,
Ки карда сажда зоҳир туро улуввал-абсор.*

Ёки:

*Гар хати ту дида банда нодиран,
бар хати ту карда сажда зоҳиран.*

(Агар хатинг кўриб, уни бошга кўтарсам
не ажаб, замона сенинг хатингга сажда
қилади-ку. Чарх икки равшан кўзини
эшигингга суртса, барча ақлли,
мулоҳазали кишилар сенга бўйин эгади.
Сенинг хатингни банда кам кўрса-да,
кўрган заҳоти хатингга сажда қилади)

Алишер Навоий табиатан мулойим ва сабр-қаноатли шахс сифатида машҳурдир. Унинг бу фазилатлари, табиийки, давлат арбоби учун бениҳоя шуҳрато-вардир:

*Яқин ки, кори туро шуд з-илми шаръ асос,
Яқинки, коми туро шуд ҳилму сабр ҳисор.*

(Шубҳасиздирки, сенинг ишингга шарият
асос бўлиб, муроду мақсадингни мулойимлик
ва сабр қалъа айлагандир.)

Амир Алишер ҳеч қачон мол-дунё ҳавасида бўлмаганлиги маълум. “Мақорим ул-ахлоқ” да келтирилишича, “906 ҳижрий йили бошларида (1500) Султони Соҳибқирон (Султон Хусайн Бойқаро) Мозандарон вилоятига ташриф буюрган эдилар. Ҳукумат эгаси амир Муборизиддин Валибек жаноблари номига Ҳирот шаҳри ва унинг атрофидаги аҳолидан зарур харажат учун 100.00 динар кепакий ундириб етказиш ҳақида фармон келди. Ул жаноб шу маблағдан 50000 динорни булукот деҳқонлари ва молдорларидан ундириб, қолган қисмини хона бошига сочиш йўли билан Ҳирот ичида истиқомат қилувчилардан ундиришни хаёл қилди. Лекин, бирор ишга давлатли Амирнинг фикрисиз ва маслаҳатсиз кўл урилмас эди. Шунинг учун ҳам ул ҳазратнинг ноибларидан бирини чақиртириб, бу фикр ул кишига-Навоийга етказилди. Ул киши “Бул фурсатда халқ устига ўринсиз солиқ солишни олий даражали соҳибқирон давлатига муносиб кўрмайман” дедилар ва шу вақтнинг ўзидаёқ мазкур маблағни хусусий пулларидан бердилар. Халқ эса ул ҳазратнинг дуо қилиб, унга кўпдан - кўп раҳматлаър айтди ...”¹.

Англашилганидек, унинг сахийлиги эл томонидан мамнуният билан қабул этилиб, халқнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган ва Навоий қаерга бормасин, халқ учун байрамга, шодиёнага айланган:

*Ҳама мулуки жаҳон банда карда даҳрат азон,
ки ҳаргиз аз туи кас надид истиҳзор.*

¹ Мақорим ул-ахлоқ, 101-бет.

*Дигар з-жавди ту ёбад чу оламе шоди
ба марди-ю, ба карам оламе бигиру бидор.
Бувад ба марди дигар касе мисоли ту кам,
Замона мисли ту кам ёбад аз ҳама ахъёр.
(Сенингдек маълумотли кишини ҳеч кўрма-
ганлиги сабабли, ҳаётинг тарзи бутун
жаҳон маликларини ўзига банда этмишдир.
Сенинг саховатингдан олам шодликка тўлади.
Сенга мардликда тенг бўладиган одам кам,
замона барча хайрлиларнинг ичида сендайини
кам кўради.)*

Аҳлий бу байтларни умумлаштириб, ихчам тўртлик формасида ифода эта билган:

*Мумкин на ки ҳаргиз чу ту ёбад олам,
Ҳаргиз чу ту кас надид марди ба карам.
Ёбад марди дигар касе мисли ту кам,
Олам ба карам мисли ту кам ёбад ҳам.
(Сендекни топмоғи мушкулдир олам,
Ҳеч ким сендек саховатли мардни кўргани йўқ,
Мард топса (кўрса) ҳам, сен кабиси жуда кам,
Саховат олами сен кабини кам кўради.)*

Мана шундай қалби халқ қалбига пайванд, ўрта асрлар зулуммотида ёрқин юлдуз бўлиб порлаган ва етти иқлимга зиё таратган улуғ инсоннинг номи ҳамиша дилларнинг тўрида сақланиши, тиллардан тушмаслиги Аҳлийнинг қалб тилаги бўлган бўлса ажаб эмас:

*Нишони фазл ба номи касест тўғрояш,
ки солҳои басе дер боду хоҳад буд.
Ҳамиша хотам иқболу, хутбаи давлат,
ба номи Мир Алишер боду хоҳад буд.
Адуи давлати ў дасти қудраташ, ё раб,
чу дасти душмани дин зер боду хоҳад буд.
(Фазл нишони тўғроси¹398 ул номдадурким,
яна узоқ йиллар ўчмасин ва ҳамиша
саодат муҳри, давлат хутбаси Мир Алишер
номида бўлсин ва шундай бўлажак.Унинг
давлати душманларининг қудратли дастини
дин душманларининг қўлидай калта этиб,
зерипой этсин ва шундай бўлажак!)*

Қуйидаги қитъада эса Аҳлий кўрган-эшитганлари ва билганлари асосида хулоса чиқазиб, Навоийнинг реал қиёфасини тасвирлаб берадики, бундан қисқароқ, шу билан биргаликда, бундан аниқроқ ва ҳаққонийроқ қилиб, кишига тавсиф-характеристика бериш душвор бир ҳолдир:

*Сарвари мулки карам, ҳокими даҳр,
комили коргаҳи аҳли камол.*

¹ Шоҳ фармонларида шоҳ номи зикр этиладиган махсус шифр.

Ҳукми у доди маҳомад дода,
 адли у карда адам гарди малол.
 Марҳами дарди дили мардуми даҳр,
 Муслиҳи ҳоли ҳама дар ҳама ҳол.
 Карда масдуд дари ҳирсу ҳасад,
 дода доди ҳаваси аҳли камол.
 Аввал, у ҳамаро ҳосили умр,
 дуввум, у адами амри маҳол.
 (Карам мулкининг сарвари, давр ҳокимию,
 аҳли камол санъатхонасининг пири комили.
 Унинг ҳукми таҳсиновар одилдир, унинг
 одиллиги натижасида ғам-андуҳларга чек
 қўйилди. У замона халқлари дили дардига
 ҳамдарддир. Ҳамиша барчага маслаҳатгўйдир.
 У камол аҳли тилагига юз очгандир,
 У аввало ҳаммага умр мазмуни билан ибратли.
 Сўнг эса, барчанинг ҳожатбарорики,
 қўлидан келмайдиган иш йўқ.)

Кўриб турибмизки, ҳар мисрада Навоийга хос бўлган фазилатлар ўз аксини топган.

Ғиёсиддин Ҳумомиддин Хондамир

Хондамирнинг биринчи муҳим асари “Хулосат ул-ахбор фи аҳвол ил-ахёр” (Хайрли кишилар аҳволида жаҳон хабарларининг хулосаси) бўлиб, ҳижрий 904-905/1498-1499 йилда Навоий раҳбарлигида олти ой ичида ёзиб тугалланган¹399. Хондамир мазкур асарида Навоий ҳақида кўпгина маълумотлар берибгина қолмай, яна икки жойда: дебоча ва хотима қисмларида улуғ давлат арбоби ҳақида тўхталиб ўтади. Хусусан, асар дебочасида ўзининг муаррих сифатида шаклланишидаги жараёнда улуғ амир Алишернинг ҳиссасини берилиб тасвирлайди: “Бандаи фақир ва зарраи ҳақир Ғиёсиддин Ҳумомиддин ал-мулаққаб ба Хондамир аз мабодии синни рушду тамиз ҳамвора умри азизро ба мутолиаи кутуби тавориху ахбор масруф медошт ва пайваста назар бар саҳоифи ҳолоти салаф ва латоифу ривоёти халаф мегумошт ва чун фил-жумла вуқуфе бар ахбори авзои аҳли олам даст дод ва андак иттилое бар кайфияти сулуки тавоифи умам иттифоқ уфтод аҳёнан дар мажлиси шарифи олимпқдоре, ки сипехри гетинавард бо сад ҳазор дида ҳаргез шабиҳи ў софизамире бар санади айёлот мутамаккин надида ва меҳри олами гирд бо онки солҳо гирди жаҳон гардида назири ў соҳибтадбире бар сарири жалолат мушоҳада накарда... фазилатшиоре, ки тавзеҳи ибороти матвияи салафро маҳсанатбаёнаш мутазаммин аст ва талвиҳи ишороти махфияи халафро мақолоти муъжизнишонаш мутакаффил

Кони карами кафи ту шиносад хирад, валеқ
 Пайдо нашуд ба сони ту гуҳар з-кони илм.
 Аз файзи ақл фикри ту сад шамъ барафрухт,
 То шуд ба нури табъи ту равшан жаҳони илм.

Аз сафои табъи латифаш оби ҳайвон хижил ва аз жавдати зеҳни шарифаш равони Бу Али мунфаил. Остони саодатпано-ҳаш мулози садрнишинони мажлиси жоҳу жалол, даргоҳи си-

¹ Хулосат ул-ахбор. ЎзФА ШИ, № 2209, 499^а-варақ.

пехришбоҳаш паноҳи хурдабиниони ғавомизи фазлу афзол.

*Ҳаст мулози умаро даргаҳаш,
Куҳли айюн омада хоки раҳаш.
Нозими аҳволи уббодаст ў,
Қомеъи арбоби инодаст ў.*

яъни амири кабири ҳидоятпаноҳ, муаййиди нафаси кароматдастгоҳ, суфийсифат, софитийнати покиза рўзгор, машиди маросими мусалмони, рукн ас-салтана ва умдат ул-мамлака, мутаммини давлати хоқоний, муқарраби ҳазрати султоний, он ки аз хони наволаш шуда ҳар гурусна сер, низом ул-ҳақ вал-ҳақиқа вад-дин Амир Алишер, баъзе аз ғароиби ҳикоётро бар важҳи илқо мекард, ки ба шарафи истиҳсан иқтирон меёфт ва анвори иноёти ҳазрат ба руҳияти аҳволи ин шикастабол метофт ва рўз ба рўз ин сурат самти издиёд мегирифт ва соат ба соат ин ҳолат сифати истикмол мепазируфт”¹400.

(... фақир банда ва ҳақир зарра Хондамир тахаллусли Хумомиддин... ақлу хушимни таниганимдан бери ҳамма вақт ўз азиз умримни тарих ва хабарларга оид китоблар мутолаасига бағишлар эдим ва ўтганларнинг ҳолатлари саҳифалари ва шунингдек, салафларнинг латиф ривоятларига диққат қилардим. Олам аҳлининг вазиятидан хабардор ва турли халқу мамлакатлар кайфиятидан озгина бўлса ҳам маълумотдор бўлганимдан, баъзида ул олиймиқдорнингким, борлиқни кезувчи осмон юз минг кўзи билан ҳам у каби софдилни давлат бошида кўрмаган, сайёр қуёш йиллар жаҳон теварагини кезса ҳам, буюклик тахтида ул соҳибтадбирга ўхшаганни учратмаган. Фазилатшиордирким, салафларнинг сирли иборатларини тушунтиришда ширинбаёндин ва халафларнинг хуфиёна имо-ишораларига муъжиз нишонли нутқлари кафилдир. Қитъа:

*Кафинг карам кони эканлигини ақл билади.
Аммо илм конида сен каби гавҳар
бошқа топилмади. Сенинг ақл-заковатинг
файзидан фикринг юз шамни
шуълалантирди, Сенинг таъбинг
нури-ла жаҳон илми нурафшон бўлди.*

Латиф таъби софлигидан ҳаёт суви хижолат тортади ва шариф зеҳни юксаклигидан Бу Алининг руҳияти уялибқолган, бахтли остонаси буюкликжомеси ва улугвормансабдорларга бошпана, осмон монанд даргоҳи ўтқир фаҳми, фазл соҳибларига паноҳ. Қитъа:

*Даргоҳи амирларга бошпана бўлган,
Хоки пойи кўзларга сурма бўлган.
Покиза муслимлар аҳволидан хабардор, нозимдир ул,
Итоатсиз арбобларни бўйсундирувчи инсондир ул.*

улуғ амир, ҳидоятпаноҳ, кароматли Руҳнинг муаййиди (акси), суфий сифат, соф ниятли рўзгор покизаси, мусулмон маросимларини улугловчи, салтанат устунни ва мамлакат таянчи, хоқон давлатининг ишончли кишиси, султоннинг яқини, улким, саховат дастурхонидан барча муҳтож тўқ, ҳақ ва ҳақиқату дин низоми Амир Алишернинг шариф мажлисида ҳикоятлар сўйлар эдим. Ул жаноб менинг ҳикоятларимдан завқланар эдилар ва ҳазратнинг

¹ Ўша асар, 1^{а-б}-варақлар.

турли иноятлари бу қаноти синиқ банда аҳволи руҳиятига иссиқлик бахш этарди. Кундан-кунга бу ҳол кўпаяр ва соат сайин юксакликка кўтарилар эди).

Мазкур дебочадаги илиқ сатрлардан Амир Алишер Хондамир тарихий асар яратиш даражасида камолот касбэтиши учун унга ҳар томонлама шароит яратишга тиришганлигини кўрамиз ва бу буюк мутафаккирнинг иқтидорли ёшларга ҳамиша эътибор бериб келганлигига яққол далил бўла олади. Хондамир шундай келтиради: "...то дар соли нуҳсаду чаҳор аз ҳижрии наби мухтор саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳар китобе, ки муштамал бар фанни тавориху ахбор буд, дар китобхонаи маъмураи он бузургвор мавжуд буд, таслими ин бебизоат намуданд ва ба мутолаа тарғибу таҳрис фармуданд ва ман банда чун бар он мусаннифоти фасоҳатоёт гузаштам ва ба ижтиноди қавоиди мавфура ва иқтинои фавоиди ғайри-маҳсура маҳзуз ва баҳравар гаштам ин ҳавас дар сар ва он андиша дар хотир пайдо шуд, ки аз барои тақлили маунати мустажирони ахбор ва таҳсили машаққати мустаҳфизони осор ба ибороти равшан ва ишороти мустаҳсан хулосаи он қавоидро дар силки баён жамъ оварам. Ва чун ин хаёлро ба арзи он нуктаи доираи фазлу камол расонидам, ба иззи қабулу ризо мақрун шуда рухсати иншои ин номаи номий ёфтам¹.

(Наби ҳижратининг тўққиз юзу тўртинчи йили ул бузургвор маъмур кутубхонасидаги тарих ва ахборга оид барча китобларни ушбу фақирга топширдилар ва уларни ўқишга ундадилар. Мен фасоҳатоётлик асарлар билан танишганимдан ва бўлиғ, чекланмаган фойдаларни йиғиш ва ўзлаштиришдан бахтиёр ва баҳраманд бўлганимдан бошлаб шундай ҳавас бошда ва бу хаёл хотирда пайдо бўлдиким, турли тарих маълумотларига муҳтожлар ҳамда китобдорлар машаққатларини энгиллаштириш мақсадида равшан ва тушунарли иборалар ёрдамида ул фойдаларнинг (қисқартирилган) хулосасини бир неча вараққа туширсам ҳамда ул фойдаларнинг сайланмасини баён ипига тизсам. Бу хаёлни ул фазлу камол доираси марказига (Алишер Навоийга-Ш.С) етказганимда қабул ва ризо иззатиға сазовор бўлди ва бу атоқли номани ёзишга рухсат олдим.)

Хондамир асарнинг хотима қисмида Алишер Навоийнинг қурилишларга катта эътибор берганлигига алоҳида ўрин ажратади. Масалан, Ҳирот Жомеъ масжиди қурилишидаги Навоийнинг куч-ғайратини берилиб тасвирлайди ва Навоийнинг ўзи ҳам усталарга қўшилиб ишлаганини айтиб ўтадики, бу Хондамир томонидан Навоийнинг халқчиллигини кўрсатиш бобида кўрсатган ҳаракати намунасиدير: "...Ва ин буқъаи шарифаро Султон Абулфатҳ Ғиёсиддин Муҳаммад бинни Сом дар авохири айёми давлати хеш бино фармуд... ва дар айёми давлати ва овони салтанати...Султон Ҳусайн Баҳодурхон... тоқи мақсурааш шикасти тамом ёфт ва атрофи қуббаи маъмурааш ба сарҳади харобий шитофт. Жидори баландмиқдораш монанди рокеъон пушт хам кард ва пиллапояҳои олиосораш мисоли сожидон рўйи ниёз бар замин оварданд...Чун ин маъоний бар замири анвари олижаноби муқарраби ҳазрати султоний партав андохт, ҳамагӣ ҳиммати олии наҳмат бар таждиди бинои ин масжиди шариф ва ташйиди асоси ин маъбади муниф мақсур сохт ва аз подшоҳи ислом ижозат талбида ва аз арвоҳи муқаддасаи машоихи изом истимдод карда дар рамазони санаи сулсу тиссамиа нахуст ба боз кардани гунбади пушти тоқи мақсура, ки мақсура гашта буд амр фармуд. Баъд аз ба истисвоби меъморони сиддиқ ва муҳандисони мудаққиқ ба ростии сохти он бино, бар важҳе, ки аз он маҳкамтар натавон буд ишорат фармуд...он бонии мабонии хайрот ба воситаи қасрати ихтимом дар итмоми ин иморат, ҳар рўз ба нафси нафис ба он мақоми шариф ташриф меовард ва дар бисёре аз рўзҳо доман дар миён зада монанди сойир муздурон хишт ба дасти устод меод ва кор мекард"².

(...Бу шариф иморатни Султон Абулфатҳ Ғиёсиддин Муҳаммад бинни Сом салтанатининг

¹ Ўша асар, 2^б-варақ.

¹ Ўша асар, 471^а-варақ.

охирги йилларида қурдирган эди... ва соҳибқирон султон Хусайн Баҳодирхон салтанати даврида мақсурасининг тоқи тамомила шикастланган эди ва ул маъмуранинг четлари хароблик чегарасига етган, баланд деворлари оғиб, рукуъ этгувчилар монанд эгилган, олий пилла-поялари сажда қилувчиларга ўхшаб юзларини ерга суртган эдилар...Бу фикр олийҳазрат, ҳазрати султоннинг яқин кишисининг мунаввар кўнглига келгач, бутун олий ҳимматини бу шариф масжид биносини янгилаш ва кўзга кўринган ибодатхонанинг асосларини мустаҳкамлашга қаратди ва ислом подшоҳидан рухсат сўраб ва азим машойихларнинг муқаддас руҳларидан мадад тилаб...903 йилнинг рамазон ойида масжиднинг гумбази ва мақсурасининг шикастланган тоқини очишни буюрди. Шундан сўнг содиқ меъморлар ва моҳир муҳандислар-нинг...маъқуллаши билан бундан ортиқ мустаҳкамлаб бўлмайдиган даражада қуришга ишорат қилди. ...Ул хайрли ишлар ташкилотчиси (Навоий-Ш.С) бу иморатнинг битишига зўр ҳаракат қилиш билан бирга ҳар кун ул шариф жойга келарди ва кўпинча, этакни йиғиб бошқа мардикорлар каби уста кўлига ғишт тутар ва турли ишларни бажарар эди)

Хондамир Навоийнинг бу иморат битказилиши йилига “таъмир қилди” иборасини таърих қилгани ва Исфизорийнинг шу таърих моддаси ила қитъа айтганлиги тафсилотини келтиради: “Олиҳазрати худовандий, муқарраб ил-ҳазрат ус-султоний “мураммат кард”ро жиҳати забти таърихи он сол ёфта буданд ва ба ҳасби таворуд жаноби мавлавии махдумий ва фазилатшиорий Мавлоно Муъин ул-мулка вад-дин Исфизорийро низ ҳамин лафз ба хотир омада бадин гуна назм намуданд:

*Низоми давлату дин-Мири подшоҳнишон-
Ки, давлати ду жаҳонаш ҳақ каромат кард.
Мураммате ки аз асли бано фузунтар бувад,
Дар ин мақоми шариф аз улви ҳиммат кард.
Ту иттифоқи хусн бину иқтизои қазо-
Ки, чун мувофиқи таърих шуд “мураммат кард”¹.*

(Олийҳазрат султон ҳазратларининг яқин кишиси ўша йил таърихига “таъмир қилди” сўзини топган эдилар ва фазилатшиёрли жаноб махдумлик пешвоси, мавлоно Исфизорий ҳам шу сўзни топиб ушбу қабилда назм қилубдурлар:

*Дину давлат низомидур, подшоҳий амир,
Икки жаҳон давлатини ҳақ таъмин этган.
Бинонинг аслидан устунроқ таъмир,
Бу шариф мақомда саховат этган.
Сен савоб ишни кўр, кўнгилга ёқар,
Таърихи бўлибдур “таъмир қилган”.)*

Хондамир шу муносабат билан ўзи ёзган тарихни ҳам келтиради ва унда бу иш Амир Алишернинг ҳаракати билан бажа-рилганлигини таъкидлайди:

*Гашт маҳкам асоси ин масжид
3-эҳтимоми амири банданавоз.
Баҳри таърих гуфт муршиди ақл,
“Шуд ташдид асоси жомеъ боз”².
(Банданавоз амирнинг ҳаракати-ла,*

² Хулосат ул-ахбор, 472^а-варақ.

¹ Ўша ерда.

*Масжиднинг асоси мустаҳкам бўлди.
Ақл муршиди тарих айтдиким,
Яна жомеъ асоси мустаҳкам бўлди”.)*

Асарнинг хотима қисми, айниқса, Алишер Навоийнинг турли фазилатларини юқори даражада қайд этилганлиги билан диққатга сазовордир. Унда Амир Алишер ҳимояси остида ижод этган фазл ва ҳунар аҳли, улуғ амир қурдирган иморатлар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган¹.

Хондамир ўзининг “Хулосат ул-ахбор”, “Ҳабиб ус-сияр” асарларида келтирган Алишер Навоий ҳақидаги маълумотларидан ташқари, унинг юксак фазилатларига бағишланган “Макорим ул-ахлоқ” (Хулқларнинг яхшилари) номли махсус рисола ҳам ёзган. Унинг ягона нусхаси Британия музейида сақланиб, Б.Аҳмедовнинг ёзишича, Алишер Навоийнинг туғилганига 500 йил тўлиши муносабати билан мамлакатимизда ўтказиладиган юбилейга тайёргарлик вақтида - 1939 йилнинг ёзида унинг микрофильми олиб келинган ва шарқшунос Н.Одилов томонидан фотокопия асосида янги қўлёзма нусха тайёрланган. Ушбу асар ҳақида Б.Аҳмедовнинг “Хондамир” асарида ҳамда “Навоий замондошлари хотирасида” китобида ўзбек олимлари М.Фахриддинов ва П.Шамсиевлар таржимасида чиққан “Макорим ул-ахлоқ”нинг ўзбекча нашрида тўлиқ маълумотлар мавжуд.

Зайниддин Маҳмуд Восифий

Алишер Навоий вафотидан сўнгги даврда ҳам унинг шахсиятига қизиқиш бир сония бўлсада, сўнмаган. Бу даврда, айниқса, улуғ амирнинг кундалик ҳаётида рўй берган турлитуман воқеалардан сўйловчи оғзаки нақллар жуда машҳур бўлганлигини кўриш мумкин. Манбалардаги маълумотлардан кейинги даврларда кўпгина аслзодаларнинг маҳфилларида, султонларнинг мажлисларида тез-тез суҳбат мавзуси Навоийга тақалишини кўрамиз. Уларда, кўпинча, Навоий билан шахсан таниш бўлган олиму алломалар фикрига қизиқиш катта бўлган кўринади. Шу тариқа дунёга келган асарлардан бири ва, шу билан бирга, Навоий ҳаётининг ёритилишида Хондамир асарларидан сўнг энг салмоқли маълумот қолдирган ёднома Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” хотиралар тўпламидир. Атоқли шарқшунос олим А.Болдирев ўзининг Зайниддин Восифийга бағишлаган рисоласида шундай ёзади: “Восифий эсдаликлари Навоийни кундалик ҳаётда, оддий инсонлар билан муносабатини кўрсатишда, ҳатто майда-чуйда рўзғор ташвишлари ва феъл-атворидаги камчиликларни ҳам очиб берган ягона манбадир”². Ҳақиқатан ҳам Восифий асарида Навоий образи Хондамирдаги юксак улуғлаш услубларидан ўзгача ўлароқ ҳокимиятда тутган мавқеи фонида эмас, балки кўпроқ кундалик турмуш воқеалари баёнида очиб берилдики, бу ҳол Навоийнинг туриш-турмушини холис баҳолашга хизмат қилади. Восифий ҳижрий 890 (1485-86) йилда туғилган бўлиб, отаси Абдужалил Ҳиротнинг фозил кишиларидан бири эди. Зайниддин ёшлиги-дан шеърятга қизиқиб, ўспиринлик давридаёқ яхши муам-молар битадиган даражага етган эди. Ўзининг ёзишича, муаммо санъатини пухта эгаллаганлиги Навоий билан шахсан танишишига сабаб бўлади: “Ин фақирро ба Мавлоно Соҳибдоро аз жониби волидаи хеш наздикй буд...Жаноби мавлоно фармуданд, ки: “Ба мулозамати Амир Алишер рафта будам ва одати Мир онаст, ки ҳар рўз фақирро талбида мепурсад, ки дар шаҳр аз ажойбу ғароиб чи дидй ва чи шунидй? Гуфтам, ки шахсеро дидам, ки дар синни шонздаҳ

² Бу қисм Б.Аҳмедов таржимасида “Навоий замондошлари хотирасида” китобида тўлиқ келтирилганлиги учун ортиқча тўхталиб ўтирмаймиз. Қаранг: Навоий замондошлари хотирасида. /Тузувчи Б.Аҳмедов. - Т.: Ғ.Ғулом, 1985, 59-65-бетлар.

³ Болдырев А.Н.Зайниддин Васифи.-Душанбе: Адиб, 1989, стр 11.

ё ҳафдаҳсолагий бошад ва ҳар муаммои мушкилуроки мехонанд, ном нагуфта мешикофад ва дар толибилми ва ҳофизи ва шоири низ шуҳрати тамом дорад. Мир таажжуби бисъёр карданд ва гуфтанд, ки: “Ту ўро имтиҳон карди?” Гуфтам: “Бале, ман ин муаммои мушкил бар вай хондам, ба мужарради хондан шикофт.” Ҳазрати Мир ба фақир эътироз карданд, ки: “Черо ўро наёварди?” Ман аз ин гуфтаи худ пушаймон шудам. Бино бар он, ки суҳбати Мир ҳайратафзо ва даҳшатангез аст...” Алқисса, сабоҳ ба хонаи Мавлоно Соҳиб ҳозир шудем. Паси ин фақир дар пеши Мавлоно Соҳиб се толиби илм ҳозир буданд. Фармуданд ки: “Дар маҳал омади! Ин се касро низ пеши Мир таъриф кардаам.”

Яке аз онҳо муаммоий буд, чунончи ўро адили Мавлоно Хусайн Нишопурий медонистанд... ва дигаре ба қасидагўйи шуҳрат дошт...ва дигаре маснавийро бисъёр хўб мегуфт... Чун ба он мажлиси олий ва маҳфили мутаолий расидем, жуласо ва худамои ҳазрати Мир ҳозир буданд. Жаноби Мир ба жониби мо нигоҳ карданд ва ба фақир ишорат карда гуфтанд ки:

- Ҳарифе, ки муаммои беном меёбад, ҳаминаст?

Мавлоно Соҳиб гуфтанд:

- Бале, махдум, ҳамин аст.

Мавлоно Муҳаммад Бадахший гуфтанд:

- Махдумо, худовандгоро, муаммошикофии шумо нисбат надо-рад ба муаммошикофии вай!

Мир фармудандки:

- Ман аз мушоҳадаи чашмҳои вай дар ёфтам. Зеро ки, асари фикр дар вай зоҳир буд.

Баъд аз он ин муамморо хонданд...Иттифоқо, ман ин муам-моро ёд доштам. Дар тааммул шудам, ки оё, тағофул кунам ва мажлисро бар гузаронам, ё рост гўям? Оқибат, барои рости рожих омад. Гуфтам:

- Махдум, ман ин муамморо ёд дорам.

Ҳазрати Мир муддате, ки сар дар пеш афканданд, баъд фармудандки:

- Азизон, медонед, ки сухани вай чи маъни дорад? Изҳори қудрат мекунад ва мегўяд, ки агар ин набошад дигаре .

Дар он мажлис ҳазрати Мир дигар муаммо нахонданд ва лутфи бисъёр фармуданд ва ба Мавлоно Соҳиб гуфтанд, ки “Мо даъвии вайро мусаллам донестим”¹407.

(...Бу фақир мавлоно Соҳибдорога она томонидан яқин қариндош бўлар эди... Жаноб мавлоно дедиларки:

-Амир Алишер ҳузурига борган эдик. Мирнинг одати шуки, ҳар куни мени чақириб, бугун шаҳарда бўлиб ўтган ажойибу ғаройиб ҳодисалардан нени кўрдингиз ва нима гаплар эшитдингиз, деб сўрайдилар. Мен жавоб бердим: “Бир кишини учратдим. Ўзи 16 ёки 17 ёшда. Номи ўқилмай туриб ҳар қандай мушкул муаммони топади. Толиби илмликда, ҳофизу шоирликда катта иқтидори бор”. Мир таажжуб билан “сен уни имтиҳон қилдингми?”- дедилар. Мен “бир мушкул муаммони номини айтмай ўқиган эдим, ечди”- дедим. Ҳазрати Мир менга “у кишини нега олиб келмадинг”,- деб эътироз билдирдилар. Мен ўз гапларимдан пушаймон бўлдим.

Алқисса, эрта билан мавлоно Соҳибдоро уйига етиб келдим. Мендан бошқа у кишининг ҳузурда яна уч толиби илм бор экан. Мавлоно Соҳибдоро менга:

- Вақтида келдинг. Бу уч ёшни ҳам Мирнинг ҳузурларида таъриф қилган эдим”,- дедилар.

Уларнинг бири муаммочи эди. Уни маҳоратда Мавлоно Хусайн Муаммоий Нишопурийга тенглаштирар эдилар...Иккинчиси қасидагўйликда шуҳрат топган эди... Учинчиси маснавийни жуда яхши айтар эди... Олий мажлисга кириб бордик. Мажлис аҳли ва ҳазрати

¹ Зайниддин Махмуд Восифий. Бадосъ ул-вақосъ. Танкидий матн, 501-506-бетлар.

Мир надимлари ҳозир экан. Жаноби Мир биз томон қарадилар. Фақирга ишора қилиб:

- Номини айтмай ўқилган муаммони еча оладиган ўртоқ шу кишими”, дедилар.

Мавлоно Соҳибдоро:

-Бали, маҳдум, шудир”,- деб жавоб берди.

Мавлоно Муҳаммад Бадахший суҳбатга аралашди:

- ”Маҳдум, худовандгоро, сизнинг муаммо ечишдаги маҳоратингиз олдида унинг муаммо еча олиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас!

Мир унга дедилар:

- Мен унинг муаммо ечишга иқтидорини кўздан билдим. Зеро, унинг фикрлари кўзларидан зоҳир бўлиб турибди”.

Кейин шу муаммони ўқидилар... Иттифоқо, мен бу муаммони ёд билар эдим. Ўйланиб қолдим: номини айтиб ўзимни гўлликка солиб, даврани ўтказиб юборсамми ёки тўғриси айтсамми? Оқибатда ростини айтишга қарор қилдим. Дедим:

-Маҳдум, мен бу муаммони ёд биламан.

Ҳазрати Мир бир оз бошларини эгиб турдилар-да, ёнидагиларга:

- Азизлар, биласизларми, бунинг сўзи не маънони билдиради. Ўз қудратини изҳор қилиб, бунисини биламан, бошқасини айтинг, демоқчи. Мир бошқа муаммо ўқимадилар. Анчагина лутфомиз сўзлар айтиб, сўнгида мавлоно Соҳибдорога: “Биз буни даъвосини қабул қилдик” дедилар.)

Зайниддин Восифий ўз асарида Навоий шахси нозикликлари ва фазилатларини очувчи турфа нақллардан иборат тўрт бўлимни унга бағишлаган. Булар қуйидагича:

XIV боб. Амир Алишернинг мижози назокати ва латофати ҳақида.

XV боб. Пурза боғида Амир Алишер ва Хожа Маждиддин мажлиси ҳамда фозилларнинг Абдулвосеъ Муншига қилган ҳазл-мутойибаси.

XVI боб. Амир Алишер таъбида нафсоний шахват ва руҳий лаззатга майлнинг чекланганлиги хусусида.

XVII боб. Мавлоно Биноий фазилатлари ва унинг улуғ амир билан рўй берган аскиялари.

Бундан ташқари, Султон Ҳусайн Мирзонинг курашчилари фазилатлари ва камолоти тўғрисидаги XIX бобда, хусусан Паҳлавон Муҳаммад Абу Саид воқеаларида Навоийнинг иштироки кенг тасвирланади. XIII бобда Восифийнинг юқорида келтирилган Навоий билан учрашуви тасвирланган. Жумладан, XIV бобда 2та, XV бобда 6 та, XVI бобда 3 та, XVII бобда 8 та ҳикоя келтирилади. Бошқа боблардаги баъзи воқеалар баёнида Навоийга алоқадор таърихлар, латифалар сўзланади

Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида берилган Навоий таржимаи ҳолига оид асосий маълумотлар мун-дарижаси:

1. Восифийнинг Соҳибдоро воситасида Алишер Навоий билан танишуви тафсилоти.

2. Амир Алишер мижози назокати ва латофатининг зикри (Навоийнинг Соҳибдородан хафа бўлиши тафсилоти).

3. Алишер Навоий ва Маждиддин Муҳаммад ярашуви.

4. Навоийнинг ўз муҳолифи Амир Жаҳонгир Барлосга қилган инояти

5. Мирҳожии Пири Баковулнинг амир Алишерга қилган муомаласи.

6. Алишер Навоий таъбида нафсоний шахват ва руҳий лаззатга майлнинг чеклангани хусусида.

7. Гиёсиддин Деҳдорнинг Амир Алишер мулозаматига кириш тафсилоти.

8. Ҳижрий 903 йили (1497-1498) Ҳирот шахрини босиб кетган ўғри, безори ва бевош етимларни жазолаш учун Султон Ҳусайн Бойқаро Амир Алишерга ваколат бериши.

9. Султоннинг Хожа Деҳдор суҳбатини эшитиш учун мажлис ҳозирлаши ва унда Амир

Алишернинг иштироки. Амирнинг маст бўлиб қолган Паҳлавон Муҳаммаднинг эҳтиётсиз содир этган хатти-ҳаракати туфайли жаҳли чиққан султондан узрхоҳлик қилиши.

10. Амир Алишер ва Соҳибдоро аскияси.

11. Камолиддин Беҳзоднинг Амир Алишер мажлисига табиат манзарасида Амир Алишернинг тасвири акс этган расм чизиб келиши ва унинг мажлис аҳли томонидан таъриф этилиши.

12. Амир Алишернинг шоирларга Котибийнинг “шутур хужра” қасидасига жавоб ёзишни буюриши ва Аҳмадийнинг жавоби билан боғлиқ мутойиба.

13. Мавлоно Ҳасаншоҳнинг рузғор қийинчиликлари оқибатида ўғлини мотам либосида Амир Алишер ёнига юбориб, “кафанлик ва жаноза харажати” олиб келишни буюриши ва шу билан боғлиқ мутойиба.

14. Амир Алишернинг Сеистон қозиси билан учрашуви ва қозизоданинг ҳозиржавоблиги ва фозиллиги.

15. Мир Алишер Жомеъ масжидини таъмирлаганда олимлар ва фозилларнинг таърих айтиши.

16. Навоий ва баъзи мухлислар ўртасида бўлиб ўтган гуфтигўйлар.

17. Мавлоно Соҳибдоронинг Навоий вафотида ёзган марсияси матни.

Фахрий Ҳиротий

Навоий шахсининг форсигўй халқлар орасида машхур бўлишида “Мажолис ун-нафоис”нинг Фахрий Ҳиротий томонидан уни форс тилига таржима қилиниши катта роль ўйнаганлиги шубҳасиздир. Бу таржима “Латоифнома” номи билан машхурлик тутиб, унинг тўққизинчи мажлиси махсус Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган. “Латоифнома муаллифи ҳақида жуда қисқа маълумотга эгамиз,”- деб ёзади бу таржима устида тадқиқот ишлари олиб борган таниқли адабиётшунос олим, профессор Р.Воҳидов, - “Фахрий бинни Султон Муҳаммад Амирий XV асрнинг иккинчи ярми, XVI асрнинг биринчи бўлагида Ҳиротда яшаб ижод этган”¹.

Фахрийнинг Навоий борасидаги маълумотлари бошқа манбалардан фарқ қилиши билан диққатга сазовордир: “Мухаббирони куҳансол ва жаҳондидагони саҳиҳмақол, ки аз ҳолоти Мир хабар доранд ба қалами дурарнисор бар саҳфаи баён чунин оранд, ки Мир маснади аморати маврусий дошт ва Амир Кичкина, ки падари Мир буд мулозими Султон Абу Саъид Мирзо буд, агарчи муҳру мансаб надошт, аммо хурмати тамом дошт ва жадди модари Мир - Шайх Абу Саъид Чанг амир ул-умаро дар хонаи Мирзо Бойқаро буд ва Мир дар даҳ солаги мулозамати Абулқосим Бобур Мирзо мекарда. (Ў) вайро фарзанд мегуфт. Мир бо Султони фархундаи замон дар мактаб мусоҳибу ҳамсабақ будаанд ва истиҳкоми аҳду вафо ва паймонаи дўсти дар он айём баҳам намуданд, ки хумои қудсии ҳавои саодат бар сари ҳар кадом жилва намояд, аз аҳволи як дигар ғофил нагарданд”².

(Мирнинг ҳолатларидан хабардор бўлган мўйсафид тарихчилар ва тўғри сўзли дунё кўрганлар ўз асарларида шундай келтирадилар: Мирга амирлик мансаби меросийдир. Унинг отаси Амир Кичкина Султон Абу Саъид Мирзо мулозими эди. Гарчи муҳру мансаби бўлмаса ҳам, катта ҳурматга эга эди. Она томонидан бобоси Шайх Абу Саъид Чанг Мирзо Бойқаро хонадонидида амир ул-умаро вазифасида эди. Амир Алишер ўн ёшлигиданоқ Бобур Мирзо хизматини қилар, (султон) уни фарзандидек кўрарди. Мир замон султони (Ҳусайн Бойқаро) билан мактабда ҳамсуҳбат ва ҳамсабоқ эди. Улар қачон бошларига бахт қуши

¹ Воҳидов Р. “Мажолис ун-нафоис”нинг таржималари.-Т.: Фан,1984,11-бет.

² Фахрий Ҳиротий. .Латоифнома, саҳ.133.

кўнса, бир-бирларини унутмасликка аҳду паймон боғлашган экан¹.)

Тазкиранавис Навоийнинг таржимаи ҳолини батафсилроқ ёритиш мақсадида унинг Самарқанддаги ҳаёти, яшаш тарзига ҳам эътиборни қаратади: "Ва дар маҳалле, ки Султони соҳибқирон офтобвор аз буржи сипехри салтанат бар сокинони арсаи хок тофта ливои гардуносои шаҳриёри бар афрохт ва жаҳонро аз луси зулму бидъат ба оби борони адлу эҳсон шуста сарсабзу хуррам сохт...амири машорунилайҳ дар Самарқанд дар мадрасаи Хожа Фазлуллоҳ Абу Лайсий ба таҳсили улум машғул буд ва ифлоси ў дар маротабае буд, ки зиёда бар он мумкин набуд. Ҳам аз забони амири машорунилайҳ нақл мекунанд ки, "Дар он авқот шабе маро ба об эҳтиёж шуд. Ва он шаб ҳаво дар ғояти сардий буд. Заруратан, ба ҳаммом мебоист рафт. Чун рафтам жуздоне доштам, ҳарчанд муболаға кардам, бигир! Бар нагирифт." Султони соҳибқирон ба Султон Аҳмад Мирзо жиҳати талбидани амири машорунилайҳ китобатҳо навишта. (Ба Самарқанд) кас фиристод. (Султон Аҳмад Мирзо) ўро ба яроғи куллий тартиб сохта ба хидмати Султони соҳибқирон равона кард. Ва амир мутаважжухи шаҳри Ҳирот шуд ва ба давлати мулозамат сарафроз шуд.

(Султон Соҳибқирон офтоб каби салтанат сипехрининг буржидан чиқиб ер юзига балқиб, ҳукумат байроғини кўтарганда ва жаҳон зулму бидъатини адлу эҳсон ёмғири билан ювиб сарсабзу хуррам этганда... мазкур амир Самарқандда Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий мадрасасида илм таҳсили билан банд эди. Бечоралиги шу даражада эдики, ундан ортиқини тасаввур этиш мумкин эмас эди. Унинг ўз тилидан келтирадилар: "Ўша пайтлар бир кеча чўмилишга эҳтиёж туғилди. Ҳаво ниҳоят совуқ эди ва ҳаммомга боришга зарурият пайдо бўлди. Бориб, ҳаммомчига жуздонимни ол деб қанча қистасам ҳам олмади. Султон Соҳибқирон Султон Аҳмад Мирзога мазкур амирни юборишни сўраб, мактублар ёзди, киши юборди. (Султон Аҳмад Мирзо) уни барча анжомлар билан жиҳозлаб, Султон Соҳибқирон хизматига юборди. Амир Ҳиротга юзланди ва мулозамат давлатига муяссар бўлди.)

Фахрий давом этади: "Аввал ба мансаби муҳрдори муфавваз гардид ва охир тарбияти ў ба жое расид, ки ихвони номдору фарзандони комкори султони соҳибқирон мулозамати ўро шарафи худ дониста ифтихор менамуданд ва бо вужуди чунин давлат, ки осори азамати он ҳануз намудор аст дарवेशиро муқаддам медонист ва дақиқае аз дақиқи тариқи аҳли сулук номаръий намегузошт. Чунончи, як бор ба ихтиёри худ даст аз муҳимоти дунявий боз кашид ва ба гўшаи кошонаи тақвоу тоат, ки сармоёи саодати азалий аст мутаважжух гардид. Чун умури салтанат вобаста ба рои оламорои ў буд, Султони соҳибқирон инони азимати ўро гирифта аз он водии таклиф мурожаат фармуд ва мулки Астрободно, ки пойтахти Мозандарон аст ба ў арзоний дошт ва Мир онжо рафта муддати як сол сокин буд, боз мурожаат намуд, чун хотираш мудом майл ба дарवेशи дошт баъд аз як сол ба мулозамати соҳибқирон омад ва нарафт. Ва саманди ҳиммат бар сари андишае, ки ҳамиша дошт, биронд ва чунон таважжух фармуд, ки султонро мажولي дар хост намонд. Сипоҳ ва асоси сипоҳдории худро ба султон супурд ва рўй ба тарбияти арбоби фазлу камол овард"².

(Аввал муҳрдорлик вазифасига мушарраф бўлди. Оқибат унинг (султон томонидан) тарбияти шундай даражага етдики, султонни номдор биродарлари, комкор фарзандлари

¹ В.В.Бартольд ёзади: "Близость Мир Али Шира к династии выразилась в том, что он был школьным товарищем Султана Хусейна, об этом говорит уже Бабур, хотя ранними источниками, по-видимому не подтверждается приведенное у Белена анекдотическое известие, будто мальчик с самого начала обещали друг-другу "de ne point s oublier si plus tard la fortune venait a sourir a l'un d'eux"- анекдот, по-видимому, столь же мало достоверный, как известный рассказ "полный анахронизмов" о школьных товарищах XI-XII вв (Мир Али Шир и политическая жизнь, с. 213). Аслида француз олими Белен бу маълумотни Фахрийдан олган. Фахрийдан олдин, яъни Навоий ҳаёт пайтида бундай тарзда маълумот бериш нокулай бўлганлиги учун ҳеч ким буни зикр этмаган. Шу жиҳатдан бу тазкира илк манба сифатида эътиборга лойиқдир.

² Фахрий Ҳиротий. .Латоифнома, 133.

унинг мулозаматини шараф деб билишиб, ифтихор қила бошлашди. Кўплиги ҳозиргача сезилиб турган шунча давлати бўлса ҳам дарвешликни афзал деб билди. Бир дақиқа ҳам сулук аҳлининг тариқати дақиқликларидан четлашмади. Чунончи, бир бор ўз ихтиёри билан дунё ишларидан қўл тортди ва тақову тоат гўшасига юзланди. Аммо салтанат ишлари унинг оломоро фикрига боғлиқ бўлгани учун соҳибқирон султон уни машаққат водийсидан қайтарди ва Мозандарон пойтахти бўлмиш Астробод мулкини унга тутқазди. Амир у ерда бир йил сокин бўлди ва яна қайтди. Унинг кўнгли ҳамиша дарвишликни ихтиёр этгани учун бир йилдан кейин соҳибқирон султон мулозаматига қайтди ва бошқа бормади. Ҳиммат самандини ҳамиша ўзида мавжуд бўлган хаёл-андиша устига ҳайдади ва султоннинг бошқа иложи қолмади. (У) ҳукумат ва ишларни султонга топширди ва юзини фазлу камол арбоблари тарбиясига бурди.)

Фахрий Навоийнинг мол-давлати ҳажми, кирим-чиқимлари билан қизиқиб, уларнинг барчаси хайр-саховат, илм-фан тараққиёти йўлида сарф бўлганлигини алоҳида таъкидлайди: “Ҳар рўз ҳафтоду панж ҳазор динор ба хизонаи Мир фуруд меомад ва понздаҳ ҳазор ба харж берун мерафт. Ва ҳар сола ҳазор даст сарупой ба масокин муқаррар кард ва сесаду ҳафтод буқъаи хайр сохт. Он миқдор бемислу нодир аз хаттоту хонандаву созандаву наққош ва музаҳҳиб ва мусаввир ва муҳарриру муаммой ва шоир, ки ба тарбияти ў нашву намо омада маълум нест, ки дар ҳеч замоне жилва карда бошад. Ў низ аз фунуни ин жамоат баҳраи тамом дошт.

(Ҳар куни 75000 динор амир хазинасига тушар эди ва 15000 чиқим бўлар эди...¹⁴¹². Яшовчиларга ҳар йили мингта сарпо тайинлади ва 370 хайрли иморат қурди... Бунчалик мислсиз ва нодир хаттотлару хонандалар, созандаю наққош, музаҳҳибу мусаввирлар, муаммойлару шоирлар унинг тарбияси остида нашъу намо топдиларким, ҳеч бир замонда бундай бўлганлиги маълум эмас. У ҳам бу жамоатнинг илмидан баҳраманд эди.)

Фахрий Алишер Навоий ижоди борасида тўхталар экан, уни Хусайн Бойқаро каби шеърят мулкининг подшоҳи деб атайди. У шоир асарларидан ўн тўрттасини санаб ўтади ва ғазалиётига ҳам назар ташлайди: “Хоса дар шоири пеши туркон хирадманди фозил муқаррар аст, ки то баёни назми туркий шиддати мисли ў, касе қадам дар он водий наниҳода. Хусрави он қаламрав ўст ва ўро қаринаи Абд ур-раҳман Жомий медонанд...Ва ғазалиёташ панж девон аст: Чаҳор туркий ва яке форсий. Девони аввали туркиро “Ғаройб ус-сиғар” ном ниҳода ва соний “Наводир уш-шабоб” ва солисро “Бадоеъ ул-васат” ва робеъро “Фавойд ул-кибар”. Девони форсий шаш ҳазор байт аст. Чун аз турку тожик ҳеч кас нест, ки аз абёти онжаноб саҳфаи хотираш мунаққаш набошад. Дар ин авроқ чанд байте сабт кардан муносиб надид ва дар ихтимом кушид “

(Хусусан, шоирликда, турклар ўртасида фозил донишманд сифатида шундай муқаррар бўлдики туркий назм баёнида ҳеч ким у каби шиддат билан бу водийда қадам ташламаган, у шул мулкнинг подшоҳидир. Уни Абдураҳмон Жомийнинг яқини деб биладилар. ғазалиёти беш девондир: Тўрттаси туркий ва бири форсий. Биринчи туркий девон “Ғаройиб ус-сиғар” номланган, иккинчиси “Наводир уш-шабоб”, учинчиси “Бадоеъ ул-васат”, тўртинчиси “Фавойид ул-кибар”. Форсий девони олти минг байтдир. Турку тожикка мансуб бирор киши йўқки, ул жанобнинг байтларидан хотир саҳифасига нақшламаган бўлса, шунинг учун бу варақларда бир неча байт келтирмоқ муносиб кўрилмади.)

Фахрий Навоий вафоти тафсилотини қуйидагича ёзиб қолдирган: “Дар маҳалле, ки Султони соҳибқирон аз сафари Астробод ва мухосамати Муҳаммад Хусайн Мирзо боз гашта

² Е.Э.Бертелъс Фахрий Ҳиротий маълумотини вақф этилган ерлардан тушадиган даромадлар сифатида кўрсатган (Навои и Джами, 108). Бизнинг текширишларимиз бу рақамлар Навоийнинг Астрободда ҳокимлиги даврига тааллуқлигини кўрсатмоқда.

ба манзили Хожа Порсо дар ёздаҳ фарсахи балдаи Ҳирот расида буд, амири машорунилайҳ ба истиқбол рафта мулҳақ гашта буд. Дар (ҳамон) соат мариз шуда, дар таърихи нуҳсаду шаш аз ҳижрат рӯзи панҷшанба аз шаҳри жумод ул-аввал вафоташ воқеъ шуд. Ва шуарои фасоҳатшиор марсия ва таърихи бисъёр гуфтанд, аммо Мавлоно Соҳиб марсияе гуфт чиҳилу панҷ байт, ки ҳар байт аз он як мисра таърихи валодат ва яке таърихи фавт. Ва ин ду байт аз он қасидаист:

*Эй фалак! Бедоду бераҳми, бадин сон кардаи!
В-эй ажал! Мулки жаҳонро боз вайрон кардаи!
Бар жаҳонбонон чи мегӯи маро набуд ҳасад,
Аз ҳасад боре жаҳонро бе жаҳонбон кардаи!*

Хожа Осафий низ бадин тариқ марсия гуфт. Ин байт аз онжост:

*Ҳайф аз он андомҳои ҳамчу гул дар зери гул
Бо гуландомон аз ин савдо фаровон кардаи*

Сайид Хондамир, ки хоҳарзодаи Мирхонди муаррих аст, ин қитъаро гуфт:

*Жаноби амири ҳидоятпаноҳ-
ки, зоҳир аз ӯ гашт осори раҳмат.
Шуд аз хорзори жаҳон сӯи боғе-
Ки, онҷо шугуфт гулзори раҳмат.
Чу нозил шуд анвори раҳмат барӯҳаш,
Бижӯ соли фавташ зи “анвори раҳмат”*

(Соҳибқирон султон Астробод сафаридан ва Муҳаммад Ҳусайн Мирзо юришидан қайтаётган маҳалда Ҳирот шаҳридан ӯн бир фарсаҳ берироқда жойлашган Хўжа Порсо манзилига етганда мазкур амир кутиб олишга чиқиб унга қўшилган эди ва ӯша соатда бемор бўлиб 906 ҳижрий йили жумод ул-аввал ойининг пайшанба куни вафот этди. Шоирлар таърих ва кўп марсиялар айтишган. Мавлоно Соҳиб 45 байтдан иборат марсия айтганким, ҳар байтнинг бир мисраси туғилган йили ва иккинчиси вафоти санасини билдиради. Ушбу икки байт ӯшал қасидадандир:

*Эй фалак, бунча бераҳмсанки, бундай қилибсан!
Эй ажал, жаҳон мулкани яна вайрон қилибсан!
Жаҳонни ушлаб турганларга нима дейсан, ахир унга ҳасад қилмагандимку!
Ўзинг ҳасад қилиб жаҳонни унинг қўриқчисидан маҳрум қилибсан!*

Хожа Осафий ҳам шу тариқа марсия айтган. Бу байт ӯшандан:

*Гул каби бўлган ул андомларга ҳайф,
Гуландомларга бу савдони кўпайтириб қўйибсан!*

Тарихчи Мирхонднинг сингилзодаси бўлмиш Саид Хондамир ушбу қитъани айтган:

*Тўғри йўлга бошлагувчи жаноби амир, ким
Унда Раҳмат асари бор эди.
Бу жаҳон тиканзоридан боғ томонга кетди, ким*

*У ерда раҳмат гулзорида очилди.
Унинг руҳига Раҳмат нурлари ёғилганда
Вафоти йилини “Раҳмат нурлари”дан қидир!)*

Фахрий Навоий ўлими кунини нотўғри кўрсатган. Бу хатолик хаттотларнинг айби билан содир этилган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Маълумки, Навоий Хондамирнинг аниқ кўрсатишича, жумод ул-охир ойининг ўн иккинчисида, якшанба куни вафот этган. Шунга қарамасдан, Фахрий маълумотларининг анча афзаллик томонлари мавжудлигини кўрамиз. Чунончи, у Хондамирдан сўнг иккинчи бўлиб Навоий асарларининг анча тўлиқ рўйхатини келтиради, яъни Хондамир “Хамса” таркибидаги асарлар билан таништирмаган бўлса, Фахрий уларни ном-баном санаб ўтади. Бироқ у “Хамса”нинг тўртинчи достони сифатида “Садди Искандарий”ни кўрсатиб, “Лисон ут-тайр”даги энг катта ҳикоя - достон “Шайх Санъон” қиссасини алоҳида достон сифатида белгилаб ўтади. У Навоийнинг бобоси ҳақида биринчи маълумот берган ва отасининг Абу Саъид хизматида бўлганлигини ёзиб қолдирган илк олимдир. Мазкур маълумотлар навоийшуносликда айтиб келинган баъзи тахминларнинг асосли эмаслигини кўрсатади¹.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Навоий асарларининг рўйхатини келтириш билан бирга, унинг ижодига муносабат билдирган кейинги шахс Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. У ёзади: “...Алишербек Навоий эди. Беги эмас эди, балки мусоҳиби эди. Кичикликда ҳаммактаб экандурлар. Хусусият бисёр экандур. Билмон, не жарима била Султон Абу Саъид Мирзо Ҳиридин ихрож қилди. Самарқандга борди, неча йилким Самарқандда эди, Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввийси эрди. Алишербекнинг мизожи нозук била машҳурдур. Эл назокатини давлатининг ғуруридин тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандда эрканда ҳам ушмундоқ нозукмизож экандур.

Заҳириддин Бобурнинг Навоий ижоди ҳақидаги маълумотлари ҳам биз ўрганаётган давр манбалари ичида мазмун-моҳияти билан фарқли бўлмаса-да, ўзининг танқидий ва ноўхшаш қараши билан кескин ажралиб туради: “... Алишербек назари йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтур, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эрмас. Олти маснавий китоб назм қилиб-тур, беши “Хамса” жавобида, яна бир “Мантиқут-тайр” вазнида “Лисон ут-тайр” отлиғ. Тўрт ғазалиёт девони тартиб қилибтур: “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадоеъ ул-васат”, “Фавоид ул-кибар” отлиғ. Яхши рубоиёти ҳам бор. Яна баъзи мусаннифоти борким, бу мазкур бўлғонларга бока пастроқ ва сустроқ воқеъ бўлбдур. Ул жумладин, иншоларини Мавлоно Абдурахмон Жомийга тақлид қилиб жам қилибдур. Ҳосили калом, ҳар кимга ҳар иш учун ҳар хатким, битибдур, йиғиштирибдур²414. Ёки “... Яна “Мезон ул-авзон” отлиғ аруз битибдур, бисёр мадхулдир. Йигирма тўрт рубоий вазнида тўрт вазн ғалат қилибтур. Баъзи бухурнинг авзониди ҳам янгилаибтур, арузга мутаваж-жуҳ бўлғон кишига маълум бўлғусидир. Форсий девон ҳам тартиб қилибтур. Форсий назмда “Фоний” тахаллус қилибтур, баъзи абёти ёмон эмастур, вале аксар сушт ва фурудтур...”³.

Таъкидлаш зарур кўринадики, Бобурнинг Навоий ижоди ҳақидаги танқидий қарашлари XX аср адабиётшуносларининг ушбу масалага бағишланган тадқиқотларида тасдиқланмади. Агар чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, Навоийнинг форсча ғазаллари

¹ С.Айний Навоийнинг отаси 1452 йилда Сабзаворга ҳоким бўлиб боради. Аммо тезда вафот этиб, ўн икки яшар Алишер етим қолади деб келтиради. Қаранг: Навой. Куллиёт, сах.271.

² Бобурнома, 154-бет.

³ Ўша ерда.

Абдурахмон Жомийнинг назаридан ўтган бўлиб, унинг маслаҳатлари шоирнинг маҳорат касб этишида катта роль ўйнаган: "... Яна форсий ғазалиёт девони Хожа Ҳофиз тавридаким, жамъи сухан адолат ва назмпийролар назарида мустаҳсан ва матбуъдур, тартиб берибменким, олти мингдин абёти адади кўпракдурким, кўпрак ул ҳазрат шеърига татаббуъ воқеъ бўлибтур. Ва баъзи ҳазрати Шайх Муслиҳиддин СаъдийҒаким, ғазал таври мухтарийдур. Ва баъзи Мир ХусравҒаким, ишқ оташкадасининг шуълаангизидур ва дард ғарибхонасининг ашкреси. Ва баъзи ҳазрати Махдуми НуранҒаким, (Жомийга - Ш.С.) камол авжининг меҳри ломийдур ва мазкур бўлғон азизлар ҳолотининг жомии; бу девон халойиқ орасида шоеъдур ва рўзғор аҳлининг таъблари ул сари рожеъ ва анда кўп турлуқ дилкаш адолар ва дилпазир маънолар воқеъдурким, тафсили бу фақирдин муносиб эмас... кўпи Ҳазрати Махдуми Нуран муборак назарига етибдур ва ул Ҳазратнинг ислоҳ ва таҳсини шарафини касб этибдурким, хотамдин рўзгор саҳифасига ёзилибдур ва қаламим лайлу наҳор авроқида нақш қилибдур"¹.

Тоҷик олими А.Мирзоев "Девони Фоний"ни ўрганиш натижасида шундай фикрга келади: "Алишер Навоийнинг форсий шеъриятида ҳам устозлиги ва юксак маҳорат кўр-сатганлигини унинг жавобия ёки мустақил ғазалларининг ҳар бирида, маълум даражада аниқ кўриш мумкин. Алишер Навоий асарларининг шу қисми мутолаасидан шундай тасаввур туғиладики, ўзбек адабиётининг асосчиси ўзининг форс-ий шеърияти тарихидаги ўрнини, ҳақиқатдан ҳам, жуда яхши белгиланган. Шу тариқа Алишер Навоий фақат адабиётнинг буюк бир намояндаси-адабиёт ва санъат аҳлининг ҳомийси ҳамда XV асрнинг иккинчи ярмидаги Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон халқларининг илм-адабиёт ва санъат тараққиётига қудратли асосчи бўлибгина қолмасдан, балки Абдурахмон Жомийдан кейин XV аср форс-ий ғазалчилигининг энг буюк вакилларида бири сифатида бизнинг адабиётимиз тарихидан ҳам муносиб ўрин олади"². "Фикримизча,"-деб ёзади таниқли адабиётшунос олим С. Ҳасанов, - "Бобур "Мезон ул-авзон"нинг хаттот томонидан янглиш кўчирилган нусхасидан фойдаланган бўлиши керак, кейинчалик эса, мазкур рубоий вазнларида нуқсонлар йўқлигини аниқлагач, бу ҳақда гапирмайди"³.

Шу даврда Ҳақимшоҳ Қазвиний томонидан форсчага ўгирилган Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" асарида ҳам таржимоннинг улуғ шоир ҳақидаги маълумотлари мавжуд⁴. Ҳақимшоҳ Қазвиний "Мажолис ун-нафоис" таржимасида Навоийнинг Биноий ҳақидаги сўзларини келтиргандан сўнг Навоий-Биноий муносабатларига тўхталади ва "айтишларича, Мир Алишер Мавлоно Биноий аскияларидан жуда безор бўлган ҳамда уларнинг кўплигидан шоирга нисбатан адоват пайдо қилган" деб Биноий аскияларидан мисол келтиради.

Мирзо Ҳайдар Дўғлот

Алишер Навоий ҳақида маълумот қолдирган тарихий асарлардан яна бири Мирзо Ҳайдар Дўғлотнинг "Тарихи Рашидий" асаридир. Гарчи у XVI аср тарихига оид қимматли материалларга бой, Шарқий Туркистон (Қашқар), Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Афғонистон ва Ҳиндистон каби ўлкалар тарихига бағишланган бўлса-да, Алишер Навоий ҳақида

² Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн: Асарлар, 15 томлик, 125-бет

³ Мирзоев А. Сездэх мақола.-Душанбе: Ирфон, 1977, саҳ,62

⁴ Ҳасанов С. Бобирнинг "Аруз рисоласи" асари. - Тошкент: Фан, 1981, 70-бет.

⁵ Ҳақимшоҳ Қазвиний. Таржума-йи "Мажолис ун-нафоис"и Алишер Навоий, Техрон, 1323 х. Р.Воҳидов ёзади: "Мажолис ун-нафоис"нинг саккизинчи беҳиштида Алишер Навоий ҳақида бир мунча кенгрок мулоҳаза юритилади. Бироқ Муҳаммад Ҳақимшоҳ Қазвиний маълумотлари янги эмас. У Абдурахмон Жомий "Баҳористон"идаги фактларни, аниқроғи, ўша маълумотларни такрорлаш билан чекланади. "Мажолис ун-нафоис"даги маълумотларнинг "Баҳористон"дан тафовути фақатгина Соҳиб Доронинг Алишер Навоий вафоти кунида ёзган марсиясидан бир байтнинг келтирилишидадир холос. (Воҳидов Р."Мажолис ун-нафоис"нинг таржималари, 62-б.)

келтирилган маълумотлар тазкира характерида бўлгани учун шу ерда кўриб чиқиш маъқул кўрилди. Асар муаллифи 905 (1499-1500) ҳижрий йилида Тошкентда туғилган бўлиб, она томондан Заҳириддин Муҳаммад Бобурга қариндош эди. Отасини шайбонийлар ўлдирганидан сўнг Бобур ҳузурига паноҳ излаб боради. Бобур шундай ёзади: Хусайн Кўрагоннинг ўғли Ҳайдар Мирзо эди. Отасини ўзбак ўлтурғондин сўнг келиб менинг мулозаматимда 3-4 йил туриб, сўнггра ижозат тилаб, Кошғарга хон қошига борди¹420. Мирзо Ҳайдар умрининг асосий қисмини Кошғарда ўтказган. Сўнг шаҳзода билан мураса қила олмай, 1541 йили юртидан бош олиб, қариндоши Ҳумоюн Мирзонинг ёнига кетади. 1551 йили Кашмирда вафот этган. Бу асар икки дафтардан (жилддан) иборат. Биринчи дафтари ҳ. 948 (1541-1542) йил тугатилган ва муаллифнинг мемуар характеридаги лавҳаларидан иборат бўлиб, XVI аср тарихини ўрганишда катта аҳамияти бордир. Иккинчи дафтари эса 951 (1544-1545) йилда ёзилган ва унда, асосан, Мўғулистон хонлари тарихи ёритилади. Асарда Алишер Навоий ҳақида шундай келтирилади:

“Асли вай аз бахшиёни уйғур аст. Падари ўро Кичкина мегуфтанд. Марде буд ала ар-расм. Мир Алишер ба Мирзо Султон Хусайн дар хурди ошноий доштааст. Чун Мирзо подшоҳ шуд, ба мулозамати Мирзо пайваст ва Мирзо ўро риояти беҳад карда ва ў аҳли фазлро. Чунонки, ин ҳама фузалову беназирон, ки дар он замон, ки дар тавойифи халойиқ пайдо шуд, аксар ба саъи ў будааст. Дар замони аморат ихтимом намуд ба мулку асбоб сомон кард. Чунонки, ҳар рўза ҳосили амлоки ў ҳаждаҳ ҳазор шохруҳй буд. Асбоби аморати худро, аз хадаму ҳашам ва зарробхона ва истабил маъ жамиъи бисототи подшоҳонаро ба Мир Бобо Али, ки аз саромади сипоҳиёни он аср буд, супурд. Ва тарки сипоҳигари кард ва ба Мирзо дар қатори акобиру мусоҳибон мулозамат мекард. Ин ҳама ҳосили амлоки худро ба хайрот барои охират сарф намуд. Буқову масожди иморот бисъёр кард, ки ин замон низ дар Хуросон бисъёр боқий мондааст. Ҳолибан, кам касеро он миқдор иморат кардан муяссар шуда бошад. Ҳеч кас аз аҳли фазл нест, ки ў мин-важҳи мураббий набошад. Ва ў марде буд, дар ғояти зарофату андом ва ҳама касро мехост, ки ҳамон ранг бошанд ва ин бар халойиқ душвор меомад ва аз ин жиҳат ранжишҳо мешуд. Ва ба Мир Алишер ғайр аз ин нозукий ва зуд ранжидан айби дигар намеёбанд².

(Унинг асли уйғур бахшиларидандир. Отасини Кичкина дер эдилар. Оддий киши эди. Мир Алишер Мирзо Хусайн билан кичикликда ошно бўлган экан. Мирзо подшоҳ бўлганда унинг хизматига келди. Мирзо унга кўп эътибор қилди. У эса, ўз навбатида фазл аҳлига (эътиборини қаратди). Чунонки, ўша замондаги турли тоифадан чиққан фозилу беназирларнинг барчаси унинг ҳаракати натижасида (етишиб) чиқди... Амирлик пайтида мулк йиғишда ҳаракат кўрсатди. Унинг бир кунлик даромади 18 минг шохруҳий эди. Амирлик ишларини, отхона ва зарбхона ва бошқа давлат уйларини идора қилишни ўз даврининг йирик лашкар-бошларидан бўлган Бобо Алига топширди ва сипоҳийликни тарк этди. Мирзо Бойқарога улуғлар ва суҳбатдошлар қаторида хизмат қилар эди. Қўлидан келгунча кишиларнинг ҳожатини чиқарар, фазл аҳлига ҳомийлик қиларди. Ўз даромадининг барчасини охират учун хайру савоб ишларга сарфлади. Кўплаб иморату уйлару масжидлар қурганким, ҳозир ҳам Хуросонда кўплари сақлангандир. Ғолибо, бунчалик иморат қуриш камдан-кам кишиларга муяссар бўлур. Бирорта ҳам фозил йўқки, уни ўз мураббийи деб ҳисобламаса. У жуда маданиятли, ўткир фаҳмли одам эди ва ҳаммани ўзидек тутишини хоҳларди. Бу эса кўпчиликка қийинчилик туғдириб, ўртада ҳар хил хафачиликларга сабаб бўларди. Мир Алишерда нозиклик ва тез хафа бўлишдан ўзга айб топмайдилар.)

¹ Бобурнома, 13-бет.

² Мирзо Ҳайдар Дўғлот. Тарихи Рашидий. ЎзФАШИ, № 1430, 121^б-вар.

Сом Мирзо Сафавий

XV асрнинг II ярмидан XVI асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврда яратилиб Навоий ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги илк маълумотларни ўз ичига қамраган манбаларнинг энг охиргиси Сом Мирзо Сафавийнинг “Тухфаи Сомий” асаридир. Унда шундай келтирилади: “Он Амир Алишер, ки мулаққаб ба соҳиб ул-хайрот, ал-муқарраб ба ҳазрати султон. Вай халафи сиддиқи Кичкина Баҳодур аст, ки дар айёми салотини чиғатой, ба тахсис, дар замони Султон Абу Саъид аз мутааййинони даргоҳи он подшоҳ буда ва жадди модараш Мир Саъид Бек дар силки азими умарои Бойқаро Мирзо-жадди Султон Ҳусайн Мирзо мунтазам гашта. Дар айёми субҳӣ бо подшоҳи мазкур дар як мактаб хонда”¹.

(...Амир Алишерким, хайриялар соҳиби, ҳазрат султоннинг яқин кишисидир, Кичкина Баҳодирнинг фарзандидир. Отаси чиғатой султонлари, хусусан Султон Абу Саъид замонида ул подшоҳнинг даргоҳ ичкиларидан эди ва она томонидан бобоси Мир Саъид Бек Султон Ҳусайн Бойқаронинг бобоси Бойқаро Мирзо умаролари қаторида хизмат этарди. (Алишер) умр тонги палласида ушбу подшоҳ (Султон Ҳусайн) билан бир мактабда ўқиган).

Сом Мирзо Алишер ёшлик айёмини Бобур Мирзо хизматида ўтказганлиги ва қобилияти жиҳатидан подшоҳга ёқиб, унинг унинг тутинган фарзанди сифатида танилгани ҳақида гапиради. Подшоҳнинг ўлимидан сўнг Машҳадга кетиб таҳсил билан машғул бўлганлигини таъкидлаб ўтади. Ҳиротда юз берган тўс-тўполонлар оқибатида Мовароуннаҳр томонга-Самарқандга боргани, Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий мадрасасида фазл қодалари такомилли билан шуғулланганлигини айтиб ўтади. Кейинги воқеаларнинг умумий мазмуни қуйидагича: “Султон Ҳусайн тахтга ўтиргач, Самарқанд подшоҳига чопар орқали мактуб юбориб, Алишерни жўнатишни сўрайди. Подшоҳ Алишерни шоҳона анжомлар билан сийлаб Хуросонга кузатади. Султон Ҳусайн саройида Алишер муҳрдорлик, кейинроқ девон амирлари бошлиғи сифатида фармонлар орқасига муҳр урди, сал ўтиб барча ишларидан истеъфо берди. Кейинчалик Астробод волийси бўлиб, бир қанча вақт у ерда қадр топади.”

Сом Мирзо Алишер Навоийнинг Астрободдан келганидан сўнг яна давлат ишларини тарк этганлигини айтиб, бу ҳол халқнинг унга бўлган эъзоз ва эҳтиромини янада кучайишига олиб келганини, шахзодаларнинг аксарияти унинг хизматига яқинлашиб, мулозимат қилишганини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Сом Мирзо ўз тазкирасида Навоий ижодига ҳам кенг тўхталган: “Ва дар шеъри туркий мутлақо таҳаллуси эшон Навоий аст ва дар девони форсий, ки қариб ба шаш ҳазор байт бошад, таҳаллусаш Фоний. Дигар дар риояти аҳли фазл кўшида, ба ҳамин тарбияташ ҳар як аз онҳо дар фан нодираи аср гаштанд. Мусаннифоти ғарро ба номи он амири тавфиқосор навиштанд”².

(Туркий шеърда таҳаллуси мутлақо Навоий бўлиб, қарийб олти минг байтдан иборат форсий девонида таҳаллуси Фонийдир. Фазл аҳлини тарбия қилди ва уларнинг ҳар бири ўз фанида аср яғонаси бўлдилар. Ажойиб асарларини ул амир номига атадилар.)

Сом Мирзо шоирнинг Сабъаи сайёр”дан бошқа деярли барча асарларини санаб кўрсатган. Фақат “Лисон ут-тайр” “Қиссаи шайх Санъон” тарзида берилган. Сом Мирзо амир томонидан уч юз етмиш хайрия биносини таъмир этганлиги, шундан тўқсонтаси работ, қолганлари масжид, мадраса, хонақоҳлар ва кўприклардан иборат бўлган деб кўрсатиб ўтадию бироқ, уларнинг номлари устида тўхталмайди. Тазкирада шоирнинг вафоти тўққиз юзу олтинчи йил жумадил-аввал ойининг якшанба кунида содир бўлганлиги қайд

¹ Сом Мирзо. Тухфаи Сомий, 167^а-вар.

³ Ўша асар, 169^а-вар.

этилиб, Соҳибдоронинг шоир вафотига ёзган марсиясидан уч байт келтирилади¹424. Муаллиф фикра сўнгида шоир асарларидан, хусусан, форсий девонидан уч байт, “Дарёи аброр” қасидасига татаббуъсининг Матлаъсини ва Жомий Ҳижоз сафаридан қайта-ётганда шоирнинг унга юборган рубойсини келтиради. Туркийдаги шеърларидан эса машҳур бўлганлигидан биргина туркий муаммони келтириш билан чекланади. Сом Мирзо Камолиддин Биноий фикрасида ҳам Амир Алишер билан боғлиқ воқеаларни қайд этади.

¹ Ўша асар, 170^а-вар.

АЛИШЕР НАВОИЙ ЎЗИ ҲАҚИДА.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ҳақида сўзловчи энг нодир манба - бу, аввало, шоирнинг ўз асарларидир. Албатта, у ўз таржимаи ҳолини махсус ёзиб қолдирмаган бўлса-да, унинг девонлари, дostonлари дебoчаларида ва, шунингдек, илмий-адабий асарларидаги баъзи воқеалар баёнида шоир ҳаётининг қайсидир лаҳзаларини акс эттирувчи маълумотлар учрайди. Навоий таржимаи ҳолига тааллуқли аниқ маълумотлар “Мажолис ун-нафоис”, адибнинг асосан, “Ҳамсат ул-мутахаййирин”, “Вақфия”, “Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарларида учрайди. Уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Ёшлик даври.
2. Мураббийлари.
3. Тутинган фарзандлари.
4. Суҳбатдошлари.
5. Навоий ва Жомий ҳамкорлиги.
6. Навоий ва сарой.

1. Алишер Навоийнинг ёшлик даври ҳақида келтирган маълумотларини ёш нуқтайи назардан изчил тартибда мувофиқлаштирсак болалик тасвирларидан энг олди сифатида катталар ҳузурида Қосим Анвор шеърини ўқиб бергани ва бу пайтда 3-4 ёшларда бўлганлиги ҳақидаги қайдларига эгамиз. Мазкур маълумотда келтирилган ғазал шоирнинг умрида энг биринчи ёд олган ғазали Матлаъси ҳақидаги эътирофи билан янада аҳамиятлидир. У ёзади:

*Риндему ошиқему жаҳонсўзу жомачок,
Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок.*

Бу фақир аввал назмеким, ўрганибмен, бу Матлаъдур. Ҳамоно уч ёш била тўрт ёшнинг орасида эрдим, азизлар ўкумоқ таклифи қилиб, баъзи ҳайрат изҳор қилурлар эди... Ва ул ҳазратнинг (Амир Қосим Анвор-Ш.С.) муборак марқади Жом вилоятида Харжурд қасабасидадур. Ва фақир ул остона жорубкашларидинмен...

Кейингиси, Шоҳрух Мирзо вафотидан сўнг Алишерлар оиласининг Ироққа (ҳозирги Эрон) кўчиши ва Тафт қишлоғида Шарафиддин Али Яздий билан учрашуви билан боғлиқ тафсилотлардир. Бу пайтда Навоий эътирофича, у олти ёшда бўлган: **“Шоҳрух султон бузуғиғида фақирнинг волиди жамоати касир била рўзгор ҳаводиси фитнасиндин Хуросондин қочиб, Ироққа борурда Тафтғким, Мавлононинг мувалладидур, ярим кеча етиб тушдилар. Иттифоқо, манзил аларнинг ҳонақоҳи эшикида воқеъ эрди, тонг отқонда, андоқким, ўюни атфол даъби бўлур, ул жамоатнинг атфоли ул хонақоҳга ўйнағали кирдилар ва фақир ҳам алар била эрдим, тахминан олти ёшимда бўлғай эрдим, ва Мавлоно бир раҳбада ўлтуруб эрмишлар, тушган жамоатнинг кайфиятин маълум қилмоқ учун атфолдин бирини тиладилар. Фақир алар сори борурға муваффақ бўлдум. Ҳар неким, сўрдилар жавоб айтдим. Табассум қилиб таҳсин қилдилар; дағи сўрдиларким, мактабға борурмисен? Дедимки, борибмен. Дедиларким: не ергача ўқибсен? Дедимки, “таборак” сурасиғача. Дедиларким: бу жамоат атфолидин биз тилаганда сен келиб биз била ошно бўлдунг, сенинг учун фотиҳа ўқули, деб ўз фотиҳалариға мушарраф қилдилар. Ҳамул замон фақирнинг волиди ва ул хайл улуғлари келиб, Мавлоно хизматида анвои ниёзмандлиғлар қилғондин сўнгра, фақирға андоқ шуур ҳосил бўлди ангаким, “не киши эркандурлар?”...¹**

¹ Мажолис, 31-бет.

Шундан бошқа ёш саналари кўрсатилган маълумотлар деярли йўқ. Фақатгина Паҳлавон Муҳаммадҳақида ёзган “Ҳолот” идауларнинг дўстлигига қирқ йилга яқин вақт бўлганлигини айтиб ўтган: Қирқ йилга яқин бу фақир била мусоҳиби жоний ва маҳрами рози ниҳоний эрди. Фалокат айёмидин зоҳир юзидин таайюн ва иститоат замониғача кўпрак авқот била экандур. Биз иковдин-иков ҳар кўйда югурган, ўзни ҳар аҳли дил шарафи мулозаматига етурган. Анинг рифқу мувофақатин не тил билан тақрир кила олғаймен ва не қалам таҳрири била баён қила олғаймен. Мундин ўтмаски, қирқ йил бир менингдек худрой ва бесарупой ошуфтаосори паришон рўзгор киши била мусоҳиблик қилғайки, хотирга келмаски, андин хотирға ғуборе ўлтирмиш бўлғай ва кўнгулға етмаски, ҳаргиз андин кўнгулға озоре етмиш бўлғай, балки андоқ нисбат қилмиш бўлғайким, кундин-кунга муҳаббат риштаси маҳкамроқ ва маваддат қоида ва тариқи муаккад ва мустаҳкамроқ бўлмиш бўлғай ва ҳол улким, етмиш икки фирқа била маоши ушбу наҳаж била воқеъ эрдиким, ҳар киши анинг мулояматин ўз ҳолиға мулоҳаза қилса эрди-хаёлиға бу келур эрдиким, андин махсусрок ва мулойимроқ ёри ва мусоҳиби йўқ эрди эркан¹.

“Мажолис”даги баъзи маълумотлар унинг Сабзавордаги ҳаётини озгина бўлса ҳам ёритиши мумкин. Масалан, ўша юқорида мазкур бўлган Мир Шоҳий фикрасида Навоий уни ҳаёт пайти кўрмаган бўлса ҳам хат ёзишганлигини қайд этган:

Мир Шоҳий-...Сабзаворлиғдур. Асли сарбадорлардин бўлур. Бойсунғур Мирзо мулозаматида бўлур эди. Оти Мир Оқмаликдур...Фақир агарчи они кўрмадим, аммо анинг била фақирни орасида эълону ирсол воқеъ бўлди. Мулк подшоҳи отамни ҳукумат расми бирла Сабзаворға юбориб эрди ва Мир Шоҳийни Астробод ҳокими тилаб, Журжон мамоликига элтиб эрди. Астрободда анга қазо етиб наъшин Сабзаворға келтурдилар...².

Ушбу маълумотдан дафн этиш маросимида Алишер қатнашган деган фикр туғилади. Шундан кўринадики, Алишер ёшлигидаёқ илм-фан, санъат пешволари билан яқиндан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилган.

2. У сабзаворлик таниқли аруз билимдони Мавлоно Яхё Себак ҳақида гапирар экан, ўзини унинг шогирди Дарвеш Мансурдан арузни ўрганганлиги билан шогирд санашини фахр билан кўрсатиб ўтади³. Алишер Навоий “Мажолис”да ва бошқа асарларида ҳам кўп устозларини санаб ўтган. Бироқ улар қошида қачон ва қанча вақт таҳсил олгани ҳақида санавий маълумот келтирмаган. Хожа Юсуф Бурҳондан мусиқа бўйича таълим олгани “Мажолис”дан маълум бўлса ҳам биз Навоийнинг бу фанни қачон эгаллагани ҳақида тайинли фикр айта олмаймиз⁴. Бу эса Навоийнинг илм ўрганиш эволюциясини ўрганишда маълум қийинчилик туғдиради. Бу соҳада Самарқанддаги ҳаёти ҳам яхши ёритилмаган Фақат Самарқандда Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий ҳузурида икки йил таълим олганлигини айтган, холос⁵. Навоий Самарқандда Улои Шоший, Мавлоно Юсуфлар билан танишиш тафсилотларини мукамал тасвирлаган: “Мавлоно Улои Шоший - донишманд киши эрди. Хуштаъбликға барча халойиқ уни мусаллам тутар эрдилар. Муаммода Самарқанд аҳли ани Мавлоно Шарафиддин Яздий муқобаласида мазкур қилурлар эрди. Фақир Самарқандга борғонда, аёғи синиб соҳибфирош эрди. Иёдатиға бордим, қошида ўлтуруб, бу муаммоким, андин “Уло” ҳосил бўлур битиб анча тутабердим:

*Дур бод аз ту дарду захмати по,
Душманатро бало насибу ано.*

¹ Мажолис, 97-бет.

² Мажолис, 29-бет.

³ Мажолис, 16-бет.

⁴ Мажолис, 50-бет.

⁵ Мажолис, 32-бет.

Қошидин чиққонда фақирнинг ҳолатин сўруб, ким эрконишни маълум қилғондан сўнгра бу муаммониким, фақирнинг оти андин ҳосил бўлур, айтиб битиб, бир шогирдиндин висоқимға юбориб эрди, муаммо будурким:

*Чашми ту маро диду манаш нек надидам,
Чун сер бубинам зи ту, ин аст умедам¹.*

Мавлоно Юсуф - “Бадеий” тахаллус қилур эрди. Ул ҳам Андижондиндур. Мавлоно Сафойи била бўлур эди. Фақир таҳсил учун Самарқандға борғонда, ул Андижондин келди ва анда фақир била бўлур эрди. Сиғари син жиҳатидин шеърида хомлик бўлса, фақир ислоҳ қилур эрдим²432. Мазкур маълумотлар аниқ Самарқандда рўй бергани Навоийнинг ўзи томонидан ёзиб қўйилган. Яна баъзи мисоллар борки, махсус айтилмаган бўлса-да, улар ҳам Самарқандда юз берган бўлиши керак. Масалан Навоий “Мажолис”нинг Мавлоно Риёзий фикрасида куйидаги воқеани эслатади: “Самарқандлиғдур, мутаккабир ва муъжиб киши эрди. Ғазални бағоят хўб айтур эрди... Бу ғарро Матлаъ анингдурким:

*Ситораест дури гўши он ҳилол абру
Зи рўи хусн ба хуршед мезанад паҳлу*

икки мисра орасида рабт жиҳатидан бир “ки” лафзи керак. Фақир анча дедимки, бу навъ яхшироқ бўлғайки:

*Зи рўи хусн дури гўши он ҳилол абру
Ситораест ки бо моҳ мезанад паҳлу*

Инсоф юзидин керакки, мусаллам тутса эрди, жадал бунёд қилди, фақир сокит бўлдим. Ўз ёронлари талоштилари ҳам қабул қилмади. Самарқандда фавт бўлди”³.

Риёзийнинг ўз сўзида туриб олганлигидан воқеа Самарқандда рўй берган дейиш мумкин. Зеро, Навоий ўрта ёшларда шунчалик машхурлик тутган эдики, унинг маслаҳатларига ҳатто Абдураҳмон Жомий қулоқ осар эди⁴.

3. “Мажолис ун-нафоис” дан Алишер Навоий тарбияси остида фарзанд мақомида кун кечирган баъзи бир яқинлари ҳақида ҳам ахборот олиш мумкин. Масалан, у Мавлоно Ҳожи Муҳаммад исмли машҳадлик йигитни ўзига фарзанд ўрнида ҳисоблашини ва фарзанддан ҳам азизроқ кўришини айтиб ўтган. Мавлоно Шарбатий Навоий қошида улғайган, Мир Ҳайдар Сабухий ота-оналари Навоийлар хонадони хизматида бўлиб келган кишилар фарзанди бўлиб, яқинлик жиҳатидан фарзанд ҳисобланган. Мир Иброҳим Амир

¹ Мажолис,33-бет.

² Мажолис,60-бет.

³ Мажолис,59-бет.

³ С.Айний “Алишер Навоий” асарида шу баҳсни келтирса-да , Навоий танқиди моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилмаган. Шу билан бирга, С.Айний ёзади: “Ҳақиқатда ҳам Навоийнинг бу танқиди устозларча қилинган кўрсатмадир; Навоий ифодасида икки мисрани бир-бирига боғлайдиган “ки” келтирилиши билан ташбиҳ ҳам тўлақонли ва ҳақиқатга мувофиқ бўлиб тушган”. (Навои: Куллиёт. Дар 15 чилд.- Душанбе: НашдавТоч., 1963.-Чилди 2. Китоби 1.-с.289) Аввало, Навоий айтган “икки мисраъ орасида рабт жиҳатидин бир “ки” лафзи керак”лиги Навоий байтига эмас, балки Риёзийнинг ўз Матлаъсига тааллуқлидир ва Навоий бу билан Матлаънинг такомиллашмаганлигини танқид этган. Навоийнинг ўзи келтирган байтда эса икки мисра орасида “ки”йўк ва керак ҳам эмас. У шунда “ҳам маъно, ҳам вазн” жиҳатидан шоир айтганидек “бу навъ яхшироқ бўлғай” эди. Зотан, Навоий байтида Риёзий байти мазмуни икки мисра орасига талаб қилган “ки” боғловчиси жумла тузилишининг ўзгартирилиши эвазига ортиқча бўлиб қолади.

Алишернинг Шайх Баҳлулбек исмли ниҳоят қадрдон дўсти ва тутинган оғасининг набираси бўлиб, Навоий уни ўғлидай асраб катта қилганлигини таъкидлаган. Мавлоно Шоҳ Али Навоийнинг мадрасасида таҳсил олиши билан бирга, унинг хизматида бўлган. Навоий Саид Ҳасан Ардашер ҳақида гапира туриб, Мирзобек исмли йигит ҳам у кишига ҳам унга фарзанд ўрнида эканлигини айтиб ўтади.

АДАБИЁТЛАР

ҚЎЛЁЗМА ВА АРАБ АЛИФБОСИДА НАШР ЭТИЛГАН МАНБАЛАР

- 1.Абдулазим Шаръий. Айн ут-таворих:Қўлёзма.Ўз ФА ШИ, инв. № 4217.
- 2.Абдулвосеъ Низомий. Мақомоти Мавлавий Жомий: Қўлёзма. ЎзФАШИ, инв. №756.
- 3.Абдуллоҳ Кобулий. Тазкират ут-таворих:Қўлёзма.Ўз ФА ШИ, инв. № 2093.
- 4.№ 2093.
- 5.Абдуллоҳ Марворид. Муншаот:Қўлёзма.Ўз ФА ШИ, инв. № 288.
- 6.Абдуллоҳ Хожа Мухторхўжа Абдий. Тазкира: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. № 64.
- 7.Абдуллоҳ Хотифий. Лайли ва Мажнун: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. №1360.
- 8.АбдулМатлаъб Фаҳмий. Тазкират уш-шуаро: Қўлёзма.Ўз ФА ШИ, инв. № 2331.
- 9.Абдулғафур Лорий. Такмилаи Нафаҳот ал-унс: Қўлёзма. ЎзФАШИ, инв. № 1847.
- 10.Абдурразоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№ 1825.
- 11.Абдурраҳман Жомий. Баҳористон: Қўлёзма. ЎзФАШИ, инв. № 4360
- 12.Абдурраҳман Жомий. Нафаҳот ал-унс: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. № 5149.
- 13.Абдурраҳман Жомий. Тухфат ул-аҳрор, Сибҳат ул-аброр, Хирадномаи Искандарий. /Бо тасҳих ва муқаддимаи Ҳусайн Аҳмад Тарбият-Маскав, 1984.
- 14.Абдурраҳман Жомий. Ҳафт авранг. Лайли ва Мажнун. Тошбосма. Тошкент, 1913.
- 15.Али бин ал-Ҳусайн ал-воиз Кошифий. Рашаҳоту айн ал-ҳаёт: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№ 1788.
- 16.Али бин ал-Ҳусайн ал-воиз Кошифий. Рашаҳоту айн ал-ҳаёт: Босма. Лакнав, XIX аср
- 17.Алишер Навоий. Илк девон. /Нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон.- Тошкент, 1968.
- 18.Амин Аҳмад Розий. Ҳафт иқлим: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. № 617.
- 19.Атоуллоҳ Асилий. Равзат ул-аҳбоб фи сийрат ун-наби вал-Оли ва-л-асҳоби: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№636.
- 20.Аҳлий Шерозий. Куллиёт: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№2206.
- 21.Аҳмад бин Муҳаммад ал-Ғаффорий ал-Қазвиний. Нигористон: Қўлёзма. ЎзФА ШИ, инв.№ 4297.
- 22.Бахтовархон. Миръот ул-олам: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№5
- 23.Давлатшоҳ бин Бахтишоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. /Ба ҳиммати Муҳаммад Рамазоний.-Техрон, 1338 ҳ.
- 24.Дарвиш Али Чанг. Рисолаи мусиқий: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№ 449
- 25.26. Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеъ ул-вақоъ. Матни интиқодий бо муқаддима ва фикристон ба қалами Александр Болдируф. -Маскав, 1961.
- 26.Камалиддин Биноий. Боғи Эрам: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№ 5586.
- 27.Лутф Алибек Озар. Оташкада: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№793.
- 28.Малиҳо Самарқандий. Тазкират уш-шуаро: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. № 58-1
- 29.Мажиддин Муҳаммад ал-Ҳусайний. Зийнат ул-мажолис: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№ 4229.
- 30.Мактуботи тарихий: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. № 3743.
- 31.Мажмаи руқъаот:Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№ 296.
32. Маҳмуд бин Вали. Баҳр ул-асрор: Қўлёзма. ЎзФАШИ, инв.№1375.
- 33.Мирзо Ҳайдар Дўғлот. Тарихи Рашидий: Қўлёзма. ЎзФА ШИ, инв. №1430.
- 34.Мир Яҳъё Қазвиний. Лубб ут-таворих: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№ 3863
- 35.Муншаот-Мактубот-Ярлиғон: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. №301.
36. Мутрибий.Тазкират уш-шуаро: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. №2253
- 37.Муъиниддин Исфизорий. Равзат ул-жиннот фи авсофи мадинаи Ҳирот: Қўлёзма.Ўз ФА ШИ, инв.№788.
- 38.Муҳаммад Амин бин Муҳаммад Замон Бухорий. Муҳит ут-таворих: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№335.
- 39.Муҳаммад Мазҳар Ҳусайн Сабо. Рўзи равшан: Босма. ЎзФА ШИ, инв.№ 3700.
- 40.Муҳаммад Ховандшоҳ (Мирхонд). Равзат ус-сафо...: Қўлёзма. ЎзФА ШИ, инв. №4223.- I жилд.
- 41.Муҳаммад Ховандшоҳ (Мирхонд). Равзат ус-сафо...: Қўлёзма. ЎзФА ШИ, инв.№1950.-VI жилд.
- 42.Муҳаммад Ховандшоҳ(Мирхонд). Равзат ус-сафо... : Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№1950.-VII жилд.

43. Муҳаммад Ховандшоҳ (Мирхонд). Равзат ус-сафо... : Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№3908.-VII жилд.
44. Муҳаммад Абдулмажидхон. Нигористони сухан: Тошбосма, Ҳинд, XIX аср.
45. Муҳаммад Юсуф Мунший бин Хожа Бақо. Тазкират уш-шуарои Муқимхоний: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№20.
46. Муҳаммад Ғавсий бин Ҳасан бин Мусо Шатторий. Гулзори аброр: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№2733
47. Муҳаммад Ҳусайний. Рисолаи муаммо: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№4587-1.
48. Навоий дастхати. (Наводир ун-ниҳоя) /Нашрга тайёрл., сўзбоши муаллифи С.Ғаниева. Масъул муҳ, А.Ўринбоев. - Т.: Фан, 1991.-310 б.
49. Неъматуллоҳ Муҳтарам. Тазкира: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№2252-2.
50. Ниёз бин Сайид Али бин Сайид Муҳаммад ал-Бухорий. Жомеъ ут-таворих: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№ 2893.
51. Нуруллоҳ Шуштарий. Мажолис ул-муъминин: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№5107.
52. Озод Ҳусайний Воситий Балгроми. Хизонаи омира: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№3554.
53. Раҳматуллоҳ Возеҳ, Туҳфат ул-аҳбоб фи тазкират ул-асҳоб. Матни интиқоди бо муқаддима ва тасҳиҳи Асғар Жонфидо.-Душанбе: Дониш, 1977.
54. Саъид Роқим Самарқандий. Тарихи касира: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№7711
55. Сом Мирзо Сафавий. Туҳфа-йи Сомий: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№57.
56. Султон Муҳаммад бин Дарвиш Муҳаммад Балхий. Мажмаъ ул -Ғаройиб: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№1262.
57. Фазлий Намангоний. Тазкират уш-шуаро: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№2371.
58. Фахрий Ҳиротий. Латоифнома. Таржума-йи “Мажолис ун-нафоис”и Алишер Навоий. /Ба саъй ва эҳтимоми Али Асғар Ҳикмат. - Техрон, 1323 ҳ.
59. Фурсат Шерозий. Осори Ажам: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. №5041.
60. Хожа Ҳасан Нисорий. Музакири аҳбоб: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. № 4282
61. Шамсиддин Муҳаммад Бадахший. Рисолаи муаммо: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№4565.
62. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. №4472.
63. Ширхон Али Аҳмад Лудий. Миръот ул-хаёл: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№62.
64. Шарифжон Маҳдум Садр Зиё. Мажмуаи шуаро: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. №2193-10.
65. Шарифжон Маҳдум Садр Зиё. Баёз: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. №2315
66. Қосим Коҳий. Рисолаи муаммо: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. №4587 - III.
67. Ғиёсиддин бин Ҳумомиддин (Хондамир). Номаи номий: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№284.
68. Ғиёсиддин бин Ҳумомиддин (Хондамир). Равзат ус-сафо... .Босма. Лакхнав, XIX аср.-VII жилд.
69. Ғиёсиддин бин Ҳумомиддин (Хондамир). Хулосат ул-аҳбор...: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№2209.
70. Ғиёсиддин бин Ҳумомиддин (Хондамир). Ҳабиб ус-сияр... :Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№2153.- IV жилд.
71. Ҳақимшоҳ Қазвиний. Таржума-йи “Мажолис ун-нафоис”и Алишер Навоий /Ба саъй ва эҳтимоми Али Асғар Ҳикмат.-Техрон, 1323 ҳ.
72. Ҳашмат Мирсиддиқ. Тазкират уш-шуаро: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№ 2252-1.
73. Ҳожи Муҳаммад Ҳақимхон. Мунтахаб ут-таворих: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№1560
74. Ҳусайн Кошифий. Жавоҳир ут-тафсир: Қўлёзма. СамДУ, инв. №40347
75. Ҳусайн бин Муҳаммад Хокий Шерозий. Мунтахаб ут-таворих: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№ 2010.
76. Ҳусайн Бойқаро. Мажолис ул-ушшоқ: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. №3476.
77. Ҳусайн Бойқаро. Мажолис ул-ушшоқ: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№65
78. Ҳусайн Бойқаро. Мажолис ул-ушшоқ: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№1361
79. Ҳусайн Бойқаро. Мажолис ул-ушшоқ: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв. №10160
80. Ҳусайнқулихон Азимободий. Наштари ишқ: Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, инв.№ 4322.

ҲОЗИРГИ АЛИФБОДА НАШР ЭТИЛГАН МАНБАЛАР

81. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. - Т.: Юлдузча, 1989.
82. Бойқаро Ҳусайн. Девон. Рисола. /Нашрга тайёрл.С.Ғаниева ва Ш.Абдуллаева.- Т.: Ғ.Ғулом, 1968.
83. Бойқаро Ҳусайн. Рисола. Нашрга тайёрловчилар Алибек Рустам, Каримбек Ҳасан.-Т.: Шарқ, 1991.
84. Восифий Зайниддин. Бадоеъ ул-вақоеъ. Форсчадан Н.Норкулов таржимаси.- Т.: Ғ.Ғулом, 1979.

85. Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Б.Ахмедов таржимаси.- Т.: Ғ.Ғулом, 1981.
86. Чомӣ Абдурахмон. Баҳористон.Таҳиягари чоп А.Афсаҳов.- Душанбе: Ирфон, 1966.
87. Йакут ал-Ҳамави. Муъдҷам ул-булдан /Пер.с арабс. О.Фроловой и Б.Вахабовой. В кн: Материалы по ист. Ср. и Центр. Азии X-XIX вв.-Т.: Фан, 1988.-С. 76-90.
88. Навоӣ Алишер. Айёми висол ўлди яна. Янги топилган ғазаллар. /Нашрга тайёрловчи Ф.Сулаймонова.-Т.: Ғ.Ғулом, 1995.
89. Навоӣ Алишер. Бадоеъ ул-бидоя: Мукаммал асарлар тўплами.- Т.: Фан, 1987.- I жилд.
90. Навоӣ Алишер. Вақфия: Асарлар.15 томлик.-Т.: Ғ.Ғулом, 1966. - XIII жилд .
91. Навоӣ Алишер. Мажолис ун нафоис: Асарлар. 15 томлик. /Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева.-Т.: Ғ.Ғулом, 1966.- XII жилд.
92. Навоӣ Алишер. Вақфия. /Нашрга тайёрловчи И. Шамсимуҳамедов.-Т.: 1991.
93. Навоӣ Алишер. Муҳокамат ул-луғатайн: Асарлар, 15 томлик.- Т.: Ғ.Ғулом, 1967.- XIV жилд.
94. Навоӣ Алишер. Ғаройиб ус-сиғар: Мукаммал асарлар тўплами. -Т.: Фан, 1988.- III жилд.
95. Навоӣ Алишер. Наводир уш-шабоб: Мукаммал асарлар тўплами.- Т.: Фан, 1989. IV жилд.
96. Навоӣ Алишер. Бадоеъ ул-васат: Мукаммал асарлар тўплами /Қайта нашрга тайёрл. Ф.Сулаймонова.- Т.: Фан, 1990.-V жилд.
97. Навоӣ Алишер. Фавойид ул-кибар: Мукаммал асарлар тўплами.- Т.: Фан, 1990.- VI жилд.
98. Навоӣ Алишер. Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер, Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад: Асарлар. XV томлик.- Т.: Ғ.Ғулом, 1967.- XIV жилд.
99. Навоӣ Алишер. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин: Асарлар. XV томлик.- Т.: Ғ.Ғулом, 1967.- XIV жилд.
100. Навоӣ Алишер. Ғаройиб ус-сиғар: ТАТ.-Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги НМИУ,2011.
101. Навоӣ Алишер.Наводир ун-ниҳоя: МАТ.-Т.:Фан,1987.-II жилд.
102. Сафӣ Фахриддин Али. Латоиф ут-тавоиф. /Тартиб деҳанда Ҳ.Саидов.- Душанбе: Ирфон, 1968.
103. Темур тузуклари. / Форсайдан Алихон Соғунӣ ва Ҳ. Караматов таржимаси. -Т.: Ғафур Ғулом, 1991.
104. Хондамир Ғиёсиддин б. Хумомиддин. Макорим ул-ахлоқ. /П.Шамсиев таржимаси.- Т.: ЎзССР ФА нашр., 1948.
105. Хондамир Ғиёсиддин б. Хумомиддин. Макорим ул-ахлоқ. /М.Фахриддинов ва П.Шамсиев таржималари.- Т.: Ғ.Ғулом, 1967.
106. Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб/Форс тилидан И.Бекжон тарж.-Т.: Халқ мероси, 1993.
107. Хусайний Атоуллоҳ. Бадоеъ ус-саноеъ. / Бо сарсухан, тавзеҳот ва тахрири Р.Мусулмонкулов.- Душанбе: Ирфон, 1974.
108. Хусайний Атоуллоҳ. Бадоеъ ус-саноеъ. /Форсчадан А.Рустамов таржимаси.- Т.: Ғ.Ғулом, 1981.

ТЎПЛАМЛАР

1. Алишер Навои: Сб. статей / Под редакцией А.К.Боровкова.-М.-Л., Изд.АН СССР.- 1946.
2. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоӣ:Тўпам. /Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев.- Т.: Фан,1966.
3. Буюк турк шоири Мир Алишер: Туркология қурултойи конференцияси материаллари. - Боку: Адабиёт жамияти, 1926.
4. Жомий ва Навоӣ /Тўпловчи М.Ҳасанов.- Т.: Ғ.Ғулом, 1989.
5. История Азербайджана. в 3^х т. /Под ред. И.А.Гусейнова и др. -Баку: Изд. АН АзССР, 1958- т.1.
6. История стран Зарубежной Азии в ср.века /Отв.ред. А.М. Голдобин и др.-М.: Наука, ГРВЛ, 1970.
7. Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XIX вв: Сб./Отв ред.доктор ист. н. Б.А.Ахмедов.-Т.: Фан, 1988.
8. Мир-Али-Шир: Сб. статей.- Л.: Изд. АН СССР, 1928.
9. Навоӣ ва адабий таъсир масаллари: Тўпам. /Тузувчи ва масъ. муҳар. С. Ғаниева, А. Абдуғафуров. - Т.: Фан, 1968.
10. Навоӣ ва ижод сабоқлари: Тўпам /Масъ. муҳ. В.Зоҳидов, А.Ҳайитметов.- Т.: Фан, 1981.
11. Навоӣга армуғон:Тўпам /Бош муҳ. Ш.Абдуллаев.- Т.: Фан, 1968.
12. Навоӣ замондошлари /Нашрга тайёрл. Ҳ.Зариф.-Т.: ЎзССР ФА нашр., 1948.
13. Навоӣ замондошлари хотирасида /Тузувчи Б.Аҳмедов. - Т.: Ғ.Ғулом, 1985.
14. Писъма-автографы Абд ар-рахмана Джами из "Альбома Навои" /Введ., перевод и указ. А.Уринбаева.- Т.: Фан, 1982.

- 15.124. Родоначалъник узбекской литературы. -Т.: Изд. Узб. фил. АН-СССР, 1940.
- 16.Ҳамид Сулаймон ҳақида хотира ва мақолалар /Нашрга тайёрл. С.Ҳасанов. Масъул муҳ. С.Зуфаров.-Т.: Ўқитувчи, 1991.
- 17.Эл деса Навоийни:Ривоятлар. /Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи М.Жўраев. -Т.: Чўлпон, 1991.
- 18.Ch. Rieu. Catalogue of the Turkish Manuscripts in the British Museum,1888.

ТАДҚИҚОТЛАР

- 1.Абдуллаев В. Навоий Самарқандда. -Т.: Ғ.Ғулом, 1968.
- 2.Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари.-Т.: Ғ.Ғулом, 1995.
- 3.Абдуғафуров А. Навоий сатираси.-Т.: Фан, 1966.-к.1.
- 4.Айбек. Ал. Дейч. Алишер Навои.- Т.: Г.Ғулям, 1968.
- 5.Айни С. Навои:Куллиёт.Дар 15 чилд.- Душанбе: НашдавТоч., 1963.-Чилди 2. Китоби 1.
- 6.Айни С. Восифӣ ва хулосаи”Бадоеъ ул-вақоеъ”и у.-Душанбе: Ирфон, 1985.
- 7.Айний С. Алишер Навоий: Танланган илмий асарлар. /Нашрга тайёрл. Ё.Исҳоқов.-Т.: Фан, 1978.
- 8.Али Асғар Ҳикмат Мир Алишер Навоий. Техрон, 1945.
- 9.Афсаҳзод А. Дар сафи бузургон.-Душанбе: Ирфон, 1986.
- 10.Афсаҳзод А. Лирика Абд ар-рахмана Джами. -Москва: Наука, ГРВЛ., 1988.
- 11.Аҳмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв.- Т.: Фан, 1985.
- 12.Аҳмедов Б. Давлатшоҳ Самарқандий. -Т.: Фан,1967.
- 13.Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб.-Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 14.Аҳмедов Б. Хондамир.- Т.: Фан, 1965.
- 15.141.
- 16.141. Бартольд В.В. Мир Али Шир и политическая жизнь: Сочин. в IX томах. - М.: Наука, ГРВЛ, 1964.- II том. Часть 2.
- 17.Белен М. Мир Алишер Навоий/ Туркча таржима. Ношир Аҳмед Жавдат. -Истанбул, Иқдом матбааси, 1897.
- 18.Бертелъс Е.Э. Навои и Джами: Избр.труды. - М.: Наука, ГРВЛ, 1965.
- 19.Болдырев А.Н. Зайниддин Васифи. -Душанбе: Адиб, 1989.
- 20.Болдырев А.Н. Навои расказах современников.- М-Л.: ИВЛ, 1966.
- 21.Борджанова К. Образ Алишера Навои (Мирали) в туркменском народном творчестве. АКД, Ашхабад, 1973.
- 22.Валихўжаев Б., Воҳидов Р. Муҳаққиқи бузурги ду адабиёт.-Душанбе: Ирфон, 1978.
- 23.Валихўжаев Б. Хўжа Аҳрори Вали. - Самарқанд: Зарафшон, 1993.
- 24.Валихўжаев Б.Хўжа Аҳрор тарихи.-Т.: Ёзувчи, 1994.
- 25.Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи.- Т.: Ўзбекистон, 1993.
- 26.Валихўжаев Б., Воҳидов Р. Эзгулик - умр мазмуни. -Т.: Фан, 1992.
- 27.Воҳидов Р. Суҳайлий.-Т.: Фан,1976.
- 28.Воҳидов Р. XV асрнинг иккинчи ярми, XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърляти.- Т.: Фан,1983.
- 29.Воҳидов Р. “Мажолис ун-нафоис”нинг таржималари.- Т.: Фан, 1984.
- 30.Воҳидов Р. Навоийнинг икки дурдонаси.-Т.: Фан, 1992.
- 31.156. Воҳидов С. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” Навои и его роль в изучении литературных связей таджикского и узбекского народов в XV веке. АКД, Душанбе 1966.
- 32.Зариф Х..Фозиллар фазилати.-Т.: Фан, 1969.
- 33.Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби.-Т.: Ўзбекистон, 1970.
- 34.Зоҳидов Л. Навоий ижодида муаммо. -Т.: Фан, 1986.
- 35.Ибрагимов Дж. Феодалъные государства на территории Азербайжана XV века.- Баку: Изд. АПИ, 1962.
- 36.Ильминский Н.И. Материалы к изучению киргизского наречия. Казанъ, 1861.
- 37.Исҳоқов Ё. Навоийнинг илк лирикаси. -Т.: Фан, 1965.
- 38.Комилов Н. Тасаввуф. - Т.: Ёзувчи, 1997. - Биринчи китоб.
- 39.Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти.- Т.: Ғ.Ғулом, 1974.
- 40.Маллаев Н. Гениал шоир ва мутафаккир.-Т.: Фан, 1968.

41. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Олий ўқув юртлири учун дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 1965.
42. Маллаев Н. Навоий ижодиётининг халқчил негизи. Т.: Ўқитувчи, 1980.
43. Мирзоев А. Биной.- Сталинобод: Ирфон, 1957.
44. Мирзоев А. Сездаҳ мақола.- Душанбе: Ирфон, 1977.
45. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан.-Т.: Фан, 1971.
46. Муродов М. Навоийшунослар жасорати.- Тошкент: Фан, 1972.
47. 170.
48. Муҳиддинов М. Икки олам ёғдуси.-Т.: Ғафур Ғулом, 1991.
49. Нагиева Ж. Бакинские рукописи Алишера Навои.-Баку:Элм, 1986.
50. Никитский М. Эмир Низом Эд-Дин Али Шир в государственном и литературном его значении. -СПб, 1856.
51. Ойбек М.Т. Алишер Навоий: Мукамал асарлар тўплами. 19 томлик. -Т.: Фан, 1979.- XIII жилд.
52. Ойбек. Навоий гулшани. -Т.: Тошкент, 1967.
53. Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар.-Т.: Ғ.Ғулом, 1976.
54. 178. Рустамов А. Фонетико-морфологические особенности языка Алишера Навои , Дисс. на соиск.уч. ст. докт. фил. н., Ташкент, 1966.
55. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати.-Т.: Фан, 1979.
56. 179. Рустамов Э. Узбекская поэзия в первой половине XV века.-М.: ИВЛ, 1963.
57. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ.-Т.: Фан, 1978.
58. Саъдий А. Навоий ижодиёти ўзбек классик адабиёти тараққиётининг юксак босқичи сифатида: Фил.фанлари доктори.... дис. Уч томлик.-Т., 1940-1945.
59. Свицина Е.Д. Алишер Навои. Биобиблиография. (1917-1966).-Т.: 1968.
60. Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. - Самарқанд: Зарафшон, 1996.
61. Сирожиддинов Ш. XV-XVI асрлар тарихий ва тазкира-эсдалик асарларида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти талқини. -Самарқанд: Зарафшон, 1997.
62. Сулаймонов Х. Алишер Навои. -Москва, 1968.
63. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб.-Т.: Фан, 1991.
64. Султанов Т. Памятники исторической литературы Средней Азии и Восточного Туркестана XV-XIX вв. Дисс. на соиск.уч. ст. докт. ист. н., Ленинград, 1988.
65. Султон Иззат. Навоийнинг қалб дафтари.- Т.: Ғ.Ғулом, 1969.
66. Файзиёв Б. “Навоий” романида тарихий воқелик ва бадиий тўқима.- Тошкент: Ғ.Ғулом, 1971.
67. Ходжаев К. Традиции Алишера Навои в туркменской литературе: Автореф. дис....канд. фил. наук.- Ашхабад, 1978.
68. Холбеков М. Ўзбек адабиёти Францияда. -Тошкент: Фан, 1988.
69. Шарафиддинов О. Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди. -Т.: Ўздавнашр, 1948.
70. Шарафиддинов О. Алишер Навоий. -Тошкент: Ғ.Ғулом, 1971.
71. Шарипов М. Навоий ва адабий алоқалар.- Тошкент: Фан, 1968.
72. Шодиев Э. Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги асарлари. - Т.: Фан, 1990.
73. Шомухамедов Ш.М. Хазиначилар жилоси.- Тошкент: Ғ.Ғулом, 1981.
74. Шомухамедов Ш.М. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм. -Т.: Фан, 1968.
75. Экаев О. Туркменистан и туркмены в конце XV-I половины XVI вв. - Ашхабад: Ўлым, 1981.
76. Эркинов С. Шарқ адабиётида Фарҳод қиссаси.-Т.: Фан, 1985.
77. Эфендиев О. Образование государства Сефевидов в начале XVI в.- Баку: Изд. АН АзССР, 1961.
78. Ўринбоев А., Ҳасанов М. Навоий замондошлари мактубларида.-Т.: Фан, 1990.
79. Қаюмов А. Нодир саҳифалар.-Т.:Фан, 1991.
80. Қаюмов А. “Фарҳод ва Ширин” сирлари.- Тошкент: Ғафур Ғулом, 1979.
81. Қаюмов А. Алишер Навоий.- Т.: Ёш гвардия, 1976.
82. Қаюмов А. Алишер Навоий.- Т.: Камалак, 1991.
83. Қудратуллаев Ҳ. Навоийнинг адабий-эстетик олами.- Т.: Ғ. Ғулом, 1991.
84. Ғаниева С. Алишер Навоий.- Тошкент: Фан, 1968.
85. Ғаниева С. Мажоли ун-нафоис Алишера Навои: литературно-критический анализ и критический текст III и IV маджлисов, АҚД., Ленинград, 1956.
86. Ҳайитметов А. Навоий даҳоси.-Тошкент: Ғ.Ғулом, 1970.

87. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари.- Тошкент: Фан, 1959.
88. Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти.-Т.: Фан, 1996.
89. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси.- Тошкент: Фан, 1961.
90. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари.-Т.: Ўқитувчи, 1993.
91. Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи.- Т.: Фан, 1983.
92. Ҳакимов М. Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. Т. :Фан, 1979.
93. Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар.-Т.: Фан, 1991.
94. Ҳамидова М. Қўлёзма манбалар - адабий манба. - Т.: Фан, 1981.
95. Ҳасаний М. Таърихларда Навоий васфи.-Т.: Ғафур Ғулом, 1991.
96. Ҳасаний М.,Қаримова С. Навоий даври табобати.- Т.: Ибн Сино, 1991.
97. Ҳасанов Б. Алишер Навоийнинг “Сабъат абхур”луғати.-Т.: Фан, 1981.
98. Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси.-Т.: Ғ. Ғулом, 1991.
99. Ҳасанов С. Бобирнинг “Аруз рисоласи” асари. -Т.: Фан, 1981.
100. Ҳаққулов И. Занжирбанд шер. -Т.: Юлдузча, 1989.
101. Ҳомидов Ҳ. Боқий бўстон таровати. -Т.: Ғ.Ғулом, 1986.

МАҚОЛАЛАР

1. Абдуллаев А. Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш тарихидан. //Ўзбек адабиётининг баъзи масалалари. - Тошкент, 1966. -Б.71-97.
2. Абдурахмонов Ғ. Туркияда навоийшунослик //Ўзб.тили ва адабиёти.-1966. -№ 6. -Б.33-37.
3. Абдуғафуров А. Бадоеъ ул-бидоянинг тузилиш санаси //Ўзбек тили ва адабиёти. -1989. -№ 4.-Б. 3-9.
4. Абдуғафуров А. Навоийга Ҳусайн Бойқаронинг мактуб-ёрлиғи. //Шарқ юлдузи. -1973. -№ 1. -Б. 225-232.
5. Арасли Ҳ. Аҳдий Бағдодий Навоий ҳақида //Ўзбек тили ва адабиёти. -1977. -№ 4. -Б.43-46.
6. Арасли Ҳ.Алишер Навоий //Озарбайжон, Боку. -1948. -№5. -Б.60-61.
7. Арасли Ҳ. Навоий ижодини ўрганиш тарихидан //Ўзбек тили ва адабиёти. -1960. -№3. -Б.3-10.
- 8.231.Бартолъд В.В. Мир Али Шир и политическая жизнь//Сб. ст. Л.: Изд. АН СССР, 1928.
- 9.232. Бертелъс Е.Э. Неваи и Аттар //Сб. ст. Л.: Изд. АН СССР, 1928.
10. Болдырев А.Н. Мемуары Васифи как источник для изучения жизни Средней Азии и Хорасана на рубеже XV-XVI вв //ТОВЭ.- Л.,1939.- т 2.- С. 291-300.
11. Болдырев А.Н.Очерки из жизни гератского общества на рубеже XV-XVI вв //ТОВЭ. - 1947. - т. IV. - С. 313-422.
12. Болтабоев Ҳ. Мир Алишер Навоий Фитрат талқинида //Ўзбек тили ва адабиёти. -1992. -№ 1. -Б.13-21.
13. Боржанова К. Навоий ҳақида туркман достони //Ўзбек тили ва адабиёти. -1971. -№ 2. -Б.66-68.
14. Боровков А.К. Изучение жизни и творчества Алишера Навои //Сб. ст. "Родоначальник узб. литературы.-Т.: Изд. Узб.фил. АН СССР. -1939. - С. 11-29.
15. Боровков А.К. Навои и Джами в народном предании //Изв. АН СССР, отд лит. и языка. - 1947. - Том VI. Выпуск, 6. -С. 481-492.
16. Валихўжаев Б. Алишер Навоийнинг “Хамса”си ҳақида замондошлари. //Адабий мерос. - 1986. -№ 2. -Б. 23 - 29.
17. Валихўжаев Б. Ўзбек классик адабиёти тарихини ўрганишнинг долзарб масалалари. //Ўзбек тили ва адабиёти. -1988. -№ 4. -Б.20-24.
18. Валихўжаев Б. “Хамса” ёзиш анъанасига Алишер Навоийнинг муносабати //Ўзб.тили ва адаб. -1990. -№ 1. -Б. 16-21.
19. Валихўжаев Б. Алишер Навоийнинг ҳиндистонлик мухлислари. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1985. - 22 февраль.
20. Валихўжаев Б. Ғафур Ғулом - навоийшунос. //Ўзбек тили ва адабиёти. -1983. -№ 4. -Б. 8 -11.
21. Валихўжаев Б.Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари //Мулоқот. -1991. -№2. - Б. 23-31.
22. Валихўжаев Б. “Риёз уш-шуаро” тазкирасида ўзбек адабиёти намояндалари //Адабий мерос. -1988. -№ 4(86). - Б. 25-29.
23. Горбаткина Г.А. Турецкий дастан об Алишере Навои /Сб. Литература и время. -1973. -С. 108-121.
24. Жирмунский В.М. Легенда о призвании певца//Сб. ст. “Исследования по истории культуры народов Востока”. М.-Л.-1960.

- 25.Зайниддинов Х. Мирхонд. //Шарқ юлдузи. -1974. -№ 7. -Б. 228-229.
- 26.Имомназаров М. Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асари //Гулистон.-1985. -№ 7. -Б.19-20.
- 27.Исматуллаев Х. Жаҳонни забт этган шеърят. //Шарқ юлдузи.- 1968. -№ 9. -Б. 215 - 225.
- 28.Исматуллаев Х. Навоий ижодини хорижий мамлакатларда ўрганишга доир. //Ўзбек тили ва адабиёти. -1968. -№ 5. -Б.13-17.
- 29.Исҳоқов Ё. Баёз ва баёзчилик тарихи //Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. -Тошкент, 1976. -Б. 78.
- 30.Исҳоқов Ё. Алишер Навоий ва соқийнома жанри //Ўзбек тили ва адабиёти. -1975. -№ 1. -Б. 16-23.
- 31.Исҳоқов Ё. Навоий тахаллусли шоирлар //Фан ва турмуш. -1984. -№ 9.-Б. 14-15.
- 32.Каримов У. Навоийнинг сўнгги кунлари. // "Сирли олам" / Муҳ. Ҳ.Шайхов. -Тошкент, 1986. -Б. 11-18.
- 33.Каримов Ҳ. Рус шарқшунослигида Навоий ижоди масалалари. //Шарқ юлдузи. - 1967. -№ 8. -Б.155-167.
- 34.Комилов Н. Дарвеш Сайид Ҳасан таърифида //Ўзбек тили ва адабиёти. -1990. -№ 6. - Б. 3-8.
- 35.Маллаев Н. XV аср тазкираларининг тарихий ва адабий аҳамияти. //Ўзбек адабиёти масалалари. - Тошкент, 1959.-Б. 75-81.
- 36.Маллаев Н. Алишер Навоийнинг форс-тожик тилдаги шеърятига доир. //Адабий мерос. - 1968. -№ 1. -Б. 62-73.
- 37.Машарипов Ю. Рус шарқшунослигида Навоийнинг адабий мероси масаласи. //Ўзбек тили ва адабиёти. -1975. -№ 1.-Б. 46-49.
- 38.Маҳмудова Р. Алишер Навоий асарларининг инқилобгача бўлган нашрлари тарихидан. //Шарқ юлдузи. -1968. -№ 7. -Б. 230 - 236.
- 39.Муродов М. Мангуликдир уларнинг номи //Шарқ юлдузи.-1968. -№ 9.-Б. 229-234.
- 40.Мусулмонқулов Р. Навоий ва Атоуллоҳ муносабатлари. //Ўзбек тили ва адабиёти. -1975. -№ 1. -Б. 49-52.
- 41.Мусулмонқулов Р. Навоий ва Атоуллоҳ. //Ўзбек тили ва адабиёти.- 1971. -№ 3. -Б. 40-42.
- 42.Нагиева Ж. Алишер Навоийнинг "Бадоеъ ул-бидоя" девонининг қўлёзмаси //Адабий мерос. -1978. -№ 11. -Б.108-110.
- 43.Нагиева Ж. Кишварий ва Алишер Навоий // Ўзбек тили ва адабиёти. -1982. -№ 1. -Б.42-45.
- 44.Олим Султонмурод. Навоийнинг маъшуқаси ким эди ? // Оила ва жамият. -1991. -26 сент.
- 45.Петрушевский И.П. Государства Азербайджана в XV веке. //Сб. статей по истории Азербайджана. - Баку, 1949. -С. 48-56.
- 46.Раҳимов Ж. "Ҳамса" - Навоий биографиясининг манбаи сифатида. //Ўзбек тили ва адабиёти. -1985. -№ 6. -Б. 16-17 .
- 47.Савелъев П. Али Шер Наваи /Энциклопедический лексикон.-Спб., 1835. -т. 1. -С. 527-528.
- 48.Салъе М. Книга благородных качеств и её автор //Сб. ст. "Родоначалъник узб. литературы. -Т.: Изд. Узб. фил. АНСССР. - С.170.
- 49.Салъе М. Беннаи и его покровители//Алъманах Союза писателей Ташкент, 1944.
- 50.Семенов А.А. Взаимоотношения Алишера Навои и Султана Хусейн Мирзы. // Сб. Исследования по истории народов Востока.- М. - Л., 1960. -С. 279-285.
- 51.Семенов А.А. Персидская новелла о Мир Алишере Навои. Бюллетень СаГУ. Выпуск 13. -1926. -С. 177-185.
- 52.Сирожиддинов Ш. Алишер Навои: Историография. Литературоведение. //Актуальные вопросы филол. и ист. наук в вузе. Научн. конф. мол. уч.: Тез. докл. - Самарканд, 1988.-С. 78.
- 53.Сирожиддинов Ш. Дин ва дунё низоми. //Ёшлик.-1990. -№7. -Б. 79.
- 54.Сирожиддинов Ш. Персидско-таджикские письменные источники XV - XVI вв. об узбекском поэте и мыслителе Алишере Навои. //У Всесоюзная школа молодых востоковедов: Тезисы. (208).- Москва, 1989.- Том 1. -С. 165-167.
- 55.Сирожиддинов Ш. Навоий кимни севган? //Ёшлик. -1991. -№ 5. -Б.33-36.
- 56.Сирожиддинов Ш. Қуллуқ арзадошт улким... //Ўзбек тили ва адабиёти. -1991 -№ 4 -Б. 68-73.
- 57.Сирожиддинов Ш. Алишер Навоийга бағишланган қасидалар. //Бадиий адабиёт ва адабий тил масалалари.- Самарқанд, 1991. -Б. 3-10.
- 58.Сирожиддинов Ш. Навоийнинг мағлубияти //Тафаккур. -1997. -№3.- Б. 82-85.
- 59.Сирожиддинов Ш. Навоий ва Мажиддин: Ҳақиқат ва уйдирма //Фан ва турмуш. - 1997. - N 2. -Б. 8-9.
- 60.Сирожиддинов Ш. Навоий Астрободга нега жўнатилган? //Мулоқот. - 1997. - N 1. -Б. 39-40.
- 61.Сирожиддинов Ш. Навоий Машҳадда неча бор яшаган? //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1997. -25 апрель.

62. Сирожиддинов Ш. Навоий номи зикр этилган илк асар // Фан ва турмуш, 1997. - № 3. - Б. 20.
63. Солиҳова М. Алишер Навоий девонларига ёзилган дебочаларда шоир биографиясига доир маълумотлар. // Адабий мерос. - 1968, - № - Б. 94-97.
64. Сулаймонова Ф. Жасоратга тўла умр / Ҳ. Сулаймон ҳақида / Нашрга тайёрл. С. Ҳасанов. -Т.: Ўқитувчи, 1991. - Б. 5-19.
65. Сулаймонова Ф. "Хамса" қўлёзмалари чет элларда // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1985. - 8 ноябрь
66. Сулаймонова Ф. Навоийнинг муъжаз сурати // Гулистон. - 1990. - № 2. - Б. 12-13.
67. Сулаймон Ҳ. Асрлар қаъридан қад кўтарган шоир // Шарқ юлдузи. - 1981. - № 2. - Б. 231-237.
68. Сулаймон Ҳ. Алишер Навоийнинг янги топилган асари. Ситтаи зарурия" ва унинг қўлёзма манбалари ҳақида // Адабий мерос. - 1968. - № 1. - Б. 192-300.
69. Сулаймон Ҳ. "Хазойин ул-маоний" текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари / Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. 4 томлик. -Т.: ЎзФА наш., 1959. - 1 том. - Б. V-XXV.
70. Турсунов Ю. Навоийнинг Астрободдаги фаолиятига доир. // Адабий мерос. - 1984, - № 1. - Б. 37.
71. Фитрат А. Навоийнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида // Маориф ва ўқитувчи, 1926. - № 12. - Б. 38-39.
72. Шодиев Э. Навоий ва Ҳотифий. // Алишер Навоий ва адабий таъсир масалалари. - Тошкент, 1968. - Б. 75-77.
73. Шодиев Э. Донишманд мураббий. // Шарқ юлдузи. - 1968. - № 4. - Б. 225 - 231.
74. Эркинов С. Лутфий // Лутфий. Девон. Гул ва Наврўз. Достон / Нашрга тайёрл. С. Эркинов. -Т.: Тошкент, 1965. - Б. 5-20.
75. Якубовский А.Ю. Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои // Сб. Алишер Навои. - М.-Л., 1946. - С. 37-41.
76. Ўринбоев А. Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳаёти ва тарихнавислик фаолиятига доир. // Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Кириш сўз, II. / Масъ. муҳ. С. Азимжонова, У. Каримов. - Тошкент: Фан, 1969. - Б. 12-29.
77. Ўринбоев А. Навоийга илтимосномалар. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1983. - 4 февраль.
78. Ўринбоев А. Ноёб мактублар. // Гулистон. - 1971. - № 12. - Б. 15.
79. Ўринбоев А. Навоий биографиясига оид икки хужжат. // Адабий мерос. - 1982. - № 2. - Б. 57 - 62.
80. Қаямов А. Навоий ва навоийшунослик. // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1968. - № 5. - Б. 7 - 12.
81. Қориев Б. Навоий ва туркман адабиёти / Ўзбек тили ва адабиёти. - 1968. - № 3. - Б. 39-42.
82. Ғаниева С. Навоий биографиясига оид бир хужжат. // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1981. - № 1. - Б. 32 - 38.
83. Ғаниева С. Шонли 50 йилда навоийшунослик. // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1974. - № 5. - Б. 32 - 38.
84. Ғаниева С. "Муншаот" да даврнинг баъзи ижтимоий - сиёсий масалалари. // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1975. - № 1. - Б. 11-15.
85. Ғаниева С. "Мажолис ун - нафоис"нинг форсий таржимасидаги баъзи иловалар ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1964. - № 2. - Б. 64 - 68.
86. Ғаниева С. Очилмаган саҳифа // Шарқ юлдузи. - 1967. - № 1. - Б. 189-198.
87. Ғаниева С. "Хамса"нинг мукамал нашрини тайёрлаш принциплари // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1982. - № 1. - Б. 38-42.
88. Ғафур Ғулом. Навоий ва замонамиз. // Асарлар: 10 томлик. -Т., 1976. - 8 - жилд. - Б. 100-117.
89. Ғафур Ғулом. Шарқнинг буюк шоири ва мутафаккири Абдурахмон ибн Аҳмад Жомий. // Асарлар: 10 томлик. -Т., 1976. - 8-жилд. - Б. 336-389.
90. Ғафур Ғулом. Хоки Мусалло. // Асарлар: 10 томлик. -Т., 1976. - 8- жилд. - Б. 457-462.
91. Ҳайитметов А. Навоий ҳақида янги маълумотлар. // Шарқ юлдузи. - 1972. - № 9. - Б. 183-188.
92. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг форсий мактублари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1974. - № 1. - Б. 9-13.
93. Ҳайитметов А. Алишер Навоий ҳақида янги маълумотлар / Ҳаётбахш чашма. -Т.: Ғ. Ғулом, 1974. - Б. 165.
94. Ҳайитметов А. Алишер Навоий асарларининг академик нашрини тайёрлаш ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1976. - № 1. - Б. 31-34.
95. Ҳақимов М. Алишер Навоий ва халқ оғзаки ижодиёти проблемасининг қўйилишига доир // Адабий мерос. - 1978. - № 11. - Б. 99-107.
96. Ҳомидий Х. Дўстлик нашидалари. // Шарқ юлдузи. - 1967. - № 1. - Б. 199-206.
97. Ҳомидий Х. Дўстлар назмида Алишер Навоий. // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1975. - № 3. - Б. 30-33.

**АЛИШЕР НАВОИЙ АҚИДАЛАРИ:
БИРИНЧИ СУҲБАТ**

КИРИШ

Ортодокс диний таълимотларнинг Комил инсон талқинидаги тор тасаввури уларнинг бағрида айрим диний-фалсафий оқимларнинг шаклланишига олиб келган. Ушбу оқимлар инсон ва унинг илоҳиёт тизимидаги ўрни ҳақида янгича қарашларни ўртага ташладилар. Ҳиндуйликдаги кришнавийлик, буддавийликдаги баъзи оқимлар, худди шундай, исломдаги тасаввуф оқими ҳам ўз таълимотида инсонни руҳан ва маънан камол топтириш йўллариغا кенг тўхталган. Шу маънода, улар ўртасида ўхшашликлар жуда кўп. Гарчи улар бир-бирларининг тажрибаларидан ижодий фойдаланган бўлсалар-да, диний ақидалари юзасидан бир-бирлари билан ҳеч қачон бирлаша олмаганлар. Фақат бир соҳа борки, унинг таълимотида динлар уйғунлашган, таълимотлар ягоналашган, фалсафалар бирлашган. Инсоннинг асл моҳияти ҳақидаги барча диний-фалсафий қарашлар умумлаштирилган ва уни камол топтирувчи мезонлар белгиланган. Бу шеъриятдир.

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ўз асарларида маънавий поклик, халқпарварлик ва маърифатпарварликни куйлаб, ўз авлодларига катта адабий-фалсафий ва илмий мерос қолдирди. Навоийнинг жамият тараққиёти, шахс камолоти билан боғлиқ фикр ва мулоҳазалари қадим файласуфлари ғоялари билан ҳамоҳангдир. Навоий ижодининг бош хусусиятларидан бири, сўзсиз, кишилар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик ва эзгуликнинг марказий ўринга қўйилишидир.

Маълумки, фикрни қобикқа ўраб етказиш уни тўғридан-тўғри айтишдан кўра таъсирлироқ ва самарали натижа бериши мумкин. Бадиий адабиёт ғоявий тарғиботнинг энг кучли воситаси саналади. Шу сабаб, шоирлар мутафаккирлар қаторига қўйилган. Навоий ҳам бундан мустасно эмас.

Унинг дoston ва ғазалларида акс этган илмий-бадиий, диний-фалсафий тафаккури шу қадар кенги, баъзи байтлар шарҳи ўқувчидан ниҳоятда кенг билимларга эга бўлишини тақозо этади. Навоий “Хамса”си сўнгида номаълум котиб томонидан ёзиб қолдирилган куйидаги мисралар диққатга сазовордир:

*Навоийки, ул жомеи сирру жаҳр,
Анинг ҳар сўзидур муаммо мисол,
Анго етмагандин хирад нутқи лол.
Жаҳон ганжи ҳар байтидадур ниҳон,
Ки ҳар ганжидадур ниҳон бир жаҳон...¹*

Маъноси: Навоий барча пинҳоний яширин сирларни ўзида мужассамлаштиргандир. Унинг ҳар сўзи одамни ўйлантиришга мажбур қилади. Донишмандлар унинг сўзлари мағзини чақа олмай лол қоладилар. Унинг ҳар бир байтида жаҳон ганжлари ниҳон ва ҳар бир бирида бир жаҳон ҳикмат бор).

Шуниси эътиборлики, Алишер Навоий, гарчи улуғ суфийлар ва нақшбандия тариқатига чуқур эҳтиром кўрсатган бўлса-да, ўзи суфийлик хирқасини киймаган ва тасаввуф тариқатида қатъий қабул қилинган қоида – муайян пирга байъат қилмаган. Бироқ унда суфий-

¹ Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Терма девон. Қўлёзма. 1832 йилда Бухорода кўчирилган.

ларнинг барча фазилатлари мужассам эди. Буни билиш жуда муҳим. Навоий дунёқараши ҳақида фикр юритганда унинг позициясини тўғри белгилаш керак. Навоий орзу қилган комил инсон, бундай олганда, тасаввуфдаги комил инсон мезонларига тўғри келади. Навоий ғоялари ҳам тасаввуф ғояларига ҳамоҳанг. Бунинг устига улуғ мутафаккирнинг комил инсонларга хос ибратли ҳаёти уни суфий ёки мутасаввиф деб аташга, қайсидир маънода, асос қилиб кўрсатилиши мумкин. Бироқ унинг ижодидаги соф ирфоний мақсадларда ёзилган ғазалиёти ва қасидаларини ҳисобга олмаганда, аксарият асарлари таҳлили ўзгача ёндашувни талаб қилади. Узоқ йиллик кузатишлар Навоий асарларини фақат дунёвий нуқтайи назардан таҳлил қилиш адолатдан бўлмаслиги сингари тўғри келса-келмаса ирфоний ғояларни рўқач қилиб таҳлил қилиш ҳам тўғри эмаслигини кўрсатмоқда. Навоий инсон ва олам, борлиқ фалсафасини тушунтиришда тасаввуф таълимотидан кенг фойдаланган.

Навоий ўз олдида буюк вазифа – Инсонни тарбиялаш миссиясини қўйган. Уни суфийлардан ажратиб турадиган принципиал жиҳат – жамиятни тарбиялаш масаласига глобал ёндашувидир. Шу йўлда, аввало, ўзи ибрат бўлди ва бошқаларни ҳам даъват қилди. Тасаввуф ана шу буюк мақсадни амалга оширишда восита бўлди ва Алишер Навоий ижодида ўзига хос талқинини топди. Шу нуқтайи назардан Навоийнинг “комил инсон”и тасаввуфнинг икки ғоявий платформаси орқали шакллантирилгани ҳақида гапириш мумкин. Бири “Илоҳий ишқ” концепцияси орқали бўлса, иккинчисини “ахлоқ ва нафс тарбияси” ташкил этади. Улуғ мутафаккирнинг ақидалари ва ғоявий мақсадини тўғри тушуниш учун аввало унинг инсон феноменига, динга ва жамиятдаги муносабатларга қайси позициядан ёндашганлигини аниқлаштириб олиш муҳимдир.

ИНСОН БУРЧИ

Инсон ким? Инсоннинг бу дунёдаги асосий вазифа ва бурчлари нимадан иборат? Бу саволлар баъзида оламни идрок этиш, сиру синоатга бой бу дунёнинг ибтидосини англаш учун бир дам хаёлга берилган кишини қийнаб қўйиши табиий.

Материалистлар инсоннинг пайдо бўлиши ва ривожланиши сабабларини табиатдан қидирсалар, илоҳиётчилар уни илоҳий борлиқ билан боғлаганлар. Аммо инсоннинг қандай маънавий қонунлар асосида яшаши масаласида уларнинг хулосаси бир-бирига зид эмас: “инсон ҳамиша маънан ва ақлан баркамол бўлишга, Эзгуликка интилиши даркор”. Ушбу мезон барча диний таълимотларда марказий ўринни эгаллайди.

Тасаввуфий адабиётларда таъкидланишича, моддий оламни яккаю ёлғиз бўлган Парвардигор ўз моҳиятини, бетакрор гўзаллиги ва қудрати жилвасини моддиятда кўриш ва унинг жамолидан завқланиш истагида яратган. Қудсий ҳадисда келтирилишича, Довуд пайғамбар Аллоҳдан бу оламни нега яратганини сўраганида, Аллоҳ: “мен бир хазина эдим ва кашф қилинишимни хоҳладим. Шунинг учун оламни яратдим”, деб жавоб қилган экан.

Навоий тасаввуфдаги ушбу бош ақидани шундай назмга туширади:

*Не бўлуб аввалдин бидоят санга,
Не келиб охирда ниҳоят санга.
Сен эдингу бас яна мавжуд йўқ,
Жилва қилиб ўзунгга ўз хуснунг ўқ.
Жилваи хуснунгга чу йўқ эрди ҳад,
Кўзгу керак бўлди анга беадад.
Мунча ғаройибки мисол айладинг,
Барчани миръоти жамол айладинг¹.*

Маъноси: Эй Парвардигор, мавжудликда сенда бошланиш ва ниҳоя йўқдир. Ўзингдан бошқа ҳеч зот ва нарса бўлмаган. Хуснинг жилолари беҳад эди ва уларни томоша қилишга ҳисобсиз кўзгулар керак бўлди. Барча яратганларинг (моддий олам) жамолингни акс эттирадиган кўзгуни ташкил этди.)

Бу мафтункор моддий гўзалликни яратиш унинг олий ифодаси – Инсонни яратиш ғояси натижасида туғилган:

*Мунча ғаройибки мисол айладинг,
Барчани миръоти жамол айладинг.
Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек баридин ғараз инсон эди².*

Маъноси: Эй, абадий ва азалий бўлган Парвардигор, яратган ғаройиб гўзалликларинг ҳаддан зиёд эди ва уларни яратишдан мақсад Инсон эди.)

¹ Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр, МАТ, 7- жилд. – Т.: Фан, 1991, 15-16-бет.

² Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр, МАТ, 7- жилд. – Т.: Фан, 1991, 16-бет.

Демак, Инсон – барча моддий гўзалликнинг яратилишига, яъни моддий оламнинг яратилишига сабаб бўлган. Нега? Инсон яратилишидан мақсад нима бўлган? Навоий айтади:

*Офаринишдан қилиб Инсон ғараз,
Они айлаб халқ ичинда беаваз.
Кўнглинг онинг махзани ирфон қилиб,
Ул тилисм ичра ўзин пинҳон қилиб¹.*

Маъноси: Аллоҳ таолонинг бу оламни яратишдан мақсади Инсон эди ва уни тенгсиз қилиб яратди. Унинг қалбига бор илмларни жойлаб, тилсимлади ва бу тилсим ичида ўзи ҳақидаги ҳақиқатни пинҳон этди).

Бу билан Навоий, яратилганларнинг энг беназири-тенгсизи бўлган Инсонга унинг қалбига жойланган “илм хазинаси” тилсимларини ечиш орқали унда пинҳон бўлган Ҳақни таниш вазифаси юклатилганлигига эътиборни қаратади. Бошқача айтганда, инсон қалбида одамзод ўз тараққиёти давомида аста-секин кашф этиб бориши, яъни тилсимларни ечиб бориши лозим бўлган жамики илмлар жойланган ва улар охир-оқибатда инсон учун кўринмас ва яширин бўлган Аллоҳга элтади.

Олам – бу материал борлиқ. Буни уммоннинг юқори қисмида пайдо бўладиган тўлқинларга менгзаш мумкин. Биз уммон деганда унинг тўлқинларини эмас, балки сув ва унинг ичидаги дунёни тушунамиз. Лекин тўлқинни сувдан ажратиб бўлмайди. Демак, биз уммон деганда кўз ўнгимизга тўлқинлар келса-да, моҳиятан сув эканлигини биламиз. Ана шу моҳият Аллоҳдир. Олам эса унинг маҳсулидир. Биз уни “халқ” ёки “хилқат”, яъни яратилган нарсалар деб атаймиз. Тўлқин сувнинг бир кўриниши, жилоси бўлганидек, “халқ”нинг турли кўринишлари Аллоҳнинг жилолари ёки бошқача айтганда, тажаллийлари дейилади. Ҳақ ўзининг тажаллийсида турлича ва хилма-хилдир. Навоий айтади:

*Барчасин Ҳақ зоти мавжи баҳри бил,
Ҳам вужудин мавж янглиғ англағил.*

Ҳақ инсон қалбида “ниҳон”, уни англаш учун қалб “билим хазинаси” қилиб қўйилган. Инсон, аввало, ўз қалбини ўрганиши зарур. Бунда унга Ишқ ёрдам беради:

*Мунда гар яхши тахайюл айласанг,
Ёки ишқ сиррин тааммул айласанг. ,
Муттасиф бўлсанг сифатиллоҳ ила,
Жазм этарсен хотири огоҳ ила
Ким сен – ўқ сен ҳарнеким мақсуд эрур,
Сендин ўзга йўқ неким мавжуд эрур.
Зотнинг ижмолиға тафсилсен
Ҳам вужуд ашколиға таъвилсен.
Ўз вужудингға тафаккур айлағил,
Ҳар не истарсен ўзунгдин истағил!²*

¹ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр, МАТ, 12- жилд. – Т.: Фан, 1996, 4-бет.

² Алишер Навоий. Лисон ут-тайр, МАТ, 12- жилд. – Т.: Фан, 1996, 301-бет.

Навоий асарлари Қалбдаги яширин хазина, Ишқ ҳақидаги буюк фалсафа ва унинг таълимоти очиб беришга бағишланган. Инсоннинг бу дунёдаги энг улуғ бурчи Ишқни англаш ва Ошиқ бўлишдир. Шундагина у қалбида Парвардигор яширган буюк Хазинанинг соҳиби бўлади!

ИНСОН ҚАЛБИДА ЯШИРИЛГАН ХАЗИНА

Суфий символикасида Қалб бир вақтнинг ўзида ҳам илоҳий билимлар хазинаси ва ҳам мистик билиш органи ҳисобланади. Ҳадиси қудсийда “На осмондаман ва на ердаман, балки мен бандамнинг қалбидаман” деб айтилгани билан тасдиқланади. Қалб худди кўзгубо каби илоҳий нурни акс эттиради. Ҳақ қиёфасини кўриш учун уни яхшилаб тозалаш керак. Ҳақиқат йўлига кирган солиқнинг барча ҳаракати ана шу зангни кетказишга, яъни олам яратилишининг сир-синоати, ғайб олами сирлари ҳақида ақлий-манتيқий идрок этишга қаратилиши лозим. Илоҳга бўлган ишқ, чексиз муҳаббатгина Қалбнинг мусаффолигини таъминлайди. Ҳақни билиш зоҳирий “Мен”дан воз кечиш ва ҳақиқий “Мен”ни ўрнатиш орқали қўлга киритилади.

Оламни билиш асосида Ишқ туради, дейди мутафаккир. Ишқ нималигини англаган инсонга бутун дунё сир-синоати ва моҳияти аён бўлади:

*Эй ишқ, ғариб кимиё сен,
Бал ойинаи жаҳоннамо сен.
Инсонники халқ қилди Халлоқ,
Йўқ тийнат анга ба ғайри туфроқ.
Сен ким анга ошнолиқ эттинг,
Туфроққа кимиёлиқ эттинг.
Олтин қилдинг узурин онинг,
Балким тани хоксорин онинг.
Бу навъ ила доғи қилмадинг бас,
Ҳажр ўтиға солдинг ўйлаким хас.
Ҳам олтин ўлуб бу пайкари хок,
Ҳам ўлди бу навъ холису пок.
Ким қилди сенга назарни равшан,
Кўрди еру кўкдагин муайян.
Чун боққали ихтиёр топти,
Ҳар сорики боқти, ёр топти.¹*

Маъноси: Эй, ишқ, ғаройиб кимёсан. Сен оламни кўрсатувчи кўзгудирсан. Сен азалдан шундай яратилгансан. Сен инсоннинг тупроқ танини олтинга айлантирдинг, уни ҳажр ўтида тоблаб, нуқсонлардан тозаладинг. Кимки сенга диққат қилган бўлса, унга еру кўкдагини аниқ кўрсатдинг. Кимки бу кўзгуга қарашни ихтиёр этган бўлса, қаерга қарамасин, у ерда Ёрни – Аллоҳни топди.)

Суфий ўз қалбида илоҳий тажаллиётни кўра олиш даражасига етиши керак. Румий масалларининг бирида суфий ошнаси билан бир боққа кириб қолибди. Ҳеч нарсага қарамай

¹ Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. МАТ, 9- жилд. – Т.: Фан, 1999, 308-310-бетлар.

чекада ўтириб, бошини осилтирганча хаёлга толибди. Ошнаси ундан: “Нега Аллоҳ неъматлари аломатлари бўлган бу гўзалликдан завқланмаяпсан?” деганда у: “Бу аломатларни ўз қалбида кўра олган яхшироқ” деб жавоб берган экан.

Суфийни ҳақиқатга етказадиган йўлбошчи – бу Ишқдир. Бу ҳиссиёт тасаввур ва тахайюлни уйғотади. Тахайюлсиз “ғаввос” уммон тубидан “ ҳикмат дурлари” ни олиб чиқа олмайди. “Агар кимда фаол тахайюл бўлмас экан, у муаммоларнинг моҳиятини оча олмайди. У кўрдир”, дейди машҳур тасаввуф назарийчиси Ибн Арабий. Инсон моддий оламда акс этган Ҳақ жамолининг зуҳуротидан Тангрининг нечоғлиқ, юз бор, минг бор, миллион бор кўркамроқ эканлигини англаши ва Ҳақиқий ишқдан маст бўлиб, яъни билиш воситасида ул Олий Зотга қараб интилноғи даркор.

Қадимги юнон файласуфи Плотиннинг таълимотида шундай дейилади: Бу дунёда жонсиз нарсанинг ўзи йўқ, барча нарсаларга жон ато қилинган. Бироқ фақатгина инсон руҳи Илоҳий руҳ билан яқин алоқага (бирликка) эга. Шу сабабли инсон руҳи ваҳдатга қараб интилади (инсоннинг энг олий мақсади-жисмоний қолипдан қутулиб, илоҳни ваҳдатга қайтишдир. Бунинг шарт борлиқнинг илоҳий гўзаллигини сезиш ва ахлоқий ҳаётини такомиллаштиришдан иборат. Алишер Навоий буни инкор этмайди:

*Қайси тарафким анга бериб назар,
Дўст жамоли бўлубон жилвагар.
Балки бўлуб ўзлуги ҳам бартараф
Кўз ки солиб, ёр кўруб ҳар тараф.
Ким бу сифат Ишқда мағлуб эрур,
Ҳар неки андин келур, ул хўб эрур...¹*

Аммо у масалага кенгроқ назар ташлайди. Инсон аввал-бошдан олий даражадаги ақл ва тафаккур билан таъминланган (инсон қалби – илм хазинаси). Унинг зиммасидаги бош вазифа илоҳий неъмат бўлган она заминни обод қилиш, юксак цивилизацияга элтиш ва бунинг гарови бўлган ЭЗГУЛИКни асрашдир. У ўз ибтидосида қобилятининг жузъий ва содда кўринишига эга ҳолда яратилган. Тангри инсонга меҳнат, изланиш ва тафаккур билан ақлан ва маънан ривожланишни ирода қилган. Бошқача айтганда, унинг қалбига яширилган илмларни кашф қилиш натижасида Куръони каримда баён қилинган, Аллоҳ фаришталарга намойиш қилган комил инсон даражасига етиши керак. Инсон камолоти эволюциясини кузатиш Тангрига завқ беради. Зеро, инсон турли кашфиётлар, хатоликлар ва адашишлар воситасида Ҳақиқатга яқинлаша бошлайди. Ҳақиқат шуки, инсон охир-оқибатда Аллоҳнинг борлигини тушунади ва Унинг бу заминни, одамзот ва оламни яратишдан асл мақсадини тушуниб етади. Ҳақиқат тушунчасининг навоиёна талқини шудир. Шунинг учун ҳам Навоий ўз асарларида одамларни тафаккур қилишга, илм орттиришга, юксак маънавий-ахлоқий даражаларни эгаллашга чақиради. Тафаккур қилиш инсонда ўз вужудининг мукамал яратилганидан таъсирланиш, борлиқнинг муъжизавий суратда мутаносиблигидан, ҳаётий жараёнларнинг мустаҳкам қонуниятларга эга эканлигидан ҳайратланишдан бошланади. Ҳайрат инсонни илм олишга йўналтиради. Бир томондан, ҳар бир нарсада Аллоҳ қудрати ва муъжизасини сезиш, Унинг санъаткорлиги даражасидан ҳайратланиш инсонга ақлий салоҳиятини табиат қонуниятлари ва ҳаёт фалсафасини чуқурроқ ўрганишга

¹ Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр.. МАТ, 7- жилд. – Т.: Фан, 1991, 206 бет.

йўналтирса (юқоридаги парчада келтирилган ишқнинг “ойинаи жаҳоннамо”лик хусусияти), иккинчи томондан, ишқ ўзининг “кимёгар”лик хусусияти билан инсонни маънавий камолотга халал берадиган худбин карашлардан, ижтимоий иллатлардан қутулишга, юксак фазилатларни касб этишга ундайди. Илмда юксалиш донишмандликка олиб келади. Донишмандлик фозиллик, яъни юксак маънавиятни таъминлайди. Мутафаккир асарларида адлу инсоф, сабр-қаноат, карам-саховат, меҳр-мурувват қанчалик улуғланса, кибр-ҳаво, таъма ва манманлик билан боғлиқ қатор иллатлар қаттиқ қораланади. Нафсоний лаззатларга берилиш, ҳаёт мазмунини фақат шахсий манфаатларни қондиришдан иборат деб билиш ва шу йўлда ҳаракат қилиш инсонни Ҳақиқатдан йироқлаштиради. Аксинча, илм ўрганиш – камолот сари интилишнинг асосий воситасидир. Илм инсон ва олам муносабати, ҳаёт моҳияти ва олий умуминсоний қадриятлар ҳақида мулоҳаза юритишга, тажрибада синаб кўриш орқали ҳақиқат сирларини очишига ёрдам беради. Натижада инсон шахсий нафсоний қарашлар исканжасидан қутулиб, Аллоҳ таоло уни нега “халқ ичинда беаваз” (яратилганлар ичида беназир) қилиб қўйганини ва унинг зиммасига моддий олам учун масъуллик, табиат ва жамиятни тараққий эттириш вазифаси юклатилганлигини англай боради. Ушбу масъуллик ва вазифа инсонни ер юзида кечаётган барча иқтисодий-ижтимоий, сиёсий жараёнлар, инсоният тақдирига хавф туғдирувчи омилларга лоқайд бўлмаслик, дунёда Эзгулик ҳукмронлик қилишига эришув учун курашишга чорлайди.

ИШҚ ФАЛСАФАСИ

Ишқни туйиш фақат инсон зотига тақдир қилинган. Ибн ал-Арабий шундай келтиради: “Билгинки, табиий ишқдан мурод ҳайвоний руҳдаги қўшилишдир, руҳоний ишқ эса Аллоҳнинг ўз қулига (инсонга) ва қулнинг ўз Парвардигорига ишқидир. У бандаларини севади ва бандалар ҳам уни. Бу ишқнинг мақсади иккала томондан ҳам севиш ва севилишдир. Руҳ Ҳақнинг бир заррасидир. Шунинг учун ҳам у Ҳақ учун сеvimли. Инсон руҳи Ҳақ ва инсон орасидаги робита бўлиб хизмат қилади ва Ишқ орқали Мабда (Аллоҳ) танилади. Инсонга ана шу неъмат берилгани учун ҳам барча хилқатлар ичида энг шарафлиси ҳисобланади. Тасаввуфда танга “руҳ зиндони” сифатида қараш мавжуд. Инсонга унинг тан-жасади Аллоҳга тамоман қўшилиб кетишига йўл қўймайди. Шу жиҳатдан у “ўлмасдан туриб ўлиши”, яъни тафаккур билан Аллоҳ ҳақиқатини англаб етиши зарур. Аллоҳ таоло инсонга ҳақиқатни излаш қобилиятини ато этди. Шу сабабдан одамзод ихтиёрсиз равишда тинмай изланади, моддий олам сир-синоатини билишга ошиқади. Аллоҳга бўлган интилиш, уни англаш йўлидаги изланишлар тасаввуфда “ишқ” тушунчасини ифодалайди.

*Муни билким, жаҳон фонийдур асру,
Ҳақиқат аҳли зиндонидур асру,
Бу ким Ҳақ айлади Инсонни мавжуд
Анга мавжудликдин борча мақсуд.
Эрур Ҳақ амрига маъмур бўлмоқ,
Бу ишдин ўзгадин маъзул бўлмоқ
Чу маҳбуби ҳақиқий улдурур ул,
Анинг васли сори қатъ айламоқ йўл...*

*Бу йўл ичраки беҳад дарду ғамдур,
Узоқ тортар, вале икки қадамдур.
Бири ўзлукни қилмоқ бўлди фоний
Яна бир доғи топмоқ бўлди они.
Киши ўзлукни қўймай они топмас,
Тенгиз кечмай дури яктони топмас.
Бу ўзлукдин қутулмоқ чора сози,
Нима йўқ ўйлаким ишқи мажозий.¹*

Инсоннинг Аллоҳ-ҳақиқат томон интилиши, яъни қалбидаги ирфон хазинаси тилсимларини ечиб бориши, дастлаб, ўз вужуди ва моддий борлиқ ҳақиқатини англаши, уни ақл, илм йўли билан ўрганишидир. Моддий ва маънавий гўзалликларни ўрганишга интилиш ва тажриба қилиш тасаввуфда “мажозий ишқ” тушунчаси билан ифодаланади. Алишер Навоий “Мажоздин мақсад ҳақиқат эканин изҳор қилмоқ ва суратдин (шаклдан, моддиятдан) ғараз (ният, сабаб) маъни эканин падидор (равшан) қилмоқ” деб бир қитъасини бежиз номламаган. Унда шундай келтиради:

*Мажоздин манга мақсуд эрур ҳақиқий ишқ,
Нединки, аҳли ҳақиқатға бу тариқат эрур.
Мажоздин чу ҳақиқатга йўл топар ошиқ,
Қилур мажозни нафйи улки, беҳақиқат эрур.*

Маъноси: Моддий гўзалликка шайдоликдан мақсад ҳақиқий ишқ - яъни Аллоҳни тасаввур этишидир. Чунки, ҳақиқатни (Аллоҳни) изловчи одам уни мажоз (моддий гўзаллик) орқали топади. Кимки буни инкор қилса, демак, у ҳақиқатни билмайди.)

Мажозий ишқнинг бир кўриниши инсоннинг инсонга муҳаббатидир. Инсон биомавжудот сифатида табиатнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Инсоннинг гўзалликка шайдолиги ҳам ишқдир, илм йулидаги фидоийлиги унинг муайян (илмий, диний, фалсафий ва ҳ.к) соҳага муҳаббатини англатади, Ватанга муҳаббат ҳам мажозий ишқдир. “Ватанни севмоқ-иймондандир” деб бежиз айтилмаган. Зотан, мажозий ишқ замирида Аллоҳ сифатлари ётади. Уларни англаш, тажриба қилиш эса Аллоҳни кашф этишга яқинлаштиради.

*Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар,
Ҳақиқий ишқ анга хуршеди ховар... .
Мажозий ишқдин ўртанса жонинг,
Бориб сайли фаноға хонумонинг,
Ҳақиқий ишқдин эсгай насиме,
Етиб онинг насимидин шамиме,
Бўлуб маъшуқи аслий чорасозинг,
Ҳақиқатға бадал бўлғай мажозинг.²*

Шу ерда Навоий “мажозий ишқ”ни кенг маънода тушунаётганини ҳисобга олиш керак. Бу Парвардигор томонидан инсонга азалдан баркамол бўлиш вазифаси юклатилганига ишо-

¹ Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. МАТ, 9-жилд. – Т.: Фан, 1991, 195-196-бетлар.

² Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ, 8-жилд. – Т.: Фан, 1991, 197-198-бетлар.

радир. Инсон ҳаёти давомида жуда кўп жисмоний ва руҳий қийинчиликлар орқали ҳаёт мактабини ўтайди, тажриба тўплайди ва камолотга эришади. Навоий ана шу йўлни Аллоҳни таниш йўли деб билади. Бунда Ишқ муҳим ўрин тутаети. Ишқ тушунчасини буюк мутафаккир фақат Парвардигорга тўғридан-тўғри муҳаббат қўйиш билан чекламайди. Унинг учун Ишқ билим ва юксак фазилатлар, ахлоқий етуклик касб этишга интилиш завқидир. Навоийнинг тасаввуфона ишқ ифодаланган лирикасига диққат қиладиган бўлсангиз ундаги ғояларнинг умумий махражи илм ўрганиш, баркамол бўлиш, гўзалликни севиш ва қадрлаш, ахлоқан етук бўлиш ва инсонпарварлик фазилатларига эга бўлиш атрофида бирлашади. Мажозий ишқнинг объектлари беҳисоб ва уларнинг замирида, сўзсиз, Ҳаёт фалсафаси сири яширин. Инсон маънавий баркамоллик орқали ҳақиқий инсонлик моҳиятини касб этади. Шундагина инсон Аллоҳнинг севимли бандасига айланади. Баркамоллик бу – Гўзаллик, Эзгу ахлоқ, Юксак маънавият ва илмлилик тушунчаларини ифодалайди. Уларга эга бўлиш осон эмас. Навоий ишқ инсонни камолга етказувчи асосий восита, дейди:

*Камол эт касбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ,
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.*

Маъноси: Камолотга эришишга ҳаракат қилгинки, сенга бу дунёдан ғамгин (нодон ва ахлоқан нопок) ўтиш мумкин эмас. Такомиллашмасдан (оқил ва фозил, доно бўлмасдан) ўтмоқ, худди ҳаммомга кириб, ювинмасдан чиқмоқ кабирдир.)

Ишқ, эзгулик ва бағрикенглик тамойиллари инсон ҳаёти ва дунё тизимининг асоси бўлиб, самимий инсоний муносабатлар, шахснинг муқаддас ва пок тинчликсевар туйғулари асосида пайдо бўлади, деб ўргатади буюк мутафаккир. Инсон номига муносиб бўлиш энг олий шарафдир.

Навоий ишқ тушунчасига илоҳиётчи олимларга хос ёндашган. Унинг фикрлари буюк христиан илоҳиётчиси Августин, юнон файласуфларидан Плотин томонидан айтилган фалсафий мулоҳазаларга ўхшаб кетади. Тасаввуф назариясида ҳам шундай. Тасаввуфда борлик, ундаги моддий ва руҳоний олам ишқ орқали бир-бирига боғланади. Ориф, Ишқ, Парвардигор учбурчаги. Ориф – доно, кўп нарсани билувчи, Навоий таъбири билан айтганда, Ишқ моҳиятини англаб етган инсон. Ошиқ дейсизми, маҳжур дейсизми, мажнунми, машраб дейсизми, яна ўнлаб шундай таърифи орифга тўғри келадиган атамаларни санаб ўтиш мумкин. Учбурчакнинг қайси тарафидан қараманг, Парвардигор ва ориф ўртасида Ишқ туради. Инсон ҳам ошиқ ва ҳам маъшуқ, Парвардигор ҳам, ошиқ ва ҳам маъшуқ бўлиши мумкин. Зеро, Парвардигор ҳам инсонни севади. Навоий “Садди Искандарий” достонида ёзади:

*Яқин англасам, ғайр бордур адам,
Ўзинг ошиқу ишқу маъшуқ ҳам.*

Барча гўзалликларнинг, инсоний баркамолликнинг мазмунини Парвардигор белгилаб берган. Инсон руҳи Ҳақ тажаллийсининг бир зарраси экан, у ҳамма вақт ўзининг мабдаси (асл маконига) қараб интилади, яъни баркамол бўлишга ҳаракат қилади. Ориф Парвардигорга интилар экан, моддий оламнинг гўзалликларига, уларнинг қанчалик комил қилиб

яратилганига лоқайд қарай олмайди. Ишқ фақатгина Гўзаллик билан ошно. Гўзаллик, – дейди Ибн ал-Арабий ўзининг “Футуҳот ал Маккия” асарида, – барча нарсаларда мужас-сам, шу сабабли дунё гўзал. Парвардигорнинг ўзи ҳақиқатда гўзал ва гўзалликни севади, кимки гўзалликни севса, Гўзални (Аллоҳни) ҳам севади, кимки Гўзални севса, дунёни ҳам севади.

Улуғ мутафаккир “ишқ” аҳлини уч қисмга бўлади: “Аввалги қисм авом ишқидурким, авом ун-нос орасида бу машхур ва шоъедурким, дерлар: “Фалон фалонга ошиқ бўлубтур”. Ва бу навъ киши ҳар навъ кишига бўлса бўлур, шағаб ва изтиробларича лаззати жисмоний ва шаҳвати нафсоний эмас ва бу қисмнинг бийикрак мартабаси шаръий никоҳдурким, бори халойиққа суннатдур ва мубоҳ... Иккинчи қисм хавос ишқидурким, хавос ул ишққа мансуб-дурлар. Ул пок кўзни пок назар билан пок кўзга солмоқдур ва пок кўнгил ул пок юз ошуби-дин кўзғолмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ишқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ ... Учинчи қисм – сиддиқлар ишқидурким, алар “Ҳақнинг тажаллиёти жамо-лига мазохир воситасидин айру вола ва мағлубдирлар. Ва ул мушоҳада беҳудлиғида алар-дин шуур, алардин маслуб. Шухудлари истиғроққа етган ва ул истиғроқдин истиҳлок мақо-мин ҳосил қилган. Агар ҳаводис ели сипеҳр гулшани авроқин учурса, аларга андин хабар йўқ ва анжум гулбарглари ҳар сори совурса аларга андин асар йўқ”,¹ яъни уларнинг Ҳақни кўз билан мушоҳада қилиш умидлари ўзни унутиш даражасига етган ва бундан ҳам ўтиб, ҳалок бўлиш мақомига кўтарилган бўлади. Агар ҳодисалар бўрони осмон гулшанининг бир қабатини учириб кетса – улар беҳабар ва агар юлдузлар гулбаргини ҳар томонга совурса буларга асар қилмайди. Уларнинг ҳислари Ҳақ жамолини кўриш ташвиши билан ишдан чиққан, шавқ-завқлари эса Унга бўлган ишқларининг ҳужуми остида йўқолиб битган..”

Ориф ҳар бир заррада Парвардигорнинг тажаллийсини сезади ва улардан завқланади ҳамда борган сари Парвардигорнинг беқиёс куч-кудрати фусункорлигига асир бўла бо-шлайди. Асирлик унинг қалбида илоҳий ишқни кўзғатади.

Алишер Навоийнинг ижоди тўла-тўқисинча инсонни ҳар томонлама баркамол қилиш ғояси тарғиботига қаратилган. Шу жиҳатдан ишқнинг турли маъно товланишларига дуч келамиз. Улуғ мутафаккиримиз дунёқараши бўйича Ишқ – бу инсонни фаолликка чақирув-чи, камолотга ундагувчи ҳаётбахш кучдир. Ишқ, эзгулик ва бағрикенглик тамойиллари инсон ҳаёти ва дунё тизимининг асоси бўлиб, самимий инсоний муносабатлар, шахснинг муқаддас ва пок тинчликсевар туйғулари асосида пайдо бўлади, деб ўргатади буюк мута-факкир. Инсон номига муносиб бўлиш энг олий шарафдир.

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК

Навоий-буюк мутафаккир шоир. У ўзигача бўлган барча диний-фалсафий ва мистик таъ-лимотларни чуқур ўрганган олимдир. Унинг ижоди ўзигача яратилган барча диний ғоялар, буюк фалсафалар, уларнинг форсий ва туркий шеърийятда акс этган талқинларини ўзида мужассам этган бўлиб, уларни янгича ҳассослик билан қайта тақдим этади. Унинг дoston ва ғазалларида акс этган илмий-бадий, диний-фалсафий тафаккур кўлами шу қадар кенги, баъзи байтлар шарҳи ўқувчидан ниҳоятда чуқур билимларга эга бўлишни тақозо этади.

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ, 14 - жилд. – Т.: Фан, 1998, 66-69-бетлар.

Навоийнинг диний таълимотларга муносабати ўзига хос. “Ҳайрат ул-аброр” достонида “Кўнгулнинг уч ҳайрати” тавсифига бағишланган бўлимда бунинг ифодасини кўриш мумкин. Уч ҳайратда, моҳиятан, Навоийнинг дин ҳақидаги фалсафий-тасаввуфий қарашларининг уйғун тарздаги муъжаз хулосаси келтирилган. Хусусан, кўнгил-руҳнинг иккинчи ҳайратида динлар ҳақиқати очиб берилади. Кўнгил самони сайр қилиб, энг юқори оламга етиб боради:

*Чун боридин юққори урди алам,
Юққориғи пояга қўйди қадам.
Кўрди ўшал хиттаи бутхонае,
Ҳар бутининг ҳайъати дурдонае.
Анда не раҳбон эди, не барҳаман,
Лек бори бутлар эди сиймтан.
Ҳар буте бутгарга парастиида маст,
Ўйлаки бут саждасида бутпараст.
Мунча ғаройибғаки қилди гузар,
Айлади ибрат кўзи бирла назар.
Барчасида зикру сужуд англади,
Маърифатуллоҳга шухуд англади.
Юзланиб ўз ҳолида ғайрат анга,
Бирга минг ўлди яна ҳайрат анга¹.*

(Маъноси: энг юқори оламга қадам қўйганда бутхонага кўзи тушди. У ерда на роҳиб ва на бараҳман бор эди. Фақат кумуш танли бутлар бўлиб, улар худди бутпарастлар бутга сажда қилгандек, ўзларини бунёд этган Бутгарга парвона эдилар. Бу ғаройиботларга дуч келган кўнгил уларга ибрат кўзи билан қаради. Барчаси (Бутгарга) сажда ва зикр билан бандлигини кўрди-ю, динлар ҳақиқатини англади. Бу ҳолатдан бир ҳайрати минг бўлди.)

Навоий фикрича, динлар турли хил бўлишига қарамай, уларнинг ҳақиқати-асосида ягона Парвардигорга сиғиниш туради. Ҳатто, бутпарастлик ҳам Аллоҳ таолонинг тажаллиётларидан бирига сиғинишдир, демакким, барча динлар аслида биргина Аллоҳ таолога сажда киладилар. Шунинг учун ўзга динларни қоралаш, уларга муросасиз бўлиш нотўғридир. Шу фикр “Лисон ут-тайр” асарида тасдиқланади:

*Қолмаса олам матоидин жиҳот,
Ўзга навъ ўлғай санга ул дам сифот.
Куфр ила имонға урғайсан илик,
Бу тамаъдин очилғай бир эшик.
Чун эшик очилди не куфру не дин,
Ичкари киргач, қутулдинг барчадин.
Куфру имон роҳравға кеш эмас,
Асл йўлда бандироҳе, беш эмас².*

¹ Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр.. МАТ, 7- жилд. – Т.: Фан, 1991, 90-91-бетлар.

² Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ, 12- жилд. – Т.: Фан, 1996, 239-240-бетлар.

(Маъноси: Инсон феъл-атвори ва амалида Олам матосидан (материал олам қобиғида ўралашиб қолишдан) ҳеч нарса қолмагач, дунёга бошқача назар ташлай бошлайди. Куфр ва имон моҳияти ҳақида тафаккур қила бошласа бу ҳаракатдан бир эшик (ҳақиқат) очилади. Ичкарига киргач (уни англагач), барча (мавжуд диний ва эътиқодий фарқлар, келишмовчиликлар, диний ихтилофлар) арзимаслигини тушунади. Куфр ва имон муросасизлиги Аллоҳ ҳақиқатини билиш, яъни диннинг туб моҳиятини англаш йўлида тўсиқдан бошқа ҳеч нарса нарса эмас.)

Шоир юқоридаги сатрларда бу дунё Эзгулик учун яратилгани, Парвардигор учун диний таълимотларнинг турлича бўлиши аҳамиятсиз бўлиб, инсон нафс иллатларидан қутулиб, маънан юксак фазилатлар касб этиши ва турли илмларни тараққий эттириш орқали, ақлан, оламнинг яратилиш моҳиятини тушуниб этиши муҳимроқ, деган ғояни илгари сургани кўриниб турибди.

АХЛОҚ ВА НАФС ТАРБИЯСИ

Алишер Навоийнинг ҳаётини позициясида энг кўзга кўриниб турадиган жиҳат – бу жамиятнинг ахлоқий пойдеворини мустаҳкамлаш, инсонлараро муносабатларда юксак маънавий қадриятларнинг устувор бўлишини таъминлашга ҳаракатдир:

*Ким бу чаман ичра хиромон эрур
Борчаси бир-бирига меҳмон эрур.
Ҳар кишиким бор эса, ёре анга
Ҳар кишиким ёр эса, боре анга.*

Инсонлараро муносабатларда шундай салбий жиҳатлар борки, Навоий фикрича, уларнинг касофати эзгулик ва меҳр-шафқат жамият маънавий ҳаётининг асосини ташкил этишига, жамият ривожига жиддий тўсқинлик қилади, инсоний қадриятларнинг топталишига сабаб бўлади. Бу иллатларнинг энг кўп тарқалгани раҳбарларнинг муросасиз бўлиши (бағрикенгликнинг акси), бойларнинг бахиллиги (саховатпешаликнинг акси) ва доно ҳамда ақлли кишиларнинг мол-давлатга ўч бўлиши (камтаринлик ва хоксорликнинг акси) бўлиб, Навоий фикрича, бу уч иллат жамиятга озор берувчи энг хунук ҳолатлардир:

*Уч кишидин уч иш ёмон кўринур,
Санга арз айлай аҳли дунёдин:
Шоҳдин тўндлуғ, ғанидин бўхл,
Молға майлу ҳирс донодин¹.*

Инсон такомиллашувига катта зарар етказадиган ушбу иллатлар Геродот айтгандек, “қадимдан инсонга хос бўлиб, ҳамиша қўрқув, хавотир, жаҳл, бағритошлик, ёвузлик, душманлик каби унсурлар билан уйғунлашиб келади. Шоҳнинг тўндлиги натижасида юзлаб бегуноҳ одамларнинг ёстиғи қуриши мумкин бўлганидек, бой кишининг бахиллиги

¹ Алишер Навоий. Бадоеъ ул-васат. МАТ, 5- жилд. – Т.: Фан, 1990, 499-бет.

шафқатсизликдан дарак беради. Дононинг мол-мулкка ружу қўйиши, ҳирс қурбонига айланиши, айниқса жамият учун ҳалокатли бир ҳолдир. Дононинг тубанлашуви инсониятнинг тубанлашувидир. Юнон афсонасига кўра нафис санъатлар кашфиётчиси бўлган машҳур уста Дедал ўзига Талос исмли жуда қобилиятли йигитни шогирдликка танлаган экан. Кунлардан бир кун Талос илоннинг жағини топиб олибди-да, у билан дарахтни ниҳоят нозик қилиб арралабди. Буни Дедал кўргач, кўнглида ҳасад уйғонибди ва санъатда ўзидан ўтиб, унинг обрўсига соя туширмаслиги учун уни қалъадан итқитиб юборибди. Халқ тез орада воқеадан воқиф бўлгач, Дедални жазога маҳкум этган экан.

Муҳаммад Абу Ғаззолий “Ихё ул-улум ад-дин” асарида шундай ривоятни келтиради: “Муса алайҳиссалом Аллоҳ таоло ҳузурига бораётган чоғида Арши аъло соясида бир кишини кўриб, унинг мартабасига ниҳоятда ҳаваси келди ва ўз-ўзига, шубҳасиз, бу улуғ зот Тангри таолонинг севган, ардоқли бандасидир” деди. Кейин Аллоҳ таолодан у кишининг исмини билдиришни сўраган эди, Парвардигор ўз пайғамбарининг саволига жавоб бермай, бундай деди: “Сенга унинг амалларидан учтасини айтаман. Биринчидан, у Аллоҳ ўз фазлу карами билан бошқа бандаларига берган неъматларга ҳасад қилмасди. Иккинчидан, оқпадар эмас эди. Учтинчидан, ғийбат ва чақимчилик қилмаган эди”.

Алишер Навоий ижодида дўстлик, ота-онага ҳурмат, тилга эътибор, чақимчилик, фисқу фужурлардан сақланиш масаласи марказий ўринларда туради, десак хато қилмаган бўламиз. Инсоннинг маънавияти унинг атрофидагиларга муносабатида билинади. Муносабат аввало сўзда зоҳир бўлади:

*Қулоқда асра гаронмоя сўзнию фикр эт,
Ки, дурсиз ўлса не бўлғусидур садаф ҳоли,
Сўзунгни доғи кўнгил ичра асрагилким, ҳайф
Ким, ўйла дуржни гуҳардин эткасен холи.
Бу дўржу икки садафни тўла дур этканга
Зиҳи улувви гуҳар балки гавҳари олий.*

Ёки бошқа бир қитъасида:

*Навоий, тилинг асрагил зинҳор,
Десангким, емай даҳр ишидин фусус,
Назар қилки, ўқ оғзи тилсиз учун
Қилур тожварлар била дастбўс.
Неча тожвардур, кесарлар бошин,
Чу ҳангомсиз наъма тортар хурус.*

Тасаввуф таълимоти ҳар бир нарсанинг қарама-қарши, тескари томони мавжудлигини, ҳаётнинг курашдан иборат эканлиги, ҳар бир нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси бор бўлиб, оламнинг боқий эмаслигини тушунтирадн. Масалан, ботиний (кўринмас) олам ва зоҳирий (кўринувчи) олам, ҳаёт - ўлим, билим-нодонлик, ирода-иродасизлик, қувват-заифлик, эшитиш - карлик, кўриш - кўрлик ва ҳоказо...

Навоий ижодиётида ҳам барча ундан олдинги мутасаввиф – мутафаккир шоирлар ижодида бўлгани сингари нафс ва тамаъга қаноат, ҳиммат, саховат, худбинликка ва ҳасадгүй-

ликка қарши жувонмардлик каби улуғ фазилатлар қарама-қарши қўйиб келинади. Навоий ёзади:

*Ҳар кимки, қаноат тарафи нисбати бор,
Барча эл аро тавозуғу иззати бор,
Улким, тамағу ҳирс била улфати бор,
Яхши-ёмон ичра зиллату накбати бор¹.*

Қаноат қанча роҳат ва фароғат бўлса, унинг акси бўлган тамағда шунча разиллик ва уқубат бор, дейди Навоий.

Инсон бу ижтимоий иллатлардан устун турмоғи, Навоий айтганча “ўзни мақсад манзилига”, яъни камолот сари интилмоғи лозим:

*Молу мулк, ҳар недур соликка банд,
Тўрт такбири фано урмоқ баланд,
Ҳар неким ғайри талабдур, ташламоқ,
Ўзни мақсад манзилига бошламоқ².*

Навоийдаги солик, бу – тасаввуф тариқатларидаги дарвеш ёки биродарлар эмас, балки жамиятнинг оддий аъзоларидир. Мақсад манзили ҳам тасаввуфда айтилганидек, фано ва бақо мақомлари ёки Аллоҳ билан қўшилиш мақоми эмас, балки маънавий, ахлоқий, илмий юксалишнинг олий даражасидир. Солик агар ҳаётда қаноатли бўлса, унга яшаш учун зарур бўлган талаблардан ўзга нарсаларга эҳтиёжи қолмайди. Бу эса инсон онгини захарлаб турган кўпгина иллатлардан фориғ бўлиш ва комил инсон даражасига етишишнинг гаровидир:

*Элға шараф бўлмади жоҳу насаб
Лек шараф келди ҳаёву адаб...
То бу васила била топиб қабул,
Мақсади аслий сори бўлғай нузул.*

Инсондаги ёмон хислатларни санаб, унинг сонини кўрсатиш мушкул: у шундай йўлга кириб қолганки, тўғрироғи, маърифатсизлик оқибатида ўзининг қайси иши тўғрилигини ҳам яхши билмайди. Навоий огоҳлантиради:

*Ғафлат агар бўлса бу ишдан даме,
Ким йўқ анингдек кишига мотаме.*

Инсон биринчи навбатда гуноҳлардан сақланишга ҳаракат қилмоғи лозим:

*Ўзни қилиб ғофилу ошуфтаҳол
Ҳар негаким, айлағайсан иштиғол,
Гарчи анга манфаати бўлмасун
Жаҳд этким, маъсияти бўлмасун.*

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ, 14 - жилд. – Т.: Фан, 1998, 53-бет.

² Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ, 12- жилд. – Т.: Фан, 238-239-бет.

Гуноҳлардан сақланишнинг биринчи шарты ёмонлик қилмасликдир:

*Яхшилик ар айламасанг иш чоғи
Айламағил бори ёмонлиқ доғи.*

Иккинчи шарт бировга озор бермоқдан сақланишдир:

*Асра ўзунгни биров озоридин
Кимсага озурдалиқ изҳоридин*

*Қилма улус ирзу иёлига қасд,
Айлама эл жонию молиға қасд.*

Учинчи шарт қўли очикликдир:

*Базл тариқини шиор айлагил
Ҳар неки борингни нисор айлағил.*

Маълумки, тасаввуфда Ҳаққа етишиш йўлида Солик “шариат” “тариқат” ва “ҳақиқат” манзилларидан ўтиши керак. Бунда у Аллоҳни билишнинг куйидаги ҳолатларини бошидан кечиради: аввал оламни билиш мушкуллигидан қўрқиб саросимага тушиш, ҳайронликда қолиш, кейин ташқи дунё нарса-ҳодисаларини мушоҳада эта бошлаш, зоҳирий мушоҳададан аста-секин моҳиятни идрок қилишга ўтиш. Моҳиятнинг улуғворлигини ҳис этиб, уни кашф қилиш билан руҳий-тафаккурий қониқиш туйиш.

Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида кўнгил таърифига берилган “Уч ҳайрат”и тасаввуфдаги билиш назариясининг бағоят гўзал тасвирланган ифодасидир.

Билиш уч поғонада ўтади: 1. Илм ул-яқин. (Ўқиш, ўрганиш, мантикий хулоса чиқаришдаги назарий билимлар, масалан, олов куйдиришини билиш каби. 2. Айн ул-яқин, (Кузатиш оқибатида қатъий хулосага келиш. Масалан, олов куйдирганидан сўнг рўй берадиган ҳолатни мушоҳада қилиш).

3. Ҳаққ ул-яқин. (Идрок қилиш, ўзида ҳис қилиш. Масалан, оловда ўзи куйиб, куйиш не эканлишни англаш каби). Инсон ўзлигини, моҳиятини билиб борар экан, руҳини палид ун-сурлардан тозалай боради, ахлоқан покланади. Бу унинг такомиллашишига, Ҳақ моҳиятига яқинлашишига олиб боради. Бироқ бу йўл жуда машаққатли бўлиб, ошиқ кўп риёзатлар чекиши муқаррар:

*Лек Семург истаган ул жамъи тайр,
Ким сулук ичра рнёзат бирла сайр,
Айлабон чун ўзни қобил қилдилар,
Ул талабднн васл ҳосил қилдилар.
Сенда қш билқувва ул мавжуд эрур,
Феълға келса даво мақсуд зрур.¹*

Семург (Ҳақ)ни излаб чиққан қушлар, – дейди Навоий, – кўп риёзатлар чекдилар ва васлга эришдилар. Сенда ҳам шу қувват мавжуд, фақат яхши ишлар мақсадга етказди. Бу маса-

¹ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ, 12- жилд. – Т.: Фан, 1996, 302-бет.

лада Боязид Бистомийнинг ажойиб таъбири бор. У инсоннинг ҳар иккала қўли ўнг бўлиши керак, дейди, Ўнг қўл фариштаси яхши ниятларни, чап қўл фаришгаси инсон йўл қўйган ёмон ишларни ёзиб бораркан. Агар ҳар икки қўл хайрли ишлар билан банд бўлса, бу инсон Аллоҳнинг саҳий қулидир. Шунда Навоий айтганидек:

*Бордур инсон зотида онча шараф,
Ким ямон ахлоқин этса бартараф,
Бўлмаса фиръавнлиғнинг пайрави
Қолмас ондин жуз сифоти мусавий.*

Азиз Насафийнинг “Зубдат ул-ҳақоик” асарида инсон йўли ҳақида шундай дейди: “сулук – араб тилида юришни билдиради, Демак, солик ташқи одамда, шунингдек, ички оламда деса ҳам бўлади, сайр қилувчи кишидир. Сулук – Худога қараб йўл олиш. Агар сўзларимни тушунмаган бўлсанг, бошқача тушунтираман. Билки, тасаввуфда сулук ёлғон сўзлардан яхши сўзларга, ёмон ишлардан яхши ишларга, бефойда хислатлардан яхши хулққа ва ўз вужудидан Олий Зот (Аллоҳ)нинг вужудига юришдир. Шу фазилатларга эга бўлгач, маърифат нурлари унга пешвоз чиқадилар ва у (солик) оламдаги нарсаларнинг асл қиёфасини кўради, яъни у Ҳақ вужудига қайта туғилади.

Инсондаги ёмон хислатларни санаб, унинг сонини кўрсатиш мушкул: У шундай йўлга кириб қолганки, тўғрироғи, маърифатсизлик оқибатида ўзининг қайси иши тўғрилигини ҳам яхши билмайди.

Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” достонида шундай бир эпизодни келтиради. Унда бир куш: “Иблиси лаин макр-ҳийла билан мени ярамас ишларга ундайди, кўнглимга ҳар хил ва-свасалар солади. Ундан қутулишга ҳеч бир ақлим етмайди” деб Худхуддан маслаҳат сўрайди. Худхуд айтадики, “инсоннинг ёмон йўлдан юришига шайтон эмас, нафс сабабчидир, Чунки нафс шундай бир балоки, унинг олдида ҳатто юзта шайтон ҳам ип еча олмайди:

*Нафсинг онча кўргузур талбисни
Ким, қилур шарманда юз иблисни.
Сенки ёр ўлдунг бу янглиғ нафс ила,
Не учун шайтондин эткайсен гила?*

Демак, нафс – инсондаги энг ёмон иллат. Нафсдан фориг бўлмаган киши ишқни бу гуноҳ чиркидан поклаши зарур. Нафснинг даҳшатли бало эканлиги шундаки, агар қаноат кўп яхши хислатларнинг ибтидоси бўлса, у ёмонликларнинг ибтидосидир. Масалан, нафси бузуқ одам мол-дунёни яхши кўради. Оқибатда вужудини мағрурлик эгаллайди. Мағрурлик манманликни, манманлик худбинликни келтириб чиқаради ва ҳоказо.

Шунингдек, нафс таъманинг ҳам онасидир. Нафси бузуқ инсоннинг кўзи ўзгалар чўнтагида, бахтида, фаровонлигида. Навоий буни қоралар экан, ёзади:

*Кўп олтин, кумуш сари қўл сўнмоғил
Ки тутсанг кафтингни қора занг этар,
Кўнгилда доғи майлини асрама,
Ки, кўнглунгни доғи ҳамул ранг этар¹.*

¹ Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. МАТ, 4- жилд. – Т.: Фан, 1989, 495-бет..

Инсоннинг ўз меҳнати билан ҳалол кун кўриши ўзгаларга қарамлик ва мутеликдан келиб чиқадиган турли салбий ижтимоий кўринишлардан сақлашини шоир шундай тушунтиради:

*Синук сафолким, май дурдин ичкали, топсанг,
Қабул айлагил жоми салтанат Жамдин.
Иликка кирса қуруқ нон, маош учуп чекма,
Нашот неъматининг миннатини Хотамдин.*

Инсон ҳаётдан мағрур, бошини тик кўтарган ҳолда ўтишни ният қилса саховатпеша бўлсин, дейди Навоий ҳадиси шариф кўрсатмалари асосида. Зеро, берувчи қўл ҳамиша юқоридадир:

*Кишики, илгини устун тилар, сахо қилдик,
Қўлида захри Ҳалоҳилу гар Хизр суйидир.
Ки, бергучи агар ўлсун гадою олғучи шоҳ,
Берур илик юқорию олур илик қуйидир.*

Сахийлар қайси тоифа ва табақадан бўлмасин, улар асл инсонлар бўлиб, ҳамиша эл ғамида, юрт дардига шерикдирлар. Шу сабабли уларни эл-юрт ҳурмат қилади, иззатини жойига қўйиб, бир умр яхшилик билан эслайди, шоир ёзганидек, икки дунё саодати уларга ёр:

*Кирмагай жаннат ичра ҳеч бахил,
Гарчи ул булса саййиди қурайший.
Бормагай дўзах ичра сахий,
Филмасал бўлса бандаи ҳабаший.*

Ёки яна бир қитъасида:

*Бийик мақомига улким тилар, сабот керак
Ки эгриликни қўюб, тузлук айласа қонун.
Туз ўлса соясида эл тиниб, манор киби
Сипеҳр уйида турар қарнлар, нечукки сутун.
Гар эгрідур ёғубон ўқу боғланиб бўйни,
Бўлур қабақ йўғочидек беш-ўнча кунда нигун¹.*

Ҳа, эгриликни билмаган одам ҳеч қачон ёлғон гапирмайди. Ёлғон эса инсонни турли мудҳиш хатоликларга дучор қилади. Оқибатда турли жиноятлар содир бўлиши ва инсонинг маънавий инқирози, тубанлашувига олиб келиши муқаррардир. Оқил инсоннинг вазифаси донишмандларнинг ўғитларига қулоқ осиб, уларнинг панд-насиҳатларидан керакли хулоса чиқаришдир. Ўзидаги ёмон иллатлардан иложи борича тезроқ қутулмоғи даркор, акс ҳолда йиллар куюн мисол ўтиб кетиши, умр интиҳосида эса иллатлар гирдобидан чиқиш амри маҳол бўлади:

¹ Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар, МАТ, 3 - жилд. – Т.: Фан, 1988, 532-бет.

*Биравким хирадманднинг нуктасин,
Қулогига осмас, не нуқсон мунга.
Жавоҳирни термак анга саъб эса,
Эрур сочмамағлиғ худ осон мунга¹.*

Улуғ шоиримизнинг ҳаёт фалсафаси ва таълимоти даврлар ўтса ҳам ўз долзарблигини йўқотмайдиган, ҳатто бугунги кунда ҳам барчамиз учун дастуруламал бўлиш даражасида тарбиявий аҳамиятга эга бебаҳо манбадир. Навоий асарларининг асрлар оша бизнинг давримизгача тиллардан тилларга, диллардан дилларга кўчиб, ўз машҳурлигини йўқотмай келаётганлиги бнр сўз билан айтганда, Алишер Навоий буюклигининг сири ҳам мана шунда!

¹ Алишер Навоий. Бадоеъ ул-васат, , МАТ, 5 - жилд. – Т.: Фан, 1990, 503-бет.

Мундарижа

НАВОИЙ ЗАМОНДОШЛАРИ ЭЪТИРОФИДА

Кириш	7
Буюк мақсад йўлида (Жомий ва Навоий).....	9
Абдуллоҳ Ҳотифий.....	13
Камолиддин Ҳусайн Кошифий	15
Атоуллоҳ Асилий	16
Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайний.....	18
Шамсиддин Муҳаммад Бадахший.....	19
Ҳусайн бин Муҳаммад ал - Ҳусайний	21
Муҳаммад Аҳлий Шерозий	24
Камолиддин Биноий	34
Ғиёсиддин Хондамир	39
Хулоса ўрнида.....	43

НАВОИЙ НАВОСИДАН БАҲРА ОЛИБ...

Навоийнинг оқ, фотиҳаси.....	45
Маъни садафининг дурри яктоси.....	49
Каттақўрғон ҳам шоирлар юрти.....	52
Китобхонлик давралари	53
Мирийнинг амири	57
Навоийнинг каттақўрғонлик муҳиблари	59
Устозга эргашиб.....	64
Мушоара	76
Хулоса.....	82

АЛИШЕР НАВОИЙ

Муқаддима	84
Навоийшунослик босқичлари	87

I БОБ

НАВОИЙГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ЎЗАРО ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИК-ТЕКСТОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Оиласи	99
Болалиги	106
Йигитлик даври	107
Навоий ва Абу саъид Мирзо муносабатлари.....	109
1.2. Алишер Навоийнинг балоғат даври	116
Хайрия амаллари.....	125
Мол-мулки.....	126
Яқинлари ва суҳбатдошлари	128
Вафоти.....	129
Нақл ва ривоятлар.....	130
Таърихлар	133

II БОБ. НАВОИЙ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ

Буюк дўстлик	145
Мухрдорлик	148
Амирлик	153
Иккинчи истеъфо	155
Навоий - астробод ҳокими	160

III БОБ. СУЛТОН ҲУСАЙН, ВАЗИРЛАР ВА АЛИШЕР НАВОИЙ

Навоий ва Мажиддин Муҳаммад	168
Муносабатлардаги ўзгаришлар	170
Навоий ва Низомулмулк	174
Муносабатларнинг илиқлашуви	176
Рубоия:	177
Умр интиҳоси	180
Охирги илтимос	184
Хулоса	188
1-Илова	191
2-Илова	202
3-Илова	261
Адабиётлар	265

АЛИШЕР НАВОИЙ АҚИДАЛАРИ: БИРИНЧИ СУҲБАТ

Кириш	274
Инсон бурчи	276
Инсон қалбида яширилган хазина	278
Ишқ фалсафаси	280
Диний бағрикенглик	283
Ахлоқ ва нафс тарбияси	285

УЎК 821.512.133.06(091)

КБК 83.3(5Ў)

И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Шухрат Сирожиддинов: Навоий замондошлари эътирофида; Навоий навосидан баҳра олиб...; Алишер Навоий (манбаларнинг қиёсий типологик - текстологик таҳлили; Алишер Навоий ақидалари: нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. 296 бет.

Ж.18: Шухрат Сирожиддинов: Навоий замондошлари эътирофида; Навоий навосидан баҳра олиб...; Алишер Навоий (манбаларнинг қиёсий типологик - текстологик таҳлили; Алишер Навоий ақидалари: . 296 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фолклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123-5-1

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Ўн саккизинчи жилд

Шухрат СИРОЖИДДИНОВ

НАВОЙ ЗАМОНДОШЛАРИ
ЭЪТИРОФИДА

НАВОЙ НАВОСИДАН БАҲРА ОЛИБ...

АЛИШЕР НАВОЙ
Манбаларнинг қиёсий типологик
текстологик таҳлили

АЛИШЕР НАВОЙ АҚИДАЛАРИ
БИРИНЧИ СУҲБАТ

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Иқром*
Мусахҳиҳ: *Шоҳрӯз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“ТАМАДДУН” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами АІ №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108^{1/16}.
Cambria гарнитураси. 18,5 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.